Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2022

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

УЧИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Натан МАЛЛАЕВ

СЎЗ САНЪАТИНИНГ ГУЛТОЖИ

*** *** ***

Ботирхон АКРАМОВ

ФАСОҲАТ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

*** *** ***

Шарофиддин ШАРИПОВ

“ЛИСОН-УТ ТАЙР” ҲАҚИҚАТИ

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Муслиҳиддин Муҳиддинов, Муҳаммаджон Имомназаров,
Сирожиддин Саййид, Иброҳим Ҳаққул, Шуҳрат Сирожиддинов,
Баҳром Абдуҳалимов, Мирзо Кенжабек, Жаббор Эшонқул, Нурбой Жабборов,
Афтондил Эркинов, Исажон Султон, Ваҳоб Раҳмонов, Шуҳрат Ризаев,
Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов,
Султонмурод Олим, Каромат Муллахўжаева

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов,
Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2022

НАТАН МАЛЛАЕВ

СЎЗ САНЪАТИНИНГ ГУЛТОЖИ


QILM AHLI BILINGIZKIM, ISH EMAS DUSHMANLIG,
YOR OLUNG BIR-BIRINGIZGA KIM, ERUR YORLIG ISH.

«ҲАЙРАТУЛ-АБРОР»

«Ҳайратул-аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») жанр хусусияти ва композиция тузилиши жиҳатидан «Хамса»нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади. «Ҳайратул-аброр» фалсафий-таълимий достондир. Бу асарида Навоий фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини баён этиш, кишиларга таълим ва ўгит беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Одатда, бундай достонда, мавзу бирор воқеа сюжетини ҳикоя қилиш асосида эмас, балки ёзувчининг фикр-мулоҳазалари баёни асосида ёритилади. Бу ҳолат «Ҳайратул-аброр»нинг жанрига хос иккинчи бир хусусиятни вужудга келтиради, лирик ифодани, тавсиф ва таърифни асосий ва етакчи ифода усулига, эпик тасвирни эса қўшимча ва ёрдамчи усулга айлантиради. «Ҳайратул-аброр»да ҳаёт, воқелик шоирнинг эпик баёни – ҳикояси эмас, балки унинг фикр-мулоҳазалари, ҳис-туйғуси ва таъриф-тавсифи орқали ёритилади. Шу маънода «Ҳайратул-аброр» лирик-тавсифий достондир. Бироқ бу ҳолат унда эпик тасвирни, ҳикоят ва масалларни мустасно қилиб қўймайди. Зероки, В. Г. Белинский айтганидек, поэзиянинг уч тури: «Мустақил элементлар сифатида, айрим-айрим мавжуд бўлсалар ҳам, лекин алоҳида асарларда кўриниш бериб, улар бир-бирларидан кескин чегаралар билан ажралмайдилар. Аксинча, улар, кўпинча, аралаш ҳолда учрайдилар...»[1]

«Ҳайратул-аброр»нинг бундай жанр хусусияти унинг композицион тузилишини ҳам белгилайди. «Ҳайратул-аброр»нинг ҳар бир боби махсус бир масалага бағишланади. 7976 мисрадан ташкил топган «Ҳайратул-аброр» 64 бобга бўлинган. Булардан 21 боби – муқаддима, 40 боби – 20 мақолот ва 20 ҳикоят ҳамда масал, сўнгги уч боби эса достоннинг хотимасидир. Достоннинг асосини 20 мақолот ташкил этади, ҳикоят ва масаллар эса илова тарзида берилади. Муқаддима Худо, пайғамбар ва халифалар ҳақидаги анъанавий қисмлардан ташқари Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларга бағишланган бобларни, Ҳусайн Бойқаро мадҳи, сўз таърифи, сўзнинг маъноси, кўнгил таърифи ва бошқа бобларни ўз ичига олади.

Мақолотлар ва уларга илова қилинган ҳикоя ҳамда масалларнинг сираси эса қуйидагича:

Имон ҳақида. Илова – Султон Боязид ҳикояти.
Ислом бобида. Илова – Иброҳим Адҳам ҳикояти.
Салотин (султонлар) бобида. Илова – Шоҳ Ғозий ҳикояти.
Риёйи хирқапўшлар (шайхлар) сулукида. Илова – Хўжа Абдуллоҳ Ансорий ҳикояти.
Карам васфида. Илова – Ҳотами Той ҳикояти.
Одоб ҳақида. Илова – Нуширвон ҳикояти.
Қаноат бобида. Илова – қониъ ва таъмагир ҳикояти.
Вафо ҳақида. Илова – икки вафодор ёр ҳикояти.
Ишқ ўти таърифида. Илова – Шайх Ироқий ҳикояти.
Ростлик таърифида. Илова – Шер ва Дуррож масали.
Илм ҳақида. Илова – Имом Фахриддин Розий ҳикояти.
Қалам ва қалам аҳли ҳақида. Илова – Ёқут ҳикояти.
Саҳобдек нафърасонлар бобида. Илова – Аюб ҳикояти.
Фалакдан шикоят. Илова – Искандар ҳикояти.
Майхўрлар ҳақида. Илова – Бани Исроили ринд ҳикояти.
Худнамолар ҳақида. Илова – Абдуллоҳ Муборак ҳикояти.

[1] В. Г. Белинский. Танланган асарлар. Уздавнашр, Т, 1955. 151-бет.

Табиат тасвирида. Илова – Имом Зайнул Обидин ҳикояти.
Фалак ғамхонасида. Илова – Чин гўзали ҳикояти.
Хуросон таърифида. Илова – Баҳром ҳикояти.
Бадиуззамон таърифи. Илова – Хўжа Муҳаммад Порсо ҳикояти.
«Ҳайратул-аброр»нинг уч композиция занжири бор:
а) достоннинг умумий композицияси;
б) мақолотларнинг композицияси;
в) ҳикоят ва масаллар композицияси.

«Ҳайратул-аброр» ғоявий мазмуни, бобларнинг ўзаро ғоявий боғланиб бориши, биридан иккинчи бирининг келиб чиқиши, такомиллашуви ва хусусан, бош қаҳрамон шоир ва мутафаккир Навоий образи билан умумий, ягона композиция занжирига эгадир. Бу жиҳатдан қараганда ҳатто достоннинг анъанавий муқаддимаси бўлган ҳамд, муножот ва наътлар ҳам унинг асосий боблари – мақолотлари билан маълум даражада узвий боғланади. Чунки уларда ҳам достоннинг мақолотларида етакчи бўлган инсонпарварлик, халқпарварлик, маърифатпарварлик ва дидактик мушоҳадаларнинг куртаклари бор. Мисол учун тўртинчи муножотнинг қуйидаги мисраларини олайлик:

...Лутфу карам ганжини неткунг дурур?
Кимга атову карам эткунг дурур?
Бир неча муҳтожу асиру гадо?
Юзлари силлийи гунаҳдин қаро...
Хон анга ёйғилки эрур муштаҳи,
Тўқ емас, ар еса бўлур мумтали.
Ансаб анга луқмаки ул оч эрур,
Авли анга тўнки яланғоч эрур.

Бу мисраларда Навоий бева-бечораларнииг, оч-яланғочларнинг аҳволига ачиниб, уларнинг фаровон бўлишларини орзу қилади. Низомий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, сўз ва кўнгил таърифига доир муқаддима боблар эса достоннинг асосий қисми билан бевосита ва узвий боғланади. Мақолотлар ўз ички композициясига эга бўлиб, уларга илова қилинган мустақил композицияли ҳикоя ва масаллар мақолотларнинг, шу билан бирга достоннинг умумий композициясини тўлдиради ва такомиллаштиради.

«Ҳайратул-аброр» мутафаккир, донишманд ва мураббий шоирнинг достонидир. Бу достонда Навоийнинг турли-туман масалаларга доир фикр-мулоҳазалари баён этилган. Достоннинг бобларида ёритилган масалаларни шартли равишда уч туркумга: фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масалаларга ажратиш мумкин.

* * *

Ижтимоий борлиқ ва илоҳиёт, инсон ва унинг ўзлиги, дин, тасаввуф ва бошқа масалалар Навоий фалсафий қарашларининг асосий масалалар доирасини ташкил этади. Бу масалалар «Ҳайратул-аброр»да ҳам маълум даражада ўз ўрни ва ифодасини топган.

Навоий ўрта асрда ўзининг гуманизми, рационалистик мушоҳадаси ва халқпарварлик майли билан яшаган муҳити фалсафий қарашлари савиясидан юқори кўтарилади, тараққийпарвар улуғ мутафаккир сифатида гавдаланади.

Навоийнинг фикрича, илоҳиёт – Худо бутун борлиқнинг ягона мояси – субстанциясидир. Аввал бошлаб ёлғиз Худонинг ўзидан бўлак бошқа ҳеч ким ва ҳеч нарса бўлмаган. Худо ҳадсиз куч-қудрат ва чексиз имкониятларга эга бўлган. Бироқ ҳали у ўз-ўзида эди. Худо ўз куч-қудрати ва имкониятларини намойиш этиб, бутун борлиғини яратди. Бу борлиқ худди бир ойна (миръот) бўлиб, унда илоҳиёт зуҳур этган:

Не бўлиб аввалда бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,
Борчага холиқ борига айн ўзунг.

Шундай қилиб Навоий бир томондан ижтимоий борлиқни эътироф қилади, иккинчи томондан уни илоҳийлаштиради. Навоий пантеизми объектив борлиқни илоҳийлаштиришга қарамай, мавжуд оламга, хусусан, инсонга самимий муҳаббат билан ёндашуви, инсон ва унинг фаолиятига ишонч билан қараши жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга эди. Чунки Навоий ижтимоий борлиқни инкор этувчи ва уни рад қилувчиларга қарши ижтимоий борлиқни эътироф қилибгина қолмай, балки уни севишга, уни яхшилашга, инсоннинг бахт-саодати учун курашга интилар ва кишиларни шунга йўллар даъват этарди.

Инсон бутун борлиқнинг кўрки ва шарафидир. Оламнинг олам бўлиб вужудга келишида ғараз ҳам мана шу инсондир:

Мунча ғаройибки мисол айладинг,
Борчани миръоти жамол айладинг.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек боридин ғараз инсон эди.
Конию ҳайвони, агар худ набот,
Ҳар бири бир гавҳари олий сифот,
Борчасини гарчи латиф айладинг,
Борчадин инсонни шариф айладинг.

Инсоннинг бахт-саодати учун, камолоти учун кураш «Ҳайратул-аброр»нинг асосий етакчи ғоясидир.

Ижтимоий борлиқ ва илоҳиёт масаласи Навоийнинг хусусан, «Лисонут-тайр» фалсафий достонида кенг ёритилади, шоир ўзининг фикр-мулоҳазаларини ривожлантиради, такомиллаштиради.

Навоий динни эътироф этади, ислом ва имон шартларини таъриф ва тавсиф қилади, тасаввуфнинг Баҳоваддин Нақшбанд ва Хўжа Аҳрор каби йирик намояндаларини мадҳ қилади. Бироқ Навоийнинг жоҳил, инсофсиз ва ҳийлакор дин-шариат пешволарини фош этиши ғоятда ижобий аҳамиятга эга эди. Бу жиҳатдан, айниқса, «Ҳайратул-аброр»нинг тўртинчи мақолоти – «Хирқапўш шайхлар...» диққатга сазовордир. Навоий бу мақолотда хирқапўш шайхларнинг ташқи қиёфасини ҳам кирдикори ва феъл-атворини ҳам усталик билан тасвирлаб, уларни шармандайи шармисор қилади. Шайх хирқасининг ипи макр риштаси бўлса, елкасидаги бахялар наҳс юлдузи, чойшаби ёлғон тонг, ҳассаси ҳийлакорлик уйининг устуни, таъмагирлик кемасининг эшкаги... соқоли кишини кулдиради, у эчкидек эгри ёғочга чиқса-да, бироқ эчки (ўйинда) ўғрини тутиб беради, шайх эса ўзи ўғри. Шайх банги, қорадори унинг ёнидан аримайди. Сирти тозадек, ичи ифлос, таши озода, ичи

ахлатхона... кўйлагига мушк сепган, лекин қалбида ит ўлиб сасиган... у зикр тушиб филдек депсинади, нафс олдида қафасдаги ҳайвондек хору залил. Бундай кишига дўзах ўти ҳам хайф. Бироқ шу ҳолда у ўзини хизру пайғамбар деб кўрсатади... Хонақоҳи – фисқ-фасод маскани. У мурид овлайди, бирини хилватнишин қилса, яна бирини зўрлик билан узлатга чекинтиради. Муридлари ҳам ўзидек нодон ва алдамчи, воқеачи унга ёлғон тушини сўзлайди, шайх эса уни ёлғон сўзлар билан таъбир қилиб беради... Афсуски, бундай шайхлар обрў-эътибор қозониб, ҳатто шоҳларни ҳам авраб мурид қиладилар, инъом ва туҳфага, мол-мулкка эга бўладилар. Хуллас:

Бу эл эрур борча ёмондин-ёмон,
Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон.

Навоий улар хомхаёл билан ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам хароб қиладилар, дейди.

Хонақоҳлар тобора кўпайиб борган, шайхларнинг нуфузи ортган жамият шароитида Навоийнинг шайх-зоҳидларни дадиллик ва кескинлик билан фош этиши ғоятда катта аҳамиятга эга эди.

* * *

Навоий бошқа асарларида бўлгани каби «Ҳайратул-аброр»да ҳам яшаган даврининг ижтимоий-сиёсий масалаларига кенг ўрин беради. У XV асрнинг ҳаққоний ҳаёт лавҳаларини тасвирлайди, мавжуд муҳитнинг айрим иллатларини дадиллик билан танқид қилади, халқнинг орзу-армонларини куйлайди, турли ижтимоий табақаларни таъриф ва тавсиф этади, уларни бир-бирига чоғиштиради, қарама-қарши ёки параллел қўяди, бирларини олқишлайди, бирларини танқид қилади, бирларини фазл-камолотларини ривожлантиришга, бирларини хато ва хатар йўлидан, турли нуқсонлардан қутилиб тўғри йўлга тушишга ундайди, бирларига табассум, бирларига қаҳру ғазаб қилади. Шоир уларнинг шакл-шамойилларини, афт-башараларини, кийим-кечакларини, феъл-атвор, мақсад ва муддао, завқи ёки ғазабини ёритишда санъаткорлик маҳоратини ишга солади, муболаға ва ўхшатиш, киноя ва истиора, тазод ва тадриж каби адабий усул ҳамда бадиий тил воситаларидан фойдаланади.

Навоий ижтимоий-сиёсий ҳаёт воқеаларини улуғ гуманист ва пешқадам маърифатпарвар мутафаккир сифатида ёритишга, эл-юртнинг манфаатларини ҳимоя қилиш асосида ёритишга интилади. Бу билан у XV аср қобиғида қолиб кетмайди, балки даврларга мансуб ва манзур бўлиб қолади.

«Ҳайратул-аброр»даги:

Одамий эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами, -

байти Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиёти учун етакчи бир шиор бўлиб қолади. Навоий инсонни севади, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади ва бахт-саодати учун курашади. Навоий севган инсон ярамас хислат ва иллатлардан мусаффо, фозил ва комилдир. У меҳнаткаш ижодкор, ўз касб-корини, лавозимини мукаммал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фаолияти ва интилишлари билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи инсондир. Тенги йўқ сахий Ҳотами Тойни ўз меҳнати ва қаноати билан тонг қолдирган мўйсафид, билимли ва заковати билан Хоразм шоҳини лол этган олим Фахриддин Розий ва

бошқалар шундай инсонлар жумласиданднр. Навоий барчанинг шундай Инсон бўлишини истайди.

Бироқ Навоий яшаган муҳит турли-туман зиддиятлар билан, ҳақсизликлар билан тўлиб-тошган эди, зулм ва жаҳолат, худбинлик ва маишатпарастлик, хусумат ва адоват авж олган эди, меҳнат аҳллари оч-яланғоч, маърифат намояндалари хор-зор, жоҳил ва золим кишилар мансаб-мартабада эдилар. Шоирнинг орзу-армонлари яшаган муҳитинипг иллатларига тўқнаш келиб, унинг аламли, қайғули мисраларини вужудга келтиради. Бироқ шоир чекинмайди, у ўша иллатларни ҳужумкорлик билан танқид қилишга киришади, уларни ҳажв қамчиси билан савалайди, ҳаётни, муҳитни тузатиш, яхшилаш йўлларини излай бошлайди[1].

Ишратпараст подшо Баҳром овга чиқиб бир қишлоққа келиб қолади. Қишлоқ хароб, Баҳром тушган деҳқон манзили эса вайрона ва мунгли:

Чотма дема, ҳажр қора шоми де,
Зулму тааб қушларининг доми де,
Ошиқлар кўнгли уйидек йиқуғ,
Тирлари ҳар тарафдин чиқуғ.
Барча яланг ҳодиса торожидин,
Барча нигун зулм илиги кожидин.

Бу манзара ўнлаб қишлоқларнинг, минглаб кулбаларнинг ҳақиқий манзараси эди.

Жисмоний меҳнат аҳллари: деҳқонлар, чорвачи ва косиб-ҳунармандларгина эмас, балки илм-маърифат аҳлларининг ҳам аҳволи жуда мушкул эди. Мадраса талабаларининг аҳволи янада аянчли ва мунгли эди. Мана, мусофир талаба аҳволининг ҳаққоний тасвири:

Зулм дурур ушбуки бир нотавон,
Илм тилаб шаҳридин ўлғай равон.
Айни фалокатдин аёғи яланг,
Тўни йўқидин тани доғи яланг.
Халқ кўпу йўқ, бири ёри анинг,
Кўздин учуб шаҳру диёри анинг.
Кўча кўпу, эв кўпу бозор ҳам,
Билмайин улким, қаён урғай қадам.
Сайр этиб оқшомғача бетўшае,
Чун бўлуб оқшом тутбон гўшае.
Заъф ила ҳуши ўзига келмайин,
Тонгғача уйқу кўзига келмайин.
Не топилиб кундуз анинг маскани,
Не билиниб кеча анинг маъмани.
Бўйла ғаму меҳнати даврон чекиб,
Ўну ўн беш йил югуруб, жон чекиб.
Баъзи ўлуб, баъзи итиб ҳар тараф,
Баъзи этиб доиясин бартараф.

[1] Муаллиф ушбу китобни нашрга тайёрлашда аввалги асарларига, хусусан, олий ўқув юртлари учун ёзган дарсликка таянди, улардан кенг фойдаланди.

Эврулубон доираи моҳу сол,
Зоҳир бўлуб бир-икки соҳиб камол.

Не-не машаққатлар билан илм олган олимнинг аҳволи ва истиқболи унинг талабалик давридан деярли фарқ қилмас эди.

Сарой аҳллари, амир-амалдорлар, қози ва муфтилар эса зулмзўрлик билан мол-дунё орттирар, айш-ишрат, ҳузур-ҳаловат билан ҳаёт кечирар эдилар. Мана, золим ва жоҳил ҳукмроннинг саройи манзараси, сарой аҳлларининг кирдикори ва фаолияти:

...Базмлар муҳайё бўлган жаннат боғидек у қасрларнинг зийнати нимадан вужудга келган? Пардалари ипи элнинг жонидан, лаъли ва қизил бўёғи улуснинг қонидан. Қуёш тусли нақшлар эл моли билан зарланган, элнинг дуру лаъли билан гавҳарланган. Ғиштини масжидни бузиб олиб келган, тошини элнинг қабристонидан... Шоҳ шундай жойда шоҳона айш-ишрат сурасан... Ярим тунгача шундай айш-ишрат қурасан. Бу аҳволингга қадаҳ қон йиғлайди, шам куйиб, кўз ёши тўкади (шамнинг эриб оқиши), хўроз кўкка фиғон қилади (тонг отиб, хўроз қичқиради)... Базмдаги қария ҳам, йигит ҳам ҳар бири бир телба итга айланади... маст-аластликдан чарчаб ўликка ўхшаб йиқилиб ётиб қолади. Тонг отади. Бироқ шоҳ ва унинг амалдорлари уйқуда. Уйқу кўзларидан узоқлашгач, ҳар бири бир зулм билан машғул бўлади. Ўзларининг айш-ишратларини суриш учун элга ситам қиладилар. Яна айш-ишрат асбоби муҳайё бўлиб, яна базм бошланади... ҳар куни тунгача бу ёмонлик давом этади, тонгга қадар ғафлат ҳоким бўлади...

Қози эса:

Аввал эрур котиби дорулқазо,
Иш анга ношаръиға бермак ризо.
Шоҳиди одил анга ёлғон тонуқ,
Туҳмат этарга дирам олғон тонуқ.
Ноҳақ учун ёзиб узун можаро,
Ўз юзидек сафҳани айлаб қаро.
Борча хиёнатни диёнат билиб,
Борча диёнатда хиёнат қилиб.
Хўша узумким, киши ришват деса,
Куйдурубон боғни жаннат эса.

Муфти қозидан қолишмайди. Ўзига бирон фойдаси бўлса, ҳар қандай ноҳақ ишга фотиҳа, туҳматга фатво беради. Девсифат девон омили – солиқ йиғувчи амалдор, қаерга бориб тушса, у ернинг тинчлигини бузади, деҳқонларнинг уй-жойини оёқости қилиб, фисқ билан шуғулланади, мол-жонига қасд қилади:

Бири яна омили девон бўлуб,
Дев анинг аъмолида ҳайрон бўлуб.
Чарх этибон исм амалдор анга,
Баҳра қилиб ушбу амал дор анга.
Қайси вилоятғаки, азм айлабон,
Эл ҳараму боғида базм айлабон.
Чаҳдағи тухм арпасини оти еб,
Уйда товуғларни сурук тоти еб.
Ҳосил ўшул уйга бало дорибон,
Қайси бало, балки вабо дорибон.

Хуллас, мансабдорларнинг иши ел каби совурмоқ, ўт каби куйдирмоқдир... Одати – қатл этиш, ҳар бир туки ўлим томиридир... Улар шундай тубанки, ит билан ҳамсоя, йўқ, балки ит уларнинг олдида инсондир... Ва ҳоказо.

Шу тариқа Навоий яшаган муҳитининг ижтимоий-сиёсий воқеликларини ростгўйлик билан тасвирлайди, иллатларини ошкор этади, ҳаққоний танқидий манзаралар, портретлар яратади. Бироқ у муҳитнинг кескин зиддиятлари, зулму қабоҳатлари асл сабабларини тополмайди, мавжуд жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизларини сақлаган ҳолда бу жамиятни тузатиш, унинг иллатларини йўқотиш мумкин деб ўйлайди. Бунга у кишиларнинг хулқ-атворини тарбиялаш ва адолатли подшо бошлиқ марказлашган давлатни вужудга келтириш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. «Ҳайратул-аброр»нинг учинчи боби – «Салотин бобида...» махсус шу масалага бағишланади, бошқа бобларда ҳам бу масала салмоқли ўрин тутади.

Навоий айтганидек, Худо шоҳликни ато қилган киши ҳам аслида оддий бир бандадир:

Бил муниким, сен доғи бир бандасен.
Кўпрагидин ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилқат аларғау сенга тийра хок.

Давлат бошлиғи одил, оқил, ориф ва эл-юртга ғамхўр бўлиши лозим:

Бўлди раият галаву сен шубон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.
Қўйни шубон асрамаса ою йил,
Оч бўри туъмасидур бори бил.
Бўрини доғи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил.

Навоий таъбирича, подшо ва унинг амир-амалдорлари икки турли: «яхши» (одил, ориф) ва «ёмон» (золим, жоҳил) бўлиши мумкин. Одил ва ориф подшоларни, амир-амалдорларни мақтаган, тўғрироғи, ўшандай кишиларни орзу қилган Навоий, золим ва жоҳил подшоларни, амир-амалдорларни қаттиқ танқид қилади, қоралайди. Мамлакат ва халқнинг тақдирини уларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракати оқибатига боғлайди:

Шоҳки иш адл ила бунёд этар,
Адл бузуқ мулкни обод этар.
Кофири одил ани обод этиб,
Мўъмини золим ани барбод этиб...

Золим ва жоҳил подшолар зулму жаҳолат йўлидан қайтишлари ва одил бўлишлари мумкин:

Зулмни тарк айлаву дод айлагил,
Марг кунидин доғи ёд айлагил.
Саҳвунгга де узр, таваҳҳум била,
Зулмдин эт тавба тазаллум била.
Кимники бедодинг этибдур асир,
Бўл анга адл илги била дастгир.

Овга чиқиб, деҳқоннинг хароба кулбасига меҳмон бўлган Баҳром бу харобаликнинг сабабини сўраганда, деҳқон:

Деди: бурун яхши эди ҳолимиз,
Зулм хароб айлади аҳволимиз.
Шоҳ улус ҳолидин огоҳ эмас,
Жуз маю мутриб анга дилхоҳ эмас.
Хайли очибон тамаъ оғзини кенг,
Айладилар мулкни ер бирла тенг, –

деб жавоб берган эди. Деҳқоннинг сўзлари Баҳромнинг кўзини очади, у маст-аластликдан, айш-ишратдан воз кечади, адолат билан мамлакат ишларини бошқаради. У қишлоқ обод, боғ-бўстон бир жойга айланади. Навоийнинг амалий мақсади ҳам мана шу эди. Навоий яшаган даврда ўзаро ихтилофлар мамлакатнинг сиёсий ҳокимиятини заифлаштириб бормоқда, иқтисодий ва маданий ҳаётга катта зарар келтирмоқда эди. Давлат бошлиғи Ҳусайн Бойқаро айш-ишрат ва сарой зиддиятларига гирифтор бўлиб бормоқда эди. Навоий ҳукмронлигининг, хусусан, дастлабки йилларида мамлакатнинг сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш, хўжалиги ва маданиятини ривожлантиришдаги катта хизматлар қилган Ҳусайн Бойқарони айш-ишрат гирдобидан, сарой зиддиятлари гирдобидан олиб чиқишга интилар ва унинг фаолиятига катта умидлар билан кўз тутар эди. Навоий шу истак-орзу билан «Ҳайратул-аброр»да Ҳусайн Бойқарони мадҳ этибгина қолмай, балки «Шоҳ Ғозий» ҳикоясида унинг идеаллаштирилган образини ҳам яратади.

Шоҳ Ғозий тахтга чиқади. У:

Адл эшигин элга кушод айлади,
Тахт уза ўлтирдию дод айлади.
Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни даф этти адолат била...

Шунда бир бева кампир: «Сен менинг ўғлимни жангда ўлдириб юбординг, сенда қон ҳақим бор», деб арзга келади. Шоҳ билан кампир қози олдига борадилар. Қози кампир қонга қон олмоқчи бўлса, подшони ўлдириши ё бўлмаса шоҳ уни рози қилиши керак», деб ҳукм чиқаради. Шоҳ бўйнига сиртмоқ солиб, кампирнинг қўлига беради, оёғи остига танга тўкади ва:

Деди: «Қасос айласанг олингда бош,
Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.
Мен эдим ул амрда беихтиёр,
Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр».

Кампир шоҳнинг одиллигини кўриб, хурсанд бўлади, унинг қонидан кечиб, олтин-кумушни олиб, «Золи зар» (Тилла кампир) деб ном чиқаради. Навоий Ҳусайн Бойқаро ва барча бойқароларнинг шундай бўлишини орзу қилар эди. Ҳикоядаги қози ҳам идеаллаштирилган қози образидир.

Ҳусайн Бойқаро билан унинг ўғиллари, айниқса, тўнғич ўғли Бадиуззамон ўртасидаги ихтилофлар авж олиб, давлат ишларига, эл-юртнинг осойишталигига салбий таъсир

этмоқда эди. Навоий сабр-бардош ва тадбир билан бу ихтилофларни бартараф этишга интилади, у «Ҳайратул- аброр»нинг хотимасида:

Шаҳға сўзумдин бор эса эътибор,
Гар санга ҳам панд десам ери бор, –

деб баъзан исёнкорлик хуружлари билан бош кўтариб турган валиаҳд шаҳзода Бадиуззамонга насиҳат қилади, уни айш-ишратга, мансабпарастликка берилмасликка, олижаноб фазилатларга эга бўлишга чақиради.

Шундай қилиб, Навоийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тарихий чегараланган, хийла зиддиятли бўлса ҳам, инсонпарварликка, халқпарварликка асосланган ҳамда амалий мақсадларни кузатгани билан аҳамиятлидир.

* * *

Донишманд мураббий Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг бир неча бобини бевосита ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига бағишлайди. У ҳикматомуз сўзлар билан яхши хулқ-одобни, эзгу хислатни тарғиб этади, ярамас одат ва хислатларни шафқатсиз танқид қилади.

Бешинчи мақолот карамга бағишланган. Навоий бу мақолотда сахийлик билан бахилликни бир-бирига қарама-қарши қўяди, улардан ҳар бирининг моҳиятини очиб беради. Саховат инсоннинг энг яхши сифати ва фазилатидир. Бироқ саховатнинг ҳам ўз шартлари бор. Сахий киши эҳтиёжмандларга кўмаклашиши, саховат беғараз, беминнат бўлиши керак. Сахийман деб тўкиб-сочиш ҳам яхши эмас, бу исрофдир:

Нақдни доғи гулдек совурмағил,
Ғунча киби доғи гириҳ урмағил.

Ҳар қандай ҳиммат ва саховатдан ҳам ўз қўл меҳнати билан кун кўриб, қаноат қилиш янада улуғроқ ва олижаноброқдир. Навоий бу фикрини тўлароқ ифодалаш учун Ҳотами Той ҳикоятини келтиради. Ҳотамдан сен ўзингдек бошқа бирор ҳимматли кишини кўрганмисан деб сўраганларида, у бундай ҳикоя қилади: кунлардан бир кун катта зиёфат олдидан далага чиқиб айланиб юрганимда чўп-хас йиғиб бозорга томон бораётган қомати букчайган бир мўйсафидни кўрдим. Унга: Ҳотами Той уйига бориб, ноз-неъматдан баҳраманд бўлсангиз, бу машаққатли меҳнатни сизга ким қўйибди десам, мўйсафид бундай жавоб қилди:

...Сен доғи чеккил бу тикан меҳнатин,
Тортмағил Ҳотами Той миннатин.
Бир дирам олмоқ, чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, биров берса ганж.

Ҳотам ҳикоятини:

Улки бу янглиғ сўзи мавзун эди,
Мендан анинг ҳиммати афзун эди,

сўзлари билан тугатади.

«Ҳайратул-аброр»нинг олтинчи мақолоти одоб масалаларига бағишланган. Навоий бу мақолотида кишилар билан муносабат ва муомала мезони, ўзини тута билиш, бола тарбияси

ва бошқалар ҳақида ҳикматли фикр-мулоҳазаларини баён этади. Одоб билан тавозе бир бутунликни ташкил этади. Киши ҳар бир кишининг ҳолу аҳволига яраша муомала қилиши, катталарга хизмат, кичикларга шафқат этиши лозим:

Ҳар кишининг тавриға лойиқ керак,
Сурати ҳолиға мувофиқ керак.
Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Навоий бола тарбияси, уни ўстириш, ўқитиш ва балоғатга етказиш ҳақида кенг тўхтайди. Шу билан бирга у болаларга қаратиб:

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано қошиға...
Тун-кунунгга айлагил нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.. –

деб насиҳат қилади.

Мураббий шоир ўзини тута билмаслик, ўринсиз кулги ва бошқа хилдаги салбий хислатларни қаттиқ қоралайди. Жумладан, у ўринсиз кулги ҳақида айтади:

Тарки адабдин бири кулгу дурур,
Кулгу адаб таркига белгу дурур.
Кулгуки ўз ҳаддидан ўлди йироқ,
Йиғламоқ андин кўп эрур яхшироқ.
Қаҳқаҳаким ҳазл анинг ёридур,
Қурбақа савти била рафторидур.

«Ҳайратул-аброр»нинг еттинчи мақолотида:

Икки қаро пул чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки, шаҳ инъоми ганж.
Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч,
Беҳки биров миннати бирла кулоч,–

деб қаноат ва меҳнатни таърифлаган Навоий таом емоқ, кийим киймоқ ва бошқа масалалар ҳақида ҳам қимматли фикрлар юритади, насиҳатлар қилади, жумладан, у бундай дейди:

Кимга неча забу тамаъдин йироқ,
Зимнида осойиш эрур яхшироқ.
Гавҳару дурни қулоқ озори бил,
Сўзни қулоқнинг дури шаҳвори бил.
Олтун исирғаки қулоқ оғритур,
Зарҳал этукдурки, аёқ оғритур.

Нукта дурин бил қулоқ оройиши,
Кенг этук ўлди оёқ осойиши.

Мақолотга илова қилинган «қаноатли ва тамагир» ҳикоятида Навоий «хом тама даҳрда ранжур эрур» ғоясини илгари суради.

«Ҳайратул-аброр»нинг саккизинчи мақолотида вафо ва садоқатни таъриф ва тавсиф этган Навоий кишиларни ҳамжиҳат бўлишга, бир-бирига қовушишга чақиради. Чунки:

Йўқ ҳунари ёлғуз эса, ўз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.
Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овчдин ким эшитмиш садо?
Тоқ киши айши уйин бил нигун,
Уйга қачон ҳомил ўлур бир сутун?

Шоир вафо ва севгини узвий равишда бир-бирига боғлайди. Севгисиз ҳаёт йўқ, вафо эса севгининг шартидир:

Бас кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр деган ёри вафодор эмиш.
Ёрки, ойини вафо йўқ анга,
Шам кибидурки, зиё йўқ анга.

Мақолотнинг охирида шоир ўз муҳитидан, бевафо ва инсофсиз кишилардан аччиқ шикоят қилади. Вафо ва садоқатнинг моҳияти ва хосиятини кучайтириб кўрсатиш учун вафодорлиги туфайли Амир Темурнинг қатлидан омон қолган ҳиндистонлик икки вафодор ёр ҳақида ҳикояти келтирилади. Тўққизинчи мақолотда Навоий самимий севгининг моҳияти, қудрати ва шартлари ҳақида фикр юритиб:

«Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун».

«Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ».

«Пил бўлур ишқ анга келтурса зўр,
Пил аёғи остида андоққи мўр».

«Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок».

«Ошиқ ўзин ким деса, ошиқ эмас,
Борча киши ишқда содиқ эмас.

Улки кезиб ҳусн писанд айлагай,
Сўнгра кўнгулни анга банд айлагай.

Они кўнгул демаки, бир пора тош,
Не қизиғай шам уйидин хора тош»

каби ажойиб афоризмлар яратади.

Ростлик ва тўғрилик масалаларига бағишланган ўнинчи мақолотда Навоий хилма-хил ўхшатишлар ёрдами билан ростгўйлик ва тўғриликнинг фойдаси, ёлғон сўзлаш ва эгриликнинг зарарини баён этади:

Ҳар кишиким, тузлук эрур пешаси,
Кажрав эса чарх не андешаси.
Ўққи, туз ўлди таярони анинг,
Бўлса ер эгри, не зиёни анинг?
Йўл неча туз, йўлчиға мақсад қариб,
Хамлиғидин тушса йироқ йўқ ажиб.
Най туз учун истар ани аҳли ҳол,
Чун туз эмас, чанг кўрар гўшмол.
Бир хати гар эгри тушар бир нуқат,
Нусхада ҳар сафҳададур эгри хат.
То режа чекмас ерига боғбон,
Боғ ҳамон зебда жангал ҳамон.
Моласиз ул тухмки, деҳқон сочар,
Сувни тенг ичмас неча яксон сочар.

Шоир мақолотга ёлғон сўзлаши оқибатида овчининг тузоғига тушган дуррож (тус товуққа ўхшаш бир хил қуш) ҳақида «Шер билан Дуррож» масалини илова қилади.

Илм ва илм-фан аҳлига юксак баҳо бериб, кишиларни илм олишга, олимларни иззат-ҳурмат қилишга чақирган Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг ўн биринчи бобида:

Илм Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил, –

деб илмни амалий фаолият билан боғлайди ҳамда илмини шахсий интилиш йўлигагина сарф этган кишилардан ғазабланиб:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқни гумроҳ этар
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил, –

деди.

Шоир ўз даврида илм олишнинг нақадар машаққатли эканини, илм-фан эгаларининг хор-зорлигини ҳасрат билан сўзлайди.

Мақолотдан сўнг «Имом Фахр Розий била Султон Муҳаммад Хоразм шоҳ» ҳақидаги ҳикоя келтирилади. Султоннинг ҳаммомда у дунёда олим қандай мартабада бўлади-ю, шоҳ қандай мартабада, деган сўроғига олим:

Ким сангаким ҳашар сўзи ком эрур,
Бил анга монанд бу ҳаммом эрур.
Анда гадо шаҳ била яксон бўлуб,
Шоҳу гадо борчаси урён бўлуб.
Жоҳу жалол аҳли санингдек бори.
Ичкарию бору йўқи ташқари,
Илму амал аҳли менингдек тамом,
Ҳар не йиғиб, ҳамроҳ этиб вассалом.
Йўқ санга султонлик ила суд кўп,
Лек манга илм ила беҳбуд кўп, –

деб жавоб бериб, уни енгади.

Ўн учинчи мақолотни Навоий элга манфаат етказиш масалаларига бағишлайди. Ҳақиқий инсон эл-юртга фойда етказишга ҳаракат қилиши, қўл кучи ё маблағи билан, ширин сўзи ва маслаҳати билан мадад бериши лозим. Бундай киши ўзгаларгагина эмас, балки, айни чоғда ўзига ҳам фойда келтирган бўлади:

Нафинг агар халққа бешак дурур,
Билки бу наф ўзунгга кўпракдурур.

Аксинча, агар киши ўзгаларга ёмонлик қилса, бу билан у биринчи навбатда ўзига ёмонлик қилган бўлади:

Улки зарар шевасини тавр этар,
Элга демаким, ўзига жавр этар.
Улки ушатур босиб шишани,
Қилмас аёқ захмидин андешани.
Кимки фалак сори отар тошини,
Тош ила озурда қилур бошини.

Кўрилган бобларда кишининг яхши ва ёмон сифати, хислати ва одатини бир-бирига қарама-қарши қўйиб, бирини ёқлаб тарғиб қилган, иккинчи бирини қоралаб рад этган Навоий кейинги бир неча мақолотни ярамас ва жирканч сифат, хислат ва одатни, беъмани хулқ-атворни фош этишга бағишлайди. Ўн бешинчи мақолотда майхўрлик ва майхўрларни, ўн олтинчи мақолотда худбинлик ва худбинларни аччиқ танқид қилади, уларнинг ҳақиқий афт-башараларини очиб ташлайди, ички дунёсини ҳам фош этади.

Мураббий шоир Навоийнинг ярамас хислат, одат ва хулқ-атворни шафқатсиз қоралаш, олижаноб инсоний фазилатларни ҳормай-толмай тарғиб этиши, донишмандона ўгитлари, шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир. Навоийнинг бир қатор ахлоқий-таълимий қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб келмоқда.

* * *

«Ҳайратул-аброр» образлар тузилмасининг моҳияти достоннинг жанр хусусиятлари ва композицион тузилиши билан боғлиқ. Таъкидланганидек, «Ҳайратул-аброр» қўйилган масалаларни воқеавий сюжет баёни орқали ёритмайди. Шу жиҳатдан қараганда у «Хамса»нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади. «Ҳайратул-аброр»нинг ўзига хослиги унда катта эпик образлар яратиш имкониятини бермайди. Лекин шунга қарамай,

«Ҳайратул-аброр»да жуда кўп ва хилма-хил образлар, турли ижтимоий табақаларга мансуб бўлган, турли характердаги, ижобий ва салбий, ҳажвий ва мажозий образлар бор. Бу образларни достондаги масалаларнинг ривожланишидаги, асарнинг композициясидаги ўрнига қараб учга бўлиш мумкин:

1. Достоннинг бош қаҳрамони.
2. Мақолотлардаги тасвирий образлар – портрет ва характерлар.
3. Ҳикоят ва масаллардаги эпик образлар.

Достоннинг бош қаҳрамони – Навоийнинг ўзи.

Асарнинг муқаддимасидан тортиб хотимасига қадар шоир образи китобхоннинг доимий ҳамроҳидир. Ҳатто ҳикоятларда бир неча дақиқагина «чекинган» бу образ тезда шу ҳикоянинг хотимасида, лирик мисраларда, соқийга қарата айтган сўзлари ёки қиссадан ҳисса чиқариши билан яна намоён бўлади, китобхонни янги-янги масалалар, ўй-фикрлар, зиддиятлар, курашлар оламига олиб киради. Китобхон бу образнинг саргузашти, ташқи қиёфаси ёки бошқа жиҳатлари билан танишолмайди, лекин доимо унинг қалби ва шуури, ҳисси ва туйғуси, ҳаяжони ва армони, шодлиги ва ғазаби билан бирга бўлади, ҳамма нарсани у орқали билиб олади, тушунади, ўйлайди, хулоса ва якун ясайди. Навоий бутун мураккаблиги, зиддиятлари билан гавдаланади. Бироқ шунга қарамай инсонпарвар, халқпарвар, маърифат арбоби, донишманд ва мураббий Навоий образи китобхоннинг кўз ўнгида улуғвор бир ҳайкал бўлиб гавдаланиб туради.

Шоир мақолотларда маълум бир ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий масала ҳақида фикр юритар экан, шу фикр-мулоҳазаларини аниқлаштириш мақсадида тавсифий образлар, портрет ва характерлар яратади. Бундай образлар масалани унинг турли жиҳатлари билан бирга тўлароқ очишга хизмат қилади, асарнинг бадиий қимматини, услубини бойитади, мукаммаллаштиради. «Салотин» мақолотидаги золим шоҳлар; «Хирқапўш шайхлар» мақолотидаги риёкор шайхлар ва бадбин зоҳидлар, «Илм сипеҳри» мақолотидаги мусофир талабалар, «Қалам аҳли» мақолотидаги жоҳил амалдорлар, «Жаҳл майининг дурдкашлари» мақолотидаги майхўрлар, «Худнамолар» мақолотидаги худбин ва мутакаббир амалдорлар образи ва бошқалар шулар жумласидандир.

Биз булардан иккита ҳажвий тавсифий образлар билан танишайлик.

Навоий ўн олтинчи мақолотда худбин, мутакаббир ва золим амалдор образини тасвирлаб, унинг портрети ва характерини типиклаштиради, унинг шакл-шамойили, кийим-кечаги, юриш-туриши, фикр-ўйи, феъл-атвори ва бошқа-бошқа томонларини қамраб олади, сатира ва юмордан кенг фойдаланади.

Амалдор ўзини ботир, отини Рахш, Рахшгина эмас, балки яшин деб билади, Рустамни ҳам назар-писанд қилмайди. Гўё унинг боши кўкдан тўрт эллик қуйи, холос. Аслида, у зулмда йўлбарсдек йиртқичдир. У ўзини қоплон деб билади ва ит эти билан тамадди қилади, кибр-ҳаво унинг қоши устида ажинлар пайдо қилган... Бўйнида тавқи бор, ҳатто кўчадаги дайди ит ҳам унга бўйнингга занжир тушибди-ку, деб таъна қилади, зероки, унинг бўйнидаги тавқи лаънат тавқидир. Зулмда у Заҳҳок, икки илони ҳалқа уриб ётибди... Мўйлови икки томонга шохлаб чиққан тузоқдир, бу тузоқ нафсу ҳаво қушларни ўз домига туширади. Оғзидан битта ҳам баъмани сўз чиқмайди, чакаги эса лоф уришдан чарчамайди. Жиғасининг патини бойқушнинг бошидан юлиб олгану, унга товуснинг тожи деб ном қўйган. Бўркининг учини ичига буккан, бу гўё ҳирсу ҳавас қушларига бир ошён бўлган. Агар тўни ипакдан бўлмаса, кўнгли ҳазин бўлади, ипаги Чин ипаги бўлмаса, қошлари устида чин (ажин) пайдо бўлади. Нозу ҳавас билан катондан кўйлак қилади... Белбоғи ипак, тўни олтин билан зийнатланган, этигининг наъли зарҳал, эгари олтин, жибилғаси гавҳар билан зийнатланган...

Бу унинг ташқи қиёфаси. Маънавий олами эса:

Мунчаву юз мунча зарофат била,
Қайси зарофатки, қабоҳат била.
Дев жамолини паридек ясаб,
Хорни гулбарги таридек ясаб,
Жилва қилиб шоҳиди раъно киби,
Бода ичиб гулрухи зебо киби.
Неча лаванд олида борча нажис,
Бирида не ақлу не идроку ҳис.
Нукта ёқардек анга беҳад дебон,
Беҳуду андоза хушомад дебон.
Ул қилибон уштулуму ҳайли рев,
Ҳайли шаётин, ўзи ўртада дев.
Мунча фазиҳатлиқ эмас эрди бас,
Ким ура олмай чоғир ўлмай нафас.
Ер-ичари борча ҳарому хариш,
Бу емак-ичмакдин анга парвариш.

Бу тавсифий образ ўрта аср муҳитидаги бекларнинг, амалдорларнинг умумлаштирилган образидир. «Салотин» мақолотида подшолар саройидаги майхўрлик ва маишатбозликни қоралаган Навоий «Ҳайратул-аброр»нинг ўн бешинчи мақолотида майхўрликнинг зарарзиёни ва бемаънилигини ҳар томонлама фош этиб, майхўрлик балосига мубтало бўлган кишининг кулгили портрети, аянч ва жирканч ҳол-аҳволини тасвирлайди. Шоир майхўрга мурожаат қилади: қачонгача жаҳолат жомини ичасан, ғурурланасан, фисқ-фужур қиласан, ўлимни, паймонанг тўлишини ҳам ўйламайсан... кўчада бир телбадек кўринишинг билан болалар бошингга тош ёғдиради, манглайинг тошга тегиб ёрилади, саллангнинг печи бузилади, кишиларга қопоғон итдек ҳамла қиласан... Гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, тўғри келган жойга қўл ташлайсан... қусуғинг соқолингни булғайди... ит келиб ялаб, уни пок қилади. Мастлигинг тарқалгач, яна бода ича бошлайсан. Бошингдаги дасторингнн, белингдаги ақчангни тополмайсан. Ўликдан кафан тама қилувчи ўғрилар тўнингни ечиб олган бўлади. Қини қолиб, пичоғингдап айриласан, оёғингда бир пой ковушинг қолиб, иккинчисини йўқотасан. Этагинг лой, олдинг шилта, олдингда кўл... Уйингни излайсану, узун-бепоён кўчадан ўзгани тополмайсан... Аъзойи баданинг қақшаб титрайди, оғзинг бемаза таъм беради... бошинг айланган, ҳушинг йўқолган...

Шоир бу тасвирини тугатар экан, шундай хулосаловчи мисралар ёзади:

Ҳар кишиким қилса бу сувдин тараб,
Хона сиёҳ ўлмоғи эрмас ажаб.
Сув демагил оники бир ўт эрур,
Ким етти кўк хирманини куйдурур...

Навоий мақолотлардаги масалаларни тўлароқ ёритиш учун, фикр-мулоҳазаларини янада аниқлаштириш учун бир кўргазма – намуна сифатида мақолотларга ҳикоятлар илова қилади. Шоир лирик ифодадан тавсифий баёнга, тавсифий баёндан эпик воқеага ўтади. Кичик ҳажмли ҳикоятда бирор саргузаштни сўзлайди, ортиқча тафсилотга берилмайди,

саргузашт кўпинча бир эпизоддан иборат бўлиб қолади. Воқеа кураш ва зиддиятлар билан ечилади, шу кураш ва зиддият фонида турли характердаги образлар яратилади, улар тугалланган образ даражасига кўтарилади. Шоҳ Ғозий, Ҳотами Той, мўйсафид, Фахриддин Розий ва бошқалар шундай образлардир.

«Одоб» мақолотида одобнинг аҳамиятини бўрттириб кўрсатиш, китобхонга янада кучлироқ таъсир этиш мақсадида «Нуширавон» ҳикоясини келтиради. Нуширавон шундай одобли бўлган эканки, кунларнинг бирида у ёрининг елкасига қўл ташлабди-ю, кўзи наргисга тушибди, наргис унга одамнинг кўзини эслатибди ва Нуширавон мен кўз (ўзга) олдида беодоблик қилаётирман деб қўлини тортиб олибди.

«Вафо» мақолотида келтирилган «Икки вафоли ёр» ҳикоясида вафо ўлимни енгади, вафодор икки ёр Амир Темурдан ғолиб чиқадилар. Шунга ўхшаш «Чин гўзали» ҳикоясида (ўн саккизинчи мақолот) самимий севги ўлимни енгади. Хитойда бир гўзал қиз бўлар экан. Хоқон уни кўриш, севиш у ёқда турсин, ҳатто номини тилга олишни ҳам ман қилган экан. Лекин бу қизни севган йигитнинг қалбини енголмабди. Хоқон у йигитни иморатнинг тагига бостирибди. Шунда ҳам йигит ёрининг номини зикр этар, уни таърифлар экан. Бундан таъсирланган Хоқоннинг кўнгли юмшаб, йигитни озод этишга мажбур бўлибди.

* * *

«Ҳайратул-аброр» фалсафий-дидактик достоннинг мислсиз ажойиб бир намунасидир. Бу достонда Навоий фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва аҳлоқий-таълимий қарашларини юксак санъаткорлик маҳорати билан бадиий мужассамлаштиради.

Ойни ёруғ, чархни демак баланд,
Табъи баланд элга эмас дилписанд,

деб сўз санъаткорлари олдига китобхонларнинг эҳтиёжларига мукаммал жавоб бериб, уларнинг фикри, диди ва завқини ривожлантирувчи асарлар яратиш лозим деган талабни қўйган Навоий «Ҳайратул-аброр»да шу талабга тўла амал қилади. У китобхонларга янги-янги фикр-мулоҳазалар тақдим қилади, уларнинг бадиий диди ва завқини оширади.

Навоий лирик ифодани тавсиф билан, тавсифни эпик баён билан узвий боғлайди, синтезлаштиради. Бу асарнинг мазмунини тўлдириб, ривожлантириб боради ҳамда унинг бадиий қимматини оширади. Шоир ранг-баранг тавсифий ва эпик образлар яратади, буларнинг ҳаммаси бош қаҳрамон – Навоий образи. унинг тафаккури ва ҳис-туйғулари билан бир катта бадиий полотнога бирлашади. Шоир достондаги барча масалаларнн тазод усули воситаси билан ёритади, ҳал этади. Адолат зулмга, ҳиммат бахилликка, қаноат тамагирликка, вафо вафосизликка, илм жаҳолатга, ростлик эгриликка қарама-қарши қўйилади ва ҳоказо. Фикр-мулоҳазаларгина эмас, балки образлар ҳам шу зайлда бир-бирига қарама-қарши қўйилади. Шоир тазод усули билан бирга тадриж (ривожлантириш), таносиб (параллелизм) ва бошқа усуллардан, сўзларнинг ва ҳарфларнинг ёзилиши шаклларидан ҳам кенг фойдаланади, бу билан мазмунни тўлдиради, бойитади. Масалан, у қаноатни улуғлаш ва подшоларни бировларнинг мол-мулки ва аҳли аёлига қасд қилмасликка чақириш учун қуйидагича сўз ўйини ясайди:

Шоҳ ул эмаским, бошиға қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж...
Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,
Англа ани шоҳни, муҳтож эмас.

Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур,
Ҳарф ила муҳтожу ҳам тождур.
Шоҳ десанг кимда кўруб тожни,
Шаҳ дегил бу важҳ ила муҳтожни.

(Тожига қараб кишини шоҳ деб ҳисоблама, агар тож билангина киши шоҳ бўлар экан, у чоқда муҳтожни ҳам шоҳ дегин, чунки «муҳтож» сўзида ҳам «тож» бор).

Мутафаккир шоир бошқа асарларида бўлгани каби «Ҳайратул-аброр»да ҳам бадиий тил воситаларидан кенг фойдаланади. Достоннинг деярли ҳар бир байтида янги-янги бадиий образлар яратади. Шоир, айниқса, ўхшатишни кўп қўллайди. Ўхшатиш маълум бир фикр-тушунчани тасдиқ этиш учун ҳам, рад қилиш учун ҳам ишлатилади. Қуйида биз таносиб ва ўхшатиш асосида яратилган бир парчани кўрайлик. Шоир ўринсиз (хушомад мақсадида) қилинган ҳимматни рад этиб:

Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари,
Ҳам кетурур зирани Кирмон сари.
Хизрға етгач тутар обиҳаёт,
Миср шакар резиға ҳабби набот.
Шамни кундуз ёрутур беадад,
Меҳр зиёсиға берай деб мадад.
Мушкни ҳар кеча сочар бедаранг,
Тун сочиға бермак учун бўю ранг.
Уйла булутдекки қуруқ боғ уза,
Ёғмай ўтуб, сувни тўкар тоғ уза...–

дейди. Фикр қуюқлиги ва бадиий мукаммаллиги билан «Ҳайратул-аброр»нинг кўпгина байтлари ҳикматли сўзлар даражасига кўтарилган, айрим саҳифалар гўё бутунлай ҳикматли сўзлар тизмасидан вужудга келган. Мана йигирманчи мақолотдаги шундай байтлар:

Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир.
Неча маразға гар эрур суд қанд,
Нечага ҳам заҳр эрур судманд.
Моддаким, бермаса марҳам кушод,
Ништар-ўқ айлар анга дафъи фасод.
Бармоқ учи бирла чу чиқмас тикан,
Игна била қутулур андин бадан.
Кимники, инсон десанг, инсон эмас,
Шаклда бир, феълда яксон эмас.
Нахл сифат шамъ ила муз шўшаси,
Мунинг ўт, онинг сув эрур хўшаси.
Кимники, айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.

Бу ҳикматли сўзлар халқ мақолларига чунон яқин ва ўхшашки, айрим мақоллар Навоийнинг ҳикматли сўзларига айланиб кетган бўлса, шубҳасиз, Навоийнинг айрим

ҳикматли сўзлари ҳам халқ мақолларига ўтиб кетган. «Ҳайратул-аброр»да:

«Тор ини сичқонға солиб эрди ғам,
Қуйруқиға боғлади ғирбол ҳам».

«Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига» каби шу кунгача сақланиб келаётган мақоллар ҳам бор.

Навоий фақат халқ мақолларидагина эмас, балки «Ҳайратул-аброр»да халқ ижодининг бошқа жанрлари ва усулларидан ҳам кенг баҳраманд бўлган. Масалан, «Ҳайратул-аброр»даги «Ҳотами Той», «Шер билан Дуррож», «Искандар» ва бошқа ҳикоя ҳамда масаллар халқ ижоди манбалари асосида яратилган. Навоий халқ ижодига хос сажъ усулини ҳам қўллаб, бобларнинг сарлавҳасини қофияли наср усулида битади. Халқ ижодини, жумладан, халқ қўшиқларини бутун қалби билан севган Навоий»Ҳайратул-аброр»да:

Турк суруди била солиб қўлум,
Қилсам анда ҳай тулугум, ҳай тулум, –

деб бежиз айтмаган эди. У халқ оғзаки ижодидан узоқ бўлган, халқ асарларини менсимаган шоирларни қаттиқ танқид қилади.

«Ҳайратул-аброр» арузнинг саръи баҳрида (Муфтаилун-муфтаилун фоилун) ёзилган, маснавий йўлида қофияланган.

«ФАРҲОД ВА ШИРИН»

«Фарҳод ва Ширин» севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, меҳнат ва ижодкорлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик достонидир. Олижаноб инсоний фазилатларни умумбашарий орзу-интилишларни тараннум этган бу асар ўзбек классик адабиётининг янги ва улкан бир асари бўлиши билан бирга Шарқ халқлари адабий анъаналари тараққиётида ҳам янги ҳодиса, катта бир босқич бўлди. Навоий хамсачилик анъанасидан мустаҳкам ўрин олган «Хисрав ва Ширин» ёнига янги мавзу ва муаммолар янги мазмун ва ғоялар янги образ ва характерларнинг бадиий тажосими бўлган «Фарҳод ва Ширин» достонини яратди.

Хусрав ва Ширин образлари маълум тарихий илдизга эгадир. Хисрав машҳур сосоний подшолардан Анушировннинг набираси Хисрав Парвездир. Хисрав Парвез 590 йилда тахтга чиққан ва 628 йилда ўғли Шеруянинг буйруғи билан қатл қилинган эди. Эрон, Византия, Сурия тарихий хроникаларида, X аср араб тарихчиси Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий асари ва бошқа манбаларда берилган маълумотларга кўра, Ширин ҳам тарихий шахс бўлиб, у Хисравнинг энг севимли хотини бўлган экан. Армани қизи ёки оромийлардан бўлган гўзал Ширин сарой хонадонидан эмас экан. Шунга кўра юқори табақа Ширинга паст назар билан қараб, уни Хисравга номуносиб деб ҳисоблар экан. Бу ҳолат саройдаги зиддиятларни янада кучайтириб юборган экан.

Тарихий манбалар, афсона ва ривоятлар ёзма адабиётда Хисрав ва Ширин ҳақида обидалар яратишга бир замин бўлиб хизмат қилди. Ёзма адабиётда биринчи бўлиб Абулқосим Фирдавсий Хисрав ва Ширин ҳақида достон яратди. Низомийнинг «Хисрав ва Ширин»и билан мазкур мавзу ва образлар хамсачилик анъанасидан мустаҳкам ўрин олди. «Хамса» муаллифларидан ташқари Хисрав ва Ширин (ёки Фарҳод ва Ширин) ҳақида яна кўп шоирлар асар яратдилар.

Хисрав ва Ширин тарихий афсона ва ривоятлар, ёзма адабиёт обидалари ва бошқаларни тадқиқ этишда шарқшунослик ва адабиётшунослик фанлари катта натижаларга эришди. Мазкур тадқиқотлардан йирик кўламдаги асарлар сифатида, хусусан, чех олими Х. В. Дуда, олимлардан Ғ. Алиев, Г. Бегдели, С. Эркинов тадқиқотларини таъкидлаш лозим. Бошқа муаллифларнинг илмий ёки илмий-оммабоп асарлари жуда кўп. Биз булар ҳақида махсус тўхташ, мулоҳаза юритиш зарурияти йўқ деб ўйлаймиз. Фақат баҳсимиз муносабати билан икки нарсани таъкидлаймиз. Тадқиқотларда биринчи манбаларнинг материали ва маълумотлари изчиллик билан тўпланиб, пухта текширилди ва ёритилди. Тадқиқотлар «Хисрав ва Ширин» ёки Фарҳод ва Ширин» (Ориф Ардабилийда «Фарҳоднома»)нинг илдизи, бир томондан, тарихга, иккинчи томондан, фольклор анъаналарига бориб тақалишини кўрсатади. (Шубҳасиз, ҳар бир тадқиқотнинг ўз мавзуси ва объектига мувофиқ масалалар доираси фазилатлари, шу билан бирга айрим мунозарали жиҳатлари ҳам бор.)

Адабиётшунос Ғ.Алиев Хисрав ва Ширинга тааллуқли манбаларни икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳга Византия тарихчиси Феофилакт Симокаттанинг «Тарих» китобини арман тарихчиси епископ Себеос асари ва муаллифи номаълум Сурия хроникаларини[1], иккинчи гуруҳга араб-форс манбаларини (Жоҳиз, Табарий, Ибн ал-Фақих, Балъамий, Саолибий, ал-Маарий, Ёқут ва бошқаларнинг асарларини) киритади. Бу манбалар маълумот ва талқинда маълум муштаракликка эга. Биринчи гуруҳ манбаларда кўпроқ Хисрав ва Ширин тарихи берилса, иккинчи гуруҳда тарих билан ривоятлар уйғунлашиб кетган. Мана шу иккинчи гуруҳдаги манбалар Хисрав ва Ширин ҳақида катта обидаларнинг вужудга келишига замин бўлиб хизмат қилган эди.

Қадимги манбаларнинг Хисрав ҳақидаги маълумотлари деярли муштаракдир. Аммо Ширин ҳақидаги маълумотларда унинг эл-юрти ҳақида бир мунча тафовут бор. Симокаттанинг маълумотича, Сира (Ширин) румоли христанлардандир. Хисрав жаҳоншумул шаҳаншоҳлар анъанасини бузиб, христиан қизига уйланади. Бу сарой аҳлининг норозилигини туғдиради. Фақат бир йилдан кейингина Ширин сарой маликаси сифатида эътироф этилади. Себеос Хисрав Парвез салтанатига бағишланган бўлимнинг «Шоҳ Хисравнинг хотини малика Ширинниг олижаноблиги ҳақида» бобида Ширинни христиан қизи, унинг юртини Хужистон (Хузистон) деб маълумот беради. Сурия хроникаларида эса Сира (Ширин) оромийлардан деган маълумот берилади. Шу манбада Хисравнинг бошқа бир хотини – Марям (у ҳам христиан қизи) номи зикр этилади. Е. Э. Бертельс: «Манбанинг аслида «оромий» эмас, балки «армани» ёзилган бўлиши мумкин. У ҳолда Яқин Шарқдаги анъаналар Ширинни «армани» деб ҳисоблаши сабаби ойдинлашади»[1], - дейди.

Иккинчи группадаги манбалар тарих фактлари ва ривоят-афсоналарни тўплаган манбалар сифатида қимматли бўлиб, айрим фарқ-тафовутларига ва зиддиятига қарамай, улар тарих ва ривоятлардаги Хисрав ва Ширин ҳақида тўлароқ тасаввур туғдиради, бир-бирини тўлдиради. Дастлабки афсона ва ривоятларда Хисрав ва Ширин, буларнинг севгиси, Хисравнинг Ширинга уйланиши, сарой зиддиятлари, Хисравнинг ўлдирилиши каби эпизодлар ҳикоя қилинса, кейинчалик Фарҳод ва Бесутун қаср ва ариқ от Шабдиз, қўшиқчи Баҳлабанд (Борбад) Марям ва Ширинниг рашк-рақобати каби воқеалар, эпизодлар қўшилади. Фарҳод номи биринчи бор «Тарихи Табарий»да зикр этилиб, унинг Ширинга ошиқ бўлгани ва Ширин шарафи учун Бесутунни кесгани ҳикоя қилинади. Фарҳод номи Низомийга қадар Абдулҳасан Али бинни Оғочин, Сўзани Самарқандий, Фаррухий, Қатрон Табризий ва Хоқоний каби шоирларнинг сатрларида зикр этилса, ёзма адабиётда унинг эпик образини биринчи бор Низомий Ганжавий «Хисрав ва Ширин» достонида яратди.

[1] Е.Э.Бертельс. Низами. М. 1948, стр. 107.

Шундай қилиб, Хисрав ва Ширин тарихдан афсона ва ривоятларга, ундан ёзма адабиётга ўтиб катта ва мураккаб тарихни бошидан кечирди. «Хисрав ва Ширин» ҳақидаги ривоятларнинг турли тарихий даврларда бунчалик кенг шуҳрат қозонишини унинг севги ва садоқат ҳақидаги гўзал афсона бўлиши билангина изоҳлаш тўғри бўлмайди. Хисрав ва Ширин ҳақидаги афсона – халқ ижодиётининг маҳсули. Унинг сюжети замирида ётган тарихий воқеалар асрлар давомида халқ томонидан қайта ишланиб, бадиий асар яратишга бир режа бўлиб хизмат қилди.

Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и хамсачиликнинг анъанавий мавзуи ва образлари заминида вужудга келди. У ёзма адабиётда Хисрав ва Ширин ҳақида биринчи бор ишланган Фирдавсий достони билан, хамсачиликнинг муассиси Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин», Хусрав Деҳлавийнинг «Ширин ва Хисрав» ҳамда Ашраф достони билан яқиндан таниш эди. У муқаддимада ўз салафлари ҳақида сўзлаб, Ннзомий ва Деҳлавийдан кейин айтади:

Бу майдонға чу Ашраф сурди маркаб,
Бу сўзни ўзга навъ этти мураттаб.
Яна бўлғон экан бу нома марқум,
Вале роқим эмастур яхши маълум.

Кейинги тадқиқотлардаги Навоий таъкидлаган «яхши маълум бўлмаган роқим» Ориф Ардабилий деган фикр (Н. Орасли) илгари сурилмоқда. Ориф Ардабилийнинг форс тилида битилган «Фарҳоднома» достони икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Фарҳод билан Гулистон деган қизнинг, иккинчи қисмида Фарҳод билан Ширинниг севги саргузаштлари ҳикоя қилинади. «Фарҳоднома»да меҳнат ва ижодкорлик. ватанпарварлик ва қаҳрамонлик мотивлари ҳам муҳим ўрин тутади. Ориф достони сюжет ва композицияси, образлар тизими ва бадиий услуби жиҳатидан халқ ижодиётига, афсона ва ривоятларга янада яқиндир.

Булардан келиб чиқадиган хулоса шундаки, Навоий салафларининг достонлари «соф китобий» асарлар бўлмай, балки халқ ижодиёти билан йўғрилган асарлардир. Навоий салафларининг асарлари орқали ҳам бавосита бўлсада, халқ ижодиёти, унинг афсона ва ривоятлари билан таниш эди. Иккинчидан, Навоий ҳеч қачон хамсанавис салафларининг асарлари билан чекланиб қолмади. У турли-туман манбаларни, тарих китоблари, халқ афсонаси ва ривоятларини синчковлик билан ўрганиб чиқди, улардан ижодий фойдаланди. Достоннинг муқаддимаси – «Иқболи саодат тили...»дан бир неча мисол келтирамиз:

Қилиб кўнглумни бу андиша шайдо,
Таворих айладим ҳар сари пайдо.
Назар айлаб борин аввалдин-охир,
Бўлуб бошдин-оёқ оллимда зоҳир.
Топилди онча сўзким, комим эрди,
Қуюлди онча майким, жомим эрди.
Бу дурлар чунки манзум ўлғусидур,
Қулоқ солғонга маълум ўлғусидур.
Ки, бу баҳр ичраким поён анга йўқ,
Етишмак қаъриға имкон анга йўқ.

Аммо Навоий бу сатрларда танишган ва фойдаланган асарларнни номлаб ўтмайди. Шундай бўлса-да, айтиш мумкинки, у танишган ва фойдаланган асарлар сирасида Хисрав ва Ширинга доир афсоналарни жам этган манбалар – Табарий, Балъамий, Ёқут, Саолибий ва бошқа муаллифларнинг асарлари ҳам бўлган бўлиши мумкин. Бу китобий манбаларда «тарих» билан «фасона»нинг ёндош ва қоришиқ ҳолда келишини унутмайлик. Бу хусусият Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асаридаги Хисравга доир фаслларга ҳам хос бўлиб, у тарих маълумотларинигина эмас, балки афсона ва ривоятларни ҳам ўзида мужассамлаштирган. Шуўриндаайримқисқартишвашарҳларбиланушбумўъжазфаслларни келтиришни мувофиқ кўрамиз. Навоий Хурмуз билан Баҳроми Чўбинанинг ўзаро ёғий бўлгани воқеотини баён этиб, Баҳроми Чўбина «...Парвез отиға ва анинг навкарлигига ўзин мансуб қилди. Ғараз бу тадбир эдиким, Хурмуз ўғлидан бадгумон бўлуб ородан кўтарғай ва Баҳром осонлиғ била Хурмузни дафъ қилиб, подшолиғини олгай. Ва бу ройи мувофиқ тушди. Хурмуз Парвез қасдиға машғул бўлиб, Парвез ваҳмдан қочиб, Арман вилоятиға борди ва Ширинға ошиқ бўлди (таъкид бизники – Н. М.). Андоққим шарҳи келгусидир, иншоолло. Чун Парвез қочти, Баҳромға бормади. Хурмуз билдиким, Баҳром қайд қилибтур ва ўғли гуноҳсиз эркандур. Сипоҳ ясаб, Баҳром ўтрусиға йиборди. Баҳром анинг сипоҳин урушиб бости. Ва Хурмуз салтанати корхонаси мутазалзил бўлуб, чун аркони давлат андин норози эрдилар, тутуб кўзига мийл тортиб, Арманға киши йибориб, Парвезни келтуруб подшо қилдилар...» Бу сатрларда Навоий тарихий маълумотларга мувофиқ Хисравнинг отаси Хурмуз билан қариндош ворислардан Баҳроми Чўбина ўртасидаги мухолифат, Хурмузнинг кўр қилиниши ва Хисрав Парвезнинг тахтга чиқишини баён этади. Навоий айтишича, Хисрав Парвез Армандан чақирилади. Бу Ширин ва Меҳинбонунинг афсона ва ривоятлардан арманистонлик сифатида ўрин олиши, афсона ва ривоят маълумотларининг «расмий» тарих китоблари таркибига сингиб бориши оқибати бўлиши мумкин (мазкур ўзгаришлар, албатта, «Тарихи мулуки Ажам»га қадар содир бўлган).

Баҳроми Чўбина фаслида Навоий Хисрав Парвез устига Баҳромнинг қўшин тортгани, Хисравнинг мағлуб бўла бошлагани, отасига мурожаат қилиб, унинг маслаҳати билан Румга бориб Қайсардан мадад олгани, Баҳромнинг енгилиб, Хоқон хизматига боргани, у ерда уни заҳарлаб ўлдиришгани баён этилади. Фаслнинг охирида: «Ва баъзи тарихда ани мулук ададига киюрмайдилар. Ва Шервон салтанатини анинг наслидин дебтурлар ва анинг нажодини баъзи Каркин Милодка ва баъзи Яздижурд бинни Баҳромға еткурубтурлар», – деб манбалардаги тафовут ва зиддиятларни таъкидлайди.

Хисрав Парвез фаслида аввалги фаслнинг айрим маълумотлари такрорланади ва тафсилотлар билан тўлдирилади. Шулардан бири Хурмузнинг хоинлик билан ўлдирилиши воқеотидир.

Иккинчи бир тафсилот Хисравнинг Марямга уйланиши билан боғлиқдир, бу Сурия аноним хроникалари ва Хисрав ҳақидаги кўпчилик ривоятлардан ҳам, ёзма адабиёт обидаларидан ҳам ўрин олган. «Чун Парвез Румга етти, – дейди Навоий, – Қайсар анга камоҳи ҳолин билиб, яхши дилжўйлик қилиб, Марям отлиғ қизин анга никоҳ қилди ва қолин мадад бериб узотти...»

Шундан кейин Навоий Хисравнинг шон-шавкати, довруғи ортганини ҳикоя қилади: «Ва маккат ва шавкати бир ерга еттиким, андин бурунғи салотиға муяссар бўлмайдур эрди. Ва баъзи муаррихлар анга муяссар бўлғон нималарни ҳайрат тариқи била таъдод қилибтурлар...» Булар: жавоҳир билан зийнатланган, тўрт поясига фалак, юлдузлар ва етти иқлим тасвирланган Токдис деб номланган олтин тахт; ҳар бири чумчуқ катталигидаги жавоҳирлар билан зийнатланган улкан гилам; Шабдиз номли машҳур от (от ўлгандан кейин қояга унинг суратини, солдириб Хисрав шу билан овунар экан); Борбад номли «замонининг

ягонаси бўлган муғанний»; Шопур номли тенги йўқ наққош; Бузург Уммид деган аллома вазир; яна – минг пил, ўн саккиз минг от, ўн икки минг «туркий» деб номланган оқ туя, неча минг соҳибжамол канизак ва бошқа-бошқалар. Бу таъриф ва тавсиф Хисравнинг шон-шавкати ҳам, мол-дунёси ҳам эл-юртда достон бўлиб, ҳақиқат билан муболағанинг уйғунлашиб кетганини кўрсатадн. Шабдиз ва Борбад эса Хисрав ҳақидаги кўпдан кўп афсона ва ривоятларнинг асосини ташкил этади.

Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Ширинга алоҳида ўрин ва эътибор беради: «Ва Ширидек маҳбуби бор эрдиким, оламда анингдек ҳусни латофат ва жамолу малоҳат ҳеч кимда йўқ эрди...» Ширин таърифидан кейин Навоий нодир манбалардан кишини ғоятда таажжублантирувчи «икки сўз» (икки маълумот) топганини қайд этади. Булардан бири Фарҳодга тааллуқли: «Бири улким, агарчи Ширидек нодираси бор эди, вале Фарҳоддек ҳам олам ажубаси рақиби бор эрдиким, ишқ ва ниёз атрофидин бовужуди Хисравдек подшоҳ кўнгли Фарҳодка майл қилиб, илтифот ва тараҳҳумлар зоҳир қилди. Ва ани билиб Хисрав рашкдин макр била Фарҳод қатлиға (таъкид бизники – *Н. М.)* – боис бўлдиким, андин машҳурроқдирким битмак ҳожат бўлмағай». Фарҳод номи биринчи бор Х аср манбаларида, жумладан, «Тарихи Табарий»да зикр этилгани маълум. Фарҳод, бу манбанинг баёнича, Ширинни севиб қолган, унинг учун Бесутун тоғини кесиб, мўъжизали ишларни бунёд этган экан. Бу, шубҳасиз, Хисрав ва Ширин тарихи ва воқеотига қўшилиб бориб, анъанавий сюжетни янги обида томон ривожлантирган.

Иккинчи маълумот шундаки, «Ҳазрат Рисолат» (Муҳаммад пайғамбар) Хисрав Парвезга «дин ва ислом давлатиға нома битиб киши йиборди. Ва ул музахрафот ғуруридин ул ҳазрат муборак номасин йиртти ва итоат қилмади». (Дарҳақиқат, сўнгги сосонийлардан бўлган Хисрав Парвез исломни қабул қилиш таклифини рад этиб, зардуштийликка содиқлигича қолган.) Хисрав Парвез фасли Шеруя томонидан Хисравнинг қатл қилиниши баёни билан тугалланади.

«Тарихи мулуки Ажам» Алишер Навоийнинг Хисрав Парвез тарихи билан ҳам, унинг тўғрисида яратилган ривоят ва афсоналар билан ҳам яқиндан таниш бўлганини кўрсатади.

Шубҳасиз, ёзма манбалардан ташқари Хисрав ва Ширин (ёки Фарҳод ва Ширин) ҳақида халқ оғзида айтиб келинган қисса, афсона ва ривоятлар, уларнинг турли-туман вариантлари ҳам бўлган. Навоий ёзма манбалар билангина эмас, балки оғизда айтиб келинган қисса, афсона ва ривоятлар (жилла бўлмаса уларнинг бир қисми) билан таниш бўлган. Навоийнинг турли-туман қисса, афсона ва ривоятлар билан танишлигига унинг лирикасидаги айрим сатрлар ҳам шаҳодат беради. Бир неча мисол келтирамиз:

Кўп ўқудим Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,
Ўз ишимдин бул-ажаброқ достоне топмадим.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 430-бет.)

Бодаи гулгун кетурким, шоми ҳижрон мен киби,
Юз туман Фарҳодни паст айлаган Шабдиз эрур...
Хийла ожизликдии айлар ошиқ, англа, ой кўнгул,
Ким забунроқ ишқ аро Фарҳоддин Парвез эрур.
(«Наводир уш-ишбоб», 197-бет.)

Эрур мазлуму золим қатли ишқ олдида кўп осон,
Агар Фарҳод ўлди, қатл топмай қолдиму Парвез.
(«Наводир уш-шабоб», 208-бет.)

Ишқ аро ажизини кўргилки, ўларга Фарҳод,
Хасми фартут тилин айлади Парвез қилич.
(«Бадойи ул-васат>, 103-бет.)
Бесутун Фарҳод қабридир қизорғон лоладин,
Ё анинг қонидин ўлмиш туфроғи ҳарён қизил.
(«Бадойи ул-васит», 377-бет.)
Қилиб Фарҳоду Мажнун ишқ ўтин шарҳ, эй ровий,
Бўлуб гарми такаллум фориғ ўлмишсан магар мендин.
(«Бадойи ул-васат», 466-бет.)

Бу байтларда «Хисрав ва Ширин» ёки «Фарҳод ва Ширин» туркумига мансуб бир эмас, бир неча қисса кўзда тутилаётгани равшан. «Маҳбубул қулуб»нинг иккинчи қисми 6-фаслида «Муқбил ва Мудбир» ҳикоятининг Хисрав Парвез билан боғлиқлиги ҳам шуни кўрсатади. Худди шунингдек, Навоий замондошларининг асарлари, жумладан, Абдураҳмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» достонидаги Хисрав Парвез ва балиқчи ёки замондоши Мавлоно Фахриддин Али Сафийнинг «Латоифут-тавоиф» китобидаги Парвез ва мунажжим, Парвез ва қул ҳикоялари ҳамда бошқаларни кўзда тутсак, Навоий даврида Хисрав ва Ширин (ёки Фарҳод ва Ширин) ҳақида мураккаб сюжетли катта қиссалардан ташқари кичик, баъзан бир эпизоддан иборат ҳикоя-тамсиллар ҳам кенг тарқалгани аён бўлади.

Шундай қилиб, Алишер Навоий ихтиёрида кўп ва хилма-хил манба, материал ва маълумотлар бор эди, улар шоирни тарих сарчашмаларигагина эмас, балки халқ ижодиёти сарчашмалари томон ҳам элтар эди. Бундан ташқари халқ ижодиётига хос романтика, фантазия, хаёлот, фавқулоддалик, муболаға ва бошқалар Алишер Навоийга ижодий эркинлик бериб, уни бирон (ёки бир неча) манбага боғланиб қолиш «маҳдуд»лигидан халос этар, халқ асарларининг ўзи бу иборада сабоқ бўлар эди. Зотан, бирон манбагагина боғланиб, унинг доирасида қолиш Навоийга «Фарҳод ва Ширин»да ўз олдига қўйган улкан ғоя ва масалаларни ҳал этиш имконини бермас эди. Навоийнинг тарихга – фактларга, бадиий анъаналарга, жумладан, халқ ижодиётига муносабати шу зайлда эди.

Энди «Фарҳод ва Ширин»даги анъанавий образларга ўтайлик. Бу биринчи навбатда Хисрав Парвез образидир. Тарихий шахс – Хисрав Парвез бу образнинг вужудга келишида асос бўлиб хизмат қилгани маълумки, Хисрав Парвез тарих соҳасидан адабиёт оламига ўтиши билан тобора тарихдан йироқлашади, ўз тарихий ўзагини ўзгартириб боради. Бу Хисрав ҳакида яратилган ёзма адабиётидаги илк йирик асар Фирдавсий достонига ҳам тааллуқлидир. Унинг «шавкатли ва ошиқ Хисрав»и тарихдаги Хисрав Парвезнинг айнан ўзи эмас. Шу маънода Навоий тарихдан янада «йироқлашади». Аммо у ўз даври тарихига яқинлашади. «Адолатли подшо» ғоясини илгари сурган улуғ шоир ва мутафаккир Ширин воситасида Хисравни «қайта тарбиялаб», уни одил ва ориф шоҳ, содиқ ва вафодор ошиққа айлантиради. Низомий халқ орзуси ва хаёлидаги одил подшо образини яратган эди. Бу образни яратишда у анъанавий материаллар билан бирга халқ эртаклари ва қиссаларидаги «адолатли подшолар» образидан ҳам, шубҳасиз, илҳомланган.

Навоий яна нари кетди. У мақсади, орзу-интилишлари ва хаёлотини меҳнаткаш ва ижодкор Фарҳод образида мужассамлантирди. Бу Хисрав қиёфаси ва унга бўлган муносабатни батамом ўзгартириб юборди. Фарҳод эзгулик оламининг, Хисрав ёмонликнинг бош тимсоли. Бу бош зиддият. Энди Ширинниг ҳам Хисравга муносабати тамомила ўзгача. У Хисравни севиш у ёқда турсин, балки бутун қалби билан ундан нафратланади. Навоий достонида Хисрав аслидан (тарихий Хисрав Парвездан) шу даражада йироқлашиб кетдики,

айрим деталларни (ном, Шеруя воқеаси ва бошқаларни) мустасно қилганда гўё у билан қадимги тарихнинг барча иплари узилгандек. Навоийдаги Хисрав афсона ва ривоятлардаги анъанавий Хисрав образидан ҳам узоқ, узоққина эмас, ҳатто қарама-қарши ҳам. Лекин у гўё халқ эртаклари ва қиссаларидаги «бир бор экан, бир йўқ экан, золим бир подшо бўлар экан»... қабилида ўнлаб, юзлаб золим подшоларнинг жамловчи образи. Демак, Навоий аниқ бир неча афсона ва ривоятлардан йироқлашган бўлса-да, халқ ижоди руҳидан йироқлашмади, ўз Хисравини қиссадан қиссага ўтиб халқ қарғаб, лаънатлаб келган шоҳ тимсолида яратди, «андоза»ни халқдан олди. Навоий достонининг ғоявий-эстетик моҳияти, йўналиши ва мақсади шуни тақозо қилар эди.

Ширин образи ҳам мураккаб тараққиёт йўлини кечиб ўтди. У бошлаб халқ ижодиётидан, кейин ёзма адабиётдан кенг ўрин олди. Дастлабки афсона ва ривоятларда Ширин фаолияти асосан Хисрав билан боғлиқ бўлиб, у гўзал ва садоқатли аёл сифатида тасвирланади. Кейинроқ у Фарҳод, Шомира, Бесутун ва бошқалар билан бирга ўсиб такомиллашади. Ширин халқ ижодиётидан ёзма адабиётга ўтади.

Алишер Навоий Ширин ҳақидаги тарихий-ривоявий манба ва анъаналар билан яқиндан таниш эди. Бунга, хусусан, «Тарихи мулуки Ажам»даги маълумотлар ёрқин далил бўла олади. Навоий анъанавий маълумот, ривоят ва афсоналардан фойдаланиши билан бирга, достоннинг янги ғоявий-эстетик моҳияти, режаси, воқеалар ва образлар силсиласи муносабати билан анъанавий Ширидан чекинади ҳам. Унинг Ширини ривоят ва афсоналардангина эмас, балки хамсалардаги анъанавий Ширин образидан ҳам катта фарқ қилади. У Хисравнинг қаллиғи эмас, балки меҳнаткаш ва ижодкор Фарҳоднинг севикли ёри, у «сут ариғи»нинг эмас (бу Ширинниг маънавий оламини хийла чегаралаб қўйган эди), балки эл-юртга «ҳаёт» ва «нажот» бағишлаган («Наҳрул-ҳаёт» ва «Баҳрун-нажот»нинг ташаббускорларидан бири. Халқ афсоналаринипг кўпчилиги ҳам Ширин фаолиятини сув билан, ариқ очиш билан боғлайди). Ширин халқ эпосидаги мўъжизакор, жасоратли ва оқила қизларга ўхшаб кетади. Навоий Ширини билан Ориф Ардабилий достонидаги Ширин образи бир-бирига хийла яқинроқдир. Бу Навоийнинг Ориф достони билан таниш бўлиш-бўлмаслигидан қатъий назар, халқ ижодиётида Ширин ҳақида қадимийроқ анъанавий ривоят ва афсоналардан фарқ этувчи янги асарлар ҳам вужудга келган, Навоий ҳам, Ориф ҳам шундай асарлардан илҳомланиб, улардан ижодий фойдаланганлар деб фараз қилмоққа имкон беради.

Ширин номи билан боғлиқ кўпгина ривоят ва афсоналар бор. Қаҳрамонни ўз эл-юрти билан боғлаб кўрсатиш халқ ижодига хос анъаналардан бири. Шу анъанага мувофиқ Ширин халқ асарларида турли эл-юртга мансуб қилиб тасвирланади, айрим қишлоқлар, бинолар, сойлар, чашмалар ва бошқалар унинг номи билан аталади. Аммо шу атамалар асосида Ширин «тарихи»ни тиклашга интилиши, шубҳасиз, фойдасиз, натижасиз бўлур эди. Чунки Ширин аллақачон якка шахсликдан чиқиб образга, гўзаллик, садоқат, ақл-идрок тимсолига, халқнинг сув ҳақидаги ғояси ва орзуси тажассумига айланиб, ҳад-ҳудудни кечиб ўтган эди.

Фарҳодни биринчи бор Низомий Ганжавий ёзма адабиётда мукаммал эпик образ сифатида ишлаб, «Хисрав ва Ширин»нинг асосий образларидан бирига айлантирди. Шундан бошлаб Фарҳод хамсачиликнинг анъанавий образи бўлиб қолди, унинг тўғрисида кўпдан-кўп асарлар, жумладан, достонлар вужудга келди. Бошқа асарларнинг ғоявий-бадиий қимматини камситмаган ҳолда шуни дадил таъкидлаш лозимки, Навоийнинг Фарҳоди бу образ тараққиётининг юксак чўққисидир .

Фарҳодни тарихий шахс деб тасдиқловчи ёки бундай мулоҳазани узил-кесил рад этувчи ҳужжатларга эга эмасмиз. Фарҳод номи дастлаб бирор аниқ шахс – тош йўнувчи, уста билан

боғлиқдир. Эҳтимол у Бесутун билан алоқадор бўлиб, бу қоя билан боғлиқ бирор ишни бажо келтиргандир. Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Хисрав Парвез ҳақида сўзлаб, Ширин ва Фарҳодга ўтиш олдидан «Ва Кисро тоқин деб турларким ёримчуқ эрди, ул тугатти», дейди. Фарҳод Доро замонида эмас, Хисрав Парвез даврида ўтиб, чала қолган «Кисро тоқи» ишларини тугаллашда иштирок этган бўлиши – тарихий замини ҳақиқат бўлиши мумкин. Ривоятларга кўра Фарҳод қояга Ширин, Хисрав ва Шабдиз тасвирини ишлаган экан.

Аммо ортиқ даражада фаразга берилиш, Фарҳод номи ва шахсини қандай бўлмасин тарихга боғлашга интилиш сунъий ва фойдасиз бўлиши мумкин. Чунки Фарҳод тарихга эмас, балки адабиётга мансубдир, яъни Фарҳод деганда биз мураккаб тарихий тараққиёт босқичларини кечиб ўтган бадиий образни кўзда тутамиз. Унинг бадиий образ сифатида шаклланиши ва тараққий этишида, кўпчилик тадқиқотчилар айтганидек, халқ ижодиёти, мифология, бадиий фантазия замин бўлган эди[1]. Фарҳод мўъжизакор афсонавий қаҳрамон. У тоғ суради, қоя қўпоради, йўл солади, ариқ очади, қаср қуради; у ҳормас паҳлавон, ҳеч ким, ҳатто дев ва аждар у билан тенглашолмайди... Шу жиҳатлари билан Фарҳод Хоразмдаги «Дев Қалъа» қаҳрамонига ҳам[2], бошқа кўп қаҳрамонларга ҳам ўхшаб кетади. Аммо Фарҳодни алоҳида олинган битта асар билангина боғлаш ва айниқса, чегаралаб қўйиш мумкин эмас. Фарҳод – катта бадиий ижодиётнинг маҳсули, у жамловчи образ, орзу ва хаёлдаги қаҳрамон. Навоийнинг қаҳрамони ҳам ана шундай. У «Фарҳод ва Ширин»даги бошқа образларга қараганда янада халқ ижодига, халқ қаҳрамонларига яқин. У жуда мураккаб ва ҳалокатли саргузаштларни бошидан кечиради, денгиз тўфони ва қароқчилар ҳамласини дафъ этади, дев ва аждарни маҳв қилади, Искандар тилсимини очади, Жамшид жоми ва Сулаймон узугини қўлга киритади, йиллар давомида минглаб кишилар қилолмаган ишларни бажариб, тоғ кесиб, мўъжизалар кўрсатади ва ҳоказо. Хуллас, Навоий Фарҳоди ҳам бевосита, ҳам билвосита халқ ижодиёти билан, фольклор билан боғланади. У ҳам Ширин каби бир эмас, бир неча халқнинг қаҳрамонига айланиб кетган бўлиб, турли географик атамалар унинг номи билан аталади[3].

Ширин образи қиссага Фарҳод каби Меҳинбонуни ҳам олиб кирди. Меҳинбону ҳақидаги афсоналар бошлаб Мидия-Сурия заминида вужудга келди, у Мидия-Сурия афсоналарида Семирамида деб номланган. Семирамида – Суриянинг афсонавий шоҳи. Юнон ёзувчиси Ктесийнинг (эрамизгача бўлган V асрнинг охири-IV асрнинг бошлари) тасвирича, Семирамида маъбуд Астартнинг қизи бўлиб, ёшлиги камбағалликда ўтган, гўзаллиги туфайли бир амалдорга эрга чиқиб, бахти очилган экан. Семирамида Бақтрия билан Сурия жангида Сурия шоҳи Нинга ақлли бир маслаҳат бериб, шу билан шоҳнинг диққат-эътиборини қозонган, шоҳ Нин унга уйланган экан. Нин вафотидан кейин Семирамида Сурия тахтига чиқиб ҳукмронлик қилади. У Миср, Эфиопия, Ҳиндистон ва бошқа жойларга юришлар уюштиради, Бобилда «Осма боғлар», Мидияда «Семирамида боғлари» барпо этиб, шон-шавкатда яшайди. Семирамида ўз ўғли Ниний томонидан ўлдирилади. Ривоятлардаги Семирамида шундай бўлган экан. Бу образнинг тарихий прототипи ўғли Ададнерари III (809-782)нинг болалик чоғида эрамизгача 809-806 йилларда ҳукмронлик қилган Сурия ҳукмдори Шаммураматдир. Семирамида антик адабиётдан (жумладан, Овидий ижодиётидан) ўрин олган бўлиб, у давлатманд ва улуғвор, лекин баттарин давлат бошлиғи сифатида тасвирланади. Қадимги арман афсоналарида Семирамида Шамирам номи билан тилга олинади.

---

[1] Балъамий маълумотлари ҳам шунга мувофиқ келади.
[2] Қаранг: Б.Денике. Сюжет Низами Гянджави в искусстве. Низами Ганджави. Четвертый том. Баку. 1947.
[3] Бу ҳақда қаранг: С.Эркиновнинг зикр этилган асарига (24 ва кейинги саҳифалар) қаралсин.

Демак, Меҳинбону образининг илдизлари қадимги Сурия тарихи, Сурия-Мидия афсоналарига бориб тақалади, у қадимги арман афсоналаридан Шамирам номи билан ўрин олади. Бу ҳолат Шамирамнинг фақат арман фольклоридагина эмас, балки бошқа Кавказ халқлари фольклорида ҳам кенг тарқалишига замин бўлади. Шамирам фольклордан ёзма адабиётга ўтади, Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достони билан хамсачиликнинг анъанавий образига айланади. Низомий ва унинг халафлари достонларида у Шомира-Меҳинбону (улуғ соҳиба) деб номланади, адолатли, тадбирли, эл-юрт учун фидокор ҳукмдор сифатида тасвирланади. Навоий достонида у фаолияти ва сифат-хислати билан Хисравга қарама-қарши қўйилади[1].

Шундай қилиб, Хисрав ва Ширин (кейинчалик Фарҳод ва Ширин) ҳақидаги бадиий асарларнинг пайдо бўлиш илдизи тарихга, сосоний шоҳларидан Хисрав Парвез ва унинг хотини Ширинга бориб тақалади. Хисрав ва Ширин тарихдан халқ афсонаси ва ривоятларига ўтиб, севги ва садоқатнинг ўлмас образларига айланади, ривоят ва афсоналар қадимги мифология ва кейинги янги афсона ва ривоятлар билан қўшилиб, мураккаб сюжет ва композицияга, катта образлар жамланмасига эга бўлган йирик қиссалар вужудга келади, булар ёзма адабиётда «Хисрав ва Ширин» (ёки «Фарҳод ва Ширин») ҳақида катта обидаларнинг вужудга келишига замин тайёрлади, Низомий достони билан у хамсачиликнинг анъанавий асарига айланди, Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин»и эса кўп асрлик адабий тажриба ва анъаналар такомилида янги, йирик ҳодиса бўлди.

* * *

Навоий ўз салафларининг истеъдоди ва ижодий ютуқларига доимо юксак баҳо беради. Лекин шу билан бирга салафлари томонидаи Хисравнинг ижобий қаҳрамон сифатида таъриф ва тавсиф этилиши Навоийнинг қаттиқ эътирозини туғдиради. Навоий салафларининг изидан боролмайди. Унингча? ишқда беқарор, худбин ва маишатпараст Хисрав мақтовга сазовор эмас, Хисрав қилмишларига яраша жазоланиши, унинг тимсолида золим ва худбин подшолар шафқатсиз фош этилиши лозим. Хисрав ва Хисравларга қарши инсоннинг энг олий фазилатларини жам этган комил кишилар образини, хисравлар дунёсига қарши инсониятнинг асрий орзу-армонларини ифодалаган янги дунёни яратиш керак.

Шу зайлда Навоий тамомила янги достон яратишга киришади. Унинг «Фарҳод ва Ширин» достони даврнинг, инсон ва инсон фаолиятининг хилма-хил масалаларини қамраб олган, ўрта асрнинг энг пешқадам қарашлари ва орзу-интилишларини ифодалаган бир достон сифатида вужудга келади. Достоннинг бош мавзуси севгидир. У самимий ва мусаффо севгидир, у инсоннинг энг олижаноб сифат ва фазилатларини ўзида мужассамлаштиради, меҳнат ва ижодкорликда, эл-юрт учун хизмат қилишда, ватанпарварлик ва қаҳрамонликда камол топади, кураш ва синовларда тобланиб, чиниқиб боради. Ҳеч қандай ғов, мудҳиш ёки машъум ҳамла бу севгини енголмайди, уни чекинишга мажбур этолмайди. Мана шунга кўра бу севги кенг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий моҳиятга эга бўлган, инсонпарварлик ва халқпарварлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик, меҳнатсеварлик ва ижодкорлик билан узвий боғлиқ бўлган севгидир.

Навоий севги, садоқат, меҳнатсеварлик, ижодкорлик, дўстлик, ватанпарварлик ва қаҳрамонлик каби фикр-ўйларини? орзу-интилпшларини, хусусан, достоннинг бош қаҳрамон – Фарҳод образида мужассамлаштиради.

---

[1] С. Т о л с т о в. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1961, 31-б.

Ёзиб жон мусҳафидин икки оят,
Дебон Фарҳоду Ширидин ҳикоят,

деган шоир ўз достонига «Фарҳод ва Ширин» номини беради.

* * *

Маълумки, Абулқосим Фирдавсий «Хисрав ва Ширин» достонини расмий хроника материаллари ва афсона ҳамда ривоятлар асосида яратиб, сосоний Хисрав Парвезнинг шон-шавкатини улуғлаган эди. Унинг достонида кейинги достонларда мавжуд бўлган бошқа бир қатор образлар (Меҳинбону, Шопур ва бошқалар) каби Фарҳод образи ҳам йўқ эди. Афтидан, ҳали халқ оғзаки ижодида Фарҳод образи яратилмаган ёки у кенг тарқалмаган эди[1]. Вақт ўтиши билан «Хисрав ва Ширин» халққа, халқнинг орзу-интилишларига яқинлашиб боради, шу заминда Фарҳод образи шакллана бошлайди. Турли халқлардаги Фарҳод номи билан боғлиқ бўлган афсона ва ривоятлар ҳамда ёзма адабиёт намояндаларининг асарларида Фарҳод номининг зикр этилиши бу образнинг хийла қадимий эканини кўрсатади. Шубҳасиз, Низомий «Хисрав ва Ширин» достонини ёзишга киришар экан, мана шундай афсона ва ривоятлардан ҳам фойдаланади. У биринчи бўлиб ёзма адабиётга Фарҳоднинг эпик образини киритади. Бу образ достоннинг ғоявий-бадиий қимматини, унинг халқчиллигини оширади. Бироқ Низомий достонида бу образ бош қаҳрамон даражасига кўтарилмайди.

Навоий достонида эса тамомила бошқача манзарани кўрамиз. Навоий достони деярли Фарҳод билан (унинг туғилиши билан) бошланади, Фарҳод билан (унинг вафоти билан) тугалланади. Навоий Фарҳоднинг бутун ҳаёти ва кураш йўлларини ҳикоя қилади. Барча масалалар Фарҳоднинг ҳаёти ва фаолияти заминида туғилади ёки Фарҳодга келиб боғланади. Бинобарин, Фарҳод мукаммал эпик образ даражасига кўтарилади. Бу ҳолат айни чоқда асарга шеърий роман тусини беради.

Фарҳод болалик чоғидаёқ ижобий хислатларга эга бўлади. У жуда ақлли, зеҳнли бола бўлиб ўсади:

Ажабдур уч ёшида кўзга атфол,
Нечукким ўн ёшида ўзга атфол.
Қолиб бу ишда эл ҳайрони онинг,
Спеҳру меҳр саргардони онинг.
Ато бу навъ кўргач иш ҳисобин,
Муносиб англади илм иқтисобин.
Кетурдилар ҳакими нуктадоне,
Билик бирла жаҳон ичра жаҳоне...
Қаю илмеки йўқ андин ниҳонроқ,
Анинг қошида йўқ андин аёнроқ.

Фарҳод зўр ҳавас билан ўқийди, табиият, математика, логика ва бошқа фанларни ўрганади, кўп ўтмай бир катор илмларни эгаллаб, ўз қобилият ва малакаларини оширади:

Агар бир қатла кўрди ҳар сабақни,
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.

[1] Фарҳоднинг Чин фарзанди сифатида тасвирланиши, назаримизда унинг наққошлиги билан, машҳур наққош Моний анъаналари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Не сўзиким, ўқиб кўнглига ёзиб,
Дема кўнглики, жон лавҳига қозиб.
Ўқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,
Қолиб ёдида, сафҳа-сафҳа бори.
Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм

Фарҳод ақлий тарбия билангина чекланиб қолмайди. У жисмоний ва ҳарбий машғулотлар билан ҳам шуғулланиб, чиниқа бошлайди. Сувда сузиш, чавандозлик, қиличбозлик ва бошқалар ҳам унинг кундалик машғулоти эди. 10 ёшида унда 20 яшар йигитларнинг куч-қуввати бўлади. У ўзининг ақли ва жисмоний куч-қуввати, маҳорати билан кишиларни ҳайратда қолдиради. Фарҳоднинг фазилатлари инсоннинг бахт-саодати учун курашда ривожланиб, мукаммаллашиб боради.

Фарҳод ниҳоятда камтар. Шаҳзодалик, отасининг мол-давлати уни маҳлиё қилмайди. У ўзини оддий кишилардан бири деб ҳисоблайди ва мазлум халқни чин кўнгилдан севади:

Ҳам ул илми баланд, овоза бирла,
Бу янглиғ зўри беандоза бирла,
Ўзин абжад ўқур элдин тутиб кам,
Дема донишки, зўри даст ила ҳам.
Анга тенг подшолиғ, ё гадолиғ,
Гадолиққа тенг этмай подшолиғ.
Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок.

Фарҳод мазлумларнинг дардига малҳам бўлишга интилар, умумнинг манфаатини ўз манфаатидан устун қўяр эди:

Бировким зор йиғлаб, йиғлаб ул зор,
Топиб кўнгли эл озоридин озор.
Чиқариб сўзлуғ сўз бошидин дуд,
Совуқ оҳ айлаб оҳин оташ олуд.
Бўлиб эл андуҳидин кўнгли ғамнок,
Яқо чокни кўриб, кўксин қилиб чок.

Шунинг учун халқ ҳам Фарҳодни севади, унинг дард-аламидан алам чекади, шодлиги билан қувонади.

Фарҳод вояга етган сари ўз ишларидан қаноатланмай боради. У қандайдир улуғ ишларга бош қўшишга, кишиларнинг бахти йўлида кўпроқ хизмат қилишга интилади. Хоқон Фарҳодни хурсанд қилиш учун йилнинг тўрт фаслига мос тўрт қаср қурдира бошлайди. Фарҳод бу қасрлар унинг ўзига қурилаётгани учун эмас, балки усталарнинг ҳунари ва санъатини ўрганиш учун қурилиш ишини кузатади ва бинокорликни ўрганиш вазифасини ўз олдига қўяди. Меъмор Боний, наққош Моний ва тош йўнувчи Қоран билан дўстлашади. У усталарнинг ҳунарини иштиёқ билан кузатади ва ўрганади:

Анингдек қилди хоро йўнмоғин вирд,
Ки, юз Қоран қошида бўлғай шогирд.

Қилиб бир дамда онча иш ниҳони,
Қи қилғай ўзгалар бир йилда они.
Қаю суратки Моний қилди тимсол,
Анга Фарҳод очди чеҳра филҳол.
Бу ишни доғи оз фурсатда қилди,
Анингдекким, керак алқисса билди.

Хоқон ўғлини хурсанд қилиш учун унга тож-тахтини таклиф қилади. Лекин Фарҳодни тож-тахт қизиқтирмас эди. У шунча илм ва ҳунарга эга бўлишига қарамай, ҳали ўзини етарли тажриба ва малакага эга деб ҳисобламас, давлатни идора этиш учун катта тажриба ва тадбиркорлик лозим деб билар эди. Бу билан Навоий ўз давридаги худбин ва тож-тахтпараст шаҳзодаларни қаттиқ қоралаб, уларни Фарҳоддан ибрат олишга йўллар эди. Навоийнинг Фарҳодни шаҳзода қилиб беришдан асл мақсади ҳам шу эди[1].

Шундай қилиб, Фарҳод дастлаб билимли, ҳунарли, ижодкор киши бўлиб етишади. У илм ва ҳунарни ҳаёт билан боғлайди. Қиши ўз илми ва ҳунарини омманинг манфаатига хизмат эттириши лозим деб ҳисоблайди. Бу? хусусан, Фарҳоднинг Арманистондаги фаолиятида равшан кўринади. Фарҳод Ширинни излаб Арманияга[2] боради. У тоғда канал қазиш учун ниҳоятда қийналиб ишлаётган мингларча кишиларни кўрар экан, уларга ёрдам беради, уларга бош бўлиб ишлайди, мўъжизалар кўрсатади.

Чу кайфиятни маълум этти Фарҳод,
Алар ҳолиға кўнгли бўлди ношод.
Деди: «Бу неча мазлуми ситамкаш,
Фалак бедодидин бўлғон аламкаш.
Ки вайронлиғларида юз халалдур,
Агар қилсам мадад воқеъ маҳалдур.
Ҳунарни асрабон неткумдур охир,
Олиб туфроққаму кеткумдур охир?»

Билим ва ҳунарни ишга солган Фарҳод мингларча кишиларнинг меҳнати ва машаққатини енгиллаштиради:

Ки уч йилда не иш бутмиш саросар,
Ўзи бир кунда қилмишдир баробар.
Онинг тешаларига ҳар қаро тоғ,
Пичоқ олинда андоққим, сари ёғ.

Фарҳоднинг меҳнат фаолияти ва қобилияти, айниқса, ҳовуз қазиш ва канал очиш ишларида камол топади, сув масаласи достоннинг марказий масалаларидаи бирига айланади. Маълумки, ўзбек халқи сув учун асрлар давомида қаттиқ кураш олиб борган, халқ кучи билан бир қатор суғориш иншоотлари вужудга келган бўлса ҳам, лекин қишлоқ хўжалиги сув билан етарли таъминланмаган эди. Ўзаро урушлар суғориш иншоотларини вайрон этиб, сув танқислигини тобора кучайтирар эди. Сув танқислиги XV асрда – Навоий яшаган даврда жуда кучли эди. Халқнинг сув учун қийналаётганини, сув деб қон ютаётганини кўрган Навоий уни сув билан таъминлашни истар, лекин бу истагини амалга

[1] X аср тарихчиси Балъамий асарида Фарҳод номи зикр этилади. Бироқ бу ном, проф. Е. Э. Бертельс таъкидлаганидек, китобга кейинроқ кириб қолган бўлиши керак.
[2] Навоий Арманистонни «Армания» шаклида қўллаган.

оширолмас эди. Навоий халқ сув билан таъминланадиган вақт келишига ишонади. Фарҳод бошчилигида катта ҳовуз қазилади, канал очилади. Ариқ-каналга «Наҳрул-ҳаёт» («Ҳаёт дарёси»), ҳовузга «Баҳрун-нажот» («Нажот денгизи») деб ном қўйилади:

Ариққа қўйдилар «Наҳрул-ҳаёт» исм,
Фалакваш ҳавзға «Баҳрун-нажот» исм.

Бу номлар ҳам Навоийнинг сув масаласига қанчалик катта аҳамият берганини кўрсатади: сув – ҳаёт, сув – нажотдир. Шунинг учун ҳам ариқ ва ҳовузнинг тайёр бўлиши халқ байрами, халқ тантанасига айланган эди:

Ариқ нови чу бўлди сув мақоми,
Тегирмон новидек бўлди хироми.
Халойиқ ичра ғавғо тушди ҳарён,
Улус ичра алоло тушди ҳарён,
Муғаннийлар ики ёндин навосоз,
Тузиб ул руд лаҳза бирла овоз.

Демак, меҳнат ва ижодкорлик «Фарҳод ва Ширин»нинг марказий масалаларидан биридир. Навоий достонини иккинчи бир ном билан «Меҳнатнома», деб ҳам атаган эди:

Заруратким, солиб бир ўзгача тарҳ,
Бу «Меҳнатнома»ни қилғум дурур шарҳ.

Фарҳодни меҳнатсевар ва ижодкор, комил инсон сифатида яратган Навоий ўзи ундан илҳомланиб, қаламининг Фарҳод тешаси каби ўткир ва унумли бўлишини орзу қилади:

Бу кон қазмоқни улким қилди пеша,
Керак хоро фиган илгида теша.
Санга бу тешаварлик бўлса матлуб,
Эрур Фарҳод ҳамсуҳбатлиғи хуб.
Бу кон ишқида тешанг хора рез эт,
Ани Фарҳод тоши бирла тез эт.

Навоий Фарҳоднинг меҳнат ва нжодкорликда эришган муваффақиятларининг асосий боиси унинг илми, ақли ва иродаси деб ҳисоблайди. Фарҳод ақл ва тафаккур кучига баҳо берар экан:

Деди: «Ҳар ишки қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манго то бўлди мадҳал,
Топилмас мушкуле мен қилмаган ҳал, –

дейди.

Фарҳод мислсиз халқпарвар ва ватанпарвар инсондир. У доимо юртнинг ободонлиги ва халқнинг фаровонлиги учун курашади. Ўзи бинокорлик қилади, тоғ-тош кесади, инсоннинг

ҳар қандай душманларига қарши курашади. У Ширинни севиш билан бирга Ширинниng юрти ва элини ҳам севади. Арманистонни ёвуз Хисравнинг ҳужумидан мардона ҳимоя қилади. Фарҳодни куч билан енголмаган Хисрав уни макр-ҳийла билан асир олади. Лекин бу Фарҳодни маҳв этолмайди, унинг иродасини бўшаштиролмайди, севги ва ҳаққоният учун кураш йўлидан чекинтиролмайди. Фарҳод ҳамон дадил ва мағрур. Мана Хисрав билан унинг мунозараси:

Деди: Недур сенга оламда пеша?
Деди: Ишқ ичра мажнунлуқ ҳамеша.
Дедиким: Ишқиға кўнглунг ўрундур?
Деди: Кўнглумда жондек ёшурундур.
Деди: Кўнглунг фидо қилса жафоси?
Деди: Жонимни ҳам айлай фидоси.
Деди: Бу ишқдин инкор қилғил!
Деди: Бу сўздин истиғфор қилғил!
Дедиким: Шаҳға бўлма ширкат андеш,
Деди: Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш!

Фарҳоднинг кескин ва қатъий жавоблари мутакаббир ва худбин Хисравни руҳан мағлуб қилади.

Фарҳод ўз юртидан узоқда, душманнинг макр ва ҳийла тузоғида ҳалок бўлади. Лекин у сўнгги дамига қадар адолатнинг тантанасига ишонч билан қарайди. Дўстлари билан ғойибона хайрлашар экан, уларга Хисравни енгиб, адолат ўрнатишни васият қилади. Хисрав ҳам, ўлим ҳам унинг орзу-армонларини енголмайди.

Навоий Фарҳод образини реалистик ва романтик деталлар билан бойитади, такомиллаштиради. У жамиятда Фарҳод ва Фарҳоддек кишиларни кўришни орзу қилади, шундай кишиларнинг етилишига комил ишонч билан қарайди.

* * *

Ширин ўз характери ва фазилатлари билан Фарҳод қаторидан ўрин олган, унга ҳар жиҳатдан муносиб бўлган олижаноб инсон образидир. Бу образ сиймосида ҳам Навоий энг эзгу орзу-армонларини мужассамлаштиради.

Ширин маърифатпарвар холаси Меҳинбону тарбиясида илмли, ақлли ва иффатли бир қиз бўлиб етишади. У мамлакатнинг ободончилиги, сув билан таъминланиши учун курашади. Меҳинбону билаи бирга канал қазиш, сув чиқариш каби катта ишларга бош бўлади. Ширин Фарҳод сиймосида инсоннинг бахти учун курашувчи ажойиб шахсни кўради. Фарҳоднинг қаҳрамонликлари, ижодкорлиги Ширинни мафтун этади. У тоғ-тошларни кесиб ариқ ўтказган Фарҳодни самимийлик билан тақдирлаб:

Ки, эй нодир йигит, офоқ ичинда,
Ягона чархи нили тоқ ичинда.
Аён ҳолингда кўп-кўп булъажаблиқ,
Ажабдин ҳам ажаб ранжу тааблиқ.
Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига,
Не қилғон ишинг ўхшар эл ишига,
Бўлур эрдик ҳусули бирла ожиз,
Ҳунар эрмас, қўлунг кўргузди муъжиз.

Агар юз қарн узр ойин бўлоли,
Нетиб бир кунчилик узринг қилоли.

деди.

Ширин саройнинг тантиқ, арзанда ва ҳою ҳавасларга берилган қизларидан эмас. Уни мол-давлат ва ясан-тусанлар эмас, балки инсоннинг бахти учун хизмат қилувчи орзулар қизиқтиради. Ширин чин инсон бўлишни ва чин инсонни севишни буюк фазилат деб билади. Уни шаҳзода Фарҳод эмас, балки инсон Фарҳод мафтун этади (у Фарҳоднинг насл-насабини билмас ҳам эди). Ширин золим Хисравнинг «ошиқона» таклифини:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам ушбу басдур,

деб рад этади.

Ширин – садоқатли ёр. У энг даҳшатли дамларда ҳам Фарҳодга вафодор бўлиб қолади, иродаси бўшашмайди. У Фарҳодга ёзган мактубларидан бирида мушфиқлик билан бундай дейди:

Недур аҳволинг, эй зори ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим.
Қаттиқ ғурбат аро ҳолинг не эркин?
Ачиқ фурқатда аҳволинг не эркин?
Не бўлғай эрди чархи зулм пеша,
Мени сендин жудо қилмай ҳамеша,
Хироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.
Қуёш янглиғ бўлуб кундуз қарининг
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг.
Демон мендин сенинг дардинг эрур кам,
Сенинг ҳам кўп турур дардинг, менинг ҳам.
Вале юз мунча дарди тоза бирла,
Ғаму андуҳи беандоза бирла,
Чу дарду ғурбатингни ёд этармен,
Ҳазин жонимға юз бедод этармен.

дейди.

Ширин Хисравнинг ёвуз ниятини билар эди. У мамлакатнинг Хисрав қўлига ўтиши ва халқнинг таланишини истамас эди. Шунинг учун ҳам Ширин жон-жаҳди билан Хисравга қарши курашади. Лекин Хисравнинг қўли баланд келади, у макр-ҳийла билан Фарҳодни асир қилиб, мамлакатни хавф остида қолдиради. Ширин учун икки йўл қолади: ё ҳаёт, ё ўлим. Ширин сўнггисини қабул қилади. Бу Ширинниng маънавий ғалабаси эди. Чунки золим ва мунофиқ Хисравга бўйин эгиб тирик қолгунча чин инсонликка ва Фарҳодга содиқ қолиб ўлган авлодир.

Ширин образи узоқ тадрижий такомил босқичларини кечиб ўтди. Фирдавсий яратган Ширин образи учун тарихий хроникалар ва дастлабки афсона-ривоятлардаги Ширин прообраз бўлди. Фирдавсий Ширини садоқатли ёр, тадбирли аёл ва эл-юртга мушфиқ инсон образидир. Низомийга келиб Ширин тамомила янги моҳият касб этди. Низомий бу образни яратишда расмий хроникал маълумотлар доирасини ёриб ўтди, у янги-янги афсона ва

ривоятлардан фойдаланди, кенг бадиий фантазия асосида янги Ширин образини яратди. Низомий достонида Ширин етакчи бош қаҳрамон даражасига кўтарилди, шоир энг гўзал орзу-интилишларини шу образ қиёфасида мужассамлаштирди. Ширин садоқатли, иродали ёр бўлиши билан бирга тадбирли мураббия, одил ва донишманд давлат арбоби ҳам. Навоий яратган Ширин ўз фазилатлари билан Низомий Ширинига жуда яқин туради. Бироқ Навоий ўз достонининг янги режаси ва вазифалари аспектида бу образни ҳам қайта ишлайди, янги Ширин яратади. Низомий достонида Ширинниng характери билан Хисравнинг характери ўртасида маълум зиддият бор. Бироқ Ширин Хисравни севади. Хисрав бу севгига муносиб кишига айланиши керак. Ширин матонати ва иродаси билан, ақли-тадбири билан Хисравни қайта тарбиялайди, зиддият орадан кўтарилади. Навоий достонида эса севгувчилар: Фарҳод ва Ширин ўртасида ҳеч ҳандай зиддият йўқ, уларнинг феъл-атвори, фаолияти ва орзу-мақсади бир. Ширин билан Хисрав эса бир-бирига тамомила зид, ёт кишилар. Фарҳод Хисравга қанчалик душман бўлса, Ширин ҳам шундай. Фарҳод билан Ширин бошқа дунё, Хисрав билан Шеруя бошқа дунё. Буларнинг ўртасида қаттиқ ва муросасиз кураш боради. Бу курашда чекиниш йўқ: ё ҳаёт, ёки ўлим. Ширин образининг моҳияти ва характерини ҳам мана шу кураш белгилайди. Натижада Ширин образи янада фаолроқ, янада шижоатлироқ бир аёл сифатида гавдаланади.

Навоийнинг хотин-қизларга нисбатан гуманистик қарашлари Меҳинбону образи билан янада мукаммаллашади. Навоий хотин-қизларнинг илмли ва ҳунарли бўлишларинигина эмас, балки йирик давлат арбоби бўлишларини ҳам орзу қилади. У шу орзу билан идеал ҳукмрон – Меҳинбону образини яратади. Меҳинбону – адолатли ҳукмдор, у мамлакатнинг ободлиги ва халқнинг осойишталиги учун курашади. Ариқ ва ҳовуз қазиш ишига раҳбарлик қилади. Жияни Ширинниng тарбиясига катта аҳамият беради. Меҳинбону – илм-маърифат ҳомийси. У кишиларнинг илмли бўлишига ҳар томонлама кўмаклашади, олимларни қадрлайди, ҳурмат қилади. Унинг саройидаги ўн қиз илм ва ҳунарда ажойиб кишилар бўлиб етишади. Мана бу қизларнинг таърифи ва тавсифи:

Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,
Бири адвор даври ичра раққос,
Бири мантиқ русумида рақамкаш,
Бири ҳайъат руқумиға қаламкаш.
Бирининг шеваси илми ҳақойиқ,
Балоғатда бири айтиб дақойиқ.
Бири тарихдан сўз айлаб фасона,
Бири ҳикмат фани ичра ягона.
Ҳисоб ичра бирининг зеҳни бориб,
Муаммода бириси от чиқариб.
Бу фанларда булар бир-бирдин аҳсан,
Юз ул фанлиқ аро ҳар қайси якфан.
Дилорому Дилорою Дилосо,
Гуландому Суманбўю Сумансо.
Паричеҳру Паризоду Париваш,
Парипайкар зиҳи ўн исми дилкаш.

Меҳинбону кишиларнинг яхши мақсад, орзу-интилишларини қўллайди, уларга мадад беради. Фарҳод сиймосида улуғ бир инсонни, садоқатли ёр, меҳнаткаш, ижодкор ва қаҳрамонни кўрган Меҳинбону уни самимият билан ҳурмат қилади, оналарча меҳр қўяди.

У Фарҳод ва Ширинниng соф муҳаббатини қизғин ҳимоя қилади.

Меҳинбону мамлакатни, халқни, Фарҳод ва Ширинларнинг орзусини разил Хисравнинг даҳшатли ҳужумидан мудофаа этишда жасорат ва тадбир билан иш тутади. Ноилож қолганидан кейингина Хисрав билан келишишга мажбур бўлади. Бўлмаса Хисрав эл-юртнинг бошига яна янги-янги офатлар келтирар эди. Меҳинбону билан Хисрав бир-бирига тамомила қарама-қарши кишилар. Хотинлардан чиққан ҳукмдор Меҳинбону мамлакатни обод ва халқни фаровон қилиш учун курашса, эрлардан чиққан ҳукмдор Хисрав мамлакатни хароб қилади, халқни эзиб талайди. Бу билан Навоий бир томондан одил ва золим подшо ҳақидаги қарашларини ифодаласа, иккинчи томондан хотин-қизларга паст назар билан қараш майлларига зарба бериб, кишининг яхши ёки ёмон бўлиши зинҳор унинг жинси билан боғлиқ эмас, дейди. Бу ғоятда зўр долзарб аҳамиятга эга қараш эди.

Ёзма адабиётда Меҳинбону образини биринчи бўлиб Низомий яратади. Бу образни яратишда у Кавказ халқларининг афсона ва ривоятларидан ижодий фойдаланади. Меҳинбону образи адолатли подшо ва маърифатпарвар сифатида тасвирланади. Бу образ худди Ширин образи каби Низомий достонини XII аср муҳитига, Кавказ ҳаётига янада яқинлаштиради. Низомийдан кейин Меҳинбону образи «Хамса»ларнинг (ёки «Хисрав ва Ширин», «Фарҳод ва Ширин» номи билан яратилган алоҳида достонларнинг) анъанавий образига айланади. Алишер Навоий ҳам ўз достонининг режаси ва вазифалари аспектида бу образни қайта ишлайди, такомиллаштиради. Меҳинбону образининг янгича моҳияти хусусан, унинг Фарҳодга бўлган оналарча меҳри ва Хисравга қарши кураши, нафрати фонида ойдинлашади.

«Фарҳод ва Ширин»нинг муҳим ижобий образларидан бири Шопурдир. У комил бир инсон, истеъдодли санъаткор-рассом, сайёҳ:

Ҳунар бобида устоди замона,
Замон ичра наққоши ягона.
Қалам аҳлига онинг тарҳи дастур,
Жаҳон аҳли дебон отини Шопур.

Шопур софдил ва самимий киши. У дўстлик ва содиқликнинг тенги йўқ тимсоли. Дўстлик ва садоқат достонида Фарҳод ҳамроҳларини денгизда қароқчилардан қутқазган эди. Шундан бошлаб Шопур Фарҳодга дўст тутинади. Фарҳодни мурод-мақсадига етказиш, бахтиёр қилиш учун куч-қувватини аямайди. У Фарҳодни Арманистонга олиб боради, унинг ҳамма ишларига яқиндан ёрдам беради. У Фарҳоднинг севиклиси Ширинга ҳам содиқ бўлиб қолади. Шопур Фарҳоднинг тоғ-тош қазишида қандай жонбозлик кўрсатган бўлса, Арманистонни Хисравнинг ҳужумидан мудофаа этишда ҳам шундай фидойилик кўрсатади. Фарҳод бутун ҳаёти ва фаолиятини дўстлик ва садоқат йўлига бағишлаган Шопурга ўлими олдидан миннатдорчилик изҳор этиб айтади:

Не қонким ютмадинг ҳамдамлиғимдин,
Не ғамки чекмадинг маҳрамлиғимдин,
Менга ул вақтдин ким ҳамдам ўлдунг,
Гирифтори балоу мотам ўлдунг.

Шопур Фарҳоднинг васиятини бажариб, унинг кўкалдоши Баҳром билан бирга Хисравнинг ўғли Шеруя билан уч шарт асосида келишувга эришади. Арманистонда адолат ва осойишталик ўрнатилади.

Навоий халқлар дўстлиги ғоясининг улуғ куйчисидир. У бу ғоясини «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам марказий масалалардан бири қилиб қўяди. Достоннинг уч ижобий образи: Фарҳод, Ширин ва Шопур образларида бу ғоя ёрқин ифодаланади. Хитойлик йигит Фарҳод арман қизи Ширинни севади. Эронлик Шопур бу севгига ҳомийлик қилади. Буларнинг фаолияти, дунёқараши, орзу-интилиши бир-бири билан чамбарчас боғланган. Маълумки, Марказий Осиё халқлари билан Кавказ, Хитой халқлари ва бошқа халқлар ўртасида жуда қадим замонлардан бошлаб дўстона муносабатлар, иқтисодий-маданий алоқалар пайдо бўлган эди. Навоийдаги халқлар дўстлиги ғояси мана шу реал замин асосида туғилган ва уни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтиришга қаратилган эди. Шуни таъкидлаш лозимки, Фарҳод, Ширин ва Шопур каби образлар, достонда қайси бир ўлка ёки халқнинг фарзанди сифатида тасвирланишидан қатъи назар, улар инсонийликнинг энг яхши сифат ва фазилатларини тажассум этган кишилардир, барча халқларга манзурдир.

Низомийдан бошлаб Шопур образи ҳам ҳамсачиликнинг анъанавий бир образига айланган эди. Навоий достонида Шопурнинг фаолияти Фарҳод билан узвий боғланади (Низомийда эса у Хисравнинг тарбиячиси, дўсти ва ҳомийси). Бу ҳолат Шопур образига янги сифат ва хислатлар бағишлаб, уни Фарҳод қаторидан ўрин тутган, халқ учун фидокор, зулм ва зўрликка қарши курашувчи жанговар бир кишига айлантиради. Шундай қилиб, Навоий достонида Шопур образи ҳам такомиллашади, достон воқеаларининг ривожи ва ечимида фаол иштирок этади.

Шопур Гамлетнинг садоқатли дўсти Горацио каби жаҳон адабиёти тарихида дўстлик ва садоқатнинг бир тимсоли бўлган ўлмас образлардандир.

Биз танишиб чиққан бу образлардан ташқари «Фарҳод ва Ширин»да яна бир неча ижобий образлар бор. Булардан ҳар бири достон сюжетининг, унда қўйилган масалаларнинг ривожида маълум ўрин тутади, достоннинг бадиий қимматини оширади. Хоқон, вазир Мулкоро, Баҳром, олим Суҳайло ва бошқалар шундай образлардир.

Низомий достонида хоқон образи йўқ. Амир Хусрав Деҳлавий эса Фарҳодни Хитой хоқонининг ўғли қилиб олади, у хоқон ҳақида, асосан, Фарҳоднинг Ширинга ўз саргузаштини ҳикоя қилиб бериши эпизодида сўзлайди. Фарҳод меъморчиликка қизиқади, хоқон шаҳзодага бу касб билан шуғулланишни манъ этади, Фарҳод норози бўлиб, юртидан чиқиб кетади ва охири Арманистонга келиб қолади. Навоий достонида эса хоқон муҳим бир образдир. У асар воқеаларининг ривожида салмоқли ўрин тутади. Хоқон одил ҳукмрон, маърифатпарвар ва мушфиқ, меҳрибон падар сифатида тасвирланади. Унинг мол-мулкда, шон-шавкатда камчилиги йўқ. Бироқ фарзандсиз. Хоқон фарзанд муродига ҳам етади. Эл-юртга тўй-томоша бериб, уларни уч йиллик хирождан озод этади:

Олиб кишвар элининг эҳтиёжин,
Бағишлаб элга уч йиллик хирожин.

У Фарҳоднинг ҳар томонлама тарбия олишига катта эътибор беради. Нуридийдасини шод қилиш учун қасрлар қурдиради, ҳатто тож-тахтиии ўғлига таклиф қилади. Бу билан у кўзининг очиғида муносиб валиаҳд етказиб, Фарҳодни давлатни бошқариш ишига тайёрламоқчи бўлади, уни ўйчанлик ва ғамгинликдан йироқлаштирмоқчи бўлади. Ўлмоқ табиий, отанинг ишини фарзанд давом эттириши керак:

Ёшим эллик баводисин тай этмиш,
Не эллик, олтмиш ҳаддиға етмиш.

Ки ўлмасдин бурун очиб кўзумни,
Сарир узра йигит кўрсам ўзумни.
Ки яъни тожу тахту салтанат ҳам,
Сипоҳи мулку молу мамлакат ҳам.
Бори бўлса сенинг бирла музайян,
Сени ўз ўрнума қилсам муайян.
Санга тутсам мусаллам подшолиқ,
Халойиқ устида кишвар Худолиқ.
Манга шаҳлиқда қуллуқ ҳам қил эмди,
Атолиқ ҳам, ўғуллуқ ҳам қил эмди.

Айни чоқда хоқон Фарҳодни одилликка ва элнинг маслаҳати билан иш кўришга йўллайди.

Неким элнинг салоҳидир, они қил,
Менинг будур салоҳим, эмди сен бил.

Фарҳоднинг одоб билан айтган оқилона сўзлари хоқонга манзур бўлади, у ўғлини тахтга чиқишга ортиқ қистамайди. Хоқон Фарҳодни донишмандлар ўлкаси Юнонга олиб боради, ўғлини ҳакимлар маслаҳати билан иш қилишга ундайди.

Хоқон образи билан Навоий адолатли ва маърифатпарвар подшо учун кураш ғоясини илгари суради. У, ахир, иттифоқ ота-бола образи орқали тож-тахт талашиб, низо ва хусумат гирдобидан бораётган Ҳусайн Бойқаро ва унинг ўғилларига ўгит ҳам беради. Вазир Мулкоро ҳам хоқон каби одил ва оқил киши.

Достондаги Баҳром адолат тимсоли сифатида тасвирланган. Баҳром мард, ботир ва адолатпарвар шахс. У ёшликдаги дўсти Фарҳодни унутмайди, уни излаб Арманистонга келади. Фарҳод билан Ширинниng ўлими уни қаттиқ қайғуртиради. Шеруяни енгади. Арманистоннинг хароб қилинган жойларини қайта тиклайди, мамлакатда осойишталик ўрнатади:

Қилиб ул адл ойинини бунёд,
Ки адлидин бўлиб вайронлар обод.

Баҳром образи достонни оптимистик руҳда хотималаш учун хизмат қилади. Бу образни яратишдан Навоийнинг асл мақсади ҳам шу эди.

«Фарҳод ва Ширин»нинг муҳим ижобий образларидан яна бири олим Суҳайлодир. Суҳайло 500 йил умр кўрган, ғорда маскан тутган, «замонасининг Суқротидир». Халқ эртакларидагидек фантастик тарзда тасвир этилган бу образнинг замирида реалистик ҳақиқат, мақсад бор. Маълумки, Навоий илм-фанни юксак қадрлар, унинг куч-қудратига катта баҳо берар эди. Турли хил мушкулотларни олимларсиз ҳал этиш мумкин эмас. Давлат арбоблари ҳар бир масалада олимлар билан кенгашишлари, уларга таянишлари керак. Суҳайло ҳам шундай олимлардан. У маслаҳатга келган хоқон ва Фарҳодга «келажакнинг калити»ни топширади. Унинг кўрсатмалари асосида Фарҳод Искандар тилсимотини очади, аждарни ўлдиради. Аҳраманни енгади ва Чинга қайтиб кўзгуда Ширинни, ўз келажагини кўради.

Навоий Марказий Осиё, Эрон, Кавказ, Хитой, Ҳиндистон ва Юнон (Греция) каби қадимги маданий ўлкаларнинг тарихий, маданий бойликлари билан яқиндан таниш эди. Бу ўлкалар, уларнинг олимлари Навоий ижодидан кенг ўрин олган. «Фарҳод ва Ширин»даги Суҳайло ҳам Суқрот (Сократ), Арасту (Аристотель) ва Афлотун (Платон) каби улуғ мутафаккирларни етиштирган Юнон олими сифатида тасвир этилади.

* * *

«Фарҳод ва Ширин»да яхшилик билан ёмонлик, маърифат билан жаҳолат, қаҳрамонлик билан мунофиқлик, адолат билан разолат ўртасида узлуксиз кураш боради. Яхшилик ва яхшилик кучларини Фарҳод, Ширин, Меҳинбону ва Шопур каби образлар сиймосида мужассамлаштирган шоир Хисрав, Шеруя, Бузург Уммид ва бошқа салбий образлар орқали инсон учун офат келтирувчи ёвуз кучларни тасвирлайди. Булар ҳар қандай яхшилик, чин инсоний фазилат ва улуғ мақсадларнинг ашаддий душмани, ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч қандай қабоҳат ва разолатдан қайтмайдиган кишилардир. Уларнинг зулми билан обод жойлар вайрон бўлади, тинчлик ўрнини уруш ва жанжал эгаллайди, мамлакат бойлиги таланади, гуноҳсиз кишиларнинг боши кесилади. Навоий Хисрав, Шеруя, Бузург Уммид ва бошқа салбий образларда ўз давридаги зулм-хўрликларни кўрсатади. У, айниқса, ўз давридаги ўзаро урушларни ва темурийлар ўртасидаги тож-тахт талашларини қаттиқ қоралайди. Бинобарин, бу образлар ҳаққоний моҳиятга эга бўлиб, XV аср ҳаётига хос образлардир.

Хисрав – худбин, золим, жоҳил подшо. Унинг бутун қилмиши халқни талаб бойлик орттиришга, кайф-сафо қуришга қаратилган. У Ширинниng гўзаллигини эшитиб «ошиқ» бўлади, уни хотинлари қаторига қўшиб олиш билан Арманистонни эгалламоқчи, халқнинг мол-мулкини. талон-торож қилмоқчи бўлади. Фарҳод тили билан айтганда, у «севги сўзини ҳам бошқалардан эшитиб олган». Бу «ошиқ» подшо ўзининг ёвуз ниятларини қурол кучи билан амалга оширмоқчи бўлади. Қурол кор қилмагач, макр-ҳийлани ишга солади. Эронда халққа қаттиқ жабр қилган Хисрав Арманистонда янада қаттиқроқ зулм қила бошлайди, кўп обод жойларни хароб қилади, кишиларни қириб ташлайди. Бироқ бу золим мақсадларига эриша олмайди. Бу ёвуз иккинчи бир ёвузнинг – ўз ўғли Шеруянинг – қўлида ҳалок бўлади.

Хисрав ўзини ошиқ деб даъво қилади, Ширин сўзи билан айтганда:

Агар ошиқ будур маъдум хушроқ,
Висоли иқболидин маҳрум хушроқ, –

бўлиши керак. Хисрав – шоҳ. Бироқ бундай золим ва худбин шоҳ, Фарҳод айтганидек, маҳв этилиши, тож-тахти кул қилиниши керак:

Керакким жамъ ўлиб тортиб сипаҳлар,
Тушуб сўғ ўйлаким, ўлганда шаҳлар.
Бурун Хисравга чун абри баҳорон,
Қилиб оҳ ўқларидан тийр борон.
Фиғон ўтидин ўртаб кишварини,
Кул айлаб тожу тахту афсарини.

Шундай қилиб, Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларида ижобий образ сифатида таъриф ва тавсиф этилган Хисрав Навоий достонида салбий образ қилиб берилади. Хисравни салбий образ сифатида тасвирлаш ва уни фош этиш достон моҳиятини чуқурлаштиради,

амалий аҳамиятини оширади. Чунки Навоий Хисрав образи орқали ҳукмронларнинг бир қатор салбий томонларини қаттиқ танқид қилади.

Шсруя ўз жоҳиллиги, инсофсизлиги ва разиллиги билан отаси Хисравдан қолишмайди. У худбин, мансабпараст ва бадхулқ. Шеруя Ширинга ошиқлик ниқоби остида (унда чин севги йўқ эди) ўз отасини ўлдиради. Аслида, унинг мақсади отасининг тож-тахтини эгаллаш ва Арманистонни қўлга киритиш эди. Аммо у мақсадига эришолмайди, Баҳромнинг олдида тиз чўкиб, енгилиб шармандаю шармисор бўлади.

Навоийнинг Хисрав билан Шеруя ўртасидаги фожиали низога катта эътибор бериши бежиз эмас эди. Бундай низолар тарихда кўп бўлгани каби Навоий яшаган давр учун ҳам қисман хос эди. Навоий шоҳ ва шаҳзодалар ўртасидаги низоларни қоралайди, уларни яхши сифат ва хислатларни эгаллашга, аҳил, иттифоқ бўлишга чақиради.

Хисрав ўз атрофига айёр, қаллоб ва хиёнатчи кишиларни тўплаб олган эди. Унинг вазири Бузург Уммид, Маккор, Ялмоғиз, кампир ва бошқалар шулар жумласидандир[1]. Улар бир қора чақа учун ҳам ҳар қандай хиёнат ва жиноятдан юз ўгирмайдиган доғули қотиллардандир.

Достонда Фарҳод ва Ширин каби ижобий қаҳрамонлар Хисрав бошлиқ ёвуз кучларнинг зулм-зўри, макр-ҳийласи билан ҳалок бўладилар. Лекин қачон бўлмасин адолатнинг ғалаба қозонишига ишонган Навоий достонни оптимистик руҳда, Шеруянинг мағлуб этилиши, Арманистонда адолат ва осойишталик ўрнатилиши билан тугатади.

* * *

«Фарҳод ва Ширин» эпик достондир. Бош қаҳрамон Фарҳоднинг саргузашти, ҳаёт ва кураш йўли достоннинг асосини, ундаги воқеаларниг манбаи ва йўналиш нуқтасини ташкил этади. Достон деярли Фарҳод билан бошланади, Фарҳод билан тугалланади. Барча воқеалар, кураш ва тўқнашувлар, образлар шу саргузашт заминида пайдо бўлади ёки унга келиб боғланади, достоннинг сюжети ва композицияси мураккаблашиб боради.

Кўринишда достон оддий ҳаёт воқелиги билан бошланади, фарзанди йўқ хоқон ўғил кўради. Болага Фарҳод деб ном қўядилар. Шоир Фарҳод сўзини муаммо йўли билан изоҳлаш орқали қаҳрамонининг сифатлари ва кураш йўлларига ишора қилади:

...Жамолидин кўрингач фарри шоҳи,
Бу фардин ёруди маҳ то ба моҳи.
Қўюб юз ҳиммату иқболу давлат,
Ҳам ул фар соясидин топти зийнат.
Бу жавҳарларға чун иснод топти,
Мураккаб айлагач Фарҳод топти.
Анга фарзона Фарҳод исм қўйди,
Ҳуруфи маъхазин беш қисм қўйди.
Фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард,
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард[1].

Фарҳоднинг гўдаклиги ва болалик айёми билан, эртаклардагидек паҳлавонлиги, куч-қуввати, фаҳм-фаросати ва ақл-заковати билан танишиб, унга меҳр қўйган китобхон бу «фироқу рашку ҳажру оҳ ила дард»нинг муаммоларига тобора қизиқади, севикли

[1] Бу парчада Фарҳод сўзига икки хил изоҳ берилган: а) «Фарҳод» сўзи «Фарри шоҳи» («шоҳлик нури») дан «фар»ни, «ҳиммат», «иқбол» ва «давлат» сўзларининг биринчи ҳарфини олиш ва бир-бирига қўшишдан пайдо бўлди. б) «Фарҳод» сўзи «фироқ» «рашк», «ҳажр» «оҳ» ва «дард» сўзларининг биринчи ҳарфлари қўшилиши билан тартиб топди.

қаҳрамонининг тақдиридан хавотирланади. Лекин шоир китобхонни бирданига бу муаммолар оламига олиб кирмайди. Фарҳод ўқийди, ҳунар ўрганади. Бироқ у ғамгин, бу ғамгинлик эса кундан кунга кучайиб боради. Қасрлар ҳам, отасининг тож-тахтини таклиф этиши ҳам ғамгинликни тарқатиб юборолмайди. Фарҳод нималаргадир интилади, нималарнидир орзу қилади. Лекин нималар? Ҳали равшан эмас. Ниҳоят Фарҳод отасининг хазинасида сирли ойнадаги ёзувни кўриб, Юнонистонга жўнайди, аждарни, Аҳраманни енгади, Искандар тилсимини очади. Юртига қайтиб, у тилсим очилган ойнада тоғ-тош кесиб сув очаётган кишиларни, меҳнат ва ижод мўъжизаларини кўрсатаётган йигитни (ўзини) ва гўзал қизни (Ширинни) кўради, унга ошиқ бўлади. Бу севги инсонга бўлган, унинг бахт-саодати ва фаровонлиги учун бўлган севги эди. Шу ўринда достоннинг тугуни бошланади. Фарҳод образининг реалистик моҳияти ривожланиб боради. У аждар, Аҳраман каби афсонавий кучларга қарши курашувчи қаҳрамондан тоғ-чўлда жавлон уриб сув очган, Хисравдек золим ва жоҳил подшоларга қарши мардона курашган қаҳрамонга айланиб боради. Достонда янги-янги воқеа ва курашлар саҳнасига янги-янги образлар кириб боради. Бу воқеалар Фарҳод ва Шопур, Фарҳод ва Ширин, Фарҳод ва Меҳинбону, Фарҳод ва Хусрав, Фарҳод ва Баҳром; Ширин ва Меҳинбону, Ширин ва Фарҳод, Ширин ва Хисрав; Меҳинбону ва Ширин, Меҳинбону ва Фарҳод, Меҳинбону ва Хисрав; Хисрав ва Ширин, Хисрав ва Меҳинбону, Хисрав ва Фарҳод, Хисрав ва Шеруя; Шеруя ва Хисрав, Шеруя ва Ширин, Шеруя ва Баҳром композиция чизиқларида ривожланади, бу композиция чизиқларининг барчаси бирлашиб, бир-бирига уланиб, достоннинг ягона-монолит композициясини вужудга келтиради. Достоннинг ҳар боби (жами 53 боб) шу композицияниинг муҳим бир халқасини ташкил этадн.

Фарҳод бошлиқ ижобий образлар билан Хисрав бошлиқ салбий образлар, инсоннинг дўстлари билан унинг душманлари, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш достоннинг зиддиятидир. Бу зиддиятнинг, айни чоқда достон тугунининг кульминацияси Фарҳод ва Хисрав мунозарасидир. Фарҳод ва Ширин ҳалок бўлади, лекин достон тугуни уларнинг маънавий ғалабаси билан – Баҳром ва Шопурларнинг Шеруяни енгиб, адолат ва осойишталик барқарор этилиши билан ечилади, ҳал бўлади.

«Фарҳод ва Ширин»да кўпгина лирик парчалар – лирик муқаддима, лирик чекиниш ва лирик хотималар ҳам бор. Бу лирик парчалар воқеанинг мазмунига ғоявий хулоса ясайди, шоирнинг ўз қаҳрамонларига бўлган муносабатини, унинг ички руҳий кечинмалари ва хоҳиш-истакларини ифодалайди ҳамда эпизодларни бир-бирига боғлайдп.

Мисоллар кўрайлик. Лирик муқаддима: достоннинг VIII бобида Навоий фойдаланган манбалар ҳақида сўзлайдн. Шоир манбалар ҳақида сўзлашдан олдин ўз толеи ва бадиий маҳоратини лирик кечинмалар тарзида тасвирлайди:

Манга чун толеи фархунда кавкаб,
Бу авж узра бисот этти мураттаб.
Малак аввал пари бирла супурди,
Фалак анжум сиришкидан сув урди.

Лирик чекиниш: Фарҳод аждарни ўлдиради. Навоий шу эпизод давомида айтади:

Не хушдур аждар ўлмак ранж бирла,
Киши қилмоқ танаъум ганж бирла.

Қуёш Фарҳоди чун тортиб синон тез,
Қаро тоғ аждариға бўлди хунрез.

Лирик хотима: Фарҳоднинг денгиз саёҳати ва унинг денгиздаги кўрган фалокатлари ҳақида ҳикоя қилгач, шоир соқийга мурожаат қилиб айтади:

Кетур соқий, қадаҳким, нотавонмен,
Малолат баҳрида озурда жонмен.
Қадаҳ киштисиға жонимни хос эт,
Мени бу ғусса баҳридин халос эт.

Навоий образларни тайёр ҳолда бермайди. «Фарҳод ва Ширин» образлари воқеанинг ўзи билан бирга, кураш ва тўқнашувларда, изланиш ва синовларда ўсиб, ривожланиб боради. Бу биринчи навбатда достоннинг бош қаҳрамони Фарҳод образига тааллуқлидир. Ҳар бир образ ўз индивидуал жиҳатлари билан, дунёқараши, мақсади, кишиларга муносабати, хулқ-атвори ва ташқи қиёфаси билан тўла мужассамлашади. Фарҳод ғайрати, ижодкорлиги, журъати, самимийлиги, мустаҳкам иродаси ва шунингдек, келишган ташқи қиёфаси, бақувватлиги билан, Ширин гўзал хулқи, садоқати, қатъияти ва латофати билан, бошқа ижобий образлар ҳам ўз фазилат ва яхши хислатлари билан гавдаланиб, китобхонларнинг муҳаббатини қозонадилар. Салбий образлар эса золимлик, жоҳиллик, худбинлик ва маккорлик каби жирканч томонлари билан китобхоннинг нафрат ва ғазабини уйғотадилар. Хисравнинг дағал, беўхшов ташқи қиёфаси унинг золимлигини янада тўлароқ тасвирлашга ёрдам беради.

Навоий яратган образлар ички руҳий кечинмалари билан ҳам китобхоннинг кўз ўнгида мукаммал гавдаланади. Бунга, хусусан, кўзгуда Ширинни кўрган Фарҳоднинг ҳолати, Ширинниг Фарҳодга ёзган дардли, аламли мактуби ва бошқалар ёрқин мисол бўла олади. Кичик бир эпизод келтирайлик. Меҳинбону меҳнат мўъжизалари кўрсатган Фарҳоднинг бошидан дуру лаъл сочдиради. Бироқ Ширин кўринмайди. Шунинг учун булар Фарҳодга татимайди, балки дуру лаъл унинг бошига ёғдирилган тошдек туюлади:

Анинг ҳар томиға айлаб нисоре,
Сочиб бошиға нақди бешуморе.
Синуқ бошиға бўлмоқ лаълу дур пош,
Кўрунуб ҳажр аро ёққан киби тош...

Навоий қаҳрамонларнинг тилига ҳам катта эътибор беради. Қаҳрамонлар тилидаги ўзига хос хусусиятлар уларнинг маънавий қиёфасини ёритишга ёрдам беради. Масалан, Фарҳод билан Хисравнинг мунозарасини эслайлик. Фарҳоднинг ифода услуби, фикрини очиқ-ойдин ва қатъий баён этиши унинг мустаҳкам иродаси, мардлиги ва донолигини англаб олишга ёрдам берса, Хисравнинг ифода услуби, айниқса, буйруқомиз дағдағали сўзлари унинг фикрий ожизлиги, нодонлиги ва худбинлигини англаб олишга ёрдам беради. Ширинниг Фадҳодга ёзган мактуби унинг яхши ният, шафқат, мурувват, самимият ва садоқат каби хислатларини ифодалашга мос тил билан ёзилган.

Навоий бадиий тасвир устасидир. У киши образларинигина эмас, балки ҳаётнинг турли лавҳаларн ва табиат манзараларини ҳам катта маҳорат билан тасвирлайди. Масалан, қиш фасли тасвирланган қуйидаги парчани кўрайлик:

Совурди чун шажар баргини сарсар,
Сунинг сиймобини дай қилди мармар.
Ҳаво доғи булутдин кийди синжоб,
Булут доғи ҳавога сочди сиймоб.
Дай устоди нечукким заргари Чин,
Зилол атфоли лавҳин қилди сиймин.
Булутдинким томиб ҳар қатраи сув,
Бурудатдин ёғиб оламга инжу.

Мазмуни:

Қаттиқ шамол дарахт(лар) баргини совурди, қиш сув симобини (симобдек ҳаракатдаги сувни) мармар қилди, музлатди. Ҳаво булутдан синжоб (олмахонга ўхшаш бир хил ҳайвон ёки ундан қилинган пўстин) кийди; булут ҳавога симоб (қор) сочди. Қиш устаси, Чин заргари кумушдан тахт ясагандек, сув (муз) дан тахт ясади. Булутдан томган ҳар томчи сув совуқдан инжу бўлиб оламга ёғилади...

Шоир тасвирий ўринларда бадиий фантазияни кенг ишга солади, халқ оғзаки ижодидаги тасвирий усуллардан илҳом олади. Масалан, Фарҳоднинг аждарга қарши кураши, Аҳраманни енгиши, Искандар тилсимини очиши, денгизда қароқчиларга қарши курашуви ва бошқа эпизодлар бадиий тасвир жиҳатидан халқ эртаклари ва афсоналарига жуда ўхшаб кетади. Қасрларнинг кўриниши, тоғда ариқ қазиш, Фарҳоднинг Хисрав билан жанги ва бошқа эпизодлар ҳам тасвирий жиҳатдан мароқли бўлиб, китобхоннинг кўз ўнгида жонли манзарадек гавдаланади.

Навоий тазод, жонлантириш каби бадиий санъат усулларининг ўхшатиш, муболаға ва мажоз каби бадиий тил воситаларининг ранг-баранг ва ажойиб намуналарини яратади, кўпинча, бир неча бадиий усул ва тил воситаларини бир образ ёки лавҳада мужассамлаштиради, фалсафий фикр, ҳаётий лавҳа ёки романтик орзу ажойиб ва нафис бадиий либос кияди. Бир неча мисол келтирайлик:

Кўзида сув ва лекин кўнглида ўт,
Бўлиб ҳар сори боқмоқдин кўзи тўрт.

(Фарҳод каналга сув очишга жўнамоқда, кишилар кўп, лекин Ширин кўринмайди. Сув очишга кетаётган Фарҳоднинг кўзида сув, кўнглида ўт. Бир-бирига зид бўлган сув билан ўтни бирга бериш тазод усулидир. «Кўзи тўрт» эса халқ орасида кенг тарқалган таъбирдир. Тазод ҳам, бу таъбир ҳам Фарҳоднинг ҳолатини, унинг руҳий кечинмаларини тўлароқ ифодалашга хизмат этади.)

Они чопмоққа айлаб тешани тез,
Бўлуб ул қатра сувдин оташ ангез.

(Бу байтда ҳам тазод қўлланган. Тешани ўткирлаштириш учун унга сув берилади, сув иккинчи маънога кўчирилади ва таажжуби шуки, сувдан тешага сув беришда, ўт чиқади.)

Анга рокиб ҳамиша ул париваш,
Бўлуб ул дев пайкар ҳам парикаш.

(Ширинниng оти таърифида шоир у отни девга, Ширинни эса парига ўхшатади. Дев билан пари лозим ва мазлумдир. Дев бўлса, пари ҳам, пари бўлса, дев ҳам бўлиши керак.)

Ариққим муздиға юз ганж бердим,
Суви келмай илик ондин юб эрдим.

(Суви келмаган ариқда қўл ювиш, яъни мумкин бўлмаган нарсани мумкин деб тасвирлаш мумтанеъ усули дейилади.)

Чу ул маҳд ичра кирди сарви гулрў,
Кўрарким, элтмиш меҳмонни уйқу.
Мунунгдек уйқуни ким кўрди жовид,
Ки, уйғонмай етиб бошиға хуршед?

(Фарҳод ўлган. Ширин келади. Сарвқомат, гул юзли Ширин кўрадики, меҳмонни уйқу элитибди. Фарҳод – меҳмон. Чунки у мусофир юртида. Инсон дунёга бир меҳмон кабидир. Фарҳод ўлган. Ўлим гўё бир уйқудир. Ухлаб ётган кишининг устига қуёш тушганда у уйғониб кетади. Ширин – қуёш. Нега Ширин – қуёш Фарҳод устида пайдо бўлганда у уйғонмади. Чунки Фарҳод абадий уйқуда эди.)

Бу тўрт мисрада қанча фалсафий фикр, ҳаётий лавҳа ва гўзал образлар бор.

Тун. Қаттиқ ёмғир ёғади. Ёмғирдан кейин:

Ясаб чун ул судин айлаб таваҳҳум,
Янги ой кемасин кирмакка анжум.

(Ҳаво очилади. Юлдузлар ва янги ой кўринади. Кўк гўё бир денгиз. Шунча ёмғирдан кейин сув денгизининг пайдо бўлиши табиийда. Юлдузлар бу сувда оқиб ёки чўкиб кетмайлик деб ойдан кема ясаб, унга тушиб олмоқчи. Янги ой кема шаклига монанд.)

Шажар гар бўлмаса товуси боғи,
Недин товусдек ўлди оёғи?
Магар англаб ўзига уйқу чоғин,
Пари ичра ўғурлаб бир оёғин.

(Дарахт – боғ товуси. У шоху барглари, кўрки билан товусга ўхшайди. Агар шундай бўлмаса, нега унинг танаси товуснинг оёғига ўхшайди? Аммо товуснинг оёғи иккитаку, дарахтнинг танаси эса битта. Ҳа, товус ухлаганда бир оёғини патининг орасига яширади, дарахтнинг танаси шу ҳолатга ўхшайди.)

Кетурдилар бу хинги бодпаймой,
Равон минди шафақ гулгунига ой.

(Ширинниng қизғиш тусли отга миниши шафақ устида ой кўринишига, от – шафақ, Ширин– ой, ўхшатилади.)

Кесиб ҳар тешаси қилғоч хароши,
Фалак фили юкидек пора тоши.

(Фарҳод қазиган тошнинг ҳар парчаси фалак филига ортилган юкка ўхшайди.)

Анингдек тешадин секриб ушоқ тош,
Ки, нозир бир йиғочдин қочуруб бош.

(Фарҳод тешасидан отилган тош ушоқлари шундай узоққа учадики, унинг ишини бир ёғоч (7 км. га яқин) жойдан туриб кузатувчи киши бошимга тош келиб тушмасин деб ўзини панага олади.)

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Низомий ва Хусрав Деҳлавий достони каби Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ҳам ҳазажи мусаддаси маҳзур вазнида (мафоилун мафоилун-фаулун) ёзилган.

ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН

«Лайли ва Мажнуи» жаҳон адабиётида севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан биридир. У ўнлаб ёзувчилар ва халқ ижодкорлари томонидан қайта-қайта ишланган, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳалқлари орасида ниҳоятда кенг тарқалгандир.

«Лайли ва Мажнун» кўп асрли мураккаб тарихга эга. Унинг куртаклари, академик И. Ю.Крачковский таъкидлаганидек, VII асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Айрим араб манбаларининг маълумотига кўра Мажнун тарихий шахс бўлиб, у Бани Омир қабиласидан чиққан, асли номи Қайс ибн Муллаввах (ёки Қайс ибн Муод) бўлган[1]. Қайс ўз қабиладоши Лайли деган қизни севган[1], ўз севгиси ва ҳижрон аламлари ҳақида мунгли шеърлар битган. Бундай маълумот, жумладан, ибн Қутайбанинг (889 йилда вафот этган) «Китоб уш-шеър ва шуаро» асарида ҳам келтирилади. Лекин бошқа бир қатор манбалар бу маълумотларни рад этади. Масалан, 764 йилда вафот этган араб олими Авон ибн ал-Ҳакам ал-Қалбий ҳам, 819 йилда вафот этган араб тарихчиси Ҳишом ал-Қалбий ҳам Мажнун тарихий шахс эмас, унинг номи мажозийдир, шеърлар эса ўз яқин қариндошларидан бирининг қизига ошиқ бўлган умавийлар хонадонидан чиққан йигитнинг шеърлари бўлиб, у ўз номини ошкор этмаслик учун Мажнун тахаллусини қўллаган дейишади. Шундай қилиб Мажнуннинг тарихий шахслиги масаласи мунозарали бўлиб қолади. Лекин шуниси равшанки, VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ араб поэзиясида Мажнун тахаллуси зикр этилган кўпгина мунгли шеърлар вужудга келади. Бу шеърларнинг миқдори кўпайиб боради, тўпламларга киритилади. Аммо Мажнун номи зикр этилган шеърларнинг барчаси ҳам ёлғиз бир кишиники (Мажнунми – бошқами) эмас. Араб олимлари ал-Жоҳиз (IX аср) ва 908 йилда вафот этган Ибн ал-Мўътазаларнинг айтишига кўра, кишилар Лайли номи билан боғлиқ бўлган барча шеърларни Мажнун номига нисбат беравергандар. XII асрда Абу Бакр ал-Волибий деган киши Мажнун номига нисбат берилган шеърларни девон қилиб тузади, уларга шарҳлар беради ҳамда шеърларни Мажнун ҳақидаги ривоятларнинг сюжетига киритади.

Демак, Мажнуннинг тарихий шахслиги масаласи мунозарали бўлгани каби Мажнун номига нисбат берилган шеърларнинг муаллифи масаласи ҳам мунозаралидир. Бироқ шуниси равшанки, мана шу шеърлар заминида Мажнун ҳақида ривоятлар пайдо бўла бошлаган эди. Агар VIII асрнинг аввалларида Мажнуннинг шеърларига шарҳлар сифатида

[1] Баъзи маълумотларга кўра, Лайли тарихий шахсдир. Машҳур тожик шоири ва мутафаккири Носир Хусрав (XI аср) «Сафарнома» асарида Арабистонда экан, Тоиф яқинида кишилар унга Лайли яшаган қўрғоннинг харобаларини кўрсатганларини ёзиб қолдирган.

айрим ривоятлар пайдо бўлган ва улар ҳали у қадар кенг тарқалмаган бўлса, IX асрга келиб ривоятлар кўпайиб, кенг тарқалиб боради ва X асрда Мажнун номи, Мажнун шеърлари ва ривоятлари фақат Арабистондагина эмас, балки Яқин ва Ўрта Шарқнинг бошқа ўлкаларида ҳам кенг шуҳрат топади. Ривоятлар турли китоблардан ўрин олади, Мажнун номи шоирнинг шеърларида тез-тез зикр этилади.

Бизгача сақланиб қолган Мажнун ҳақидаги ривоятлар тарқоқ эпизодлардан иборат бўлиб, изчил ва мукаммал сюжет ва композицияга эга эмас. Мажнун ривояти баён этилган қадимийроқ ёзма манбалардан бири бўлган ибн Қутайбанинг «Китоб уш-шеър ва шуаро» асарида қуйидагилар ҳикоя қилинади: Қайс Лайли билан бирга туя боқар экан. Қайс билан Лайли севишиб қолишибди. Бироқ севгилисига эриша олмаган Қайс телбаланиб, кишилардан ётсираб, саҳрога чиқиб кетади, ҳайвонлар билан дўстлашади.

Навфал ибн-Мусаҳиқ деган киши Қайс билан танишади, унга кўмаклашишга киришади. Навфал Лайлилар уйига совчи бўлиб боради, бироқ рад жавобини олади. Отаси ишқ эҳтироси совисин деб Мажнунни Маккага олиб боради. Бу ҳам кор қилмайди. Шу орада Лайлини бошқа бир кишига берадилар. Буни эшитган Қайс эс-ҳушини батамом йўқотиб, саҳрога чиқиб кетади. Бироқ шунга қарамай, у Лайли ҳақида чиройли ғазаллар тўқийди, бир йигит уларни ёзиб, йиғлаб боради. Қайсга маълум бир жойга овқат олиб келиб қўяр, у очиққанида келиб еб кетар экан. Қайс у жойга келмай қўйибди. Кишилар излаб, учинчи куни тоғ-тошда, дарада унинг мурдасини топибдилар.

Бошқа ривоятлар ўз мазмуни, композицияси ва бошқа жиҳатлари билан бундан катта фарқ қилади. Абул Фарож ал-Исфаҳоний (897-967) қўшиқлар китобида Мажнун ҳақида яна янги-янги ҳикоялар келтиради. Абу Бакр ал- Волибий (XII аср) тузган девон-қиссада, Мажнун ҳақидаги ривоятлар хийла такомиллашади. Унда, жумладан, Мажнуннинг ўлими бирмунча бошқачароқ тасвир этилади. Мажнун икки суворийдан Лайлининг ўлганини эшитиб қолади, улардан Лайлининг қабрига олиб боришни илтимос қилади. У Лайлининг қабри устига ташланади, шу бўйи ётиб қолади – ўлади. Бу воқеа ошиқ Мажнун образини бирмунча бойитади, такомиллаштиради.

Мажнун номига нисбат берилган шеърлар турли ривоятларнинг вужудга келишига негиз бўлиб хизмат қилгани каби ривоятлар Лайли ва Мажнун ҳақида ёзма адабиётда йирик полотноларнинг пайдо бўлишига замин тайёрлади. Лайли ва Мажнун ҳақида биринчи бўлиб улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий 1188 йилда достон яратди. Низомий қалами билан «Лайли ва Мажнун» қиссаси ғоявий-бадиий юксак ва мукаммал бир бадиий асар даражасига кўтарилади, хамсачиликнинг анъанавий достони бўлиб қолади.[1]

Низомий достонида ҳикоя қилинишича, Бани Омир қабиласидан бўлган бадавлат бир киши кексайган чоғида тилаб-тилаб ўғил кўради. Унга Қайс деб ном берадилар. Қайс жуда гўзал ва ақлли бола бўлиб ўсибди. Ўн ёшларида мактабга борибди. Мактабда у Лайли деган қиз билан севишиб қолибди. Отаси Лайлини мактабдан чиқариб олибди. Қайс ишқ дарди ва жудолик алами билан баъзан эс-ҳушини йўқотар, Лайлига атаб шеърлар битар экан. Кишилар уни «Мажнун» (телба) деб атабдилар. Қайснинг отаси Лайлиларникига совчи бўлиб борибди. Бироқ рад жавоби билан қайтибди. Отаси ишқдан совисин деб Қайсни Маккага олиб борибди. Қайс отаси уқтирганидек, «ишқдан қутқар» деб эмас, балки «ўла-ўлгунча ишқим билан бирга бўлай», деб кўнгил розини изҳор қилибди. Қайтишида Қайс Нажд тоғига қочиб, кишилардан, уларнинг таъналаридан узоқлашибди. Навфал деган лашкарбоши Қайсга ёрдам беришга интилиб, Лайлининг отасига мурожаат қилибди. Лекин рад жавобини олибди. У жанг билан бўлса ҳам, Лайлини Мажнунга олиб бермоқчи бўлибди. Лайлининг отаси агар енгилса, қизини ўлдиришга аҳд қилибди.

Буни эшитгаи Мажнун Навфалдин урушни тўхтатишни илтимос қилибди. Лайлини Бани Асад қабиласидан бўлган бадавлат ибн Саломга берадилар. Ота-она Мажнунни тоғ-даштдан қайтармоқчи бўладилар. Бироқ бу фойда бермайди. Мажнун ҳайвонлар орасида қолади, лекин ҳамон Лайлига атаб шеърлар куйлайди. Бу шеърларни бағдодлик Салом деган киши ёзиб олади. Ота-онаси Мажнуннинг алам-ҳасратида ўлиб кетади. Мажнун кечаларини ота-онасининг қабрида, кундуз кунларини тоғ-даштда, ҳайвонлар орасида, ўтказади. Ибн Салом ўлади. Мажнуннинг ҳажрида юрак-бағри эзилган Лайли ҳам вафот этади. Лайлининг вафотини эшитган Мажнун унинг қабрига боради, ўша ерда жони узилади.

«Лайли ва Мажнун» достонини яратишда Низомий араб ривоятлари билан чекланиб қолмайди. У Лайли ва Мажнунлар қиссасини ўз даври билан яқинлаштиради, муҳитнинг ярамас урф-одатларини, шахс эркининг поймол этилишини қаттиқ танқид қилади, Лайли ва Мажнунларнинг мусибатли саргузашти ва фожиали тақдири билан ўз замонасининг мудҳиш воқеаларнга қарши исён кўтаради.

Ривоятларда Лайли ва Мажнунларнинг оталари саҳродаги қабила бошлиқлари сифатида гавдаланса, Низомий достонида ўз моҳияти билан сарой ҳукмронлари сифатида гавдаланадилар. Ривоятларда Лайли ва Мажнун бир-бирини саҳрода, туя боқиб юрганларида севиб қолишса, Низомий достонида улар мактабда ўқиб юрганларида севишиб қоладилар. Худди шунингдек, қаҳрамонларнинг портрети, кийим-кечаги, урф-одатлари, ҳашаматли бинолар тасвири, Мажнуннинг юлдузлар билан суҳбати, илм-фанга доир ўринлар ва бошқалар Лайли ва Мажнун қиссасини қадимги араб саҳролари ва қабилалари заминидан XII аср Озарбайжон заминига, муҳитига олиб киради. Шу билан бирга Низомий қиссанинг сюжети ва композициясини изчиллаштиради, образларни такомиллаштиради, уларнинг психологик кечинмаларига катта эътибор беради. Булар достоннинг ғоявий-бадиий қимматинн янада юксалтиради.

Низомий «Лайли ва Мажнун» қиссасига янги ҳаёт бағишлайди. Унинг достони тез шуҳрат қозонади. XII асрнинг ўзидаёқ унга эргашиб шоирлар достонлар яратадилар. (Бироқ у достонлар сақланиб қолмаган.) «Лайли ва Мажнун» хамсачилик анъанасидан мустаҳкам ўрин олади. Низомийдан кейин улуғ ҳинд шоири – хамсанавис Амир Хусрав Деҳлавий 1298-99 йилларда «Лайли ва Мажнун» достонини яратади. Хусрав Деҳлавий Низомий достонининг мазмуни ва композицион йўналишини асосан сақлаб қолади. Бироқ у достонга бир қатор ўзгаришлар киритади. Хусрав Деҳлавийнинг Мажнунга Навфал қизини никоҳ қилиш эпизодини киритиши (Мажнун отасининг раъйини қайтаролмай бу никоҳга кўнган бўлса ҳам, лекин келиннинг гўшангасига кирмай, саҳарлаб тоққа қочиб кетади), Лайли ва Мажнуннинг даштда, ҳайвонлар ва ҳатто ўсимликлар қўриқчилигида бутун тунни бирга ўтказиши эпизоди ва бошқа воқеалар ривожига ижобий таъсир этади. Хусрав Деҳлавий достони билан «Лайли ва Мажнун» хамсачилик анъанасидан янада мустаҳкамроқ ўрин олди ва кенгроқ шуҳрат қозонди.

* * *

«Лайли ва Мажнун»нинг тадрижий такомилида Навоий достони янги ва улкан бир воқеа бўлди. Навоий араб ривоятлари билан, Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар достони ҳамда Ашрафнинг «Лайли ва Мажнун»и билан яқиндан таниш эди. У «Лайли ва Мажнун» достонини яратишга киришар экан, маълум адабий анъаналардан воз кечолмасди, албатта. Навоий олдида мана шу адабий анъаналардан ижодий фойдаланиш ва шу асосда даврининг янги ва муҳим талаб ҳамда эҳтиёжларига жавоб бериш вазифаси турар эди. Бу ҳақда шоирнинг ўзи достонининг хотимасида бундай дейди:

Мен хастаки бу рақамни чектим,
Таҳрири учун қаламни чектим.
Ёзмоқда бу ишқи жовидона,
Мақсудум эмас эди фасона.
Мазмунға бўлди руҳ майли,
Афсона эди анинг туфайли.
Лекин чу рақамға келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун.
Гар нукталари жаҳонни тутти,
Ғавғолари инсу жонни тутти.
Чун форсий эрди нукта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи.
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким, шуҳрати чун жаҳонға тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.

Бу парчада Навоий икки масалага, биринчидан, «фасона» ва «мазмун», яъни асарнинг қобиғи билан унинг мағзи, ички моҳияти масаласига, иккинчидан, тил масаласига эътиборни жалб этади.

Навоий ўз достонида Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона ва ривоятлардан фойдаланади. Бироқ унинг мақсади «афсона» сўзлаш эмас, балки «мазмун»дир. Афсона асарнинг қобиғи, унинг «мавзун либоси»дир. Ҳаёт, Навоий яшаган муҳит масалалари асарнинг мазмуни, асл моҳиятидир. Сиртдан қараганда достондаги воқеалар қачонлардир араб саҳроларида кечгандек туюлади. Бу адабий анъаналар заминида вужудга келган ва асарнинг романтик ҳикоявий колоритини кучайтирувчи шартли элементлардир. Моҳият-эътибори билан эса Лайли ва Мажнун ҳам, уларнинг аламли, фожиали саргузаштлари ҳам ўз даври муҳити билан, Навоий яшаган замин ва замон билан узвий боғлиқдир.

Ижтимоий муҳит инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини топтаган, даҳшатли қонун-қоида ва урф-одатларни жорий қилган эди. Кишилар инсоний сифат ва хислатлари билан эмас, балки насл-насаби, мол-мулки ва мансаби билан баҳоланар эди. Айниқса, хотин-қизларнинг аҳволи ва тақдири аянчли эди. Зодагонлар уларни одам сонига қўшмас, қиз бола эрга чиққунича отасининг, кейин эса эрининг моли саналар эди. Никоҳ никоҳга кирувчиларнинг хоҳиши билан эмас, балки ота-оналарнинг амри-иродаси билан бўлар эди. Ота-она кимга лозим кўрса, қизини ўшанга узатарди. Ёш-ёш қизлар, кўпинча, қалин эвазига, ота-онанинг «обрўйи» эвазига бир неча кундош устига қари кишиларга хотин қилиб берилар эди. Улар хор-зорликда ғунчалигича сўлиб хазон бўлар эдилар. Қулни севгани учун истеъдодли шоира Робия (X аср) қотил акаси томонидан ҳаммомга қамаб ўлдирилмаганмиди? Ажойиб шоира Маҳасти (XII аср) қувғин ва маломат тошлари остида қолмаганмиди?! Минг-минглаб Лайли ва Мажнунлар мурод-мақсадларига эришолмай, фожиаларга йўлиқмаганмиди?! Хотин-қизларнинг қонли кўз ёши билан тўқиб куйлаган юзлаб қўшиқлари-чи.

Шу зайлда яшаган муҳитининг аҳволи ва шоиранинг истак-орзуси «Лайли ва Мажнун» достонини вужудга келтирган эди. Шоир Лайли ва мажнунларнинг фожиаси билан яшаган муҳитининг даҳшатли қонун-қоидаларига, урф-одатларига қарши исён кўтаради. Бу исён айни чоқда инсонни, унинг ҳақ-ҳуқуқини, севгиси ва садоқатини ҳимоя қилиш, кишиларнинг шахсий ва оилавий бахт-саодатларини орзу қилиш овози эди.

Навоий «Лайли ва Мажнун» устида ишлар экан, достоннинг ҳаётий моҳиятини тўлдириш ва такомиллаштиришга, Лайли ва Мажнунларнинг фожиасини чуқурроқ ёритишга интилади, сюжет ва композицияга, образларнинг характерига бир қатор ўзгаришлар ва янгиликлар киритади. Навоий Лайли ва Мажнунларнинг бирга мактабда ўқиши ва муҳаббатнинг пайдо бўлишини янги лавҳалар билан бойитади. У қаҳрамонларнинг психологик кечинмаларига катта эътибор беради. Мажнуннинг саҳрога, тоққа қочиб кетиши эпизодларини такомиллаштириши ҳамда унинг тушга ишониш эпизодларини киритиши билан даҳшатли қувғин ва таъналар тоши остида қолган кишининг руҳий аҳволини тўлароқ ёритишга эришади. У Лайли образини ҳам хийла такомиллаштиради, уни фаоллаштиради. Масалан, Лайли ибн Саломга никоҳ бўлиш олдидан заҳарли ханжар тайёрлаб қўйган ва Мажнунга содиқлигича қолиб, ўлимга аҳд қилган эди. Навоий Хусрав Деҳлавий достонида бўлгани каби Мажнуннинг Навфал қизи билан никоҳ қилиши эпизодини беради. Бироқ у бу эпизодни бошқача планда ривожлантириб, достоннинг ғоявий-бадиий қимматини янада оширади. Навоий Навфалнинг қизини севган йигит образини киритади. Мажнун Лайлидан жудо, қиз йигитдан, Мажнун билан Лайли, қиз билан йигит саргузашти бир-бирига монанд, параллел. Мажнун қизни қолдириб, Лайлини истаб йўлга чиқади. Лайли хафақон касали тутиб қолган ибн Саломни қолдириб, Мажнунни истаб йўлга чиқади. Келинни ташлаб чиққан Мажнун билан куёвни ташлаб чиққан Лайли саҳрода учрашадилар. Навоий достонига Лайлига қабиладош бўлган Зайд образини ҳам киритади. Бундан ташқари Навоий «Лайли ва Мажнун»га яна кўп ўзгариш ва янгиликлар киритади. У маиший ҳаёт лавҳалари, маросимлар, расм-русм, урф-одатлар ва бошқаларни XV аср ҳаёти аспектида тасвирлайди. Кичик тасвирий ўринларда ҳам ўзи яшаган замин ва замондан фойдаланишга интилади. (Масалан, бир ўринда Лайлининг кўз ёшини Жайҳун – Амударёга ўхшатади.) Буларнинг барчаси Навоий достонининг оригинал қимматини, миллий колоритини янада оширишга хизмат қилади. Навоий қалами билан «Лайли ва Мажнун» мукаммал шеърий роман даражасига кўтарилади.

Лайли ва Мажнун ҳақидаги афсона ва ривоятлар, шунингдек, Навоий ва Хусрав Деҳлавийларнинг достонлари туркий халқларга, жумладан, ўзбекларга қисман маълум бўлса-да, лекин уларнинг кўпчилиги бу асарлардан баҳраманд бўлиш имкониятига эга эмас эди. Улар учун ўз тилида достон яратиш лозим эди. Давр, китобхонлар, ўзбек адабиёти ва адабий тилининг тараққиёти шуни тақозо қилар эди. Навоийгача ўтган ўзбек ёзувчилари ўз шеърларида Лайли ва Мажнуннинг лирик образини тасвирлаган бўлсалар, Навоий ўзбек тилида ва умуман, туркий тилларда биринчи бўлиб «Лайли ва Мажнун» достонини, Лайли ва Мажнунларнинг мукаммал эпик образини яратди.

Шундай қилиб Навоий ўз олдига қўйган икки масалани: ҳаётий мазмун ва тил масаласини ҳам катта муваффақият билан ҳал этади. У «Лайли ва Мажнун»нинг тарихий такомилида янги давр бошлаб берди.

«Лайли ва Мажнун» бир-бирига қарама-қарши бўлган кишилар олами, икки хил эътиқод, интилиш ва хислатнинг тўқнашуви асосига қурилган достондир. Достонда севги билан ҳирс; садоқат билан мунофиқлик; номус билан орсизлик; хайрихоҳлик билан худбинлик; мушфиқлик билан зўравонлик; адолат билан разолат; олижаноблик билан қабоҳат ўртасида қаттиқ кураш боради. Бу кураш севги мавзусида, Лайли билан Мажнуннинг ишқий-фожиавий саргузаштида, ижобий образлар билан салбий образларнинг қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати ва феъл-атворида мужассамлашади.

Қайс (Мажнун), Лайли, Навфал, Қайснинг ота-онаси, Лайлининг онаси ва энагаси, Зайд ҳамда чўпонлар достоннинг ижобий образлари бўлса, Лайлининг отаси ва ибн Саломлар достоннинг салбий образларидир.

Қайс достоннинг бош қаҳрамони. У самимий ошиқ, истеъдодли шоир ва олижаноб табиатли инсон. Лайлининг отасидек худбин ва зўравон кишилар унинг бошига кулфат ва мусибат тошларини ёғдириб, фожиали ўлимга маҳкум этадилар. Бироқ Қайснинг фожиали ўлими унинг маънавий мағлубияти эмас, чунки у замонасининг ваҳшиёна қоидаларига Лайлининг отасидек худбин ва зўравон кишиларга тобе бўлмайди, пок севгисидан воз кечмайди. Қайснинг ўлими унинг фожиали тақдирига сабаб бўлган муҳитга, у муҳитнинг ҳукмронлари ва ҳоким қонун-қоидаларига қарши бир исён эди.

Достон бош қаҳрамон Қайснинг туғилишидан бошлаб унинг ҳалокатига қадар бўлган саргузаштларини бирма-бир ҳикоя қилади. Қайс кекса бир қабила бошлиғининг тилаб-тилаб кўрган ёлғиз ўғли. У гўдаклик чоғида ҳусни билан ҳам, ақл-фаросати билан ҳам кишиларни мафтун қилади. 4-5 ёшларида Қайсни мактабга берадилар. У ўқиш иштиёқи ва зеҳн-қобилияти билан ҳамсабоқларидан ажралиб туради ва тез орада яхши билимдон бўлиб етишади:

Таълимиға белни чуст қилди,
Не ул деди, бу дуруст қилди.
Ҳар неча сабақ дебон фузунроқ,
Гўёки билиб эди бурунроқ.
Ҳамдарслари бу ҳолатидин,
Ожиз эдилар хижолатидин.
Оз вақтда айлади замона
Они бори илм аро ягона.

Қайснинг болалик чоғлари Фарҳоднинг болалик йилларини эслатади. Аммо бу икки қаҳрамоннинг кейинги, аниқроғи, асосий ҳаёт йўли ва фаолияти бир-биридан тубдан фарқ қилади. Навоий Фарҳодни ошиқ, ижодкор, қаҳрамон ва жанговар курашчи инсон сифатида тасвирлайди, ўзининг орзу-мақсадларини шу образ сиймосида мужассамлаштиради. «Лайли ва Мажнун» достонида эса у бошқачароқ вазифа ва мақсадни, Лайли ва Мажнунларнинг фожиаси билан шахс эркини, инсоннинг севги ва садоқат каби олижаноб фазилатларини поймол этган ўрта асрнинг қонун-қоидаларини, урф-одатларини қоралаш вазифасини ўз олдига қўяди. Бинобарин, у Қайс образини тамомила бошқача планда ривожлантиради.

Қайснинг бутун ҳаёти ва фаолияти Лайлига бўлган севгига бағишланган. У севги билан бирга камол топади, севги йўлида жабр-ситам чекади ва шу йўлда фожиали ҳалок бўлади.

Қайс мактабдоши, каттароқ қабила бошлиғининг қизи Лайли билан бир-бирига муносиб ёр. Лекин улар замонасининг қоида-одатлари туфайли юрак сирларини пинҳон тутишга мажбур бўладилар. Чунки:

Бўлғай иккисиға хавфи жон ҳам,
Бўлғай талаф икки нотавон ҳам.

Бироқ севги туғёнини ортиқ пинҳон тутиш мумкин эмас. Севги Қайснинг қалби ва эс-ҳушини тамомила маҳв этади. У қандай бўлмасин Лайлининг дийдорини кўришга интилади. Лайли сўзини тилидан туширмайди. Фаҳм-фаросатли, мушфиқ кишилар Қайснинг қалбини тушунадилар, унга ачинадилар ва мурод-мақсадига етказиш учун кўмак беришга интиладилар. Бироқ севгининг завқ-шавқидан бехабар, бағри тош кишилар Қайснинг бу аҳволини кулги қиладилар, уни Мажнун (жинни) деб атайдилар:

Лайли, Лайли дебон чекиб ун,
Эл деб: Мажнундир, ушбу Мажнун.

Қайснинг фазилатларини билган Лайлининг отаси дастлаб унга ачинади. У Қайс таърифида бундай дейди:

Ақли комил, каломи маъқул,
Бор эрди менга ҳам асру мақбул.

Бироқ у Қайснинг ўз қизига ошиқ эканини билиб, батамом ўзгариб кетади, ғазаби жўш уради. Ўзидан кўра кичикроқ қабила бошлиғининг ўғлига, эл орасида «гап-сўз» бўлган Қайсга қизини беришдан «ор-номус» қилади, севишганларнинг бошига даҳшатли кунлар солади. У Лайлини мактабдан чиқариб олади, чордевор ичига қамайди. Қайснинг оёғига кишан солдиради. Бироқ бу худбин ва жоҳил муштумзўрнинг шафқатсиз тадбирлари севишганларнинг қалбини енголмайди. Лайли чордеворда Қайс деб қонли кўз ёши тўкади, Қайс кишанни узиб, чўл-саҳрога кетиб, Лайлининг хаёли билан яшайди. Лайлининг отасидан мурувват кўрмаган Мажнуннинг мушфиқ отаси севги уқубатларидан қутқариш учун Қайсни ҳажга олиб боради.Лекин бу ҳам кор қилмайди. Лайлига меҳр-муҳаббати жўш урган Қайс ҳажда шундай илтижо қилади:

«...Бу ишқ ўтиким баён қилурмен,
Муҳлик ғамини аён қилурмен.
Демонки мени тарабға хос эт
Ёхуд ғами ишқдин халос эт!
Дерменки манга бу ўтни ҳардам,
Афзун қилу, қилма зарраи кам!
Бўйнум уза, «айн»ин айлагил тавқ,
«Шин»ин қил ичимга шуълаи шавқ.
«Қоф»ин манга айла кўҳу андуҳ,
Кўнглумга ғамини кўҳ то кўҳ.
Уч нуқтасини шарора айла,
Иккисини икки хора айла.[1]
Дерлар манга: «Ишқни унутғил,
Лайли ғамидин канора тутгил.
Аллоҳ-Аллоҳ, бу не сўз ўлғай,
Ул қавмға тенгри узр қўлғай.
Онсиз мени бир дам этма мавжуд,
Будумни қил онсиз ўлса нобуд!»

Қайснинг севги йўлидан қайтиши мумкин эмас. Севги унинг ҳаёти, балки ҳаётидан ҳам авло. Таъналар тоши ва дашномлар авж олганда Қайс учун фақат бир йўл қолади: «ваҳшатлик элдин улфат риштасин узиб, ваҳшийлар билан дўстлашади». Қайс яшаган муҳитнинг зўравонларини ваҳший ҳайвонлардан ҳам ваҳшийроқ деб ҳисоблайди. Бу унинг исёни эди.

Таъналар, азоб-изтироблар Қайснинг руҳий ҳолатига, шубҳасиз, салбий таъсир этади. Бироқ у яхши сифат ва фазилатларини барбод бермайди, у ҳамон севгисига содиқ,

[1] Низомий достонининг кейинги асрларга мансуб бўлган қўлёзма нусхаларида Зайд образи бор. Бу, Е. Э. Бертельснинг фикрича, котиблар томонидан кейин киритилган бўлиши керак.

кишиларга мушфиқ. Шоирлик истеъдоди эса яна камол топиб бормоқда.

Лайли ғамидин қилиб тафаккур,
Юз байту ғазал деб ўйлаким дур.
Ҳам қофияси анинг сифоти,
Ҳам барча радифи онинг оти.
Ул назм илаким тузиб навое,
Солиб улус ичра ҳой-ҳое.
Пажмурдаға жон мулосиқ айлаб,
Афсурдани зору ошиқ айлаб.

Шу фазилатлари билан Қайс Навфалнинг ҳурмати ва эътиқодини қозонади. Қайсни Лайли билан қовуштириш имкони қолмагандан кейин Навфал уни ҳам ўғил, ҳам куёв қилиб қизини беришга қарор қилади. Қайс отаси ва Навфалнинг раъйини қайтаролмагани учун бунга розилик беради. Бироқ бу мушкулотдан қандай қилиб бўлса ҳам чора топишга интилади. Унинг бахтига Навфалнинг қизи бошқа бир йигит билан севишган экан. Қайснинг Лайлига ошиқлигини билган ва унинг мушкул муаммо олдида турганини кўрган қиз унга мурожаат қилиб:

Чун кишвари ишқнинг шаҳисен,
Ишқ аҳли ўтининг огаҳисен.
Бордур манга доғи дардманди,
Ишқим расаниға пойбанди.
Дардим ўти ичра тоби онинг,
Мен доғи келиб хароби онинг.
Фикр айлаки ул асири маҳжур,
Фаҳм этса сенинг била манга сур.
Бу кеча анинг не ҳоли бўлғай?
Умри кунининг заволи бўлғай!

дейди. Бу сўзлар, бир томондан, мушкулотдан нажот топгани учун Қайсни шодлантирса, иккинчи томондан, ўзи ва Лайли каби висол кунларини ташналик билан кутаётган қиз ва йигит аҳволига нисбатан ачиниш, қайғуриш ҳисларини уйғотади. Қайс Навфалнинг қизига бахт-толе тилайди, уни севгисига янада садоқатлироқ бўлишга чорлайди, узр сўраб қолади. Ўзи Навфалнинг қизи билан истамаган аҳволга тушиб қолган Қайс Лайлининг ҳам бошига шундай, балким бундан оғирроқ аҳвол тушганини, уни зўрлаб ибн Саломга никоҳ қилинганини тушунади. Бинобарин, у Лайлидан ўкинмайди, гинахонлик қилмайди, балки унга ёзган хатида таскин беришга интилади. Қайс ўзини унутган дамларда ҳам Лайлини унутмайди. Ҳатто ўлим ҳам уни Лайлидан ажрата олмайди. Муҳит Лайлини ҳам, Қайсни ҳам ҳалок этади. Ҳаётда бир-бирига эришолмаган ошиқларнинг мурдалари бир тобутга қўйилади:

Бир наъшқа солдилар иковни,
Жонсиз келину ўлик куёвни.
Кирди икки жисм бир кафанға.
Йўқ, йўқ, ики руҳ бир баданға.

Лайли ташқи қиёфаси билан ҳам, маънавий дунёси ва хулқ-атвори билан ҳам ниҳоятда гўзал қиз. У давлатманд хонадонда ўсиб, ҳою ҳавасга берилган тантиқлардан эмас. У ҳаётга эзгу орзу-ниятлар билан қарайди. Ғайрат билан ўқийди, билим олади, фазилатига фазилат қўшилиб боради. Лайли фазилатлари билан муҳити савиясидан юқори кўтарилади. У кишини мол-дунёси, насаби ва мансаби билан эмас, балки инсоний хислатлари билан баҳоланди, мазлумларга мушфиқлик, бечораларга чорапарварлнк қилади.

Лайли – вафодор ёр. Севги унинг маънавий дунёсини янада бойитади, тўлдиради. У ҳиси билангина эмас, балки ўй-фикри ва ақл-заковати билан ҳам Қайсга боғланган. У севгини бир умрга биргалик, ҳамдамлик деб билади. Отасининг зулму даҳшати ҳам, ибн Саломнинг молу давлати ва шону шавкати ҳам уни Қайсга бўлган муҳаббат йўлидан оздиролмайди. Ибн Саломга бўйин эгиб яшашдан кўра ўлимни авло кўради.

Лайли мазлума қиз. Унинг инон-ихтиёри ўзида эмас. Муҳит унинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилган. Лайли бошқа лайлилардек орзу-армонларидан воз кечиши, отасининг моли сифатида ибн Саломга сотилиши, уй чўриси бўлиши керак. Лекин Лайли бунга кўнолмайди. У муҳитининг машъум қоида ва одатларига қарши боради. Лайли яшаган муҳитда қиз бола севиш ҳуқуқидан маҳрум эди, у фақат севилиши мумкин. Лекин Лайли Қайсни севади. У ўзига ўхшаш ақлли-заковатли ва иффат-одобли йигитнинг севгисига севги билан жавоб беришни ннсоний бурчи деб билади, қалби шунга чорлайди. Аммо севги сир тутилиши лозим. Лайли ҳаммага ҳам юрак дардини очолмайди. У фақат суюкли онаси ва энагаси билан ҳасратлашиши мумкин. Улар ҳам аёл-ку, уларнинг ҳам ҳаёти ва толеи Лайлиникидан енгил бўлмагандир. Бироқ она ҳам, энага ҳам мазлума, уларнинг қўлидан нима ҳам келарди? Фақат юпатиш, бирга кўз ёши тўкиб, Лайлига ҳам, ўз-ўзига ҳам ачиниш, қайғуришми? Лайли буларни билади. Лекин бари бир кўнглини ёриши керак. Инсон инсон билан дардлашиши керак. Лайли ягона шу имкониятдан фойдаланмасинми?!

Қайсга жуда оғир. Аммо ундан ҳам Лайлига янада оғирроқ. Қайс эркак. У жуда бўлмаганда тоғ-саҳрога жўнаб, «ваҳший кишиларнинг» дийдори ва қабиҳ сўзларидан йироқлашади. Табиат оз бўлса ҳам унга ором ва таскин бахш этади. Лекин Лайли бундан ҳам маҳрум. У чордевордан нарига қадам босолмайди. Бинобарин, у Қайсга ёзган мактубида:

Сенинг неча ким ғамингға йўқ маҳл,
Чун эр кишисен бу саҳл эрур, саҳл.
Ҳар сори урай десанг танингни,
Тутқучи тикандур этагингни.
Этак дағи пойбандинг эрмас,
Даври зиҳи ҳам камандинг эрмас.
Мискин мани зору пойбаста.
Йўқ, йўққи, заифи пошикаста.
Не майли сукун, не ҳадди рафтор,
Юз қайди бало аро гирифтор.
Бўлмоқ юз алам уйида маҳбус,
Бирён, яна бирён ўлди номус.
Эр мажлиси аро роҳ эрур зеб,
Хотун кишига салоҳ эрур зеб.

дер экан, тўла ҳақли эди.

Лайли олижаноб инсон. У шунча азоб-машаққат, алам-изтироб чекса ҳам кўзига ўзи эмас, Қайс кўринади. Ўзи ғам-қайғу юки остида эзилади-ю, лекин ундан Қайсни қутқаришга

интилади, жуда бўлмаса сўзи билан уни юпатишга ҳаракат қилади. Мана унинг Қайсга ёзган бир мактуби парчалари:

Эй, ишқ ўтида хасим нечуксен,
Эй, бедилу бекасим нечуксен!
Ҳолинг недурур фироқим ичра?
Фикринг недурур иштиёқим ичра?
Сочингга ёпушса хору хошок,
Ким тортар экин бирин-бирин пок?
Фарқингки эмиш қуш ошёни,
Ким уркутур эркин андин они?
Бошингки сипеҳр ушотти дарҳам,
Ким боғлар экин аларға марҳам?
Ўлтурса юзунгга гарду хори,
Ким оритур эркин они бори?
Жисмингки қонаса ғам тошидин,
Ким юр экин они кўз ёшидин?
Хорики кафингға борур эркин,
Кирпик била ким чиқорур эркин?

Бу сўзлар улуғ қалбнинг олижаноб нидоси. Лайли шу даражада Қайсга хайрихоҳки, ҳатто у Қайснинг Навфал қизига никоҳ бўлганини эшитиб, ўкиниш, таъна қилиш у ёқда турсин, балки унга қалбидан бахт-толе тилайди. Лайли ўлими олдида ҳам Қайсни унутмайди. Онаси билан видолашар экан, уни Қайсга онадек меҳрибон бўлишга чорлайди ва:

Фарзанддек айлаб анга асбоб,
Фарзандинг ила айла ани ҳамхоб,

деб васият қилади.

Лайлининг фожиаси ҳақ-ҳуқуқи поймол қилинган минг-минглаб лайлиларнинг фожиаси эди. Навоий Лайли фожиасини тасвирлаш билан бу фожиага сабаб бўлган қонун-қоида ва урф-одатларга қарши исён қилади, шахс эркини, севгини, хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Достон воқеаларининг ривожида, унинг ғоявий-бадиий такомилида муҳим ўрин тутган ижобий образлардан бири Навфалдир. Навфал баҳодир ва олижаноб инсон. У ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиган, Навоий сўзи билан айтганда «ишқ кўрган», «ғам дашти аро югурган» киши. Навфал кечмиш кунларини унутолмайди, у ҳаёт тажрибасидан тўғри хулоса чиқариб, ситамкаш ва жабрдийда кишиларга кўмаклашишни ўзига бир одат қилиб олган. Даштда ов қилаётиб иттифоқо у Қайсни учратади. Унинг ҳол-аҳволидан огоҳ бўлади, билими, заковати ва шоирлик истеъдодидан мамнун бўлади, бахтсиз севги саргузаштидан қайғуради. Навфал Қайсни шу аҳволда қолдириб кетолмайди. Йўқ, бу унинг қалбига, виждонига тўғри келмайди. Қандай бўлмасин унга мадад бериши, мурод-мақсадига етказиши керак. Навфал Қайсга ҳомийлик ва сарварлик қилади. Бошлаб Лайлининг отасига мурожаат қилади. Қайснинг сифати ва фазилатларини холислик билан таърифлаб:

Қайс улки Арабда бебадалдур,
Ҳар фазлда эл аро масалдур.

Лайли сари ишқ поки пайванд,
Қилғон эмиш они орзуманд.

деб таърифлайди ва уни ҳам фарзанд, ҳам куёв қилишга чорлайди. Адолатли сўзига Лайлининг отасидан рад жавобини олган Навфал жанг билан бўлса ҳам севишганларни мурод-мақсадига етказмоқчи бўлади. Бироқ Қайснинг илтимоси билан жангни тўхтатишга мажбур бўлади. Бошқа чора қолмайди. Қайсни кишилар орасига қайтариш, уни янги бир бахт билан хушнуд этиш керак.

Фарзанд қилай сени ўзумга,
Миннатни қўяй ёруғ юзумга,

деган Навфал уни ўзига куёв ҳам қилмоқчи бўлади. Бироқ у қизининг бошқа бир йигит билан севишганини билмас экан, бундан воқиф бўлган Навфал қизи ва йигитга бахт тилайди, Қайс ва унинг қариндошларидан узр сўрайди. Олижаноблик шуни талаб этади. Навфалнинг бошқача йўл тутиши мумкин эмас.

Достонда яна бир неча ижобий образлар яратилган. Қайснинг ота ва онаси шулар жумласидандир. Қайснинг отаси, бир томондан, «бечора улусқа чорасоз», «меҳнатнавоз» бўлса, иккинчи томондан, оқил ва мушфиқ падар. У Қайснинг тарбиясига, ўқиб билим олиши ва келажагига катта аҳамият беради. Ошиқлик дардида ўртанган ўғлига чорасоз бўлиб, унинг орзусини ушатишга интилади. Бироқ зулм ва зўрлик олдида ноилож қолади. Қайснинг онаси ҳам шундай олижаноб аёл. Аммо ота-она ўғилларининг муроди ҳосил бўлишини кўролмай, алам-ҳасратда дунёдан ўтиб кетадилар.

Лайлининг онаси ҳам, энагаси ҳам меҳрибон, мушфиқ аёллар. Улар Лайлини кўз қорачиғидай севадилар, унинг бахт-толеини тилайдилар. Бироқ отасининг раъйига қарши боролмайдилар. Чордеворда Лайли билан бирга қонли кўз ёши тўкишдан ўзга чора тополмайдилар. Бу образлар улуғ мутафаккир Навоийнинг хотин-қизларга нисбатан бўлган гуманистик қарашларини бойитади.

Лайли ва мажнунларга кўмаклашган, уларнинг бир-бири билан алоқа боғлаши учун воситачи бўлган Зайд ва Чўпон образлари қалби пок, кишиларга яхшилик қилишни ўз инсоний бурчи ва шарафи деб ҳисоблаган халқ фарзандлари образларидир.

Навфалнинг қизи эса ўз севгиси ва номус-орини ҳимоя этган садоқатли ёр ва журъатли қиздир.

Лайлининг отаси мол-давлати ва шон-шавкати билан мағрур худбин, муштумзўр. У на инсоф ва на адолатни, на севги ва на садоқатни, на шафқат ва на ҳимматнн билади. Ҳар бир масалани кучининг зўри билан, даҳшати билан ўз фойдасига ҳал этмоқчи, ҳаммани қулдек итоаткор қилмоқчи бўлади. У Қайснинг отаси донолик билан ёзган мактубга жавобан бундай дейди:

Билмангму шукуҳи савлатимни,
Аъроб аро молу шавкатимни?
Ҳам ўғлунга, ҳам санга билурмен,
Ким, ҳарне қилай десам қилурмен.
Лекин санга бу тағофул ўлмиш,
Ғафлат юзидин тажоҳул ўлмиш.

Қил забтин анинг чу бўлдунг огоҳ,
Мундин нориким, наузу биллоҳ!
Бўлса яна бўйла амр зоҳир,
Аввал ани айлагумдур охир.
Сўнгра санга доғи қаҳр сургум,
Хайлингни бу даштдин итургум!

Лайлининг отаси эл-юртлар бошига мусибат солувчи ҳукмдор. У ўз оиласида ҳам мустабид. На хотини ва на бошқалар унинг раъйига қарши боролмайдилар. У қизи Лайлига бир мол, буюм деб қарайди. Уни чордеворга қамаб, қон қақшатиб мол-давлат эвазига ибн Саломга никоҳлаб бермоқчи бўлади. Бу худбин ва шуҳратпараст қотилликдан ҳам юз ўгирмайди. У агар Навфал жангда ғалаба қозонса:

Ўқ игнасидин тикай либосин,
Ханжар суйидин эзай хиносин.
Туфроққа солай қадди ниҳолин,
Ерга киюрай қоши ҳилолин, –

деб Лайлини ўлдиришга аҳд қилади. Бу қотил Лайлининг ғунчалигида сўлиб ўлиб кетишига ҳам, Қайснинг «Мажнун» бўлиши ва фожиали ўлимга ҳам, Қайс ота-онасининг фарзандларининг кулфати ва қайғуси билан қон ютиб, мурод-мақсадларига эришолмай ўлиб кетишларига ҳам сабабчи бўлади. Бироқ у Лайли ва Қайсларни жисман ҳалок қила олади-ю, аммо руҳан маҳв этолмайди, тириклигида уларни бир-биридан ажрата олади-ю, аммо жасадлари ва қабрларини ажратолмайди. Севги ундан устун чиқади.

Ибн Салом молу давлати беҳад, бироқ ор-номусдан, шафқат ва адолатдан заррача асари бўлмаган амалдор. У эртаю кеч айш-ишрат қуради, кишиларга озор бериш билаи сурур олади. Ибн Салом «Лайли ва Мажнун»нинг хотимасида Навоий:

Ким зарқу риёву шўр бирла,
Ошиқ этар ўзин зўр бирла.
Ишқи ўти бўлмас элга жозиб,
Андоқки, зиёда субҳи козиб,–

деб таърифлаган сохта ошиқлардан биридир. У севгининг моҳиятини ҳам, висол завқи ва ҳижрон изтиробини ҳам билмайди. Бир лаҳзада ўчиб қолувчи эҳтирос учқунини севги деб тушунади. Бировларнинг орзу-армонини оёқ ости қилиш, бахтини барбод бериш билан ўзининг шум муддаосига эришмоқчи бўлади. У Лайлининг қалбини ўзига мойил этолмайди. Лайлининг қалбини мойил этиш учун Қайс бўлиш керак. Бироқ ибн Салом Лайлининг отасига манзур бўлади. Чунки Лайлининг отасига Қайснинг пок севгиси, ақл-заковати ва олижаноб фазилатлари эмас, балки ибн Саломнинг мол-давлати керак. Шунга кўра золим ота «ойни аждаҳога» бермоқчи бўлади. Бироқ Лайлини бу аждаҳо домидан қутқариб қолиш керак. Аждаҳо ўз заҳри билан ўзи заҳарлансин. Майпараст ибн Салом никоҳ айёмида ичкиликка берилиб кетади, заҳарланиб шарманда бўлади, касали тутади, Лайли ундан нажот топади:

Ул бўлди ҳаётидин чу маҳжур,
Мотамға мубаддал ўлди ул сур.
Ҳам ул кеча айрилиштилар бот,
Ўз бўлмайин ўлдилар яна ёт.

«Лайли ва Мажнун»даги образларнинг маънавий қиёфаси, фаолияти ва хулқ-атвори ҳамда тақдири қисқача шулардан иборат.

* * *

Навоий қалами билан «Лайли ва Мажнун» қиссаси сюжет ва композиция, образ ва характерлар, тавсиф ва тасвирлар жиҳатидан янада такомиллашади, бадиий-эстетик қиммати ошади.

Навоий достони 38 бобдан ташкил топган. Ҳар бир боб сажъ йўли билан ёзилган махсус сарлавҳа билан бошланади. Сарлавҳа бобнинг мазмунини бир пролог сифатида баён этиши билан бирга, бадиий жиҳатдан диққатга сазовордир. Масалан, шоир достоннинг XVII бобида Қайснинг Лайлидан жудолиги, ҳажр изтироби ва унинг саҳрога кетиб селдек кўз ёши тўкишини тасвирлайди. Шу бобга у: «Мажнуннинг фироқ чоғида танўр ичидаги ўтдек тоби ва ҳажр бандида тузоққа тушган қушдек изтироби ва ҳаким фусунинн жунунининг туғёни ва табиб парҳазидин иситмасининг ғалаёни ва ўз заҳр комлиғиға тўккан талх-талх шўробаси ва бу шўробадин комида аччиқ-аччиқ хунобаси ва кўнгли ўтидин темур банди сув бўлғони ва сувдек саҳро азми қилиб ашки суйидин водилар тўлғони», деб сарлавҳа қўяди. Бошқа боблар ҳам ғоявий-бадиий жиҳатдан боб моҳиятига тўла мувофиқ бўлган сарлавҳаларга эгадир. Боблар узвий равишда бир-бирига боғланиб боради, воқеалар силсиласини вужудга келтиради. Шу билан бирга образларнинг маънавий қиёфаси ва шахсий хислатлари равшанлашиб, бўртиб боради. Шоир турли бадиий усул ва тасвирий воситалардан кенг фойдаланади, ҳассос бир рассом каби табиатнинг хилма-хил лавҳаларини чизади ва ҳоказо. Булар «Лайли ва Мажнун»нинг бадиий хусусиятлари ва компонентлари «Хамса»нинг бошқа достонлари каби жуда бой ва хилма-хил эканлигини кўрсатади. Бироқ «Хамса»нинг бошқа достонларидан фарқли ўлароқ психологик тасвир «Лайли ва Мажнун»нинг асосий ва етакчи бадиий хусусиятидир. Бинобарин, достон хотимасида Навоийнинг:

Сўгин нечаким узоттим охир,
Йиғлай-йиғлай туготтим охир,

дейиши бежиз эмас эди.

«Лайли ва Мажнун» Қайснинг туғилиши билан бошланади, унда Қайс ва Лайлиларнинг ёшлик йиллари тасвирланади. Қайс ҳам, Лайли ҳам ақлли-фаросатли, шод-қувноқ ёшлар. Бироқ уларнинг бахтли ёшлик айёми узоққа бормайди. Бир-бирини сидқидил билан севган Қайс ва Лайлиларнинг бошига оғир ва мусибатли кунлар кела бошлайди. Висол ўрнини ҳижрон, шодлик ўрнини қайғу, кулгу ўрнини оҳу фиғон, табассум ўрнини қонли кўз ёш эгаллаб олади. Саҳифадан саҳифага ўтилар экан, шоир китобхонни қаҳрамонларининг руҳий кечинмалари дунёсининг ич-ичига олиб киради. Шу зайлда психологик тасвир асосий ва етакчи бўлиб қолади, бадиий тасвирнинг бошқа турлари ва компонентлари унинг атрофига уюшиб, жам бўлиб боради.

Баҳор айёми. Қайс билан Лайли илк бор учрашиб, севишиб қоладилар. Қайс ва Лайли ҳаётининг ҳам баҳор айёми. Севги ғунчаси гуллаши ва ҳосил бермоғи керак. Бироқ табиат ўз йўли билан боради-ю, Лайли ва қайслар бошқа йўлга тушиб қоладилар. Уларнинг севги ғунчаси қулф уриб очилмайди, баҳор мавсуми тугамай хазон ели бошланади. Севгувчиларнинг йўлига тўсиқлар ва тўғаноқлар туша бошлайди. Уларни дийдор кўришдан маҳрум қиладилар. Севгувчиларнинг қалби дард-аламга тўлиб, ранг-рўйи заъфарондек сарғаяди.

Лайлининг дийдорини кўришдан маҳрум бўлган Қайс булбулга қаратиб:

Сен аҳли висолсен дам урма,
Ҳажр аҳли қошида нукта сурма!
Мискин ману дардманди мажруҳ,
Топмай тан аро нишонаи руҳ,

деб булбулни бахтиёр, ўзини бахтсиз деб билади. Булбул у ёқда турсин, Қайс ўзини Лайлилар ҳовлисидаги итдан ҳам бахтсизроқ ҳисоблайди. У итга қаратиб айтади:

Сен ёр эшигида шоду масрур,
Маҳрум ман ғарибу маҳжур.
Сен кўйида ҳар тараф шитобон,
Мени зорға жилвагаҳ биёбон.
Сен кўйида тош уза қўюб бош,
Бошимға фироқи ёғдуруб тош.
Сен мендин ўлуб вафода афзун,
Ҳам сидқда, ҳам сафода афзун.
Йўқса, не учун фалак хироми,
Хор этти мени, сени кироми?
Бу шукрғаким сипеҳри хунхор,
Қилди сени муҳтарам, мени хор.
Ким, соз этибон фиғонни мендин,
Гоҳи ўп ул остонни мендин.

Қайсни чўлу биёбон сайридан ҳам маҳрум қиладилар, унинг оёқларига кишан соладилар. Ишқ ўти, ҳижрон ўти билан ёниб куйган ошиқ кишанда. Ваҳоланки, гуноҳкорни ўтга ташлаб куйдирганларида унинг оёқ-қўлини банддан озод қиладилар. Қайс эса ҳам аланга ичида, ҳам бандда.

Ўт ичра бировни ки солурлар,
Бандини оёғидин олурлар.
Ўт банд ила бўлди жилвагоҳим,
Мундоқму азим эмиш гуноҳим?!

Йўқ, Қайс гуноҳкор эмас, севги ҳаётнинг кўрки, садоқат инсон фазилати. Қайснинг аҳволига ҳатто паррандалар, ўсимликлар раҳм-шафқат қилиб ачинадилар, лекин инсонлик ҳиссиётларидан маҳрум бўлган Лайлининг отаси қизига ҳам, Қайсга ҳам йиртқичларча муносабатда бўлади.

Фақат кўз ёши билан юрагини бўшатиши мумкин бўлган бечора Лайли ҳатто йиғлаш имкониятидан ҳам маҳрум. У бировлар олдида кўз ёши тўколмайди. Бу мумкин эмас. Уй холи қолганда муштипар қиз ўз ҳолига наво айтади:

Лайли кўруб элдин уйни холи,
Чок этти уруб яқони ҳоли.
Гаҳ бахти кўзига урди туфроқ,
Гаҳ боши уза совурди туфроқ.
Қўксинки уруб фигор қилди,
Тирноғи била шиёр қилди.
Дебким: Недур, эй сипеҳри золим,
Солмоқ бу шикасталиққа ҳолим.
Наҳлимғаки эрди зери дастинг,
Не эрди шикаст уза шикастинг?
Нахлики ушоттинг они осон,
Туфроқ ила қадди бўлди яксон.
Тортиб яна тешаи жафони,
Юз пора не эрди қилмоқ они?
Эрким ғами ашкин этса Жайҳун,
Борурму экин ул ашк майгун?
Фарёдки ўлгудек ғамим бор,
Тонг йўқ гар ўзумга мотамим бор.

Жабр-ситам, азоб-изтироб ҳаддан ошади. Лекин севгидан чекиниш йўқ. Қайс Лайлига шу қадар ихлоси ва эътиқоди зўр эдиким, Лайлилар кўчиб кетгандан кейин уларнинг эски манзилида қолган йирганчиқ қўтир бир ит ҳам Лайли манзилида яшагани, унга посбонлик қилгани учун Қайсга жуда қимматли ва азиз. Қайс тоғ-саҳрода девонавор бўлиб ўзини унутади-ю, лекин Лайлини унутмайди. «Буғдой каби қоврилган, сомон каби соврилган» Лайли ҳам бир лаҳза бўлса-да, Қайсни унутолмайди. Ниҳоят, куёвни қолдириб йўлга тушган Лайли билан «келин»ни қолдириб келган Қайс саҳрода учрашадилар. Бу охирги учрашув. Қоронғи, зулмат тун. Бироқ севишганларининг қалби чароғон. Бутун коинот Қайс билан Лайлини олқишлайди, уларни қўриқлайди. Қанча-қанча машаққатлардан кейин бир неча соатлик висол бахтига муяссар бўлган Лайли билан Қайсга халақит бермаслик учун бутун борлиқ хомуш туради, одатдаги фаолияти ва ҳаракатини тўхтатади:

Амн ила замонаи мушаъбад,
Атрофиға даҳрнинг чекиб сад.
Ёр эрди сипеҳру, давр ёвар,
Ақл айламайин бу ишни бовар.
Ҳар неки ҳисоби офариниш,
Айлаб ул иковга васл хоҳиш.
Ургамчи шабоққа жулни тирмаб,
Тумшуғини ришта бирла чирмаб.
Хуффошки сайри давр топиб,
Оламға қаноти парда ёпиб.
Юзига тушиб бўри қулоғи,

Андин ёпилиб кўзи чароғи.
Ногоҳ уқу чекмагай дебон ун,
Тумшуғи этиб кўзуни чобун.
Қўйчи итин уйқу деви босиб,
Қўйлар юнги риштасидин осиб.
Осуда чарандаву паранда,
Уйқуда газандаву даранда.
Имдод аён қилиб табойиъ,
Бўлмасқа бу навъ васл зойиъ.
Не гард қўпуб, не ел равона,
Сув сокину чекмай ўт забона.
Ой қурсида йўқ зиё нишони,
Ер анга қуёш кўмочдони.

Жонлантириш усули билан битилган бу табиат тасвири севишганларнинг висол шодлигини, уларнинг қалби ва руҳини тўлароқ англаб олишга хизмат қилади. Навоийнинг қаршилантириш, таносиб ва бошқа усуллари қам қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини тўлароқ ифодалашга, шу орқали қўйилган мавзуни атрофлича ёритишга мос тушади. Шоир бадиий тил воситаларини ҳам шу мақсадда қўллайди. Масалан, у:

Бир-бирини кўргач икки дилхоҳ,
Чектилар онингдек оташин оҳ,
Ким ўтларидии жаҳон ёруштн,
Хирманлариға бу шуъла тушти, –

дер экан, муболаға билан ҳижрон уқубатларига гирифтор бўлган икки дилхоҳнинг қалби ва дардини тўлароқ очади. Навоий, кўпинча, бир неча бадиий усул – санъат ва тасвир воситаларини бир масала ва образ атрофига синтезлаштиради. Лайлининг қабиладошини кўрган Қайс:

Йиғлаб деди: «Эй рафиқи мажруҳ!
Нетгай сенга айласам фидо руҳ?
Жоним баданинг шифоси бўлсун!
Бошим қадаминг фидоси бўлсун.

Кейинги байтда ҳам таносиб (жон бадан-бош қадам), ҳам тазод (бош-қадам), ҳам тарсеъ (жоним-бошим, баданинг-қадаминг, шифоси-фидоси, бўлсун-бўлсун) бор. Лайли қабиласидан бўлган бир чўпонни учратганда:

Мажнун тобониға қўйди бошин,
Наъл этти этукларига қошин.

Бу байтда ҳам тазод (бош-тобон), ҳам лозим-малзум (бош-қош), ҳам гўзал ўхшатиш (қош-наъл) бор. Айни чоқда бу икки парчада бадиий компонентлар Қайснинг ички кечинмаларинн очишга хизмат қиладн. Табиат лавҳаларини рассомдек чизган Навоий айрим фаслларга рамзий маъно беради, уларни асар воқелигининг мос бир фони қилиб

олади. Қайс билан Лайли баҳор фаслида севишиб қоладилар, уларнинг ҳар иккаласи ҳам табиат сўлғин тус олган куз фаслида ҳалок бўладилар.

Навоий фақат бош қаҳрамонларнинг психологик кечинмаларини тасвирлаб қолмайди, балки у бошқа образларнинг ҳам, айниқса, Қайс билан Лайлининг ғамида адо бўлган Қайснинг ота-онаси, Лайлининг онаси ва энагаси психологик кечинмаларини моҳирлик билан тасвирлайди.

Навоий достони Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонлари каби ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи макфур вазнида (Мафъулу-мафоилун-фаулун) ёзилган, маснавий йўлида қофияланган.

Лайли ва Мажнун образлари «Лайли ва Мажнун» достонидан ташқари Навоийнинг лирикаси, бошқа достонлари ҳамда фалсафий-таълимий асарларидан ҳам ўрин олган. Ишқ куйчиси бўлган Навоий лирикасида тез-тез Лайли ва мажнунларга мурожаат этади, уларнинг севгиси ва фожиасини эслатади, Лайлини гўзаллик ва покликнинг, Мажнунни ошиқлик ва фидокорликнинг рамзи сифатида қўллайди. Бир неча мисол келтирамиз:

Кўп сўз ясоди Лайли Мажнун сўзида халқ,
Эрмас начуини ҳуснунгу ишқим афсонаси.
(«Бадойиул-васат», 601-бет.)

Чу Лайли қилди Мажнун кўнглининг сарманзилин хилват,
На суд ар қўймаса ҳай гирдида они араб ҳаргиз.
(«Бидойиул-васат», 217-бет.)

Зинда дил Мажнунинг ўлмнш кўнгли чун Лайлиға ҳай,
Бас не осиғ ани ҳайдин ковламоглик, эй араб.
(«Ғаройибус-сиғар», 65-бет.)

Биринчи байтда Лайли ва Мажнуи «сўз»и (дарди, фожиаси) ҳақида халқнинг сўзи (афсона ва ривоятлари) кўплиги таъкидланса, кейинги икки байтда Мажнуннинг хўрланиши, таҳқирланиши таъкидланади.

Навоий ўзга асарларида бу қаҳрамонлар ҳақида, кўпинча, бир эпизоддан иборат бўлган кичик ҳикоялар келтиради. Жумладан, «Садди Искандарий»да «Мажнун ҳикоятиким, қиш кунининг узун қоронғу туни Лайли зулфининг мушкин исин ол нарвондин истишмом қилиб, гом урар эрдиким, бахт машшотаси муродин илгига берди» (XXXIII боб), «Мажнун ҳикоятиким, фироқ тоғи оғирлигидан ўзни тоғдан ташламоқ тилади ва Лайли номаси илик тутуб вақосиди камарин тутуб ташламоққа қўймади (XVI) ҳикоялари бор. Бу ҳар иккала ҳикоя ҳам «Эшиттимки...» сўзи билан бошланади, бу ҳам уларнинг халққа, халқ ижодиётига тааллуқлигига бир далилдир. «Лисонут-тайр»да ҳам «Лайли ва Мажнун» билан боғлиқ икки ҳикоя бор. «Маҳбубул-қулуб»нинг иккинчи қисмидаги 10-фаслда берилган ҳикоя ўз ҳаётийлиги билан фарқ қилади. Унда ҳикоя қилинишича, бемор ётган Мажнун Лайли йўллаган мактубни қайта-қайта ўқийди, шу билан таскин ва шифо топиб, тузалиб туради.

Навоий келтирган ҳикояларга монанд ҳикоялар хийла кенг тарқалган бўлиб, улар турли тўплам ва тазкиралардан, тарих китоблари ва мемуарлар ҳамда илмий-бадиий асарлардан ўрин олган. Навоий замондошлари мусаннифоти (асарлари)да ҳам кўп учрайди. Бу Лайли ва Мажнун ҳикояларининг кенг тарқалгани, эл орасида латифа бўлганини яна бир бор тасдиқлайди.

«Лайли ва Мажнун» беш асрдан бери китобхонларниг севикли асари бўлиб келмоқда. У ўзбек халқи орасидагина эмас, балки озарбайжон, туркман, турк, татар ва бошқа халқлар

орасида ҳам кенг шуҳрат топган. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун»и кўп шоирларни шундай асар ёзишга илҳомлантирди ва уларнинг ижодига самарали таъсир этди. Улуғ озарбайжон шоири Фузулий (1498–1556) «Лайли ва Мажнун» номли оригинал достонини яратар экан, Навоийдан бир устоз сифатида баҳраманд бўлди. Шоир Маъдалихон (XIX аср) ҳам ёзиб тугалламаган «Лайли ва Мажнун»ида Навоийдан илҳомланган эди. Умар Боқий эса «Фарҳод ва Ширин» насрий вариантини ишлаб чиққани каби «Лайли ва Мажнун»нинг ҳам насрий вариантини яратади. Халқ шоирлари Навоий достони асосида «Лайли ва Мажнун»нинг фольклор вариантини яратадилар. «Лайли ва Мажнун» асосида яратилган саҳна асарлари кўп йиллардан бери муваффақият билан томошабинларга намойиш этилмоқда.

«САБЪАИ САЙЁР»

«Лайли ва Мажнун»ни ёзиб битирган Навоий жадаллик билан «Хамса»нинг тўртинчи достонини яратишга киришди, тўрт ой ижодий меҳнат чекиб, 1484 йилда бу янги достонни ҳам ёзиб тугаллади ва унга «Сабъаи сайёр» («Етти сайёр» – «Етти кезувчи») деб ном берди:

Чунки қойил етти мусофир эди,
Ки алар сайр ишига моҳир эди,
Бўлди чун бу рақам иши тайёр,
Қўйдум отини «Сабъаи сайёр»[1].

«Сабъаи сайёр» ишқий-саргузашт достондир. У ўзининг композицияси билан «Хамса»нинг бошқа достонларидан тубдан фарқ қилади. «Сабъаи сайёр» халқ оғзаки ижоди, (хусусан, эртаклар)да бўлганидек, «ҳикоя ичида ҳикоя» усулида яратилган достон Баҳром ва Дилором ҳақидаги қолипловчи ҳикоя ва шу ҳикоянинг композицион силсиласига боғланган етти мустақил ҳикоядан ташкил топган.

«Сабъаи сайёр»нинг қолипловчи ҳикояси бўлган Баҳром ва Дилором ҳикояси ошиқ ва маъшуқанинг севги саргузаштига бағишланган бўлиб, у бир неча асрлик тарихга эга бўлган Баҳром Гўрга доир адабий анъаналарнинг инкишофида янги ва улкан бир одим бўлган эди. Биз Навоий ҳикояси ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал қисқача бўлса ҳам мана шу адабий анъаналар билан танишиб чиқайлик.

Сосонийлар сулоласидан Варахран (418-438) деган бир подшо ўтган эди («Варахран» дарий тилида «Баҳром» шаклида қўлланилган). У гўр-қулон (ёввойи эшак) овига ўч бўлгани учун Баҳром Гўр номи билан шуҳрат топган экан. Баҳром Гўр ҳақида Эронда ҳам, у

---

[1] Навоий «Муҳокаматул-луғатайн»да яратган асарларига таъриф ва тавсиф берар экан, «Яна чун» «Сабъаи сайёр» расадин замирим боғлабтур, Ашраф «Ҳафт пайкар»ининг етти ҳурин пешкашимга яроғлабтур», деб бу достонини «Сабъаи сайёр» («Етти сайёра»–»Етти планета») номи билан атайди. Навоийнинг ўзи атагани каби бу достон «Сабъаи сайёр» ва ҳатто кўпинча «Сабъаи сайёра» номлари билан юритилган. Бу икки ном ҳам асарнинг моҳиятига мувофиқ келади. Етти ҳикоя етти сайёр томонидан сўзлаб берилгани учун достон «Сабъаи сайёр» деб номланган ва ҳикоячилар сайёраларга – юлдузларга ўхшатилгаи. Шу билан бирга достон сайёралар, сайёралар ҳақидаги анъаналар билан ҳам боғлиқдир. Ундаги етти қаср ва ҳафтанинг етти куни қадимги илмнинг коинотнинг геоцентрик системаси таълимоти анъаналари билан алоқадордир. Бу таълимотга кўра етти сайёр (ва умуман барча сайёралар) ер курраси атрофида айланиб кезиб юради.
Достондагн қасрларнинг туси Навоийнинг Баҳром сўзини Миррих (Миррихнинг иккинчи бир номи Баҳромдир) билан изоҳланишн, Дилоромни Зуҳра деб талқин этиши, асарнинг муқаддимасида сайёралар ҳақида кенг ва батафсил сўз юритиши ҳам достоннинг «Сабъаи сайёра» номига мувофиқ келади. «Сайёр» ва «Сайёра» бир ўзакдаги сўзлар бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам асл маъноси «кезувчи» дир.
«Сабъаи сайёр» китобхонлар орасида «Ҳафт манзараи Баҳром» номи билан ҳам шуҳрат топган ва айрим котиблар, ноширлар уни шу ном билан китобат қилганлар.

билан қўшни бўлган ўлкаларда ҳам турли-туман афсона ва ривоятлар пайдо бўлади, у шон-шавкатли подшо, моҳир овчи ва ишратпараст киши сифатида тасвир этилади. Баҳром Гўр ҳақидаги афсона ва ривоятлар «Худойнамак» ва «Шоҳнома»лардан ўрин олади[1].

Афсона ва ривоятлардан ҳамда ёзма манбалардан ижодий фойдаланган Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да Баҳром Гўр ҳақида достон яратади. Бу ёзма адабиётда Баҳром ҳақида ёзилган биринчи достон эди. Фирдавсий ўз достонида Баҳромнинг шоҳлиги тарихи ва унинг номи билан боғлиқ бўлган бир қатор афсона ва ривоятларни ҳикоя қилади. Фирдавсий Баҳромни, бир томондан, шавкатли, адолатли подшо, ватанпарвар баҳодир, паҳлавон ва моҳир овчи сифатида, иккинчи томондан, айш-ишратга, эҳтиросга берилиб кетган худбин ва қаҳр-ғазаби қаттиқ даҳшатли бир киши сифатида тасвирлайди.

Сосоний подшоларидан Яздигурд (Яздижурд) зулмкорлиги билан халқнинг, ҳатто сарой аъёнларининг ҳам ғазаби нафратига гирифтор бўлган экан. У ҳукмронлигининг 8-йили ўғил кўради, ўғли Баҳромнинг келажагини ўйлаб, уни ўзига қарам бўлган Яман шоҳи Нуъмон ва унинг донишманд ўғли Мунзирнинг тарбиясига топширади. Баҳром яхши тарбия олади. 18 ёшида унга иккита от ва иккита гўзал канизак инъом қилинади. Баҳром айниқса Озода деган гўзал чангчи канизагини севади. Кўпинча уни ўзи билан бирга овга олиб чиқади. Кунларнинг бирида Баҳром Озоданинг айтганидек қилиб, моҳирлик билан икки кийикка ўқ узади. Кийикларга раҳми келган Озода Баҳромнинг маҳоратини мақтамайди, балки уни шафқатсизликда айблайди. Ғазаби жўш урган Баҳром Озодани туянинг оёқлари остида топтаб ҳалок қилади.

Яздигурд ўлганидан кейин Баҳром Эронга қайтади. Отасидан норози бўлган аъёнлар Баҳромнинг шоҳ бўлишини истамай, Яздигурднинг узоқ қариндошларидан бирини тахтга кўтарадилар. Баҳром одил подшо бўлишига онт ичади, шарт қўйиб, икки шернинг ўртасига қўйилган тожни жасорат билан олади, мамлакатни обод қилади, давлатни адолат билан бошқаради. У оддий фуқаролик либосида мамлакатни кезиб чиқади, турли тоифадаги кишилар билан суҳбатлашади, халқнинг арз-додини эшитади, эл-юрт учун кўпгина фойдали ишлар қилади. У Чин хоқонининг ҳужумидан мамлакатни мардлик ва тадбиркорлик билан ҳимоя қилади.

Мунажжимлар Баҳром 63 йил умр кўради деб каромат қилган эканлар. Баҳром умрининг бир қисмини айш-ишратга, бир қисмини адолат билан ҳукмронлик қилишга ва қолганини тоат-ибодатга бағишлашга қарор қилади. Муддат битади. Баҳром тахтни ўғлига топширади ва осойишталик билан жон беради.

Фирдавсий достонида Баҳромнинг саргузаштларини ҳикоя қилувчи, қолипловчи ҳикоянинг ва шу ҳикоя қолипига киритилган бошқа ҳикояларнинг ҳам бош қаҳрамони Баҳромнинг ўзидир.

Фирдавсийдан кейин Баҳром Гўр ҳақида Низомий Ганжавий достон яратди. Низомийдан бошлаб Баҳром хамсачиликнинг анъанавий бир образига анланиб қолди. Низомийнинг «Ҳафт пайкар» достони Баҳром ва Фитна ҳақидаги қолипловчи ҳикоя, етти гўзал ҳикояси ва етти маҳбус саргузаштидан ташкил топган. Низомий Баҳром ва Фитна ҳақидаги қолипловчи ҳикояни яратишда Фирдавсий достонидан ижодий баҳраманд бўлди. Бироқ Низомий ўз олдига янги ижодий-эстетик вазифалар қўйган эди. У қолипловчи ҳикоянинг марказий

[1] Айрим олимлар, масалан, И. А. Орбели (Бехрам и Азадэ, Л. 1934) Баҳромнинг бадиий образ сифати кенг шуҳрат топишини Варахран сўзининг момоқалдироқ ва жанг маъбуди бўлган Вертрагна сўзига ҳамоҳанглиги билан боғлиқ, Варахран билан Вертрагна қадимий ривоят ва афсоналарда бир-бирига қўшилиб, мужассамлашиб кетган деб кўрсатадилар. Вертрагна, И. А. Орбели ва Е. Э. Бертельс (Навоий. М.– ***Л*** **,** 1948, стр. 194) таъкидлаганидек, Кавказ халқлари орасида ҳам кенг тарқалган, унинг номи арман паҳлавони Ваханга ва грузин қаҳрамони Вахтанга образларида сақланиб қолган.

масаласи қилиб давлат бошлиғи ва мамлакатни бошқариш масаласини қўяди, адолатли ҳукмдор учун кураш ғоясини илгари суради. Низомийнинг талқинича, агар давлат бошлиғи одиллик ва фуқаропарварлик билан иш тутса, мамлакат обод, халқ фаровон бўлади, агар у айш-ишратга, худбинликка берилса, зулм авж олади, мамлакат хароб бўлади, унинг сиёсий мустақиллиги хавф остида қолади. Шунга мувофиқ у Баҳром образида икки Баҳромни: одил ва оқил подшони, айёр ва худбин ҳукмронни яратади, биринчи Баҳромни қутлайди, иккинчисини қоралайди, ҳатто ўлимга маҳкум этади. Бу билан Низомий ҳикоянинг ҳаётий моҳиятини кучайтиришга, реализм тенденцияларини ривожлантиришга интиладп. Низомий ҳикояга Хаварнақ қасри, Симнор фожиаси, Хаварнақ деворларига ишланган етти гўзал, Баҳромнинг етти қаср қурдириши, етти подшонинг қизига уйланиши, вазир Ростравшаннинг хиёнати, донишманд чўпоннинг бу хиёнатни фош этиб, мамлакатни хоқоннинг ҳужумидан сақлаб қолиши каби янги эпизодлар киритади. Ростравшаннинг хиёнати, донишманд чўпоннинг ўгити Баҳромнинг кўзини очган эди. У етти гўзални ўз юртига қайтаради, қасрларни оташкадага айлантиради, айш-ишратдан воз кечиб ишларига берилади. Бироқ Баҳром битта одатини – овга ўчлигини тарк қилолмайди. Овга эҳтироси уни ҳалокатга етаклайди. Кунларнинг бирида Баҳром бир қулоннинг изидан қувлайди. Қулон ғорга кириб кетади, Баҳром ҳам изма-из ғорга киради. Ҳамроҳлари қидирадилар, на қулондан ва на Баҳромдан дарак бор. Бу билан Низомий подшонинг битта ёмон одати ҳам мамлакат ишига азият етказиши, унинг ўзини ҳалокатга олиб бориши мумкин деб ўз даври ҳукмронларнни Баҳром фожиаси билан огоҳлантирмоқчи бўлади. Низомий достонида фитна (Фирдавсийда Озода) образи бирмунча фаоллаштирилади. Фирдавсий достонида Баҳром уни туянинг оёғи остида топтаб, ҳалок қилади. Низомийда ҳам кийик овида Фирдавсий достонидагидек можаро юз беради, бироқ унда Баҳром Фитнани ўлдириш учун уни саркардага топширади. Фитна илтимос қилади: мени ўлдиришга шошилма, Баҳром сўраганда ўлдирдим дегин, агар афсусланса, қонимдан кеч, афсусланмаса, ҳукмни бажо келтир. Саркарда кўнади. Баҳром сўраганда саркарда ўлдирдим деган эди, Баҳром афсусланди. Шу билан Фитна қатлдан омон қолди. У саркардага қимматбаҳо буюмларини топшириб, жуда баланд бир кўшк қурдиришни илтимос қилади. Фитна бир бузоқни ҳар куни кўшкка олиб чиқади, олиб тушади. Бузоқ катта сигир бўлиб қолса ҳам, Фитна уни бемалол кўтараверади. Баҳром зиёфатга чақирилади. Бошлаб у бу аёлнинг ишига таажжубланади, кейин бунда ҳеч қандай мўъжиза йўқ, машқ холос, деди. Фитна шуни кутар эди. У катта бир сигирни баланд кўшкка кўтариб чиқиб-тушиши машқ бўлсин-у, бироқ шоҳнинг кийикка ўқ узишдаги маҳорати мўъжиза бўлсин, дейди. Баҳром бу аёлнинг Фитна эканини билиб қолади, ундан узр сўрайди.

Низомийнинг қолипловчи ҳикоясида яна кўп янгилик ҳамда ўзгаришлар бор. Унинг достонидаги бошқа ҳикоялар эса тамомила янги ҳикоялардир. Халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган етти ҳикоянинг етакчи мавзуси севги бўлиб, турли саргузаштларни бошидан кечирган севгувчилар мурод-мақсадига етишади, барча ҳикоялар ҳалқ эртакларида бўлгани каби оптимистик тарзда хотималанади. Фирдавсий ҳикояларида Баҳром воқеада бевосита иштирок этса, Низомий ҳикояларида Баҳром фақат тингловчи сифатида берилади, у ҳикоялардан, хусусан, етти маҳбуснинг саргузашти ҳикоясидан тегишли хулоса чиқариб, ўз фаолияти ва хислатларидаги нуқсонларни бартараф этишга интилади.

Фирдавсий достони бутун «Шоҳнома»нинг ягона вазни бўлган мутақорибда ёзилган бўлса, Низомий бу саргузашт достонини ҳафиф баҳрида (фоилатун-мафоилун-фаълун)

ёзади. Низомийдан кейин барча хамсанавислар Баҳром Гўр ҳақидаги достонларини шу вазнда яратадилар.

Низомийдан кейин Хусрав Деҳлавий Баҳром Гўр ҳақида «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат») достонини яратди. Хусрав Деҳлавий достонида ҳам Баҳромнинг саргузаштини тасвирловчи, қолипловчи ҳикоя ва етти маликанинг ҳикояси бор. Хусрав Деҳлавий бу ҳикоялар миқдорини жамлаб, достонни «Ҳашт биҳишт» деб номлаган. Хусрав Деҳлавий Баҳром ҳақидаги Низомий ҳикоясининг етакчи мазмуни фабуласини, Баҳром ва унинг севикли канизаги образига хос хусусиятларни, асосан, сақлаб қолади. Лекин шу билан бирга у ҳикоянинг сюжети ва қаҳрамонлар характерига бир қатор катта-кичик ўзгаришлар, янгиликлар киритади. «Ҳашт биҳишт» муаллифи ҳикояни Баҳромнинг тахтга чиқишидан бошлаб, унгача бўлган воқеаларни тушириб қолдиради. Баҳромнинг канизаги билан (Хусрав Деҳлавийда унииг номи Дилором) бўлган можаросини бирмунча бошқача планда давом эттиради ва ривожлантиради. Баҳромнинг кийикларга моҳирлик билан ўқ узишини Дилором бу сеҳргарлик деб таърифлайди. Ғазабланган Баҳром уни кимсасиз чўл-биёбонга ташлаб кетади. Дилором не-не машаққатлар билан бир деҳқоннинг боғига келади. Деҳқон подшозодалардан бўлиб, мансаб ва мол-дунё талаш можароларидан холи бўлмоқ учун кимсасиз чўлга келиб, деҳқончилик қилар экан. У Дилоромга турли илм ва санъатни ўргатади. Дилором, айниқса, чолғучиликда зўр муваффақият қозонади. Унинг сеҳрловчи чолғуси ҳайвонларни элитиб, ухлатади. Буни эшитган Баҳром томошага келади. У юзига ниқоб ташлаган аёлнинг маҳоратини сеҳргарликка йўяди. Дилором киноя билан ов воқеасини эслатади. Баҳром Дилоромни таниб қолади, ундан узр сўраб, саройга олиб қайтади. Хусрав Деҳлавий етти қасрнинг бино қилинишини ҳам бошқача планда тасвирлайди. Баҳромнинг қулон овига ортиқ даражада берилиб кетганидан ташвишга тушган аъёнлар уни бу йўлдан қайтариш учун етти подшонинг қизига уйланиш ва етти тусда етти қаср қуришни маслаҳат берадилар. Баҳром етти шоҳнинг қизига уйланади, етти қасрда етти маликадан етти ҳикоя эшитади. Бироқ Баҳром қулон овига ўчлигини тарк қилолмайди. Кунларнинг бирида у бир қулонни қувлаб бориб, чоҳга йиқилиб кетади. Унинг жасадини излаган билан топа олмайдилар. Баҳромни «ер ютади».

Хусрав Деҳлавий шу зайлда Баҳром саргузаштларини хийла қисқартиради, воқеани соддалаштиради, айрим муҳим ўзгаришлар киритади. Баҳром саргузашти рамкасига киритилган Хусрав Деҳлавийнинг етти ҳикояси тамомила янги ҳикоялар бўлиб, уларни шоир ҳинд фольклори материаллари асосида яратган. Бу ҳикоялар хушчақчақлиги ва оптимистик руҳи билан аҳамиятлидир.

Шундай қилиб, Навоийга қадар бадиий адабиётда Баҳром Гўр бўйича катта ижодий тажриба тўпланган, адабий анъана вужудга келган ва у маълум такомил босқичларини кечиб ўтган эди. Навоий буларнинг барчасини мукаммал ўрганиб чиқади, салафларининг ютуқлари ва айрим камчиликларини аниқлаб олади, ўз достонининг янги вазифа ва режаларини белгилаб олади. Хамсачилик анъанаси – Навоийнинг зиммасига маълум мажбурият юклайди: у «Хамса»нинг тўртинчи достонини Баҳромга бағишлаши, салафлари каби Баҳром ҳикоясини қолипловчи ҳикоя қилиб олиб, унинг ичига ҳафтанинг етти кунида етти тусдаги етти ҳикоя киритилиши, достонини хафиф баҳрида яратиши керак ва ҳоказо. Бу адабий анъананинг талаблари. Бироқ доимо адабий анъаналарга ижодий ёндошган, давр ва китобхонларнинг янги эҳтиёжларини биринчи ўринга қўйган, оригиналлик ва новаторликка интилган Навоий, шубҳасиз, адабий анъаналар доирасида қолиб кетолмас эди. Салафларининг ижодий ютуқларидан таълим олиш билан бирга уларнинг асарларидаги қусурлардан холи бўлиш керак. Салафларининг санъаткорлик маҳоратига юксак баҳо бериб, уларни тақдирлаган ва ҳатто:

Менки шогирди бебизоат мен,
Ул иковга мутии тоат мен,

деган Навоий уларнинг камчиликларини ҳам холислик билан ошкор танқид қилади. У Низомий ва Деҳлавий достонларидаги, асосан, Баҳром образи билан боғлиқ бўлган икки камчиликка эътиборни жалб этади:

Бири буким, йўқ, анда мояи дард,
Қилдилар ишқ сўзидин ани фард.
Яна бир буки анда баъзи иш,
Зоҳиран номуносабат тушмиш:
Бўйла туҳматки айш учун Баҳром
Ясади етти қаср сургали ком.
Етти иқлим шоҳидин ети қиз,
Ҳар бири лутфу ҳусни ғоятсиз.
Етти қасри ичига келтурди,
Ком ҳар кун бири била сурди.
Турфа буким чу бўлди бода параст,
Қилди оқшомға тегру ўзни маст.
Уйқу комин олурға мастона,
Шўхларға буюрди афсона.
Бу ажабким алар дағи дедилар,
Қиссахон қизлари магар эдилар?
Тонгдин-оқшомға тегру пайдар-пай,
Улки ичгай қадаҳ тўла-тўла май,
Анга худ ғафлат ўлди даъбу сифат,
Уйқусиға фасона не ҳожат?
Бўлса ҳам ақл манъ қилмасму?
Қисса айтур киши топилмасму?

Демак, Навоий, Низомий ва Деҳлавий достонларида биринчидан Баҳром «мояи дард» ва «ишқ сўзидин» маҳрумдир, иккинчидан, унинг етти қаср қуриши, етти қасрда ишрат суриш ва афсона тинглашида ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган ўринлар бор: Баҳром айш суриш учун етти қаср қуради, етти шоҳнинг қизларига уйланади. Бу уни ҳақиқий севгидан янада йироқлаштиради. Бунинг устига у маст-аласт бўла туриб, ухлай олмайди, хотинларидан афсона тинглайди. Ваҳоланки, маст-аласт киши ўзини билмай ётади, унинг афсона тинглашига ҳожат қолмайди. Мабодо афсона тинглаш эҳтиёжи туғилиб қолса, бошқа «қисса айтур киши топилмасму?» Бинобарин, шундай нуқсонларга эга бўлган Баҳромни тавсиф этиш ва хусусан уни мадҳ қилиш номуносиб бир ишдир:

Ким мунунгдек икки ваҳиди замон,
Ҳар бир ўз вақтида фариди замон.
Бўйла нодон учун ёзиб авсоф,
Анга қилғайлар ўзларин вассоф.
Мадҳини беҳисоб ёзғайлар,
Балки мавзун китоб ёзғайлар.

Навоий ўз достонида бу икки етишмовчиликни ҳам бартараф этишга эришади. У достонни мукаммал ишқий-саргузашт даражасига кўтаради. Баҳромни «мояи дард» ва «ишқ сўзи»га гирифтор бўлган ошиқ сифатида мужассамлаштиради ҳамда шунга мувофиқ равишда иккинчи нуқсонни ҳам тугатади. Шоҳлик худбинлиги жўш уриб Дилоромни кимсасиз чўл-биёбонда қолдирган Баҳром, тезда ўз қилмишидан пушаймон бўлади, ҳижрон азобига тоб беролмайди. Аъёнлар ва ҳокимлар чора излаб етти қаср қурдирадилар, етти шоҳнинг қизига уйлантирадилар. Бироқ булар кор бермайди, Баҳромга татимайди. Кундузи ороми, кечаси уйқуси йўқ Баҳромни овунтириш учун жаҳонгашта етти мусофирни чорлаб афсона айттирадилар. Ниҳоят, етти мусофирнинг ҳикояси туфайли Баҳром яна Дилоромнинг висолига муяссар бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг бу камчиликларини таъкидлаш билан Навоий зинҳор уларнинг ижодий даҳосини ва Баҳром Гўр ҳақидаги достонларининг фазилатини камситмоқчи бўлмаганидек, бу қусурларии тугатиш билан кифояланиб қолмоқчи ҳам эмас эди. У ўз олдига янги ва оригинал достон яратиш вазифасини қўйган эди.

Бу сабабдин бу хуш фасона аро,
Балки бу хушнаво тарона аро,
Йўқ эди ҳеч чорау тадбир,
Ким бирор ерда бўлмағай тағйир,

деган Навоий янги ва оригинал достон яратишга муваффақ бўлди. У Баҳром ва Дилором ҳикоясини деярли қайтадан ишлаб чиқди, Баҳромнинг саргузаштларини асарнинг марказий мавзуси бўлган севги муаммосига тўла мувофиқлаштирди, образларни янгича талқин қилди, Моний ва Чин савдогари образларини киритди, бу ҳикояни ва умуман, достоннинг композициясини такомиллаштирди, халқ оғзаки ижоди материаллари асосида тамомила янги ҳикояни яратди ва ҳоказо. Булар билан Навоий достоннинг ғоявий-бадиий қимматини янада такомиллаштирди, унинг ҳаётий, реалистик моҳиятини янада оширди.

Фирдавсий, Низомий, Деҳлавий ва Навоий достонларидаги фарқ-тафовут ҳар бир шоирнинг ижодий-эстетик режаси ва мақсади билан боғлиқ бўлишидан ташқари, Баҳром ҳикоясининг халқ орасида тарқалган вариантлари кўп бўлганини ҳам кўрсатади. Бу ҳикоялар турли хил китоблардан ўрин олган эди. Жумладан, Муҳаммад Авфийнинг (XIII аср) «Жавомеъул-ҳикоят» («Ҳикоятлар тўплами...») асарида Баҳром Гўр ҳақида кўпгина ҳикоялар бор. Масалан, Низомий достонидаги Баҳромнинг журъат билан икки шер ўртасидан тожни олиши, вазир Ростравшаннинг хиёнати, чўпон ва ит каби эпизодлар Хусрав Деҳлавий достонида баён этилганидек, Баҳромнинг қудуққа тушиб кетиб ғойиб бўлиши эпизоди ва бошқалар «Жавомеъул-ҳикоят»да алоҳида ҳикоялар сифатида берилган. Бундай ҳикоятлар Навоий даврида ҳам кенг тарқалган бўлиб, турли мазмундаги китоблардан, бадиий асарлардан ўрин олган.

Баҳром – қолипловчи ҳикоянинг бош қаҳрамони. У шоҳ ва ошиқ. Баҳром зиддиятли характерга эга бўлган мураккаб бир образ. Навоий бу образ қиёфасида бир-бирига қарама-қарши бўлган икки шахсни: одил подшо ва вафодор ошиқни; ҳузур-ҳаловат ва шахсий кайфиятларига берилиб кетиб, эл-юрт аҳволи ва давлат ишларидан четлашган, эҳтиросларига асир бўлган шуҳратпараст подшо ва худбин ошиқни тасвирлайди.

Навоийнинг Баҳром ва Дилором ҳикояси ўз сюжети билан Хусрав Деҳлавий достонига яқин турса, образларининг характери жиҳатдан (айниқса, шоҳ сифатида Баҳром) Низомий достонига яқин туради. Навоий ҳам Хусрав Деҳлавий каби қолипловчи ҳикоя воқеасини

Баҳромнинг тахтга чиқишидан бошлайди. Баҳром мамлакатни адолат билан бошқаради, уни обод ва элни хуррам-шод қилади.

Мулк боғин баҳори адл била,
Суғориб жўйбори адл била.
Ўйла сарсабз қилдию тоза,
Ким жаҳон бўлди жаннат овоза.
Ҳар не вайрон қилиб эди бедод,
Дод ила қилди барчасин обод.
Кишваридин кетарди чун торож,
Етти йиллик маоф тутти хирож.[1]

Бироқ Баҳром бу фазилатларини узоқ сақлаб қололмайди. Улар тез орада Баҳромнинг ўтмиши бўлиб қолади. У айш-ишратга, овга берилиб кетади, ақл-ирода жиловини ҳис ва эҳтирос қўлига топшириб қўяди:

Шаҳғаким ишрат мудом эрди,
Соғ бирла суруд ком эрди.
Шавқида ихтиёри йўқ эрди,
Кўрмай они қарори йўқ эрди.
Сайдсиз бўлмас эрди ороми,
Анда руду суруд эди коми.

Овда рассом Моний билан учрашиб, Дилоромнинг суратини кўрган Баҳром унга ошиқи беқарор бўлиб қолади. Хитой савдогарига хоқондан оладиган бир йиллик хирожини тўлаб, Дилоромнинг висолига эришади. Баҳром Дилоромни бутун қалби билан севади. Бироқ у ошиқ бўлгач, шоҳликни, тўғриси, шоҳ сифатида ўз бурчи ва вазифаларини бутунлай унутади. Зулм-зўрлик, талон-торож авж олади:

Иш анга еттиким бу янглиғ шоҳ,
Мулк ишидин эмас эди огоҳ.
Боқмойин мулк ила сипоҳ сори,
Қилмойин майл додхоҳ сори.
Ўтти уч-тўрт йил бу ҳолат ила,
Ҳолатидин улус малолат ила...
Ҳосил ул навъ шоҳи оламгир,
Ишқ хайлига уйла бўлди асир,
Ким чиқиб дудлар ниҳодидин,
Чиқти мулку сипоҳ ёдидин...
Мулк иши забту рабтсиз бўлди,
Салтанат амри забтсиз бўлди.
Қилмади шаҳ чун додхоҳни ёд,
Эл илик сунди қилгали бедод,
Мулк чун шоҳ адлидин қолди,
Қилди ҳар ким неким қила олди.

[1] С ў з – бу ерда тожикча «сўхтан» («куймоқ», «ёнмоқ») сўзидан олинган.

Ҳам қаламзан тушуб ҳавола аро,
Бўлубон халқ рўзғори қаро.
Ҳам қароқчи узотти ҳар сори қўл,
Банд бўлди алар қўлидин йўл...

Шундай қилиб, Баҳром ошиқликни шоҳлик билан жўр эта олмайди, эҳтиросларининг асири бўлиб қолади. Дастлабки чоғларда адолатпарварлик ва фуқаропарварлик Баҳром шоҳлигининг етакчи хусусияти бўлган бўлса (Навоий шундай подшони орзу қиларди), энди улардан асар қолмаган эди. Айш-ишрат ва худбинлик шоҳ Баҳромнинг ижобий хислатларини енгиб боради. Бу ҳатто ошиқ Баҳромга ҳам салбий таъсир этди. У овда худбинлиги туфайли севикли ёри Дилоромни чўл-биёбонга, ўлим қаърига ташлаб кетди. Бироқ севги туғёни тезда ғалаба қилди. Баҳром Дилоромни излади, ундан дарак тополмади. Ҳижрон азоби унинг юрак-бағрини эзди, аъёнлар ва ҳакимларнинг тадбирлари ҳам кор қилмади. Баҳром етти кунда етти афсона эшитди. У ўзига ибрат бўла оладиган Суҳайл, Ахий, Масъуд, Жуна ва Фаррух каби ажойиб кишиларнинг саргузашти, олижаноб фазилати, хислати билан танишди. Баҳром улардан панд-ибрат олиши керак эди. Бироқ у шундай қилмади. Дилоромнинг висолига иккинчи марта муяссар бўлган Баҳром яна қайта айш-ишратга, овга берилиб кетди. Баҳром тузалмас дарду иллатга гирифтор бўлган эди. Бундай киши ортиқ давлат бошида қолмаслиги керак. Биринчи жазо (Дилоромдан жудолик)дан тегишли хулоса чиқара олмаган Баҳромни энди ҳалокатга маҳкум этиш керак. Баҳром сарой аҳли, қўшин ва Дилором билан катта овга чиқади. Лак-лак ҳайвонлар, қушлар қириб ташланади, қон ариқ бўлиб оқади. Овлоқ асли бир вақт ботқоқ ер экан. Кўп қон тўкилиши ва қаттиқ ёмғир ёғиши билан ернинг устки қатлами юмшаб, ботқоқлик очилади. Баҳромни ҳам, унинг ҳамроҳларини ҳам, халқ таъбири билан айтганда, ер ютади. Бу билан Навоий Баҳромнинг ҳалокатига янада даҳшатлироқ ҳамда реалистикроқ тус беради (Низомийда унинг ғорда, Хусрав Деҳлавийда чоҳда ғойиб бўлганини эсланг.)

Баҳром образи жуда муҳим ҳаётий, сиёсий-тарбиявий аҳамиятга эга эди. Навоий Баҳром образини ўз даври ҳаёт шароитлари, воқеликлари асосида яратган эди[1]. Навоий ижобий Баҳром (Баҳром шоҳлигининг дастлабки даври) образи орқали ўз даври ҳукмронларини инсоф ва адолат билан мамлакатни бошқаришга йўлласа, салбий Баҳром образи орқали шоҳ ва шаҳзодаларга хос бўлган худбинлик, ишратпарастлик, асабийлик каби хислатларни аччиқ танқид қилади. Баҳром айрим жиҳатлари билан Ҳусайн Бойқарони эслатади. Ҳукмронлигининг дастлабки даври ўз фаолиятини кўпгина фойдали, хайрли ишларга бағишлаган Ҳусайн Бойқаро кейинчалик айш-ишрат, кайф-сафо домига гирифтор бўлиб боради. Навоий Баҳромнинг саргузашти ва хусусан, унинг фожиали тақдири билан Ҳусайн Бойқарони ҳам, бошқа темурий шоҳ ва шаҳзодаларни ҳам огоҳлантирмоқчи бўлади. Шоир ҳикоядаги фикр-мулоҳазалари ва панд-насиҳатлари билан кифояланмай, асл мақсадини янада ошкорароқ баён этиш учун достоннинг хотимасига «туш» эпизодини илова қилади. Эмиш Навоий Баҳромни туш кўради. Баҳром унга ўз саргузаштларини эслатиб ўтади, сўзни Ҳусайн Бойқарога буриб, унинг салтанати, ҳарбий шижоати, ободончилик ишларидаги фаолияти ва бошқа жиҳатларини таърифлайди. Шундан кейин у ўзининг айрим хатти-ҳаракатлари ва феъл-атворидаги нуқсонлардан (ишратпарастлик, худбинлик ва бошқалар) афсус-надомат чекиб, Ҳусайн Бойқарода ҳам шундай нуқсонларни кўради, унга насиҳат қилади:

[1] Бу Навоийнинг достондан кутган етакчи мақсади эди. У адолатли ҳукмрон образини Баҳромда эмас (гарчи унинг дастлабки фаолиятида бунинг куртаклари кўринса-да), балки «Садди Искандарий» да Искандар образида, «Сабъаи сайёр»да Фаррух, Жуна, Суҳайл каби образларда мужассамлаштиради.

...Ул дағи айш сори мойилдур,
Нағму савт бирла хушдилдур...
Шаҳлар ичра манга эрур монанд,
Де олурмен: эрур манга фарзанд...
Энди шоҳингға де саломимни,
Сўнгра мундоқ етур паёмимни:
Ки жаҳон кимсага вафо қилмас,
Шоҳлиғ таркига киро қилмас,
Шаҳки минг йил онинг ҳаётидур,
Ғараз ўлганда яхши отидур.

Мислсиз катта журъат билан айтилган бу сўзлар Навоийнинг достондан кузатган асосий дидактик мақсади эди. «Туш» эпизоди фақат Баҳром образининггина эмас, балки бутун достоннинг ҳам реалистик қимматини оширади. Баҳром образидаги инкишофнинг асосий моҳияти ҳам шундадир[1].

«Сабъаи сайёр»нинг муҳим образларидан бири Дилоромдир. Дилором ҳусн-латофатда тенги йўқ аёл. Шу билан бирга у ажойиб истеъдодга эга бўлган санъаткор. Дилоромнинг олижаноб қалби, мусаффо хулқ-атвори унинг ҳуснигаҳусн қўшади. Дилором садоқатли ёр. У Баҳромни сидқидил билан севади, севгисига бир умр содиқ бўлиб қолади.

Бироқ Дилором эрксиз, тутқун аёл. У гўдак экан, Хитойдаги икки хоннинг уруши туфайли асира бўлади. Бу асирани Хожага – савдогарга сотадилар. Дилоромнинг булбулдек овози, мусиқага майли ва истеъдоди ҳаммани мафтун қила бошлайди. Дилором устоз санъаткорлардан таълим олади. Бефарзанд Хожа аввал уни фарзанд қилиб, нуридийдасидек асраса, Дилоромга харидорлар кўпайгандан кейин, бозори тезлашиб, уни катта пулга сотмоқчи бўлади. Ниҳоят, Хитой хоқонининг Баҳромга тўлайдигаи бир йиллик хирожи бадалига уни Баҳромга сотади. Бинобарин, Дилором:

Мен канизи сиёҳбахти лаим,
Ҳам сиёҳбахту ҳам сиёҳ калим,

дейишга тўла ҳақли эди. Тўғри, Баҳром Дилоромни самимият билан севади, уни ардоқлайди. Бироқ Дилоромнинг бошига машъум кунлар солган ҳам мана шу Баҳром эди. Шоҳлик худбинлиги ва қаҳр-ғазаби ошиқликнинг лутфу тавозесини, шафқату марҳаматини енгиб қўйиб, Баҳром Дилоромнинг «ов маҳоратини, машқнинг самараси» дегани учун уни сочи билан қўл-оёғини боғлаб, кимсасиз чўл-биёбонга – ўлим қаърига ташлаб кетади. Дилоромни гоҳ фарзанд, гоҳ канизак ўрнида билган Хожа уни соғиниб, Эронга йўл олганда иттифоқо чўлда бир қорани кўради, бу қора ўлиги-тириги номаълум Дилором бўлиб чиқади. Дилоромни шоҳи кафанга ўраб, Хоразмга йўл олади. Дилором ҳушига келади. У ўзини гуноҳкор санаб, Баҳром даргоҳига қайтмоқчи, ундан узр сўрамоқчи бўлади. Катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган Хожа бунга эътироз билдиради:

Ким: Хатодур бу раъйким қилдинг,
Хирадингдин магарки айрилдинг.
Ёва дерсен! Ўзингдаму йўқ сен?

[1] Навоий «Ҳайратул-аброр» ва «Садди Искандарий»да ҳам Баҳром Гўр ҳақида ҳикоятлар битган.

Ёки хони ҳаётдан тўқ сен?
Шаҳки бир сўз учун тўкар қонинг,
Яна қилмоқ недур фидо жонинг?
Шоҳ бир шуълаи фурузондур,
Ҳар кишига етишса сўзондур.
Ўт аро ихтиёр ила сурмак:
Баҳра бермас бағайри куйдурмак.
Шаҳким бўйла тангдил бўлмиш,
Ғазаби ўти муштаил бўлмиш.
Қочмоқ андин савоб эрур бу дам,
Неча андин йироқ – офат кам...

Хожанинг бу сўзлари айни ҳақиқат эди. (Бу сўзлар Хожа тили билан айтилган Навоийнинг ўз сўзларидир!) Дилором Хоразмда қолади. Унинг овози ва сози бутун Хоразмда шуҳрат топади. Хоразмшоҳ унга уйланмоқчи бўлади. Дилором ва Хожанинг эътирозига қарамай, Хоразмшоҳ зўрлик билан уни саройга олиб боради. Бироқ Баҳромга содиқ бўлган Дилором сози ва овози билан шоҳни ҳам, саройдагиларни ҳам ухлатиб, саройдан қочади. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, шоҳ Хожани ота ва Дилоромни сингил, деб ҳисоблашга мажбур бўлади. Жума куни еттинчи қасрда Хоразмдан келган мусофирдан Дилоромнинг тақдирини эшитган Баҳром уни ўз даргоҳига қайтаради. Дилоромнинг висол ва шодлик кунлари тикланади. Лекин бу узоққа бормайди. Овга ўч Баҳром катта овга Дилоромни ҳам олиб чиққан эди. Бошқалар қатори Дилоромни ҳам ер ютади. Дилоромнинг тақдири мана шундай даҳшат билан тугайди.

Навоий салафлари каби Дилоромнинг ҳусн-латофати, санъати ва маънавий гўзаллиги таърифи ва таҳсини билан хотин-қизларга нисбатан инсонпарварлик ғояларини илгари суриб, уларнинг шаъни ва инсоний ҳак-ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Бироқ шу билан бирга Навоий Дилоромнинг кулфатли ҳаёт йўли (унинг асирга тушиши, Хожанинг дам уни фарзанд, дам канизак тутиши, сотилиши, Баҳромнинг қаҳрига йўлиқиши ва бошқалар орқали) ва машъум фожиасига кенгроқ ўрин бериш билан бу образнинг реалистик моҳияти ва қимматини оширишга муваффақ бўлади.

Баҳром ва Дилором ҳикоясида бошқа бир неча образлар ҳам бор. Бироқ улар ёрдамчи образлар бўлиб, баъзан уларнинг фаолияти ҳикоя воқеаларининг ривожи учун бир восита сифатида хизмат қилади. Моний ва хитой савдогари шундай образлар жумласидандир. (Савдогарнинг Дилоромга бўлган муносабатидаги зиддият: бир томондан, унга оталарча меҳри, иккинчи томондан, бир канизак сифатида сотиб юбориши – шу тоифадаги кишиларнинг маънавиятига хос зиддиятдир.)

Шундай қилиб, «Сабъаи сайёр»нинг қолипловчи ҳикояси Баҳром Гўр адабий анъаналари ривожида янги ва катта бир одим бўлиб, у Баҳром Гўр ҳикоятини янада ҳаётга яқинлаштиради, уни ҳаққоний тасвирлар билан бойитиб, ғоявий-бадиий қимматини янада оширади.

Баҳром ҳақидаги мўъжаз ҳикоятлар Навоийнинг ўзга асарларида ҳам бор. «Ҳайратул-аброр»нинг XIX мақолотида Баҳром ҳақида жуда ибратли бир ҳикоя келтирилган. Овга чиққан Баҳром Гўр бир хароба қишлоққа келиб қолади, деҳқон кулбасига меҳмон бўлиб қўнади. Баҳромнинг бу харобликнинг сабаби ҳақидаги сўроғига деҳқоннинг харобаликка подшо сабаб деган жавоб сўзлари Баҳромнинг кўзини очади, у маст-аластликдан, айш-ишратдан воз кечади, адолат билан мамлакат ишларини бошқара бошлайди. «Садди Искандарий»да эса бошқа бир ҳикоя келтирилган (IV боб). Баҳром овда бир қулон изидан

қувлаб бориб адашиб, ҳамроҳларидан йироқлашиб, охири бир жойга етиб келади. У ерда уч олачуқ ва ўртада бир дарахт бор экан. Баҳром дарахт соясига ўтириб, олачуқ эгаларидан меҳмон қилишни сўрайди. Олачуқ эгаларидан бири давлати беҳисоб бўлса ҳам, нодон ва хасис бўлган, иккинчиси жуда исрофгар бўлиб, қўйлар сўйиб, қозон осишга киришади, бири камбағал бўлса ҳам ақлли, фаросатли эди. Шу деҳқон борини – қатиғу нон қўйиб, меҳмонга дастурхон ёзади. Оч қолган подшо нону қатиғини иштаҳа билан тамадди қилиб, олачуқ эгасига инъомлар беради, пасткаш– хасис билан исрофгардан ранжиб, уларни койийди.

Навоий Баҳром ҳақидаги анъанавий тарихни «Тарихи мулуки Ажам»да Яздижурд ва Баҳром ҳақидаги фаслларда баён этади.

* * *

«Сабъаи сайёр»нинг ғоявий-бадиий тўқимасида етти ҳикоя ниҳоятда кенг ва катта ўрин тутади. Шунга кўра ҳам Навоий:

Лутф бу назм аро бағоятдур,
Ғараз аммо ети ҳикоятдур,

деган эди.

Навоий қасрлар туси ва сирасини айнан Низомий ва Хусрав Деҳлавий достонларидагидек сақлаб қолади:

Биринчи ҳикоя – шанба – қора қаср;
Иккинчи ҳикоя – якшанба – сариғ қаср;
Учинчи ҳикоя – душанба – яшил қаср;
Тўртинчи ҳикоя – сешанба – гулгун қаср;
Бешинчи ҳикоя – чоршанба – нилуфар қаср;
Олтинчи ҳикоя – пайшанба – сандал тусли қаср;
Еттинчи ҳикоя – жума – оқ қаср;

Етти сайёр тилидан айтилган Навоий ҳикоялари тамомила янги ҳикоялар бўлиб, улар халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган. Улар севги ва вафо, дўстлик ва садоқат, ҳиммат ва саховат, мардлик ва қаҳрамонлик, донишмандлик ва ижодкорлик каби масалаларга бағишланади. Уларда реал ҳаёт лавҳаларидан тортиб фантастик манзараларга қадар, оддий турмуш воқеаларидан тортиб кишини эсанкиратувчи хаёлий саргузаштларга қадар кўриш мумкин. Шоирнинг кенг фантазияси Мовароуннаҳр, Хуросон, Ажам, Ҳиндистон, Сарандиб, Миср, Румо, Яман ва бошқа-бошқа ўлкаларга, поёнсиз саҳроларга, тўлқинли денгизларга, сеҳрли жазираларга парвоз қилади, турли ўлка, эътиқод, ижтимоий гуруҳ ва касб-корга эга бўлган кишилар образини, хилма-хил характерларни яратади. Барча ҳикоялар кескин зиддият асосига қурилади. Зиддиятларнинг моҳияти турлича, бироқ уларнинг марказида ҳаммасига хос бўлган етакчи конфликт – яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш туради. Халқ оғзаки ижоди асарларида бўлганидек, ҳикоялардаги зиддият яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозониши билан ҳал бўлади, китобхоннинг кўз ўнгида ёвуз кучларни, денгиз тўлқинларини, тилсимларни ва бошқа-бошқаларни енгиб чиқувчи ботирлар, паҳлавонлар, олийжаноб кишилар образи гавдаланади. Шоир ҳар бир ҳикоянинг мазмуни билан шартли ташқи белгиларни (қасрларнинг туси, ҳикоячи ва тингловчиларнинг либоси ва бошқалар) бир-бирига уйғунлаштиради, уларни ўзаро узвий

боғлайди. Рассом мўйқалами билан ишлаганидек, турли-туман пейзаж, оригинал бадиий усуллар ва хилма-хил тил воситалари ҳикояларнинг ҳуснига ҳусн қўшади.

Булар барча ҳикояларга хос умумий хусусиятлар бўлиб, энди биз алоҳида-алоҳида ҳикояларга ўтайлик.

* * *

Шанба. Қора қаср. Ҳижрон дарди билан қалби зим-зиё бўлган Баҳром қора либосда. У қора либос кийган ҳинд гўзали билан мушкин[1] май ичади. Бироқ мушкин май ҳам унинг қора қайғусини тарқатолмайди. Бутун куни қора тундек ўтиб, кеч киради, шом қоронғиси чўкади. Баҳром уйқусиз. Эҳтимол, афсона кор қилар деб бир мусофирни чорлаб келадилар. Қора либос кийган ҳиндистонлпк мусофир шаҳзода Фаррух ва сахий Ахийнинг кечмиш қора кунлари ҳақида ҳикоя айтади.

Ҳиндистонда Жасратхон деган одил бир подшо бўлар экан. Унинг ўғли шаҳзода Фаррух бир гўзални туш кўриб, ошиғу беқарор бўлибди. Ёрни излаб аввал Қуддусга, у ердан Ҳалабга йўл олибди. Бироқ дарак тополмабди, ҳамроҳларини қайтариб, ўзи бир қора палос кийиб, вайрона гўшада тунаб қоладиган бўлибди. Ҳалабда Ахий деган бир сахий бўлар экан, у бева-бечораларга, мусофирларга кийим-кечак берар, дастурхондорлик қилар экан. Ахий Фаррухга дуч келиб, уни уйига олиб борибди, Фаррухнинг бир гўзални туш кўриб, унга ошиқ бўлгани маълум бўлибди. Аммо бу гўзал Ахийнинг хотини бўлиб чиқибди. Олижаноблиги устун чиқиб, Ахий Гулчеҳрани Фаррухга никоҳлаб берибди. Йўлда Гулчеҳранинг Ахий хотини эканини билган Фаррух, унга оға тутинибди. Кўп ўтмай Ахийнинг ишлари касодга учрабди, душманларининг ғийбати билан подшо томонидан мол-мулки мусодара қилиниб, ўзи зиндонга ташланибди. Ахийнинг бегуноҳлигини билган зиндонбон уни қочирибди. Ахий Фаррухдан олиб қолган қора палосни ёпиниб, Ҳалабдан чиқиб кетибди. Кўп кечмишлардан сўнг у Ҳиндистонга – Сарандибга келибди. Ахийнинг сахийлик одатини ўзига расм қилиб олган Фаррух бир вайрона гўшада ётган Ахийга дуч келибди, уни саройига олиб бориб, шоҳона зиёфат қилиб, Гулчеҳрани Ахийга қайта никоҳлаб берибди. Қора кунларнинг нишонаси сифатида Ахий қора палосини ташламабди, ундан ибрат олиб Фаррух, кейин бошқалар ҳам қора киядиган бўлиб қолишибди.

Бу ҳикояда уч асосий образ берилган: Фаррух, Ахий, Гулчеҳра. Фаррух – шаҳзода. Бироқ у мансабига, шоҳона ишратга берилган шаҳзодалардан эмас. Фаррух худди Фарҳод каби ёшлик чоғидан бошлаб илм-фанга, турли ҳунарларга берилиб кетади, олийжаноб фазилатларга эга бўлади. Отаси тахтини таклиф қилганда оқибатли Фаррух уни одоб ва донолик билан рад этади. Фаррух мард, иродали, кишиларга мушфиқ йигит. У инсоф ва адолат йўлида ўз шахсий манфаатларини қурбон қилишга тайёр бўлган танти киши. Фаррух жуда кўп машаққатлар чекиб, туш кўрган гўзалнинг висолига эришади. Бироқ бу гўзал Ахийдек қалби улуғ бир кишининг хотини бўлиб чиқади. Фаррух олижаноблик қилади, ақли ва иродаси эҳтиросни енгади. У Гулчеҳрани эсон-омон Ахийга қайтаради. Ахийнинг оғир кунларида унга мададкор бўлади. Фаррух эл-юртнинг фаровонлиги учун курашади, у Ахийдек бева-бечораларга, мусофирларга мушфиқлик ва чорасизлик қилади. (Фаррух бир қатор хислатлари билан Баҳромга қарама-қарши қўйилади.)

Ахий сахий ва олийжаноб инсон. Кишиларга раҳм-шафқат, моддий ва маънавий кўмак бериш унинг ҳаётий мақсади ва идеалидир. У шу сифатлари билан шуҳрат қозонади, шу сифатлари билан оғир кунлардан нажот топади. Навоий Ахийнинг сахийлигини бўрттириб тасвирлаш учун, у ҳатто Фаррухни бахтиёр қилиш учун хотини Гулчеҳрани унга никоҳлаб

[1] Мушкнинг ранги қорадир.

беради, дейди (бироқ шоир усталик билан Гулчеҳранинг номуси, оиланинг номусини сақлаб қолади). Гулчеҳра вафодор, садоқатли, ақлли ва иффатли аёлдир.

Ҳикоя қизиқарли сюжет, фавқулодда ҳолат ва мураккаб композицияга эга. Гўзалнинг Ахийнинг хотини бўлиб чиқиши ҳикоянинг кульминация нуқтаси бўлиб, мураккаб тугун равонлик билан ечилади. Ҳикоя севги ва садоқатнинг, одамгарчилик ва олижаноблигининг ғалабаси билан хотималанади.

* * *

Якшанба. Сариғ қаср. Зарбофт кийимлар кийган Баҳром сариғ либос кийган румлик гўзал билан олтин қадаҳда сариғ май ичиб базўр кунни кеч қилади. Румлик мусофирни олиб келадилар. У румлик Зайд Заҳҳоб (Зайд загар) деган кишининг саргузаштини ҳикоя қилади.

Жамшид замонида Румда Зайд Заҳҳоб деган «осмон гардишини кўра қилиб олган» уста заргар, ҳаким ва муҳандис бир киши бўлар экан. Бироқ шундай комил ва ижодкор кишининг бир катта айби – нуқсони бор экан:

Бошидин то аёқ ҳунар эди пок,
Айб анга буки, эрди кўп бебок.
Айш бирла ўтуб маҳу соли,
Бор эди шоҳ моли – ўз моли.
Чу амонатда бедиёнат эди,
Иши шаҳ молиға хиёнат эди.

Хиёнати билан бир неча бор шоҳнинг ғазабига учраган Зайд бирор ҳикматли иш қилиб, ўзини оқлар ва яна қайтадан шоҳнинг ишонч-ихтиёрини қозонар экан. Зайд Заҳҳоб икки минг ботмон олтин олиб, шоҳга тахт ясабди. Бироқ у тахтга кумуш ишлатиб, устидан олтин юргизган экан. Бу сирни билган икки ғийбатчи амалдор иккита бойқуш топиб, уларга «тахт рўкашдир», «мусаннифи ғашдир» сўзларини ўргатишибди. Шоҳ тахтнинг кумушлигини аниқлаб, Зайд Заҳҳобни бир чоҳга зиндон қилибди. Зайд ўзи билан бир ханжар ва эгов олиб тушган экан, оёғидаги кишанини узиб, зинапоя ясаб чоҳдан қочиб кетибди, аввал Фарангга, у ердан Қустантанияга борибди. Олтини мўл-кўл бир бутхона унинг диққатини ўзига жалб этибди. Зайд «Художўйлик» билан бутхона аҳлининг ишончини қозониб, пешво бўлибди. У икки ҳамроҳини ишга солиб, денгиз яқинидаги бир ғорда темирдан бут ва қандиллар ясаб, устига олтин бериб, бутхонадаги бут ва қандилларнинг ўрнига алмаштириб қўя бошлабди. Иш битгач, «оилам ўлди, ягона ворисман» деб кўз ёши тўкиб, иззат-ҳурмат билан кемага тушиб, жўнаб қолибди. Зайд яна чоҳга тушиб яшайверибди. Жамшиднинг бир хил касали бўлар экан, Зайддан бошқа киши унинг чорасини билмас экан. Жамшид Зайднинг гуноҳини кечиб, унинг илтимоси билан ғийбат қилган амалдорларни жазолаб, дардидан шифо топибди, Зайд бутхонадан ўмарган олтинларни хазинага топшириб, яна подшоҳнинг ишончини қозонибди.

Ҳикоянинг бош қаҳрамони Зайд Заҳҳобдир. У илмли, ҳикматли, уста ҳунарманд, ижодкор ва шу билан бирга турли мушкулларни осонлик билан ҳал этувчи, қийинчиликларни енгувчи тадбирли бир киши. Навоий Зайд Заҳҳобнинг бу сифат ва фазилатларини қутлайди. Бироқ Зайд Заҳҳоб айш-ишратга берилган, хиёнатчи ва ҳийлакор киши. Навоий унинг бу хислатларини қаттиқ қоралайди. Подшоларга илм ва ҳунар аҳлларидан фойдаланишни, уларнинг ёрдами билан мамлакат ишларини бошқаришни тарғиб қилган Навоий айни чоқда шундай кишиларнинг ҳам айрим иллатлари бўлиши мумкин деб, давлат

бошлиқларини эҳтиёткорликка чақиради. Шу билан бирга, Навоий подшолар саройидаги ғийбат ва хусуматни, дин ниқобига кириб олган худбин ва фирибгар руҳонийларнинг хатти-ҳаракатларини ҳам қаттиқ танқид қилади.

Бу ҳикояда сўз олтин ва олтинга ўчлик балоси ҳақида боради.

* * *

Душанба. Яшил қаср. Яшил либос кийган Баҳром яшил либос кийган шаҳрисабзлик гўзал билан яшил қадаҳда май ичиб, кунни кеч қилади. Шаҳрисабзлик[1] мусофирни олиб келадилар. У Саъд[1] ҳақида ҳикоя айтади.

Мисрда бир бадавлат кишининг Саъд деган ўғли бўлар экан. Йигитлик палласида уларникига икки шаҳрисабзлик мусофир меҳмон бўлиб, Шаҳрисабз яқинидаги тоғда Китвар деган бир жой бор экани, у жойдаги бутхонага кимки кириб ухласа келажагини туш кўриши ва бутхона яқинидаги ғорда яшовчи мўйсафид унинг тушини таъбир қилиб беришини ҳикоя қилибдилар. Саъд Китварга йўл олибди, бутхонада ухлаб, туш кўрибди. Мўйсафид 100 йил ғорда яшаб, Саъдни интизор бўлиб кутаётган 700 ёшлик Пайлақус ҳаким экан. У Саъдга сен бахтиёр бўласан, Шаҳрисабз шоҳининг қизига уйланасан, бироқ йўлингда тўрт хатар бор деб, у хатарларни енгиш йўлини уқдиради ва жон беради. (Пайлақус ҳаким бутхонада туш кўрган ва тақдир уни Саъд келишига қадар ғорда яшашга маҳкум қилган экан.) Саъд Шаҳрисабз шоҳининг даргоҳига боради, шартларни бажариб, Қатрон девни енгади, дарбандларни қўлга олади, жодугар Золни маҳв этади, донишмандниг саволларига жавоб беради, шу билан у маликага етишади.

Бу ҳикоя сюжети ва композицияси билан, образлари ва ғоявий мотивлари билан халқ қаҳрамонлик эртакларига жуда яқин туради. Саъд оғир шартларни, даҳшатли тўсқинликларни енгиб, синовдан ўтиб, севгилисининг висолига эришган жасоратли ботир йигитдир. У ҳаётнинг ва инсон толеининг ашаддий душмани бўлган кучларни маҳв этади, тилсимларни очади, донишмандниг мушкул саволларига ақл ва фаросат билан жавоб беради. Шу билан бирга у Шаҳрисабз шоҳининг шартларини бажаролмаган йигитлар қонини тўкилишига, хунрезликка чек қўяди. Қаҳрамонлик ва журъат даҳшат ва разолатни, тадбир ва тафаккур ҳийла ва жаҳолатни енгади.

Ҳикоядаги Дев Қатрон ва жодугар Зол ёмонликнинг мажозий образидир, мўйсафид (Пайлақус ҳаким) эса ақл ва тафаккурнинг тажассумидир.

* * *

Сешанба. Гулгун қаср. Гулгун либос кийган Баҳром шафақранг кийим кийган гўзал билан ёқутфом соғарда лаълранг май ичиб, кунни кеч қилади. Қасрга ҳиндистонлик бир мусофирни чорлаб келадилар. У шоҳ Жуна ва сахий масъудлар ҳақида ҳикоя сўзлайди.

Деҳлида Жуна деган одил ва олиҳиммат бир шоҳ бўлар экан. У нима бўлибди-ю, бир сават нок олиб келган деҳқоннинг совғасига ҳиммат билан жавоб қайтаришни унутиб қўйибди. Деҳқонни топтириб, тилагингни тила деган экан, у: «Бир арра, бир теша берилса, нок дарахтларини кесиб ташласам», – дебди. Деҳқоннинг қаттиқ хафа бўлганини кўрган шоҳ, беҳад инъом бериб, кўнглидан чиқарибди. Шоҳнинг мендан кўра ҳимматлироқ кишини кўрганмисан ёки эшитганмисан, деб берган саволига деҳқон тараддудда қолиб, ноилож «йўқ» деб жавоб берибди. Шоҳнинг рост билан ёлғонни ажрим қилувчи бир кўзгуси бўлар экан, деҳқоннинг ёлғон сўзлагани маълум бўлиб қолибди. У Тароз шаҳрида Масъуд деган олиҳиммatли киши борлигини айтибди. Жуна фуқаролик кийимларини кийиб, ўзига

[1] Ҳикояда Сарандиб Ҳиндистоннинг пойтахти, деб аталади.

қарам бўлган Тарозга йўл олибди. Масъуднинг олижаноблиги, саховати ва ақл-заковатидан мамнун бўлган Жуна уни ўша вилоятнинг шоҳи қилиб тайинламоқчи бўлибди. Бундан хабардор бўлган золим шоҳ Жайпур ва унинг мунофиқ вазири Маллу Масъудни зиндонга солибдилар. Маллунинг гўзал, ақлли, иродали бир қизи бўлар экан. Масъудни узоқдан бўлса ҳам севиб қолган бу қиз отасининг инсофсизлигидан дарғазаб бўлиб, Масъудни озод этибди. Масъуд билан жасоратли қиз кўп машаққатлар чекиб, қароқчилар қўлига тушиб, ниҳоят, Жуна даргоҳига келибдилар. Жуна Масъуд билан қизнинг тўйини қилиб, Жайпур билан Маллуни жазолаб, Масъудни у вилоятга шоҳ этиб тайинлабди.

Жуна адолатли, ҳимматли ва саховатли подшодир. У ҳикояда воқеаларнинг ривожи ва зиддиятнинг ҳал бўлишида етакчи ўрин тутади. Жуна туфайли Масъуд Жайпур ва Маллунинг таҳдидидан омон қолади, Масъуд билан қиз бахтиёр бўлади. Навоий шоҳларнинг Жунадек, уларнинг вилоят ҳокимларини Масъуддек кишилар бўлишини, ҳукмрон доираларнинг Жуна ва Масъудлардан ибрат олишини истар эди. Масъуд олиҳиммат ва қалби пок киши. Маллунинг қизи эса адолатсизлик ва инсофсизликка қарши исён кўтарган жасоратли, жанговар қиздир. Воқеа ва зиддиятнинг ечимида у жуда муҳим роль ўйнайди. Деҳқон шижоати ва тўғрилиги билан характерланади. Жайпур ва Маллу эса тож-тахтпараст, худбин ва инсофсиз давлат бошлиқларининг бирмунча ҳаётийлаштирилган образларидир.

Ҳикояда саховат билан бахиллик; инсоф билан инсофсизлик; тўғрилик билан мунофиқлик ўртасида қаттиқ кураш боради.

Хушдурур боғи коинот гули,
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули,

деган Навоий бу ҳикояни ҳам ҳаётнинг, яхшиликнинг ғалабаси билан оптимистпк руҳда хотималайди.

* * *

Чоршанба куни. Мовий қаср. Баҳром мовий кийимда. У нилуфар либос кийган гўзал билан бирга фирузагун жомда май ичиб кунни кеч қилади. Қасрга бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирни олиб кирадилар. У Меҳр ва Суҳайл ҳақида ҳикоя сўзлайди.

Аданда Жобир деган исми жисмига мос қароқчи бўлар экан. У денгизда ҳам, қуруқликда ҳам карвонларга, йўловчиларга кун бермас экан. Биҳиштсаро деган ўлкада Навдар деган шоҳ бўлиб, унинг Меҳр исмли қизи, Яманда Нуъмон деган шоҳ бўлиб, унинг Суҳайл исмли ўғли бор экан. Икки подшо қуда бўлишга аҳдлашиб, тўй тараддудида эканлар. Денгиз сайрига чиққан Меҳр қароқчи Жобирнинг қўлига асира тушибди. Қаллиғини олиб келишга йўлга чиққан Суҳайл ҳам Жобирга асир тушибди. Икки подшо фарзандларидан хавотирланиб, ўзаро хат битишиб, Навдар қуруқлик билан, Нуъмон денгиз билан йўлга тушибди. Овга ўч Навдар қўшинидан ажралиб қолиб, якка ўзи Жобир тўдасига бас келолмай, енгилибди. Нуъмон эса Жобир қароқчиларининг ҳужумини даф этолмай, мағлуб бўлибди. Севгисига садоқатли жасур Меҳр чора ахтариб, чоҳда ётган бир асирни озод этиб, нажот топиш режасини ўйлабди. Чоҳдаги асир Суҳайл бўлиб чиқибди. Меҳр билан Суҳайл қўққисдан ҳужум қилиб, Жобирни ва унинг шерикларини тор-мор этиб, барча зиндондагиларни озод қилибдилар, оталар ҳам, барча бандилар ва йўловчилар ҳам шод бўлиб, Жобирнинг даҳшатидаи нажот топибдилар.

Бу ҳикоя ўзининг ғоявий-бадиий қиммати билан «Сабъаи сайёр»нинг энг яхши ҳикояларидандир. Унда бир-бирига қарама-қарши бўлган икки олам: севги, садоқат, инсоф, адолат, мардлик ва қаҳрамонлик олами, яънн Меҳр ва суҳайллар олами билан разолат, адолатсизлик, мунофиқлик ва макр-ҳийла олами, яъни жобирлар олами ўртасида қаттиқ кураш боради. Бу курашда яхшилик ёмонликни, адолат разолатни, ботирлик мунофиқликни енгади.

Ҳикоянинг марказий қаҳрамони Меҳрдир. У мураккаб зиддиятнинг, чигаллашиб кетган тугунларнинг ҳал бўлишида етакчи роль ўйнайди. Меҳр – вафодор ёр. Қароқчи Жобир унинг иродасини енголмайди, мурод-мақсадига эришолмайди:

Жобири роҳзан бўлиб фируз,
Туну кун боғи ичра базм афрўз,
Меҳр ёди била ичиб соғар,
Сола олмай вале юзига назар.
Боқа олмай анга муроди била,
Қон ютуб, йўққи бода ёди била.
Меҳр гул янглиғ айлабон яқо чок,
Нулуфарзор аро кезиб ғамнок...

Бироқ Меҳр «яқо чок» қилиш билан қолиб кетмайди. У чора ахтаради, ҳаракат қилади, унинг азму иродаси ва тадбири билан Суҳайл ҳам, асир оталар ҳам, барча бандилар ҳам нажот топадилар, йўллардаги хавф-хатар йўқотилади.

Суҳайл-Меҳрнинг меҳр-муҳаббатига муносиб бир йигит. У халқ эртакларидагидек ўтда куймас, сувда чўкмас, қилич кесмас қаҳрамонлардан. Суҳайл кучининг оз бўлишига қарамай, Жобир қароқчиларига қарши ботирларча жанг қилади. Ҳалол кураш билан Суҳайлни енгишга кўзи етмаган Жобир макр-ҳийлага ўтиб, кемани тешади, шундагина у ҳалок бўлаётган кеманинг мард жангчисини асир олади. Бироқ Суҳайл руҳан мағлуб бўлмади, севиклисининг тадбири билан чоҳдан нажот топган Суҳайл Жобирга қарши:

Сен агар зоҳир эттинг итликни,
Мен сенга кўргузай йигитликни, –

деб жангга киради, Жобирни шармандаю шармисор қилиб енгади.

Ҳикояда икки шоҳ: Нуъмон ва Навдар образлари яратилган. Булар ижобий образлар, Навоий уларнинг адолатли, саховатли ва шижоатини таърифлаб мақтайди. Бироқ Навдар образида Баҳромга хос сифатларни ҳам тасвирлаб, бир томондан, ҳикояни композиция жиҳатидан қолипловчи ҳикоя билан янада яқиндан боғласа (Баҳромдек овга ўчлиги туфайли Навдар Жобирга асир тушади), иккинчи томондан, подшо халққа ва қўшинга таяниши, у билан ҳамжиҳатликда иш тутиши керак, деган ғояни илгари суради:

Шаҳ тилар бўлса шоҳлик қилмоқ,
Сипаҳидан керакмас айрилмоқ.
Шаҳни дерлар сипоҳ бирлан шоҳ,
Шоҳ эмасдур йўқ эрса анда сипоҳ.
Шаҳға хайл ўлса фатҳ анинг ишидур,
Бир киши Рустам ўлса, бир кишидур...
Борса шатранж шоҳининг сипоҳи,
Кўрки, борму ҳисоб ичинда шоҳи.

Жобир барча ёмонликнинг, разолатнинг тимсолидир. У маҳв этилиши керак. Уни ақл ва тадбир, жасорат ва мардлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик маҳв этади.

Навоий яшаган даврда савдо йўлларида турли қароқчилар тўдаси карвонларга, йўловчиларга ҳужум қилиб, уларни талон-торож этар эдилар. Шу жиҳатдан қараганда бу ҳикоянинг амалий аҳамияти янада каттароқ бўлиб, у савдо-сотиқ йўлларининг аҳамияти учун кураш ғоясини ҳам илгари суради.

* * *

Пайшанба. Сандал тусли қаср. Сандал тусли либос кийган Баҳром сандал либос кийган ва сандалнинг хуш ҳиди анқиб турган гўзали билан бирга сандалранг май ичиб кунни кечга табдил этади. Олтинчи иқлим йўлидан келган мусофирни чорлайдилар. У Муқбил ва Мудбир ҳақида ҳикоя айтади.

Муқбил билан Мудбир ҳамроҳ бўлиб Бохтардан Ховарга томон йўл оладилар. Муқбил исми жисмига мос, қобил, тўғри ва садоқатли йигит экан. Мудбир эса қалби эгри, худбин ва мунофиқ экан. Булар чўлу саҳро ошиб, ниҳоят, бир денгиз соҳилига етиб келибдилар. Мудбирнинг феълу атворидан кўп азият ва маломат чеккан Муқбил ҳамроҳликдан воз кечмоқчи бўлган экан, Мудбир тавба-тазарру қилиб, Муқбил билан бирга сафарни давом эттирибди. Улар бир кема олиб, денгизда сузиб кетибдилар. Тўлқин кемани бир оролга олиб келибди. Оролда сандал дарахти, бир катта чашма, чашманинг ёнида тош, тошда ёзув: тўғри киши чашма сувидан ичса, бир ойгача сувсиз, таомсиз тура олади, ёлғончи эса уч кундан кейин чанқаб, оч қолади. Агар у бу сувдан ичиб ёлғон сўзласа, қорни ёрилиб ўлади. Тўғри киши чашманинг тубига шўнғиса, ажойибот кўради, ёлғончи сувга тушолмайди, бадани куяди. Муқбил сувдан ичибди, Мудбир ҳам ёлғон сўзламасликка аҳд қилиб, сувдан ичибди. Мудбир сувга тушмоқчи бўлган экан, бадани куйибди. Муқбил сувнинг тубига шўнғиб ажойибот кўрибди: сандал ёғочидан қилинган муҳташам шоҳона қаср, қасрда нозанин қиз... Қизга ошиқ бўлиб қолган Муқбил унинг дийдорига тўёлмай, сув уни чашманинг сиртига чиқариб қўйибди. Ишқ дарди билан хаёлга чўмган Муқбил ўша тошнинг бир четида бошқа ёзувни кўриб қолади: сувда ажойибот кўрган киши, бу оролда қолмай, тезда сафарини давом эттирсин, бўлмаса девнинг ҳалокатига учрайди. Ноилож кемага тушиб, йўлни давом эттирибди. Шамол кемани бошқа бир катта кемага яқинлаштириб қўйибди. Муқбил ва Мудбир у кемага ўтиб олишибди. Кемада жуда кўп сандал ёғочи. Кема аҳли эса ўлиб ётибди. Муқбил бир гўшада ишқ хаёлига чўмиб ўтирибди. Мудбирга сир бермабди, Мудбир эса кема бойликларини ўзлаштириш билан машғул бўлибди. Бу кема Ховар ўлкасининг савдогарлари кемаси бўлиб, улар сандал ёғочи олиб келиш учун сафарга чиқиб, қайтишда кема гирдобга тушиб, кема аҳли сувсизлик ва овқатсизликдан ҳалок бўлган экан. Ховар соҳилининг қизи жин шоҳининг сеҳри билан бош оғриғига чалинган, бу касални фақат сандал ҳиди шифолар, шоҳ қизига сандал қаср қурмоқчи бўлган экан. Кема Ховар соҳилига келиб тўхтабди. Шоҳ денгиз томошасига чиққан экан. Мудбир шоҳнинг саволига жавобан деди:

Тожирмену тижорат ишим,
Қолмади бу сафарда ҳеч кишим,
Бўлубон сув уфунати мақрун,
Ўлдилар борчаси бўлуб тоун.
Эмдиким бўлди манзилим соҳил,
Мен мену бир қулум оти Муқбил.

Шу сўзларни айтиши билан Мудбир шишиб, аввал либоси, кейин ўзи ёрилиб кетибди. Таажжубланиб, Муқбилни чақириб келибдилар. У бутун воқеани айнан сўзлаб берибди. Шоҳ қўярда-қўймай, унн ҳам вазир, ҳам куёв қилибди. Уни қасрга олиб боришибдилар. Қаср чашмадаги қасрнинг худди ўзи, қиз ҳам ўша экан. Муқбил бахтиёр бўлибди.

Бу фантастик ҳикоя-эртакда бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган икки образ – икки характер, яратилган. Муқбил қалби соф, тўғри, садоқатли ва хушфеъл йигит. Ҳикояда халқнинг «ёлғон гапирган ёрилиб ўлсин» таъбири Мудбир образи ва унинг тақдирида мужассамлашган. Ҳикоя ахлоқ-одоб софлигини тарғиб этишда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Воқеаларни ривожлантириш, образ яратиш ва хусусан, бадиий тасвир (орол, чашма, денгиз ва бошқалар) усулларида Навоий халқ оғзаки ижодидан унумли фойдаланган.

* * *

Жума. Оқ қаср. Оқ либос кийган Баҳром оқ либосли гўзал билан биллур жомда оқ май ичиб кунни ўтказади. Кеч киради. Хоразмлик мусофирни чорлаб келадилар.

Мусофир хоразмлик машҳур машшоқ экан. Унинг санъати ҳаммани мафтун қилар экан. Бироқ хитойлик Хожа ва канизаги келгандан кейин уни ҳеч ким эшитмай қўйибди. Машшоқ Хоразмшоҳнинг санъаткор канизакка уйланишдан воз кечишга мажбур бўлиши, Хожани ота, канизакни сингил этиши воқеаларидан кейин ўз саргузаштига ўтиб, Хожанинг шартларини қабул қилиб, санъаткор канизакка шогирд тушишини айтади. Машшоқ канизакнинг саргузаштини билишга қизиқади. Қиз:

Ё бу тафтиш таркини этгил,
Ёки билгач бошинг олиб кетгил,

дейди. Чунки унинг саргузаштларини Хоразмшоҳ эшитмаслиги, биров ҳам билмаслиги керак эди. Машшоқ шартга кўнади. Канизак ўз саргузаштини ҳикоя қилиб беради (канизак Дилором эди). Бу саргузаштни эшитиб, бош олиб, шу ўлкага келиб турганим, дейди ҳикоячи.

Бу ҳикоя, бир томондан, Хоразм машшоғининг, иккинчи томондан, Дилоромнинг саргузаштларини ўз ичига олади. Эртакларга хос романтик тасвирига қарамай, машшоқнинг саргузашти ва унинг тақдирида чуқур реалистик моҳият бор. Сарой атрофига жалб этилган санъат аҳллари бир оз вақт обрў-эътибор, эҳсон ва инъом кўрсалар ҳам, кўпинча, уларнинг тақдири фожиали бўлар, саройдан қувланиб, куни дарбадарликка қолар эди. Хоразм машшоғи ҳам шундай санъат аҳлларидан биридир (унинг фожиасига Дилором сабаб эмас, балки бир воситадир холос). Салафларидан фарқли ўлароқ, Навоий достоннинг композициясини янада такомиллаштириш учун қолипловчи ҳикоянинг давомини еттинчи мусофир ҳикоясидан келтириб чиқаради, шу билан у ҳикояларнинг қолипловчи ҳикоя билан узвий алоқасини мустаҳкамлайди.

Биринчи ҳикояни Баҳром қора қасрда, қора либосда тинглаган эди. Чунки у Дилоромдан ажралган, қора кунларга, ҳижрон зулматига гирифтор бўлган эди. Еттинчи ҳикояни эса у оқ қасрда оқ либосда тинглайди. Бу ҳикоя висол умидидан дарак бериб, Баҳромнинг қалбини равшан, дилини мунаввар қилади. Бироқ Баҳром ўзининг аччиқ тажрибасидан хулоса чиқара олмаганидек, етти сайёрнинг ажиб ҳикояларидан ҳам панд ва ибрат олмайди. Баҳром тузалмас касалга чалинган эди. Бинобарин, Навоий уни ўлимга маҳкум этади, унинг ҳалокати билан бошқаларнинг кўзини очмоқчи бўлади.

Шундай қилиб, «Сабъаи сайёр» Баҳром Гўр ҳақидаги такомиллашган янги ҳикоя билан бирга, халқ оғзаки ижоди материаллари асосида яратилган хилма-хил воқеа ва саргузаштларни, образ ва характерларни ўз ичига олган ажойиб етти ҳикоядан ташкил топгандир.

Шоир достонини:

Халққа зеби торак айла ани!
Ўқуғонга муборак айла ани!
Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлим элин харидор эт!

мисралари билан тугатган эди. У янглишмади, орзусига етди. Навоийнинг бу достони ҳам бошқа асарлари каби кенг китобхонларга манзур бўлиб келмоқда. Бу достон Марказий Осиё, Кавказ, Туркия, Эрон ва бошқа ўлка халқлари орасида ҳам шуҳрат топган, у қадим замонлардаёқ грузин тилига эркин таржима қилинган, бошқа халқлар адабиётида ҳам маълум из қолдирган эди. Навоийнинг бу достони ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёти ривожига ҳам самарали таъсир этди. Халқ ижодчилари «Баҳром-Гуландом» достони вариантларини яратганларидек, XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган шоир Сайқалий ҳам «Баҳром ва Гуландом» достонини ёзган эди.

САДДИ ИСКАНДАРИЙ

«Садди Искандарий» («Искандар девори») қаҳрамонлик эпопеяси, Навоий ижтимоий-сиёсий қарашларининг ёрқин бир кўзгусидир. Адолатли ва маърифатпарвар подшо бошчилигида марказлашган ҳокимият учун кураш «Садди Искандарий»нинг етакчи ғоявий мотивидир. Лирик асарларида, «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Сабъаи сайёр» достонларида бу масалага алоҳида эътибор бериб, ижобий ва салбий подшолар образини яратган Навоий «Садди Искандарий»да адолатли ва маърифатпарвар подшонинг мукаммал образини яратиш, ижтимоий-сиёсий қарашлари ва орзу-мақсадларини бадиий, мужассамлаштириш вазифасини ўз олдига қўяди. Навоий достонининг бош қаҳрамони Искандардир. Искандар номи остида биз Яқин ва Ўрта Шарқ ўлкаларида Искандар Зулқарнайн, Искандар Румий ёки Искандар Мақдон деб юритилган Александр Македонскийни тасаввур қиламиз. Бироқ Навоий қаҳрамони билан тарихий Искандар ўртасида айрим ўхшаш элементлар мавжуд бўлса-да, Навоий Искандари зинҳор тарихий Искандар – Александр Македонский образи эмас. Искандар Навоий орзу қилган адолатли ва маърифатпарвар подшонинг хаёлдаги романтик образидир. Бу масалани тўлароқ ва мукаммалроқ ёритишдан аввал Александр Македонский ва унинг бадиий адабиётда анъанавий бир образга айланиши ҳақида қисқача бўлса ҳам сўзлашга тўғри келади.

Александр Македонский (356-323 йиллар) қадимги дунёнинг машҳур лашкарбошиси ва давлат арбобидир. У Аристотель раҳбарлигида яхши таълим олади. Отаси Филипп II 336 йилда Эрон шоҳи Доро III нинг айғоқчилари томонидан ўлдирилади. Тахтга чиққан Александр грек қулдорлик давлатини ижтимоий-иқтисодий таназзулдан қутқариш учун жаҳонгирлик сиёсатини бошлайди. У ўзиннг диққат-эътиборини даставвал аҳмонийлар давлатига қарши курашга қаратади. У бирин-кетин аҳмонийларга қарам бўлган Ўрта Ер денгизи бўйидаги мамлакатларни қўлга киритади (Мисрдаги аҳмонийлар истибдодига хотима берган Александрни Миср коҳинлари Қуёш Худоси – Амунинг ўғли, Мисрнинг қонуний фиръавни деб эълон қиладилар.). 331 йилнинг кузида Александр Македонский қўшини аҳмонийларга қарши шиддатли ва ҳал қилувчи зарба беради. Жанг майдонидан қочиб кетган Доро ўз амалдорларининг суиқасди билан ўлдирилади. Александр

Македонский ўзини аҳмонийларнинг «қонуний вориси» деб эълон қилади. 330 йилда эса Александр Македонский Марказий Осиёни забт қилади. У Шимолий Ҳиндистонга ҳам бостириб киради. Бироқ Александр Македонский кейинги истилочилик режаларини амалга оширолмай, 323 йилда вафот этади. Александр Македонский ўн йиллик (334-324) истилочилик урушлари билан Ҳинд дарёсидан тортиб Дунайгача бўлган территорияни қамраб олган катта империя тузди. Бу империя ўлкалар ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни бир мунча жонлантириб юборди. Бироқ Александр Македонский империяси мустаҳкам иқтисодий-сиёсий базага эга эмас эди, у конгломерат империя эди. Шунинг учун ҳам Александр Македонскийнинг ўлимидан кейин унинг империяси қулаб, парчаланиб кетади.

Александр Македонский вафотидаи кейин кўп ўтмай, унинг ҳаёти ва ҳарбий юришлари ҳақида Клитарх ва Онескрит бир асар яратадилар. Бу асар грек ёзувчиси Плутархнинг (46-126) Александр Македонский ҳақидаги йирик биографик асарига бир негиз бўлиб хизмат қилади. Александр Македонский ҳақида яратилган тарихий-биографик асарлар билан деярли бир вақтда турли афсона ва ривоятлар пайдо бўла бошлайди. Афтидан, дастлабки афсона ва ривоятлар унинг юришларида қатнашган аскарлари томонидан яратилган. Грек тарихчиси Аррианнинг (95-175) маълумотига кўра, Александр Македонский аскарларининг маълум қисмини ватанига қайтарар экан, уларга:

«Борингиз, форслар ва мидиёнларнн, бақтриялилар ва шакларни енгган... Каспий денгизига қадар (бўлган территорияда) яшовчи парфиёнларни, хоразмийларни ва гирканларни бўйсундирган... шоҳингиз ҳақида ҳикоя қилингиз» деган экан. Бироқ ҳикоячилар тарихий фактлардан кўра, кўпроқ фантазияга, уйдирмага берилиб кетадилар, турли афсона ва ривоятлар тўқийдилар.

Эрамизнинг I асри арафасида Александр Македонский ҳақида унинг тарихий қиёфасини батамом ўзгартириб юборган бир роман вужудга келади. Бу роман Александрнинг сарой врачи ва тарихчиси Каллисфенга (370-324) нисбат берилар эди. Бироқ олимлар аллақачонлар бу романнинг Каллисфенга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканини исбот этганлар. Шунга кўра ҳам у «Псевдо Каллисфен» (Сохта Каллисфен) номи билан юритилди. «Псевдо Каллисфен»да Александр Филиппнинг ўғли эмас, балки бир Миср коҳинининг фарзанди қилиб берилади. Эмиш, фиръавнлар авлодидан чиққан бир коҳин Мисрдан Македонияга қочиб борган, Филиппнинг хотини Олимпияни сеҳрлаб, уни ўзига мойил қилган, Олимпия Коҳиндан бир ўғил (Александр) кўрган экан. Ўн қисмдан иборат бўлган бу романда Александрнинг туғилиши унинг Африка (Миср), Сурия, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларни забт этиши, браҳманлар (Ҳиндистондаги олий каста намояндалари) билан учрашуви, амазонкалар (жанговар суворий аёллар) юртига юриши ва ниҳоят, Бобил – Вавилонда вафот этиши ҳикоя қилинади. Шундай қилиб, романда Александр Миср билан, коҳинлар ва фиръавнлар насл-насаби билан боғлаб тасвирланади, унинг Миср тахтини эгаллаб олиши қонуний қилиб кўрсатилади. Шу омилларни кўзда тутиб, роман аввал бошлаб Мисрда пайдо бўлган, кейин эса грекларга ўтиб грек романига айланиб қолган деб фараз қилиш мумкин. «Псевдо Каллисфен» қадим замонлардаёқ паҳлавий, сурия, арман, лотин ва бошқа тилларга таржима қилинган, лотинча таржимаси асосида унинг инглизча, французча, немисча версиялари вужудга келган, таржималарда у турли-туман ўзгариш ва янгиликларга дуч келган эди.

Маълумки, Александр Македонский аҳмонийлар сулоласининг ҳукмронлигини емириб ташлаган, зардуштийлик динига қарши шиддатли кураш олиб борган эди. Бинобарин, у Эрон зодагонларининг, айниқса, зардуштий коҳинларининг хотирасида жуда ёмон из

қолдиради. Улар Александрни ёмонликнинг, қоронғуликнинг тимсоли бўлган Аҳриман билан боғлаб тасвир эта бошлайдилар. Тарих китобларида ҳам у босқинчи ва эл-юртларни хароб этган подшо сифатида берилади. Бироқ Александр Македонский шахсига бундай муносабатни давом эттириш олий табақаларнинг сиёсий эътиқодига мувофиқ келмас эди. Уларнинг талқинига кўра, фақат Эрон шаҳаншоҳлари насл-насабидан бўлган кишигина Эрон тахтига чиқа олади, бу «илоҳий қудратнинг амри»дир, унга ҳеч қандай куч раҳна сололмайди. Александр Македонскийни чет эллик босқинчи сифатида тасвирлаш бу сиёсий эътиқодга зид келар эди. Бинобарин, бу зиддиятни бартараф этиш зарур эди. «Псевдо Каллисфен»да Александрни Миср билан боғлаб тасвирлаш, афтидан, бу зиддиятни бартараф этишга маълум бир йўлланма бўлиб хизмат қилган. Сарой тарихчилари Александр Македонский насабини Эрон билан боғлаб, уни Доро II нинг ўғли қилиб кўрсата бошлайдилар. «Худойномак»дан кейин бу анъана мустаҳкамланади, расмий тус олади. Мана шу заминда Доро II нинг ўғли Искандар – Александр Македонский ҳақида турли афсона ва ривоятлар пайдо бўлади, афсона ва ривоятлар тарих асарлари ва ёзма адабиётга кириб боради. Жумладан, IX аср араб тарихчиси Диновариинг «Ал-ахбор ат-тивол» асаридаги бир ривоятда қуйидагилар ҳикоя қилинади.

Филипп Доро II дан енгилиб, унга хирож тўлаш ва қизини хотинликка беришга мажбур бўлади. Бироқ орадан кўп ўтмай, Доро жисмоний айби учун хотинини ҳайдаб юборади. Хотин ўғил туғади. Филипп ор-номус туфайли болани Дородан туғилган набираси эмас, балки ўз ўғли қилиб кўрсатади. Филипп ўлади, Искандар тахтга чиқади. У Доро III га қарши уруш қилади, уни енгиб тахтга чиқади. Шундай қилиб, Искандар босқинчи подшо сифатида эмас, балки «қонуний ворис» сифатида Эрон тахтига чиқади.

Искандарнинг афсонавий тарихи хусусан, 923 йилда вафот этган тарихчи Ат-Табарийнинг «Ғарих ар-усул ва-л-мулук» («Пайғамбарлар ва подшолар тарихи) асарида тўлароқ баён этилади. Табарийнинг ҳикоя қилишича Филипп Дорога бож тўлар экан. Филиппнинг вафотидан кейин тахтга чиққан Искандар Дорога бож тўламай қўйибди. У Доронинг элчиларига «олтин байза» («олтин тухум») қилувчи товуқларни сўйиб еганман, энди «олтин байза» тўлай олмайман дебди. Ғазабланган Доро Искандарга гўй билан чавгон (тўп билан таёқ) ва кунжит юборибди. Бу билан у: «Сен боласан, гўй билан чавгонни олиб ўйна, лекин билгинки, менинг аскарларим шу кунжут доналаридек ҳисобсиздир» демоқчи бўлибди. Искандар «совға»нинг сирига тушунса ҳам, унга бошқача талқин бериб, «тўп юмалоқдир, Доро менинг тўпдай юмалоқ ер юзини эгаллаб олишимни эътироф қилибди, аскарларининг кунжитдай кўплиги эса ҳеч гап эмас», деб уларни паррандалар олдига сочган экан, бир зумда еб битиришибди. Икки орада бир йил давомида уруш бўлибди, охири Доронинг икки амалдори уни ўлдиришибди. Шу асарда бу воқеанинг иккинчи варианти ҳам ҳикоя қилинади: Искандар амалдорларининг суиқасди билан оғир ярадор бўлиб, ўлим олдида ётган Доронинг олдига борибди. Доро ундан суиқасд қилганларни жазолаш, қизи Равшанакка уйланиш ва қариндош-уруғларига азият етказмасликни васият қилибди. Искандар бу васиятни бажо келтирибди. Доро II нинг Филиппнинг қизидан туғилган ўғли Искандар Эрон тахтига чиқибди. Искандар эронча китобларни, айниқса, фалсафа ва астрономияга доир асарларни юнон тилига таржима қилдириб Румга юборибди. У кўп шаҳарларни вайрон этибди, зардуштий коҳинларни қатл қилибди. Шундан кейин у Ҳиндистонга юриш бошлабди. Хитой, Тибет ва бошқа ўлкаларни эгаллаб олибди. Искандар обиҳаёт излаб, 18 кун зулматда йўл босибди, бироқ обиҳаёт тополмай, қайтишда Шаҳразурда вафот этибди. Уни ўзи бино қилган Александрияда дафн этибдилар. Ўғли Искандарус эса, подшоҳликдан воз кечиб, дарвиш бўлибди.

Табарий китобидан келтирилган бу эпизодлар Искандар ҳақидаги кейинги тарихий ва бадиий асарларнинг кўпчилигида ҳикоя қилинади.

Табарий асарини арабчадан форс-тожик тилига эркин таржима қилган X аср олими Балъамий Искандарнинг афсонавий тарихига «Қуръон» ривоятларини ҳам илова қилиб, уни исломнинг ҳомийси, сад барпо этиб, мусулмонларни ваҳший яъжуж ва маъжужлар ҳужумидан қутқарган киши сифатида тасвирлайди.

Искандарнинг ярим тарихий-ярим афсонавий саргузаштларини ҳикоя қилувчи ривоятлар билан бирга Искандар ҳақида кичик-кичик ибратли ҳикоялар ҳам вужудга келади. Уларда Искандар Арастунинг маслаҳати билан иш тутган донишманд, халқпарвар, олижаноб бир киши сифатида тасвирланади. Бундай ҳикоялардан баъзи бирлари, масалан, «Искандар ва Девона», «Искандар ва Хоқон» ва бошқалар Искандар образи яратилган достонларда ҳам келтирилади. Искандар образи лирик асарларда ҳам ўз ифодасини топа бошлайди.

Туркий халқларда ҳам қадим замонлардан бошлаб Искандар ҳақида турли-туман афсона ва ривоятлар пайдо бўлиб боради. Машҳур олим Маҳмуд Кошғарийниг «Девону луғотит-турк» асаридаги айрим қайд ва изоҳлар шундан далолат беради. Маҳмуд Кошғарий халқ этимологиясига асосланиб айрим географик номлар ва сўзларнинг келиб чиқишини Искандар билан боғлаб изоҳлайди, унинг тўғрисида яратилган баъзи бир афсона ва ривоятларнинг (ёки парчаларнинг) қисқача мазмунини баён этади. Масалан, у Олтин қон тоғи номининг келиб чиқиши ҳақида сўзлар экан, Искандарга қарши жангда турк аскари Искандарнинг бир аскарини қилич билан чунон чопиб ташлаганки, у киндигигача иккига ажралиб кетган, қилич олтин ҳамёнини ҳам кесиб юборган, олтин қонга бўялган. Шу воқеа рўй берган жойдаги тоққа «Олтин қон» («Қонли олтин») деб ном берганлар дейди. Худди шунингдек, у «уйғур», «чигил» ва «тутмач» сўзларининг келиб чиқишини Искандар ёки Искандар воқеалари билан боғлайди. Турк шоҳи билан сулҳ тузган Искандар турк аскарларининг мерганлигига қойил қолади. Улар ўқни олдинга қандай отсалар, орқага ҳам шундай отар эканлар. Искандар уларни «инон худ хўранд» (булар ўзи топиб егувчилардир, бошқаларга муҳтож бўлмовчилар, яъни улардан ов қочиб қутулолмайди), деган экан. Шундан кейин уларнинг вилояти «худхўр» деб аталибди, «худхўр» сўзи ўзгариб бориб «уйғур»га айланибди.

Баҳорда Кошғарда қаттиқ лойгарчиликни кўрган Искандар кишилардан «ин чи гил аст?» («бу қандай лойгарчилик?») деб сўраган экан, шу сўздан «чигил» (чи гил) сўзи пайдо бўлиб, жой ва аҳоли чигил сўзи билан номланибди.

Зулмат сафарида Искандарга ҳамроҳ бўлган кишилар озиқ-овқатнинг тугаб боришидан ваҳимага тушиб, Искандарга «тутма оч» деган эканлар. Искандар олимларнинг маслаҳати билан бир хил овқат тайёрлатибди, у кишига куч-қувват берар, рангига ранг киритар, лекин узоқ вақт ҳазм бўлмас, киши очиқмас экан. Бу овқатни «тутма оч» сўзидан олиб «тутмач» деб номлабдилар.

Афтидан, «Олтин қон», «уйғур», «чигил» ва «тутмач» сўзларининг этимологик изоҳи афсона ва ривоятлар заминида ёки улар билан бирга пайдо бўлган. Лекин шунга қарамай бу этимологик маълумотлар туркий қабила ва элатлар ўртасида Искандар номининг кенг тарқалганн, туркий афсона ва ривоятларнинг қадимийлигини кўрсатади. (Уларнинг айрим излари, масалан, зулмат эпизоди ва Искандарни шаҳарлар бунёд қилган киши сифатида тасвирлаш анъанаси[1], бошқа халқларда ҳам бўлса, қолганлари янги, оригиналдир. Эрон, араб

[1] «Александр» номи Шарқда шунга монандроқ бўлган «Искандар» сўзи билан юритилган. «Румий» ва «Мақдон» Искандарнинг ватанини ифодаласа, «Зулқарнайн» («Икки шохли») Искандарни илоҳийлаштириш заминида унга нисбат берилган сифатдир. Шоҳ жуда қадим замонларда Яқин Шарқда илоҳий қудратнинг символи

ва бошқа манбаларда Искандар доимо ғолиб сифатида тасвирланади. Маҳмуд Кошғарий баён этган афсона ва ривоятлар (ёки уларнинг парчалари) Искандарни турклардап енгилиб, сулҳ тузишга мажбур бўлган ҳукмдор сифатида гавдалантиради. Миср, Эрон ва бошқа манбаларда Искандарни ўз мамлакатларн ва халқлари билан боғлаш бир анъанага айланган эди, туркий афсона ва ривоятларда эса бу анъана давом эттирилмайди (зотан, унга эҳтиёж ҳам йўқ). «Худхўр», «чигил» сўзлари, афтидан, Искандарни Эрон шаҳаншоҳи деб тасаввур этиш заминида пайдо бўлган.

Кейинги асрларга мансуб бўлган ўзбек адабий ёдгорликларидан Рабғузийнинг «Қиссаул-анбиё» асарида (XIV аср) Искандар ҳақидаги афсона ва ривоятлар хийла кенг ўрин тутади. Рабғузий Искандарнинг уруш-юришлари, сад барпо этиши, обиҳаёт излаб зулматга кириши ва бошқаларни ҳикоя қилади. У қадимий афсона-ривоятлардан ҳам, «Қуръон»дан ҳам фойдаланади, Искандарни исломнинг ҳомийси қилиб кўрсатишга алоҳида эътибор беради.

Бошқа халқларда бўлгани каби ўзбек халқи орасида ҳам Искандар ҳақидаги афсона ва ривоятлар ҳозирга қадар яшаб келмоқда. Уларда Искандар ё золим шоҳнинг, ёки одил шоҳнинг тимсоли сифатида тасвирланади. Масалан, «Искандар Зулқарнайн» Хоразм халқ эртагида Искандар одил подшо ва лашкарбоши сифатида берилиб, унинг Дорога қарши жанги ва ғалабаси ҳикоя қилинади. «Шохли Искандар» халқ эртагида эса у золим ва қотил сифатида тасвирланади. Бироқ бу эртакларнинг қачон пайдо бўлганини, улардан қайси бири Навоийга таниш бўлганини билмаймиз. Лекин шуниси маълумки, Навоий халқ ижодидаги Искандар билан яқиндан таниш эди, халқ ижодига катта эътибор билан қарар эди.

Шундай қилиб, замонлар ўтиши билан Искандар ҳақида турли-туман асарлар яратилиб, у тарихий заминдан тобора узоқлашиб, бадиий тўқима бир образга айланиб қолади. Искандарни одил ёки золим подшо тимсоли сифатида тасвирлаш, уни жаҳонгир, файласуф ва пайғамбар сифатида талқин этиш бир адабий одат тусини олади.

* * *

Ўнинчи асрдан бошлаб Искандар ёзма эпик поэзиянинг анъанавий бир образи сифатида такомиллашиб боради. X асрнинг улуғ санъаткори Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»да Искандар ҳақида махсус бир достон яратган эди. У ўз достонида, асосан, «Худойномак» материалларига, турли ривоят ва афсоналарга ҳамда қисман бўлса-да, «Псевдо Каллисфен» романига таянади. Фирдавсий достонинннг асосини Искандарнинг қаҳрамонлик (кўпроқ фантастик) саргузаштлари ташкил этади. Фирдавсий «Шоҳнома»сида Искандарнинг Дорога қарши жанги, Ҳиндистон, Миср, Хитой ва бошқа ўлкаларга юриши, зулматга кириши, яъжуж ва маъжужларнинг йўлини тўсиб ғов қуриши, турли даҳшатли ҳайвонларга қарши жанги ва бошқалар ҳикоя қилинади. Фирдавсийнинг Искандари, профессор Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, шавкатли ва шижоатли подшо. У мустабид подшо образи бўлмагани каби адолатли подшонинг комил образи ҳам эмас. У «Шоҳнома»даги бошқа бир қатор сосоний подшолардан кескин фарқ қилмайди, мустасно бир образ бўлиб ажралмайди. Гарчи унинг Дорога қарши жанги, яъжуж ва маъжужларга қарши ғов қуриши адолат мотивлари билан боғланса-да, лекин кўпчилик уруш ва юришларининг сабабияти ҳам, оқибат-натижаси ҳам очилмай қолади. Гўё унинг фантастик саргузаштлари қаҳрамонликнинг бир синови бўлиб қолади, холос. Бинобарин, Искандарнинг қаҳрамонлиги маҳдуд, баъзан эса абстракт қаҳрамонликдир.

бўлиб, Худолар (ёки шоҳлар) шохли қилиб тасаввур этилган. «Зулқарнайн» сўзининг Искандарга нисбат берилиши ҳақида ёзма ёдгорликларда ва халқ ижодида турлича талқин ҳамда афсона, ривоятлар бор.

Низомийнинг «Искандарнома»си билан Искандар образи Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида янги тараққиёт поғонасига кўтарилади ва хамсачиликнинг анъанавий бир образи бўлиб қолади. Низомий Искандар образида адолатли комил подшо қиёфасини мужассамлаштириш вазифасини ўз олдига қўяди. У тарихий-хроникал асарлардан, халқ оғзаки ижодидан кенг фойдаланади. Бироқ Низомий фантастик саргузаштлар доирасини қисқартириб, Искандар фаолияти ва Искандар образининг ички моҳиятини тўлароқ ва мукаммалроқ ёритишга интилади. Шоир Искандар образини, тўғрироғи, бу образдан кутилган мақсадни, ўз замонаси ва замини билан боғлайди. Искандар адолатли ва донишманд подшо. Давлат бошлиқлари ундан ўрнак олишлари, зулм-зўрликни даф этиб, адолат ва осойишталикни барқарор этишлари лозим. Низомий Искандар образи билан бирга озарбайжонлик адолатли ва тадбирли аёл ҳукмрон Нушоба образини ҳам яратади. Низомий Аристотель, Платон ва бошқа олимларга катта ўрин ва эътибор беради, давлат бошлиғи илм-маърифат аҳлларининг маслаҳати ва йўлланмаси билан мамлакатни идора этиши лозим деган ғояни илгари суради. Шоир Искандар саргузаштига бир қатор ибратли ҳикоялар ва панд-насиҳатлар киритади. Шу зайлда Низомий Искандарни одил подшо ва донишманд киши сифатида талқин этади. Гарчи у Искандарни пайғамбар сифатида ҳам тасвир этиш мақсадини ўз олдига қўйган бўлса-да, лекин одил ва донишманд Искандар образи пайғамбар Искандар образини яратишга ортиқча ўрин ва эҳтиёж қолдирмайди.

Низомийнинг ижтимоий идеаллари унинг сиёсий эътиқодига нисбатан янада кенгроқ ва чуқурроқ эди. Бинобарин, у «Искандарнома»да адолатли ва маърифатпарвар подшо образини яратиш билан чекланиб қолмайди, балки ўз ижтимоий идеалларини ифодалаб, шоҳи ҳам, амалдори ҳам бўлмаган тенгликка ассосланган бахтиёр кишилар ўлкасини тасвирлайди. Бу ўлка ҳаёти Искандарни ҳам тонг қолдиради. Бироқ бундай ҳаётга қандай эришишга Низомий ҳам, у яшаган замон ҳам жавоб беролмас эди.

Низомийдан ,тахминан, 100 йил кейин, 1300-1301 йилларда улуғ ҳинд шоири Амир Хусрав Деҳлавий, «Ойинаи Искандарий» («Искандар кўзгуси») достонини яратди. Низомийнинг Искандар ҳақидаги тарихий-афсонавий манбалардан мукаммал фойдаланганини қайд этган Хусрав Деҳлавий ўз достони сюжетида, асосан, «Искандарнома» воқеаларига таянади. Лекин шу билан бирга, у «Искандарнома» материалларидан эркин фойдаланади ва достонига бир қатор янги ҳикоя ва мисол-тимсоллар киритади. Хусрав Деҳлавий Искандар достонининг композициясини хийла мукаммаллаштирди, «Ойинаи Искандарий»нинг тили анча содда, услуби равондир. Достоннинг яна бошқа фазилатлари ҳам бор.

Хусрав Деҳлавий сарой шоири эди. У ўзининг ижтимоий мавқеи билан ҳам, ижтимоий-сиёсий эътиқоди билан ҳам Низомийдан катта фарқ қилар эди. Хусрав Деҳлавий достонида Искандар бирданига «тайёр» ва «комил» бир подшо образи сифатида гавдаланади, шоир унинг айрим уруш ва юришларининг моҳиятини очиб бермайди, воқеалар ривожида олимларнинг роли ва ўрнини бўшаштиради, тенгликка асосланган бахтиёр кишилар ўлкаси эпизодини тушириб қолдиради ва ҳоказо. Буларнинг барчаси, профессор Е. Э. Бертельс таъкидлаганидек, достоннинг ижтимоий-фалсафий қимматини анча заифлаштириб қўяди.

Низомий ва Деҳлавий «Хамса»лари билан Искандар хамсачиликнинг анъанавий бир образи бўлиб қолган эди. Бу анъана билан XV аср хамсанавислари, жумладан, Навоий ва Жомий ҳисоблашмай қололмас эдилар. Гарчи Жомий «Хирадномаи Искандарий» достонини Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидан кейинроқ яратган бўлса ҳам, Навоий достонини таҳлил этишдан аввал Жомий достони ҳақида бир неча сўз айтишни лозим кўрамиз. Жомий достони ўз мазмуни ва ғоявий мотивлари билан Низомий достонига хийла яқин туради. Унинг достонида Искандар одил подшо ва олим сифатида

тасвирланади. Жомий Низомийнинг бахтиёр кишилар ўлкаси эпизодини сақлаб қолади. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Жомий достони қаҳрамонлик асаридан кўра кўпроқ фалсафий-дидактик асар тусини олиб, «Силсилатуз-заҳаб» ва «Сабҳатул-аброр» фалсафий-дидактик достонларига яқин. Достон муаллифи Искандарнинг саргузаштларини ниҳоятда қисқа (баъзан бир неча байтда) баён этиб, ахлоқ-одоб ва таълим-тарбия масалаларига кенг ўрин беради. Шунга кўра ҳам у достонини 7 олимнинг (булардан бири Искандарнинг ўзи) «Хираднома»си тарзида тузиб, кўпгина ибратли ҳикоя ва масаллар келтиради.

Шундай қилиб, Искандар образи узоқ асрлар давомида мураккаб такомил босқичларини кечиб ўтди, у хамсачиликникг доимий бир образига айланди. Навоий Искандари эса мана шу адабий анъаналарнинг ривожида янги ва улкан бир ҳодиса бўлди.

* * *

Алишер Навоий «Садди Искандарий» достонида яшаган даврининг энг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларини ёритиш ва ҳал этишга интилади. У давлат ҳокимиятини парчалаб ташлашга қарши марказлашган ҳокимият учун, ўзаро урушларга қарши осойишталик учун, зулмга қарши адолат учун, ишратпарастликка қарши осойишталик учун, зулмга қарши адолат учун, ишратпарастликка қарши ободончилик учун, жоҳилликка қарши илм-маърифат учун кураш ғоясини илгари суради. Бутун достон ва биринчи навбатда ундаги образлар мана шу мақсадга хизмат қилади.

Хамсачилик анъанаси Алишер Навоийдан бешинчи достонининг бош қаҳрамони қилиб Искандарни олишни талаб этар эди. Навоий бир томондан, бу одатга амал қилиши, иккинчи томондан, ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларни ҳал этиши лозим эди. Навоий Искандар образини яратар экан, кўпгина тарих китобларини (жумладан, ўзи таъкидлаганидек, XIII аср тарихчиси Носириддин Байзавийнинг «Низомут таворих» – «Тарихларнинг низомномаси»ни), бадиий асарларни, афсона ва ривоятларни ва хусусан, хамсанавис салафларининг достонларини яқнндан ўрганиб чиқади, ўз асари учун материал тўплайди. Тарихий-ривоявий материал ва афсона, ҳикоятларни Навоий кейинроқ «Тарихи мулуки Ажам»да баён этади. Навоий танишган манбаларда тарих маълумотлари билан афсона ва ривоятлар бир-бирига киришиб, чатишиб кетган эди. Уларнинг муштарак жиҳатлари ҳам, фарқ-тафовут ва ихтилофлари ҳам кўп эди. «Искандар нисбатида ихтилоф кўптур», – деган Навоий, «Тарнхи мулуки Ажам»да Искандар шахсига доир бир неча ривоят ва афсоналарни баён этади. Шулардан бири «Дороб» фаслида ҳикоя қилинади.

«Дороб чун Ҳумой ўрниға тахтқа ўлтурди, адл ва дод пеша қилди. Ва ул хирадманд ва паҳлавон ва хўп сурат подшоҳ эрди. Кўпрак мулк салотини анга инқиёд қилдилар. Ва Рум Қайсариким, замонида Фаляқус эрди, саркашлик қилди эрса, сипоҳ тортиб Румға юруб, Қайсарни тутти ва банд қилди. Чун Румни қаёсирадин ўзга киши забт қила олмас эрди ҳам ани ўқ тарбият қилиб, минг байза олтунким, ҳар бири вазнға қирқ мисқол бўлғай, хирож тайин қилиб, Қайсарнинг қизини қулуб, Румдин ёнди. Ул қиздин нохуш ис фаҳм қилиб, табъи мутанаффир бўлуб, отаси қошиға қайтариб йиборди. Баъзи дебтурларким, ул қиз Искандарға ҳомила эрди. Қайсар ўз қизин ақдиға киюруб, ўғли мутаваллид бўлғондан сўнгра Дороб ўғлидур демакка номусланиб, ўз ўғлумдур деб Искандарни ўғулчилаб асраб, валиаҳд қилди...»

«Доро ибн Дороб» фасли гўё аввалги фаслнинг узвий давоми бўлиб, унда «олтин байза» можароси, Доро ва Искандар уруши, Дорога қарши икки ноибининг суиқасд қилиниши, Доронинг Искандарга уч васияти ҳикоя қилинади. «...Чун Искандар хирож йибормади, Доро киши йибориб, минг олтун байзани тилатти. Искаидар жавоб бердиким, ул юмуртқаларни

қўяр қуш учти, Доро доғи кўнглидин бу тамани чиқарсун. Дороға бу сўздин ғазаб муставлий бўлуб, устига черик тортиб, масофанинг икки сафи тузилганда, Доронинг икки ноибиким, анинг зулмидин ториқиб, ани ҳалок қилдилар. Баъзи дебдурларким, икки ҳамодонлиғ киши фидойилиғ дастури била бу ишни қилдилар. Баъзи дебдурларким, аларни Искандар йибориб эрди, бу ишни буюрди. Аввалғи қавл саҳиҳроқдур. Чун ул сипоҳ орасида йиқилди, Искандар келиб, анинг бошин ўз тизин устига қўюб, онт ичдиким, бу иш менинг қошимдин эмас эрди. Доро Искандарға уч васият қилди. Бир улким, Равшанакниким, анинг қизи эрди, (ўзиға хотин) қилғай. Бир улким, анинг қотилларин ўлтургай. Бир улким, анинг атбоиким, Фурс мулуки наслидин эрдилар, қатл қилмағай, дағи риоят қилғай. Искандар барчани қабул қилди. Доро охир дамда Искандардек муставлий адувсидин хушнуд ўтти». Бу можаро ва ҳодисалар деярли айнан «Садди Искандарий»да ҳам тасвир этилган, буни Навоийнинг ўзи таъкидлаб, «ва бу достонни фақир «Садди Искандарий»даким, «Хамса»нинг бешинчи китобидур, машруҳ адо қилибтурмен», дейди. Зотан, юқоридаги эпизодлар Искандар ва Доро ҳақида яратилган афсона ва ривоятлардан кенгроқ ўрин олган.

Навоий «Тарихи мулуки Ажам»да Искандар шахсига доир бошқа маълумот ва ривоятларни ҳам баён этади. Тарихчи Банокатий маълумотича, дейди Навоий, Искандар Хирмиси Румий ўғли бўлиб, «Хирмис отаси Лафти бинни Юнон бинни Торах бинни Ёфас бинни Нуҳдур...» Яна мана шу Банокатийнинг маълумотича, Искандар Бозур бинни Албон ўғлидир – «яна ҳам Банокатийдадурким, анинг отаси Бозур бинни Албон эрди». Навоий Искандарнинг туғилиши ва шахсига доир яна бир афсонани ҳикоя қиладиким, унинг айрим ўринлари Искандарнинг Доробдан пайдо бўлиши афсонасига ўхшаб кетади. Бозир билан Афлиюн бир-бирига мухолиф шоҳлар экан. Улар мамлакат осойишталиги учун ярашиб, аҳил бўлишибди. Бозур Афлиюннинг қизини олиб, юртига қайтади. Аммо «Бозурнинг эли бир қайд билан андоқ қилдиларки, Бозур ул қизни кўздин солиб, отасиға йиборди ва қиз Бозурдин ҳомила эрди, йўлда андоқ ҳаводис юзландиким, ул қиз бир энага билан ва бир атка ва бир хожасорой билан қолди. Иттифоқ, бир чоҳ бошида ваъз ҳамл қилдиким, махуф манзил эрди. Ва анда қароқчи кўп элни жалок қилур эрди. Бу ҳолда йироқтин қалин қаро пайдо бўлди. Алар ваҳмдин ул тифлни бир қиймат нимага чирмаб, ул чоҳ бошида қўюб қочтилар. Кўринган қаро худ дашт баҳойими эрмиш. Бори таоло бир сутлук ўчку йибориб, амр қилдиким, ҳар кун келиб, ул тифлга сут берур эрди. Ва ул тифл Искандар эрди. Ва ул ўчку бир қари хотунниинг эрди, бир кун ўчкуси ғойиб бўлғон жиҳатдин ани тилай, ул чоҳ бошиға келиб, ул ғариб ҳолға мутталиъ бўлуб, таҳайюр юзидин Искандарни олиб, ўғулчидай улғайтиб, подшоҳ ўғли дабиристонида дабирга топшурди. Искандар оз вақтда жамиъ фазойил ва камолотни касб қилиб, сипоҳлиғ русуми ва баҳодирлуқ фунунида ҳам ягона бўлди. Чун подшо золим ва нодон эрди, Искандарга ҳиммат ва ақл анда турмоқни рухсат бермади. Ул диёрдин ҳазимат қилди. Йўлда чоқари от ва силоҳин, ани уюқалтиб, олиб қочти. Ул яёқ бир шаҳарчаға бордиким, иттифоқо, Афлиюннинг шаҳри эрди. Онаси қаср томида дашт сори тамошо қилур эрдиким, Искандарнинг қаросин кўруб, меҳри ҳаракатқа келиб, эмчокига сут келди. Таҳайюр қилиб, ани тилаб, аҳволин тафаҳҳус қилди эрса, ўғли эрканин билди. Афлиюнға изҳор қилғач, анинг ўғли йўқ эрди ва улғайиб эрди, мулкни набираси Искандарға топшуруб, ўзи ибодатқа машғул эрди. Искандар черик тортиб, отаси мулкини олди ва макнати азм бўлуб, Дороғо хуруж қилиб, ани ҳам юқори ўткандек ародин кўтариб, жаҳон мулкин олди...».

Фаслнинг охирида Навоий Искандарнинг шон-шавкати, «Арастудек вазири» бўлгани, «Оламнинг барру баҳрини олиб, ҳайвон сути таманноси билан зулмотқа» киргани,

вафотини сўзлайди ва «анинг осоридин Яъжуж Садидур ва Марв ва Ҳирот ва Самарқанд ва Исфаҳонни ҳам дебтурларким, ул бино қилди», дейди.

Навоий Искандарнинг умри ва ҳукмронлик саналарини деярли тарихий ҳақиқатга мувофиқ беради. «Аксар таворихда анинг умрин ўтуз олти йил ва салотинин ўн уч йил битибтурлар». Бошқа айрим фактлар ҳам тарихий ҳақиқатга мувофиқ келади. Аммо шунга қарамай, «Тарихи мулуки Ажам» Искандар тарихидан кўра кўпроқ Искандар ҳақидаги ривоятларни ҳикоя қилувчи бир асар сифатида характерлидир. Бу ҳолат яна бир бор Искандарнинг афсонавий шахсга айланиб кетганини, тарих заминидан фантазия оламига ўтиб кетганини кўрсатади.

Алишер Навоийни тарихий Искандар эмас, балки бадиий адабиётда анъанавий бир образга айланган Искандар кўпроқ қизиқтирар эди. Искандар тарихи билан қанчалик таниш бўлишидан қатъи назар, Навоий Искандар прообрази асосида ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадларни, шубҳасиз, ҳал қилолмас эди. Искандаргина эмас, балки бошқа бирон подшо ҳам Навоий орзуларига тўла мувофиқ келмас ва келолмас эди. Навоий кечиб ўтган подшоларнинг эмас, балки унинг тушунишича, бўлиши мумкин ва лозим бўлган подшо образини яратиши керак эди, токи бошқалар ундан ибрат олсин, жамият ҳаётидаги иллатларни бартараф этиб, адолат ва маърифатни, осойишталик ва фаровонликни барқарор этсин. Бундай вазифани адо этиш учун тарихий шахслар ёки тарихий фактлар эмас, балки бадиий фантазиянинг куч-қудрати иш берар эди. Бадиий фантазиягина адолатли ва маърифатпарвар подшо образини яратишга кенг имкон яратарди. Бу борада эса (жумладан, Искандар образи заминида) маълум адабий тажриба ва анъана вужудга келган эди. Хамсанавислар, айниқса, Низомий Ганжавий Искандар тимсолида шундай бир образ яратишда катта муваффақиятларга эришган эдилар. Навоийнинг мана шу адабий тажриба ва анъаналардан фондаланиши, уларга таяниши табиий. Бироқ Навоий янги тарихий шароитда яшади, ўз олдига янги ғоявий-эстетик вазифалар қўйди. Бинобарин, у мавжуд адабий тажриба ва анъаналар доирасида қолиб кетолмас эди. Бор материалларни танлаш, саралаш ва уларни қайта ижодий ишлаб олиш, янги материаллар киритиш, Искандар образини, аииқроғи, бу образдан кузатилган амалий мақсадни XV аср ҳаётига яқинлаштириш, подшо ва халқ, подшо ва сарой аҳли, подшо ва қўшин, подшо ва илм-маърифат аҳллари каби масалаларнн ҳал этиш, хулоса қилиб айтганда, Искандар образини янги тараққиёт поғонасига кўтариш керак эди. Навоий мана шундай катта ва масъулиятли ижодий ишга киришди ва уни муваффақият билан адо этди.

Навоийга қадар Искандар образи уч планда: шоҳ, олим ва пайғамбар сифатида талқин қилинар эди. Навоий Искандарни шоҳ ва олим сифатида талқин этади ҳамда салафларидан (Низомийдан ҳам) фарқли ўлароқ шоҳ ва олим образини бир-бирига узвий бириктиради, мужассамлаштиради, унинг олижаноб фазилатларини кучайтириб, бўрттириб тасвирлайди. У Искандарнинг олимларга муносабатига, улар билан ҳамкорлигига катта эътибор ва ўрин беради. Навоий Искандарнинг саргузаштларига доир воқеалар доирасини белгилаб, чегаралаб олади. Гарчи у достонининг XXIII бобида ярим тарихий-ярим афсонавий манбалар ҳамда бадиий ёдномалар асосида Искандарнинг ўнлаб ўлкаларга юриш қилиши, афсонавий саргузаштлари, денгиз саёҳати ва обиҳаёт излашини айтиб, тўғрироғи, санаб ўтса ҳам, Искандарнинг ҳаёти ва фаолияти силсиласини бир неча йирик эпизод асосида тузади. Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, Искандарнинг барча «саргузашт»ларини қамраб олиш учун «Шоҳнома»дек катта бир асар кифоя қилмас эди. Зотан, афсонавий саргузаштларга берилиб кетишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Навоийнинг достондан кузатган мақсади афсона сўзлаш эмас, балки адолатли ва маърифатпарвар комил подшо образини яратиб, шу

асосда ўз давридаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ёритиш, ҳал этиш эди. Бинобарин, Навоий саргузашт-эпизодлар миқдорини бирмунча камайтириб олади, улардан ҳар бирининг моҳиятини, ижтимоий-фалсафий мазмунини чуқурлаштиради, кенгайтиради. Бу Навоийнинг катта санъаткорлик маҳорати эди.

Искандарнинг туғилиши, унинг ёшлик йиллари, таълим-тарбияси, Фаляқуснинг вафоти ва Искандарнинг тахтга чиқиши. Искандарнинг Доро билан тўқнашуви, Эронни эгаллаб олиб, у ерда адолат ўрнатиши, Кашмирга юриш қилиб золим Маллуни енгиши, Ҳинд шоҳи ва Чин хоқони билан дўстона битишуви, Мағрибда ваҳшийларга қарши жанги, Қирвон ўлкасида яъжуж ва маъжужларнинг йўлини тўсиб сад барпо этиши ҳамда денгиз саёҳати Искандар саргузаштларининг асосини ташкил этади.

Навоий Искандар образини тайёр ҳолда бермайди. Балки уни воқеалар ривожи ва зиддиятлар билан бирга поғонама-поғона ўстириб, такомиллаштириб боради. Навоий шаҳзода Искандар образига, унинг гўдаклик йиллари, таълим-тарбияси ва балоғатга етишига катта эътибор беради. Шаҳзода тож-тахт ва мол-давлатга эмас, балки илм-фанга, олижаноб инсоний фазилатларни эгаллашга интилади. У Арастунинг отаси Нақумоҳис қўлида яхши таълим-тарбия олади, ақл-заковати ва куч-қуввати билан худди Фарҳоддек ҳаммани ҳайратда қолдиради. Фаляқус вафот этади. Валиаҳд Искандар тахтга чиқиши керак. Бироқ у тахтга ошиқмайди. Давлатни бошқариш ҳою ҳавас эмас, балки ниҳоятда оғир ва масъулиятли бир вазифа, у катта тажриба ва билимни талаб этади. Бинобарин, Искандар халққа мурожаат қилиб:

Вале мен эрурман бағоят ҳақир,
Доғи салтанат амри беҳад хатир.
Бу ишга керактур тавоно киши,
Эмас мен киби нотавоно иши...
Не бор шаҳлик айларга ният манга,
Не айлай десам қобилият манга...
Чу мен айладим ажзим изҳорини,
Бу андешадин кўнглим озорини...
Сиз энди ўзунгузга шоҳе топинг,
Бу кишварга кишварпаноҳе топинг, –

дейди. (Отаси тахтини таклиф қилганда Фарҳоднинг жавоб сўзларини эсланг.) Шу зайлда Навоий шаҳзода Искандарни мол-давлат, мансаб-мартаба ва айш-ишратга берилиб кетган худбин шаҳзодаларга қарама-қарши қўяди. Навоий яшаган муҳитни кўзда тутсак, шаҳзода Искандар образининг моҳияти ва амалий аҳамияти янада ойдинлашади.

Подшо Искандар образи орқали эса Навоий янада каттароқ ва муҳимроқ масалаларни ёритишга, ҳал этишга интилади, ўз орзу-истакларини шу образда мужассамлаштиради.

Искандар тож-тахтни рад этади. Бнроқ эл-юрт камтарин ва ақлли-заковатли Искандарни тахтга муносиб деб ҳисоблар эди. Эл-юртнинг раъйига қараб тахтга чиққан Искандар тез орада мамлакатда инсоф ва адолат ўрнатади, халқнинг осойишталигн ва фаровонлиги учун, ободончилик ва илм-маърифат учун бел боғлайди. У тахтга чиқиш маросимига йиғилган халойиққа мурожаат қилиб шундай дейди:

Ки берди манга додгарлик илоҳ,
Бор эрса халойиқ аро додхоҳ,

Келиб олима арзи ҳол айласун,
Ўз аҳволини қийлу қол айласун!
Қошимда сўзин арз айлар замон,
Мени бир ўзи янглиғ этсун гумон.
Не тахтимдин ўлсун анга даҳшате,
Не тожимдин ўлсун анга ваҳшате.
Не шаҳ деб мени айласун изтироб,
Не мақсуд адосида қилсун шитоб.
Аён айласун реши дарду ғамин,
Ёқай дод бермак била марҳамин.

Халқ арз-ҳол қила бошлайди. Искандар ваъдасига амал қилади. Эл-юртни икки йиллик хирождан озод этади, золим амалдорларни мансабдан четлаштиради, жазолайди, бозорларнинг нарх-навоси, тош-тарозу ва бошқалар устидан қаттиқ назорат ўрнатади, ҳаннотлик ва кўзбўямачиликка хотима беради ва ҳоказо (бу тадбирларнинг Навоий яшаган муҳит учун қанчалик зарур ва эл-юрт учун фойдали эканига эътибор беринг). Искандар отасининг ҳукмронлиги даврида рўй берган барча ҳақсизликларга чек қўяди, иллатларни бартараф этади. Унинг адолати туфайли эл-юрт фаровон бўлади:

Атоси замонида ҳар навъ иш,
Ки андин халойиққа озор эмиш,
Тамомин улус бошидан қилди дафъ,
Етишсун деб андин халойиққа нафъ...
Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
Ғаний бўлдилар адлидин аҳли Рум.

Искандар инсофли ва адолатли подшо ҳамда нажоткор сифатида шаклланиб боради, у ўз халқинигина эмас, балки бошқа ўлкаларнинг халқларига ҳам инсоф ва адолат билан, шафқат ва марҳамат билан муносабатда бўлади, уларни золимларнинг зулми ва турли даҳшатлардан қутқаради, ободонлик, фаровонлик ва осойишталиклари учун курашади. Бу сифатлар жаҳонгирлик дағдағасидан устун келиб, подшо Искандар шахсидаги зиддиятларни енгиб боради.

Мустабид Дорога бир қатор ўлкалар қарам эди. У ўлкалар, жумладан, Рум ҳам Дорога катта хирож тўлар эди. Тахтга чиққан Искандар хирож тўлашни тўхтатиб қўяди. Ғазабланган Доро уруш бошлайди. Искандарнинг жангга қарши жанг қилишдан ўзга чораси йўқ эди. Жангнинг иккинчи куни амалдорлари Дорога қарши суиқасд қиладилар. Доро тавбасига таяниб афв сўрайди. Олижаноб Искандар уни кечиради, уч васиятини (суиқасдчиларни жазолаш, қариндош-уруғига азият етказмаслик ва қизи Равшанакка уйланишни) қабул қилади. Эрон тахти Искандарга ўтади. Искандар Эронда ҳам адолат ва осойишталик ўрнатади, асирларни озод қилади, аҳолига турли имтиёзлар беради. Доронинг жабр-ситамидан нажот топган Эрон халқи Искандардан шоду хуррам бўлади. Искандар Дорога қарам бўлиб келган ўлкаларда ҳам адолат ва осойишталик ўрнатишни, золим подшоларни тож-тахтдан даф этишни истар эди. Шу мақсад билан у Дорога қарам бўлган ўлкаларга хат билан мурожаат қилади. Искандарнинг таклифини Кашмир, Ҳинд ва Чин ҳукмдорларидан бошқа ҳамма подшолар қабул қилади. Искандар Кашмирга қараб йўл олади. Ҳирот ва Самарқандни бино қилади (Навоий бошқаларда бўлганидек, Искандарни

Марказий Осиё билан боғлаб тасвирлаш мақсадида уни Ҳирот ва Самарқандни бино этган деб кўрсатади). Кашмир шоҳи Маллу ниҳоятда золим ва мустабид эди. У Искандарнинг Кашмирга йўл олганини эшитиб, сеҳргарлик билан ўт ва шамолни яшириб, ўзи бола-чақаси билан темир қўрғонга кириб олади. Искандарнинг доимий ҳамроҳлари ва маслаҳатчилари бўлган олимлар портловчи моддалар ишлатиб, қўрғонни забт этадилар. Ўлим олдида ётган Маллу тавбасига таянади. Искандар уни афв этади, васиятига кўра қизи Меҳрнозга уйланади, ўғли Фирузни адолат йўлига солиб, Кашмирга подшо қилади. Кашмирда ҳам адолат ва осойишталик барқарор бўлади. Кашмир воқеалари бошқаларга панд бўлади. Тадбирли Ҳинд шоҳи совға-салом билан Искандарни кутиб олади. Искандар Ҳинд элини икки йиллик хирождан озод этади. У қиш фаслини Ҳиндистоннинг Нигор деган ажойиб ўрмонида ўтказиб, кейин Чинга қараб йўл олади. Олимлар Искандарга уруш бошламай туришни маслаҳат берадилар. Тадбирли хоқон элчи қиёфасида Искандарнинг қароргоҳига келиб, у билан ошкора сўзлашади. Икки ўртада ҳеч қандай ихтилоф қолмайди. Шундай қилиб, Кашмирни мустасно қилганда Искандар ҳеч қандай урушсиз, қон тўкишсиз Дорога қарам бўлган ўлкаларда адолат ва осойишталик ўрнатишга муваффақ бўлади. Ҳинд шоҳи ва Чин хоқони ҳатто унга ибрат ҳам бўладилар.

Искандар ватанига қайтаётиб, Мағриб ўлкасида ит катталигида бўлган чумолисимон ҳайвонларга дуч келади. Улар одамхўр ваҳшийларнинг посбонлари экан. Искандар қўшини билан ваҳшийлар ўртасида жанг бошланади. Ваҳшийлар бошлиғи яккама-якка жангга киши талаб қилади, Искандар йигитлари майдонга тушишга ботинолмайдилар. Шунда эркакча либос кийиб, бетига ниқоб ташлаган Чин хоқони тортиқ қилган канизак Луъбати Чин майдонга кириб, ваҳшийни енгади. Искандар қўшини Қирвон ўлкасига етиб келади. Ўлка ниҳоятда хароб бўлиб, аҳоли ваҳший яъжуж ва маъжужларнинг яғмосидан мусибат чекар экан. Искандар Қоф тоғи этагида яшовчи яъжуж ва маъжужларнинг йўлини тўсиб сад-девор қурдиради. Бу девор адолат ва осойишталик девори эди. Уни бино қилишда турли мамлакатларнинг халқлари, жумладан, румликлар, мовароуннаҳрликлар, форслар, хитойлар, ҳиндулар, руслар, французлар ва бошқалар қатнашади. Халқлар дўстлиги ва иттифоқлиги инсониятнинг ашаддий душмани тимсоли бўлган яъжуж ва маъжужларии маҳв этади. Искандар ўзининг одилона ва оқилона сиёсати билан халқлар дўстлигини мустаҳкамлайди. Унинг қўшини сафи турли халқларнинг фарзандлари билан тўлиб, ўсиб боради. Бу қўшинда жанговар рус аскарлари ҳам бор эди:

Жувонғорида эрди Бартосу Рус,
Фалак хингидек барча тунду шамус.
Алар жавшани барча қолқондуруқ,
Синон қўлларида нечукким суруқ.
Вале бодполарға солғон кежим,
Соқарлату борча ёвурқон кежнм.
Довулға бўлуб тўппи янглиғ бори,
Ўтоға бош узра сариғ қуш пори.
Келиб ҳар бири неча андоққи бум,
Мувофиққа маймун, мухолифқа шум.

Искандар истеъдодли олим ва илм-маърифатнинг жарчиси ҳамда ҳомийси эди. Ёшлигида Нақумоҳисдан таълим олган Искандар бутун умр бўйи Арасту ва Афлотун каби олимлар билан бирга бўлади, уларнинг маслаҳати билан иш тутади, илмий фаолиятларига ҳомийлик

қилади. Чин ҳоқони ҳадя қилган ойинаи Чиндан илҳомланган Искандар олимларни янги илмий ихтироларга руҳлантиради. Афлотун ва Суқрот бошчилигидаги олимлар юлдузлар оламини текширувчи сутурлобни, Арасту ва Буқрот раҳбарлигидаги олимлар ер юзидаги турли ҳодисаларни кўрсатиб берувчи ойнаи жаҳоннамони кашф қиладилар. Искандарнинг ташаббуси билан ўлкаларнинг табиий ва географик хусусиятлари ўрганилади, жойларда масофа кўрсатувчи белгилар ўрнатилади ва ҳоказо.

Ер юзи ўлкаларида адолат ва осойишталик ўрнатган Искандар Румга қайтади. У Румни онаси Бону ва олимларга топшириб, денгиз сирларини билиш учун узоқ сафарга жўнайди. Муҳит денгизига етиб келади, шиша сандиққа тушиб, денгиз ажойиботларини кўради. Қайтишда бемор бўлади. Онасига хат ёзиб, қайғурмасликни, олимлар билан биргаликда мамлакатни бошқаришни васият қилади. Ҳамроҳларидан ўлганида бир қўлини тобутнинг сиртига чиқариб қўйишни сўрайди. Бу билан у Искандар жаҳонни эгаллаган бўлса ҳам, бўш қўли билан дунёдан кетмоқда, демоқчи эди[1]. Искандар ўлади. Бироқ у ўз мақсадларига эришади, дунёда адолат ўрнатади. Унинг номи боқий бўлиб қолади.

Навоий Искандардек подшони, бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахт-саодати учун курашга бағишлаган подшони орзу қилар эди. У Искандар образи билан ўз даври ҳукмронларига ва умуман ҳукмронларга таъсир этиб, уларни Искандардан ибрат олишга йўлламоқчи бўлар эди. Навоийнинг орзу-нияти унинг инсонга бўлган чексиз муҳаббати заминида вужудга келган эди, инсонпарварликнинг ўрта аср шароитидаги ёрқин ифодаси эди. Бироқ Искандар образи романтик образ эди, унинг хаёлдан ҳақиқатга айланиши қийин эди. Яшаган муҳити Навоийга буни англашга имкон бермас, Навоий эса, адолатли ва маърифатпарвар шоҳ ҳақидаги орзуси қачон бўлмасин рўёбга чиқиши мумкин, деб қаттиқ ишонар эди.

* * *

Навоий «Саддн Искандарий»да бир қатор олимлар образини яратади. Булар Нақумоҳис (Никомахос достонда Арастунинг отаси), Арасту (Аристотель), Филотун-Афлотун (Платон), Суқрот (Сократ), Асқалинус (Искилинус), Буқрот (Гиппократ), Ҳурмус (Гермес) ва Файсоғурс (Пифагор)лардир. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб антик грек олимлари ва файласуфлари, айниқса, Аристотель, Платон, Сократ ва Гиппократлар Яқин ва Ўрта Шарқ халқларига ҳам яқиндан маълум эди. Уларнинг кўпгина асарлари араб тилига таржима қилинган ва Марказий Осиё ҳамда бошқа мамлакатларнинг олимлари томонидан шарҳланган, таҳлил қилинган ва айримлари ижодий қайта ишланган. Аристотель, Платон ва бошқалар ҳақида афсона ва ривоятлар, бадиий асарлар пайдо бўлган эди. Шубҳасиз, Навоий буларнинг кўпи билан мукаммал таниш эди. Бироқ Навоий «Садди Искандарий»да грек олимлари ва файласуфларининг тарихий образларини яратиш ёки уларнинг илмий фаолияти ҳақида маълумот бериш, ижтимоий-фалсафий қарашларини ёритиш мақсадини ўз олдига қўймайди. Асарнинг ғоявий-эстетик мақсади буни талаб ҳам қилмайди. Навоий анъаналарга амал қилиб, олимларнинг номларини олади-ю, бироқ уларнинг образлари орқали ўз давридаги ижтимоий-сиёсий масалаларни, таълим-тарбия масалаларини ёритмоқчи, ҳал этмоқчи бўлади. У Искандарни антик дунёдан ўз даврига, тўғрироғи, ўз даврининг илғор мақсад ва орзулари оламига кўчиргани каби олимларни ҳам ўз замони ва заминига кўчиради. «Садди Искандарий»даги олимлар ўз дунёқараши ва ижтимоий-сиёсий идеали билаи Навоий замонасининг тараққийпарвар мутафаккирларидир. Уларнинг тилидан баён этилган фикр-мулоҳазалар Навоийнинг ўз фикр-мулоҳазаларидир.

[1] М а й м у н – дўст, меҳрибон.

Олимлар достон воқеалари, унинг ғоявий мотивлари ривожида жуда катта ўрин тутадилар, достоннинг бош қаҳрамони Искандар образини тўлдирадилар, такомиллаштирадилар. Нақуможис – Искандарнинг мураббийси, муаллими ва устози. Арасту ва бошқа олимлар унинг ажралмас ҳамроҳи ва маслаҳатдоши. Искандар ҳар бир масалада олимлар билан кенгашади, фикр-мулоҳазаларига амал қилади, уларнинг кўмаги билан муаммоларни ҳал этади, хавф-хатарларни енгади. Шу зайлда «Садди Искандарий»даги олимлар ўз илмий фаолиятлари қобиғига ўралиб қолмайдилар, балки улар ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнашадилар, илм ва тафаккурнинг ҳаётий, амалий натижалари учун курашадилар. Навоий илм-маърифат аҳлларининг шундай бўлишларини истар, орзу қилар эди.

Давлат бошлиқлари илм-маърифат аҳлларининг, донишмандларнинг кенгаши ва маслаҳати билан иш олиб бориши лозим деган ғояни илгари сурган Навоий бир қатор ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалаларни олимларнинг тили билан баён этади, ёритади. Бу кўпроқ Искандарнинг саволи ва Арастунинг жавоби тарзида берилади[1]. Савол-жавоб адолат ва унинг натижаси; мухолафат ва унинг оқибати; ақл-фаросат ва ирода; қиш фаслининг фазилати; баҳор фаслининг файзи ва бошқа масалаларни қамраб олади. Искандарнинг:

...Шаҳиким эрур адлнинг жозими,
Не ишлар экан адлнинг лозими? –

деган саволига Арасту бундай жавоб беради:

...Шаҳиким анга адл бунёд ўлур,
Натижа буким, мулки обод ўлур.
Чу мулк ўлди обод, халқи ғаний,
Яқиндурки, маъмур ўлур махзани.
Чу махзанни бу навъ маъмур этар,
Сипоҳийға бешак мавожиб етар.
Сипоҳий қачон шаҳға толиб келур,
Адусиға, шак йўқки, ғолиб келур...
Яна улки чун адли зоҳир дурур,
Бори қавм ила хайли шокир дурур.
Сипоҳийси гар тиғ урар беадад
Раият дуо бирла айлар мадад...
Яна улки чун адл бўлмиш фани,
Аду хайли доғи тиларлар ани.
Раоёси тунлар илик очибон,
Сипоҳийси бориб, анга қочибон...

Арасту тилидан айтилган бу сўзлар Навоийнинг адолатли подшо ҳақидаги фикр-мулоҳазалари мағзини ташкил этади. Достоннинг хотимасидаги етти олим тилидан айтилган сўзлар бу фикр-мулоҳазаларни тўлдиради, такомиллаштиради: подшо элга мушфиқ ва марҳаматли бўлиши керак (Арасту); подшо сипоҳни лутфи билан шод, раиятни адли билан обод қилиши керак (Филотун); подшо улуснинг осойишталиги учун курашиши керак (Суқрот); подшо ярамас кишиларга нисбатан сиёсат қўллаши, қаттиққўл бўлиши керак (Буқрот); подшонинг оғзи, сўзи, кўнгли ва кўзи пок бўлиши керак (Файсоғурс); подшо ҳимматли ва саховатли бўлиши керак (Ҳурмус). Асқалинус эса бундай дейди:

[1] Бу эпизод «Ҳайратул-аброр»да махсус бир ҳикоят сифатида келтирилган.

Яна Асқалинус иршодидур
Ки: «Обод гар элга шоҳ додидур.
Қаю шаҳки йўқ адл ила дод анга,
Улус бирла мулк ўлмас обод анга.
Чу шаҳ зулм сори узотти илик,
Очилди улуғ зулм уйига эшик...
Агар шоҳға иш лутфу гар кин эрур,
Элига ҳамул шева ойин эрур...»

Бошқа масалалар бобида ҳам олимлар тилидан айтилган сўзлар Навоийнинг ўз фикр-мулоҳазалари баёнидир. Ер куррасининг тузилиши, етти денгиз, сутурлоб, сайёралар ва бошқа масалаларга келсак, Навоий ўз даврининг илмий ютуқлари ва фаразлари асосида фикр юритади.

Шундай қилиб, Навоий олимлар образи билан, бир томондан, илм-маърифатни тарғиб қилиб, олимларни мамлакат ва халқ ҳаёти учун фойдали бўлган ишлар билан шуғулланишга йўлласа, иккинчи томондан, ҳукмронларни илм-фан аҳлларига ҳомий бўлишга, уларнинг маслаҳати билан эл-юртни идора қилишга чақиради.

Низомийнинг «Искандарнома» ва Жомийнинг «Хирадномаи Искандар» достонида подшоси бўлмаган бахтиёр кишилар ўлкаси эпизоди тасвирланади. Бу эпизодда ифодаланган ғоя Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари ижтимоий- фалсафий тафаккури ривожида ғоятда катта аҳамиятга эга эди (бу ғоянинг илдизлари Форобийда бор). Навоийнинг гуманистик тафаккури, шубҳасиз, бу ғояга мойил ва жўр эди. Бу ғоя Навоий ижодига сингиб кетган, Навоий достонлари, унинг лирикаси шундай хулосага олиб келади. Бунинг ёрқин далили Навоийнинг «Девони Фоний» лирик куллиётида «Оламе хоҳамки...» («Шундай бир олам истайманки...») ғазалидир.

* * *

«Садди Искандарий»да Навоий Бону ва Луъбати Чин[1] каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассамлаштирган ажойиб хотин-қизлар образини яратади.

Бону мушфиқ ва меҳрибон онагина эмас, балки шу билан бирга у тадбирли, тажрибали давлат арбоби ва заковатли олима ҳамдир. Бону Искандарнинг адолат ва осойишталик йўлидаги хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, олимларнинг илмий фаолиятига ҳомийлик қилади. Бону образи, хусусан, асарнинг хотимасида ёрқинроқ намоён бўлади. Искандар вафот этади. Фарзандидан жудо бўлган қари она қаттиқ алам-изтиробга тушади.

Ўкурсам эди оқ сочимни ёйиб,
Келиб гоҳ ўзумга, гаҳи сустойиб...

деб Бону фарёд чекади, нола-фиғон қилади. Бироқ фарёд чекиб, нола-фиғон қилиш фойдасиз. Сабр-бардош керак. Искандар ҳам ёзган васият мактубида шуни талаб этган. Таъзияга келган етти олим Бонунинг фазилатларини таърифлаб, уни сабр-бардош қилишга чақирадилар. Она таскин топади. Олимлар билан бирга Искандарнинг ишларини давом эттириб, адолат билан Румни бошқаради. Бону образи ўз сифат ва фазилатлари билан «Фарҳод ва Ширин»даги Меҳинбону образига яқин, унга уйғундир.

[1] 75-бобда Искандар саволига Суқрот, 80-бобда эса Луқмон жавоб беради.

Луъбати Чин мислсиз жасоратли қиз. Мағрибда ваҳшийлар бошлиғи билан яккама-якка жангга Искандарнинг йигитлари ботинолмай турганда, ниқобланган Луъбати Чин майдонга тушади, жасорати, чаққонлиги ва куч-қуввати билан уни енгади. Шу билан у Искандар қўшинини мағлубият ва шармандаликдан қутқариб қолади. (Низомий достонида Луъбати Чин ваҳшийларга асир тушиб, уни Искандар аскарлари озод этади. Навоий эса бу образнинг воқеалар ривожидаги ўрни, унинг жасорати ва баҳодирлигини кучайтириб тасвирлайди. Низомий достонида Искандар Луъбати Чинга ҳам уйланади. Навоий буни ортиқча ҳисоблайди, тушириб қолдиради.) Луъбати Чин халқ эртаклари ва достонларидагн қаҳрамон хотин-қизлар образига жўр ва уйғундир.

Бону ва Луъбати Чин каби образлар орқали Навоий хотин-қизлар ҳақидаги гуманистик қарашларини янада бойитади, такомиллаштиради.

* * *

«Садди Искандарий»да биз характерлаган юқоридаги образлардан ташқари яна бир қатор ижобий ва салбий образлар бор. Тадбиркорлиги ва фаҳм-фаросати билан даҳшатли урушнинг олдини олган Ҳинд шоҳи ва Чин хоқони, бир қатор ўлкаларни эзиб талаган мустабид Доро, худбин ва золим Кашмир подшоси Маллу ва бошқалар шулар жумласидандир. Чумолисимон ҳайвонлар, ваҳшийлар ва бошқалар эса ёмонликнинг, зулмат ва даҳшатнинг тимсолидир. Инсон, унинг ақл-идроки ва куч-қудрати буларнинг барчасини маҳв этиши, енгиши керак. Искандар бошлиқ яхшилик кучлари ёмонлик кучларини енгиб, маҳв этадилар. Бу Навоийнинг инсонга, унннг ақли ва қудратига, келажагига бўлган умид ва ишончнинг жўшқин ифодаси эди.

* * *

«Садди Искандарий» «Хамса»нинг энг катта достонидир. У 7215 байт (14430 мисра) дан ташкил топган. Достон 89 бўлимдан иборат. «Садди Искандарий» ўз композицияси билан «Хамса»нинг бошқа достонларидан ҳам, бошқа хамсанависларнинг шу мавзудаги достонларидан ҳам тубдан фарқ қилади. Достон муқаддима, асосий қисм ва хотимадан ташкил топган. Дастлабки 14 боб достоннинг муқаддимасидир. Муқаддимани моҳият эътибори билан бир-бирига яқин турган ва узвий боғланган 4 қисмга бўлиш мумкин: 1. Ҳамд, муножот, наът, меърож; 2. Хамса такмилида, сўз таърифида, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Жомий таърифида; 3. Ҳусайн Бойқаро ва Баддиуззамон мадҳи; 4. Тарих илми ва қадимги Эрон шоҳларининг 4 табақоти. XV бўлимдан достоннинг асосий қисми бошланади. XV бўлимда Навоий Искандарнинг туғилиши ва ёшлик йилларини тасвирлайди (бу бўлим Искандар саргузаштларининг ўзига хос бир дебочасидир). XVI бўлимда подшо ва донишманд Искандар саргузаштлари баёнига ўтилади, шу бўлимдан бошлаб достон композицияси тамомила янги негизга эга бўлади, достоннинг ҳар тўрт бўлими ягона бир боб бўлиб бирикади. Достоннинг ғоявий моҳиятини мукаммал ёритиш, қўйилган масалаларни ҳал этиш учун Искандарнинг саргузаштларинигина тасвирлаш кифоя қилмайди. Ҳар бир эпизодни, Искандарнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини, унинг сифат ва фазилатларини назарий жиҳатдан асослаш, маълум бир замин яратиш керак. Бинобарин, Навоий Искандарнинг саргузаштига доир бирор эпизодни ҳикоя қилишдан аввал бобга 3 та бўлим (назарий муқаддима, ҳикоя ва Искандарнинг саволига Арастунинг жавоби) киритади. Шу зайлда достоннинг асосий қисмлари бўлган 64 бўлим ғоявий-бадиий мужассамлашган 16 бобга бирикади. Масалан, Навоий Искандарнинг тахтга чиқиши эпизоди тасвиридан (XIX бўлим) олдин ҳиммат (XVI

бўлим), Искандар билан гадо ҳикояси (XVII бўлим) ва Искандар билан Арастунинг савол-жавоби (XVIII бўлим) бўлимларини беради. Тўрттала бўлимнинг ҳам мавзуси бир бўлиб, ҳиммат масаласига бағишланади. XVI бўлимда шоир ҳиммат ҳақида фикр юритиб, киши мансаб-мартабаси билан эмас, балки ҳиммати ва саховати билан олий мақомга интилиши лозим деган ғояни илгари суради. XVII бўлим – ҳикоя шу ғояга бир кўргазма бўлиб хизмат қилади. Шоҳликдан гадоликни авло кўрган девонанинг олиҳимматига Искандар тан бериб, лол қолади. Ҳикоя қиссадан ҳисса чиқарувчи:

Гадойики бўлғай буюк ҳиммати,
Анга паст эрур шоҳлиғ рифъати.
Чу ҳиммат баланд ўлди, эрса фақир
Кўзига эрур аср шоҳи ҳақир,

мисралари билан тугайди (Бу ҳикоя «Мифтоҳул-адл»да ҳам келтирилади). Искандарнинг саволига Арастунинг жавоби (XVIII бўлим) Искандар билан гадо ҳикоясининг ғоявий мотивини давом эттиради, ривожлантиради. Шулардан сўнг Искандарнинг тож-тахтга интилмаслиги, унинг халқ хоҳишини қайтаролмай тахтга чиқиши, эл-юртга ҳиммат ва саховат қилиши баён этилади.

Кейинги боб Искандар билан Доро ўртасидаги можароларга бағишланади. XXIII бўлимда Искандарнинг Дорога хирож тўламай қўйиши, Искандарнинг ҳақлиги, Доронинг ноҳақлиги баён этилади. Адолат таърифи (XX бўлим), Маҳмуд ҳикояси (XXI бўлим) ва адолатнинг натижаси ҳақида Арастунинг Искандар саволига жавоби (XXII бўлим) Искандар билан Доро можароларининг моҳиятини англашга, Искандарнинг позициясини қувватлаш ва Доронинг истибдодини қоралашга хизмат қилади. Навбатдаги боб Искандар билан Доро ўртасидаги ихтилофларнинг ҳарбий тўқнашувга айланиб кетишини, Искандарнинг ғалабаси ва Доронинг мағлубиятини тасвирлайди. Шу бобнинг биринчи бўлимида (XXIV бўлим) шоир мухолафат (бир-бирига ихтилоф қилиш) мазамматида мухолафатни қаттиқ қоралайди, ҳукмронларнинг ихтилофи туфайли вужудга келган ўзаро урушлар ва уларнинг даҳшатли оқибатларини кўрсатади:

Бу гўё жаҳон ичра тўфон эрур,
Ки андин жаҳон аҳли вайрон эрур.
Не тўфон, бало баҳри чайқолғони,
Жаҳон аҳли сув остиға қолғони...
Адоватқа боғлаб камар икки шоҳ,
Жаҳон аҳлини айлаб икки сипоҳ...
Ато бир тараф гар эрур, филмасал,
Яна жониб ўлса ўғулға маҳал.
Иккисига кин ўти солғай ғазаб,
Ул ўт қон ичарга қилиб ташна лаб.
Ато жон бериб, ўғлин ўлтургали,
Ўғул ҳам анга тиғи қин сургали.
Қариндош топса қариндошини,
Дамодам тилаб кесгали бошини,
Тушуб ошноларға бегоналиқ,
Кетиб ҳамнишинларга ҳамхоналиқ...

XXV бўлимда шоир XXIV бўлимдаги мулоҳазаларини ҳикояда мужассамлаштириб, Чингизхон билан Хоразмшоҳ ихтилофларининг даҳшатли оқибатларини тасвирлайди. Модомики, ихтилоф шундай оқибатларга олиб келар экан, у тақдирда Искандар билан Доро ўртасидаги ихтилофларга қандай баҳо бериш керак. Бу саволга XXVI бўлимда Арасту жавоб бериб, илм-фан аҳллари умуман низо-адоватни рад этадилар, бироқ низо-адоватни тинчлик йўли билан бартараф этиб бўлмаса, у тақдирда адолатни қурол кучи билан ҳимоя этишга ижобий қарайдилар, деб жавоб беради. Бу билан Искандарнинг Дорога қарши кураши оқланади.

Бошқа боблар ҳам шу зайлда қурилган. Навоий мушоҳада, мунозара, ҳикоя ва катта эпик ривоятни бир-бирига уйғунлаштирадп, сўз санъатининг турли усулларини бир асарда мужассамлаштиради. «Садди Искандарий»нинг композиция усули достончилик ривожида катта ва янги бир қадам бўлган эди. Хусрав Деҳлавий ҳам «Ойинаи Искандарий» бобларини уч бўлимга (назарий, ҳикоя, саргузашт эпизоди) ажратган эди.

Навоий боблар охиридаги лирик хотимани ҳам такомиллаштиради. Низомий «Искандарнома»нинг «Шарафнома» қисмида соқийга, «Иқболнома» қисмида мутрибга мурожаат қилади. Хусрав Деҳлавий эса ҳар бир лирик хотимада ҳам соқийга, ҳам мутрибга мурожаат қилади. Алишер Навоий соқий ва мутриб ёнига ўзини ҳам қўшиб, ўз-ўзига мурожаат билан бобдаги воқеа-ҳодисага ўз муносабатини ифодалайди, хулоса ясайди.

«Садди Искандарий» кескин зиддият, кураш ва тўқнашувлар асосига қурилган достондир. Достоннинг деярли ҳар бир боби ўзига хос зиддиятга эга. Бироқ барча зиддиятларни жамловчи достоннинг умумий зиддияти ҳам бор. Бу адолат билан зулм, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашдир. Бу кураш назарий муқаддимада ҳам, ҳикояда ҳам, Искандар билан Арастунинг савол-жавоби ва саргузашт эпизодда ҳам ўз ифодасини топади. Барча йирик эпик асарларда бўлгани каби бу конфликт бир неча бор ўз ҳадди аълосига бориб етади. Қирвон ўлкасида яъжуж ва маъжужларга қарши кураш – конфликтнинг чўққиси. Искандар бошчилигида турли ўлка фарзандлари қурган сад бу конфликтни ечади, инсоният зулмат ва даҳшат ҳамласидан абадий нажот топади. Достоннинг «Садди Искандарий» деб номланиши ҳам шу билан боғлиқдир. Конфликтда, кураш ва тўқнашувларда достон қаҳрамонлари ҳам ўсиб-такомиллашиб борадилар. Бу, биринчи навбатда, достоннинг бош қаҳрамони – Искандарга тааллуқлидир. Шоир образларнинг ички кечинмалари (масалан, Искандарга аза тутган Бону ёки Равшанакка қарши рашк ўти билан ёнган Меҳрноз) ва ташқи қиёфаларини (Луъбати Чин, Меҳрноз ва бошқалар) моҳирлик билан тасвирлайди.

Навоий бадиий тасвирнинг улкан устозларидандир. У «Садди Искандарий»да реал ҳаёт лавҳаларини, табиат манзараларини қанчалик моҳирлик билан тасвирласа, шунчалик катта санъаткорлик билан фантастик манзараларни, афсонавий махлуқотларни, ғаройиб воқеаларни чизади. Мағриб ва Қирвон тасвири, у ердаги воқеалар, денгиз сафари ва ажойиботлари шулар жумласидандир. Бундай тасвирий ўринларда, шубҳасиз, Навоий халқ ижодидан, айниқса, эртаклардан илҳомланган. «Садди Искандарий»да реалистик тасвир билан бадиий фантазия, кўпинча, бир-бири билан узвий боғланиб, бирикиб боради, шоир романтик тасвирдан реалистик хулоса чиқаради. Масалан, яъжуж ва маъжужларга қарши кураш романтик тасвир билан берилган, лекин шоир бундан реалистик хулоса чиқариб, агар кишилар аҳил-иттифоқ бўлишса, зулм ва зулмат йўлларига кечиб бўлмас ғов қуриш мумкин деган хулоса чиқаради. Ёки денгиз тасвирини олайлик. Бу тасвир қанчалик фантастик бўлмасин, унинг моҳиятида реал мақсад ва ишонч бор: инсон ақл-заковати табиат сирларини кашф қилишга қодирдир.

«Садди Искандарий», XV аср муҳити заминида туғилган ғоявий зиддиятларга қарамай, ўз моҳияти билан халқчил асардир. Чунки унинг замирида халқ бахт-саодати учун, халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун кураш ғояси ётади. Муаллифнинг халқ оғзаки ижодидан илҳомланиши, унинг бойликларидан ижодий фойдаланиши эса достоннинг халқчиллик моҳиятини янада ривожлантиради. Фантастик тасвир ўринларида халқ ижодига мурожаат этиб, уининг услубидан баҳраманд бўлган Навоий боблардаги «Искандар ва гадо» ҳикояти, «Мажнун ҳикояти», «Икки рафиқ ҳикояти», «Булбул ҳикояти», «Кабутар ҳикояти» ва бошқаларни халқ ижоди (ёки халқ ижоди асосида вужудга келган ёзма адабиёт асари) материаллари асосида яратади. Шу билан бирга Навоий халқ қўшиқларидан, халқ мақоллари ва таъбирларидан ҳам унумли фойдаланади. Масалан, у Искандарнинг Равшанак ва Меҳрнозга тўйини тасвирлар экан, қуйидаги ўланни келтиради:

Муғанний тузуб чинга вазнида чанг,
Наво чекки, ҳай ҳай ўланг, жон ўланг!
Десанг сенки: жон қардошим ёр-ёр!
Мен айтайки: мунглуғ бошим ёр-ёр!
Навоий, чу сарманзилинг Чингадур,
Сурундунг доғи сур аро чингадур.
Аёлғунг неча ёр-ёр ўлғуси,
Менинг йиғларим зор-зор ўлғуси.

У қуйидаги мисраларда халқ мақоллари ва таъбирларини ишлатади:

Биҳамдиллаҳ ул гул топиб ранг-бў,
Бир оққан ариққа яна оқти сув.
Ҳамул гўй отилғач қочиб як-баяк,
Масалдурки: «Минг қарғага бир кесак».
Қачон сочса туфроққа буғдой бирав,
Йўқ имконким ул арпа қилғай дарав.
Ва гар арпа ҳам сочса бўлмоққа тўқ,
Анга буғдой ўрмоғнинг имкони йўқ.
Тааммул била ком пайдо бўлур,
Таҳаммул билан ғўра ҳалво бўлур,
Не хуш дебдур ул дардманди фироқ,
Ки: «Оз бахт-кўп ҳусндин яхшироқ».
Улус чеҳраи оламафрузидин,
«Билур йил келишини наврўзидин»

ва бошқалар.

Шунингдек Навоий:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қобоғлари кенг-кенг, оғизлари тор

каби халқ шеърларидек ҳароратли, жўшқин ва бадиий содда мисралар ҳам яратган.

«Садди Искандарий» қаҳрамонлик достонининг анъанавий вазни мутақорибда (фаулун-фаулун-фаулун-фаул) ёзилган.

* * *

«Садди Искаидарий» Навоий яшаган даврнинг энг муҳим масалаларига бағишланган достондир. Бош қаҳрамон Искандар романтик образ бўлса ҳам, қўйилган ижтимоий-сиёсий масалалар романтик тарзда ҳал этилса ҳам, достон жуда катта ҳаётий-реалистик қимматга эга эди. Чунки ўзаро урушларни қоралаш, марказлашган ҳокимият учун, осойишталик ва адолат учун кураш – XV асрнинг энг тараққийпарвар, халқчил интилишлари ва орзу-армонларини ифодалар эди. Романтик образ ва романтик тасаввур шу заминда туғилган эди. Навоий «Садди Искандарий»ни бевосита XV аср ҳаёти воқеалари, шарт-шароити, урф-одати ва бошқалар билан бойитади, унинг замонавий қимматини оширади. Масалан, у подшо халқ ва қўшин ишончини, муҳаббатини қозонмаса, уни ҳалокат кутади, деган ғояни ифодалар экан, темурий подшолардан Абусаид Мирзо ҳақида ҳикоя келтиради: Абусаид мирзо кўп мулк олди, олтин-кумуш йиғди, бироқ эли ҳам, қўшини ҳам ундан рози эмас эди. Бинобарин, уруш чоғида қўшин уни қўллаб қувватламади, Абдусаид жанг майдонида ҳалок бўлди.

Шоир Искандарнинг Мовароуннаҳрга юришини тасвирлар экан, Кўҳак тоғини:

Ҳамул пуштаким Кўҳак топти, исм,
Не пушта жаҳон ганжи узра тилсим.
Ушоқ тош анга лаълу инжу киби,
Яшил сабзаси чархи мийну киби, –

деб тасвирлайди, бироқ Кўҳак (Зарафшон) сувининг фойдасиз оқиб кетишини тасвирлаб:

Ва лекин бу рудеки, дерлар Кўҳак,
Ки йўқ равзанинг наҳри эрконга шак,
Ки ичгач тавоно бўлиб нотавон,
Гузар айлабон умр янглиғ равон,
Ки андин не бир шаҳр обод ўлуб,
Не маъмурасидин биров шод ўлуб,

дер экан, унинг Мовароуннаҳр ва Хуросон дарёларидан хўжалик учун фойдаланишга интилиши, орзу-хаёлларини эслаймиз. Ўзаро урушлар даҳшати тасвири, ҳарбий қуролларнинг турлари, Искандарнинг хазина ишларида қаттиқ тартиб ўрнатиши ва бошқа-бошқаларни олайлик. Булар Навоий замонаси билан яқиндан боғлиқ эди. Худди шунингдек, Искандарнинг тўйи, Бонунинг мотам тутиши ва бошқа урф-одат, расм-русмлар ҳам Навоий замонасини, ўзбек халқининг маиший ҳаёти манзараларини эслатади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Достон маърифий ва илмий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Унда биз турли халқ, элат ва қабилалар номини, қуроллар номини, Рум, Мағриб, Зангибор, Фаранг, Қирим, Андалуз, Миср, Искандария, Ироқи Ажам, Ироқи Араб, Шом, Ҳалаб, Макка, Форс, Хоразм, Дашти Қипчоқ, Ос, Рус, Чаркас, Гуржа, Фархор, Мовароуннаҳр, Самарқанд, Ҳирот, Сипоҳон, Рай, Мурғоб, Руд, Гажрот, Марв, Чаҳчарон ва яна бир қатор географик атамаларни учратамиз. Достон ўзбек халқ этнографиясини ўрганиш учун ҳам кўп ва қимматли материал беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, ёзма ва оғзаки манбалардан, адабий анъаналардан ижодий фойдаланган Навоий яшаган даврнинг энг муҳим масалалари бўйича инсонпарвар фикр-идрокнинг ажойиб бадиий тажассуми бўлган, оригинал достон – «Садди

Искандарий»ни яратиб, «Хамса» бўйича катта ва масъулиятли ишини зўр муваффақият билан адо этган эди.

ХУЛОСА

Биз Навоий «Хамса»синининг достонлари билан танишиб чиқдик. Энди якунга ўтайлик. Зотан, Навоийнинг ўзи «Садди Искандарий»нинг хотимасида бутун «Хамса»сига ажойиб ва мукаммал бир якун ясаган. Бу якун «Хамса» ҳақида баҳсимизнинг ҳам энг мувофиқ якуни бўлади, деб ўйлаймиз.

Навоий бешинчи достони – «Садди Искандарий»нинг охирги мисраларини ёзиб тугатади. Шоир қисқа бир вақтда бешта катта довон ошди. Тўрт достони адабиёт аҳлларига, китобхонларга манзур бўлиб, юксак баҳоланди. Катта ижодий тажриба тўплаган Навоий бешинчи достонининг ҳам муваффақият қозонишига ишончи комил. Асар муаллифнинг ўзига манзур ва маъқул. Бироқ адабиёт аҳллари, китобхонлар уни қандай кутиб олар ва мулоҳаза юритар экан? Тугалланган «Хамса» қандай умумий баҳо олар экан?

Бошқа адабиёт аҳллари ва китобхонларнииг фикр-мулоҳазаларини олишга қадар энг мўътабар шоир ва устоз санъаткор – Абдураҳмон Жомий, баҳосини олиши керак. Навоий «Хамса» ёзиш нияти ва орзуларини унга айтиб, фикр-мулоҳазаларини олган, достонларини ҳаммадан бурун унинг муҳокамасига тақдим қилган эди. Якунловчи баҳони ҳам Жомийдан олиш ўйлари билан Навоий Жомийнинг даргоҳига йўл олади. «Хамса»ни унга узатади. Жомий мамнуният билан бир қўлини Навоийнинг елкасига ташлаб, иккинчи қўли билан «Хамса»ни варақлай бошлайди. Шунда Навоий ажойиб бир хаёл оламига ғарқ бўлади.

Навоий гўзал бир чаманда. У чаманни шодлик ва мамнуният билан кезиб юрар экан, узоқда суҳбатлашиб ўтирган бир тўда кишилар давраси намоён бўлади. Даврадагилардан бир киши Навоийга томон йўл олади, у билан саломлашиб, даврага таклиф қилади. Бу киши буюк Хусрав Деҳлавийнинг шогирди атоқли шоир Ҳасан Деҳлавий экан. Даврага томон одимлаб борилар экан, Ҳасан Деҳлавий Навоийни суҳбат аҳли билан таништиради: тўрда ўтирган Низомий Ганжавий, унинг ўнг томонида Хусрав Деҳлавий, чап томонида Абдураҳмон Жомий, икки томонда Фирдавсий, Унсурий, Саноий, Хоқоний, Анварий, Саъдий ва яна кўп бошқа сўз усталари. Навоийни кўриш билан ҳамма ўрнидан туради, унинг бир қўлидан Хусрав Деҳлавий, иккинчи қўлидан Абдураҳмон Жомий тутиб, Низомий ёнига ўтқизадилар. Низомий ҳол-аҳвол сўрагандан кейин Навоий «Хамса»сини таърифлаб:

Яна деди: «Кей олам аҳлида фард,
Фалак таъбинга келмайин ҳамнавард.
Сипеҳр айлаб эл ичра нодир сени,
Жаҳон назми таврида қодир сени.
Ғазал таврида чунки қилдинг хиром,
Сўз аҳлиға сўз дерни қилдинг ҳаром.,
Тутуб эрди назминг жаҳон кишварнн,
Жаҳон кишварин йўққи, жон кишварин.
Бу дам маснавийғаким айлаб шитоб,
Тўка бошладинг хомадин дурри ноб.
Ажаб иш бу ишда санга берди даст,

Ки эл назмиға берди назминг шикаст...
Ниёзинг чу бу навъ ўлуб беадад,
Санга биз ҳам айлаб ададсиз мадад,
Йўқ эрса эрур асру савдойи хом,
Ики йилда бир «Хамса» қилмоқ тамом!
Қаю «Хамса», беш гавҳар омуда ганж,
Тасарруф жафосидин осуда ганж,

дейди. Суҳбат тугайди. Навоий хаёл оламидан қайтади. Жомий ҳамон завқ-шавқ билан «Хамса»ни варақлар эди. У охирги саҳифани қайтарар экан, мислсиз шодлик ва мамнунлик билан Навоийга таҳсин ўқийди.

Навоийнинг хаёли хаёл эмас, балки айни ҳақиқат эди. У буюк сўз санъаткорлари, хамсанавислар билан ижодий баҳслашган, катта синовда мислсиз муваффақиятларга эришган эди. Унинг адабиёт тарихидаги ўрни Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Жомий каби доҳий санъаткорлар қаторида эди. Бу тарихнинг, сўз санъати тараққиётининг, асрларнинг баҳоси ва фахри эди.

СЎНГСЎЗ

Шарқ адабиётининг билимдони профессор Натан Муродович Маллаев умр бўйи Навоий ижодини тадқиқ ва ташвиқ этиш билан шуғулланди. Олим дастлаб бу борада қўлга киритган ютуқларини ўрта мактаблар ва олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари учун ёзган дарсликларига киритди. "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги 2001 йил Пешоварда форс тилига ўгирилиб, нашр қилинган. Кейинчалик "Из вечного родника", "Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди", "Асрлар эътирофи ва таъзими", "Навоий ижодиётининг халқчил негизи", "Навоий. Лирика", "Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири" (ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида) асарларини яратиб, шоир ижодини кенг қамровли режа асосида тугал, теран таҳлил қилди.

"Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди" монографияси билан ўзбек адабиётшунослигида янги: классик адабиёт ва халқ оғзаки ижоди йўналишини бошлаб берди. Шундан сўнг олимнинг шогирдлари ҳамда сафдошлари "Лутфий ва халқ оғзаки ижоди", "Рабғузий ва фольклор", "Бобур ва халқ оғзаки ижоди", "Огаҳий шеъриятида фольклор анъаналари" сингари мавзуларда тадқиқотлар олиб бордилар ва бу жараён бугунги кунда ҳам давом эттирилмоқда.

Н.Маллаев шўро тузуми, коммунистик мафкура тазйиқи остида Навоий ижодини анчайин изчил, чуқур таҳлил қилишга интилган. Ана шу жараёнда у Навоий ва антик дунё, Навоий ва космогония, шоир асарларидаги муқаддимот: ҳамд, наът, бағишлов ҳамда асарларнинг илмий, маърифий, тарбиявий аҳамияти, тасаввуфий моҳияти ҳақида илмий тўплам, журналларда мақолалар эълон қилган.

Заҳматкаш олим Навоий "Хамса"сини таҳлил қилар экан, унда тасвирланган Хисрав Парвез, Баҳром Гўр ҳамда Ширин образлари генезисини ёритишга ҳаракат қилади: кўплаб ёзма манбалар, оғзаки ижод маҳсулларини ўрганиб чиқади; Фирдавсий, Низомий, Хусрав Деҳлавий асарларини қиёсий-типологик усулда ўрганиб, таҳлил қилади. Ўрганишлар натижасида "X-XII асрлар адабиёти" монографияси, "Абулқосим Фирдавсий", "Низомий Ганжавий" рисолалари яратилди. Қўлингиздаги "Сўз санъатининг гултожи" ушбу тадқиқотларнинг узвий давоми сифатида яратилган. Хулоса қилиб айтганда, сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мазкур асар муаллифи Натан Муродович Маллаев соҳа билимдонлари эътироф этган забардаст навоийшунос эдилар.

Ҳамиджон Ҳомидий,
филология фанлари доктори
Озода Тожибоева,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

БОТИРХОН АКРАМОВ

ФАСОҲАТ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Бу китоб жафокаш аллома, улуғ миллатпарвар зот Ҳамид Сулаймон хотирасига бағишланади.
Муаллиф

ДЕБОЧА

Фасоҳат – шеърий нутқ гўзаллиги, унинг хос, инжа қонун-қоидалари. Шоир – сўз мулкининг заршунос хозини, улуғ ҳаками ва подшоси. Шеъриятнинг илҳомчи фариштаси – «мунҳийи роз еткурган нидо» – пинҳоний руҳий садодан бизга аён бўладики, Мир Алишер Навоий «фасоҳат мулкининг соҳибқирони»дир. Бундай қутлуғу шариф ҳамда ғоят масъулиятли таъриф-фахрия илк бор шоирнинг ўзи тартиб берган «Бадоеъ ул-бидоя» дебоча-сида қайд этилган. Айни замонда ўша муқаддимада Навоий ўзини шеър чаманининг «маломат булбули» деб атайди, бу дардли киноя – пурмаъно мажозий нисбатда буюк шоир қисматининг азал ва абадият, ижтимоий ҳаёт ва ижодиёт зиддиятлари билан нечоғлик чулғаб олинганлиги ўзининг фавқулодда ёрқин, мухтасар ифодасини топган.

Мазкур рисоланинг мундарижаси ҳам ўзгача, оригинал. Ундан кузатилган эзгу муддао – мурод ҳазрат Навоий байтларининг ҳали тадқиқ қалами урилмаган сарийб фазилату аломатларини тадқиқ этиш – баҳоли имкон шарҳлаб беришдир. Яъни: Навоийнинг том маънода бебаҳо инсоний ва илоҳий лирикаси – рубобий шеърияти. Туркий тилдаги сўз даҳосининг ноёб шоҳбайтлари мазмуни, талқини. Соҳир санъаткорнинг бир-биридан жозиб тимсоли-образлари. Уларнинг бир-биридан нафису мўъжиз маъно қирралари, сирли-ғаройиб бадиий-мантиқий, мусиқий-тасвирий жилолари. Махсус терма байтларнинг мавзу-ғоялар миқёси, рангинлиги, фалсафий моҳияти, руҳий тераниклари, санъат, бадиият сирлари. Навоий рубобий-лирик қаҳрамонининг комил ва солим дунёси – инсоний суврати, илоҳий-самовий сийрати. Улуғ мураббий, беназир ижодкор шахси, унинг нурли-сафобахш жилоланиши – тажаллийси. Шоҳбайтларда инсон, унинг тақдири, дунёвий-мажозий ва ҳақиқий-илоҳий ишқ муаммолари. Қадимий руҳий илдизларга, маънавий анъаналарга, сўз санъатининг сарчашмаси – битмас-туганмас бадиий манбаларга ижодий муносабат намунаси. Шоҳбайтларда реал ҳақиқат (замон ва «аҳли замон» ифодаси) ва буюк хаёлот нисбати. Халқона-миллий ва умумбашарий қадриятларнинг «Алишерий» (Бобур) уйғунлиги. Ниҳоят, улуғ шоир санъатхонаси: «сўз лавҳи»га чизилган нафису нуктадон образ-тимсоллар, руҳият манзаралари – «сўз гуҳари»нинг фақат Навоий қалами инкишоф этишга қодир шоирона, мусаввирона, мутрибона, файласуфона қирралари... Чунончи, Навоийнинг буюк жафокаш ва фидойи қаҳрамони – ошиқ ҳасратлари қуйидаги, зоҳиран қараганда, оддий-тавсифий рубоийда бутунлиги, аниқ ва ёрқинлиги билан ўз ифодасини топган:

Кўнгул гулу сарв майли қилмас, нетайин,
Сарву гул ила даме очилмас, нетайин,
Ҳар шўх кўрунса кўзга илмас нетайин,
Бир шўхким ул тилар – топилмас, нетайин?!

Ўша хаёлдаги гўзалликнинг мужассам тимсоли – «бир шўх» лоларуҳни, кенг маънода, ахлоқда малакий..., башар суврати билан келган, атворда фариштa..., инсон ҳайъатида зуҳур қилғон, камолотда якто – идеал ёру ҳабиб зотни Навоий бир умр излаб ўтди, «кўн-

глим тилар – топилмас, нетайин?» – дея бамисоли фалак буржларида ҳам шарору акс садо бергудек ўтли оҳу фиғонлар чекди; фожеъ қисмати ҳақида: «...Ўз қотиқ ҳолимга ўлмастин бурун мотам тутай» дейишгача бориб етди... Айни замонда бу валий зот ўзидан эл-улусга етган дарё-дарё моддий, руҳий, маънавий наф – хайрият, саховат, маърифат неъматларини қатрача кўрди ва аксинча, баъзи инсоф-тавфиқли одамлардан қайтган заррача яхшиликни дарё баробарида қадрлади. Аслида улуғ пири муршиди Абдураҳмон Жомийга бағишланган бу шоҳбайтни («Ўзидан элга дарё – қатра осо, Вале элдин ўзига қатра – дарё») Навоий сиймоси, ўзлиги, сажиясининг ёрқин тимсоли деса бўлади.

Заҳириддин Бобур Ҳиротда бўлган кунларида Навоий мақбарасини, улуғ шоир бунёд этган «Ихлосия», «Халосия», «Унсия» каби хонақоҳларни, бошқа азиз эҳром ва қадамжоларни не асру хаёл, не азобли руҳий ҳолат билан тавоф қилар экан, буюк жаҳонгашта умрнинг тансиқ ва қутлуғ хотироти учун ўзининг хаттоту саҳҳофларига шундай амр қилади: Навоий куллиётидан шахсан Бобурнинг ўзи назардан ўтказган терма байтларни махсус зарварақларга кўчирсинлар... Тазкиранавислар бундай сайланма шеърий сатрларни шоҳбайтлар деб атайдилар. Бизда ҳам ана шу табаррук анъанага ихлос ва эҳтиром рамзи сифатида сўз даҳосининг асосан рубобий-лирик девонларидан, қисман эпик достонларидан кузатилган мақсадга мувофиқ ва матлуб шоҳбайтларни олиб, баҳоли имкон шарҳлаб беришга руҳий эҳтиёж туғилгандир. Илло, Навоий шоҳбайтлари – бир эмас, бир неча бор қайта таҳқиқ ва таҳлил қилган билан маъно-моҳияти ниҳоя билмайдиган самовий чексизу теран руҳий, фалсафий, маънавий, бадиий қирраларга эга бўлган мўъжиз миниатюр оламдир. Ҳазрат Навоийнинг сўз тартиби ва тарҳидан рағбат олиб, терма байтлар шарҳини махсус мақолатларга ажратишга журъат этдик.

БИРИНЧИ МАҚОЛАТ
РУҲ УЛ-ҚУДС «РАВОН АЙЛАГАН» ҚАЛАМ

Нуқта сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.

Мусулмон шарқининг соҳир сўз санъаткорлари – зуллисонайн (форсий ва туркий) шеърият даҳолари сафида фахрли мақомни эгаллаган Алишер Навоий шоир истеъдоди ва масъулиятини «Тенгри эҳсони» сифатида қанчалар эъзозлаган бўлса, шеър яратиш дардини, шавқу рағбатини шунчалар эркин кечиради, бу буюк, илоҳий иноят – мукофот учун комил шукронаю фахрия айтади. Шоҳбайт:

Агар хоса маъни, гар ийҳом эрур,
Онинг – кунда юз байти ҳалвом эрур...

Бу мисралар замирига яширинган нозик сир «хоса маъни», «ийҳом» сўзларида мужассамланган нуктадонликдир. Навоий қаламининг мўъжизакор қудратидан, «кунда юз байт» шеър битилса, не ажаб?! Зеро, бу ҳол ҳалвопаз устанинг ўз меҳнатидан, йўқ, аниқроғи, ўз санъатидан завқ-шавқ олишига муқояса қилиниши бежиз эмас. Хусусан, улуғ шоир камёб ва мураккаб шеърий санъатлар воситасида ишланадиган шоҳбайтларни кўзда тутаётгани эътиборлидир. Ҳар ҳолда, Навоий чуқур руҳий қониқиш ҳисси, фақат буюкларга хос қонуний фахрия туйғуси билан нақл этган, ҳар бир истеъдодли шоир ҳам «кунда» уддалай олиши қийин бўлган «хоса маъни», «ийҳом» усуллари ўзи нима эканини дурустроқ билмай туриб, даҳо сўз санъаткорининг шеър, фасоҳат дунёси ҳақида бир қадар аниқ тасаввур ҳосил қилиш мушкул. Шунинг учун дастлаб ўша ноёб санъат усулларида шаклланган терма байт намуналарига разм солиб, уларнинг мағзини чақиб кўрайлик-чи. Шоҳбайт:

Бош қўяй дедим аёғи туфроғига, деди: қўй.
Бўса истаб лаъли рангин сўрсам эрди, деди: ол.

Бу байтда бир-бири-ла маъно-баҳо талашадиган икки ўзгача лавҳа-образ мавжуд, улар «қўй», «ол» сўзларининг тажнисли (омонимли), жами тўрт қиррадаги, фақат шеърият санъатига хос нозикхаёллик – нуктадонликдан иборат. Уларни алоҳида-алоҳида шарҳлаб бермагунча «ийҳом»нинг моҳиятини, демак, байтнинг бутун нафосати, жозиба сирини таҳқиқ этиш имконсиз. Биринчи мисранинг ўзаро муқобил маъноси: (1) Навоийнинг лирик қаҳрамони – ошиқ муҳаббат қисматининг зиддиятлари – лазизу умидвор хаёлларга ва ҳажр озорлари, маҳрумликларига рози бўлиб, барча синовларга дош бериб, маҳбубанинг оёқларимас, балки гарди – «туфроғига» бош қўяр даражага бориб етса (бу хоксору ҳақир насибани ошиқлик бахти деб билса) ҳам, у шўҳу бепарво мудом писанд қилмайди, ошиқ илтижоларини бедардларча рад этади. Демак, маҳбубнинг ё ўзга бировга кўнгли бор, ё – ушшоқ аҳволига лоқайдлик, меҳру вафо шевасидан узоқлик бу мағрур, бераҳм лоларуҳнинг касби – одати; (2) йўқ, ошиқнинг толеига – маҳбуби бағритош гўзаллар тоифасидан эмас, у ишқ ўти – сўзони нима эканини ўз шайдосидан кам билмайди ва ҳажр синовлари давомида шундай руҳий қаноат ҳосил қилганки, ошиқ ишқ дардини қисмат хоҳиши, илоҳий эътиқод деб билишини, поклиги, фидойилиги билан вафонинг мужассам тимсоли бўлиб қолишини

намоён қилди. Бас, унинг муҳаббатига муносиб жавоб қилса, ҳижрон захмларига висол ризолиги – илтифоти билан малҳам бўлса арзийди... Ниҳоят, иккинчи мисранинг зиддиятли маънолари: (1) ҳажрнинг тўзимсиз ранжу қийноқларини, муҳаббат савдоси туфайли келадиган барча маломатларни кечиришга қудрату сабот берган, энг мушкул кунларда дилдаги умид чироғини сўндирмаган мўъжиз туйғу – васл хаёли унинг ғойиб ва ғаройиб мукофоти – илк жонсўз, мастона бўса... истагига фидойи ошиқ ноил бўлса-да, уни очиқ изҳор этишга Навоий – тасаввуридаги комил йигитларга хос ҳаё кучиданми ё бошқа андиша биланми, журъат этолмай, девонавор паришонлик, аниқроғи, орифона тағофилга солиш билан: «Лаълингнинг ранги қандай?» – дея гўё ғалат савол беради. Маҳбуба, табиийки, бундай саросима ичидаги савол маъносини атайин билмаганга олади ва ошиқ журъатсизлигидан кулиб (эҳтимол, уни севмагани учун) бедардларча, ғамзали жавоб қилади: «...Э, наҳотки шуни билмасанг, гўзаллар лабининг ранги қирмизи бўлади-ку?»; (2) Ҳа, сен чин дард аҳлига хос хислатларинг – фазлу камолинг билан муҳаббатдек бебаҳо давлат, мислсиз бахтнинг муборак закоти – масиҳона бўса илтифотига мушарраф бўлмоқ учун ушшоқ аҳли тақдир насибаси деб билган йўлнинг барча синов манзилларини ўтдинг. Сенинг комил инсон, чин ошиқлигинг шундаки, ўзинг восил бўлган пок ва қутлуғ истакни айтишга истиҳола қиласан, зеро, муҳаббат пинҳонийлиги, парда-ибоси билан қадрли (илло: «Кимки ишқи пок эрур, сирри анинг пинҳон керак...»; «Танда жон янглиғ сени жон ичра пинҳон айласам...»). Сенинг рамзий саволингдан менда висол иштиёқи пурзиёд бўлди: муҳаббат ҳаққи-ҳурмати сен тилаган ўша кўнгул ва жон туҳфасини нисор этишга мен розидирман... Шу тариқа ийҳом санъати билан оролантирилган мазкур шоҳбайтда истанг – зоҳирий-ошкор, истанг – ботиний-пинҳоний маъно қирралари – бир-биридан нафис нуктадонликлар шеъриятга хос сўз фасоҳати намуналари сифатида тақдим этилади. Зотан, ийҳом санъатининг жозиба сири – унинг тансиғу камёблигида.

Навбатдаги мисол – Навоий юқорида уста ҳалвопаз санъатига тамсил қилган яна бир нозик ва ноёб шеърий усул – «хоса маъни» шарҳи-баёнида. Шоҳбайт:

Қадинг хажрида юз девор уза қўйдум чу заъфимдин,
Чекилди бир алиф ҳар қатра ашкимдин нишон анда.

Кўнгилдаги хос-маҳрам туйғулар: соғинчу армон, аламу илинж, умиду илтижо, туғёну сабр, шикасталигу фидойилик каби турфа руҳий ҳолатларни мужассам қилган бу терма байтда Навоий қалами қудратини, шеъриятга хос сўз фасоҳатининг намунасини кўриб беихтиёр ҳайратланамиз. Неча ойлар, эҳтимол, неча йиллардан буён ҳажр кўйининг манзилларида, кимсасиз сўқмоғу пучмоқларида дарбадар кезган, эҳтимолки, Мажнун сифат биёбонларда ovораи жаҳон бўлиб, тинка-мадори қуриган бечора ошиқ, ниҳоят, бемажолликдан маҳбуба кўчаси деворига «юз қўйиб», кўз ёшлари тўкила-тўкила силжиб-сурилиб боради (унинг «заъф»лигига қарамай, бир нуқтада тўхтаб қолишига дарднок аҳволи имкон бермайди); шу изтироб ичида деворда кўз ёшларининг «ҳар қатра» сидан маҳбубанинг адл қомати – суврати чизилгандай бир неча «нишон» пайдо бўлади. Бу ғаройиб манзарани шоир ташбеҳи мусалсал (силсилали ташбеҳ) усулида «чекилди бир алиф» деб таърифлайди. Бундай нисбат муқоясанинг фавқулодда латиф ва нозиклигидан ҳам кўра, бизни ошиқнинг мислсиз саботу иродаси замиридаги фожеъ маъно – трагик лавҳа кўпроқ ҳаяжонга солади, хаёлга толдиради; наинки ошиқ учун бу ёруғ жаҳонда маҳбуба қоматининг ҳижрон ёшлари воситасида чекилган акси – паришон суврат-чизиқдан бошқа нажот қолмаган бўлса!? «Хоса маъни» санъатининг фақат Навоий килки-қалами яратишга қодир бундай тан-

сиқ намуналари улуғ шоирнинг санъат мактабига бўлган руҳий-эстетик эҳтиёж нима эканлигини яхшироқ англаб олишимизга, ҳар қалай, ёрдам бергусидир.

Навоий, аввало, соҳир сўз санъаткори сифатида, қолаверса, шеърият, бадиият илмининг устод назариётчиси мақомида туриб «сўз гуҳари», «сўз лавҳи», «сўз буржи», «сўз баҳри», «назм дури», «назми дилпазир», «килки сунъ», «килки нуктапош», «нукта», «нуктадонлик», «таъби мавзун», «таъби баланд», «хуштаъб», «таъби поку хотири соф», «зеҳни солим», «тарҳи тоза ва беандоза», «фасоҳат мулки», «арш лавҳи», «гуҳари маъни» каби «саноеъ нафиса» – сўз санъати қонунларига оид махсус ибора ва таъбирларни бевосита, гоҳи (аксарият ҳолларда) билвосита ошиқона ё орифона байтлар қатида беради ва айрича таъкидлаб ўтадики, бу бежиз эмас. Байт:

Сарвни нетсун Навоий бор эканда қоматинг,
Бўлса мавзун, боқмагай таъб аҳли номавзун сари.

Зоҳиран, айниқса, ушшоқ аҳли учун биринчи мисранинг маъноси муҳимроқ туюлиши мумкин, бунда мувозана (параллелизм) санъати тарзидаги иккинчи мисра анъанавий муқояса хизматини ўтаб келади. Лекин моҳиятда биз кузатган мақсад нуқтаи назаридан иккинчи мисра замиридаги фикр эътиборли ва ибратомиздир. Негаки, унда умуман зукко, нозиктаъб, заршунос кишилар, хусусан, санъат, шеърият муҳиблари наздида, эҳтимол, кўпчиликка сабоқ бўларли, маълум даражада маърифат берувчи икки муқобил тушунча ифодаланган: нима мавзуну нима номавзун (сўзма-сўз олганда: вазнга мос, ўз меъёри, мезонига эга; кенг маънода: комил, уйғун, мутаносиб, бутун, нафис ва аксинча) эканини «таъб аҳли»гина яхши ажратиши, тўғри ва холис баҳолаши мумкин. Акс ҳолда, бу нафақат дидсизлик, бефарқлик, ҳиссиз-дардсизлик каби нохуш ҳолларга, балки лоқайдлик, ношукурлик, андишасизлик, жоҳиллик каби хатарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Юқоридаги мисралар мазмунига, руҳига яқин ва ҳамоҳанг бўлган Навоийнинг мураббий шоир, устод мунаққид – том маънодаги сўз санъати ҳомийси эканлигини тасдиқловчи бошқа бир мисолга разм солайлик. Байт:

Ойни ёруғ, чархни демак баланд,
Табъи баланд элга эмас дилписанд.

Аввало, бу сатрлар шоир кузатган мақсад нуқтаи назаридан муайян мантиқий фикр – силлогизм усулида (янги кечинма-образдан холи) шаклланганини, лекин шеър санъатининг бирламчи талаби – бадиий- образлилик, ўзига хослик, рангинлик, бетакрорлик каби асосий қонунлари ҳақидаги ҳақиқатдан огоҳ этувчи ҳикматомиз, сабоқ бўларли мулоҳаза тарзида илгари сурилаётганини унутмаслик керак. Бунда Навоий танлаган ташбеҳ-нисбатлар қанчалик оддий бўлса, шунчалик аниқ, фаол нафислик бахш этади: «ой – ёруғ», «чарх – баланд» қабилидаги, оламга ўзгача нигоҳ ташлашдан холи, «образли тафаккур» иқтидоридан маҳрум ҳунарманд назмгўйларнинг шеъриятдан узоқ, фақат ритмга солинган, қофияланган тавсифномалари умуман бадиий маданият манфаатларига, шеърият ривожига зарар етказувчи офат эканлиги Навоийни қанчалик ташвишга солган бўлса, бу – то ҳануз ўз аҳамиятини йўқотмаган муаммолардан. Фақат иккинчи мисрада ифодаланган ҳаққоний ибратли фикр – «табъи баланд эл» – ҳақиқий шеър муҳибларининг холис ҳукмигина Навоийни умидвор қилганидек, бизга ҳам таскин бериши мумкин...

Соҳир санъаткорнинг ижодхона жараёнларига хоҳ бевосита, хоҳ билвосита алоқадор махсус сўзлигида «нукта», «нуктапош», «маъни», «ҳақиқат», «суврат», «сийрат», «зоҳир», «ботин» каби ташбеҳлар шоир шахсан таҳқиқ қилган бадиият қонунлари, ўзи яратган, тартиб берган образлар, уларнинг хос аломатлари ҳақида бир қадар аниқ тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради. Шоҳбайт:

Нукта – сув янглиғ эритур тошни,
Топса ҳақиқат ўтидин чошни.

Даставвал, байтдаги «нукта», «ҳақиқат» ташбеҳларининг бадиий-мантиқий ўрни, ўзаро нисбати ҳақида. «Нукта» асли «маъни»нинг ўзгача нозик пинҳоний «қирраси бўлиб, «нуктадон», «нуктапош» сифатлари нозикфаҳм, орифхаёл, ҳакиймона идрок каби муштарак маъноларда қўлланади. «Ҳақиқат» ташбеҳини турлича талқин қилиш мумкин: (1) тўғрилик, ростлик, ҳаққонийлик маъносида; (2) ҳақ йўлида кезувчи сойир (тасаввуф фалсафаси) нинг сўнгги манзилни – Тангри илоҳийга етишиш босқичини ўтиши тарзида. Мазкур байтнинг мазмуни, балким, кейинги талқинга етарли асос бермас; ҳар ҳолда «нукта» мўъжизаси юз бериши учун «ҳақиқат» асос қилиб олиниши эътиборни тортади (у ҳатто осонликча эримайдиган «тошни эритиш» қудрати тимсолига айланади!). Шу тарзда Навоий кузатган мақсад аён бўлади – «ҳақиқат» сўзи фавқулодда аниқ ва теран рамзий маъно касб этади («чошни» – баҳра демакдир); ҳаётда, адабиёт, хусусан, шеъриятда сўзнинг кучи, маъно салмоғи, бадиий қиммати – фасоҳати унинг турли қиёфадаги ёлғонга қарши ҳақиқатнинг қай даражада кучли, бутун, ёрқин инъикос этиши билан белгиланади. Шу жиҳатдан Навоий сўзларининг маънавий-ахлоқий ва эстетик қиммати ҳамиша сақланиб қолишига шубҳа қилмаса бўлади.

Агар юқоридаги шоҳбайтда ҳақ сўзнинг мўъжизакор кучи «сув-тош» нисбатлари орқали таҳқиқ этилса, бошқа бир шеърда, аксинча, қалам рамзи ҳақиқат сабоғи учун номағруб маъно касб этади – ёлғон сўзни, ёлғон сўзлагувчини омонсиз фош қилиш воситасига айланади. Байт:

То қалам урди қарога, ёзмади бир ҳарф рост,
Ким Худо қилғай онинг юзин қаро, илгин қалам.

Токим ёлғоннинг касофати – мудҳиш оқибату асоратларини ҳеч бир меъёр-мезонга сиғдириб бўлмас экан, бу офат қачондир шафқатсиз жазога маҳкум этилмоғи керак. Бироқ надоматлар бўлсинки, хоҳ узоқ, хоҳ яқин, ҳатто кечаги тарихнин аччиқ ҳақиқати – сабоғидан аён: қачон ва қаерда носоғлом, нопок муҳит, адолатсиз даврон, нобоп ва норасо тартибот зўравон бўлса, ўша заминда ёлғон шумғиядай болалайди (асл деҳқон шумғия тарқалган пайкалдан яхшилик кутмайди, уни дарҳол шудгорлайди, офатни илдизи билан офтобда куйдиради, кечикиб бўлса-да, тозаланган ерга уруғ, ё кўчат экади)... Навоий бизга номаълум, лекин аламнок бир сабаб билан «қалам», «ёзмоқ», «ҳарф» ташбеҳлари орқали сўзга ўтган ёлғон балосини агар Худонинг Ўзи дафъ қилмаса, бунга бандасининг қурби етмас, дея ортиқ куюниб ёзиши бежиз эмас. «Қалам қаро уриб» (яъни қора сиёҳда) битилган саҳифа қайсидир қаллоб қаламкаш (мантиқан ёлғон котиб, шоир ё мунши) юзига, қаламнинг қаттиқ ва букилмас хусусияти ҳаракатсиз – шол бўлган, демак, ёзишдан бир умр маҳрум қўлга нисбат берилади: бундан мазмунан ҳаққонийлиги билан ибратомиз, бадиий жиҳатдан бетакрор лирик лавҳа шаклланади. Муҳими, буюк ҳақиқатпарвар шоирнииг шунчалар

аёвсиз ҳукми замирида қаламнинг қутлуғ ишига илоҳий маъно берадиган, бадиий сўзни эъзозловчи сеҳрли куч – ҳар доим «рост ёзиш» ғояси – зуҳур этади («қалам» ва «қаро» ташбеҳларининг маъно қирралари тажнис санъатининг камёб намунасидир).

Навоийнинг шеърият, бадиият қонунларига дохил фикрларининг комил ва солимлиги шундаки, уларни ҳатто турли даврлар, адабий оқим ва йўналишлар, мактаб ва услублар учун, ҳар қалай, тўғри, мақбул, асосли меъёр сифатида қабул қилса арзийди. Байт:

Мадҳ услуби эди беравнақ.
Бал чиқиб эрди ародин мутлақ.

Бу сатрлар руҳида аввал ҳам шеъриятда «мадҳ услуби» баравж даврлар бўлгани, фақат улуғ, валий шоирлар, шеъриятни тақдир иши деб билган, тамаъдан, шуҳратдан узоқ ҳақиқий истеъдодларнинг салобати, таъсири натижасида (уларнинг ҳомийлари – аксари ўзлари шеър ёзган маърифатли ҳукмдорларнинг хизматини ҳам унутмаслик керак) бундай ўзлиги, қиёфаси бўлмагани учун ҳам истиқболсиз услуб вақти келиб «орадан чиқиши» ажабланарли эмасди (масалан, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида турли тоифа замондош шоирлар ижодига берилган баҳодан Навоийнинг «мадҳ услуби»га муносабатини билиб олиш мумкин). «Бобурнома» муаллифи – улуғ шоир, закий, ғоят талабчан мунаққид Бобур ҳам истеъдодсиз, маддоҳ шоирлар устидан ҳакамона одил ҳукм чиқаради: уларнинг шеър «ёзганидан ёзмагани яхшироқ». Навоий ва Бобурдан аввал ҳам, улардан кейин ҳам «мадҳ услуби» – баландпарвоз тавсифий шеърлар «беравнақ» бўлишдан кўра кўпроқ равнақ топган, адабий урф тусини олган замонлар бўлдики, бунга тарихда мисоллар кўп (Чўлпоннинг, бир ёқлама ёндашилганидан қатъи назар, классик шеъриятимиз услуби ҳақида: «Бир хил, бир хил, бир хил!...» дея куйиб-ёниб сўзлашида маълум асос йўқ эмас). Буюк сўз санъаткори аввал «Ҳилолия» қасидасида бадиий ижоднинг мўъжизакор, сирли-сеҳрли яратиш дақиқаларини Аторуд сайёрасининг инсон-ижодкорга буюк эҳсони деб атайди. Кейинроқ «Ҳайрат ул-аброр» достонида Аторудни боз тилга олади. Соҳир шоир шеърий ижоднинг фақат даҳолар кечириши мумкин бўлган фавқулодда шавқу рағбатли, эркин-ғаройиб жараёнларида «сўз баҳри»нинг жавоҳирларидан, «сўз мулки»нинг мислсиз ва чексиз имкониятларидан қанчалар ҳайратланса, ижодий ишга шунчалик масъулият ҳисси билан ёндашади. Мана, Навоий сўзнинг бадиий кучини қандай тасаввур этади: «Чарх томиға нардбон (!) ясамоқ... Қилибон анкабут (ўргимчак) ипини каманд, Айламак аждаҳо анинг била банд». Навоийнинг шеърий хаёл фазосини тасаввур қилиб кўринг: умуман, миллий ижодга, хусусан, шеъриятга қўл урмоқ баайни самовот томига монанд нарвон тайёрлашу қуёш шамига муносиб шамдон ясамоқ билан баробар! Бугина эмас. Гўёки ўргимчак тўридан сиртмоқ ҳозирлаб, афсоналардаги даҳшатли махлуқ – аждаҳони банди этиш деган сўз!.. Бу – инсоннинг неча асрлар давомида жамғарган илмий заковати журъат қилолмайдиган хаёлларга қалб идроки орқали, эмоционал – ижодий жасорат топиш салоҳияти, реал имконга сиғмас ҳодисалардан фавқулодда, мўъжизакор имконият кашф этиш санъати... Навоийнинг ижодий хаёлот дунёсига хос бадиий нисбатлар ҳақиқатда ҳайратбахш, сирли- жозибадор. Мана яна бир байт: «Заррада меҳрни ниҳон айлай, Баҳрға қатрани макон айлай». Тўғри, заррада – қуёш, томчи қатрада – олам, денгиз акс этишидек мўъжизали жараёнларни кўп бора эшитганимиз учун, бундан ортиқ ҳайратга тушмаслигимиз мумкин. Лекин Навоий мана шу азалий ғаройиботдан ижодий фойдаланади, янги лавҳа-образ яратади. Бу гал ўша мўъжиз ҳодисани ўз шеъриятига татбиқ қилади, ижодхонасига олиб киради: шоир ижодий зарурат, бадиий мантиқ эҳтиёжи туфайли оламнинг биз тасаввур қилган энг улкан жисми – Куёшни

энг кичик унсур – зарра қатига, уммонни эса қатра ичига жойлай олишдек соҳир санъаткор иқтидорини касб этиши мумкин. Хусусан, шеърий санъат тасарруф этган бундай ғаройиб бадиий имкониятлар, фақат шеърий мушоҳада доирасида тасаввур қилса бўладиган нуктадон маъно ва ифодалар, уларнинг тераникларига оид яна бир-икки «хос» мисол келтирамиз: Чунончи, шеърият олами Навоий қалами чизган мўъжизакор лавҳалардан ҳайратга тушиб, шундай сирли нидо қилгандай бўлади:

Сўзунг бир авж уза чекти аламни,
Ки сурдунг арш лавҳиға қаламни,
Агарчи ахтаредур ҳар сўзунг пок –
Ки эврулур онинг бошига афлок...

Навоийдек соҳир сўз санъаткори учун ҳатто адабий истеъмолдаги меъёр-мезонлар, анъанавий усуллар, воситалар кифоя қилмаса ҳеч ажаб эмас. Зеро, даҳо шоирларнинг ижодий хаёли энг юксак «авж» даражаларда, самовий минтақалардагина ўзининг муносиб, бутун ва ёрқин образли ифодасини топиши мумкин. Бунинг учун Навоий фақат Ал-Фарғоний ва Улуғбек каби улуғ мунажжимлар тасарруф этган илмий объектлар ва тушунчаларга («арш», «ахтар», «афлок», «эврулмоқ»), Амир Темур каби соҳибқирон фотиҳларнинг саркардалик режаларига («алам чекмоқ» – байроқ тикмоқ, «сурмоқ» – ҳужумга ўтмоқ) мурожаат этади. Навоий тафаккуриниг мўъжизакор кучи туфайли шеърий восита сифатида хизмат қилган ҳодисалар шоир ижодхонаси ҳақидаги ҳайратомиз миқёс касб этган лавҳа-образларга айланади. Навоий анъанавий фахрия усулидан фойдаланиб, Аторуд тилидан қалами қудратига шундай қиммат беради: сўзинг шеърият мулкида ўз байроғини шундай юксаклик нуқтасига ўрнатибдики, сенга фақат арши аъло – фазовий кенгликлар лавҳасида (!) қалам суриш мартабаси мушарраф бўлибди. Шу боисдан ҳам ҳар бир пок сўзинг самовотнинг битта дури – юлдузига тенг, шундан фалакнинг иши – ташвиши ҳам ўша ҳар бир мўъжиз инжу – юлдуз бошидан айланиб- эврилишдан иборатдир!.. Улуғ санъаткор сўзнинг бадиий-образли имкониятларига қанчалик баланд қиммат, хаёлий миқёс беради!

Навоий шеъриятдаги сўзнинг турли маъно, мантиқ ва бадиий ифода қирраларига бирдан бир аниқ, муносиб, мутаносиб нисбат-ташбеҳ излайди; моддий ва руҳий оламнинг моҳият ва сабабияти, сири-синоати, ғаройибот ва мўъжизаларини мумкин қадар жонли, рангин, бутун ва ёрқин гавдалантириш мақсадида, хусусан, Шарқда қадимдан анъана бўлган табиат ва самовот рамзий-мажозий воситаларининг номаълум қирраларини кашф этади. Чунончи, қуйидаги сатрларда денгиз садафи, унинг бағридаги гавҳар донаси, моддий дунёнинг тўрт унсури, етти осмон, юлдузлар, уларнинг минтақа – «бурж»лари шеърий нисбат – тимсолга айланади:

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи – ул,
Етти фалак ахтарининг буржи – ул...

Дунёда қимматбаҳо тошлар ва маъданларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ. Уларга оддий фуқародан тортиб султонгача лойиқ даражада баланд баҳо қўядилар (бусиз азиз, севимли кишининг меҳрини, илтифотини қозониш қийинлиги сир эмас). Лекин жавоҳиротнинг ҳақиқий баҳосини халқ беради (биргина мисол: «Олтин олма, олқиш ол»). Халқ – иймон-эътиқод-

ли, ҳалол-пок, маънавий баркамол, меҳр-саховатли одамнинг қадрини, умр баҳосини хазина-дафинадан ортиқ деб билади. Сўз санъати, шеърият ана шу халқона мезон билан ҳар қандай моддий бойликни маънавий-руҳий қадрият тарзида баҳолайди. Юқоридаги икки мисрада ана шу чин инсоний нуқтайи назарга муносиб шеърий сайқал берилади – «сўз гуҳари» шунчалар юксак «шараф» аршида турадики, энг тоза дур ҳам унга «садаф бўла олмайди» (гавҳар денгиз чиғаноғи бағрида шаклланиб, етилгани ҳолда, ўша чиғаноқ – садаф қадрланмайди).

Учинчи мисранинг маъно кўлами кенг ва теран: қадимги Шарқдан Юнонга, ундан яна Араб ва Ажамга ўтган «тўрт унсур» фалсафаси орқали Навоий тасарруфидаги «сўз гуҳари» борлиқдаги мавжудотларнинг зоти-моҳиятини, турфа аломатларини, ҳаракат-ҳолатларини ўз бағрида –«дуржи»да жамулжам этган мўъжиз бир қудрат манбаига айланади. Тўртинчи мисранинг нуктадонлик қирралари бундан-да ортиқ бўлса борки, кам эмас: бадиий сўзнинг кучи етти само юлдузларидан (уларнинг ҳисоби қанча!)... ҳар бири, йўқ, энг ёруғ порлоқлари учун ҳатто таянч нуқ та – марказий минтақа – «бурж» вазифасини ўташга, яъни юлдузларнинг ҳаракат сирларини билиш, кашф этишга ҳам қодирдир!.. Улуғ шоиримизнинг хаёлот фазосига, ундаги сўзнинг мақоми ва баҳосига тасанно демай бўладими?!

Навоий каби сўз даҳолари – ўзлари яратган шоҳ асарларнинг ҳақиқий баҳоси, қаламининг қудрати нималарга қодирлиги, шубҳасиз, уларнинг ўзига яхшироқ аёндир. Дарҳақиқат, Навоий инкишоф этган шеърият олами, унинг нурли «бурж»лари – юксак чўққилари, Навоий хаёллари, образларининг фазоси, маъно тераниликлари, бадиий нозикликлари бу қадим дунёнинг анча-мунча улуғ шоирига мушарраф бўлмаган. Бу даъвонинг муболағаси йўқ, аксинча, далил-асослари етарли. Шоҳбайт:

Навоий, сеҳр эмас, гўё Каломуллоҳ асосидур,
Бу мўъжизларки, зоҳир бўлди килки нуктапошимда.

Муршид-устози Жомий каби Куръони каримнинг тафсирини яратишга жазм қилган Навоий ўз асарларининг мислсиз жозиба сири қандайдир ғойиб аломатлардан узоқ эканини яхши билган, шунинг учун «килки нуктапоши» – қаламининг қудратидан ортиқ ажабланмайди ҳам. Фақат бундай руҳий қониқиш ҳисси, ҳақфахрия туйғуси муносиб ва мўътабар далил билан асосланиши керак. Сўз қадрини, шеърий санъат масъулиятини чуқур идрок этган Навоий «мўъжизлар зоҳир бўлган» қалам учун ёлғиз муқаддас китоб «Каломуллоҳ» асосли нисбат, ишончли қиёс – шаҳодат бўлиши мумкин деб ҳисоблайди... Бугина эмас. Шоирнинг бошқа пурмаъно мисралари сингари бу шоҳбайт ҳам ўз руҳида янада теранроқ нуктадонликни зуҳур этган бўлса не ажаб: Навоий қалами яратган мўъжизаларнинг боиси – сабабияти шундаки, ўз даврида дини ислом устунларидан бири даражасига кўтарилган (расмий равишда «Низомиддин» унвонига сазовор бўлган) улуғ шоир ва ориф ўз асарлари учун Куръон сўзларини ҳам руҳий-фалсафий, ҳам бадиий-мантиқий «асос» қилиб олган. Модомики, шундай талқин ҳам жоиз экан, мазкур терма байтни ийҳом санъати билан музайян этилган деб ҳисоблаш мумкин...

Ва ниҳоят, шеъриятга, қалам қудратига хос истилоҳлар ошиқона оҳанг касб этган яна бир шоҳбайт:

Чун Навоий назмининг ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг,
Деса бўлурким, эрур ҳар байти бир байтул-ҳазан.

Не ажабки, Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ тақдири азал – муҳаббат қисматининг хоҳиши билан шоирга айланган. Илло, ошиқлик бу валийсийрат покдомон зот наздида нафақат ишқ васлининг барча фароғату мукофотларидан, дунёвий неъмату қадриятлардан, балки руҳий, ҳатто илоҳий эътиқоду эътимодлардан ўзини мутлақо фориғ тутмоқлик демакдир («Ошиқ ўлғон кечти манго номдин, Миллату иймону дини исломдин»). Бас, ҳақиқий муҳаббат (Навоий шахсан ҳаёт маслаги деб билган «ишқи ҳақиқат»)ни, унинг асли фожеъ моҳиятини англаб етган кишигина шоирга айланиши, унинг ҳар бир ўтли-ҳароратли сўзи олий қадр, эъзоз топиши керак («Дегонимни улусқа марғуб эт, ёзғонимни кўнгулга маҳбуб эт»). Навоий қалами яратган илоҳий назмнинг сирли-сеҳрли қудрати ҳам шундаки, у асли комил ва солим инсонлар (шу жумладан, фидойи ошиқлар)нинг ғофилу бедард кимсалар ҳеч қачон фаҳмлай олмайдиган дард-ҳасратларини, руҳни поклантирувчи ёруғ ғам-ғуссаларини шарҳлаб беришга даъват этилган. Зотан, «ҳар ҳарфидур шарҳи ғаминг», «эрур ҳар байти байтул-ҳазан» (байтулҳазан – ғам гўшаси, дард уйи демакдир) каби теран дарднок-рамзий ибораларнинг руҳи – моҳиятини Навоийнинг – мисоли йўқ сабру саботли ҳаёти, хос эътиқоду хос ўзлиги, беназир шеърий даҳоси билан муштарак маънода тушунмоқ керак...

ИККИНЧИ МАҚОЛАТ
ИЛОҲИЙГА МУНОЖОТУ ТАЗАРРУЛАР

Халқ меҳрига яна, ё Раб, мени зор айлама,
Айласанг ҳам меҳри йўқларга гирифтор айлама.

Бу қутлуғ мавзуда ҳазрат Навоийнинг табаррук шахсияти – ўзлигининг моҳиятини кашф этиш мумкин: кўп қадим, айни пайтда ўткинчи – фоний дунёнинг иймон-эътиқодли кишини ҳам афсун қилувчи истаклари, ҳаваслари, комронликлари замирида, не ҳасратки, гумроҳликлар, ғофилликлар, адашишлар яширинганини (балким улуғ салафлар – пири устодлар мададида) дил-дилдан пайқаш, ўзида осий-гуноҳкорлик ҳолатини кечириш, илоҳий қудратдан иноятту ҳидоятлар сўраб ёлвориш... Ўзини, ўзлигини чуқур идрок этишдек бундай руҳий қийноқлар (эҳтимол, руҳий оромлар) жараёнида Навоийнинг чин сиймоси – азалий яратилиш тарзи – тоза хилқати, дарднок ва армонли кўнгли ва шубҳасиз, илоҳий қудрат билан хос мулоқотда бўлган руҳияти ўша изтироблар – ёлворишлар жараёнида янада покланса, не ажаб!

Навоийнинг лирик қаҳрамони (бу мавзуда уни шоирнинг ўзи деб билсак хато қилмаймиз), ўзининг инсоний ва ижодкорлик тақдири ҳаққи, Тангри олдида бош эгиб, Унинг ягона ҳакам сифатида чиқарадиган ҳукмига сомиъ туриб, қилган қанча улуғ, босавоб ишлари қолиб, фақат гуноҳга битилиши мумкин бўлган «хато»лари, «юз қаролиғ»лари учун тазаррога сўз тополмайди, ёлвориб марҳамат сўрайди. Байт:

Ё Раб! Ўз ҳолимға ҳайронман басе,
Осию масту паришонман, басе...

Инсоф, диёнат амри билан яшаган, эли олдида юзи ёруғ, Ҳақ олдида иймони тинч, тўғри, ҳалол, заҳматкаш, жафокашлар «ўз ҳолига» боқиб, ўзгалар ташвиши, дарди, кулфати учун оромидан кечиши, агар инсоний бурчини адо этолмай қолса, ўзини «осий» деб билишига шубҳаланмаса бўлади. Лекин афсуслар бўлсинким, жамиятнинг кўпчилигини ташкил қил-

ган турли тоифа, турли касбдаги худбин манфаатлар қули бўлган, «халқ ғами», «эл коми» йўлида бир одим ташлашдан чўчийдиган маҳдуд, лоқайд кимсалар, шунингдек, зоҳиран қараганда безарар, лекин хоҳ хеш, хоҳ дарвеш (ўз ё бегона) бўлсин, одамларга на яхшилик, на ёмонлик қилмайдиган, инсоний меҳр-шафқат, мурувват ҳисларидан узоқ, ҳиссиз, бедард – «бедард одам» тоифасидаги худписандлар, уларнинг бошқа хайрихоҳлари ҳеч қачон «ўз ҳолига» боқиб ўтирмайдилар, кимнинг олдида бўлмасин, ўзларини «осий» деб ҳисоблашдан орланадилар...

Фақат иймон-эътиқодли кишилар, хусусан, Навоийдек улуғ зотлар «осий», «гуноҳкор», «мужрим», «гуноҳ» сўзларида инсоннинг бошқа одамлар, эли, улуси, ҳатто башарият, унинг келажаги олдида, моҳият эътибори билан она Замин, ундаги барча баҳралар, неъматлар – табиат ва руҳий мадад, нажот манбаи, эътиқод таянчи бўлган самовот – илоҳий қудрат – ҳамма, ҳаммаси олдида ўзини қарздору бурчдор, жавобгар деб билади. Навоийнинг қаҳрамони – буюк шоир, ориф, ҳакам, доно валий зот фақат комилу фозил кишиларга хос шикасталик билан «осий»лигига иқрор бўлиш (бу асли ожизлик эмас, кучлилик аломати!), ёлғиз Аллоҳ ҳузурида тавба-тазарру қилиш орқали ўзлигини, руҳини поклашда давом этади. Байт:

Юз ҳаво бошима солиб нафси шум,
Ҳайли шайтон айлабон ҳар ён ҳужум...

Во дариғ! Навоийдек фариштасифат инсонга аллақандай шайтонлар тўдаси ҳар тарафдан ҳамла қилишга журъат этса... Нафс шумлик қилиб, валийсийрат шоир, мутафаккир бошини «юз ҳаво» билан айлантиришни кўзласа. Агар «нафси шум», «ҳайли шайтон» ибораларини Навоийнинг таржимайи ҳолига тамсил қилиб кўрсак, ўртада жиддий мантиқий зиддият сезилмайдими? Йўқ, албатта. Аксинча, бунда ҳаётий, ҳаққоний мантиқ кучи намоён бўлади. Навоийнинг қаҳрамони аввало инсон, табиат фарзанди, қолаверса, Тангрининг пок эътиқодли бандаси сифатида инсонга бегона бўлмаган нафснинг турфа ҳою ҳаваслари («юз ҳаво») билан, шунингдек, шайтоний ҳирсу эҳтиросларнинг турли йўллар, воситалардан фойдаланиб кўрсатган хуружлари («айлабон ҳар ён ҳужум») билан беомон олишади ва доим улардан ғолиб чиқади, бу ғалаба шоир ва ориф инсон сиймосига руҳий поклик, куч, сабот аломатларини бағишлайди. Демак, ўз нафси ва шайтони билан кураш инсоннинг шаънини улуғлайди. Агар у баъзан беихтиёр хаёл оғушига берилган кезларида, ўша хаёлда ҳам одоб сарҳадидан ўтмайди, ҳамиша шайтон йўлини тўсади, унинг иродасини синдиради («Гаҳи беҳудудлугумдин сесканиб тутсам адаб расмин, Белиға чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда»; «Малак таслими шайтон кибридектур, буки ақл ўзин Қилиб маъмури амр истар аморат нафс аммора»). Модомики, Навоий нафс ва шайтон ғавғоларидан озурда, ранжур бир ҳолда Аллоҳга арз-дод қилар экан (унинг ўзини маишат ва ишратдан тийиш, сабр-қаноат, бардош борасида мислсиз иродали эканини яхши билганимиз ҳолда), бу шоирнинг дунёқараши, инсоний, маънавий позицияси, ижодий-эстетик нуқтайи назари ҳаёт мантиқи ва ҳақиқати билан чуқур руҳий алоқада эканидан ёрқин далолатдир. Аксинча, шоир ўзининг севимли қаҳрамонларидан бири Ширинниng ҳавоси баланд сўзларида («Менга не ёру не ошиқлик ҳавасдур, Агар мен одам ўлсам ушбу басдур»): «Менга на нафс шумлиги, на шайтон ҳужуми писанд эмас» қабилида мушоҳада юритганда (ҳолбуки, бундай ишончга Навоийнинг ҳаёт маслаги, иродаси, сажияси асос беради), ҳаёт ва шеърият қонуниятларига анчагина шикаст, озор етган бўлур эди... Ана энди ортиқ шубҳа, иштибоҳга бормасдан Навоийнинг нафис муболаға, чиройли киноя жавҳари билан йўғрилган гуноҳкорона-мунгли

мисраларини кўчириб шарҳлашда давом этсак бўлади. Байт:

Юз қаролиғ онча бўлмиш жаҳл аро,
Ким кўзумга қилди оламни қаро.

Беихтиёр: «Наҳотки!» деб юборамиз. Чунки Навоий қаҳрамони – шоир, орифнинг бунчалар «юз қаролиғ» даражасида жаҳолатга берилиши мумкинлигини сира-сира тасаввурга сиғдира олмаймиз.

Бироқ у Худога нола қилиб: бу ваҳшатсаро ҳол: «кўзумга қилди оламни қаро» деган сўзларига иложсиз ишонгимиз келади, яна иккиланамиз, иштибоҳ ичида қийналамиз; наинки, Худога қилинган нолалар ҳам самимий, рост бўлмаса, деймиз ўз-ўзимизга. Ё бу «барчанинг дарди» каби («Йўқ ажаб гар барчанинг дардича бўлса менда дард») гўё «барчанинг гуноҳи»ни бир ўзига олиш усули эмасмикин? Навоийнинг фидойи, хоксор сиймоси бундай безовта хаёлга ҳам асос беради. Лекин яна: «Нега энди?.. Бундай буюк гуноҳкорлик хаёлига асир бўлишнинг сабаби нимада?» каби қийноқли саволлар туғилади. Уларга жавоб қидириш ва топиш одамлар тақдиридай, айниқса, шоир қисмати, хусусан, улуғ инсонпарвар, ҳурфикр, ҳақиқатпараст шоир қисматидай уқубатли ва мушкулдир. Хуллас, «жаҳл аро... юз қаролик» гуноҳи учун кечирилган, «оламни қаро қилган» азобли ўйлар, руҳий изтироблар фақат илоҳий қудрат карами ва шафқати билан «дармон» топиши мумкин бўлган муборак бир дардга айланади. Байт:

Дардима дармон иноят айлагил,
Тавбаи комил ҳидоят айлагил...

Чин сабабияти ҳамон оғир ўйга толдирувчи, гўё «нафс», «шайтон», «жаҳолат» касридан келадиган, балким кечириб бўлмас гуноҳкорлик дардига фақат Тангрининг Ўзидан иноят – марҳамат сўраб муножот қилиш, Навоий эътиқодича, ҳар бир мусулмон фарзандини бирдан бир тўғри йўлга бошлайди. Бу ҳақ йўл «тавбаи комил» – тазарру йўлидир. Бунинг маъноси шуки, ҳақиқатни англаш, ҳақни танишдек узоқ уқубатли йўлнинг тавба манзили қилинган гуноҳлар азоби – «дарди»дан енгиллик сезиш, Тангри шафқати ва мағфиратига (кечиришига) умидворлик манзили ҳамдир.

Шундай қилиб, Навоийнинг Тангри ҳаққига қилган шунчалар мунгли – ларзакор нола-муножотлари замирида Бани Одам – башар авлодининг, хоҳ кичик, хоҳ катта, ҳадсиз-ҳисобсиз бўлсин, билиб ё билмай қилган хатолик-гуноҳларига астойдил иқрор бўлиши сўнгсиз аттангу пушаймон, дард-изтироб ичида тазарру қилиши – «тавбаи комил»ни адо этиши, айниқса, мусулмон фарзандининг муқаддас бурчи, яратувчи – «Тенгри эҳсони» олдидаги қарзидир. Аксинча, менда гуноҳ йўқ, дейиш айни гумроҳлик ва шаккокликдир. Навоий шундай иймон-эътиқод билан, энг улуғ, энг комил зотларни ҳам мустасно тутиб бўлмайдиган «осий»ликлар – озми-кўпми қилган хатоларини, гуноҳларини маълум удумга, анъанага кирган (муайян заминдан холи бўлмаган) нафс, шайтоний тамойил, жаҳолат каби уч офат андозасида, шунингдек, шеъриятнинг рамзий-мажозий, истиора-муболағали қонунлари асосида умумлаштириб, бадиий рангин воситаларда ифодалайди.

Навоий ана шундай муборак, қутлуғ бир мужримлик, самимий осийлик ҳолати, чин инсоний тавба-тазарру туйғуси билан энди бошқача ниятда – илоҳий рағбат, буюк шеърий дард, ёруғ азобу бедорликлар самари бўлган баҳоси йўқ асарлари учун ҳам Тангридан ино-

ят ва ҳидоят сўрайди. Байт:

Ё Раб, чекибон кўп рақам, журму гуноҳ
Номамни қаро қилдим-у, умримни табоҳ...

«Чекибон кўп рақам...» Шоирнинг ҳар бир сўзи, ибораси замирида, ҳеч муболағасиз, унинг буюк инсоний ва ижодий тақдири ётади, сўнгсиз дард-ҳасратлари зуҳур этади. «Рақам чекмоқ» – шеър битмакни том маънода тақдир буйруғи – «Тенгри эҳсони» деб билган Навоий қанчалик «кўп» ёзмасин («...онинг кунда юз байти ҳолвам эрур»), бирор мисра, байт илҳомсиз, дардсиз, «маъноси суст, адо нодуруст» чиқишига йўл қўймади, ёлғон сўзни эса юзи қаролик деб билди («То қалам урди қароға, ёзмади бир ҳарф рост, Ким Худо қилғай онинг юзин қаро, илгин қалам»). «Чеккан рақами» – ёзган сўзларига нафақат «етти иқлим эли харидор» бўлиши, балки ўша сўзлар ўз байроғи («алам»)ни фазо аршига ҳам тикишини орзу қилди («Сўзунг бир авж уза чекти аламни, Ки сурдунг арш лавҳиға қаламни»), бунга ишонди. Ижоди билан шундай улуғ, мўътабар мартабага эришганига қарамай, ўз ишини хатолардан, ҳатто айб-гуноҳлар («журму гуноҳ»)дан холи эмас деб билиш, ёзган шоҳ асарлари учун ҳам илоҳий қудрат ҳакамидан гуноҳкорона шафқат, марҳамат сўраш (эҳтимол, шавқ-илҳом мастлигида айрим исёнкорона, шаккок сўзларни айтиб юборгандир ё бошқа бир саҳв-хатолик ўтгандир, беайб Парвардигор...) – фақат улуғ ижодкорларга хос аломат. «Номамни қаро қилдиму умримни табоҳ». Улуғ шоир барча ёзганларини гўё «Тенгри эҳсони», иноятн учун жавоб мактуб – «нома» деб атайди. Балким бу номани «қаро қилгани» – сиёҳ билан битгани, шу иш билан Тангри инъом этган «умрни табоҳ» – беҳуда сарфлаб, хароб қилгани учун Яратувчи – сарвари коинот олдида ўзини осий (шеър ёзиш эвазига ҳам фақат тоат-ибодат қилмагани, ортиқ риёзат чекмагани учун), гуноҳкор ҳисоблар... Навоий «тавбаи комил» учун ана шундай маънавий, руҳий, мантиқий замин ҳозирлайди. Байт:

Раҳмат суйидан ювмасанг ул номани, оҳ,
Маҳшар куни неткамен мене, номасиёҳ?!

Улуғ мутафаккир шоирнинг нафақат мусулмон фарзанди сифатида комил эътиқодини, айни чоғда ислом динининг, устози Жомий каби йирик арбоби – арконларидан бири сифатида унинг мусаффолиги ва ривожи йўлида фаол ишлаганини эътиборга олганда, «раҳмат суйи», «маҳшар куни» каби қутлуғ каломлар билан музайян этилган мисралар орқали, уларнинг теран маъно-моҳияти орқали ўзининг инсоний ва ижодий тақдирига, номаи аъмолига дохил – ҳам аччиқ, мунгли-фожеъ ўйларини, ҳам баланд руҳдаги, чуқур ишонч, умид, ғурур ҳисларини умумлаштириб бераётгандай бўлади. Улар бизга ҳам (эндиликда кўпчилигимизга) чин иймон сўзлари, қалбни, онгни, тафаккурни (демак, дунёқарашни ҳам), руҳни, маънавий, ижодий нуқтайи назарни, таъбни, дидни – сурурли ва аламли туйғуларимизни, хаёлот ва хотиротимизни поклантирувчи бир валий, миллий огоҳлантирувчи сўзлари – чин табаррук ҳадислар бўлиб қолса, шояд!..

Баъзан Тангрига – асл ягона Илоҳга ёлбориш ишқий кечинмалар – ошиқ муножоти тарзида ифодаланади. Шоҳбайт:

Ё Раб! Ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама,
Ё кўзумни андин ўзга юзга ҳайрон айлама.

Шоирнинг қаҳрамони – ошиқ бир бандаи ожиз сифатида ишқ қисматининг унга насиб этган улуғ марҳамати – «ул юз»га нисбатан бир нафас бўлсин, бепарво, илтифотсиз қолишни ношукурлик аломати, кечирилмас гуноҳ деб билади, шу боис Тангридан ўтиниб сўрайди: маҳбубнинг нигоҳимдан нари кетмаслиги – фақат Сенинг иноятингга боғлиқ. Лекин бу кифоя эмас. Мен бир ожиз банданг, яна ҳидоятингга муҳтожман – ўзинг уни тўғри йўлга бошла; зинҳор «андин ўзга юзга ҳайрон айлама». Навоийнинг улуғ санъаткорлиги шундаки, ўз қаҳрамонининг Тангри илоҳий билан ғойибона мулоқоти дақиқаларида ҳам ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолади: инсоний туйғулар – муҳаббат кечинмалари қанчалик гўзал, бокира бўлмасин, ошиқнинг садоқати нечоғлик самимий, устувор бўлмасин, уни ногаҳоний бир хатолик, ихтиёрсиз «осий»ликдан мутлоқ озод тутиб бўлмайди. Илло, инсон – шайтон баногоҳ йўлдан оздириб: «ўзга юзга ҳайрон» қилиб қўймаслиги учун ҳам Тангри мададига, Унинг раҳнамолик ҳидоятига муҳтож.

Бошқа бир ғазалда Аллоҳга муножот оҳанги ўзгаради (шоир, «яхши-ямон» муқобил ташбеҳларидан фойдаланиб, тазод усулида пурмаъно, рангин лирик лавҳа яратади). Байт:

Агарчи айламасанг яхши, яхши кўргизгил,
Мени анга, нечаким бор эсам ямон, ё Раб!..

Одамларнинг ўзаро муносабати нечоғлик мураккаб, бу жараёнда «яхши» – «ёмон» сўзларининг нисбати қанчалик беқарор, алдамчи; улар, табиий, зиддиятли бўлгани ҳолда, ўзаро бемалол «ўрин алмашиши», баъзан кутилмаган рамзий маъно касб этиб, ўз моҳиятини ўзгартириши ажабланарли ҳол эмас. Лекин ошиқ-маъшуқалар муносабати бошқа. Айниқса, шеъриятда. Чунончи, шоирнинг қаҳрамони – ошиқ ўзини «ямон» деб, осий, мужрим қилиб кўрсатишида чуқур киноя бўлгани каби «яхши» ташбеҳи ҳам қачон ўзининг том маъносида келганини илғаб олиш осон бўлмайди. Шундай қилиб, ошиқ энг мушкул дамларда Тангри илоҳийдан мадад сўрайди: «Ё Раб, нечаким бор эсам ямон, яхши кўргазгил!» Бу кўнгил муножотида ошиқлик қисмати билан боғланган қанча зиддиятли маънолар мужассамланган: наинки, «ямон» деган оғир маломат ошиқ шаънига муносиб бўлса, маҳбуба унга инонса! Ёки унинг гуноҳи «икки дунёдин кечиб ёр истагани», девонавор, мажнунсифат ҳолга келганими? Бундай адолатсизлик домидан халос, «аҳду эҳсониға хос» этиш – ёлғиз Тангрининг иши. Навоий қаҳрамони муножотида ана шундай илоҳий эҳтиёж инъикос этади.

Навоий бошқа бир ғазалида яна шоир, ориф, мутафаккир қиёфасида намоён бўлиб, ўзининг бениҳоя озурда аҳволидан нола қилиб, ёлғиз Сарвари одамдан нажот кутади, иноят сўрайди. Байт:

Халқ меҳрига яна, ё Раб, мени зор айлама,
Айласанг ҳам меҳри йўқларға гирифтор айлама.

Шуни эътироф этиш керакки, хусусан, улуғ шоирларда бир байт иккинчи бир байтдан нимаси биландир устун турмоғи керак. Бу – шеър санъати ва илҳоми, шеър рағбати ва шавқининг ўзига хос қонунияти, ниҳоят, шоирнинг турлича кайфияти – руҳий ҳолати тақозоси. Бу даъвони юқоридаги шоҳбайт билан далиллаш мумкин. Чунончи, биринчи мисрадаги: «Халқ меҳрига яна зор айлама» шеърий жумласи қатига жойланган чуқур зиддиятли, кинояли маънолар – ранж-алам, ўкинч, армон, иштибоҳ туйғулари билан йўғрилган руҳий илтижода Навоий дунёси, унинг ҳаётни узоқ кузатиб – олган аччиқ сабоқлари ғоятда ҳаққоний, аниқ, мухтасар ифодаланган. Биргина «яна» сўзида қанча озору дилзадалиги

яширинган! Хусусан, иккинчи мисрадаги: «меҳри йўқларга гирифтор айлама» жумласидан улуғ жафокаш шоир кузатган пурдард маъноларни таҳқиқ этиш учун Навоий ҳаёти, шахсияти, эътиқодига оид турли манбаларни ва шубҳасиз, унинг асосий бадиий мероси – лирик куллиёти ва «Хамса»ни мумкин қадар чуқур, асосли ўрганиш тақозо этилади.

Лекин шоир мисралари Навоий дунёси контекстидан шартли тарзда узиб олинган ҳолида ҳам ижтимоий ҳақиқат сабоғининг мухтасар ифодаси, маънавий-ахлоқий тарбия бобида ибратли, таъсирли бадиий сўз тимсоли сифатида қадрлидир. Муҳими, шоҳбайт руҳига жойланган комил ишонч – эътимод, Тангрига илтижо – муножот замиридаги чуқур иймон-эътиқод туйғулари. «Халқ меҳрига зор» шоир, ориф – унга «яна зор»лик азоби ортиқ – жаҳаннам қийноғидан ёмон. Ягона умид, нажот – қудрати илоҳийнинг тўғри йўли – ҳидоятида. Навоий шундай иймон-эътиқод билан «тавбаи комил»ни бажо келтиргани учун ҳам «замон аҳли»нинг барча инсофсизлик, вафосизликларига бардош берган, «нафс», «шайтон», «жаҳл» хуружларидан ғолиб чиққан бўлса, не ажаб?..

Ниҳоят, яна бир ғазалда Навоий ўзининг шоир, ориф, мутафаккир, ҳакам, қаландар тимсолларидаги умумлашма лирик қаҳрамонини замон, замон аҳли ғавғолари, олам ва ижод хаёллари билан чарчаб-толиқиб, ҳолдан тойган бемажол хаста қиёфасида гавдалантиради. Шоҳбайтнинг мазмуни қаҳрамоннинг руҳий ҳолати билан ҳамоҳанг:

Ё Раб, бу хаста улча таманно қилибдурур,
Чун бори аён Санга, несин айлай баён Санга.

Низомиддин Мир Алишер Навоий ислом таълимотининг қомусчиларидан бири сифатида дил-дилдан ишонадики, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг барча савобу гуноҳ ишлари, яхши-ёмон ўй-ниятлари, жумладан, эзгу истак-орзулари – номаи аъмоли унинг қисмат дафтарига битилган бўлади. Бас, шоирнинг инсоний ва ижодий тақдирига айланган, кенг маънода, у мансуб бўлган эл-юртнинг миллий- маданий ифтихори, сўнгра Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, дунёнинг қайси минтақасида то «турк жони» ва лисони бор – ўша ерда энг юксак руҳий-маънавий қадрият рамзи, энг комил ва солим бадиият, санъат намунаси бўлиб қоладиган асарлари, уларга сингдирилган башарий орзулар, хаёллар («улча таманно») – буларнинг қай бирини «баён айлаш» зарурати бор? Зотан, «бори аён»дир оламга ва унинг Сарвари – Тангрига. Шунинг учун ҳам буюк заҳматкаш Навоий кексалик «хаста»лигини енгиб, сўнгги муборак нафасигача тақдир «равон айлаган» қаламни қўлидан қўймади.

УЧИНЧИ МАҚОЛАТ
ТАБИАТ ВА САМОВОТ ТИМСОЛЛАРИ

Куйди қуёш ўтиға зулмат туни.
Учти ҳаво узра нужум учқуни.

Навоийнинг шеърий куллиётида табиий хилқатнинг «ақл боши айланар» синоату ажойиботлари бири биридан рангин, жозиб рамз-мажозларга айланганини кузатиб, бундан шавқу ҳайрат туйғуларини кечирамиз. Азалиётнинг турфа ҳодисалари, уларнинг турфа аломатларидан сайлаб олиниб, тасвирий, мусиқий жило берилган, энг муҳими, инсоний меҳр, дард, ҳарорат бағишланган, ҳаётий ва бадиий мантиқ мезонларига солинган, шеърий санъатлар билан оролантирилган сўз-ташбеҳ, сўз-тимсоллар... Улар байт контекстидан шартли равишда «узиб» – ажратиб олинган тақдирда – алоҳида шеърий парчалар, бадиий қатралар ҳолида ҳам ажаб бир завқ уйғота олади. Мана баъзи намуналар: спеҳр боғи, даҳр гулзори, чарх шабистони, ахтар гули, ахтар боши, фалак айвони, чарх авроқи, арш лавҳи, чаман саҳифаси, анжум кўзи, кўз боғи, кўз лавҳи, ғунча гумбази, кўнгил ғунчаси, гунбази даввор, коргаҳ вазъи, савдо сели, найсон суйи, хазон сипоҳи, нужум учқуни, талаб дашти, ғайрат водийси, фано ўти, фақр водийси, субҳ яқоси, жамол субҳи, табъ саҳоби, кўнгул вайронаси, фалак ғамхонаси, қайғу тоғи ва ҳоказо... Бундай ғаройиб, фавқулодда нафис образли бирикмаларда гоҳ ҳар икки сўз табиат ё самовот ҳодисалари заминида (чунончи, «ахтар гули», «нужум учқуни» каби) тартиб берилса, аксарият ҳолларда уларнинг биттаси «табиий унсур» сифатида (масалан, «чаман саҳифаси», «арш лавҳи» сингари) келиши мумкин. Зотан, ҳар икки ҳолатда ҳам ўша сўз бирикмаси нафақат кузатилган ғояни ўзгача бетакрор шаклда ифодалаш вазифасини ўтайди, айни пайтда муайян образ-лавҳага табиий рангинлик ва тароват, самовий юксаклик ва кенглик, фалсафий теранлик ва чексизлик, мантиқий бутунлик ва мутаносиблик бағишлайди. Шоҳбайт:

Яхши эрди сафҳаи афлок дардим ёзғали,
Баҳри ашким мавжидин борин нам эттинг оқибат.

Бу шоҳбайтда кутилмаган тарзда улуғ шоир «санъатхонаси» (Шайхзода) билан унинг лирик қаҳрамони – ошиқ ҳасратлари ажиб бир уйғунлик касб этганига шоҳид бўламиз: муҳаббат дарди шу даражага бориб етганки, унинг шарҳи – ифодаси учун ердаги мавжуд воситалар кифоя қилмаслиги аниқ; ошиқ аҳволи руҳиясини «ёзғали» фақат самовотнинг мовий кенгликлари саҳифалар вазифасини ўташи мумкин! Навоий даҳосига хос бўлган фазовий хаёл миқёси шеър санъатининг ғоят нозик меъёр ва мантиқига қандай «сиғдирилган» экан? Ҳолбуки, кўҳна Шарқнинг санъаткор саҳҳофлари яратган ипак қоғоз – зарварақ саҳифаларини само кенгликларига нисбат бериш билан шоирнинг мушкули осон бўлмайди (қолаверса, «ёзғали» ташбеҳи икки маънода: кўнгилни бўшатмоқ, саҳифага битмоқ тарзида қўлланадики, бунда тажнис санъати мавжуд). Ўз-ўзидан иккинчи мисра шарҳига эҳтиёж туғилади: не ажабки, йўқ, не надоматлар бўлсинки, Навоий тасаввуридаги буюк жафокаш, ҳасратнишин ошиқ ўз «дардини ёзғали» чексиз афлокдан ҳам нажот тополмади. Сабаби ошиқ кўз ёшлари селобидан ҳосил бўлган баҳрнинг мавжлари шу даражага етдики, уларнинг тўлқинлари зарраларидан самонинг нам бўлмаган саҳифаси қолмади... Во ажаб! Сеҳрли ифрот санъати воситасида шоирона хаёл парвози («ҳаво авжи») шунчалар юксакликка

кўтарилар экан. Самарасиз, нохуш «оқибат»дан қатъи назар, фазовий варақлар («сафҳаи афлок»)нинг илоҳий қаламга матлуб эканлиги «яхши эрди» каби лутф билан ифодаланиши ўзи қанчалик нафис!

Баъзан шоир «килки» оламга мусаввирона нигоҳ ташлаб рангин, жозиб лавҳа чизиши мумкин. Шоҳбайт:

Куйди қуёш ўтига зулмат туни,
Учти ҳаво узра нужум учқуни.

Шеъриятда анъанага айланган субҳ-тонг мавзуига дохил бирор ташбеҳ иштирокисиз, билвосита («қуёш», «нужум» тимсоллари орқали) тонготар чоғининг ажаб рангин, бетакрор лавҳа-образи яратилади: то қуёш уфқдан кўтарилиб, олам мунаввар бўлгунича самовот мулкида (тун билан субҳидам оралиғида) шундай илоҳий гулхан ёндики, унинг алангасидан тун зулмати куйиб кетди, ўша илоҳий ўт қуёш шаклига кириб, уфқни аста ёрита бошлаганда, унинг «нурига тоқат қилолмай» (Чўлпон) тун билан бирга гўё бошқа фалакларга «учган нужум» – юлдузларнинг ҳавога сачраган учқунларга тамсил этилиши қанчалар нафис! Табиат ғаройиботларидан бири – кечанинг кундузга айланиб бориш жараёни доҳиёна нигоҳ билан мушоҳада этилган бу нуктадон назарнинг фазовий миқёси-чи?.. Соҳир сўз санъаткори тартиб берган бадиий силсила шодаси мантиқан қанчалик аниқ ва асосли, айни чоғда сирли-ғаройиб: қуёшнинг зулматга нисбати (тазод), «куйди» ташбеҳининг тунга, «қуёш ўти»нинг учқунга, «учқун»нинг нужум, учмоқ, ҳаво тимсолларига, юлдузларнинг кўздан йўқолиб бораётган тунга, кўтарилиб келаётган қуёшга нисбати (ташбеҳи мусалсал – занжирли истиоралар) булар Навоийнинг сўз даҳосидан юксак намуналардир.

Баъзан «тун била тонг» маҳбубанинг зулфи ва юзи таърифи учун табиий фон бўлиб хизмат қилади. Байт:

Не тунда айш насими, не тонгда меҳр, магар –
Ки бўлди зулфу юзинг поймоли тун била тонг.

Байт мазмунини ўзгача шаклда ифодалаш тарзи –Навоий қаламига хос оҳангидан сезилиб турадики, юз берган ҳодиса, аниқроғи, кечинманинг ўзи эмас, балки унинг оқибат-натижаси ҳақидаги тасаввур сатрларга кўчирилади: «тахайюл мулкининг султони» – шоир хаёлан маҳбубанинг юзидан пардани кўтарган, зулфини ёзиб, тароқлаб, унинг шабадасидан атрофга мушку анбар бўйини таратган афсунли бир ҳолатда кўради ва бу зулфу юз тавсифига муносиб сўз тополмасдан, анъанавий тун ва тонг ташбеҳларидан фойдаланмоқчи бўлади. Лекин на чораки, маҳбуба малоҳатининг сеҳр-жозибасидан на тун тунга ўхшайди – унда оромижон еллар эсмайди – «айш насими»дан асар йўқ, на тонг тонгта ўхшайди – қуёш кўринмайди. Ҳолбуки, табиатда тун насими роҳатидан, субҳидамдаги манзарадан ортиқ нафосат борми? Навоий хаёлидаги маҳбуба ўзининг инсоний ҳарорати, мислсиз латофати, маънавий-руҳий қадрияти – муҳаббат дарди, эҳтиёжи учун яратилгани билан табиатнинг «тун била тонг» каби ғаройиб, лекин ҳиссиз гўзалликларидан устун туради. Шу тариқа бу гал «тун», «тонг» ташбеҳлари ўртасидаги анъанавий зидлик (тазод) йўқолиб, улар зулфу юз» билан рақобатга киришади, натижада инсоний гўзалликнинг табиат ҳодисалари заминида чизилган бетакрор лирик образи яратилади.

Баъзан тун билан тонг («кеча-субҳ» тарзида) тимсоллари яна ўзгача қиёфа олади, аниқроғи, маҳбубанинг «ҳусни ва нози» тасвири ошиқ ҳасратлари билан алмашади. Шоҳбайт:

Фироқим кечаси бас муҳлик ўлмиш, гар саҳар бўлмас,
Нафас урмоққа гўё субҳни қўймас қаро шомим.

Бу гал аввалги байтдагидай табиат тимсоллари ажралиб турмайди, аксинча, ошиқ аҳволини акс эттирувчи дарднок – мунгли оҳанглар (албатта, табиий ранглар билан уйғунликда) кучайиб, бўртиб кўринади, яъни кеча – «фироқим кечаси», шом – «қаро шомим» шаклини олади. Шунинг учун бўлса керак, ошиқнинг руҳий изтироблари рамзига айланган кеча фавқулодда хатарли («муҳлик») ўтади, йўқ, у ўз моҳиятини йўқотиши – тонгга уланмаслиги мумкин. Кеча мажозининг мазмуни ва характери бунчалик кескин ўзгаришига бадиий-мантиқий асос борми? Шубҳасизки, Навоий кузатган мақсад ошиқнинг бахтсиз қисматини ёрқин ва рангин тимсоллар орқали мумкин қадар кучли, таъсирчан шеърий санъат (чунончи, ифрот) усулида ифодалашдан иборат. Шунинг учун «фироқ кечаси»нинг нажотсизлиги «қаро шом» билан, фожеъ ҳол рамзи – шом эса гўё «нафас урмоққа» мажоли қолмаган субҳидам билан боғланади. Муболағанинг бу усулида реал ҳақиқат унсури йўқ эмас: ҳаётда давосиз дард азобини тортаётган хаста учун кеча ҳудудсиз ҳалокатли – «муҳлик» ўтса, гўё «саҳар бўлмас» даражада умидсиз, нажотсиз туюлса, не ажаб?..

Навоий ғазалиётида «субҳу шом» муқобил тимсоллари воситасида аксарият ҳазин руҳда яратилган лирик драматик лавҳа-образлар оз эмас. Байт:

Мену қаро кеча, йўқ нисбатим санга, эй субҳ,
Ки сен куларсену мен шамъвор йиғлармен.

Ошиқнинг аҳволи қанчалар ғам-андуҳли, кимсасиз «қаро кеча» билан ҳамрозликда кўрсатилади! Бундай бенаволик узлатгоҳида бечора ошиқ учун ягона илинж – таскин йўли ҳасратларини фақат кўз ёши билан изҳор этиш, йиғлаганда ҳам жисм-жони куйиб-ўртаниб, «шамъвор йиғлаш...» Ёш томчиларининг шамъ ўтида эриб оққан мум қатраларига ўхшашидан кўра, «қаро кеча» тутқунлигида эзгин-эзгин йиғлаётган ошиқнинг ўзини ўзи ёқиб адо бўлаётган шамга (майли, заиф-ожиз бўлса-да, тун зулматини лоақал бир ғариб ҳужрада поралаб унга ёруғлик бахш этгани-чи!..) нисбати фожиалироқ эмасми? Шундай мушкул ҳолатда гўё оламнинг сафобахшлик, бахтиёрлик тимсоли бўлиб «нафас урмоққа» бошлаган субҳидамга қарата: «Йўқ нисбатим санга, эй, субҳ!» дея ҳайқириш қанчалик дардли, ҳаққоний. Шу тарзда «кеча-субҳ», «сен куларсан – мен йиғлармен» муқобил таъбирлар орқали, тазод ва таносиб усулларида ларзакор лирик-трагик лавҳа яратилади.

Бошқа ғазалда ўша анъанавий-сайёр нисбатлар янгиланади, бадиий тароват, ўзгача қиёфа касб этади. Шоҳбайт:

Жамолинг субҳидин кулбамни равшан қилки, бошимға
Фалак ғамхонаси емрулгудектур фурқатинг шоми.

Шоир қаҳрамони – ошиқнинг дил-дилдан қилган муножоти – нолакор илтижоси бадиият қонунлари (оламни ўзгача, ижодий мушоҳада қилиш, янги, тутилмаган образлар таҳқиқ этиш, анъанавий тимсолларнинг номаълум қирраларини кашф қилиш) нуқтайи назари-

дан қанчалик асосланган; аввало, субҳ – маҳбубанинг «жамоли субҳи»га, шом «фурқати шоми»га айланиши табиат ҳодисаларининг бирига инсоний ҳарорат, жозиба, иккинчисига ҳасратангиз маъно беради, дунё эса «фалак ғамхонаси» қиёфасида ижтимоий дард билан йўғрилади. Бу – анъанавий ташбеҳ-нисбатларга ижодий ёндашиш намунаси, қолаверса, бу – «бахти уйқучи», «муроди ком ўлмаган» ошиқ мисолида эрксиз, ҳимоясиз, ўксик-армонли инсоннинг ягона умид ўчоғи, ғариблик «кулбаси» устида хатарли вазият юз берганини – фожиа даҳшатини кучли, ҳаётий образларда ифодалаш санъатидир (қисматига ёлғизлигу бенаволик насибаси битилган нотавон, ҳақирлар кулбаси устида «фалак ғамхонаси» хатари, ваҳми доимий ҳол эканини ким инкор қила олади?).

Айни чоғда шеърий мантиқнинг ҳаётий замини байт жозибасини оширади: «фурқат шоми»даги қўрқинч кайфият («бошимға фалак ғамхонаси емрулгудектур») кутилмаган тарзда «жамол субҳи» иноятi билан ариса – тарқалса ажаб эмас. Кошки маҳбуба шафқати – илтифотига боғланган умид алдамчи бўлмаса! Аммо висол субҳи ҳажр шомига айланмоғи муқаррар экан (бу – азалий зиддиятлардан), «фалак ғамхонаси» ваҳмидан – ошиқ ўзини фориғ тутиши мумкинми? О, унинг ғариблик кулбаси билан фалак ғамхонаси нечун бунчалик ҳамжинсу йўлдош тутинганлар?.. Бундай саволлар қанчалик оғир бўлмасин, уларнинг жавоби ўзида. Шундай қилиб, юқоридаги шоҳбайт моҳиятда бизни ўйга толдириши, мубоҳасага тортиши билан жозибалидир.

Навоийнинг девонлари ва достонларида шундай байтлар борки, зоҳиран уларда табиий хилқат манзаралари чизилгандай туюлса-да, сўз-ташбеҳлар, рамз-мажозлар замирида табиатни «инсонийлаштириш» – дард ва қувончларга манзаравий нисбат бериш тамойили сезилиб туради. Шоҳбайт:

Меҳр гул янглиғ айлабон яқо чок,
Нилуфарзор аро кезар ғамнок.

Қаранг-а, табиат ҳодисаси инсон нигоҳида шунчалар нафис, жозиб сувратланиши мумкин экан! Соҳир сўз санъаткори қуёш («меҳр»)нинг ғаройиб лирик образини табиатнинг гўзал манзараси – «нилуфарзор»га тамсил этиб чизади. Манзаранинг ўзгача хусусияти тақозоси билан қуёш аввал атиргул япроқларининг пора-пора тузилиши – «яқо чок» ҳолатига қиёс этилади (бу ташбеҳи том санъати билан музайян, асли дунёдан кўнгли совиган, жабрдийда бир ғариб қиёфасини рамзий ифодалаш усули), бундай муқояса қуёшнинг фақат «нилуфарзор аро» инъикос этиши билан ўзини оқлаши мумкин. Лекин байтнинг завқ-шавқ уйғотадиган ажаб аломати шундаки, гўё «гул янглиғ... яқо чок» ҳолат бадиий мантиқ эътибори билан сув чечаги – нилуфар табиатига мувофиқлаштирилади: унинг бошқа гулларга ўхшамайдиган ҳаёти, ўзгача шакл-шамойили, ранг-туси, сувдаги сояси, офтобда ажаб жилоланиши, нимаси биландир... сув ёқасидаги мажнунтолнинг мотамсаро қиёфасини эслатувчи сувратини қуёш «ўзлаштиради» – нилуфарзорда «ғамнок кезади». Ажабо! Осмони фалакнинг муқаддас ва дахлсиз, ҳаммасига қодиру холиқ қудрати қандай қилиб бу ҳолга тушди?..

Навоийнинг табиатдаги турли нарса-ҳодисаларни, жараён ва манзараларни доҳиёна мушоҳада қилиш, қалб нигоҳи билан кўриш қобилияти шундаки, қуёшнинг «нилуфарзор аро кезиб», бу мўъжизакор гул рангларидан ўзгача ранг, жило олган сувда нурлари «синиши», уларнинг турфа жилвалари, қирралари бир-бири билан кесишиб, туташиб, ўзаро акс жило бериб, ажиб товланиб кўриниши – булар «ғамнок кезар» тарзида ифодаланиши табиий

ҳолдек чизилади. Бу шеърий манзара орқали руҳий ҳолатни акс эттиришнинг ажаб камёб намунасидир.

Навоий ғазалиётида бўстон, гулзор, гул, булбул, гул барги ва хор (тикон) ташбеҳлари воситасида яратилган лирик манзара, лирик лавҳа ё фалсафий-лирик образлар оз эмас. Шоҳбайт:

Эй Навоий, даҳр гулзоридин ўтким, ҳар гули
Кўргузур юз хору – ҳар хорида озор ўзгача.

Бу байтда табиатдан олинган уч тамсил-нисбат («гулзор», «гул», «хор») моҳиятда жамият ҳаёти зиддиятларини – нафақат дардсиз ё вафосиз одамлар, балки раҳм-шафқатсиз, дилозор, риёкор, худписанд шахсларнинг қилмиш-қидирмишларини мухтасар мажозий-лирик лавҳада аён кўрсатишга хизмат қилади. Гулнинг тикони – «хор»нинг аччиқ-алами изоҳ талаб қилмайди, лекин гулзор ва гул кутилмаганда номарғуб мажозга айланишида ҳасрат, исён оҳанглари зуҳур этади: реал ҳаётда гўё кўркам, ораста чаманзорни эслатадиган обод, муҳташам, зоҳиран пурвиқор, бежирим-саришта масканлар (хоҳ давлат мақомида, хоҳ шахсий тасарруфда бўлсин), айниқса, дили ўксик, меҳр-шафқатга зор, адолатталаб, ҳимоясиз, нотавон кишиларга аксарият ҳолларда (эҳтимол, аввалу охир) лоқайд, ҳатто ғайриинсоний – шафқат-мурувватсиз, писандсиз муносабатда бўлиши ҳаёт синовидан ўтган аччиқ ҳақиқат эмасми?! Айни шундай, кўркли ташқи қиёфаси гулдай яшнаб турган, жозибадор, шакаргуфтор эркагу аёлларнинг аксарияти зоҳири – суврати алдамчи, тулкилиқо, ботини – сийрати қашшоқ, худпараст (юмшатиброқ айтганда – маҳдуд, юз-хотирга бормай ҳукм қилганда – қабиҳ) эканлиги аччиқ ҳақиқат эмасми? Демак, Навоийнинг қабариқ шеърий усулида («ҳар гулида... юз хор, ҳар хорида ўзгача озор») моҳиятда муболаға йўқ деса бўлади.

Бошқа бир ғазалда гул, тикон ташбеҳлари бутунлай ўзгача интим-лирик ҳолат тасвири (ижтимоий оҳанглардан холи), аниқроғи, шеърий мушоҳаданинг камёб туҳфаси – Навоий тахайюлининг нозик бир жилваси сифатида келади. Байт:

Тикон нишониму гулдек кафиндадур, ёхуд
Етишгач, анда кўзум қолди ёпишиб, нинагим.

Аввало, маҳбуба қўлининг нафису хафиф кафти («кафи») атиргулнинг оқ-пушти япроғига қиёс қилиниши чинакам нозик мушоҳада маҳсули. Қолаверса, байтдан кузатилган асосий мақсад лирик қаҳрамон – ошиқни ҳайратли, ҳатто иштибоҳли ҳолатга солган лавҳанинг бир-биридан жозиб ва латиф икки қирраси (бунда тажоҳули ориф санъати зуҳур этади) ёр қўлининг кафтидаги назар илғар-илғамас бир чизги гул тиконидан асорат-нишонами ёки васл боғида ошиқ ўз маъшуқаси қўлларига ҳасрату қувончдан ёшланган кўзларини суртганида «ёпишиб қолган» бир киприги («нинаги»)микан! Сўнгра «кўзум етишгач» («ёр қўллари васлига!») ибораси қанчалик нафис бўлса, ошиқ кипригининг севимли киши кафтида «ёпишиб қолиши» шунчалик табиий, айни чоғда ғаройиб бир ҳолдир. Яна бир ғазалда «боғ», «гул» мажозлари ўзгача рангда, аниқроғи, ажаб бир киноялиоҳангда келади. Байт:

Икки юзлук бўлмаким, бу боғнинг раъно гули
Гар қизорур бир юзи, лекин яна бир сорғорур.

Навоийда, Бобурда, бошқа улуғ, машҳур шоирларда, шунингдек, назири йўқ адиб Абдулла Қодирийда («Меҳробдан чаён»нинг Раъно портретига оид сатрларида) ажаб бир шеъ-

рий қиммат берилган, ҳозирги дурагай навлари кўпайган анвойи гуллар чаманида ўгайлатиб қўйилган, кўпчилик ёшлар аниқ тасаввур қилолмайдиган (деярли йўқолиб бораётган) танқис бир гул... Аслида, ҳуснда, хушбўйликда тенги йўқ раъно гули (ёки гули раъно) маҳбуба рухсорига, айниқса, унинг ғамзаю ишвали дамларининг юзидаги ифодасига қиёс этилиши қанчалар нозик кузатиш, хуштаъблик меваси! «Икки юзлук бўлмаким» ибораси-даги беозор, нафис киноя-чи? Йўқ, бу киноя эмас, ўзгача лутф – сўз жилваси-ку! Шеърий лутф дейиш ўзи кам. Бу шоҳбайтда ноёб санъатлардан ийҳом яширинмаганмикин? Зеро, «бу боғнинг раъно гули» образли бирикмаси ҳам, иккинчи мисра ҳам («Гар қизорур бир юзи, лекин яна бир сорғорур») бир йўла икки маънода, икки ҳолат тасвирига айланади: гоҳ асл маънодаги боғнинг ва раъно гулининг товланиб, тусланиб кўриниши ифодаланса, гоҳ «бу боғ» маҳбубанинг ҳусну жамолини, «раъно гули» эса унинг гулгун рухсорини, юзидаги ўзгаришни акс эттириб келади; «икки юзлик», «бир юзи», «яна бир» бирикмаларидаги иккилик аломати (гул япроғининг товланиб кўриниши ва маҳбуба рухсорининг рангин хусусияти) тажнис санъатидан далолат беради.

Ҳаётий ва ижодий мантиқ тақозоси билан баъзан шоирнинг қаҳрамони ўз-ўзини «айбласа» ҳам ҳеч ажаб эмас. Шоҳбайт:

Фалак бежурм эрур, ғам келса бу маҳзун сориким, ҳузн
Топиб ўз жинсини келмакка бу маҳзун эрур боис...

Халқимизда ғам-қайғу келаман деса, устма-уст келади, деган надоматли нақл бор. Эҳтимол, Навоий мана шу халқона ғамангиз сўзлар руҳига таяниб, ҳазин лирик лавҳа яратади. Бунда «маҳзун» сўзи такрорланиб келиши бежиз эмас: биринчи мисрада Навоий қаҳрамони (ғазал контекстида ориф ё қаландардан кўра ошиқ дунёсига кўпроқ тамойил сезилади) – ошиқнинг маҳзунлигига тақдири илоҳий сабабчи эмас («фалак бежурм» – беайб) у табиатан шундай яралган (Мажнуннинг ишқий эътиқоди – абадий ҳажр дарди билан йўғрилган хос фалсафасини эсланг). Мантиқан бундай маҳзунлик қисмат насибаси бўлиши лозим эди, лекин Навоий ўзлигини шу қадар хоксор, балоларга балогардон, фидойи қиёфада тасаввур қилади. Бундай шикасталик, гуноҳкорлик фалсафаси (бу, шубҳасиз, буюк салафлар – Аттор, Румий каби мутасаввиф шоирлар кўрсатган таъсир) иккинчи мисрада чуқурлаштирилади – сабабияти бир қадар очиб берилади: ғам нималигини ғамсизлар, дард нималигини дардсизлар билмаганидек «ғам келса... ўз жинсини топиб» келади. Бас, бу аччиқ насибага ўша Мажнуншиор ошиқ – «маҳзун...боис» бўлса не ажаб! Лекин шоир сўзининг бундай гуноҳкорона – шикаста оҳангида яширин норозилик, «ўз жинси» билан «халқ ғами» дан узоқ, бедард, лоқайд кимсаларга нисбатан аччиқ киноя зуҳур этмайдими?.. Яна бир ғазалда гўё фалакдан устма-уст ёғилиб келган ғам-андуҳлар «асру мушкул» (ортиқ даражада уқубатли) ҳолат тарзида ифодаланади. Байт:

Асру мушкулдирки, юз мушкул ғамимдин бирни чарх
Қилмайин ҳал, еткурур юз онча мушкул ҳар замон.

Ҳаётнинг азалий ва ногаҳоний зиддиятлари сабабиятини озми-кўпми англаб етган, заҳматсиз, бедард-лоқайд умрни ҳақиқий умр ҳисобламаган, диёнатли ва қаноатли одамлар тажрибасидан шундай хулоса қилса бўладики, турмушдаги бир ташвиш, ҳатто мушкуллик ортидан бошқаси келиши ажабланарли ҳол эмас. Лекин Навоий бундай ижтимоий дард мавзуини махсус бўрттириб, муболағали тарзда (иғроқ усулида) ёритиш билан, аввало,

даврига, давр аҳлига, умуман, ҳаётга, умр маъносига, инсон, шахс қисматига ўзининг холис, рўй-рост муносабатини билдирмоқчи бўлади. Мазкур байтда шоир ўзининг шахсий дард (бу табаррук зот шахсий дардни қандай тушунганини изоҳлаш зарурати йўқ), армонларини арз этаётгани ҳам ҳақиқат. Бироқ зиддиятни қарангки, Навоийдек махсус эъзозу ардоқдаги, айни чоғда ирода ва саботда тенги йўқ бир зот чархнинг «асру мушкули»дан шунчалар ёниб-ўртаниб нола қилар экан, ҳар қалай, ҳаёт ўз «мушкул»лари билан устувор, ҳатто қадрли деган ҳақиқат чуқур сабабий моҳияти билан аён бўлмайдими? Шахсан менга бу валийсифат башоратли назар соҳиби – улуғ мутафаккир шоир инсониятнинг келгуси ҳаётига (жумладан, бизнинг устма-уст муаммолари билан мураккаб замонамизга) ташвишли нигоҳ ташлаб, азалий безовта мавзуда қалам сургандай, буюк жафокаш инсоннинг «юз мушкул ғами» дан бири аримай туриб «юз онча» (яъни туман – ўн мингларча) мушкулликка дуч келишини дил-дилдан ҳис қилиб, масаланинг қанчалик жиддийлигини боз таъкидлаётгандай, одамларни ғофиллик балосидан, меҳрсизлик, шафқатсизлик офатидан огоҳ бўлишга даъват этаётгандай туюлади...

Баъзан реал ҳаёт манзараси ҳақиқатнинг шафқатсиз сабоғи таассуротини ифодалайди. Шоҳбайт:

Ул кишиким тузлук эрур шон анга –
Душман эрур гардиши даврон анга.

Бу ҳаққоний сатрлар беихтиёр бошқа бир пурмаъно байтни эсга солади: «Ҳақки биров хилқатини қилди пок, Севмаса нопок эл они – не бок?» Начора, «гардиши даврон»ки тўғри, ҳалол одамларга душманлик кўзи билан қарар экан, унинг иши – аъмоли «нопок эл» қилмишидан жиддий тафовут қилмайди (улуғ шоир «гардиш» сўзининг асл маъносини унга мантиқан яқин эгрилик тарзида талқин этаётгани бежиз эмас).

Навоий шахсан бутун умри давомида тўғрилик («тузлук»)ни инсонлик шаънининг бирламчи сифати деб билиб, шу эътиқодга мувофиқ яшади. Надоматлар бўлсинки, бундай одамлар ҳаётда камдан-кам топилганидан покиза, табаррук зотларни тириклигида камоли эътибору мурувват билан ардоқлашни, аксари бевақт оламдан ўтганларида энг қутлуғ-муборак каломлар билан руҳларини ёдлашни (чунончи, «Фавойид ул-кибар» даги соқийнома, шунингдек, насрий хотираномалар) ўзининг оддий инсоний бурчи деб билди...

Улуғ Навоий чексиз алам, ўкинч, армон билан мазкур байтга жойлаган ғоя, қани эди, ўша замон ёки кейинги даврлардан кўра бугунги кунлар учун, руҳий-маънавий баҳраларга, айниқса, тўғрилик ва ҳақиқатга ҳар қачонгидан кўпроқ ташна бўлган бизнинг авлодлар учун иймон калимаси, инсоф ҳадиси, виждон ҳайқириғи бўлиб, шафқатсиз ҳақиқат сўзи бўлиб янграса!..

Қатор шоҳбайтларда Навоийнинг қаҳрамони ориф, мутафаккир ё исёнкор ринд (баъзан бош олиб кетишга тайёр қаландар) қиёфасида бевосита ё билвосита ўз шахсига дохил савдолар, ечими мушкул муаммолар гирдобида, умидсиз хаёллар, армонли хотиралар дунёсида намоён бўлади. Байт:

Деманг осойиш ҳадисинким бўлур афлокдин
Юз балият ояти шаънимга нозил ҳар замон.

Шоир қаҳрамони – ориф чеккан азоблар, тотган озорлар шиддатини ташбеҳлар мазмунидан билса бўлади. Лекин муқаддас китоблардан олинган калималар ҳам лирик қаҳра-

мон – инсон билан афлок – тақдири илоҳий ўртасидаги бартараф этиб бўлмас тафовутга қараб кескин маъно қутбларига ажралади. Зеро, ҳар икки тимсол («ҳадис», «оят») ўзининг фалсафий салмоғи, фавқулодда таъсир кучи билан зиддиятни аёнроқ кўрсатишга даъват қилингани сезилиб туради: «осойиш ҳадиси» – энг яқин сирдошу дарддош, вафоли дўсту анис кишиларнинг қандай бўлмасин жабрдийда кўнглида умид чироғини ёқиш илинжида ҳатто муқаддас китоб сўзларига мурожаат этиши. Агар кўнгил захмига малҳам кор қилса, бундай маънавий шифо вазифасини ҳадис ўташи мумкин эди. Аммо... чин дўсту ҳабибларнинг эзгу ниятлари, қутлуғ саъй-ҳаракатлари беҳуда эканини Навоийнинг ўзи (қаҳрамони тилидан) инкор этиб бўлмайдиган муқобил нисбат – «юз балият ояти»ни (яна «ҳар замон» ибораси орқали устуворлик, мунтазамлик даъво-таъкиди билан) қарши келтиради. Шу тариқа зоҳиран муқаддас сўзлар ўзаро тазод усулида боғланиб, инсон зотининг табиат, самовот олдидаги нисбатсиз ожиз ҳолини чизади. Бироқ, моҳиятда Навоийнинг (унинг лирик қаҳрамони дунёсида улуғ шоир шахси нуфузли ўрин тутади) бемисол ирода қудрати ҳақида янги, бетакрор мунгли қўшиқ яратилади.

Бошқа ғазалларда яна инсон – фалак ўртасидаги қадимий мунозара ажралиб кўринади. Шоҳбайт:

Эй фалак, зулм эткали йўқтур менингдек бир кишинг.
Тут ғаниматки, бу дам турмуш менинг бирла ишинг.

Навоий ижодиётининг ҳассос билимдони, жафокаш шоир Шайхзода шифохонада битган охирги шеърларидан бирида: «Розиман бутун куррамиз учун бир карра мен тортсам барча дардларни», – каби ўлмас сатрларни Навоий ғазаллари таъсирида яратган бўлса, ажаб эмас... Буюк мутафаккир, адолатпаноҳ ва саховатпешаликда якто шоирнинг «...йўқтур менингдек бир кишинг» сўзлари замирида чиндан ҳам шахсий ҳузур-ҳаловатлардан ўзини фориғ тутган валийсийрат зот, покликда, сабру қаноатда тенги йўқ, жаннатий сифат инсон шахсияти, майли рамзий оҳангда зуҳур этмайдими? Агар «фалак»ни ҳам, «зулм»ни ҳам бу ташбеҳлар мафҳумига нисбатан кенг, кўламдор маънода англайдиган бўлсак (шеър санъати шундай талқинни тақозо этади), «бир киши» – Навоий бошига ёғилган, ёпирилиб келган ғаму андуҳлар лоақал ўша даврдаги Хуросон ва Туркистон аҳли «тортган барча дардларга» тенг эканига шубҳа қилиб бўладими?..

Иккинчи мисранинг: «тут ғаниматки» сўзлари руҳидаги маъно – умрнинг вафосизлиги ғояси, айниқса, Навоий англаган, қадрлаган «бу дам»лар мезони билан ёндашганда, янада терану ҳазин ўйчанлик касб этади. Шу тариқа, эл-улусига дарддош улуғ инсон ва санъаткор шахсияти билан «турмуш менинг бирла ишинг» сўзлари ўртасидаги руҳий муштараклик нисбатидан пурдард лирик-драматик образ шаклланади.

Ниҳоят, яна бир ғазалда «фалак» – «мен» муқобил нисбатлари моҳиятан ўзгармагани ҳолда ўзгача шеърий лавҳа чизилади. Байт:

Фалак бедодидин гарчи мене хокий ғубор ўлдум,
Тилармен топмағайлар тўтиёлиққа ғуборимни.

Фалак бедоди... Агар сўз замон, замон аҳли адолатсизликлари хусусида борганида эди, Навоий ўзининг юқори сиёсий мавқеидан қатъи назар, буни ошкор айтиш йўлини топар эди (шундай ижодий журъат маҳсули бўлган, ҳатто, шоҳлик салтанати моҳиятини кескин номарғуб баҳолаган шеърлари, байтлари етарли даражада: «Эрур шоҳ мажлиси ўт, кимки яқинроқ бўлса, куймак бийми кўпрак» ёки «Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо, Бас, менга

меҳру вафо – мол ила жоҳ» ва ҳоказо). Демак, доҳий санъаткор то ҳануз – бизнинг мураккаб замонамизда ҳам қимматини йўқотмаган чуқур зиддиятли мавзуда баҳс очади: башар авлодининг турфа тоифаси учун ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа тафовутлар белгиловчи омил эмас, аксинча, энг хатарли, ёвуз душман – иймонсизлик, виждонсизлик. Бошқа ҳамма бало – офатлар, иллатлар – ёмонликнинг турфа кўринишлари, уларнинг мудҳиш оқибатлари – иймонсизлик, виждонсизлик касоратидан. Эҳтимол, Навоий «фалак бедоди» деганда ўзининг шахсий-оилавий тақдирини, ушалмаган орзу-армонларини, ўзига яқин кишилар – «хўблар» ёки буюк салафлар қисматининг қаттоллигини, умуман дунёнинг ноетуклигини, бахт қуши – уни қадрлайдиган одамлардан узоқда парвоз қилиши каби кўпроқ «афлокдин» келган адолатсизликларни кўзда тутган («Осмондин ҳар неки келса, не қилгай чора эл?»). Айни пайтда «фалак бедоди» – «мен... хокий ғубор» муқобил тимсол-лавҳалари замиридан бақо ва фано фалсафаси англашилгани ҳолда, иккинчи мисра мазмунида қанчалик алам-ҳасрат бор: «Тилармен топмагайлар тўтиёлиққа ғуборимни» (бу, шубҳасиз, бизга маълум ва номаълум сабабларни яширган чуқур ҳасрат ифодаси!..) Демак, «фалак бедоди» рамзий образининг бир маъно қирраси одамлар орасидаги ёмонлик (ижтимоий-табақавий тафовутлардан қатъи назар) кўринишлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шундай қилиб, буюк жафокаш шоир – сўз санъаткори давомли азобли хаёлларини ёки аччиқ ҳаётий таассуротларини шеърий илҳомнинг эркин, дахлсиз қонунлари билан мувофиқлаштиради, бунинг маҳсули сифатида ҳазин-ўйчан оҳангдаги ўзгача фалсафий-лирик образ яратилади.

ТЎРТИНЧИ МАҚОЛАТ
«ЗАРРАНИНГ МОҲИЯТИ...»

Назар айла бу коргаҳ вазъига...
Ки ортар тамошосида ҳайратим.

Навоийнинг лирик-рубобий девон ва достонларида «ўн саккиз минг олам» – куррайи замин («баҳру бар»)дан коинотгача, қатрадан уммону заррадан қуёшгача, тонг юлдузи Ноҳиду Сомончи йўли – Каҳкашондан етти афлок буржларигача, табиатдаги тўрт аносиру инсондан илоҳиётгача – жамики мўъжизот, ажойибот ва ғаройиботлар, моддий дунёнинг бирлиги, бутунлиги («ваҳдати вужуд») ва руҳониятнинг сирли-сеҳрли чексизлиги, бошқа турфа қонуниятлари, рангин, бетакрор аломатлари фалсафий-бадиий таҳқиқ қилинади ёки билвосита ташбеҳ, тимсол, мажоз, рамз, истиора, киноя, муболаға усулларига, баъзан предметли тафсил воситаларига айланади. Биз ана шундай фалсафий-лирик мушоҳада намуналарини кузатамиз. Шоҳбайт:

Не бадиъ авзоъ эрурким, ақл боши айланур
Гар даме фикр айласам, бу гунбази давворга.

Кўҳна Шарқнинг шеърият даҳолари – ориф ва соҳир шоирлари – олам («гунбази даввор»нинг тузилиш-тартиботи, равишу суврат («авзоъ»)идан сийрати – моҳиятигача баҳоли имкон идрок этишга уриниб, тинчи-оромини йўқотиб, мушоҳада, мулоҳаза, мубоҳаса юритганлар; хоҳ дўсту анис, шоиру орифлар билан ҳамхона (ё ғойибона, бавосита) мулоқотда, хоҳ танҳоликда, ёлғиз ўзи, ўзлиги билан қолиб, ҳақни, ҳақиқатни кузатиш, таниш, яхшироқ билиш борасида бедор изланганлар, хаёл («тахайюл») дунёсига берилганлар. Лекин не-не

нуктадону зукколар, шеъру сўз фасоҳати мулкининг султонлари оламнинг моҳиятига, инсон руҳиятига етолмай, оҳу фиғонлари фалакни тутган. Зеро, ҳар қандай донишманднинг фикрат қудрати, ижодий даҳоси оламнинг нафақат умумий тарзи, тузилиши («вазъи») ёки бирор хусусий-нисбий аломати, сир-синоатини кашф қилиши мумкинки, Навоий бундай фалсафий идрок нисбатини уммондан қатраю қуёш олдида зарра деб билади («Ўзумни солиб заррадек беқарор, этиб ул қуёш нурида зарравор», ҳатто, бундай нисбатлашга ҳам шубҳа билдиради, шаккоклик қилгандай тазарру айтади). Ана энди бевосита шоҳбайт шарҳига ўтсак бўлади. Навоийнинг ғаройиб ва теран мушоҳада тарзини кўринг: азалдан то абад мавжуд оламнинг тузилиш-тартиботи («авзоъи») шунчалар нозик, жозиба қонунияти шунчалар сирли-сеҳрли ва мўъжиздирки, у ҳақда фақат бир лаҳза мулоҳаза юритиш («гар даме фикр айласам») ақлни шоштиради, ҳайрону паришон қилади («ақл боши айланур»). Во ажаб! Бунда инсон ақлининг «бош»га нисбати – гўзал истиорадан ташқари зоҳиран кўздан яширин тажнис (санъати ҳам мавжуд, яъни «айланур» ва «даввор» (айланувчи) сўзларининг туб ва кўчма-рамзий маъноларидан ажойиб шеърий лутф – сўз фасоҳати яратилади.

Навоий хаёли ва тафаккурининг юқоридаги байт мазмуни билан руҳан муштарак бошқа фалсафий-лирик образларини шоирнинг йирик бир шеъри-таркиббандидан кузатиш мумкин. Байт:

Назар айла бу коргаҳ вазъига –
Ки, ортар тамошосида ҳайратим...

Шоир қаҳрамонининг валийларга хос ҳидоятли «назари» тушган дунё – «коргаҳ» (эҳтимол, бу байтда сирли-сеҳрли ойдин кеча ёки ой чиқмаган, юлдузлар гўё заминга яқинлашгандай бўлиб чарақлаб кўринган ялдо тунидаги самовот) томошаси Навоийнинг хаёл дунёсида қандай ҳайратбахш манзаралар кашф этган экан?! Хусусан, байтдаги икки нуқта алоҳида эътиборга муносиб ва матлуб; биринчидан, файласуф шоирнинг фақат «коргаҳ вазъи» – оламнинг суврати ва ҳайъати – зоҳирий ҳолатига «назар ташлаш» дан олган таассуроти ифодаланади; иккинчидан, бу комилу солим тафаккур соҳибининг ҳакиймона мумтоз «тамошо»си туфайли лирик қаҳрамон (шоир, ориф) ҳайрати тобора кучайиб, пурзиёд бўлиб боради... Бу нафақат даҳоларга, балки ҳар бир мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлган одамга хос, зарра қадар бўлсин оламнинг моҳиятини англаш истагидан далолатдир. Энди қаҳрамон ҳайрати кундузги олам билан бўлган мулоқот таассуроти тарзида инъикос этади. Байт:

Куёш йўқки, бир зарра моҳиятин
Топа олмади саъй ила фикратим...

Навоийнинг чуқур эътиқодига кўра, «коргаҳ» – дунё шундай яратилганки, унда лоақал «бир зарра моҳияти» – сабабиятини на «барчадин шариф» инсон даҳоси, на унинг тасаввурида энг улкан фазовий жисм бўлмиш Куёшнинг мўъжизотларга қодир қудрати ҳам очиб беришга қобил эмас (офтоб нури билан зарранинг фақат «авзоъи» – кўриниши, шакл-шамойили, тузилиш тарзи аниқланиши мумкин). Навоийдек алломаи замон, мутафаккир шоирнинг «сайъ ила фикрати топа олмаган» ҳақиқат – хоҳ энг мўъжаз вужуд – зарра, хоҳ катта жисмнинг моҳиятини қандай тушунмоқ керак? Оламнинг сабабият ва моҳиятики мусулмон пантеизми (моддий борлиқни илоҳийлаштириш – табиатда, жумладан, инсон-

да Тангрининг тажаллиси – жилоланиши) фалсафаси асосида мутлоқ ҳақиқатга боғлаган, «Тенгри эҳсони» деб билган доҳий санъаткор ўша мушкул жумбоқ – «зарранинг моҳияти» баҳсида ихтиёр-беихтиёр иккиланади, иштибоҳга берилади, азобли ўйларга толади: Байт:

Не келмак аён бўлди, не кетмагим.
Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим.

Не ажабки, ислом фалсафасининг нафақат зукко билимдони, айни чоғда ўзининг пири муршиди Жомий мақомидаги арконларидан бўлган аллома учун на ёруғ дунёга «келмаги» ва ундан «кетмаги»нинг сабаб ва мақсади, на қисмат йўлининг боши ва охири – қайтиши («мабдаъи ва ражъати») аниқ бўлса? Буюк ҳурфикр шоирнинг «не...аён бўлди», «не... яқин бўлди» каби қийноқли савол-ҳукмида фақат донишманд зотларга хос яширин – руҳий исёнкорлик бор. Шубҳасиз, Навоий улуғ санъаткор сифатида ҳақни таниш, ҳақиқатни ахтариб топишдек уқубатли йўлда гоҳо иккиланиши, гоҳида исёнкор хаёлларни кечириши ажабланарли эмас (бундай зиддиятли кайфият мусулмон Шарқининг хоҳ дунёвий, хоҳ мутасаввиф ижодига хос хусусият). Бироқ Навоийнинг Жомий чуқур эҳтиром билан нақл қилган юксак мавқейи («Низом ул-миллати вад-дин Алишер») оламнинг моҳияти, одамзот қисмати сингари мушкул, «ақл боши айланур» жумбоқли муаммолар баҳсида ортиқ исёнкор хаёлларни ифодалашга имкон бермас эди. Шунинг учун бўлса керак, мазкур таркиббанднинг сўнгги бандига мансуб яна бир байтда: «Не касби улум (ҳам илоҳий, ҳам дунёвий илмлар – Б. А.) этти ҳал мушкулим. Не тутти илик тақвию тоатим» дея иштибоҳ билан ҳасрат қилган буюк ҳақпараст шоир ҳаётининг сўнгги йилларида яратган шеърларида энди руҳий ғалаёндан кўра Ҳақнинг бирлиги ва дахлсиз иродасига итоатни, гўё содир бўлган гуноҳлари учун тавба келтиришни тўғри – ҳидоят йўли деб ҳисоблайди: «Қайси макон аро Сени истайки кавнда (борликда), Сенсиз эмас маконию – йўқтурур макон Санга»; «Дардима дармон иноят айлагил, Тавбаи комил ҳидоят айлагил». Комил мусулмон ва улуғ мутафаккир шоирнинг бундай саною муножоти ўз замирида азалий хилқат – яратилишнинг бирлиги, бутунлиги каби ундаги ҳар «бир зарра моҳияти» олдида хаёлга толиш, ҳайрат ҳисларини кечириш жараёнини зуҳур этади. Инсон руҳиятининг бундай самовий (эҳтимол, то ҳануз баъзиларга зиддиятли туюладиган) ҳолати Навоий сиймосига, унинг қаҳрамони дунёсига валиёна улуғворлик, орифона теранлик бағишлайди.

Лекин бадиий ижоднинг аллақандай сирли қудрати, мўъжиз табиати борки, бу – тинимсиз изланиш, кузатиш, ниманидир бадиий таҳқиқ қилишга чуқур руҳий эҳтиёж, яратиш интиқлиги, тафаккур ва қалб оромсизлиги, фикрнинг сезилмас, ботиний ривожи, етилиш жараёни... Бас, Навоий, даҳо санъаткор сифатида ўзининг «сайъ ила фикрати»га боз эрк-ихтиёр берганида ошкор ҳаққонийлиги билан жозиб мисралар туғилса не ажаб. Байт:

Не йўл экин буки, ҳар неча корвон борди –
Бирисидин не асар бўлди, не нишон пайдо.

Дарҳақиқат, инсоннинг умр йўли «не йўл экан»лиги не-не заковатли зотларни ҳайрону беҳол қилмаган! Навоий абадий мавзулардан ҳаёт-мамот муаммосига, албатта, йирик давлат ва дин арбоби сифатида ёндашмайди (маълумки, «Қуръон» ва «Ҳадис»да инсон учун комил ҳаёт, ҳақиқий дунё «дорул бақо» билан белгиланади), аксинча, шоир бу гал халқ орасидаги кўп аччиқ-чучук, иссиқ-совуқларни бошдан кечирган, бу дунёнинг бебақолиги, умрнинг бевафолигидан қаландарона ва риндона ошкоралик билан баҳс қилувчи ҳурфикр бир

тоифанинг нуқтайи назарига шеърий сайқал беради. Ҳатто бадиий нисбатлаш – муқояса усули ҳам халқ тажрибасидан, унинг рўй-рост дунёвий тафаккур тарзидан олинган: қадим Шарқнинг карвон йўлларида нафақат қароқчиларнинг ваҳшат босқинидан, балки самум шамоли, қумбўронлар, дарё, денгиз хатари, тоғу тош – довонлардаги довул, сел, кўчки ва бошқа офатлардан ҳалок бўлган карвон аҳлидан эртами-кечми совуқ хабар ё бирор асорат – нишон келиши, тақдир ҳукмига бўйсунган мотамсаро хонадонлар рамзий аза очишлари мумкин. Ҳолбуки, Навоий мажозий маънода қўллаган (моҳиятда бирорта валий зот ечиб беролмайдиган даҳшатли, шафқатсиз ҳақиқат жумбоғи) «ҳар неча карвон»нинг бирортасидан (мантиқан инсон авлоди бино бўлгандан буён) бирор «асар» ё «нишон» келмади. Бунинг маъноси шуки, инсоннинг ҳаёт шамъи сўниши билан оёғи ердан узилади, ҳаёт йўли ҳам интиҳо топади, қисқаси, ўлим йўқлик демакдир. (Навоий бу фожеъ мавзуни бошқа шоҳбайтда шундай ёритади: «Дединг: «Фано недур?» Мухтасар дейин: «Ўлмак», Ки шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидур»). Демак, буюк мутафаккир шоир, аввало, ҳар бир комил мусулмон каби ўлимни дунёдан ном-нишонсиз кетиш маъносида эмас, балки вужуднинг йўқолиши тарзида талқин этади, қолаверса, Навоийнинг турли жанрдаги асарларида, жумладан ғазалиёт байтларида бу ҳазин-мунгли мавзуда чиндан ҳам «шарҳи... юз рисола бўлғуси», бири-биридан нафис лирик-трагик образлар, лавҳалар яратилди. Ҳар қалай, бу илоҳий қалам соҳиби ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатига фақат ўз эътиқодига хос – холис, айни чоғда ижодий, умидбахш муносабатда бўлди: гоҳ юксак, самовий хаёл аршига кўтарилди, гоҳ реал воқеликнинг: «не йўл экан бу?» каби азалдан ечими мушкул муаммоларига орифона, риндона муносабат билдирди. Оқибат-натижа шундай бўлиб чиқдики, ҳаётнинг азалий ва ногаҳоний зиддиятларидан қатъи назар, унинг буюк, сирли оҳанрабоси – жозиба қудрати, шеъриятнинг ўлмас идеаллари билан чуқур руҳий уйғунлик, бутунлик касб этган ижод лаҳзалари доҳий санъаткор дунёсида белгиловчи мақомга эга бўлди. Ана шундай завқ-шавқ, илоҳий илҳому рағбат самари бўлган айрим намуналарни кузатайлик. Шоҳ байтлар:

Йиқилса ҳужра – бўлсун қаср обод,
Қуруса сабза – бўлсун сарв озод.
Гул борди эса – чаман муаттар ўлсун,
Шамъ ўчти эса - қамар мунаввар ўлсун.

Шубҳасиз, бу байтлардаги ёрқин қиёсий-рамзий образлар руҳида жудоликлар алами қанчалик аччиқ бўлмасин, умидли, яхши кунлар олдинда, ҳаёт янада гўзал ва файзли, одамлар янада олижаноб, саховатли бўлғуси деган яхши ният, боумид кайфият зуҳур этади. Лекин ҳаёт зиддиятларини чуқур идрок қилган, бундан шахсан қаттиқ изтироб чеккан («Басе, аччиқ-чучук тотдим жаҳонда, Басе, иссиқ-совуқ кўрдим замонда») улуғ жафокаш шоирнинг умидбахш мисралари, фақат лирик-романтик хаёллар, нуктадон маънолару нафис ифодалар учун даъват этилмаган. Аксинча, табиатнинг азалий диалектикаси заминида шаклланган шеърий лавҳаларда умуман оламга, хусусан инсоннинг қалб саховати ва заковат кучига ҳаёт зиддиятлари – фалсафий меъёр нуқтайи назаридан ёндашиш тамойили сезилиб туради. Наҳотки, ҳужранинг йиқилиши, сабзанинг қуриши, гулнинг сўлиши («бориши»), шамънинг ўчиши тинч-осойишта, алам-озорларсиз, асорат- оқибатларсиз кечса, кечирилса? Наинки, самимий истак, ширин орзу-хаёл, ғайрату ҳиммат туфайли зиддиятнинг иккинчи қутби: обод қаср, озод сарв, муаттар чаману мунаввар қамар бунёдга келса! Аввалги – биринчи қутб ҳодисалари, майли, жисман мўъжаз, хоксор, ғариб, кўрксиз

бўлсин, ҳар қалай, ўз ўрни, қиёфаси, қадри-эъзози, руҳи-хотираси кейинги – янгиларининг салобат-виқори, шукуҳи, шуҳрати соясида қолиб таҳқир этилмаслиги, унут бўлмаслигига ким кафолат беради? Вақт отлиғ буюк ҳакамнинг шафқатсиз ҳукми остида замон чархи айланиб, яна қаср ўрнида ҳужра бино бўлса, сарв йиқилиб, у эгаллаган ерда сабзалар кўкарса, чаманзор гулхани сўниб, унинг кулидан кичик гул ниҳоли битса, қамар даврони ўтиб, яна шамъ милтиллаб ёнса, не ажаб? Табиат ва жамият ҳаётида бундай айланиш, қайтишлар камёб, тансиқ ҳодиса эмас... Шубҳасиз, Навоийнинг кузатган мақсади эскини – ўтканни йўқотиш аламидан янгининг – бунёдга келадиганнинг қувончи беқиёс даражада ортиқ эканини таъкидлаш билан ҳаётга шукрона айтиш, инсон даҳосига шеърий васф – қўшиқ битишдир.

Шоирнинг бошқа ғазалларида оламнинг тинимсиз ўзгариш, янгиланиш қонунлари заминида рангин фалсафий-лирик лавҳалар яратилади. Байт:

Қилса кул жисмимни ўртаб оташин ораз гули,
Ҳар овуч кул даҳр бўстонида бўлғай булбули.

Ошиқона муносабатларга хос ташбеҳлар (ошиқ «жисми», маҳбуба «орази», гул, булбул, бўстон) кутилмаган тарзда муҳаббат қисматининг фалсафий моҳиятини ифодалаб келади; битта тимсолнинг бошқа сўз-рамз билан ҳам зоҳирий, ҳам руҳий – ботиний алоқасидан кўп қиррали ва ғаройиб лирик манзара яратилади: оразнинг гулга, гулнинг оташга, оразнинг ўт ва жисмга, куйдириб («ўртаб») кул қилишга, кулнинг булбулга, унинг бўстонга нисбатлари бирлиги завқ-шавқ уйғотади, ўйга толдиради. Энг муҳими, «даҳр бўстони»нинг хазон билмаслиги – «ҳар овуч кул» нинг булбулга (!) айланиши. Бу ғаройиб шеърий лавҳа у билан руҳан муштарак бошқа фалсафий-рамзий мисраларни ёдга туширади: «Тухм ерга кириб чечак бўлди, Курт жондин кечиб ипак бўлди». Яна бир ғазалда табиатнинг азалий зиддиятли унсурларидан – сув билан ўт тасвир объектига айланади. Байт:

Сув бирла ўт аро зиддият ўлди чун азалий.
Агар ҳаёт суйидурки - ўтқа офат эрур.

Аввало, «сув бирла ўт» нафақат табиий зиддият унсурлари, айни чоғда бир-бири билан ҳар томонлама боғланган ҳаёт манбаи тарзида талқин қилиниши эътиборни тортади. Буни қадимги Юноннинг бутун дунёга машҳур файласуфларидан мусулмон Уйғониши мутафаккирларига ўтган, илоҳиёт илми билан бирга дунёвий фанлар ривожига анчайин таъсир этган тўрт унсур («аносири арбаъа») таълимотининг Навоий шеъриятидаги қатра инъикоси деб баҳолаш мумкин (шоир уларни «тўрт садаф гавҳарининг дуржи» деб таърифлайди). Колаверса, иккинчи мисра Навоийнинг сўз-тимсол туйғуси, маъно билан ҳақиқат бутунлиги туйғуси («нукта топса ҳақиқат ўтидан чошни...»)нинг комил ва мухтасар ифодасидир: «Агар ҳаёт суйидурки – ўтга офат эрур». Канчалик журъатли, айни пайтда шафқатсиз ҳақиқат тимсоли! Бу пурмаъно фалсафий сатр «сув – ўт» унсурларига хос табиий зиддият мисолида ижтимоий ҳодисалар, уларнинг турфа аломатлари баҳсида ягона марғуб ва матлуб йўл ҳақиқат мезонидир, деган ғоя улуғланади. Бу тазод шеърий санъатининг халқона ирсол ул-масал (Хизр номи билан боғлиқ ривоят) усули билан уйғунлиги намунасидир.

Ғазалларнинг бирида «сув», «ел» тимсоллари таносуб санъати воситасида ўзаро боғланиб, ўзгача фалсафий-лирик лавҳа яратилади. Байт:

Қайси гул базминки сувга, йўқса елга бермади,
Бу чаманда то булут – сақо, сабо – фаррош эрур.

Агар «гул базми» ҳаёт, умр, муҳаббат савдоси маъноларида талқин қилинган тақдирда нимаси биландир юқоридаги: «Не йўл экин бу...» байтини эслатадиган ҳаёт-мамот фалсафаси ҳақида янги лавҳа – шеърий манзара чизилгани аён бўлади. Навоий талқинича, табиатнинг мислсиз мўъжизаларидан бўлмиш пурфайз фасл – олам турфа гуллар ичида базм қурган кунлар ҳам ўткинчи, муваққат. Бас, умр дақиқаларини беҳуда, маъносиз, дардсиз ўтказиш ғофиллик ва гумроҳликдир. Шоир бу «азалий зиддият» қутбига ислоҳ киритади: осмондаги мироб («сақо») ёмғирли булут рамзига, сабо, шамол – фаррошга, улар бирлашиб чаман ғоратгарига айланади. Ташбеҳ ва тимсоллари табиат ҳодисаларидан олинса ҳам («гул базми», «сув», «ел», «чаман», «булут» «сабо», «сақо») манзара-образ моҳиятида ҳаётнинг ҳар қандай хазина билан баҳолаб бўлмайдиган насиба ва нашидасига шукрона айтиш, ғафлатни қувиб, ҳар бир фурсатни ғанимат билиш ғояси зуҳур этади, аксинча, ўтган ишга ўкиниш ё нафсоний, шайтоний ҳаволарга берилишнинг касоратига ишора ҳам йўқ эмас.

Навоий «сув» ва «ўт» ташбеҳлари орқали ошиқона кечинмага ёрқин, бетакрор рамзий маъно бериш ниятида бўлса ҳам, сўз замиридаги «азалий зиддият» – фалсафий моҳият аён сезилиб туради. Байт:

Кўзда сув, кўнгул аро ўт, не кўрарсен охир?
Яна аҳволин аларнинг не сўрарсен охир?

Табиатнинг зиддиятли ҳодисаларидан, уларнинг турфа аломатлари – қирраларидан ижодий фойдаланиш, уларга шоирона ранг, оҳанг бериш халқ тафаккури учун бегона эмас («бири – ўт, бири – сув», «ўт балоси, сув балоси», «ҳали ўтга, ҳали сувга уради», «ишқ ўти», «ҳаёт суви» ва ҳоказо). Навоий халқнинг ана шундай муқобил мажозларидан бирини ошиқнинг соғинч ёшларига («кўзда сув»), иккинчисини ишқ дардида пинҳоний куйиб-ўртанишларга («кўнгул аро ўт») тамсил қилиб олади ва бундан кузатилган мақсад – «кўз» билан «кўнгул»нинг ўзаро келиштириб, қовуштириб бўлмас ҳолати («сув» билан «ўт» зиддияти) га бадиий-мантиқий замин ҳозирлашдир. Бундай безовта-хавотирли мулоҳазани иккинчи мисра мазмуни тасдиқлаши мумкин: «Яна аҳволин аларнинг не сўрарсен охир?» Шеъриятда оҳанг-интонациянинг хизмати катта. Мазкур шоҳбайтда мусиқий унсур такрорий саволлар тарзида келиб, тажоҳули ориф санъати учун бадиий эҳтиёж ифодасига айланади («...не кўрарсен охир?», «...не сўрарсен охир?») Хуллас, ҳар мисрадан кейин қўйилган сўроқлар лирик қаҳрамон – ошиқнинг аҳволи руҳияси қанчалик мушкуллигини кўрсатади (бундай сўроқларга унинг ўзи ҳам, эҳтимол, жавоб тополмас) ва муҳими, ўту сув фалсафаси инсоннинг руҳий олами билан боғланганда сеҳрли – жозиб маъно, ўзгача теранлик касб этишидан далолат беради.

Бошқа бир ғазалда инсон ҳаёти, тақдири, унинг ирода-саботигача азалиёт қонунлари билан мутлақо чеклаб қўйилганлиги ифодаланади. Байт:

Чархи доир баҳридин эл тутмасун соҳил умид,
Ким қутулмас ҳар кишиким, тушти бу гирдоб аро.

Аввалги шоҳбайтлар шарҳидан бир қадар равшандирки, Навоийнинг шеърий тафаккур иқтидори, оламни мушоҳада қилиш тарзи ижодий хаёлга фавқулодда эрк, жаҳоний май-

дон, фазовий миқёс беради. Шунинг учун чексиз-ҳудудсиз ва азалдан то абад айланувчи дунё («чархи доир») билан унинг олдида зарра ё қатрачалик қадри йўқ инсон ўзаро муқояса қилинар экан, мантиқий аниқлик, бадиий бутунлик учун биринчи объект – азалий стихия нисбатан аниқ қиёфа олади – соҳил ва гирдоблари бўлган «баҳр»га айланади. Лекин иккинчи объект – бутун бошли бир «эл» (мантиқан етти иқлим аҳли) ва «ҳар киши»нинг қисмати ўша ҳиссиз, лоқайд, лекин буюк стихия амрида: унинг тўфонли – пурмавж «соҳили»дан эл-улуснинг умидвор бўлиши беҳуда, «гирдоби»дан инсон авлоди нажот топмаган, тополмайди. Ижтимоий дард оҳангларидан мутлақо холи бўлган бу шоҳбайтда мутафаккир шоир ўзининг комил мусулмон эътиқодидан қатъи назар, азал ва абадият қонунлари олдида буюк эҳтиром сақлаган ҳурфикр валий ва файласуф сиймосида намоён бўлади.

Ғазалларнинг бирида «субҳ – шом» муқобил тимсоллари орқали шоирнинг қаҳрамони – риндтабиат ориф (ё қаландар) инсон умрининг – маъно ва мақсадига дохил хаёллари қаламга олинади. Байт:

Субҳ невчун умрдин май бирла коми топмагай,
Кимсаким, умриға йўқтур эътимод – ўлғунча шом.

Ҳар бир соғлом фикрли, яхши ниятли киши ёруғ дунё ва инсон умри нима эканини бир қадар тушуна бошлаган кунларидан то тириклик йўлининг сўнгги манзилигача «ком топиш» – маълум мақсадга етиш орзу-истаги, умид-илинжи билан яшаса, нимагадир меҳр қўйиб, интилиб, уринса, эрталик кун – истиқбол бахтли, қувончли бўлишига «эътимод» – ишончи сўнмаса... Ҳаётда ана шундай мақсад йўлида собит, устувор, тиниб-тинчимас, меҳнатсиз ўтган кунни кун ўрнида ҳисобламайдиган, ғайрату ҳиммати билан эл-улус раҳматига молик бўлган кишилар оз эмас. Бу босавоб мавзуда буюк «меҳнатнома» («Фарҳод ва Ширин») муаллифининг бири биридан афзун, пурмаъно байтлари бор («...Лола тухмича ғайратинг йўқму? Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?»; «Тенгри эҳсониға шод ўғлон қилур ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам»; «Бировким – жаҳондин керак ком анга, эмас яхши - бир ерда ором анга» ва ҳоказо). Лекин афсусу надоматлар бўлсинки, бу гал улуғ мутафаккир дунёнинг бебақолигидан, замон зиддиятларининг аёвсиз ҳамла-хуружларидан, замон аҳлининг бедодликлари, турфа риёю ёлғонлари жабридан руҳи қийналиб, маҳзунлик узлатини ортиқ кўрган бўлса не ажаб: наинки, инсон зоти («кимсаким») ҳаётнинг энг умидбахш ва сафобахш палласи – субҳидам нашъасидан ҳам (маълумки, Навоийда «май», «бода» сўзлари умр хушвақтлиги, ҳаёт нашидаси рамзи, барча неъматлар, эзгуликлар учун шукрона айтиш ифодаси) ком тополмаса – муродига етолмаса... унинг ҳаёт шомигача бундай умид-ишончсиз яшаши («йўқтур эътимод») қанчалар оғир! Хуллас, Навоий, бир томондан умр субҳининг сеҳри-жозибаси алдамчи – ўткинчи эканини рўй-рост айтиш учун уни «шом»га муқобил қўяди, айни пайтда инсонга «Тенгри эҳсони» бўлган умр қанчалик қисқа, омонат – фоний эканини таъкидлаш, уни ғофиллик офатидан сақлаш учун «май бирла ком топиш»га даъват қиладики, бу «азалий зиддият»ларга холисанлилло, самимий, инсоний муносабат намунасидир.

Қатор шоҳбайтларда ислом ва тасаввуф имкониятлари ҳақида мубоҳаса юритилади. Байт:

Нуктани – тавҳидни билган қила олмас баён,
Ким баён қилдим деса, билгилки – қилмайдур билиб.

Шоҳбайт мазмунини англаб етиш учун, даставвал, «тавҳид» сўзининг маъносини аниқлаб олиш эҳтиёжи бор: бу – инсон руҳининг илоҳий қудрат билан бирлигига ишониш, унга эришиш демакдир, бунинг учун кўнгул мутлоқ равшан бўлмоғи, руҳ покланмоғи керак. Ислом ва тасаввуф фалсафасида инсоннинг илоҳи билан қўшилиши азалий хилқат – яратилишнинг абадият қонунлари билан ўлчанадиган чексизлигини англатади. Ана энди байт шарҳига ўтсак бўлади. Модомики «нукта», «нуктадон», «нуктапош» истилоҳлари ниҳоятда нозик, ботиний, сирли-теран маъноларни – оламнинг, жумладан, инсон руҳиятининг моҳиятини билиш мақсадини кузатади деб фараз қилинадиган бўлса, ҳар қандай комил, солим заковат эгаси бу маънида саҳв кетиши муқаррар, илло: «Ким баён қилдим деса, билгилки – қилмайдур билиб». Не ажабки, бу қадим дунёнинг ўз иқтидорига ишонган улуғ, донишманд сиймоларидан бири бу масалада иккиланади, иштибоҳга берилади. Зотан, оламнинг, жумладан, инсоннинг моҳиятига назар солиш ислом фалсафасида фақат «тавҳидни билган»га буюрадиган, яъни ҳуқуқ берадиган мўъжизали бир ҳолдир. Мана шу билиб бўлмас теран ҳақиқатни эътироф этиш, унинг илоҳий сирига тан бериш ва ҳатто уни бир қадар англашга уриниш, интилишнинг ўзи донолик аломатидир. Шоҳбайтнинг ифода қурилмаси ҳам ўзгача, жозиб: «билмоқ», «қилмоқ» феъллари ҳар гал янги мантиқий-бадиий қиррада уч (!) бор такрорланиб келади, бундан тазод ва тарди акс санъатларининг рангин намунаси ишланади.

Бошқа бир ғазалда оламнинг моҳиятига оид фалсафий муаммо юқоридаги мисралар билан муштарак оҳангда ифодаланади; ўша икки феъл – ташбеҳ («қилди», «билди») айни ўша санъатлар орқали қўлланади, бундан ўзига хос киноямиз лирик-полемик лавҳа яратилади. Шоҳбайт:

Қайси жоҳилга надомат бўлгай ул олимчаким,
Ҳар не билди - қилмади, ҳар неки қилди – билмади.

«Жоҳил» тимсоли номарғуб маънодаги нисбат сифатида келиб, «олим» рамзи эса оламнинг моҳиятига етиш имконсиз, деган кўҳна фалсафани бадиий шарҳлаш учун хизмат қилади. Биринчи қарашда шоирона лутф – сўз ўйини, ифода жилваси («билди – қилмади», «қилди –билмади») – жозибаси бўлиб туюладиган иккинчи мисра замирида не-не зукко зотларни ўйга толдирган мушкулот-мураккаб илмий-фалсафий жумбоқ санъаткорона мухтасар шаклда зуҳур этган. Эҳтимол, «билмоқ», «қилмоқ» (ва уларнинг бўлишсиз – инкор шакли) тил ва тафаккурнинг ҳозирги меъёрларида жўнроқ туюладиган сўзлардир, яъни Навоий кузатган мақсад – чуқур зиддиятли руҳни очиб беролмас. Аслида, биринчи мисра мазмунидан англашилиб турадики («Қайси жоҳилга надомат бўлғай ул олимчаким»), «ҳар не билди – қилмади» нақлида зуҳур этган зиддиятли маънони ҳар бир комил аллома йиллар давомида англаб, ҳақиқат сабоғи дея билса бўлади (аксинча, «ҳар неки қилди-билмади» сўзлари замиридаги шафқатсиз ҳақиқат фалсафасини ҳам шундай англамоқ керак). Демак, Навоий тимсоллари, мажозларининг маъно кўлами кенг, қатлами теран бўлгани каби, зоҳиран бир-бирига зид келган сўзлар замирида нафақат «олим»га маълум бўлган ҳаёт диалектикаси – оламнинг сирли моҳияти мужассамлангандир.

Ниҳоят, фалсафий мазмундаги шоҳбайтлар шарҳига Навоийнинг илҳом ва рағбат юлдузи жилва қилган сафоли бир саҳардаги хушнуд лаҳзалар инъоми – яна бир байтни тамсил қиламиз:

Чаман саҳифасида сабза демаким, гардун
Тараб сўзини яшил хат била савод этадур.

Навоий замону жаҳоннинг не-не суронли зиддиятларини, тўфонли ҳодисаларини бошидан кечирмаган, «халқ ғами», «эл коми», «улус ситами»ни шахсий дард-алам, армон деб билганидан, кундуз кунлари қанча алғов-далғовлар билан, кечалари таърифга сиғмас изтиробли хаёллар, эҳтимол, сирли-маҳрам, озурда хотиралар билан ўтмаган, ахир унинг қисматига лойиқ аёл овунчи – кўнгул шамчироғи насиб этмаган... Ана шу буюк жафокаш, шикастадил табаррук зот гўё устидаги «ғам тоғи»ни аҳдариб, табиатнинг баҳорий нашъасидан, умрнинг шукронаи неъматидан баҳравар бўлишдек эзгу истак билан шеърий рағбат, шавқ лаҳзаларини кечирса не ажаб? Улуғ файласуф шоир ўша умидбахш, руҳафзо дақиқаларнинг тансиқ ҳаяжони ва ҳайратини «тараб сўзи» ва «яшил хат» рамзларида мухтасар, рангин образ-лавҳада ифодалайди: гўё «гардун» самовий-илоҳий хаттот ва мусаввирга айланади-да, курраи Заминнинг чаманзорга монанд кенгликлари, катта-кичик, пасту баланд сайҳону майдонларидан ғаройиб саҳифалар ўрнида фойдаланади ва уларга қандай олижаноб, сафоли, қутлуғ ниятлар, умидларла «яшил хат» билан шодлик («тараб») сўзини ёзади! «Чаман» ташбеҳининг «саҳифа»га, «сабза»нинг «хат»га нисбати (яшил рангнинг шодлик тушунчасига муқояса этилиши қанчалик нуктадон ва нафис!), умуман илк кўклам – наврўзда табиат уйғонишининг бағоят тароватли, маъсум ва митти-ҳарир аломатлари – майсалар, сабзалар, яшил хилқат – ҳаётнинг пойдор, устувор ва бардавомлиги рамзига айланиши – сўз санъати, шеър бадийяти нуқтайи назаридан ноёб ҳодисадир. Мазкур шоҳбайт анчайин камёб шеърий усуллардан – хоса маъни санъатининг ажойиб намунасидир.

БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ
«ИНСОН – БАРЧАНИНГ САРВАРИ»

Бировким – жаҳондин керак ком анга,
Эмас яхши – бир ерда ором анга.

Навоий «Бани Одам» – инсон авлодига Тангри иноятн билан берилган умрни бир мақсадга интилмасдан, ўз иқтидори ва имкониятлари доирасида камолот босқичини кўзламасдан, чала-нотамом кечиришдек алами аччиқ, армони сўзонли – дилўртар оқибатдан доимо огоҳ этди. Шу билан баробар, ҳар бир соғлом ақл, яхши ният эгасининг – ўз ҳаёти, шахсияти доирасига сиғмайдиган фавқулодда имкониятлари мавжудлигини алоҳида уқтирди, уни умр боғидан мумкин қадар сара мевалар ундиришга, мақсад йўлида собитқадам бўлишга, тинимсиз изланишга ва интилишга даъват қилди. Шоҳбайт:

Бировким – жаҳондин керак ком анга,
Эмас яхши – бир ерда ором анга.

Агар табиат диалектикасининг тинимсизлик, оромсизлик қонунини «барчадин шариф ва латиф» хилқат – инсоннинг яратувчанлик даҳоси, заковат қудрати билан боғлаб, унинг хаёлот оламига, ижодий имкониятларига татбиқан таҳлил қилиб кўрсак, Навоийга ором бермаган «жаҳондин керак ком» образининг маъносини, ҳар қалай, англаб олса бўлади.

Улуғ шоир шахсан эзгу мурод – «ком»ни ўзининг тафаккур ва қалб дунёсига жо қилгани туфайли шеърий ижод ва маърифатни деярли баробар бошлаган болалик чоғларидан умрининг сўнгги шуурли дақиқаларигача (у охирги уч кунни хушсиз ўтказган), ҳатто ҳордиқ-оромга мўлжалланган соатларини ҳам оромсиз, «эл коми», «халқ ғами» билан ўтказди; муболағасиз айтиш мумкинки, бир ўзи қанча шоир, арбоб, ориф, мураббий, ҳакам умрини яшади...

Зотан, у илк бор тартиб берган «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида инсоннинг бунёдкорлик даҳоси, тафаккур заковати ва фидойи табиатига шундай қиёсий мезонлар билан ёндашган эди:

Ранж кўрмай киши топарму фароғ,
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ?
Тухм ерга кириб – чечак бўлди,
Курт жондан кечиб – ипак бўлди.
Лола тухмича ғайратинг йўқму,
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?..

Зоҳиран оддий кўринган табиат ҳодисалари: «чароғ», «тухм» (уруғ), «чечак», «қурт», «ипак», не ажабки, азалиёт қонунлари тақозоси билан ўзлари англамай мўъжиза кўрсатадилар: «чароғ» бамисоли зулмат салтанатидан ёруғ гўша, маскан, майли, кичик бир анжуман яратмоқ учун ўз-ўзини ўртаб-куйдиради; лола уруғи келгуси баҳорда ҳам чаманга оро бериш учун (одамларга қанчалик қувонч бағишлашини билсайди!) тупроқ остида яшашга рози бўлади; пилла қурти-чи? У ўзи хаёлига келтирмасдан янада олижаноб «мақсад» йўлида – одамзоднинг қанчадан-қанча моддий, маънавий, эстетик эҳтиёжларини қондириш учун «жонидан кечади – ипак бўлади». Шоир сайлаб олган ҳодисалар, қайта яратган ташбеҳ – нисбатлар табиатан мўъжизакорлиги – стихияли, беминнат бунёдкорлиги, хайрли фидойилиги билан ҳар бир эсли-ҳушли, яхши ниятли кишида шавқ, рағбат ҳисларини уйғотмайдими? Лекин Навоий кузатган мақсад бошқа – бу кўчирилган шеърий парчанинг, айниқса, охирги сатрларидан аён сезилиб туради: «Лола тухмича ғайратинг йўқму? Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?» Бу – биринчи навбатда, ижодий жасоратда назири йўқ шоирнинг ўзига қаратилган қутлуғ даъват сўзлари эди. Қолаверса, Навоий инсоннинг онгли меҳнати, аниқ, балким улуғ мақсадни кўзлаган фаолияти, яна аниқроғи, меҳнат фаолияти заминидаги мўъжизакор имкониятлари ҳақида камоли куйиниб сўзлайди. Модомики, «барчадан шариф» одам фарзанди жафо чекмай, тер тўкиб жонини койитмасдан, турли қийинчиликлар, қаршиликлар, монеликлар заҳматини сабот билан тортмасдан («ранж кўрмай») фароғатга эришолмас экан, лоақал инсон зотидан бўлмаган онгсиз-идроксиз мавжудот билан ўз куч-қудратини қиёслаб кўрсин: наҳотки инсоннинг ақл ва қалб чироғи шамъчалик фидойилик намунасини кўрсатолмаса – «кўнгли ўртаниб ёна» билмаса?! Наҳотки башар авлоди «лола тухмича» ё «пилла қуртича» ғайрат-шижоат, ҳиммат – жасорат кўрсатишга қодир бўлмаса? Шоирнинг биргина «йўқ-му?» – деган сўроғи – руҳий ҳайқириғи моҳиятида инсонлик номи ва шаънига, номус ва диёнатига қаратилган анчайин маломатли – таънаомиз руҳдаги даъват ётади: «Ахир сен, илоҳий қудратнинг энг азиз ва мукаррам, улуғ ва қудратли, энг гўзал ва беназир эҳсонисан – инсон деган номинг бор, бас, то тирик экансан, инсонлик номига муносиб ғайрат ва ҳиммат кўрсат!» Зотан, Навоийнинг инсон даҳосига бўлган иймон-эътиқоди, ўзининг руҳий-маънавий эҳтиёжларига яраша иқтидор ва имкониятларига бўлган ишонч – эътимоди уни маълум даражада идеаллаштиришга, «ғайрат»

ва «ҳиммат»ини беқиёс даражада баҳолашга мантиқий асос беради.

Навоий бошқа бир шоҳбайтида инсон меҳнатининг шарофат ва хосиятларини (шоирда «меҳнат» сўзи биз бугун талқин қилаётганимизга нисбатан кўп маънолидир) илоҳий қисматнинг хоҳиш-иродаси деб билади:

Тенгри эҳсониға шод ўлғон – қилур
Ўзни шоду меҳнатидин элни ҳам.

Бу чиндан ҳам олижаноб ва олийҳиммат сифатларни ҳайратомиз мухтасар шаклда жамулжам этган нуктадон мисраларда, менинг наздимда, бирйўла тўрт нафар, бири биридан фузун ғоя – эзгу ният ифодаланган: (1) «Тенгри эҳсони» – ҳар бир инсоннинг ўзлигини, моҳиятини таниши, нечун дунёга келганини яхши англаб олиши; (2) бундай улуғ насиба – толедан «шод ўлмоқ», бунинг шукронаси учун ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари билан баробар, одамийлик бурчларини чуқур идрок этиш; (3) «меҳнатидин» (мақсад йўлида тинимсиз ҳаракат, интилиш, жазм, қунт, машаққат, мардлик, ғайрат-шижоат, жасорат намунасини кўрсатишдан) даставвал, «ўзни шод» қилиш – шахсан инсоний камолот касб этиш, дунёдан нотамом, армонли ўтмаслик ва ниҳоят, (4) «меҳнатидин элни ҳам» рози қилиш, унинг раҳматини олиш. Бу сўнгги мурод-муддаонинг қадрият, аҳамият доираси аввалгиларидан ортиқ бўлса ортиқдир-ки, кам эмас.

Халқимизда одам фарзанди фақат ўзи учун яшамайди, деган доно ва хайрбод фикр турфа шаклдаги ҳикматли сўзларга кўчган. Бас, «халқ ғами», «эл коми» ҳақида ўйламаган, вақтики қўлидан келганча бирор юмуши – меҳнати, холисанлилло хизмати билан ё бошқа бир ҳаракати – яхшилиги, лоақал яхши сўзи («Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз, улча қилур вақтида бир яхши сўз»), ҳаттоки яхши ўй-нияти билан («Сўз била ўлмаса эл пешаси, Яхши керак кўнглида андешаси»), айниқса, кўнгли ярим, дили ўксик одамларга озгина қувонч, юпанч, таскин беришга ярамаган бедарду лоқайд кимсани одам жинсига киритиб бўладими?.. Аксинча, Навоийнинг қаҳрамони инсон тириклиги – ўй-хаёли, ҳиссиёти, хотироти, ҳаракат – аъмоли («меҳнати») билан «Тенгри эҳсони» бўлмиш бошқа жонзотлардан фарқ қилар экан, демак, у ўзининг улуғлиги ҳаққи-шукронаси учун ҳар бир фурсатни ғанимат тутиши ва хусусан, «элни шод қилиш» ўй-хаёли билан яшашни, меҳнат қилишни инсоний бурч деб билмоғи керак. Навоий «Тенгри эҳсони»ни шундай идрок қилди, унга шукроналик туйғусини эътиқод даражасига кўтарди; ўзининг ғайрату ҳиммати, шафқат ва муруввати, саховат ва марҳамати – «меҳнати» билан одамларга нажот, умид, қувонч бахш этиш кишининг шахсий эҳтиёжларига зид келмаслигини, аксинча, унга икром, эъзозу қадр олиб келишини бошқалардан яхшироқ англаб етди («Нафъинг агар халққа бешак дурур, Билки бу нафъ ўзингға кўпрак дурур»). Шоирнинг улуғ салафлари ҳам «Тенгри эҳсони»ни инсонга берилган шарафли, муқаддас сифат деб билганлари учун пок, комил, фидойи эътиқод – «меҳнат» билан дунёдан ўтган, барҳаёт ном қозонган эдилар (буни Навоий чуқур идрок этарди), унинг халафлари – издошлари: Бобур, Фузулий, Ҳувайдо, Машраб, Нодира, Огаҳий, Хазиний, Фурқат мақомидаги ўнларча етук шоирлар ҳам шундай иймону эътимод билан яшадилар.

Токи инсон даҳоси ижод, санъат оламини, жумладан, шеърият мўъжизасини таҳқиқ этибди, у ўзини, ўзлигини танишга, қандай усул-воситаларда бўлмасин, моҳиятини, руҳиятини англаб етишга интилиб, курашиб яшайди; гоҳ зоҳиран аниқ – дунёвий сиймосини чизмоқчи бўлади, гоҳ ботинига, руҳига назар солади, хаёлан унга идеал, ҳатто, илоҳий маъ-

но ва қиёфа беради. Бу инсоннинг ижодкорлик, изланувчанлик закосидан, бунёд этгани, эришгани билан кифояланмас, ўзидан қониқмаслик, оромсизлик табиатидан далолатдир. Моҳиятда «Тенгри эҳсони» бўлмиш бундай қобилият ва салоҳият – барча жонли мавжудот ичида фақат инсон зотига хос хусусият. Навоий қутлуғ мавзуга қайтиб, бир-биридан нафис ва теран лавҳа-образлар яратади. Шоҳбайт:

Эрур ўзга ҳайвон бу иштин бари –
Ки инсон эрур барчанинг сарвари.

Биринчи мисра орқали одамзоддан ўзга жамики жонзотнинг моддий борлиққа нисбатан мустасно ҳолатига аниқ ишора қилинади, баҳру бар, кенг маънода, арзу самонинг турфа неъматлари, сиру мўъжизотлари, азалнинг қадим замонлардан одамга тинчлик бермаган қонунлари, меъёрлари, турли зиддият ва муаммолари ҳайвонот дунёси учун маъносиз, фарқсиз... Шу тариқа, замирида мураккаб, давомли фалсафа, теран фикр-ғоя зуҳур этган иккинчи мисрага бадиий-мантиқий замин ҳозирланади, натижада «инсон... барчанинг сарвари» каби ниҳоятда мухтасар, лекин ҳам дунёвий, ҳам фазовий-илоҳий миқёсга эга бўлган умумлашма фалсафий лирик образ шаклланади. Навоийнинг валиёна ҳикматга тенг сўзлари, айниқса, XV аср муҳитида айтилгани ҳар жиҳатдан эътиборли. Бизга – XXI аср бўсағасида, эҳтимол, анчайин оддий туюла бошлаган, аслида улуғ шоир кузатган маъно-моҳият эътибори билан чинакам «сўз гуҳари» бўлган уч ташбеҳ нафақат Навоийнинг шеърият даҳоси ҳақида, балки темурийлар даврида туркий тилдаги бадиий-фалсафий тафаккур парвози ҳақида ҳам ёрқин тасаввур беришга қодир. Инсон шаъни («нангу номи») ни шунчалар улуғлаган мазкур уч «сўз гуҳари» замирида Навоийдан кейинги асрларнинг не-не довул-суронлари, алғов-далғовлари, ҳатто 1917 йилдан кейин она халқимиз, бошқа тақдирдош ҳамюртлар бошига тушган мислсиз кўргилик – ваҳшатлар шароитида ҳам руҳи завол билмас умумбашарий идеаллар бугун покланиб, барқарор қадриятга айланиб бораётгани, шубҳасиз, ҳар бир ихлосманд шеърхон – навоийхон дилини нурга, ғурур ҳисларига тўлдиради: «Инсон – барчанинг сарвари!» Чиндан ҳам у ўзининг дахлсиз аршига кўтарилиши, мукаррам ва қодир мавқеини тиклаши керак. Бу Навоийнинг ўлмас хаёллари, қутлуғ армонлари руҳига, даврimiz ва замондошимизнинг руҳий, маънавий, ахлоқий, эстетик эҳтиёжларига матлуб ният, муносиб аъмолдир.

Навоий учун «абадий мавзу» – муҳаббат наволари бамисоли мўътабар анъанавий усул, ғаройиб шеърий мезон, баркамол санъат ва бадиият меъёри; асосий муддао, даставвал, инсоннинг руҳий оламига, «ҳусну жамолда дилпазир, фазлу камолда беназир» суврати-ю сийрати – гўзал маънавиятига муносиб сўз айтиш, унинг бутун, комил ва солим образини яратишдир. Улуғ санъаткор наздида ошиқнинг инсоний хислатлари сирасида поклик тимсоли ҳам руҳиятга, маънавиятга, ҳам заковат – фикратга хос, шунингдек, хушtаъблик, назокат ва нафосат туйғусининг сўзга кўчган аломатларидан биридир. Навоийнинг лирик девонлари ва достонлари учун муштарак ғоя – сафобахш хаёллар ифодаланган байтлар кўп. Шоҳбайт:

Ошиқ ани билки, эрур дарднок,
Ҳам тилу ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.

Беихтиёр равишда Фарҳоднинг портрет чизгилари мужассами бўлган кўпқиррали ли-

рик образ ёдга тушади: «Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок, Тили поку сўзи поку ўзи пок». Аввало, бадиий-мантиқий изчиллик тақозосига кўра, ушшоқ аҳли учун нафақат ҳаёт, умрга тенг, балки ундан зиёд – илоҳий маъно касб этувчи «дарднок» ташбеҳи, унинг байтда тутган ўрни ва «пок» тимсолига нисбати ҳақида. Биринчи қарашда дард, дардли ва пок, поклик тушунчалари ўртасида қандайдир узилиш, ўзаро номутаносиб ёки изоҳталаб бир ҳолат мавжуддай туюлиши мумкин. Аслида, байт замирида жойланган инсоний туйғулар оламига тийрак ва теранроқ разм солиб кўрсак, шоир ташбеҳлари муҳаббатдек нозик-сирли қисмат билан боғлиқ руҳий ҳолатлари, зиддиятлари билан жозиб ошиқ дунёси ҳақидаги тасаввуримизни бойитса не ажаб: фақат «дарднок» кўнгил алам-изтироблар ўтида поклaниши мумкин; фақат ишқ дарди нималигини юракдан ҳис қилган, кечирган одам оламга тоза назар солиши мумкин; фақат шундай иймон-эътиқод билан сева билган кишининг тили унинг дилини – ўзлигини равон ифодалашга қодир бўлиши мумкин. Бас, кўнгил поклиги – муҳаббат туйғуларининг самимийлиги, ҳаққонийлиги, ҳар қандай худбин – маҳдуд майллардан мусаффолиги, руҳ соғломлиги (Навоий таъбирича, солимлиги), қалб саховати ифодаси; ниҳоят, икки киши – фақат ошиқ ва унинг маҳбуби – ёри учун маҳрам, ўзгалар учун номаълум, сирли кечинмалар, ҳолатлар, хаёллар, хотираларнинг хос маскани демакдир («Кимки ишқи пок эрур, сирри анинг пинҳон керак...»).

Бугина эмас. Нафақат сўфиёна – қаландарона шеъриятда, балки ошиқона, орифона ғазалларда, рубоийларда (чунончи, Навоий ва Бобурда) ҳам кўнгул ёлғиз бир кишининг, яъни ошиқ, ориф ё қаландар ўзлигининг ҳамрозлик гўшаси, узлатгоҳига айланиши мумкин... Кўз поклиги – кўнгил билан руҳнинг ҳолатини аниқ, тиниқ ва теран ифодалаш рамзи; ошиқ нигоҳининг нафақат шайтон фириби, васвасасидан, балки ҳар қандай енгил, беқарор майл-истаклардан холи, нафосат ва садоқат туйғусининг хос, мўъжизакор уйғунлиги тимсоли («Ўзгалар ҳуснин тамошо айласа чиқсин кўзум...»); ниҳоят, соф нигоҳда дунёвий сувратнинг илоҳий сийрат – моҳият касб этиши – мажознинг ҳақиқатга айланиши, яъни Навоий каби валийсифат зотларнинг илоҳиёна муборак назари рамзини ифодалаши мумкин («Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз...»). Тил поклиги – аввало, инсон лисони – нутқининг эзгу, олижаноб ният, комил, нуктадон фикрлар, шоирона лутф – фасоҳатли сўз билан зийнатланган, ёлғон, риё ва қаллобликнинг турфа кўринишларидан холи бўлган, тўғри, мантиқли ва тамизли хусусиятларидан далолат беради; қолаверса, бу ошиқ сухандонлиги – «арзи ва ниёзи»ни изҳор этиш воситаси, унинг ўтли-ҳароратли, дардли ва сурурли аломатларини ўзида мужассамлантирган муҳаббат тили, вафо шеваси. Ниҳоят, тил поклиги улуғ шоирнинг девонларида, достонларида, рисолаларида муқаддас сўз – «каломи шариф» даражасида талқин қилинади, гоҳ «кўнгил ҳадиси», гоҳи «Масиҳ нафаси» тарзида таърифланади. Бу ошиқлар каломи орқали шеърият тилига юксак қиммат бериш намунасидир.

Яна бир ғазалда «пок кўз» биргина «пок юз» билан таносуб усулида келиб, поклик ғояси нафақат янги тасвир объекти – «юз» ташбеҳи орқали бадиий ривожлантирилади, балки бизга таниш «кўз» тимсолининг янги шеърий қирралари чизилади. Байт:

Чун керакдур пок кўз манзури бўлмоқ – пок юз.
То юзунг бор – ўзга юз кўрмак эмас имкон кўз!

Аввало, «пок кўз» инсоннинг инсонга, хусусан, яқин дўст-анис, маслакдош, ёр-маҳрам кишига мутлоқ самимият ва яхши ният кўзи билан, тоза қалб нигоҳию руҳ солимлиги (соғломлиги) билан назар солиши демакдир. Бас, олам ва одамни кўнгил беғуборлиги, маънавий поклик билан кўришга, англашга қодир кўз учун бирдан-бир матлуб ва «манзур»

гўзаллик насибаси, унга муносиб тақдир ва баҳо ҳам фақат «пок юз» бўлмоғи керак. Табиатдаги турфа гўзалликлар, ғаройибот ва мўъжизотлар биринчи галда, тоза-шаффофлиги, турли ғуборлардан холи эканлиги билан қадрли, эъзозлидир. «Таъби поку хотири соф» ликда яктолардан бўлган улуғ шоир табиий хилқатдаги мусаффолик билан гўзалликнинг уйғунлиги ошиқона муносабатлар (аниқроғи, ўзининг илоҳий ишқ идеали) учун ҳам бирламчи эҳтиёж даражасида баҳоланиши ва эъзозланишини истайди. Шу гўзал ва олижаноб мантиқ заминида туриб, муҳаббат эътиқодининг шахсан ўзи такрор-такрор, бири-биридан пурдард, рангин байтларда улуғлаган вафо, садоқат туйғусини шеърий таҳқиқ этади: «То юзунг бор – ўзга юз кўрмак эмас имкон кўз». Шу тарзда тарди акс санъати («кўз», «юз» ташбеҳларининг ўзаро ўрин алмашиб такрорланиши) орқали поклик ғояси кўпқиррали – полифоник лирик образга айланади.

Навоий сўз нуктадонликларига, сўз фасоҳати – нозик ифода жилоларига шунчалар юқори қиммат бериб, юксак талабчанлик билан ёндашгани ҳолда, баъзан бадиий мантиқ тақозосига кўра байтда айни бир сўзни икки, ҳатто уч бор қўллайди. Шоҳбайт:

Ишқ ўти бирла кўнгул, сув бирла кўзни қилди пок,
Пок манзилларда меҳмон қилғали ул покни.

Маълумки, табиат ва жамият ҳаётида сув билан покланмайдиган нарса кам, айрим жинсдаги нарсалар ўтда тобланиб тозаланади. Улуғ шоир тозаришнинг ана шу икки усулига рамзий маъно беради (хусусан, ёз ойлари халқимиз меҳмон кутганда озода-ораста қиладиган махсус жой-манзилгоҳлар ҳам кўчма маънода келган). Зотан, сўз маҳбуба висоли – мулоқоти орзусида «кўрган» ҳозирликлари – кўнгил, кўз оламида кечирилган, ўз моҳияти билан чуқур, сирли, зиддиятли руҳий ҳолатлар – ширин дард, оғриқли қувонч, безовта умид, мўъжиз хаёл, иштибоҳли армон туйғулари тўғрисида. Хуллас, «ишқ ўти» – ҳажр келтирган руҳий изтиробларсиз кўнгил покланмайди, унинг кўз ёшлари тарзида акс этган ларзалари ҳам табиий, бусиз кўз кўнгилнинг ҳолатини аниқ, мусаффо акс эттиролмайди. Шу тариқа,ошиқнинг «кўнгли» ва «кўзи» маҳбуба хаёлан меҳмон бўладиган сирли-ғаройиб «манзиллар»га айланади; сўнгги такрорий (учинчи) ташбеҳ – «ул пок» байтдан кузатилган асосий ният – маҳбубанинг бамисоли тутилмаган тимсоли – образидай таассурот қолдиради.

Ғазалларнинг бирида «бир-бири» сўзлари уч бор такрорланиб келадики, бу беихтиёр шашмақом наволари ёки мусулмон Шарқи наққошлик санъатининг гириҳ усулларига хос оҳанг ва ранг-чизиқ жилоларини эсга солади. Байт:

Гўйиё бир-бирига ошиқ эрур ул икки қош,
Ким қўяр бир-бириси бир-бирининг олдида бош.

Шеъриятга хос сўз санъатининг махсус қонунларига биноан чизилган бу лирик лавҳанинг «ранг»лари бунчалар тоза, тиниқ ва беҳоллигидан ҳайратга тушмай бўладими? Соҳир шоир, аниқроғи, унинг мусаввир табиат қаҳрамони – ошиқ маҳбубининг қошларини шундай жонлантирадики, улар икки ишқ шайдоси – йигит-қизга айланади: гўё ошиқ ҳажр қийноқларида тинка-мадори қуриб йиқилгану ўз маҳбубига восил бўлишдек умидбахш, мўъжизакор муждадан руҳланиб, яна ўзига келган ва урина-сурина кутилмаган бахт – ёр дийдорини кўриш, муборак нафасини туйиш шукронаси учун яна бир неча лаҳза унинг ис-

тиқболи пойида ерга бошини қўйган, йўқ, улар бир-бирининг «боши устига», «кўзи устига» (халқона образлар) бош қўйганлар (Мажнун билан Лайлининг саҳродаги мулоқот – мунгли висол дақиқаларини кўз олдингизга келтиринг), яъни бошлари учрашганлар, боғланганлар, қошдек туташганлар. Икки вафодор ушшоқнинг классик шеъриятимизда кам учрайдиган бундай мастона-фароғатли (эҳтимол, соғинч, интизорлик ёшлари, ҳасратлари билан йўғрилган) висол онлари тасвири қанчалик жозибали, нафис, тиниқ ва ёрқин чизилган! «Бир-бири...» сўз-тимсолининг ҳар гал ўзгача ҳолатни ифодалаб келиши шоҳбайтга ажаб ўйноқи лутф, мусиқий равонлик, бадиий рангинлик бағишлайди. Ҳолбуки, ҳақиқий ошиқ-маъшуқаларнинг хаёлдаги висол лаҳзалари манзараси фақат «икки қош» тимсоли воситасида чизилади.

Бундай ҳайратбахш лирик манзара руҳида инсон фазлу камолининг ёрқин бир қирраси – меҳр-вафо шеваси зуҳур этадики, бу билвосита – рамзий ифода усулидир. Энди бевосита, яъни ҳар бир сўз, ташбеҳнинг асл маъноси, хос хусусияти заминида яратилган умумлашма образ-лавҳалардан айрим намуналар устида мушоҳада юритамиз. Шоҳбайт:

Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо,
Бас, менга меҳру вафо – мол ила жоҳ.

«Меҳру вафо» қутлуғ хаёл – комил инсоннинг мужассам ва мухтасар тимсоли – шеърий образини яратишда эътиқод («иймон»), ор-номус («нангу ном» – «Ошиқ ўлғон кечти нангу номдин...»), поклик («Ҳаққи биров хилқатини қилди пок, севмаса нопок эл они, не бок?») каби бир-биридан нуктадон, эзгу тушунчалар – руҳий-маънавий қадриятлар сирасига киради. Не ажабки, бундай муборак калом «жоҳу мол» тимсоли билан муқобил қўйилади, яъни турли даражадаги амал, мансаб эгалари («жоҳ аҳли»), пул, молу дунё бандалари («мол аҳли») меҳру вафодан маҳрумдир, деган аёвсиз ҳукм чиқарилади. Бундай узил-кесил, лекин ҳаққоний, адолатли муҳокама юритишга журъат этган одамнинг ўзи «хилқати пок» бўлиши, меҳру вафо расмини номус ва иймон даражасида эъзозлаши – ҳам ҳаётий, ҳам руҳий эҳтиёж деб билиши, шундай эътиқод унинг аъмолига айланиши керак. Навоий бир умр шу комил ва солим (соғлом) эътимодни гўё инсоний юксаклик буржига байроқ қилиб тиккани учун ҳам турфа хил вафосизлар дастидан бамисоли кўкка ўрлагундай нола-ҳасратлар қилди («Замона аҳлига гар юз қуёшча кўргузубсен меҳр, Вафо зинҳорким бир зарра чоғлиғ эътимод этма»). Айниқса, иккинчи мисра мазмуни шоир дунёсини мумкин қадар аниқ, ёрқин, бутун ва мухтасар сўз – тафсилотлар орқали тасаввур этиш эътибори билан қимматли: «Бас, менга меҳру вафо – мол ила жоҳ». Не-не азобли ўйлар, зиддиятли, иштиболи андишалар ва шубҳасиз, муносиб сўз-тимсол ва оҳанг уйғунлигини яратиш жараёнида пурмаъно соддалик, равонлик касб этган бу фикр замиридан меҳру вафодек – жаҳон хазинасига, жаҳонгир султонлар тахту тожига бергувсиз мўъжизакор маънавий давлат, дахлсиз руҳий салтанат маъноларини англаш мумкин. Аммо фақат Навоий руҳияти, маънавияти, ижодий даҳоси яратиши, таҳқиқ қилиши мумкин бўлган бундай рамзий-хаёлий давлату салтанат реал ҳаёт зиддиятларига не чоғлиқ дош бера олади? Ҳаётда Навоий каби инсоний меҳру вафони ўзининг ягона давлати, подшолиги («мол ила жоҳ») деб англайдиган одамлар борми? Агар бор бўлсалар, уларнинг «жоҳу мол аҳли» олдида қадр-қиммати қанчалик? Мазкур шоҳбайт нафақат ўзининг пурҳикмат мантиқ кучи, шафқатсиз ҳақиқат олдида бўйсунмас-қайсар, романтик руҳи билан, айни пайтда юқоридагидай юз-хотирсиз, очиқ-ошкор саволлари – ечими мушкул муаммолари билан беихтиёр ўйга толдиради,

фикр-баҳс қўзғотади (унда тазод ва тарди акс санъатлари ажиб уйғунлик, бутунлик касб этган – «жоҳу мол» билан «меҳру вафо» муқобил тимсоллари ўрин алмашиб такрорланиши шунчалар ҳаққоний, айни чоҳда изтиробли хаёлларга сабабчи бўлиши чиндан ҳам ҳайратбахш эмасми?).

Навоий афсус-надомат туйғулари ифодаси учун янада аччиқроқ, алами зиёдроқ мазмундаги ташбеҳларга эҳтиёж сезгандай бўлади. Шоҳбайт:

Одаме – бўлса вафо андин йироқ,
Ит – вафо бобида андин яхшироқ.

Қанчалик аёвсиз, лекин одил ҳукм! Айни пайтда таажжуб бир ҳол: шоирнинг лирик қаҳрамони – ошиқ бошқа байтларда ўзини «ёр кўйи итлари» билан, ҳаттоки итлар «оёғига ёпишган туфроғ» билан тенг қилади, бу гал эса (фарқи ориф тимсолида) негадир жонидан ўтиб кетган бир алам важҳидан омонсиз, ғазабнок қиёфа олади, демак, мазкур байт анъанавий усулда – зорланиш, илтижо, армон оҳангида эмас, балки реал бир воқеа заминида туғилган: Навоийдек нозиктаъб, покликда, меҳр-шафқатда, вафо бобида назири йўқ шоир, валий зотни яқинларидан кимдир қаттиқ ранжитган, эҳтимол, унинг шаънига номуносиб, ёлғон, маломатли ва ҳақоратомиз гап тарқатгандир ёки бирор маҳрам сирни фош қилгандир, шундай қаҳрли, аламнок ҳолат ичида ўша ношукур вафосизни гўё ўз наздида итга ўхшатмоқчи ҳам эмас (агар ўртада аччиқ алам бўлмаса, итни вафо тимсоли қилиб олиш номарғуб маъно англатмаслиги мумкин), балки «ит... андин яхшироқ» дейиш билан дунёда энг ёмон, бошқа бир жирканч махлуққа нисбат бераётгандай, вафосизлик балосини ер билан яксон қиляпти. Шубҳасиз, байтнинг оҳанг-интонацион қурилиши, қофия унсурлари ҳам таъсирчанликни кучайтиради. Ҳолбуки, Навоий аксарият ғазалларида вафосизликдан қанчалик зорланмасин, уни беомон қоралаш тамойили сезилмайди, аксинча, вафонинг, масалан, эҳтимол тутилган, лекин ошиқ дардидан узоқ бир дараги, нишони учун жон нисор қилишга тайёр ҳол ифодаланадики, бу ажабланарли эмас: «Менга, йўқ, ўзгага бори вафо қилғонни гар топсам, Бошиҳа эврулай, олдида жонимни фидо айлаб». Хуллас: «Ит вафо бобида андин яхшироқ» каби фавқулодда кескин, муросасиз сатрлар, гарчи кам учраса-да, Навоий дунёси, шоир замондошлари ҳақида, умуман, инсон қисмати (вафосизлик дарди, фожиаси) ҳатто унинг тубан бир тоифаси ҳақида рўй-рост чизилган лирик лавҳа сифатида ўзига хос қимматга эга.

ОЛТИНЧИ МАҚОЛАТ
«ДАРДИМГА ХАЁЛИНИ ТАБИБ ЭТ...»

Гўйиё кўнглум тахайюл мулкининг султонидур,
Ким хаёл ичра қилур ҳар айшким имконидур.

Сўз аввалини сарлавҳа шарҳидан бошлашга эҳтиёж сезилади. Бу – Қайснинг ота-она ризолиги ҳаққи, уларнинг дил муножоти - ёлборишларини инобатга олиб, мусулмонларнинг бош эҳроми Каъбани тавоф этишию таббарук қариялар – волидлар истаги зиддига, бу ихтиёрсиз зиёрат шарофати-ла қудрати илоҳийдан аввалгидан юз, балки минг чандон кучлироқ руҳий ташналик билан қилинган илтижо ифодаси... Муҳаббат дардию унинг нажоти, давоси хусусида шунчалар ёниб сўзлаш, ёруғ умиду чексиз ишонч ҳиссига тўла мўъжиз ва илоҳий бир руҳий ҳолатни кечириш!..

Аввало, том маънодаги маънавият нуқтайи назаридан ёндашганда азалий мавжудиятнинг «барчасидин шариф ва латиф» инсон шаънини эъзозловчи биринчи қадрият эътиқод бўлса, Навоий наздида, муҳаббат унинг ҳар жиҳатдан пок («Юзи поку кўзи поку ўзи пок, Дили поку тили поку сўзи пок») ва комил тимсолидир. Хусусан, Мажнун билан Фарҳод, Лайли билан Ширин образларидан кузатилган мақсад ҳам уларнинг тенгсиз фазлу камоли ва ихтиёрий (ҳа, ихтиёрий!) фидойилиги мисолида муҳаббат идеалини эътиқод даражасига кўтаришдир. Мазкур фикрни валийсийрат шоирнинг беназир шахсияти (шу жумладан, унинг хос ишқий идеали) билан боғлаганда бу мислсиз гўзал маънавият образи бутун салобати билан гавдаланади. Энди сарлавҳа-мисранинг бадиий қимматини баҳоли қудрат шарҳлашга ҳаракат қиламиз. Бу – Навоий тахайюли ва тасаввуридаги муҳаббатнинг бағоят даражада мухтасар ва жозиб ифодаси – нафис санъат («саноеъ нафиса») намунаси бўлган бадиият. Акс ҳолда, одамзод дарди, унинг хаёли ва табиб тушунчаларидан шунчалар ғаройиб маънолар шодаси – ларзакор руҳий ҳолат ифодаси яратилармиди? Жозиба сири сўзларнинг ўзгача – рамзий маъносида ҳам эмас. Аслида шоир уларни ўхшатиш-муқояса, бирон-бир шеърий нисбат сифатида қўлламайди. Фақат сўзнинг «хоса маъни» – махсус, сирли-яширин бадиий қирраларини инкишоф этишда соҳир санъаткор эканлигини намойиш этади. Шоир яратган нозик мантиқ – у кўзда тутган ғоя билан бевосита руҳий алоқага киришгани ҳайрат уйғотади: токи муҳаббат отли қисматнинг иродаси туфайли ошиқ учун даъвосиз, лекин муборак бир дард насибага битилган экан, фақат шу азобли бахтга, нурли ғуссага сабабкор бўлган маҳбуб «хаёли»гина унга умид, нажот, шифо бағишлаши мумкин. Лекин бу азалий қисматда қачондир дарддан халос бўлиш (бу маъносиз!) ғояси эмас, аксинча, бир умр ўша ситамкор туйғу билан ҳамдарду ҳамдам бўлиб қолиш, фақат ўша хаёлий нажот умиди, шифо илинжи билан яшаш, ҳажрнинг барча озору жафолари билан ошно, маҳрам тутиниш, қисқаси, «васли мумкуни йўқ» муҳаббат дарсидан шикасталик, фидойилик билан таҳсил олиш Навоийнинг собит матлабидир (зеро, бу мўътабар даъвони шоир девонларидаги ҳар икки ғазалдан бири далиллай олади – мана шундай шоҳбайтлардан бири: «Демонг осойиш ҳадисинким, бўлур афлокдин Юз балият ояти шаънимга нозил ҳар замон»). Аммо бу айтилганлар бир сарию буюк санъаткор уч-тўрт сўзнинг маъно-мантиқ, ритм-вазн, товуш-мусиқа, ранг-тасвир, ифода-жозиба каби поэтик қирраларидан, уларнинг хуштаъб китобхон ўзича кашф қилиши мумкин бўлган ички имкониятларидан «таъби мавзун, зеҳни солим» санъат, бадиият яратиши бир сари эмасми: дардимга хаёлини табиб эт...

Алишер Навоийнинг хаёлот, хотирот дунёсида жилваланган сирли хилқат, унинг ўз таъбири билан айтганда, «тахайюл мулки», асосан «хаёл», «ёд», «тахайюл» каби бир-биридан рангину жозиб, бир-биридан теран, пурмаъно шеърий нисбатлар орқали кашф этилади. Даҳо санъаткорнинг шоҳбайтларига ғоявий, руҳий-маънавий ва бадиий замин ҳозирлаган бундай кўпқиррали образлар, «сўз гуҳари»нинг турфа рангу оҳангларда зуҳур этган нафисликлари (истиорали, кинояли, рамзий-мажозий, муболағали, тажнисли, таносубли, тадрижий-силсилали ифода ўзгачаликлари), орифона тафаккур теранликлари, ошиқона ҳиссий туғён замзамалари, қаландарона ҳурфикрлилик юксакликлари ҳар гал бошқача бир сифати, салоҳияти билан ажралиб туради. Айни чоғда улар турли шеърда турфа усулда – маънавий ва лафзий санъатлар билан музайян этилган ҳолда, такроран қўлланиши эътибори-ла ўзига хос сайёр образлар ҳамдир. Хусусан, «хаёл», «тахайюл» ташбеҳлари юзлаб шеърларда учрайди; улар ҳар байтда шоирона нозикхаёлликлар, мутафаккирона нуктадонликлар билан ҳайратга солади, фақат шеър санъатига хос фасоҳатли, мусиқий, тасвирий қирралари билан завқу шавқ уйғотади, ўйга толдиради. Уларда шоир қаҳрамони – ошиқнинг «арзи ва ниёзи» – ҳасратлари билан илоҳий ишқ маҳбубининг қанча дарду ситам, нолаю афғонларга сабаб бўлган «ҳусни ва нози» хаёлдай чексизу нажотсиз олис масофада туриб, бамисоли само- вий муносабат боғлайди. Лекин бундай ғаройиб мулоқотнинг ҳар сониясида инсоннинг тафаккур даҳоси, руҳият фазоси учун олис-яқинлик меъёрлари ўз кучини йўқотади. Терма байтларнинг турли даражадаги шарҳи бу фикрни тасдиқлаши мумкин. Шоҳбайт:

Гўйиё кўнглум тахайюл мулкининг султонидур,
Ким хаёл ичра қилур ҳар айшким имконидур.

Бу шоҳбайт лаҳзали кечинма, руҳий ҳолат заминига қурилган эмас. Аксинча, фараз қилиш мумкин, бу – тўзимсиз муҳаббат дарди билан боғлиқ не-не изтиробли жараёнларнинг, маъно миқёси ҳаётнинг ўзи қадарли чексиз, зиддиятли бўлган буюк қисмат – ишқ савдоси инъом этган олам-олам суруру қувончлар, у етказган ҳудудсиз озору ситамларнинг мужассам тимсоли. Эҳтимол, бундай талқин улуғ санъаткор кўзлаган ниятни бир жиҳатдангина ёритиши, фақат шоир қаҳрамони – ошиқ ё ориф кечирган хаёллар дунёсига (гарчи байтда севги ҳақида бирон-бир сўз учрамаса-да) дохил бўлиши мумкин. Ҳолбуки, бир байтда ёнма-ён келган «тахайюл», «хаёл» тимсолларини «абадий мавзу» билан боғлаб талқин этиш кифоя қ илмайди, бу ташбеҳлар замиридаги ғоя Навоий ижодининг барча соҳаларига дахлдордир. Шунинг учун умумлашма характердаги бу тимсолларга алоқадор икки нуқтани шарҳлаб ўтиш кифоя: аввало, шоир қаҳрамонининг ўй-хаёл дунёси жаҳонгир шоҳлар тасарруфидаги бепоён мулку дахлсиз салтанатга нисбат берилиши муболағанинг иғроқ усули; қолаверса, ҳар қандай хаёлот, руҳият дунёси моддий дунё қаршисида беқиёс даражада кўламдор ва теран бўлгани каби Навоий инкишоф этган образ – «тахайюл мулки» ўзининг ҳаётда- ги объектига нисбатан шу қадар кенгдир. Илло, шоҳ-султонлар мулки фақат жуғрофий миқёсни, чекланмаган салтанат – қудратни ифода этгани ҳолда, улуғ шоирнинг «тахайюл мулки» арзу самога сиғмаса, не ажаб! Худди шундай: «кўнгул» нинг «султон»га нисбатида ҳам макону масофа, даврону давлат меъёрлари билан солиштириб, тенглаштириб бўлмайдиган тафовут бор. Шу маънода, «кўнглум тахайюл мулкининг султони» образи моҳиятида бизга тафсилий жиҳатлари пинҳоний бўлган қанча зиддиятли туйғулар, эҳтимол, қалб хотиралари зуҳур этади! Фақат шоирнинг бошқа асарлари орқали бу мисра замирига гениал ижодкорларга хос қонуний фахрия, руҳий қониқиш, айни чоғда буюк армон, ўкинч, ҳатто маълум киноя маънолари жойланганини тасаввур этиш мумкин.

Иккинчи мисра: «...хаёл ичра қилур ҳар айшким имконидур», асосан, биринчи мисрани ўзича тўлдириш ва шарҳлашга хизмат қилади. Лекин, муҳими (эҳтимол, бунда киноя – ўкинч, алам туйғулари яна кучлироқдир), жаҳонгир султонларнинг шаҳватпарастлигига муқобил олинган «ҳар айшким» иборасини, ҳаётий ва ишқий эътиқодда тенги йўқ шоирнинг хоҳ дунёвий сувратига, хоҳ илоҳий сийратига нисбат бериб шарҳлаганда, зиддиятли ўйга чўмдиради (зеро, бошқа бир ғазалдаги мана бу байт мубоҳасага тортади: «Қачон даврон манга бир бўйла ишратни раво кўргай, Ки ўрганмиш мени ўртарга ҳижрон дарду доғинда»).

Терма байтларда шоир қаҳрамони – ошиқнинг орзудаги маҳбуби ҳар гал хаёлнинг кутилмаган инъоми тарзида шаклланади. Байт:

Эврулур кўнглумда ул чобук хаёли ҳар кеча,
Шуълалиқ кўнглумни қилди чарх фонуси хаёл.

Биринчи мисрадаги «чобук хаёли» анъанавий усулда – ишвакор маҳбуб тимсолида келган бўлса, кейинги сатрда унинг болаларча шўхлиги, ўту машъалага ўч табиати, ҳаёт ҳодисаларининг, айниқса, муҳаббатнинг маъносини (дард аҳлининг ҳолини) англашдан узоқ – атвори киноялиоҳангда чизилади. Демак, зоҳиран қараганда, ҳар икки мисрада бошқача тарзда, такроран келган «хаёл» ташбеҳи гўё шўху бедард гўзал тимсолини яратади. Аслида эса, сатрлар моҳиятида қаҳрамон кўнглида кечаётган жараёнлар зиддияти эътиборни тортади: не қилсинки, ошиқ Навоий кўра-била туриб, ўша бераҳм маҳбуб ёди билан нафас олади, кўнгли ўша ишқнинг дарди – оташида ўртаниб-ёнади; унинг алангасидан ҳосил бўлган «шуъла» бамисоли «чарх фонуси» бўлиб тунги оламни ёритса не ажаб! Навоий яшаган замонда, ҳатто, яқин ўтмишда ҳам одамлар қоронғу кўчалардан одатда фонус, баъзан машъал тутиб ўтганлар («Тун қоронғу, маст отланди, кўнгулнинг шуъласини Айлабон машъал борурман уйига еткургали» дейди шоир бошқа бир шеърида). «Шуълалиқ кўнгил»нинг ойга – «чарх фонуси»га нисбат берилиши учун ойдин кечаларга хос сирли-пинҳоний хилқат билан бедор ошиқ хаёлларининг фазовий чексизлиги бадиий-мантиқий замин – ўзига хос замон ва макон вазифасини ўтайди. Байтнинг жозиб жиҳати яна шундаки, «шуълалиқ кўнгул» атрофида айланган хаёл ошиқнинг ҳажр тунларида туғилган руҳий кайфиятини ифодалайди. Хуллас, ҳар икки ҳолатда ҳам «хаёл» фақат ошиқ субъектига мансуб – унинг кечинмалар дунёсини очиб беради. Лекин бу образнинг бевосита маҳбуба шахси, унинг бирон-бир хислати билан боғланмаганлигидан қатъи назар, байтдан кузатилган асосий мақсад муҳаббат идеалини («ул чобук хаёли»ни) самовий юксакликка кўтаришдир. Бунда «кўнгил» ва «хаёл» ташбеҳларининг турли маъно қирраси – ҳар гал янги бадиий вазифани адо этиши тажнис (жинос) санъатининг бетакрор бир намунасидир.

Навоий сайёр характердаги, таъбир жоиз бўлса, марказий образни такроран келтириш усулига тез-тез мурожаат этади. Шоҳбайт:

Белингга то сочинг чирмашти – рашкидин анинг ҳар тун
Димоғимда тонг отқунча хаёл эрмиш хаёл узра.

Шоир ўз қаҳрамони – ошиқнинг ҳижрон тунидаги таърифдан ташқари «азобли ўйлари» (Асқар Мухтор), изтиробли кечинмаларини нафақат халқона гўзал соддалик, лутф билан ифодалайди, айни чоғда бизнинг тасаввур ва қуввайи ҳофизамизга ҳам эрк бераётгандай бўлади: эҳтимол, Навоий хаёлидаги сарвқомат – ўз шайдоларини ортиқ куйдириш, зору интизор этиш муроди билан шўх-шўх одим отиб, ғамзасоз – ўйноқи ҳаракатлар билан ўзи-

ни парвосиз, тағофилга солиб бораётган (кундуз кунларининг бирида беихтиёр шоирнинг кўзи тушган) тансиқ дақиқалар таассуроти – узун сочларнинг нозик бел устида ҳар гал ўзгача тўлқин уриб, турфа шакл-шамойилда тўлғониб-буралиб кўриниши «ҳар тун... тонг отқунча» ошиқ кўзидан нари кетмайди (балким бу ҳол йилларча давом этади!), бу унинг дарди устига дард келтиргандир... Йўқ, бундай жозиб тасаввур ҳам, ҳар қалай, саҳвга ўхшайди. Ошиқ шунчалар бераҳм маҳбубнинг кундузги шўхликлари, ишвакор хиромлари чоғидан эмас, балки тунги ором дамлари – уйқуда белга чулғаниб ётган соч толаларининг беҳолу беҳудлигидан ё, аксинча, сочлар «чирмашган» белнинг мастона ҳолатидан хаёлан рашк қилиб тўлғонади. Аниқроғи, шоир ўша – то тонггача бедор кечган дамлар «хаёли»ни – маҳбуб васли ҳақидаги туғёнли ўйларни бир-биридан рашк қилган ошиқларга муқояса этади («Гаҳи беҳудлиҳимдан сесканиб тутсам адаб расмин белиға чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда», дея хаёлан мастона кайфиятга берилади Навоий бошқа бир ғазалида!). Мана шу бадиий мантиқ тақозоси билан улар («хаёл»лар) белу сочларнинг чирмашган ҳолатини яна ўзгача кайфиятга кириб («рашкидин» безовталаниб) кутилмаган бир тарзда нисбатлаб келади. Рашк изтиробида беқарор, нажотсиз «хаёл» лар тонггача макону поён нима билмай ҳайрон қотса, не ажаб?.. Ёки бу «соқов даҳо» (Абдулла Орипов) – қадим дунёнинг не-не зиддиятли ҳақиқати билан юзма-юз тўқнашиб, ноилож ва ноумидликдан яна ўзининг сирли-сокин, дахлсиз манзили – маҳбуб тимсоли билан «ҳар тун» тузадиган ғойибона мулоқотига қайтган бўлса не ажаб?! Демак, биринчи қарашда гўё сўз ўйини заминига қурилгандай туюладиган «Димоғимда тонг отқунча хаёл эрмиш хаёл узра» мисра – лавҳасидан моҳият эътибори-ла Навоийнинг беназир муҳаббат эътиқоди, улуғ, фидойи шахсиятидан озми-кўпми бохабар китобхон жозиб-сирли маъноларни илғаб олишига шубҳа йўқ. Шу тариқа анъанавий «тун» ва «тонг» (бу байтда «ҳар тун» – «тонг отқунча») муқобил ташбеҳлари – тазод санъати заминида бадиий силсила тузилади – «хаёл» нинг тутилмаган миниатюр образи яратилади.

«Тахайюл», «хаёл», «ёд» ташбеҳлари воситасила ишланган ва ўзгача тимсолларда зуҳур этган туркум миниатюр образлардан яна бири. Шоҳбайт:

Етти чарх авроқи тўлғай, етти баҳр ўлса мидод,
Ул қуёш васфиға бир дамлиқ хаёлимни десам.

Ифрот ва таносуб санъатларининг ўзгача нуктадонлик заминига қурилган бу шоҳбайтда Навоийнинг хаёлот, хотирот дунёси, ижодиёт даҳоси (бу гал лирик қаҳрамон олами шоир шахсига жуда яқин туради) фавқулодда аниқ ифодаланган. Шоир тузган бадиий мантиқнинг фикрий миқёси, руҳий теранлиги, кузатилган ният поёни қанчалик ғаройиб бўлса, шунчалик уйғун ва мутаносибдир; ошиқ, Навоийнинг фақат «бир дамлиқ хаёли»да (бу минимал вақт ўлчови билан «етти чарх», «етти баҳр» нисбатлари замирида тазод санъати яширинган) жилваланган маҳбуб ёди ҳақида, аниқроғи, унинг илоҳий васли умидида шеъриятнинг илҳомчи фариштаси қалами қудрати-ла орзу қилинган Муҳаббат ри- соласини яратиш учун... дунёнинг барча хаттоту саҳҳофлари тасарруфидаги – на қоғоз варақлари, на сиёҳ ранглари бакор келади! Илло, қуёшнинг тасвири – мужассам тимсоли (майли, «бир дамлиқ хаёл» доирасида бўлсин) фақат «етти чарх»нинг чексиз самовий варақаларига жо бўлиши мумкин, бунинг учун «етти баҳр» сиёҳ вазифасини ўтаса бас!.. Бу нафақат хаёлнинг шарқона сирли-сеҳрли, пуравж парвози, юксак шеърий санъат намунаси, айни чоғда «тахайюл мулкининг султони» – даҳо шоирнинг шахсияти, қалб хотироти қанчалар теранлигидан, шеърий тафаккур хазинасининг қанчалар бойлигидан далолатдир.

ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ
«АЙНИ ҲАҚИҚАТДУР МАЖОЗ»

Ошиқ ўлғон – кечти нангу номдин,
Миллату иймону дини исломдин.

Навоийнинг тасаввур ва тахайюл мулкида муҳаббат нафақат «абадий мавзу»га – табаррук салафлар анъанасига буюк эҳтиром ифодаси, балки илоҳий эътиқод, ҳаётий эътимод, ижодий эҳтиёж меъёри, мезони – ҳам олижаноб мақсад асоси, ҳам қудратли, рангин воситалар, имкониятлар манбаи. Навоий учун муҳаббат – ҳам эзгу хаёл, ҳам пок ҳаёт, ҳам беомон қисмат, ҳам бебаҳо инъом – ижодий рағбат, ҳам чексиз ғам-ситам, армону иштибоҳлар, ҳам Тангри илоҳийнинг абадий шараф – ўлмас нангу ном учун қилган иноят ва ҳидоятлари... Байтлар шарҳига ўтайлик. Шоҳбайт:

Чу ҳақ нури юзунгда зоҳир ўлди, бебасар улким,
Ҳақиқат расми бор эрканда ишқингни мажоз эткай.

Аввало, бу байтдаги «ҳақиқат» ва «мажоз» ташбеҳларини бир ёқлама талқин қилиш тамойилидан сақланмоқ керак. Уларнинг бирини соф руҳий, илоҳий ишқ маъносида, иккинчисини жон-жисмга – вужудга хос, ҳаётий, дунёвий ишқ (Навоийда «авом ишқи») маъносида англаш мумкин. Бироқ амалда «ҳақиқат», «ҳақиқий» тимсоллари реал воқеликка нисбат бериб қўлланилгани ҳолда, классикада, шубҳасиз, ислом ва сўфизм фалсафаси таъсирида қандайдир дахлсиз хилқат, сирли-ғаройиб дунё, идеал юксаклик тарзида англашилади – илоҳийлаштирилади. Аксинча, «мажоз», «мажозий» ташбеҳлари биз бугун тушунгандай кўчма-истиорали маънолардан кўра, кўпроқ ҳақиқатнинг зидди, нари борса, унинг ташқи-зоҳирий, муваққат (фоний) аломати сифатида баҳоланади. Табиийки, Навоий юқоридаги шоҳбайт орқали «ҳақиқий ишқ» ни қанчалар улуғласа, «мажозий ишқ»ни шунчалик номарҳуб ҳол (аниғи, маънавий сўқирлик – «бебасарлик») деб ҳисоблайди. Лекин шахсий ҳузур-ҳаловат, айшу ишрат – нафс эҳтиёжларидан ўзлигини фориғ тутган покдомон зот – валийсийрат инсон улуғ шоир сифатида «ҳақиқат – мажоз» мавзуига ёндашишда анъанага муносиб эҳтиром сақлаш билан кифоялана олмас эди. Шунинг учун ҳам Навоий аксарият шеърларида санъат ва ҳаёт мантиҳига риоя қилиб, бу борада ўзича ислоҳ ясайди – «мажоз» «ҳақиқат»ни англашнинг тадрижий такомил босқичига айланади. Чунончи, шоир зоҳид билан мунозарада: «Гар сен идрок айласанг, айни ҳақиқатдур мажоз» дейдики, бу мисра Навоийнинг нуқтайи назари қанчалик холис, ҳаққоний, соғлом заминга қурилганидан далолат беради. Шу маънода хоҳ «ишқи ҳақиқат», хоҳ «ишқи мажоз» мавзусида яратилган шоҳбайтларда анъанавий зиддиятли қирралар – тазод усулига нисбатан кўпроқ тадриж, мувозана (параллелизм), таносуб каби санъатлар воситасида ошиқ инсоннинг хос хаёллари («хавос ишқи») билан баробар, унинг дунёвий («мажозий ишқ») мазмундаги ҳажр ва васл кечинмалари – аниқ ҳаётий манзаралар, инсоний мулоқотлар шеърий ифодасини топади, («ҳақиқат» ва «мажоз» нисбатини қуйидаги икки байтни бир-бирига қиёслаш орқали янада аниқроқ билса бўлади: «Неча килки тахайюл бирда бир суврат нигор айлай, Анга ошиқ ясаб, кўнглумни андин беқарор айлай»; «Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб, мунграшиб, Ётса гоҳи чирмашиб, ўлтурса гоҳи ёндошиб»).

Лекин Навоий ғазалиётида «соф» дунёвий муҳаббат – «мажозий ишқ» лавҳалари кам-дан-кам учрайди, аксарият ҳолларда мажозни ҳақиқатдан ажратишга эҳтиёж сезилмайди (чунончи, мана бу байт дунёвий – реал инсоний муҳаббат мисоли дейсиз-да, чуқурроқ разм солиб, «идрок айлаб» кўрсангиз, самовий, илоҳий ишқнинг ёркин намунаси бўлиб чиқса, ҳеч ажаб эмас). Зарур бўлганда Навоийнинг ўзи ёрдамга келади. Шоҳбайт:

Гар Навоий йиғласа – ишқинг мажозийдур дема,
Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдур мажоз.

Ҳажр ёшлари – реал ҳаётнинг инсон кечирган руҳий изтироблар, соғинчлар, лазиз ё аламли хаёллар, хотираларнинг қайноқ ларзаси, мавжи, демак, бу – мажозий ишқ нишонаси, аломати. Навоийда бундай пурмавж байтлар озмунчами? Ҳа, улуғ шоирнинг «васл мумкуни йўқ» деб билган, сабрда, қаноатда тенгсиз, юксак ва эзгу хаёл дунёси билан овунган («Гўйиё кўнглум тахайюл мулкининг султонидур, Ким хаёл ичра қилур ҳар айшким, имконидур...») қаҳрамони – ошиқ ҳам инсон сифатида дард-ҳасратлари туғёнга келганда, кўз ёшлари тўкишдан ўзини тиёлмайди. Лекин нафс қуллиги, «шайтон фириби» дан, «жоҳу мол» офатидан, ҳаётнинг бошқа талай имтиёз, айшу рўшноликларидан ўзини, ўзлигини фориғ тутган бу покдомон, комил инсон, эҳтимол, ҳар замон мавжланиб келган йиғи билан нафақат кўнглини бўшатади, руҳини енгиллатади, балки кўз ёшлари билан у янада «назари пок» бўлишини юракдан сезиб туради. Демак, беихтиёр – «йиғлаш» реал ҳаётга, чин инсойликка хос (фақат яхши ниятли, самимий, дард нималигини билган, умр давомида қалбида саховат, меҳр-шафқат, садоқат ҳисларини эъзозлаб сақлаган кишиларгина вақти келса тўлиб, куйиниб йиғлай олади) хислат сифатида «мажозий ишқ» аломати бўлгани ҳолда унинг сабабият ва моҳиятида «назарни пок айлаш» дек илоҳий бир маъно – «ҳақиқий ишқ» ғояси зуҳур эта- ди. Аниқроғи, Навоий наздида ҳар қандай дунёвий, инсоний ҳодиса, ҳаракат, ҳолат, ният ва аъмолда, агар у тўғрилик, ҳалол-поклик, сабр-қаноат, меҳру вафо (буюк инсонпарвар, улуспарвар шоир «меҳру вафо»га ғоят юқори қиммат беради, уни умрнинг маъноси даражасига кўтаради: «Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо, Бас, менга меҳру вафо – мол ила жоҳ») билан йўғрилган бўлса, илоҳийлик унсури мавжуддирки, шу маънода «назарни пок айлайдиган» йиғини «ишқи ҳақиқат» ифодаси деб билишга асос бор. Шу тариқа, Навоийнинг мазкур шоҳбайтдаги хулосавий сўзлари – «айни ҳақиқатдур мажоз» фалсафий-лирик лавҳаси умуман шеърият даҳосининг лирик, эпик меросини, хусусан, ишқий фалсафасини, шоҳбайтларнинг ҳақиқий маъноси ва бадиий ҳимматини тушуниш, муносиб баҳолашда ўзига хос рамзий очқич вазифасини ўташи мумкин.

Навоий ғазалиёти – «айни ҳақиқатдур мажоз» тарзидаги, эҳтимол, «хавос ишқи» – фидойи ошиқ-маъшуқлар эътиқод даражасига кўтарган туйғулар ўз ифодасини топган латиф ва теран мисралар хазинаси. Шоҳбайт:

Ошиқ ўғлон кечти нангу номдин,
Миллату иймону дини исломдин.

«Нангу ном» инсонлик шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати маъноларини англатади. Бу қутлуғ сўз билан бирга беназир руҳий-маънавий, ижтимоий-фалсафий тушунчалар – бир тарафга, муҳаббат – бир тарафга қўйилиши фақат анъанавий нисбатлаш усули эмас. Зоҳиран байтда «Лисонут-тайр »даги Шайх Санъон қисматини эслатадиган фавқулодда фидойи ғоя мухтасар ифодалангандай (Шайх Санъон тушида аён бўлган христиан гўзали ишқида «нангу номи»дан, юрт, элатидан, эътиқодидан кечиб, доимий саждагоҳи – Каъба эҳроми-

ни тарк этади, тарсо қизнинг мамлакатини ахтариб кетади, манзилга етиб, дин-иймонни ғорат этувчи энг таҳқирли шартларни бажаради, лекин бу мислсиз шармисорлик эвази – мукофоти учун ҳам ўзи, ҳам ғайридин маҳбуби бирга иймон келтириб, яна ишқ ўтида покланиб, сўнг жон фидо қиладилар). Зотан, юқоридаги шоҳбайтда Навоий талқин этган муҳаббат – инсоннинг чин моҳиятини, унинг ҳар жиҳатдан баркамоллигини билиш, имтиҳон қилишнинг олий мезонидир, акс ҳолда, «нангу ном», «миллату ИЙМОН», «дини ислом» каби муқаддас ва «хос маъни»лар шеърий нисбат қилиб олинмас, ўртага бунчалик иштибоҳли, хатарнок шарт қўйилмас эди. Демак, ҳаёт ва шеърият мантиқи тақозосига кўра шоирнинг ташбеҳ-тимсоллари маъноси муҳаббат маъносидан кам эмас (эҳтимол, ўша муборак каломлар руҳий-илоҳий қадриятлар билан севги қисматининг юзма-юз келишига ижодий зарурат – сабабият бўлмаганда, улар дахлсиз юксаклигида қолиши мумкин эди). Зотан, Навоий ўзи буюк дунёвий дард, илоҳий қисмат деб билган муҳаббат қўшиғи – «ҳикояти» учун муносиб сўз, ташбеҳ, муқояса кашф этиш бобида соҳир санъаткору комил инсон мартабасида туради.

Шоир бошқа бир ғазалида «ақл», «ишқ» муқобил тимсоллари орқали муҳаббатнинг мўъжизакор қудрати ва фазовий миқёсидан баҳс очади.Шоҳбайт:

Ақлким, барча хирад аҳлиға эрди устод,
Бўлди ишқ абжади таълимида – тифли мактаб.

Зоҳиран олиб қараганда, одатий туюладиган муқояса... Аслида-чи? Ақл-заковатдек умумбашарий салмоққа, миқёсга эга бўлган, чексиз-ўлчовсиз нуктадон маънолару теран тафаккур уммонини... кутилмаганда (гўёки нописандларча) абжад-алифбо ўрганувчи бола аҳволи билан тенглаштириш замирида моҳиятда дафъатан тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган, онг-шуурга бўйин бермайдиган ҳайратбахш, балким исёнкор бир ҳолат, туйғулар, хаёллар туғёни зуҳур этади... Бу – ақл-идрок қонунларига асло бўйсунмайдиган безовта, сеҳрли олам – қалб мулки, ўша «ишқ» деб аталмиш сирли хилқат (шу жиҳатдан устоз – шогирд, таълим – мактаб тушунчалари мутлоқ шартли восита; абжадхоннинг иши ибтидоий савод ўрганиш, қуруқ ёдлашу такрорлашдан нарига ўтмайди, демак, шоирнинг муқояса усули – киноялы характерда)... Ҳолбуки, муҳаббат оламининг ҳарфини ҳам, руҳини ҳам «хирад аҳли» эмас, дард аҳлигина билиши мумкин. Келтирилган муқояса сирлилиги билан жозиб ва абадий ҳақиқат – ҳар бир кишининг ҳамрози, дарддоши – муҳаббат асли нима эканлигини бир қадар англаб олиш имконини берса, ажаб эмас. Муҳаббат дунёсининг ҳеч ким, ҳеч қачон таҳқиқ қилолмайдиган сирли моҳияти «бир сўз» рамзида ва айни шундай оддийгина мантиқий силсила воситасида қаламга олинади. Шоҳбайт:

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун
Истарамким аввалидин ёна бунёд айлагай.

Гўёки ишқ қиссахони – ровийнинг нақадар самимий, ҳаққоний иқрор сўзлари! Чиндан ҳам қай бир ҳавасманд ривоятчи, эҳтиросли «файласуф» ёки шахсан муҳаббат оташида куйиб, тақдир насибаси туфайли базўр «омон» қолган армонли йигит ёки алданган қиз – бахтсиз маъшуқа, умуман, муҳаббат қиссасидан (ёки ўзининг мунгли достонидан) сўз бошлаб поёнига етоладими, йўқ, неча бор «аввалидин» бошлайди. Ҳолбуки, ҳар гал бошлаган «бир сўз» – ҳикояси аввалгисини такрорламайди, лекин тўлдирмайди, ривожлантирмайди ҳам... Бу жумбоқнинг сабабини ким айта олади? Илло, муҳаббат шундай илоҳий қисматдирки,

унинг на ибтидоси ва на интиҳоси (Навоийда: «Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим») маълум, на сабабияти ва на маъно-моҳияти аниқ. Эҳтимол, комил мусулмон кексалар ҳақдир: «Бу ёлғиз Аллоҳнинг ўзига аён». Шундай қилиб, соҳир шоир оддий сўзлар воситасида бизга бир олам завқ-шавқ бағишлайди, айни чоғда хаёлга толдиради. У яна бир шеърида ҳайратимизга ҳайрат улайди. Шоҳбайт:

Ишқким ҳар бир ишида ёзди юз минг турфа халқ,
Турфароқ будурки, юз мингдин бири ёзилмади.

Воажаб! Муҳаббатнинг «ҳар бир иши» ўзи нима эканки, унинг таърифида «юз минг турфа халқ» (асосан шоир аҳли) ёзгани ҳолда, то ҳануз ўша «бир иши» нинг «юз мингдан бири» ҳам ифода поёнини топгани йўқ!

Бу муболағали рақамлар тилида айни ҳақиқат ифода этилмайдими, ахир? Ҳолбуки, муҳаббат савдосининг «ҳар бир иши» ибораси мутлоқ шартли восита бўлиб, бу руҳий-маънавий оламнинг на миқёсу миқдори, на меъёру мезонини киши билиб бўлади. Эҳтимол, «абадий мавзу»да неча минг йилдан буён бунёд этилган шеърий хазина бу илоҳий гўзаллик шаънига ўқилган бағишлов, битилган ҳамду сано ва муножот сўзларидир. Эҳтимол, буни улуғ шоирлар бири-биридан жозиб байтларда самовий илҳом билан тараннум этган жами «хавос ишқи»нинг машҳур ва номаълум қаҳрамонлари – фидойи ошиқ-маъшуқалар ёдномаси деб, айни чоғда ишқ куйчилари – соҳир шоирларнинг ўзлари қолдириб кетган хотирот китоблари – шеърий ёдгорликлар деб атамоқ тўғрироқ бўлар... Лекин муҳаббат қисматининг моҳияти ҳар қандай буюк қалам соҳиби лолу беҳол қоладиган сеҳрли хилқатдир. Хуллас, агар ҳаёт, инсон умри реал, моддий мавжуд бўлса, муҳаббат боқий руҳиятдирки, унинг сир-асрори, моҳияти – илоҳиёт қонунлари билан белгиланади, «бошқарилади». Навоий ўзи мўъжизакор қалам эгаси бўла туриб, юқоридаги каби байтларда ана шундай дахлсиз эътиқодни илгари суриши бежиз бўлмаса керак...

Бошқа ғазалда ишқ «мезони»нинг нисбати ўзгаради, вақт ўлчови билан ўрин алмашади. Шоҳбайт:

Тийра фироқ тунлари шарҳини айт демаким,
Минг кеча деб тугонмагай бир кечанинг фасонаси.

Ошиқнинг фироқ тунлари бедорлиги не ўй, не хаёллар билан ўтади, у ёлғизлик, ғариблик қисматининг ҳамлаларини, озору ситамларини қай ҳолатда кечиради, уларга тоқату бардошни қаердан олади – буни фақат дард аҳли бир қадар (умумий тарзда) тасаввур қилиши мумкин, холос.

Энди Навоий хаёлидаги қаҳрамон – ошиқнинг, эҳтимол, дунёдаги барча ошиқларнииг аччиқ насибасидан ортиқроқ – пурзиёд, агар улар кўриб-билсалар – унинг аҳволига зор-зор йиғлайдиган («Қайдадур Мажнунки, бергай панду чун фаҳм этмасам, Йиғлагай ҳолимға бағри оғриғондин зор-зор») даражага бориб етган «фироқ тунлари»нинг бутун драмасини сўз билан таърифлаб бўлармикин? Шунинг учун ана шундай бир-биридан «тийра» (ҳатто ой чиққанда ҳажр азоблари яна кучайиши мумкин) тунлардан лоақал «бир кечанинг фасонаси» – ҳикоятини минг кечада ҳам айтиб адо қилиб бўлмаса, не ажаб! Навоийнинг сўзларига ишонмаслик – муҳаббатга ишонмаслик, дардсизлик билан тенгдир. Зеро, «бир кечанинг фасонаси» учун шарқ шеъриятининг манзур ва матлуб усулларидан ифротнинг парвози ҳам ожиз қолса керак, акс ҳолда, даҳо шоирнинг «минг кеча – бир кеча» каби од-

дийлиги билан пурмаъно нисбатлаш усули (тазод санъати) орқали шунчалик нафис, ҳаққоний образ-лавҳа яратилармиди!..

Маълумки, мусулмон шарқи муҳаббат лирикаси, унинг асоси бўлмиш ғазалиёт образлари силсиласида ошиқнинг «ишқи ва ниёзи», маъшуқанинг «ҳусн ва нози» марказий нуқта – муҳим ҳалқа ҳисобланади. Баъзан ана шу икки жиҳат ҳайратомиз уйғунлик, таносуб яратади. Шоҳбайт:

Ҳуснию ишқим камол ичра яқиндурларки, бор:
Ул менинг ҳайрониму олам анинг ҳайронидур.

Маҳбуба «ҳуснининг камоли» билан ошиқ «ишқининг камоли», ҳар қалай, ўзаро уйғун келиши (эътибор беринг: улар тенг бўлмасалар ҳам «яқиндурлар») таносуб санъатининг гўзал намунасидир. «Ҳусн камоли»нинг исботу далолати – зоҳиран бутун «олам анинг ҳайрони» эканлиги, демак, етти иқлимда ҳатто самовот пари-пайкарлари орасида у билан рақобат қиладигани йўқ. Нега бундай? Маҳбубанинг ҳусни – том маънода камолот касб этган. Қандай қилиб бунга мушарраф бўлди?

Оламнинг ҳайронлиги шундан. Сабабини бошқа шоҳбайтлар орқали билиш мумкин: маҳбуба «ҳусн мулкининг султони» эканлиги «Тенгри эҳсони» дир. Фақат унинг ҳусни васфида бир жиҳат очиқ айтилмаган – ошиқнинг муносабати яширинган. Бунинг сабабини маҳбубанинг кутилмаган ҳолати, қизиқиши – ошиқ «ишқининг камолига ҳайронлиги» билан изоҳлаш мумкин (ошиқнинг ҳайрати эса олам ҳайратига сингиб кетган). Шубҳасиз, китобхон (навоийхон) маҳбуба ҳуснининг ёки ошиқ ишқининг баркамоллиги хусусида шубҳага бормайди. Байтнинг энг жозибали нуқтаси – маҳбубанинг ҳайронлиги. Тўғри, у ошиқнинг девонавор кўриниши, дарбадар кезиши, оҳ-нолалари, телбаларча ўз-ўзи билан сўзлашиши ва ҳоказолардан ҳайрон бўлиши, истеҳзо билан кулиши мумкин. Лекин ошиқ «ишқининг камоли» уни ҳайрон қолдириши энди маҳбубанинг нафақат ҳусн бобида, балки заковатда, киши дардини англаш – меҳр-шафқатда ҳам фазлу камол соҳибаси эканидан далолат эмасми? Ёки бу ҳамон мағрурона бедардларча ҳайронликмикан? Бизнинг умид – иштибоҳ оралиғида иккиланишимиз ҳам бежиз эмас. Ахир, улуғ шоир ҳар замонда гўзаллар беқарорлиги, вафосизлиги хавфидан огоҳ этиб туради: «Лоларуҳлар аҳдининг маҳкамлиги мумкин эмас»...

Умид, иштибоҳ аралаш, ҳар қалай, хазинликдан бир неча лаҳза холи бўлган шеърият мулоқоти иложсиз яна мунгли оҳангларга рўбарў келади. Шоҳбайт:

Ёр ила аҳбоб мендин айри-ю – мен барчадин,
Йўқ ажаб гар барчанинг дардича бўлса менда дард.

Навоийнинг муҳаббат қисматини, илоҳий эътиқод деб билган шикаста – ҳолу ҳақир, ортиқ жафокаш қаҳрамони – ошиқ учун «аҳди маҳкамлиги»га ишониб бўлмайдиган (у ҳуснда ҳам, ноздa ҳам тенгсиз) бераҳм ва бевафо «ёр...дарди» кифоя қилмасмиди? Ёрга қўшилиб умр бўйи ўз меҳрини аямаган «аҳбоб» ҳам ундан узоқлашиб, вафо эвазига жафо қилса... Бу ошиқ Навоий учун «барчадин айри» тушган билан тенг. Демак, у – кимсасиз, ғариб, нажотсиз. Лекин ғазалиёт (шу жумладан, сўфиёна шеърият) тарихидан маълумки, не-не фазлу камолда якто ошиқлар, орифлар (ҳатто шаҳзодалар) бахтсиз муҳаббат қисматидан, ҳабибу дўстлар вафосизлигию рақиблар, дардсиз-лоқайд одамлар озору ситамидан бош олиб кет-

ган, дарвишона, ғарибона узлатгоҳлардан паноҳ топган чоғларида ҳам руҳлари букилмаган, аксинча, «барчанинг дардича... дард» юкини ўзига олишдан чўчимаганлар. Навоий бундай фидойи ошиқлик, руҳий поклик тарихини, унинг сабоқларини ҳар жиҳатдан мушоҳада қилиб, чуқур ҳис этгани (бу мавзуга илмий-фалсафий рисолалар бағишлагани) учун ёр жабрини, аҳбоб дардини ва «барчанинг дарди»ни ўз гарданига олишига «йўқ ажаб»... Бу – комил иймон, эътиқод эгасининг мислсиз ирода кучидан далолат. Хуллас, мазкур шоҳбайтда шоирнинг қаҳрамони – Навоий шахсига жуда яқин туради. Зеро, «барчанинг дарди – менинг дардим» дея ҳайқириш ҳар бир шоирнинг матлаби, армони бўлса ҳам, амалда анча-мунча ноёб истеъдодлар «халқ ғами», «эл коми» йўлида Навоий қадар – борлиғини фидойилик билан бағишлашга қодир бўлмаганидан тарих гувоҳлик беради.

Зеро, «дард», «дардлиғ», «аҳли дард» ташбеҳлари шоҳбайтларда кўп учраши бежиз эмас. Улуғ инсонпарвар шоир ўз дардларини изҳор қилиб, ҳасрату надоматлар чекишдан кўра, одамларни нафақат ишқ дарди, балки умуман, инсон дардини англашга, эъзозлашга, бир-бирларига меҳрибон, ғамхўр, ҳамдард, меҳр-оқибатли бўлишга қайта-қайта даъват қилади, бунга ўзини бурчдор, жавобгар деб билади. Шунинг учун шоирнинг нолакор мисраларига фақат ушшоқ дардининг ифодаси деб қарамасдан, балки унда ижтимоий дард ҳам зуҳур этганини эътироф этиш керак. Шоҳбайт:

Эй Навоий, дардлиғ назмингни дард аҳли билур,
Дардсиз доғи бўлур, они ўқуғоч аҳли дард.

Агар Навоийдек даҳолар қаламига мансуб шеърият, жумладан, ғазалиёт, асосан, муҳаббат тароналари орқали (бу ҳам ўзига хос рамзий-мажозий усул) инсон тақдири, унинг дардлари, аламлари, армонлари, умидларини акс эттиришга, ёқлашга, идрок қилиш ва қадрлашга даъват қилинганига амин бўлар эканмиз, «дардлиғ назм» ни, «дард аҳли» ни бир ёқлама (фақат интим маънода) тушуниш ва талқин қилишдан эҳтиёт бўлмоғимиз керак. Бас, Навоий шеърларини ўқиб, унинг дунёвий жозибаси, илоҳий сеҳри таъсирида гўё «дардсизлар – аҳли дард»га айланиши (не ҳасрат-надоматлар бўлсинки, бу Навоийнинг фақат ширин хаёли, эзгу армони эди!) ғоясини ҳам ёлғиз ушшоқ аҳлига дохил деб билиш, айниқса, Навоий шеъриятининг чуқур инсоний, ижтимоий моҳиятини, унинг фалсафий руҳини, маънавий-ахлоқий қимматини англаб етмаслик, муносиб баҳолай билмаслик бўлур эди. Шоҳбайтнинг яна бир жиҳати, тарбиявий эстетик аҳамияти шундаки, турли тоифа шеърият мухлислари орасида то ҳануз том маънодаги «дардли назм»нинг унчалик фарқига бормайдиганлар оз эмас. Зора, бебаҳо классик шеъриятимиз билан энди-энди жонланиб, кенгайиб бораётган мулоқотлар ўз самараларини берса, хусусан, Навоийнинг мазкур байти сингари жозиб, пурдард мисралар «дардсиз» ларни ҳам «аҳли дард»га айлантирса...

Навоий ғазалиётида дард таронаси ҳар замонда умидбахш ҳислар билан йўғрилган сатрлар ҳам учрайди. Шоҳбайт:

Ҳажр аро дардим давосин ёр мушкул деб эмиш,
Раҳм агар қилса, онинг оллида осондур даво.

Халқ ривоятларидан маълумки, одатда, ҳақиқий табиблар беморнинг дарди оғирлигини, бу мушкулни фақат Аллоҳнинг Ўзи осон қилса, ажаб эмаслигини унинг яқинларига минг андиша қийноғида айтишга мажбур бўлади. Навоийнинг буюк санъаткорлиги шундаки, зоҳиран бирор сўз ё оҳанг-интонация ёрдамисиз, фақат мисралар руҳи орқали

маҳбуб – «ёр»га бир йўла ҳам табиб, ҳам илоҳий қудрат сифатларини беради (унинг хос сифати – «ҳажр... дарди»га мубтало этгани ошиқнинг ўзига аён). Гўзал зиддиятни кўринг: ишқ дардини раво кўрган ёр гўё ўз қилмишига иқрор бўлиб, унинг «давоси мушкул» дейди, ҳолбуки, бундай мушкулни осон қилиш унинг хоҳиш-ихтиёрида – меҳр кўрсатишида. Лекин ошиқнинг ёр шафқатига камоли умид боғлаши маҳбубани чин халоскор – муҳаббат дардининг ҳозиқ табибига айланиши мумкинлигига бизда ҳам умид уйғотади. Шу тариқа Навоий хаёл қилган васлсиз муҳаббат бу гал зиддияти билан гўзал, умидли пардаларда тараннум этилади. Эҳтимол, бу – хаёлнинг ҳаёт гўзалликларидан рағбату шавқ олиб қилган туҳфасидир.

Ниҳоят, яна бир ғазалда маҳбубанинг ҳусни ва ошиқнинг ишқи «беандоза» ташбеҳи орқали баҳоланади (беихтиёр аввалги бир шоҳбайтдаги «ҳуснию ишқим камол ичра яқиндурлар» бетакрор нисбати хаёлдан ўтади). Шоҳбайт:

Чу йўқ андоза ишқим бирла шавқимга, ул ойни ҳам
Жамолу меҳр ойинида беандоза истармен.

Инсоннинг эҳтиросларга бой дунёси – ҳиссиёти, хаёлоти, хотиротинигина эмас, ҳатто, ақл, мантиқ қонунларига асосланадиган тафаккур тарзини ҳам муайян андозаларга солиш, турфа ақидалар билан ўлчаш, соғлом, мустақил, ижодий фикрга тушов солади, заковатнинг ривожига эмас, заволига сабаб бўлади. Инсоннинг эркин, дахлсиз туйғулари, кечинмалари, ўй-хаёллари гарчанд тафаккур дунёсидан озиқланмай яшай олмаса-да, ақл андозаларини хушламайди, унга итоат қилмайди. Бас, сўз ишқ отлиқ буюк ва чексиз, сирли ва туғёнли бир руҳий хилқат устида борар экан, ҳар қандай оқилона, комил андоза фақат эрксизлик, бедодлик, ранж-алам рамзига айланиши мумкин. Аввалги саҳифаларнинг бирида ишқ ва ҳусн камоли ҳақида мушоҳада, мубоҳаса юритган эдик. Мазкур шарҳларга шуни илова қилиш жоиздирки, ҳар қандай комиллик беандоза ва бетакрорлиги билан қадрлидир. Шунингдек, маҳбубанинг ҳусни-жамоли ҳам беназиру бетакрорлиги билан, инсоний латофатнинг энг комил ўлчовларига сиғмас сирлилиги билан ошиқ шавқига, унинг оқибати – ишқига сабаб бўлгандир. Навоий ошиқ кўнглининг бундай нозик тамойили – гўзалликни ҳис этиш, унинг асл, тоза гавҳарини таниш, ажратиш ва муносиб баҳолаш қобилиятини, яна аниқроғи, заршунослик ҳуқуқини «истармен» ташбеҳи замирига жойлаган. Сўнгра, «ишқ» – «шавқ» билан, «жамол» – «меҳр» билан уйғунликда, «ойин» (тарз, расм) «андоза»-га муқобил келиши шоҳбайтдан кузатилган ният – оламнинг беқиёс рангинлиги ғоясини, инсоннинг хаёл дунёси, жумладан, унинг ошиқона, орифона, қаландарона ўйлари, ҳасратлари, армонлари, умидлари ўлчов, меъёр, чегара билмаслиги, бетакрор ва бемисоллиги фалсафасини мухтасар лирик лавҳада очиб беришга хизмат қилади.

Муҳаббат оламининг ғаройиб-мўъжиз аломатлари, мафтункор, фавқулодда кучли оҳанрабоси, аслида, моҳиятига етиб бўлмас теранликлари боиси, йўқ, боис-сабаби эмас, аниқроғи, мақсади, маъноси, руҳи нигоҳлардан, назарлардан яширин табиатида, пинҳоний яратилиши – хилқатида эмасми? Шоҳбайт:

Қолди айтилмай ниҳоний ишқ сири ончаким,
Қолмади бир сўзки, бу маъни аро айтилмади.

Навоий кузатган шеърий мантиқнинг жозибаси шундаки, унда биринчи қарашда, муҳаббат оламининг сиру синоати ҳақида сўз билан ифодалаш мумкин бўлган барча маънолар,

талқинлар, шарҳу баҳолар ўз аксини топгандай. Лекин моҳиятда-чи? Бу «ниҳоний ишқ сирри»ни очиш учун фақат сўз имкониятлари сарф этилди, холос. Нималардир айтилгани – муҳаббат ўзи нима эканлиги ҳақидаги қадимий сирли жумбоқни ечиб беришга қодирми? Демак, шоир наздида «ончаким айтилмай қолган» сеҳрли дунёни фақат сўзлар воситасида инкишоф этиш имконсиз. Бас, «ишқ сири» инсоннинг кўнгил мулки – руҳий олами қадар беадад ва терандирким, Навоий унга «ниҳоний» сифатини қўшиб, айрича кучлантириб бериши бежиз эмас. Беихтиёр равишда аввалроқ таҳлил қилинган бошқа бир байт эсга тушади:

«Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдан бурун
Истарамким аввалидин ёна бунёд айлагай».

Яна пинҳоний ўй-хаёллардан шакл-шамойил топган мисраларга қайтамиз. Байт:

Барчадин кўзга пинҳон бўлдингу жон ичра аён,
Ваҳ ниҳон дейму сени, йўқса аён дейму сени?!

Тажоҳули орифона (донолар ҳайрати – билиб билмасликка солиши) усулида шаклланган бу байт Навоийнинг соҳирона мушоҳада тарзидан, сўз фасоҳатидан намунадир. Хаёл кўзгусида жилоланган шўху ғамзакор маҳбуба сувратини бир лаҳзанинг ичида ҳам яширин, ҳам ошкор маъноларда талқин қилиш шеърий образга ажиб тароват бахш этади; ўзгалар учун «кўзга ниҳон», ошиқ учун «жон ичра аён» бўлиб кўриниш (биринчи мисра) – зоҳирий ва ботиний маъно қирралари, не ажабки, ўзаро ўрин алмашгандай, таъбир жоиз бўлса, ўрин талашаётгандай таассурот қолдиради: уларнинг қай бири суврат (ошкор аёнлик аломати)ни, қай бири сийрат (яширин-сирлилик аломати)ни билдиради? Моҳиятда бу нисбатлар тенг эмасми? Чунончи: «жон ичра аён» образи қанчалик сирли-сеҳрли! Зотан, иккинчи мисра ўз мазмуни, руҳи билан бу фикрни тасдиқлагандай бўлади: ошиқ маҳбубини «ниҳон дейиш»га ҳам, «аён дейиш»га ҳам ҳақли (ёки бу жозиб ҳолдан ўзича ҳайрон, иштибоҳ ичида), илло, бу муқобил тимсоллар ҳар бири сирлилиги, жозибадорлиги билан зарифу орифларнинг завқига, ҳайратига сабабчи бўлади.

Бошқа бир хайёмона, румиёна туғён билан битилган шоҳбайт:

Нетиб мен ниҳон асрайин, айтинг, охир
Тилар бўлса дардим худо ошкоро?!

«Дардини пинҳон асраш»ни умрнинг муборак матлаби, одамийлик ва ошиқлик маслаги деб билган, бундай дахлсиз, сирли-маҳрам ҳислар дунёсини бадиий тадқиқ қилиш йўлида бир-биридан нуктадону латиф байтлар яратган шоир, бу гал анчайин кутилмаган тарзда, исёнкор оҳангда тақдири илоҳий билан юзма-юз мубоҳасага киришади. Ҳаёт ўз зиддиятлари билан баъзан шундай ситамкор бир қиёфа оладики, ҳатто сабру қаноатни, шикасталик ва итоатни эътиқод даражасига кўтарган валий сийрат (чин мутасаввиф) шоирлар ҳам ихтиёр-беихтиёр иштибоҳли, туғёнли ҳолатларни кечириб, ўз аҳволи руҳиятларини ҳурфикр ғоялар, образлар тарзида очиқ ифодалаганлар. Навоий улуғ салафлар йўлини тутиб, «мен» ва «худо», «ниҳон» ва «ошкоро» ташбеҳлари орқали (тазод санъати усулида) қанчалик содда, равон бўлса, шунчалик пурмаъно ва ларзакор лавҳа-образ яратади. Бу инсон кўнглида-

ги пинҳоний туйғулар баъзан, зарурат тақозосига кўра ташқи дунё – реал ҳақиқат билан, аниқроғи, «халқ ғами», «эл коми» билан руҳий алоқага киришиши мумкинлигидан далолат беради...

Навоий табиатдаги азалий жараёнлар – мувозанат, уйғунлик, бутунлик, рангинлик, тинимсизлик каби ҳодисотлар меъёри инсон тафаккурида, хаёлотида, ҳиссиётида – руҳий дунёсида янада нафисроқ, айни чоғда сирлироқ қирраларда намоён бўлишини орзу қилади ва буни ўзгача лирик лавҳаларда ифодалайди. Шоҳбайт:

Хилват – элдин ёшурун, хилват аро тан ёшурун,
Танда жон янглиғ сени жон ичра пинҳон айласам.

Шеър бадийяти эътибори билан «ёшурун» – «пинҳон» синонимлари байт мазмуни каби нозик, нуктадон қирралари билан ажралиб туради: халқ назаридан доим четда – эътиборсиз, ғариб ошиқнинг жисми пинҳонийликнинг биринчи замини, гарови; маҳбубанинг ўша одамлар кўзидан ғойиб ошиқ жисмидаги жон ўрнида ниҳон тутилиши, ҳатто, ёр учун фидо бўлишга рози ўша шайдои жон ичида (демак, ошиқнинг қалбида, дилида, руҳида) унинг гўзал шахси – бетимсол сиймоси авайлаб, сир тутиб сақланиши керак. Шу тариқа, Навоийнинг ишқий эътиқодича, аввало, табиат қонунлари нуқтайи назаридан, айниқса, мусулмон одамнинг маҳбуби шундай маҳрамлик эҳтиёти ва эъзозида бўлгани маъқул ва марғубдир; қолаверса, «замон аҳли» – турли тоифадаги яхши-ёмон назарида, ҳаё-одоб қонунлари олдида ҳатто турли таъна-маломатлардан ўзини фориғ тутиш маъносида «пинҳон айлаш» ғояси ҳам маънавий, ҳам эстетик жиҳатдан гўзал эканлиги, шак-шубҳасиз. Бу муҳаббат тароналари орқали инсоннинг ўзлигини, руҳий поклигини, кўнгул назокатини эъзозлаш ва улуғлашнинг ажойиб намунасидир.

Ҳаётда ҳам, ижодиётда ҳам ўзини, ўзлигини «тахайюл мулкининг султони» деб билган Навоий ўз қаҳрамони – ошиқнинг васл мулоқотларини хаёлан тасвирлар экан, пинҳонийлик нафақат оламнинг боқий сукунат ва сирли-сеҳрлилик қонуни, меъёри эканини, айни чоғда бу инсон шахсининг руҳан бойлиги, маънавий гўзаллиги аломатларидан бўлиб қолишини истайди. Шоирнинг қатор ғазаллари шундай таассурот қолдиради. Байт:

Элдин андоқ ёшурун истармен ул хилватниким,
Кўнглим андин воқифу жоним хабардор ўлмағай.

Бу гал ошиқ ўз маҳбуби билан хаёлан учрашган хилватдан, не ажабки, унинг кўнгли ва жони ҳам огоҳ бўлмаслигини истайди, яъни тақдиру толе хоҳиши бўлган бундай тансиқ дақиқаларда у ўзлигини унутишга, бу қадим дунёнинг буюк ва сирли уйғунлигига қўшилиб, сингишиб кетишга рози. Албатта, бу ҳаётнинг муҳаббат орқали ҳис этиладиган шавқи-суруридан воз кечиш деган сўз эмас. Аксинча, улуғ шоир бундай чексиз пинҳонийликда борлиқнинг инсон ақли ва қалбини лол қолдирадиган теранлигини кўради ёки у ўша боқий ва сеҳрли пинҳонийлик билан яккама-яккаю юзма-юз қолишни, ҳамдам ва ҳамроз бўлишни, унинг руҳий садоларини тинглашни, тинглаганларини, оз бўлса-да, уқиб, англаб олишни истайди. Албатта, бу сатрлар замирида нафақат муҳаббат оламига хос сирли-маҳрам туйғулар зуҳур этади, балки «давр аҳли»га нисбатан норизолик, туғёнли ижтимоий дард оҳанглари яширин эканлигига шубҳа йўқ (чунончи, «Элдин андоқ ёшурун истармен...» сўзларида бунга аниқ ишора бор).

САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ
«СУБҲИ ВИСОЛ» АРМОНЛАРИ

Ул кечаким ёр ила ёрутқамен шамъи висол,
Зинҳор, эй субҳ, агар бўлсанг Масиҳ – урма нафас.

Бағоят даражада нуктадону латиф, ифода уфқи билан маъно фазосини билиш осон бўлмаган васл хаёллари... Бу Навоийнинг лирик-рубобий шеъриятида гоҳ ширин ва эзгу армон, гоҳ тақдир хоҳишига аччиқ ва нозик киноя, гоҳ анъанавий ижодий хаёл – фантазия ё шеърий лутф – сўз фасоҳати намуналари тарзида шаклланади. Шоҳбайт:

Ул кечаким ёр ила ёрутқамен шамъи висол,
Зинҳор, эй субҳ, агар бўлсанг Масиҳ – урма нафас.

Талмеҳ санъати (бу – машҳур сиймолар, ошиқлар, афсонавий ва тарихий шахсларнинг номларини шеърий байт шодасига дур каби тизиш демакдир) орқали оро берилган бу байтда, дадил айтиш мумкинки, Навоийнинг рубобий шеър даҳоси бутун сеҳри, мўъжизакор кучи билан аён бўлади. Не бахтки, ҳажрнинг чексиз дарду ситамларини торта-торта ҳасратнишинликни одат қилган ошиқ учун, ниҳоят, хаёлан васл хилватгоҳида мулоқот қувончи насиб этган бўлса (халқимиз орасида анчайин тарқалиб улгурган бошқа бир латиф байтни эсланг: «На хуш бўлгай, иковлон маст бўлсоқ васл боғинда. Қўлим бўлса онинг бўйнидаю оғзим қулоғинда»)... Лекин интизорлик йўлида жону кўнгилни нисор этиб кутилган висол мана қанчалар юксак санъат билан ифодаланади: ошиқ Навоий «ёр ила... висол шамъи»ни ёққан туннинг охир-оқибатда субҳидам палласи қуёш нурларида иложсиз барҳам топиши – бу нафақат бир кечалик, балки бир умрга тенг, йўқ, шоир қаҳрамони – ошиқ учун абадиятга дохил – то маҳшар тонгигача азобланиш билан тенг фожиадир!.. Акс ҳолда, жонсиз жисмга қайтадан ҳаёт бахш этишга қодир Масиҳдек пайғамбар тонгга муқояса этилмас эди. Қизиғи шундаки, ўзининг ғойибона ташрифи билан «висол шамъи»ни ёққан (бундай мўъжизакор ҳаёт чароғи асли ўша тун бағрида эмас, ошиқ қалбида ёқилган деб билмоқ керак!) маҳбубнинг хаёлий тимсоли кечага ўзгача, субҳга яна бошқача маъно, бадиий қиммат бағишлайди. Аксарият ҳолларда тун қоронғилиги ва бедорлиги ошиқ аҳволи руҳиясининг ғоят мушкуллиги рамзи сифатида талқин этилгани ҳолда бу гал гўзаллик рамзининг тимсоли бўлиб келади ва аксинча, ҳажр кечалари ортиқ даражада кучайган дард захмига малҳам қўйиши мумкин бўлган нажоткор «субҳ» кутилмаганда фожеъ интиҳо рамзига айланади. Бунда Масиҳ номи билан зийнатланган талмеҳ санъатига «кеча-субҳ» муқобил ташбеҳларининг оригинал талқини (тазод усули) янада ёрқинлик, рангинлик, руҳий тераплик бағишлайди – улар бири иккинчиси учун бадиий-образли заминга айланади.

Бошқа бир ғазалда хаёлий висол лаҳзаларидан ғоят жозиб лирик лавҳа чизилади. Байт:

Шамъсиз тун бўлса, яъни соя доғи бўлмаса,
Гар Навоий бўлса бир дам дилситони ёнида.

Классик таносуб ва тазод санъатларининг ажиб ҳайратбахш кўринишлари («тун» билан «соя», ошиқ Навоий билан унинг ёри – таносуб; ойсиз кеча билан ошиқнинг «дилситони», «бўлса» – «бўлмаса» – тазод) байтга қанчалик нуктадонлик, нафислик бағишлайди! Ҳолбу-

ки, Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ хаёлнинг илоҳий қанотида ҳаволанади, ишқ қисматининг қийноқли домидан – ёрсиз, анисмаҳрамсиз ғурбатхонадан бир неча лаҳза бўлса-да, озодлик сари – руҳий ҳаловат масканига талпинади. Нақадар эзгу, латиф хаёл, бу фақат хаёл эканлиги ҳақидаги ҳақиқат қанчалик оғир таассурот қолдиради. Майли, биз ҳам бир неча дақиқа хаёлимизни улуғ шоирнинг муборак тахайюли завқига, шеърий сўз сеҳри ихтиёрига берайлик: ошиқ Навоий ёри билан «васл боғи» сари йўл олиб, уни мунаввар этишга азми қарор қилган кечада ой чиқмаган бўлса (не ажабки, халқимиз хаёлан Навоийнинг табаррук изи қолган йўлни «кўча» деб таърифлаган: «Навоий ўтди кўчангдан пиёда ёри билан, киши балога қолурми ўз ихтиёри билан». Кошки бу покдомон валийсифат зот чиндан ҳам «ёри билан» қай бир ошиқ ё маъшуқа мухлислари истиқомат қилган «кўчадан ўтгани» рост бўлса!).. Негаки, ошиқнинг зору интизорлик, чексиз соғинч туйғулари чулғаб олган кўнгли бундай ғойибдан келган бахт-висол дамлари мутлақо эркин, малолсиз, ҳадиксиз ва озорсиз ўтишини истайди. Бу дил, руҳ истаги шунчалар нозик, шаффофдирки, ойдин кечада гўё мўъжизавий тарзда пайдо бўладиган турли соя-шарпалар, шуъла ва акс-шуълаларгина эмас, ҳатто ўзларининг соялари ҳам бўлмаса! Бундай ҳуру дориламон хилқатда икки ошуфта, ҳамроз, маҳбуб кўнгил истаганларича розлашсинлар, кўнгил ихтиёрига мутлоқ эрк берсинлар... Бу шоҳбайтда яна икки нозик нуқта бор: биринчидан, ошиқ Навоий учун ўша орзудаги маҳбуби – «тахайюл мулки»нинг яккаю ягона маликаси билан висол мулоқоти лоақал «бир дам»гина бўлса қанийди! Аслида, бундай лаҳзалик васл абадий ҳажр ғоясининг қимматига тенг эмасми? Иккинчидан, бу фидойи зот ўз «дилситони» – кўнгил уйини ёритувчи ёри ёнида бўлар экан, «тун шамъи» – қамар нурига эҳтиёж қоладими? Бу шеърий мантиқ зим-зиё («соя доғи бўлмаган») кеча маъносини моҳиятан инкор қилмайди, аксинча, унга сирли теранлик бағишлайди: ой чиқмаган кеча бағрида маҳбублар дилида ёқилган чироқ янада равшанроқ бўлса не ажаб!..

Қатор ғазалларда васл хаёли туш – рўёда аён бўлган ғаройиб бахт тимсолида ифодаланади. Байт:

Тушта васли бўлса гар худ барча сўнгги уйқудур,
Эй Хизр, ҳайвон суви ичмакка бедор айлама.

Ҳатто уйқу ичида – туш кўриш асносида шунчалар эъзозланган ёр васли, моҳиятда «муҳаббат – абадий» деган эътиқодни улуғлаш тимсолига айланади. Шоир кузатган бу ният ўзининг чуқур драматизми ҳатто трагизми («сўнгги уйқу...») билан муҳаббат ва васл ҳақидаги анъанавий тасаввурлар доирасига сиғмайдиган, эҳтимол, сўфизм фалсафасининг илоҳий ишқ идеали билан боғланадиган ўзгача руҳий дунё ҳақида баҳс очаётгандай таассурот қолдиради. Иккинчи мисранинг мазмуни бу фикрни тасдиқлаши мумкин: маҳбуба билан тушида юз кўришган ошиқ ҳеч ким безовта қилишини истамайди, ҳатто, Хизрнинг «ҳайвон суви» – абадий умр шарбатини ичиришидек – ҳар қандай гуноҳдан холи фариштасифат зотлар орасида камдан-кам толе эгасига муносиб кўрган муруввати ҳам ёрнинг (ҳатто тушдаги!) дийдорисиз маъносини, қадрини йўқотади. Бундай ошиқона эътиқод ва эътимод фақат хаёлнинг гўзал жилваси эмас. Ҳаётда, майли камдан-кам учрасин, чин ошиқ-маъшуқлар муҳаббат аҳд-паймони, васл шарти-лафзини адо этиш йўлида баъзан ўлим хатаридан қўрқмайдилар, бу йўлда жон фидо қиладилар ҳам. Шу тариқа, талмеҳ санъати (афсонавий, тарихий шахслар номи билан боғланган шеърий усул) орқали зийнатланган, маҳбуба тимсолида муҳаббат эътиқодини инсон руҳининг абадиятини улуғловчи теран маъноли лирик образ шаклланади.

Бошқа бир ғазалда туш инкор усулида келиб, бедорлик қийноқлари туфайли ошиқни васл хаёли тарк этгани ҳазин оҳангда ифодаланади. Байт:

Ваҳки эмди тушка ҳам кирмас висолинг, нечаким,
Кўздин андоғким, учар васлинг, ўчубтур уйқу ҳам.

Шоирнинг қаҳрамони – ошиқ кўнглидаги безовталик – ҳажр изтироблари шу даражага етганки, бу ҳол кўнгилнинг кўзгуси – кўзни қоронғилаштирган, шунинг учун «кўз уйи»ни маҳбубанинг хаёлий тимсоли – ғойибона «васли» тарк этган. Навоий тузган бадиий-мантиқий силсила ўзгача ва нозиклиги билан ҳайратга солади: ёр сувратининг кўздан узоқлашиши, табиийки, «уйқуни ўчиради»: аксинча, кўзда фақат хаёлий акси – тимсоли жонланган маҳбуба шавқи, фароғатида беихтиёр равишда кўзлар юмилиши, натижада аввал кутмаган, хаёлга келтирмаган ажаб мулоқот – васлнинг ғаройиб сайру саргузаштлари бир-бир намоён бўлиши мумкин эди (тушда кўпинча ўнгдаги азобларнинг акси юз беради). Начораки, ошиқ кўзлари уйқуни билмагач, маҳбуба «эмди тушка ҳам кирмас»... Ошиқнинг аҳволи бунчалар мушкул бўлмаса: у маҳбубасини на ўнгида – кўз, назар миръотида, на уйқу – туш манзаралари орқали кўра, сирлаша олмаса! Лекин ҳамон ошиқни шу кўйга солган маҳбубанинг, майли, азиз, қадрдон қиёфаси аниқ жилваланмаса ҳам, унинг ўй-хаёли, ҳасратлари кўнгилни тарк этмаса бас («...чиқмасун кўнглумдин озори анинг»). Шу тариқа, таносуб санъатининг ажойиб намунаси (туш, уйқу ташбеҳлари) орқали «мумкини йўқ... васл»нинг жозиб-лирик образи яратилади.

Васл хаёлида ўтган ҳижрон кечасининг дарду ситамлари баъзан шу даражага бориб етадики, ошиқ бу азоблар даҳшатини фақат бедорлик саботи билангина кечириши мумкин. Байт:

Ушбу ҳижрон кечасин туш кўрсам эрди ногиҳон
Ўлгай эрдим ваҳмдин, албатта, заҳрам ёрилиб.

Байтдан фақат шуниси аниққи, Навоийнинг қаҳрамони – балокаш ошиқнинг «ушбу ҳижрон кечаси» бошқа кечаларга асло ўхшамайди. Ажабо! Табиий (ёки илоҳий) қудратнинг мўъжизасини кўрингки, инсон энг мушкул синовларга, жумладан, бахтсиз муҳаббат – васлсиз ҳажрнинг энг қаттиқ азобларига ҳам, фақат ўнгида – бедорлигида бардош берар экан! Борди-ю, бизга, ҳар қалай, тафсилоти қоронғи, ёлғиз ошиқнинг ўзига аён ўша машъум кеча асли қандай ўтган – айнан шу ҳолида тушга киргудай бўлса, унинг «ваҳми» – даҳшатидан фожиа юз бериши муқаррар эди. Навоий халқнинг аччиқ тажрибаси – қаттиқ қўрқиш туфайли ўти («заҳраси») ёрилиб ҳалок бўлиш ҳодисасини туш кўриш жараёнига кўчириш орқали (ирсол ул-масал шеърий усулида) ошиқона кечинмаларнинг ёркин лирик-драматик образини яратади.

Ғазаллардан бирида васл хаёли, иштиёқи халқнинг букилмас ирода рамзини ифодалаган ажойиб нақли асосида камёб лирик лавҳа-образ шаклланади. Байт:

Жаҳдим андоқдур, етишгайманму деб васлига бот,
Ким қабул этмон оғир деб, чиқса эгнимдин қанот.

Соҳир санъаткорниг хаёл парвози лирик қаҳрамон – ошиқ кечинмалари туғёни билан қанчалар уйғунлик, мутаносиблик касб этган! Васл йўли нечоғлик поёнсиз, унинг манзиллари нечоғлик машаққатли бўлмасин (эҳтимол, у ўзига маҳбуб деб илгидан тутиб бўлмас,

висолига етиб, жамолига тўйиб бўлмас бир пари зотига кўнгил боғлагандир) ошиқ – инсоннинг «жаҳди», ирода қудрати, шижоат ва жасорати унинг ўзига, жисмига сиғмаса, не ажаб! Зеро, халқнинг ижодий даҳоси ҳам, буюк шоирларнинг хаёлот дунёси ҳам азалдан сарҳаду ҳудуд билмаган.

Нафақат қанотли тулпорни, учар гиламларни, ҳатто «эгнига қанот» боғлаган одам – Икарни инкишоф этган ҳам инсон тахайюли эмасми? Улуғ шоир хаёли қанчалик юксакликка кўтарилмасин, ҳаётий заминдан ажратилмагани билан ҳайратбахшдир: ошиқ ўзича самовий, илоҳий маъно берган муҳаббат йўлида (гарчанд васлга етишдан кўра етолмаслик эҳтимоли ортиқ бўлса ҳам) шунчалар собит қадам, аҳди устувордирки, агар афсоналардаги ҳол – мўъжиза юз бериб, «эгнида қанот» пайдо бўлган тақдирда ҳам, уни «оғир деб қабул этмаса» сира ажабланманг! Ҳолбуки, мантиқан қанот (рамзий маънодаги турли енгиллик, яқинлик, қулайлик, нажот воситалари)нинг «оғир»лиги сезилмаслиги керак. Шоир буни яхши била туриб, ошиқ-инсон жаҳдининг шиддатига айрича қиммат бериш учун муболағанинг иғроқ; усулини қўллайди – халқона нақл заминида ғаройиб лирик образ яратилади.

Навоий васл онларининг хаёлдаги сувратларини нозик санъат билан нақшлар экан, ўша хаёл азми билан дамо-дам илоҳиёна - «хавос ишқи» (хос, фидойи ошиқлар муҳаббати) аршидан аста дунёвий ҳаётнинг қувонч-ташвишлари масканига нигоҳ ташлайди. Ҳаётий мантиқ тақозоси билан (шубҳасиз, шарқона ҳаё пардасини кўтармасликка интилиб) «ишрат аро», «ёндашиб», «топишиб», «қучишиб», «чирмашиб», «йиғлашиб», «мунграшиб» каби чин севишганлар муҳитига хос сўз-ибораларга маълум ритмик-мусиқий, тасвирий сайқал, тартиб берилади. Байт:

Хуштурур: бир тийра шоми ҳажр ики ёр учрашиб,
Топишиб, бир-бирларини маҳкам қучушиб, йиғлашиб...

«Ҳажр шоми»даги бир «учрашув» манзараси нозик ва фавқулодда рамзу мажозлардан холи бўла туриб, ҳар бир сўзнинг бевосита «автология» усулида (ўз маъносида), нарса ва ҳодисаларнинг «ўз тилида» қўлланиши қанчалик аниқ, ёрқин, жозиб лирик манзарага айланади. Сўнгра, яна ўшандай табиий, ҳаётий, самимий тафсиллар – лавҳалар воситасида жўшқин лирик кечинма, руҳий ҳолат ҳ ақида ҳаққоний образ яратилади. Байт:

Фурқат айёмида ҳар бирининг бошга келганин
Юз туман ҳамдардлиғлар бирла ҳар дам сўзлашиб...

Агар «юз туман» (яъни миллион) иборасини муболағали сўз демасак, (гарчи соғинган ошиқ- маъшуқлар ҳижронда кечган кеча-кундузлар давомида «ҳар бирининг бошиға келганини» бир неча соатда, боринғки, бир кечада айтиб тамом қилолмасалар ҳам, «ҳамдардлиғ» сўзларининг ҳисобига етиб бўлармикин?), бу гал ҳам ғаройиб истиоралар, тимсол – образлар вазифасини оддий сўз – тафсиллар бажаради. Лекин бу предметли – воқеий тасвир орқали қанчалик ҳароратли, пурдард туйғулар, хаёллар табиий таровати, жозибаси билан шеър мисраларига кўчирилади. Навоий баъзан тасвирнинг ҳаётийлиги, ҳаққонийлиги ҳаққи висол мулоқоти дамларига ишрат унсурларидан кам-кам қўшишдан чўчимайди. Байт:

Кимса ёри бирла хуштур ғам дейишиб, мунграшиб,
Ётса гоҳи чирмашиб, ўлтурса гоҳи ёндошиб.

Зоҳиран бизга кутилмаган бир ҳолдай кўринадиган бундай манзара (масалан, «ётса гоҳи чирмашиб»)га шеърий контекст тақозо этган, аввалги байтда ўз аксини топган: «Фурқат айёмида ҳар бирининг бошига келган» ранжу аламлардан «ғам дейишиш, мунграшиш»нинг табиий, тадрижий ҳосиласи сифатида ёндашмоқ керак. Бундай зоҳиран ошкора (лекин ҳаё пардасидаги) тасвирнинг ҳаётий замини яна шундаки, буюк сўз санъаткори «гоҳи» сўзини такроран қўллаб, бир-бировини қаттиқ соғинган, фироқ ташналиги қирғоғидан тошган ошиқ-маъшуқаларнинг икки ҳолатини қайд этади: «ётса гоҳи чирмашиб, ўлтурса гоҳи ёндошиб» (эҳтимол, бу бечора ошиқ-маъшуқалар «ўлтирган»ларида ҳам нафақат ёндошиб ё юзма-юз бўлиб, «ётган»ларида ҳам нафақат чирмашиб ё бўй-бўйлашиб – гоҳ бағридан бўшатиб, гоҳ яна қучиб – ҳар қалай, турфа ҳолатларда яқинлик, меҳрибонлик, эркаланиш, арзланиш-зорланишлар содир бўлгандир). Бироқ не ҳасрат-надоматлар бўлсинки, бундай табиий, ҳаётий манзара улуғ валийсийрат шоирнинг хаёлхонасида кечирилади...

Навоий баъзан «ишрат туни», «малак таслими – шайтон фиреби» ҳақида, эҳтимол, ўз қисматига аччиқ киноя оҳангида ёзишга маълум рағбат, тамойил кўрсатса ҳам («Гаҳи беҳудлугумдин сесканиб тутсам адаб расмин, Белиға чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда»), дунёвий мазмундаги («авом ишқи») васл дамлари хаёлидан ўзининг илоҳий муҳаббат («ишқи ҳақиқат») идеали – эзгу хаёли инъом этадиган руҳий лаззатни устун қўяди. Байт:

Киши висол туни ёри бирла ётқунча
Жамоли шамъиға қилсун назар тонг отқунча.

Гарчи ҳар бир мисра ўзича мустақил ҳолда маълум кайфиятни ифода этса-да (аввалгисида «киши»нинг севгани ё шаръий жуфти халоли билан ишрати табиий бир ҳол сифатида, кейингисида, аксинча, фақат хаёлан кечирилиши мумкин бўлган руҳий фароғат), бундай кескин қиёслаш замирида нафақат Навоийнинг хос ишқий эътиқоди зуҳур этади. Айни пайтда, бу байтдан, биринчи навбатда, чин муҳаббатли, вафоли ва шубҳасиз, руҳий-маънавий бой, ҳаёт зиддиятларини, умр савдосини чуқур идрок қиладиган доно одамларга иложи бўлса, шаҳвоний нафсни мумкин қадар чегаралаш билан муҳаббат умрини заволдан сақлашга валиёна панднома айтилаётгандай бир таассурот қолади.

Баъзан фақат «жамоли шамъига назар қилиш» билан кўнгил тўлмаслиги мумкин. Шундай кезларда хаёл яна дунёвий мазмундаги васл боғи сари бошлайди. Байт:

Не хуш бўлғай иковлон маст бўлсоқ васл боғинда,
Қўлум бўлса анинг бўйнидаю оғзим қулоғинда.

Муҳаббат бодасидан «маст бўлмоқ» ошиқ кўнглида ажаб шавқу иштиёқлар уйғотса, бундан ғойиб куч-раҳбат олиб, унинг қўли ёр «бўйни»га ташланса, не ажаб! Лирик манзаранинг мусаввирона аниқ чизгилари эътиборни тортади: ошиқнинг иккала қўли маҳбуба «бўйни» да бўлиши мумкин эмас. Демак, улар, «эҳтимол, гуллар панасида юзма-юз тургандан кўра, ёнма-ён, бир-бирларининг пинжига кириб ўтирганлари ҳақиқатга яқин; бундай ҳолатда ошиқнинг фақат бир қўли ёр «бўйнида бўлиши» уни юқоридан – елкасидан қучиш маъносинигина англатмайди, балки ошиқнинг нияти – маҳбуба «қулоғи»га айтадиган гапи учун тараддудланиш... Бундай «иковлон маст...васл боғинда» ёр қулоғига жон титроғи, қалб шивири, руҳ сафоси билан айтиладиган сўзларнинг адоғи борми? Ажабо! Улар «васл боғида» танҳо бўлсалар-у, бирининг оғзи бирининг қулоғида, яъни аста, шивирлаб

сўзлаш не ҳожат? Ошиқнинггина эмас, маъшуқанинг кўнгли ҳам шундай сирли-сокин суҳбатни истаса-чи? Аввало, ошиқ сўзларини фақат уларнинг ўзлари, диллари уқсин, қолаверса, муҳаббат розлари сасидан боғдаги турфа чечаклар, гул-дарахтлар, уларнинг шохидаги булбуллар, бошқа паррандаю даррандалар бедор бўлмасин. Муҳими, бу жозиб лирик-интим манзара – лавҳада ошиқ ҳолати аниқ, маҳбубанинг аҳволи руҳияси эса сирли-пинҳоний бўлса-да, уларнинг руҳий дунёсида нималар кечаётганини бир қадар тасаввур қилиш мумкин. Хуллас, бу шоҳбайт таносуб санъатининг дилпазир – кўнгилга оро берувчи намунасидир.

ТЎҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛАТ
«ЗАМОН АҲЛИ»ДАН НОЛАЛАР

Турфа замон аҳлиға биз мубтало,
Ким йўқ алар оллида чиндек бало.

Навоийдек улуғ мартабали давлат, дин ва маданият арбоби, мураббий шоир аҳолининг турфа тоифалари эътиборида бағоят нуфузли, ардоқли зотки – «замон аҳли»дан қаттиқ озор чекиб, нола қилар экан, бу руҳий туғёнда нафақат даврнинг сиёсий, ижтимоий зиддиятлари билан изоҳланадиган, балки сабаби чуқур, эҳтимол, азалий бир қонуният бор (бу, масалан, Бобурдек фотиҳ ва соҳибқирон, улуғ шоир ва мутафаккирни ҳам қаттиқ ранжитган, изтиробли, армонли хаёлларга толдирган жумбоқ эмасми?). Шоҳбайт:

Онча юзсизлик улустин кўрмишам, гар берса даст,
Истарамким, кўрмасам ҳаргиз бани одам юзин.

Байт мазмунидан англашиладики, лирик қаҳрамон сиймосида, асосан, Навоий шахсияти зуҳур этади: у ўзига нисбатан шунчалар адолатсиз, андишасиз муносабатнинг туб сабаблари давр тузум-тартиботи билан боғлиқ эканлигини, чунончи, «жоҳу мол аҳли»га меҳр-шафқат, саховат, мурувват ҳислари бегоналигини бошқалардан кўра яхшироқ англайди. Лекин «онча юзсизлик» нинг биринчи сабабкори ўша маҳдуд, худбин тоифа эканини яхши била туриб, бутун бир халқ – «улус»дан зорланишга, аламнинг зўридан ҳатто «бани одам юзини кўрмасам» дея ортиқ умидсиз, аччиқ оҳангда, узил-кесил ҳукм чиқаришнинг боиси нимада экан? – деган савол туғилади. Бундай қийноқ-маломатли сўроқ замирида то ҳануз шоир аҳли куйиниб ёзаётган, неча аср давомида қон-қонга сингиб кетган ёлғон, риё, ҳасад, ғараз, тамаъ, худпарастлик, бедардлик, андишасизлик, нопоклик каби инсонлик номи ва шаънига иснод келтирадиган, ҳатто истеъдоднинг заволига сабаб бўлувчи аянч ва тубан қилмишлар зуҳур этмайдими («Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида Навоий шахсан Тангри илоҳийдан: «Тавбаи комил ҳидоят айлагил» дея илтижо қилган, ҳар бир яхши кишини йўлдан оздириши мумкин бўлган «нафс шумлиги, шайтон фириби, жаҳл юзқаролиги» каби офатлар бундан мустасно)?.. Бундай нохуш сабабларни Навоийдек покдомон, ўта нозик сажияли, шахсий-оилавий рўшнолик чироғи ёнмаган, эл-улусдан, ҳаётдан, умрдан, ўз-ўзидан – барча-барчасидан фақат меҳру вафо, фақат шафқату мурувват умид қилган, сўраган («бани одам»ни бундай сифатларсиз тасаввур этолмаган, ҳатто: «Одаме – бўлса вафо андин йироқ, Ит – вафо бобида андин яхшироқ» каби кескин ҳукм юритган) беназир зотнинг шах-

сияти билан таққослаб кўрсак,» эҳтимол, бояги мушкул саволнинг жавоби ҳам бир мунча осон бўлар...

Агар юқоридаги мисолда халқнинг рўй-рост самимияти, ошкора тўғрисўзлиги зуҳур этган муқобил иборалар («юзсизлик кўрмишам» – «кўрмасам юзин») тазод усулида, рамзий нисбатларсиз ҳаққоний лирик лавҳа яратса, бошқа бир ғазалда, аксинча, анъанавий тимсол ажралиб туради. Шоҳбайт:

Парим бўлса – учуб қочсам улустин то қанотим бор,
Қанотим куйса учмоқдин – югурсам то ҳаётим бор.

Не ажабки, Навоий қушлар дунёсига хос инстинктга инсон иродасини тамсил қилиш билан ўзи кузатган муддаонинг табиий, ҳаққоний, дардли ифодасига эришади: одатда, одамлар билан «дўст» тутингандай, ҳовли ё чорбоққа уя қурган, саҳар мардондан уйғониб хайрбод қўшиғини бошлайдиган сайроқи қушлар қандайдир фалокат хавфиданми ё шум болалар дастиданми бирдан ошёнини тарк этиши, қаёққадир ғойиб бўлиши мумкин. Лекин ўша безиган қуш тимсоли ҳам шоирнинг қаҳрамони – озурда ҳол ориф (у Навоий шахсига жуда яқин туради) бошига тушган тўзимсиз мушкул вазиятни бутун моҳияти билан очиб беришга ожизлик қиладигандай, гўё «пар», «қанот», «учмоқ» ташбеҳлари шоир кузатган ният ифодаси учун фақат дастлабки замин – жадаллик рамзи вазифасини ўтайди. Чиндан ҳам ошёни бузилган қушнинг хатардан «учиб қочиши» осон. Инсон-чи? Айниқса, Навоий қаҳрамонига етган озору ситамнинг шиддати – ҳаттоки ғойибдан қанот пайдо бўлган тақдирда ҳам, унинг парвозини энг учқур қушлар билан қиёслаб бўлмайдиган фавқулодда суръатни, йўқ, бошқа бир ғойиб нажот йўлини тақозо қилса, не ажаб! Демак, мислсиз тезлик туфайли инсоннинг «қаноти куйиши» муқаррар, бундай ғаройиб мантиқ: «югурсам – то ҳаётим бор» сўзлари учун бадиий заминга айланади. Нақадар пурдард, ҳаққоний туйғулар ифодаси! Шу тариқа ирсол ул-масал санъати билан оро берилган, халқона дардли, айни чоғда исёнкор оҳангдаги лирик-трагик образ яратилади.

Навоий шеъриятида «замон аҳли» дан ададсиз зорланиш, биринчи қарашда, шоирнинг қаҳрамони – ошиқ ё ориф кўнглининг нозиклиги, ҳар қандай ғубору шубҳадан фориғлиги далолатидай туюладиган (чунончи: «Ҳаққи биров хилқатини қилди пок, севмаса нопок эл они – не бок?») байтларга нисбатан ижтимоий дард, унинг сабабияти аён кўриниб турган сатрлар устунлик қилади. Шоҳбайт:

Олам аҳли ичра одам демак ўлмас – ониким,
Жоҳ ила бўлғай анга қонуни атвор ўзгача.

Мартаба, лавозим, мансаб («жоҳ») нардбонининг турли поғоналарини шахсан босиб ўтган, турфа қиёфадаги «жоҳу мол» бандаларини хўб синаб кўрган, вужуди ва руҳи билан валийсийрат бўлган улуғ шоир, мутафаккир инсоннинг бундан зарарли ва хатарлироқ душмани йўқ, деган хулосага келса, не ажаб? Чиндан ҳам бу – ўша мансаб сўзи билан то унинг заволигача бирга яшайдиган ижтимоий офатлардан эмасми?.. Шу маънода шоирнинг тафаккур ва муҳокама қудратига, доҳиёна башорат ҳиссига таҳсин айтмай бўладими: «жоҳ» туфайли инсоннинг оламга ва одамга муносабат тарзи, хулқи, одати, сажияси, ҳаёт фалсафаси – бутун қиёфаси, моҳияти ўзгарар - бошқача «атвор қонуни» билан яшай бошлар экан. Билъакс, кўнглига «халқ ғами», «эл коми» – меҳр, вафо, шафқат, инсоф, диёнат, саховат, му-

рувват туйғуларини жо этган ҳар бир соғлом одам молу мансаб дардидан узоқ бўлади. Бас, кимки «жоҳ»га ружу қилибди, буни ўзи учун хулқ-атвор қонунига айлантирибди – ундай маҳдуд, худписанд шахсни «одам демак» лик на ақл ва мантиққа, на ахлоқу одобга тўғри келади. Қанчалик шафқатсиз, айни пайтда нечоғли одил ҳукм! Навоий бир умр шундай эътимод билан яшагани учун ҳам, ўзининг нисбатан чекланмаган имконият ва имтиёзларига қарамасдан, том маънодаги инсоний меҳрга, вафога зор бўлиб, доимо руҳий, маънавий эҳтиёжлар илинжида изтироблар чекди; алам, армон, ўкинч ҳислари туғёнига дафъи чора топмай, жоҳу молу нафс офати, шайтон ва жаҳл кулфатидан фиғони фалакка чиқиб, ҳаттоки шундай замон ва аҳли замонга қай даражада бўлмасин, дахлдорлик, қисматдошлик учун ўзини жавобгар, гуноҳкор, осию мужрим деб билди, тавбаю тазаррулар қилди... Шу тариқа назири йўқ улуғ шоир, ориф, мураббий – бевосита давр тақозоси, ҳаёт тажрибаси – ҳақиқат сабоғи сифатида бадиий умумлаштирган, «жоҳ – атвор қонуни»га айлангуси деган валиёна хулоса заминида ўз қиммати ва аҳамиятини ҳамиша сақлаб қолувчи теран фалсафий-лирик образ яратилади.

Навоийнинг замон аҳли вафосизлигига муносабати юқоридаги сингари бирдай аёвсиз, кескин бўлиши ҳаёт ва бадиият мантиҳига зид бўлур эди. Шунинг учун шоирнинг мушоҳада, мулоҳаза, ҳукм, хулосалари ҳам ҳаётнинг азалий ва ногаҳоний зиддиятларига, одамларнинг турли тоифасига, мавқеига қараб рангин оҳанглар, қирралар касб этиши ажабланарли эмас. Шоҳбайт:

Эй кўнгул, давр аҳлидин минг йилчилик йўл гўша тут
Ё алардин етса юз минг ғусса, афғон айлама.

Бир-биридан мушкул қисмат йўлидан биттасини танлаш. «Минг йилчилик йўл»нинг сўнгги манзилидан «гўша тутиш»... Анъанавий муболағанинг иғроқ усулида юритилган, реалистик тафаккур меъёрига сиғмайдиган бундай ғаройиб мушоҳада, фазовий хаёлнинг бадиий-мантиқий замини қаерда? Биринчи замин ориф тимсолидаги улуғ шоирнинг озурда кўнгли... Навоийдек буюк дардкаш, одамларга дарддош сиймонинг ҳассос кўнгли бундай хаёлий масофа ва манзилдан нажот тиласа, не ажаб! Иккинчи асос – давр аҳлидан «етган ғусса» – жафою ситамнинг, айниқса, Навоий шахсияти, «бахти уйқучи» қисмати учун фавқулодда таъсири, шафқатсиз моҳияти, фожеъ оқибати... Дарҳақиқат, улуғ гуманистнинг башарий орзу-умидлари, эзгу мақсадлари зиддига – олий мукофот ўрнига энг қаттол жазо тарзида қилинган хиёнату вафосизликлар, қаллоблик ва риёкорликлар, турфа хил адоват ва «юзсизлик» лар олдида... сўфиёна ғойиб бир «гўша тутиш» – узлат хаёли нима деган гап! Иккинчи мисранинг ҳасрат тўла мазмунида тасаввуфона ҳол – сабр либосидаги руҳият, илтижо зуҳур этганки, бунинг шарҳи ҳам биринчи мисра таҳлилидан кам бўлмаслигига шубҳа йўқ.

Яна бир ғазалда тўзимсиз ғам-алам таскини учун май тимсол ўрнида келади, лекин бу ҳаёт ва нажот, кўнгил ва руҳ эҳтиёжи рамзига айланади. Байт:

Навоий, май бирла кўнглумга ўт солким, замон аҳли
Совуғлуқ онча қилмишларки, кўнглумни совутмишлар.

Бу гал «замон аҳли»дан зорланиш – ижтимоий дарднинг маъно юки иккинчи мисрага тушади; тазод санъати заминига қурилган («ўт» тимсоли билан муқобил) «совуқлик»,

«совутмишлар» ташбеҳлари, айниқса, мазкур байт мансуб бўлган ғазал контекстида олиб таҳлил қилганда кўпқиррали маъно касб этади: бу – «замон аҳли», аниқроғи, унинг табиатан «меҳру вафо»дан узоқ тоифаси («Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо. Бас, менга меҳру вафо – мол ила жоҳ») – ноинсоф, нокасларнинг турмуш тарзига, тириклик воситасига, балким юқорида зикр этилганидек, «атвор қонуни»га айланган турфа ёмонликлар («онча совуғлуқ»)нинг мужассам ифодаси. Бу мажозий умумлашмада «совуҳлуқ» унсурининг қанчаси бевосита шоир шахсига дахлдор, қанчаси билвосита, «барчанинг дарди» сифатида унинг жисму жонини қақшатган – бунинг нисбатини ҳеч ким айтолмаса ҳам – ҳар ҳолда, бизга таниш мукаррам сиймо, изларини кўзга тўтиё қилса арзийдиган табаррук умр, илоҳий қалам – ижодий даҳо орқали лоақал умумий тарзда тасаввур қилиш мумкинки, Навоий, «кўнглини совутмиш» дард-ҳасратлар музини эритиб юборишга қодир оташ табиатдан, жамиятдан топилмаган (эҳтимол, бу фақат Тангри илоҳий тасарруфидаги муқаддас ўтдир). Шундай қилиб, биринчи мисра («май бирла кўнглимга ўт сол...») гўё анъанага муносиб эҳтиром рамзига айланади, моҳиятда бу – ҳамиша меҳр ўтига муҳтож инсонга дардли бир навозиш – марҳамат, илтифот изҳорига айланади.

Навоийда май, қадаҳ, соқий, майхона образлари, асосан, ҳаёт нашидаси, ёшлик баҳори, муҳаббат шавқи – лаззати (баъзан тасаввуф фалсафаси яратган илоҳий фароғат) каби мастона, шайдолик кечинмалари, хаёллари рамзидир, деган талқин, биринчи қарашда гўё реал ҳаётдан узоқ, ҳайриихтиёрий бир тамойилдек туюлиши мумкин. Ҳолбуки, май, айниқса, рубобий (лирик) шеъриятда тўла маънодаги бадиий рамз эканини илмий асослаш қийин эмас (афсуски, бу борада айтилган самимий, бамаъни фикрлар умумий характерда бўлиб, далиллаш унсури етишмайди). Бунинг учун май тимсолининг шартли-кўчма маънода қўлланиш анъанасини бошқа рамзий нисбатлар билан қиёслаб кўрса бўлади. Чунончи, маҳбубанинг ҳусни, нозу истиғною ғамзалари тасвирида асли реал ҳаётдан олинган зулм, бедодлик, хунхор, ғоратгар, шоҳ, божу ҳирож, қон, қотил, жаллод, ханжар, қилич, ўқ ва ҳоказолар; ошиқнинг ранж-аламлари, ҳасратлари изҳорида эса мазлум, қул, гадо, асир, бечора, телба, ит, зиндон, кулба, вайрона каби шикастаҳол тушунчалар шеърий ташбиҳ, тимсол сифатида қайта ишланиб, ҳар гал бетакрор лирик лавҳаларга «кўчар» экан (ғайриилмий синфий-социологик таҳлил тарафдорлари нуқтайи назарига зид ҳолда), санаб ўтилган ҳар бир тафсил, муқояса фақат сўзнинг бадиий-образли сеҳр-жозибаси учун хизмат қилиши кўзда тутилади. Шунингдек, исломга, тасаввуфга, умуман, илоҳиётга тамсил қилинган ташбеҳлар ҳам гўё атеистлар тушунганидек, номарғуб – динни фош қилувчи маънода эмас, аксинча, муҳаббат дунёсини сифатлаш ва улуғлашда энг мўътабар, муқаддас ва энг таъсирчан восита-нисбат вазифасини ўташга даъват қилинган. Май тимсолига анъанавий муносабат усулини ҳам боданинг табиий хусусияти – инсон ҳиссиётига, аҳвол-руҳиясига, ҳатто хаёлот кучига кўрсатиши мумкин бўлган фавқулодда таъсир жараёнини шартли-рамзий маънода шеъриятга «кўчириш» натижаси – гўё мўъжизакор-илҳомбахш, сирли-ғаройиб бир қудрат воситаси тарзида англамоқ ва талқин этмоқ керак. Токи реал боданинг мастона-раҳбатбахш аломатлари, тирик майхўр – бодапарастнинг эркин-ҳур, ҳеч нарсадан қўрқмас, ҳайиқмас, исёнкор ҳолати, риндона фалсафаси, ўзи ишонган «дини» – эътиқоди мусаввирона ўткир нигоҳ, мутрибона нозик уқув, орифона тафаккур ва шоирона эҳтирос – қалб идроки билан аниқ сувратланмас экан, бадиий мантиқ, шеърий ҳақиқат билан лирик образ бутунлигига, рангинлиги ва бетакрорлигига эришиш қийин бўлур эди. Бас, Навоийдек хилқати пок, комил ва солим мусулмон – пири аъзамнинг табаррук салафлар анъанасига қуллуқ қилиб: «бода келган уйга қайғу келмади» дейишини гўё ҳаётдаги ғам-ғуссалардан қочиб, чин, комил инсонлик ҳаққи, нажот қидиришнинг ягона воситаси, энг мақбул ва матлуб усул си-

фатида талқин қилса бўлади (бу инсон табиатидаги риндона эрк, ҳурфикрлилик, шодмон, руҳафзо кайфият ифодаси учун ҳам табиий ва жозибали мезондир). Шоҳбайт:

Эй Навоий, қайғу тоғин май била дафъ айлаким,
Яхшироқ тоғ остида қолмоққи, қайғу остида.

Биринчи қарашда ташбеҳли воситалари, нисбатлаш усуллари оддий бўлиб кўринган бу байт, айниқса, Навоийдек беназир шоир, улуғ инсон шахсиятига алоқадор ҳазин-мунгли оҳанги билан беихтиёр ўйга толдиради (улуғ шоирлар шахсияти уларнинг лирик қаҳрамони дунёсида белгиловчи, салмоқли ўрин тутишини унутмаслик керак). Навоий нечун бу қадим дунёнинг ғам-андуҳларини бунчалар ўзига олиб, оғир кечирар экан («Йўқ ажаб, гар барчанинг дардича бўлса менда дард»?) Ўзининг улуғ мақому мартабасига қарамай, ғуссаларга, шунчалар мислсиз миқёс, ўлчовсиз салмоқ (чунончи, «қайғу тоғи» каби) беришининг турли сабабларини бошқа бир байт шарҳида ҳам айтиб ўтиб эдик. Лекин «бечоранинг дарди» га дарддош шоир қатор-қатор шеърларида, хусусан, терма байтларида ҳудудсиз озору ситамларни ҳар гал ўзгача кўлам ва шиддат, ўзгача нисбат, ташбеҳ, тафсилларда ифодалайди, аниқроғи, уларга янгидан ранг, ўт, жон, руҳ бағишлайди, бадиий сайқал беради. «Қайғу тоғи»... Қанчалик салмоқдор ва мунгли рамзий образ! «Яхшироқ тоғ остида қолмоқ»чи? Албатта, бу реалистик наср мантиғига зид ҳол. Лекин шеъриятга хос фавқулодда бадиий мантиқ тақозосига кўра ва муболаға санъатининг иғроқ усули талаби билан ёндашганда, бу – «қайғу остида қолгандан яхшироқ»... Шу тариқа «қайғу тоғи»нинг бутун даҳшати, фожиаси аён бўлади... Уни даф этадиган куч бормикин? Наинки, боданинг «ақл бошини айлантирар» жодули-мастона кайфияти, унинг муваққат-алдамчи фурсати инсонга нажоткор бўлолса!.. Майнинг шеър санъатига кўчган, яъни ғам-ғуссани маълум муддат давомида унутишдек таскинли – рамзий маъноси мазкур байтда оригинал қиёсий-лирик лавҳада очиб берилган.

Замон ва аҳли замон тўғрисидаги терма байтларда Навоийнинг қаҳрамони ориф, мутафаккир, шоир қиёфасида бедодлик, инсофсизлик, қаллоблик, вафосизлик каби бутун касорати ва касофати шахснинг ўзига ҳам, эл-улусга ҳам тенг урадиган ижтимоий офатларни ҳеч кимни, ҳеч нарсани юз-хотир қилмасдан, аёвсиз ифшо этади. Шоирнинг фавқулодда кескин, муросасиз сатрлари ортиқ чидаб бўлмас алам, озор овози, кечириб бўлмас адолатсизликка, маънавий разолатга қарши иймон ҳукми, инсоф-диёнат ҳайқириғи сифатида туғилганлиги аён сезилиб туради. Шоҳбайт:

Турфа замон аҳлига биз мубтало,
Ким йўқ алар оллида чиндек бало!

Ёлғоннинг турфа кўринишлари ва усулларидан парҳез қилмайдиган турли тоифадаги одамлар, биринчи галда, «жоҳу мол аҳли» Навоийни асло хушламаганлари сабабини, зимдан қанчалик ғараз, кин, адоват, ҳасад сақлаганлари (ошкор олишувга ботинолмаганлар), қанчалик иғво, бўҳтон, маломат тарқатганлари боисини шу биргина байтдан сезиб олиш мумкин – Навоийнинг ҳақгўйлиги уларни даҳшатга солганига шубҳа йўқ. Исфаҳон қиличининг дамидай кескир, оловнинг тилидай шафқатсиз, қаҳратон совуғидай қақшатувчи, момақалдироқ ва чақмоқдек шиддаткор бу сўзлар темурийзодалар обод қилган Хуросон, унинг юраги – Ҳирот аҳлига ҳам дахлдор эканлиги анча-мунча маърифатли ақлни шошириб қўймайдими? Ахир, Навоий фақат «жоҳу мол аҳли» ҳақида гапираётгани йўқ-ку. Аччиқ

ҳақиқат сўзи «замон аҳли» ҳақида! Ёки бу анъанавий шеърий муболаға усулими? Бунисига яна ишонгимиз келмайди. Иложсиз ўйга толамиз. Хаёл асрлар довонидан ошиб бизнинг ҳақиқатга ташна замонни ўрлаб келади. Эҳтимол, Навоий бизнинг не-не эзгу умидлар, ҳурриятнинг қутлуғ режалари, идеаллари хомхаёлга, рўёга айланган, тарихда мисли кўрилмаган бегуноҳ қурбонлар эвазига, барча маданий обидаларнинг заволи ҳисобига тикланган, алданган, ҳақоратланган давронимизни олисдан башорат қилгандир. Ҳа, шоир сўзлари фақат маълум тоифа «нокасу ножинс авлоди», қаллоблар, мунофиқ ҳиёнаткорлар ҳақидагина айтилган бўлса, шуурни, тафаккурни, хотиротни бунчалар қийноққа солмас эди... Замон аҳли устида «дили поку тили пок, ўзи поку сўзи пок» шоир шунчалар шафқатсиз ҳукм чиқариши том маънодаги ижодий ва инсоний жасоратдир. Ҳақиқий жасорат фақат қудратли ва устувор заминда туғилиши мумкин. Илло, ҳар бир журъаткор сўз ва аъмолнинг ортидан масъулият ҳаками таъқиб этади. О, Навоий куйиниб қаламга олган чинлик – ҳақиқатнинг шафқатсиз қисмати! Наҳотки одамлар сендан ёв балосидан қўрққандай қўрқсалар-у, ёлғон билан аҳилу иноқ бўлиб, ошно тутиниб яшасалар, у билан ҳимоялансалар, ҳатто, унга сажда қилсалар... Хуллас, улуғ ҳақпараст ва адолатпаноҳ шоирнинг муросасиз ҳақиқат сўзлари унинг ўзи кундуз кунлари кўриб билган, тунлари бедор хаёллар изтиробида кечирганлари, турли синовлардан ўтказганлари – аччиқ таассуротларнинг умумлашма – рамзий ифодаси сифатида Навоий шеъриятининг гуманистик моҳияти ҳақидаги тасаввуримизни бойитади.

«Эл коми» билан нафас олган улуғ шоирнинг ҳаётдан, «замон аҳли»дан олган аччиқ ҳақиқат сабоқлари унинг тафаккурига, дунёқарашига ҳам қаттиқ таъсир кўрсатади. Шоҳбайт:

Мурувват рангию инсоф иси кўз тутмагил элдин,
Бу рангу бўйлуқ гул йўқ чу олам гулситонинда.

Бутун ҳаёти, ижтимоий фаолияти, ижодий даҳоси инсонни золимлар зулми, фосиҳлар маломати, бетавфиқ-диёнатсизларнинг хўрлик ва ҳақоратидан, молпараст, шаҳватпарастларнинг талонидан, турли тоифадаги баднафс, нопок ва нокасларнинг офатларидан қўриқлаш ва ҳимоялашга сарф этилган фидойи зот «эл» шаънига қарата юз-хотирсиз сўзлар айтса (беихтиёр аввал шарҳлаб ўтилган байт хаёлдан кечади:«Онча юзсизлик улустин кўрмишам, гар берса даст, Истарамким кўрмасам ҳаргиз бани одам юзин»)... Янада нажотсиз фожеъ ҳол иккинчи мисрада ифодаланган фавқулодда фалсафий ҳукм: «Бу рангу бўйлуқ гул» ҳали олам боғида кўкарган эмас. Наҳотки!.. Ахир, мурувватли, инсоф-тавфиқли одамлар, гарчи камдан-кам бўлса-да ҳаётда учраб туради-ку. Тарих (шу жумладан, дин ва тасаввуф тарихи) ҳам бундай табаррук шахслар яшаб ўтганидан гувоҳлик беради. Навоийнинг ўзи «Мажолис ун-нафоис» асарида камоли эҳтиром билан тилга олган, шунингдек, махсус шеърий ва насрий ёднома асарларда номини улуғлаган Лутфий, Жомий, Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Шайхим Суҳайлий, Мир Дарвеш, Мирзабек, Нури Саид, Қамбар Али каби фазлу камолда якто замондошлар, айниқса, улуғ салафлар орасидан ортиқ эътиқод қўйгани – бир неча комилу солим зот (чунончи, Ҳиротдаги даҳмасию унинг қаршисидаги масжиди жомени таъмирлашга Навоий шахсан бош бўлган Хожа Абдулло Ансорий) инсоний мурувват ва инсофнинг мужассам тимсоллари эмасмиди? Навоийнинг ўзи-чи? Беҳзод, Хондамир, Маҳмуд Музаҳҳиб каби истеъдодли, садоқатли шогирдлари-чи? Демак, «Бу рангу бўйлуқ гул йўқ чу олам гулситонинда» сатрини бамисоли маҳбубнинг «ҳуснию нози», ошиқнинг «ишқи-ю ниёзи», «фано» билан «бақо», «мажоз» билан «ҳақиқат» нисба-

ти ёки Навоий қаҳрамонининг майга марғуб муносабати каби мутлоқ шартли-рамзий бир усул намунаси, шеърият санъатига хос муболағали мажозий бир лавҳа сифатида изоҳлашдан бошқа имкон, чора йўқдай туюлади... Дарҳақиқат, шундай, яъни бу наср мантиқи эмас, шеър мантиқи. Шеърда имконга сиғмас ҳодиса ва ҳолатдан гўзал имконият яратса бўлади. Айниқса, Навоий тахайюли яратган фавқулодда теран, нафис, сирли-сеҳрли образлар шундан далолат беради. Лекин, барибир, улуғ жафокаш, ҳақгўй шоирнинг мазкур байти кишини ўйга толдиради. «Наинки...» сабабини билолмай, моҳиятига етолмай қийналамиз, иккиланамиз. Эҳтимол, бу Навоий шахсияти билан, унинг ҳаётга, одамларга ортиқ даражада катта, юқори талаблар қўйиши, улардан ўзи хаёл қилганича жуда кўп нарсани кутгани, истагани – руҳий, маънавий эҳтиёжларининг реал воқелик имкониятларига сиғмас илоҳий кўлам, илоҳий маъно касб этганидандир. Шу боисдан ҳам улусдан етган озорни кўнглига шунчалар қаттиқ олгандир...

Шоҳбайт:

Давр зулм айлару давр аҳлию давр офати ҳам,
Неча золимга асир ўлғуси мазлум кўнгул.

Ҳаётда оддий заҳматкаш, мўмин-қобил, ҳалол-пок одамга муносабатда турли даражадаги мансабдор шахслар, турли тоифадаги тамагир, диёнатсиз кимсалар ноҳақлик, адолатсизлик, юзсизлик қилиши мумкин. Чунки у ҳимоясиз, сабрли, кечиримли, андишали. Ҳалигилар, аксинча, номард, раҳмсиз, андишасиз. Шу тариқа бир бечоранинг қисмати бир неча «золим» ўртасида талонда, саргардон, маҳкум аҳволда қолади. «Неча золим» образига ҳаётдан яна бошқа тамсиллар келтириш мумкин. Энг кучли, салмоқли, ҳаққоний нисбат-образларни Навоий келтирган: «давр зулми» (адолатсиз сиёсат), «давр аҳли» зулми (одамларнинг виждонсизлик, қаллоблик йўлига кириши), «давр офати» (адолатсиз сиёсат ва одамларнинг маънавий разолати оқибатида содир бўлган жиноятлар, тангликлар, мушкулликлар, шўру ғавғолар). Хуллас, шоир қаҳрамони – ориф кўнгли анча-мунча золимларга эмас, энг даҳшатли, шафқатсиз, бирор нажот умид қилиб бўлмайдиган қаттол, кўзи кўр, қулоғи кар, тили лол машъум зулмкорларга «асир бўлган». Унинг фожеъ ҳолига фақат Тангридан раҳм-шафқат кутиш мумкин. Шундай қилиб Навоий уч ташбеҳ уйғунлигидан («давр», «давр аҳли», «давр офати») таносуб, икки параллел ташбеҳлар муқобиллигидан («зулм», «золим» «мазлум», «асир») тазод санъатлари воситасида ғоят ҳаққоний лирик-трагик лавҳа яратади.

ЎНИНЧИ МАҚОЛАТ
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ШЕЪРИЙ НИСБАТИ

Эрур чун олам узра жоҳ – фоний, яхши от боқий.
Бас, эл комин раво айла – ўзингни комрон кўргач.

Навоий шоҳбайтларидаги ўзаро муқобиллик, тафовут, мунозара қутбларини ҳар доим ҳам одатий-диалектик меъёрларга тушириб, сиғдириб бўлмайди. Азалий ё ногаҳоний характердаги турли ҳаётий тўқнашувлар, марғуб ва номарғуб мазмундаги фалсафий, ғоявий-маънавий, ахлоқий, ижодий (эстетик), қарашлар, тамойиллар зиддияти, шунингдек, зиддият аломатлари, тафовут қирралари яширинган, сирли тус олган, мураккаб руҳий-психологик ҳолатлар, жараёнлар, мунозара-мубоҳасали фикрлар, хаёллар, иккиланиш-иштибоҳ руҳидаги ҳукмлар, баҳолар – булар гўё ўзаро рақобатга киришгандай... Ҳатто бир киши – Навоийнинг лирик қаҳрамони – ошиқ, ориф, қаландар, ринд ё шоирнинг фақат ўзигагина хос, шахсий нуқтайи назарида, эътиқодида, хулқ-атвори – сажиясида, руҳияти ва кайфиятида бир-бирига зид аломатлар кўзга ташланади. Бугина эмас, ўзаро тафовутли, рақобатли хусусиятлар шундай нозик, жозиб-ғаройиб маъно касб этадики, уларнинг қай бири марғуб бу қай бири номарғуб эканлигини дастлаб ажратиб олиш мушкулотга айланади; ҳатто шундай ажаб ҳайратбахш кайфият туғилиши мумкин: матлуб ва марғуб эканлиги шубҳа туғдирмаса ҳам, нечундир кўнгил уни хушламаслиги, рад қилиши ва аксинча, нохуш ва хатарли оқибати аёну равшан бўлган қисмат билан кутилмаганда дўст тутиниши ажабланарли ҳол эмас. Хуллас, Навоий оламни табиий ва ногаҳоний, муваққат ва доимий (мажозий ва ҳақиқий), ҳаётбахш ва фожеъ зиддиятларнинг чуқур сабабий бирлигидан иборат деб билган, лекин уни иккиланиш, иштибоҳ туйғулари, сабабияти, моҳияти номаълум хаёллар бир умр таъқиб этган. Унинг валиёна хаёлидаги комил ва ожиз, фариштасифат ва осий инсон бу мураккаб ва зиддиятли, зоҳиран осойишта, руҳан суронли оламнинг марказида туради, гўёки Тангри илоҳий турли зиддиятларни инсоннинг сабру саботига, заковат ва иродасига синов мезони сифатида яратган... Навоий бундан қочиш ношукурлик деган эътимодга амал қ илиб, бу борада ўзи мислсиз намуна – жасорат кўрсатиб яшади. Шоҳбайт:

Яхши-ямондин барий эрмас жаҳон,
Лекин ямон – зоҳиру яхши – ниҳон.

Улуғ мутафаккир шоир «жаҳон», унинг зиддиятлари ҳақида бунчалар аниқ ва мухтасар, орифона осойишталигу пинҳоний дард самари бўлган мисраларни яратгунча ҳаётнинг қанча синовларини бошидан кечирмаган, айниқса, дўст деб билган, яхшилигини аямаган, меҳр-вафо кўрсатган одамлардан не ранж-озорлар топмаган, не жабру жафолар кўрмаган («Басе, иссиқ-совуқ кўрдум жаҳонда, Басе, аччиқ-чучук тотдим замонда»!) Демак, мазкур байт бевосита дардли-эҳтиросли кечинмалар инъикоси бўлган бошқа байтлардан фарқланиб турса ҳам (ҳар бир ғазал, шу жумладан, байтнинг туғилиши ўз қонуниятига эга), оқилона унсурлардан шаклланган фалсафий моҳияти билан эмоционал-кечинма образлар қаторида қадрланиши мумкин. Зеро, дунё яхши-ёмондан холи эмас, деган аччиқ ҳақиқатни оддий одамлар – авом халқ айтиши бошқа, эл-улусга раҳнамолик қилган, адолатпаноҳ, фуқаропарвар арбоб, улуғ мураббий шоирнинг айтгани бошқа. Шу маънода Навоийнинг тутилмаган, бетакрор лирик образлардан фарқ қилувчи, гўё оддий ҳикматомиз таъбирла-

ри (мантиқий тафаккур намуналари) ўйчан кайфият туғдириши мумкин. Иккинчи мисра ҳам ақл-заковат унсурлари билан йўғрилган бўлса-да, унинг руҳида, моҳиятида буюк жафокаш қалб изтироблари яширинганини фаҳмлаб олиш қийин эмас; «Лекин ямон – зоҳиру яхши – ниҳон». Бас, яширин дард-алам сабабини билиш учун қийноқли саволлар туғилиши табиий: нега ёмонлик кўзга ташланишдан чўчимайди, қилмишидан пушаймон бўлмайди, ошкора таҳдид, тазйиқ, зўравонлик, юзсизлик қилади?

Билъакс, яхшилик ўзининг барча хайр-саховатли, меҳр-шафқатли, босавоб ва беминнат ишлари, беназир сифатлари, хосиятларига қарамай, хоксору шикасталик билан назардан яширинади? Балким, бунда бошқа бир сабаб бордир? «Ямон – зоҳир» эканлиги одамларни ҳушёрликка даъват этиш рамзидир. «Яхши – ниҳон» нақлида яхшиликни чуқурроқ идрок этиш ва эъзозлаш маъноси бордир. Хуллас, Навоий тазод шеърий усули орқали халқ фалсафий тафаккурининг азалий меъёрларидан «яхши-ямон» муқобилини янгича талқин қилади, шу заминда ўзгача оқилона-рубобий лавҳа яратади.

Навоий шоҳбайтларида «яхши-ямон» муқобил тимсоли воситасида чизилган лирик лавҳалар, манзаралар, фалсафий-лирик образлар оз эмас. Улар нафақат сўз-ташбеҳ, сўз-образнинг илк бор халқнинг ўзи кашф қилган маъно қирраларига шеърий жило, бадиий сайқал беради, айни чоғда ва энг муҳими, шоир қаҳрамони ошиқ ё ориф дунёсига хос зиддиятлар ҳақиқатини таҳқиқ қилади, кенг маънода, Навоийнинг инсоний ва ижодий тақдири билан боғлиқ фавқулодда нозик, теран драматизм ва трагизмни инкишоф этади. Байт:

Ўтқа солдинг сабру ақлу жону кўнглум – барчасин,
Йўқу борим куйдуриб, яхши-ямоним ўртадинг.

Ҳажрнинг адоқсиз дарду ҳасратларини изҳор этишнинг фақат Навоий қаламига хос ифода силсиласидаги «яхши-ямоним» тимсолида ошкор зиддиятлар қутби сезилмайди, балки ундан фалсафий-лирик умумлашма – ошиқ шоир ва фидойи инсоннинг бадиий бутун, комил ва солим образи яратилади. Бу – муҳаббатнинг илоҳий ўтида куйиб ўртанган ошиқ Навоийнинг «йўқу бори, яхши-ямони»; бу – фақат унинг қисматига битилган, бошқа бировнинг тақдири билан қиёслаб бўлмайдиган эзгу тушунчалар («сабру ақлу жону кўнгул – барчаси»); бу – Навоийнинг ҳам реал, ҳаётий (дунёвий-мажозий, демак, муваққат –фоний), ҳам илоҳий (ҳақиқий, боқий) олами, яъни моддий – жисмоний ва маънавий – руҳий дунёнинг битта улуғ жафокаш, покдомон, фидойи инсон сиймосида мужассамланган шеърий тимсоли. Мана, ўзининг ички-сирли зиддиятидан қатъи назар, бутун, муштарак маъно касб этган «яхши-ямоним» тимсоли – образининг янги характери, фалсафий моҳияти... Бу пурдард лирик лавҳани энди тазод эмас, балки таносуб санъатининг оригинал намунаси деса бўлади.

Баъзан «яхши-ямон» ташбеҳи шеърий лутф, гўзал киноя орқали маҳбуба тимсолида муҳаббат оламини васф этиш воситасига айланади. Байт:

Даҳр аро яхши-ямон ичра басе қилдим назар,
Дилбаримдин яхши йўқ, андоқки – йўқ мендин ямон.

Улуғ ишқ куйчиси, ўз қаҳрамони – ошиқ кўнглида туғён қилган соғинч ҳисларини, васл армонларини қандай изҳор қилиш йўлини тополмай, муболағанинг ғаройиб бир усули – ифрот санъатидан фойдаланади: жаҳоннинг («даҳр аро») барча яхшию ёмон одамларини

бирма-бир назардан кечиришдек ақл ва мантиқ имкониятларига сиғдириб бўлмас ғаройиб жумбоқни муҳаббат ҳаққи, фақат ошиқона ёки қаландарона самовий тахайюл воситасида ечиш чораси топилади, бу мўъжиз нисбат иккинчи мисра мазмунида очилади: «Дилбаримдин яхши йўқ, андоққи – йўқ мендин ямон». Анъанавий зиддият андозасига солиб бўлмайдиган бу гўзал «рақобат» – нисбатда маҳбуба васфида муҳаббат дунёсига, инсон гўзаллигига юксак қиммат беришдан ортиқ мақсад бўлмаса керак. Шу маънода «йўқ мендин ямон» сўзлари ҳам гўё ошиқнинг ўз-ўзини ҳаддан зиёд хоксору гуноҳкор қилиб кўрсатиши орқали ошиқлик қисмати дунёнинг барча маломату ҳақоратларига дош беришига қодир мислсиз руҳий қудрат эканини муболағали-рамзий ифодалаш намунасидир. Шу тариқа, Навоий «яхши- ямон» муқобил нисбатининг ўзгача бадиий талқини орқали, тазод санъати воситасида янги лирик-муно- зарали образ яратади.

Яна бир шеърда «мен – ёмон, сен – яхши» каби чуқур киноявий-рамзий нисбат усулида муҳим бир муаммо – улуспарварлик ғояси тараннум этилади. Байт:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл.

Бир қарашда анъанавий панднома усулининг яхши намунаси каби туюладиган мазкур байтда адолат неъматларидан баҳрасиз, меҳр-шафқатга муҳтож одамлар («навосиз улус»-га нисбатан олижаноб ва олийҳиммат бўлишга даъват ўзига хос мусиқий жозиба, сўз оҳанрабоси – фасоҳати билан ифодаланадики, уруҳий ҳолат, кечинма образлари маҳсули бўлган байтлардай шавқ билан ўқилади, уқилади. Зеро, буюк гуманист шоир ўзининг олий мақсади – умр комронлиги деб билган инсонга меҳр-шафқат ва улус ғами ғоясини «навосиз – наво- бахш», «ямон – яхши» муқобил нисбатларининг яна бир шеърий талқини, ўзгача қирраси орқали очиб беришга муваффақ бўлган, аниқроғи, Навоий ўзининг шоир, ориф, эҳтимол, бирор арбоб тимсолидаги суҳбатдоши (рафиқи ёки рақиби) олдига жиддий талаб қўяди: агар навосиз улус билан муносабатда Навоий ўз номига, шаънига муносиб даражага кўтарилмаган (бунда «навосиз» ва «Навоий» сўзларининг ўзаро маъно нисбатига ишора йўқ эмас), муносиб яхшилик қилмаган бўлса, сен ўз яхшиликларинг билан шундай намуна кўрсатгинки, у (Навоий) ўз «ямон» лиги нимада эканини, том маънодаги яхшилик – «улусга навобахш бўлиш» нинг афзалликларини англаб олсин... Шу тариқа, «ямон» кутилмаган тарзда «яхши» нинг баҳо мезонига айланади, кейингисининг янги маъно қирралари кашф этилади, бундан ўзгача характердаги лирик образ шаклланади.

Навоий «яхши-ямон» муқобил тимсол-образини бунчалар рангин шеърий қирраларда очиш сабабини қуйидаги шоҳбайт орқали англаб олиш мумкин:

Навоий, фақр ойинида инсоф илгари тутсанг,
Ўзунгни бил ямон, лекин бу сўзни яхши бил боре.

Воажаб! Бу фоний дунёда фақат бечораҳол, фақир, шикастадил кишилар «ўзни ямон билмоқ»дек маломатдан қўрқмайдилар, сабаби, бундай хоксор гуноҳкорлик ҳисси унинг иймон-эътиқодини таҳқирламайди, аксинча, руҳини поклайди, демак, ўша ғарибу бенаволаргина «бу сўзни яхши» деб билмоққа ҳақлидирлар. Валийсифат шоирнинг ориф, қаландар тимсолидаги қаҳрамони (моҳиятда у Навоий шахсига яқин туради) жамиятда тутган ўрни, мавқеидан қатъи назар, «фақр ойинида инсоф»ни иккала дунё – тириклик ва абадият учун бирдан-бир тўғри йўл – ҳидоят шарти деб билади.

Шу тарзда «яхши-ямон» тушунчаси замиридаги кескин ижтимоий тафовут чегараси йўқолади, улар юқорида шарҳлаб ўтилган «йўқу борим, яхши-ямоним» каби инсонлик, шоирлик, мураббийлик, мутафаккир ва адолатпарвар арбоблик қисматининг умумлашма рамзига айланади.

Қатор шоҳбайтларда оламнинг зиддиятлари нисбати бошқа муқобил ташбеҳлар билан алмашади. Байт:

Ҳаққи биров хилқатини қилди пок,
Севмаса нопок эл они – не бок?

«Хилқати пок биров» билан «нопок эл» орасидаги зиддият зоҳиран «яхши ва ёмон» тафовутини эслатиб турса ҳам, моҳиятда аввалгиси мутлақо барқарор характерга эга (чунончи, шоирнинг қаҳрамони «мен ямон» дейишидан манзур ва марғуб маънони ҳам англаш мумкин, лекин у ҳеч қачон «мен нопок» демайди ёки бу ижобий маънода қўлланмайди). Демак, Навоий наздида «поклик» дахлсиз, маъсуму мукаррам бир хилқат бўлса, «нопоклик», аксинча, дунёда йўқ «андин ямон, андин ямон». Бас, қийноқли саволлар туғилади: нега энди зиддиятлар қутбининг ўша дахлсиз шаффоф томони фақат «биров» ташбеҳи билан, иккинчиси «эл» сўзи билан боғланган? Наҳотки, пок одамлар ғоят даражада камлиги ва нопоклар ҳаддан зиёд кўп эканлиги ҳақиқат бўлса? Пок зотларнинг бошига тушган кулфатлар, фожиалар сабаби ўша «кўпчилик» иродаси билан боғлиқ эмасмикин? Мантиқан иккинчи мисра мазмуни ва шарҳига эҳтиёж туғилади: «Севмаса нопок эл они – не бок?» Ҳатто биргина пок одам бутун бир «нопок эл», тинчлигини бузиши, саросимага солиши мумкин. Илло, унинг мавжудлиги – «Ҳақ» (Худо) ва ҳақиқат рамзи ёлғоннинг, риёнинг офати. Демак, Навоий бошқа бир байтда қайд этган «нафс, шайтон, жаҳл» домига тушган, ундан ўлгунча қутула олмайдиган «нопок эл» балким поклик қисматига чексиз ҳасад ва ғараз сақлаганидан уни «севмас», эҳтимол, «севмас»лиги сабабини ўзи ҳам билмас, билишни истамас... Шундай қилиб «пок-нопок» муқобил нисбати воситасида Навоий бир умр муқаддас деб билган, иймон-эътиқод даражасида улуғлаган эзгу хаёлини ҳайратомиз мухтасар ва бутун лавҳа-образ қатига жойлайди.

Қатор ғазалларда «вайрон» – «обод» муқобиллик нисбати орқали нафис, жозиб лавҳа-образ шаклланади. Байт:

Гарчи сабрим уйи янглиғ айладинг вайрон мени,
Доимо, ё Рабки, ҳуснунг мулкидек обод бўл.

Навоий хаёл ичида хаёл тимсоли, лавҳа ичида бошқа миниатюр манзара, кўнгил ойнасида ўзгача рамзий образ яратиш бобида тенги йўқ санъаткорлардан. Шундай сирли тасвир жараёни биринчи мисрада акс этган: «...сабрим уйи янглиғ айладинг вайрон мени». «Вайрон» образи бир вақтнинг ўзида ҳам «сабр уйи»га, ҳам «мен»га нисбат берилиши бадиий сўз, шеърий образ имкониятларидан ижодий фойдаланишнинг ажойиб намунасидир. «Мени вайрон айладинг» деган ҳазин-мунгли лавҳада шоирнинг қаҳрамони – ошиқнинг ўзлиги, кўнгли, жони, руҳияти – бутун ҳаёти, қисмати сўзнинг мўъжизакор қудрати туфайли тажассум этган; «сабр» – инсон қалбига эмас, ақл оламига дохил ташбеҳ, демак, «мен» билан боғлиқ ҳиссий-руҳий демак, «мен» билан боғлиқ ҳиссий-руҳий дунёнинг вайронлиги анча муқаддам қулаган «сабр уйи»нинг қисматига қиёс этилади. Лекин қизиғи шундаки, сабру сабот ва ўзлигу руҳият иморатининг вайрон бўлганидан ошиқ ҳасрат – надоматлар

чекиш ўрнига илоҳий қудратдан маҳбубанинг «ҳусни» ҳаққига улуғ тилаклар тилайди: «Доимо, ё Рабки, ҳуснунг мулкидек обод бўл». Бундай жафодийда фидойилик, шикастаҳол ёлбориш – мужриммона муножот – фақат ва фақат ошиқлик қисматига хосдир, бу уни зарра таҳқир этмайди, аксинча, боз улуғлайди.

Баъзан «мен», «вайрон» нисбатлари қайтарилгандай бўлади, аслида, бутунлай ўзгача-жозиб лирик манзара чизилади. Байт:

Урма ҳиммат лофини, олдингда бу тоқий сипеҳр,
Фақр кўйинда агар ўз ганжи вайронингча бор.

Бу ғоят мунгли-ҳазин лирик лавҳада бошқа қатор байтларга хос туйғу ва хаёлнинг самовий кенгликлари, руҳият теранликлари сезилмайди. Аксинча, муваққат, дунёвий ҳаёт – умр йўлининг бир манзили «фақр кўйи» – кўчаси бўлса, шоирнинг қаҳрамони – бечораҳол, васл қувончидан умидсиз, ғариб ошиқ ёки шоир-қаландар шу фақру фано маҳалласида истиқомат қилади, йўқ, унинг моддий-жуғрофий маънодаги уйи эмас, балки руҳият гўшаси – ўзлик вайронаси («ўз ганжи вайрони») тасвир объектига айланади. Фақирлик кўчасидаги инсон ўзлигининг рамзий уйи «ганжи вайрон» деб таърифланиши (қадимий ривоятга кўра вайроналар остида ганж сақланиб қолгани учун ҳам аждаҳонинг ватани – вайрона эмиш) ҳазин-фожеъ мазмуни билан ҳаққонийдир: тасаввуф фалсафасида ишқи илоҳий йўлида фидойи шоир-қаландар, жоҳу мол, нафсу фароғат юкидан фориғ бўлган девонавор ориф-донишмандниng кўнгил уйи вайронага ўхшаши, айни чоғда, бу вайрона ўз бағрида маънавий ганж – валийлар маърифати хазинасини сақлаши ҳақида турли – реалистик ва романтик-мажозий ҳикоялар мавжуд. Навоий қаламининг сеҳри шундаки, фақирлик кўчаси, ғариблик уйи ҳақида ёза туриб, муқояса учун фалак гумбазидан фойдаланади: «олдингда бу тоқий сипеҳр... ганжи вайронингча бор». Бундай нисбатлаш усули шоир кузатган мақсадни жозибадор, фазовий образ-манзара орқали ифодалаш учун таъминот беради.

Табиий, турли ғазалда шеърий зиддият қутби ўзгаради – янги ташбеҳлар билан алмашади. Шоҳбайт:

Бизнинг афсонамиздин нукта сўрманг, эй хирад аҳли,
Нединким бу жунун фасли туганмас можаро айлаб.

Муҳаббат «афсонаси» (бошқа байтларда қўлланган «ҳикоят», «достон» ташбеҳларининг ифода миқёси кичиклик қилган бўлса не ажаб!) «жунун фасли»га муқояса этилиши бадиий мантиқ нуқтайи назаридан қанчалик асосли, жозибали, ҳаққоний... Афсонанинг сюжети интиҳо топиши мумкин, лекин унинг хаёллар, образлар дунёсини чегаралаб бўладими? Шунингдек, табиат фасли ҳам макон, масофа, ранглар, оҳанглар эътибори билан қанчалик поёнсиз бўлиб кўринмасин, унинг ҳудуди вақт билан чегараланиши мумкин. «Жунун фасли»-чи? У йилнинг турли фаслларини, умуман, вақт ўлчовини, табиат ва ижтимоий ҳаётдаги бошқа меъёрларни тан олмайди; фақат руҳий-ҳиссий дунёнинг чексизликлари, теранликлари унинг эрк-ихтиёрига, туғёнларига бир қадар мувофиқ келиши мумкин. Би- ринчи мисрадаги: «нукта сўрманг, эй хирад аҳли» сўзларидан кузатилган теран ва мўътабар маънилар («нукта», «хирад»)нинг ожиз қолиши ёки иккинчи мисрадаги: «туганмас можаро айлаб» нақлидан англашилган туйғулар шиддати муҳаббат отлиғ буюк, сирли-сеҳрли қисматнинг маъно-моҳияти ҳақидаги маълум тасаввуримизни, шубҳасиз, бойитади, чуқурлаштиради.

Ниҳоят, яна бир ғазалда ислом ва тасаввуф фалсафасининг фано – бақо («фоний», «боқий») тимсолларини бадиий идрок этиш натижаси сифатида Навоий шеъриятининг асосларидан бири – «эл коми» ғоясини бутун, ёрқин ва мухтасар ифодалаган пурмаъно образ-лавҳа яратилади. Шоҳбайт:

Эрур чун олам узра жоҳ - фоний, яхши от – боқий,
Бас, эл комин раво айла, ўзингни комрон кўргач.

Ёруғ дунёнинг ўзи каби «жоҳ» (кичик мансабдан то подшоликкача) инсон учун фоний эканлиги ақл-ҳушини йўқотмаган ҳар бир киши учун сирли жумбоқ ё ажабланарли ҳол эмас. Аммо сабабият ва моҳиятидан «ақл боши айланур» бу кўҳна «олам узра», айниқса, меҳру вафо умид қилиб бўлмайдиган замондан, замон аҳлидан етган устма-уст озору ситамлар шароитида «яхши от» қолдиришдек фавқулодда жасоратни фақат Тангрининг Ўзидан, Унинг лутфу карамидан кутиш мумкин... Шу маънода «яхши от» нисбий тушунча эмасмикин? Яхшилик ва эзгулик, ҳақиқат ва адолат йўлида сарфланган меҳнатлари эвазига ортиқ жабру жафолар кўрган Навоий («Йўқ ажаб гар барчанинг дардича бўлса менда дард») «яхши от бокий» лигига комил ишонч – эътимод билан яшаганининг сири нимада экан? Буюк жафокаш шоирнинг кўпчилик шеърларидан бундай мушкул саволларга жавоб топиш осон эмас. Аксинча, яхшилик, вафо сўзларига бамисоли «ишқ ояти», «кўнгил ҳадиси» каби рамзий – илоҳий маъно берган Навоий уларнинг ҳаётдаги мисоли – бирор жилосини, нишонасини тополмаганидан надомат чекади: «Оҳким, аҳбобдин ҳар кимга айлаб минг вафо, топмадим яхши ўзумга мен ямон мингдин бирин» – бу байтдаги «яхши-ямон» муқобил тимсоллари замирида қанча пинҳоний дард, алам, армон, киноя, ҳасрат оҳанглари бор! Ёки: «Замона аҳлиға гар юз қуёшча кўргузубсен меҳр, Вафо зинҳорким бир зарра чоғлиғ эътимод этма» – бу байтдаги «юз қуёшча» билан «бир зарра» нисбати нафақат анъанавий иғроқ усули, балки бу қаршилантириш санъати (тазод) моҳиятида Навоий хаёл қилган «меҳр-вафо»нинг фақат арзу само меъёрлари билан ўлчанадиган (дунёвий мезонларга сиғмас) илоҳий маъносию «замон аҳли» назарида заррачалик қадри йўқ, деган алам-ўкинч зуҳур этган. Лекин жамият ва давлат ҳаётида, фан (илоҳий ва дунёвий илмлар) ва маданият, жумладан, бадиий ижод соҳаларида тутган улуғ мартаба ва нуфузидан қатъий назар, расулона фақирлигу ҳақирлик хислатини зиёд билган Навоий давр зиддиятларидан юқори турди; замонлар, авлодлар синовидан ўтган: «Ҳақиқат эгилса ҳам, синмайди», «Яхшидан от қолур, ёмондан дод», «Яхшилик ўлмайди», «Яхши дўст ёмон кунда билинади» каби ҳикматлар ҳаққи-ҳурмати «халқ ғами», «эл коми»ни ўйлади, «улусга навобахш»лик қилди; энг мушкул дамларда яна халқ тафаккури сабоқларидан, ислом ва тасаввуф таълимотидан руҳий мадад олди («Халқдин ҳар ярамас келса, хуш улким, Ҳақга Деса бўлмас: «Менинг учун яна бир халқ ярот»). Шундай қилиб, иккинчи мисра шарҳи учун бадиий-мантиқий замин ҳозирланди дейиш мумкин: «Бас, эл комин раво айла, ўзингни комрон кўргач». Бу фоний дунёдан яхши от қолдириб ўтишнинг бирдан-бир ишончли, яъни вақт синовларига дош бера оладиган омили бўлмиш «эл коми» ибораси – икки «сўз лавҳи» (Навоий таъбири)га битилган миниатюр шеърий образ ғазал контекстида ўз шакл-шамойилига (зоҳирига) нисбатан кенг, чуқур маъноларни англатишига шак-шубҳа йўқ. Ўз элининг коми – мурод-мақсуди, орзу-истаклари, умид-армонлари... Бундай қадрдон, муборак туйғуни идрок этишнинг ўзи хайрли қадам. Бу лавҳа-образ, унга «раво айла» бирикмаси қўшилса, кенг маънода она халқнинг моддий, маънавий, руҳий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш йўли-

да камарбасталик, дарддошлик, фидойилик туйғуларини ҳайратомиз тарзда умумлаштириб ифодалайди. Ниҳоят, «комрон» ташбеҳи байт мазмунига аниқ ҳаётийлик, ҳаққонийлик бағишлайди (Навоий – ўз олдига аниқ бир мақсад қўймаган, бу йўлда чинакам «ғайрат ва ҳиммат» кўрсатмаган, «нотамом ва хом» одам эли дардига дарддош бўлишига, одамлар мушкулини осон, ҳожатини равон қилишига ишонмайди).

ЎН БИРИНЧИ МАҚОЛАТ
ТУРМУШ ТАФСИЛЛАРИ

Басе, ашк оқиздинг, эй кўз, бас этким,
Йиқилмасун устингга вайрона ногаҳ.

Табиатдан, самовотдан сайлаб олиб яратилган, сайқалланган шеърий тимсол ва рамузот, истиора ва мажозлардан фарқли равишда ижтимоий ҳаёт, маиший турмушнинг турли соҳаларига оид ажойиб фактлар, беихтиёр ўзига тортувчи тафсилотлар шеър яратиш жараёнида, образли тафаккур қонунларига биноан махсус сўз-образларга, воқеийлирик лавҳаларга, жонли, ҳаққоний тимсолларга айланиши мумкин. Давр воқелиги – давр аҳлининг ҳаёти, тижорати, касб-кори, иш жараёни, ўзаро муносабатлари, турфа муаммолари, қувончлари, дардлари; кечмиш воқелик: турли одатлар, анъаналар, турли обидалар, тарихий сабоқлар, тажрибалар, саргузаштлар, фан ва маданиятнинг тарих, фалсафа, этнография, тиббиёт, фалакиёт, ижтимоиёт, ҳуқуқ, мантиқ, кимё, шунингдек, хаттотлик, наққошлик, мусаввирлик, меъморлик, мусиқа, бозингарлик (қизиқчилик), китобат каби соҳалари... Ана шундай махсус тафсилотлар, маълумотлар, ахборотлар – воқелик нисбатлари анъанавий ташбеҳлар – рамзлар, мажоз ва истиоралар билан гўё «рақобат» қилади – ўзгача ҳаётий воситаларга айланади. Навоий ана шундай турмуш тафсилларидан гоҳ бевосита фойдаланади, гоҳ уларга рамзий-мажозий маъно, қиёфа беради. Шоҳбайт:

Тажалли истасанг ул юздин, ўртабон жисминг
Кули била кўнгул ойинасин жило қила кўр.

Навоийнинг лирик қаҳрамони – ошиқ маҳбубининг дардию ёди билан яшар экан («Дардимга хаёлини табиб эт... Ёдини ҳаётим эт, илоҳий»), хаёлдаги ўша моҳрўй («ул юз») фақат кўнгилда жилоланиши – «тажалли» этиши мумкин. Бас, ошиқнинг «кўнгил ойинаси» оламни аниқ ва тиниқ кўрсатмоғи учун унинг фавқулодда жасорати – ўз «жисмини ўрташи» лозим бўлади. Илло, кўнгил кўзгуси (у оддий кўзгулардан эмас) фақат шайдо «жисм кули била» равшанлик касб этса, не ажаб? Шу тариқа реал имконият доирасидан ташқари бир ҳолдан, фақат шеъриятнинг ғаройиб мантиқи яратиши мумкин бўлган жозибали лирик лавҳа-образ шаклланади. Энг муҳими, соҳир сўз санъаткори ҳунар аҳли кўзгуга жило беришда фойдаланадиган кимёвий усулга шеърий сайқал бериш билан мусулмон Шарқида кенг тарқалган (жумладан, Навоий эътимод билдирган нақшбандия оқими ўзлаштирган) тажаллиёт – илоҳий қудратнинг табиат ва инсонда инъикос этиши фалсафасига ўзининг марғуб муносабатини намоён қилади.

Навоий ғазалларидан бирида табиий офат ва вайрона фонида ғоятда ҳаққоний, нафис манзара чизади. Байт:

Басе, ашк оқиздинг, эй кўз, бас этким,
Йиқилмасун устингга вайрона ногаҳ.

Баъзан ҳаётда шундай бўладики, ортиқ даражада ишдан зўриқиш ё вазмин юк, аниқроғи, эски девор ё вайрона тагига сув кетиши хатарли оқибатга олиб келиши, фалокат аксарият кишининг ўз айби билан содир бўлиши, яъни «вайрона (ўзининг) устига йиқилиши» мумкин. Навоий мана шундай таҳликали – нохуш ҳодиса хавфини муҳаббат савдоси – ҳижрон ёшлари селоби билан қиёслайди, қиёслаганда ҳам жуда чиройли, ҳаётий мажоз яратади – руҳий манзара чизади: бетўхтов йиғлаган кўз гўё ўзи тўккан беҳисоб ёшлар туфайли мадори қуриган ва нажот истаб вайронага кириб қолган жафокаш ошиқ рамзига айланади («инсонийлашади»). Шуниси янада ажаброққи, ўша вайрона... ошиқнинг озурда, шикаста жисми бўлиб чиқади. Шеъриятнинг рамзий-истиоравий образлар силсиласида, эҳтимол, учратилмаган ҳол! Шу тариқа вайрона-жисмнинг ўз «устига йиқилиши»(!) каби «ақл боши айланур» ифода усули орқали сўз фасоҳати имкониятлари чексизлигидан далолат берувчи бетакрор лирик лавҳа яратилади.

Яна бир ғазалда «ашк» (кўз ёши) ёмғир-жалага, ошиқнинг кўнгли йўл бўйидаги «вайрона»га тамсил этилади. Лекин бу муқоясадан қандай жозиб лавҳа яратилади! Байт:

Кўзда ашкимдин қочиб кирди хаёли кўнглима,
Кўп ёғиндин йўлда эл вайрона қилғондек паноҳ.

Айниқса, от-уловсиз, юпун йўловчиларнинг қаттиқ ёғиндан қочиб, вайронадан... нажот қидириши (содда ва аччиқ ҳақиқати билан таниш кечмиш асрларнинг йўлларига хос мунгли манзара!..) ошиқона хаёл тимсоли – маҳбуба сувратига муқояса этилиши чиндан ҳам нафис эмасми: «Кўзда ашкимдин қочиб, кирди хаёли кўнглима». Ошиқ Навоий тасаввуридаги лоларуҳнинг кўздан кўнгилга ўтган хаёли... Йиғлаётган аламдийда кўзнинг ёмғирли йўл манзарасига хоксору шикаста кўнгилнинг кўп ёғиндан тўкилай-тўкилай деб турган вайронага тамсил этилиши шеърий лутф сўз назокатию ҳазин маъноси билан қанчалик ҳаққоний, табиий лирик-драматик лавҳалар... Хаёл тимсолининг зоҳирдан ботинга (кўздан кўнгилга) ўтиши-чи!.. Шундай қилиб Навоийнинг бизга бошқа шоҳбайтлардан таниш қаҳрамонлари – ошиқ ва унинг маҳбуби бу гал бутун ўзгача ҳолат, ўзгача қиёфада (мувозана санъати – параллелизм усулида) намоён бўладилар. Яна бир ғазалда «йўл» ташбеҳи шаҳар маҳаллаларининг туташ кўчаларидан бири фонига айланади. Байт:

Ҳар бепоён йўлин қатъ айламак душвор эрур,
Заъфдин менким юрурмен қўл таяб деворга.

Муҳаббат йўлидек узун, «бепоён йўл» бўлмаса керак. Унинг пурзиё, шукуҳли ва уқубату изтиробли ҳар бир манзилини босиб ўтиш (“қатъ айламак”)да ҳолсизлик, мажолсизликдан («заъфдин») охири «деворга қўл таяб» бўлса-да, илгарилаб боришдан ўзга чора йўқ. Ҳаётдаги, ҳар қалай, таниш манзара: кўча-кўйдами, эҳтимол, хонадондами юриб турган кишининг баногоҳ мадори қуриб, кўзи тиниб, боши айланиб, деворга ё бошқа бирон нарсага суянган ҳолида то ўзига келгунча туриб қолиши, сўнгра йиқилмаслик учун деворни (ё бошқа бирон нарсани) ушлаб маълум масофани ўтиши мумкин. Навоий мана шундай қисқа муддатли турмуш ҳодисасини мадорсиз, хастаҳол ошиқнинг ёр кўйи бўйлаб юриб

боришида гўё давомли ва ягона таянч воситаси сифатида таърифлайди: «Заъфдин менким юрурмен қўл тааб деворга». Бундай шеърий лутф – муболаға усулига байт мазмуни – ошиқнинг «заъф» ҳолати ҳам, санъат, бадиият мантиқи ҳам етарли асос беради.

Ғазаллардан бирида ишқ қисматининг бепоён йўли «саҳро» – «водий» ташбеҳлари яратган ғаройиб манзара орқали чизилади. Байт:

Эй Навоий, ишқ саҳросида гар қўйдунг қадам,
То нечуклагайсен ул поёни йўқ водий била?

Реал турмушда йўлини йўқотган (сўзнинг туб ва кўчма маъноларида), сарсон-саргардон бўлган гумроҳларгина эмас, оқиллар, зукколар озми? Лекин бораётган йўлидан адашиб кетишнинг асрлар давомида синалган, анъанага айланган, асосли манба-нисбати «саҳро» ва «водий»дир (классик шеъриятимизда, жумладан, мазкур шоҳбайтда «водий» ташбеҳи ҳозир биз тушунгандан анча кенг, аниқроғи, «саҳро» билан деярли синоним маънода талқин қилинади). Албатта, инсон ҳақиқий саҳро ва водийнинг «поёни йўқ» йўллари танобини тортишга ҳам муваффақ бўлар. Лекин «ишқ саҳроси»нинг поёнини ким била олади? Балким абадият йўли деганлари ўзи шудирки, то дард аҳли бу сирли-сеҳрли ва уқубатли йўлга «қадам қўйибди», унда адашиб қолмаслик учун нима қилади, қандай илож топади – буни фақат ўзи билади, тўғрироғи, чин ошиқ бундай ваҳмдан, иштибоҳдан узоқ. Шунга қарамай, буюк санъаткор ўзининг қаҳрамони – ошиқ Навоий олдига қийноқли савол қўяди: «То нечуклагайсен ул поёни йўқ водий била?» Хуллас, табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисалари заминида муҳаббатнинг «поёни йўқ» руҳий-маънавий оламини улуғловчи лирик образ-манзара яратилади.

Не ажабки, табиатдаги мўъжаз-митти жонзотлардан бири воситасида шундай нозик кузатиш, ингичка хаёл самари бўлган шеърий лавҳа чизиш мумкин экан. Байт:

Навоий, ёр лаълида учуқтурки, йўқса ёпишти
Чибиннинг парридин бир пора қўнғон чоғда бол узра.

Маиший турмушда камдан-кам одам (ҳатто жузъий нарсаларга ҳам қизиқиб, ҳайратланиб қарайдиган болалар бундан мустасно) эътибор берадиган бир минитюр манзара... маҳбуба лабидаги «учуқ» тасвири учун бирдан-бир аниқ, тиниқ нисбат – муқояса сифатида танланиши қанчалик нозик шеърий мушоҳада далолати! Бу нафис тамсил усулининг жозиба сири фақат зоҳирий ўхшашликда, чунончи, лабдаги анча қайта бошлаган учуқ (янги чиққани қирмизи рангда бўлади) чивин қанотининг бир қати – парчасига қиёс қилинишидагина эмас, айни чоғда «чибин қўнғон бол» маҳбуба лабининг лаззатбахш аломатига айни матлуб ва манзур ташбеҳдир. Қолаверса, мазкур байтдаги ифода жозибаси шоир истифода этган «чибиннинг парридин бир пора» бирикмаси билан таъмин этиладики, бу турмушдан танлаб олинган тафсилнинг маъно-мантиқига мувофиқ ва муносиб шакл – тасвирий восита кашф қилиш санъатидир. Шу тариқа Навоий бу гал ҳам мувозана (параллелизм) усули орқали шеъриятга хос образли тафаккур қудрати, махсус нуктадон мушоҳада тарзи нималарга қодир эканини аён кўрсатади.

Яна бир ғазалда Ҳинд мулкидан (эҳтимол, бошқа иссиқ мамлакатлардан) келган афсунгарлар санъати шеърий нисбат сифатида олинади. Байт:

Сочинг савдосидин айтур паришон сўзларим бордур,
Фусунгар санъат айларда йилонға қилғон афсундек.

«Сочинг савдоси» – ёруғ дунёдаги энг гўзал ва энг фожеъ қисмат бўлмиш муҳаббатнинг мазкур байт мазмуни ва шеърий мантиқ тақозо қилган рамзий ифодаси, яъни анъанавий тамсил учун сайлаб олинган ҳодиса – илон афсунига мувофиқ ижодий қайта ишланган ташбеҳлаш усулидир. Чунончи, бошқа байтларда маҳбуба лаби ёки жони тасвирида Масиҳ, Хизр; кўнгил тасвирида баҳр, гавҳар, ғунча; кўз ёки рухсор тасвирида анжум, ой, қуёш шеърий рамзларга айлангани (бадиий мантиқ шуни тақозо қилади) сингари бу гал соч таърифида илон ва унинг ҳаракат-ҳолатига мувофиқ «паришон сўзлар», ошиқнинг аҳвол-руҳиясига афсунгарнинг сажияси шеърий нисбат сифатида келиши ажабланарли ҳол эмас. Хуллас, Навоий табиат ҳаёти ва ижтимоий турмушнинг барча соҳалари, қатламлари, уларнинг ташқи-зоҳирий ва руҳий-ботиний аломатларини кўнгил кўзи билан кузатгани, қалб қулоғи билан тинглаганидан шаҳодат берувчи шоҳбайтлар шеърий образ яратишнинг юксак намунасидир. Бошқа бир ғазалда Шарқ воқелиги ва тарихининг ўзига хос рамзи бўлган карвонлар ҳаётидан кичик бир лавҳа-тафсил воситасида ошиқ ҳасратлари ифодаланади: Байт:

Ақлу сабру ҳуш йитиб, кўнглумда қолди доғлар
Корвон кўчса, қолур ўтлар ери манзил аро.

Ажабо! Ошиқ «кўнглида – қолган доғлар» ишқ йўлидаги беомон тўқнашув – олишувларнинг фожеъ асорати бўлса-я? Кўнгил майдони – жанггоҳида бир-бирлари билан мухолиф жабҳаларида турган қандай кучлар экан? Навоий бу мислсиз маънавий-руҳий курашнинг фақат бир жабҳасини – «йитган (йўқ бўлган) ақлу сабру ҳуш»нинг фожеъ оқибатини тилга олади. Демак, мантиқан нариги муқобил жабҳада Ишқ, Қалб, Руҳ инсонликнинг ақл-зако, сабр-сабот, эс-ҳуш каби иймон-эътиқод, мангу ном асоси бўлган муқаддас ақидалари билан узоқ давом этган аёвсиз муҳораба қилганлар, ўзлари катта жароҳату талофат кўрсалар-да, мухолифлари устидан ғолиб келганлар, жанг майдонида уларнинг ҳам муборак қони тўкилган, асорати қолган…

Эҳтимол, бу мантиқ унчалик аниқ эмасдир ёки муболағаси бордир. Лекин шуниси ҳақиқатки, муҳаббат чекиниш ё таслим бўлиш нималигини билмайди, у жисман маҳв этилса, руҳан яшайверади...

Ишқ қисматининг ортиқ азоб-уқубатли, лекин ўлмас ғояси иккинчи мисра мазмунига хос ҳаётий тафсил орқали ўзининг ёрқин ифодасини топади: «Корвон кўчса, қолур ўтлар ери манзил аро». Шундай қилиб Навоий кўнгилдаги «доғлар» ва карвон қўниб ўтган манзилдаги «ўтлар ери» ташбеҳлари, шунингдек, зиддиятнинг фақат бир қутби ошкор (ақлу сабру ҳуш), иккинчи қутби яширин (ишқ, қалб, руҳ) рамзлари орқали таносуб ва тазод санъатлари билан музайян этилган лирик лавҳа-образ яратади.

Ғазаллардан бирида «ўт» – «дуд» ҳодисалари бадиий тафсил сифатида келиб, ошиқнинг озурда қиёфасини чизиш воситасига айланади. Байт:

Танимни ишқ асири айладинг, манъ этма оҳимни,
Чу қил ўт ичра тушти – дуд бўлмоқдин эмас чора.

Шеър санъатининг ҳайратбахш аломати шундаки, лирик кечинмани табиат ё жамият ҳаётидаги бирор ҳодисага қиёс этиш усули қанчалик юксак дид, нозик сўз туйғуси билан, бадиият нуқтайи назаридан қанчалик иқтидор, маҳорат билан ижро қилинади – мана шу

санъат жиҳати – том маънода образли тафаккур, бетакрор-индивидуал мушоҳада тарзи асосий меъёр, ҳақиқат ва бадиийлик мезонига айланмоғи керак. Шу жиҳатдан юқоридаги шоҳбайтдаги образлилик унсурлари сўз назокати ва фасоҳати заминида яратилгани билан эътиборни тортади: ошиқ жисмининг ишқ туфайли кечирилган азоблар оқибатида гўё қил ҳолига келиши, ўтга тушган қилнинг бошқа бирор нарсага ўхшамайдиган тўлғониб-буралиб ёниш манзараси... «Ишқ асирига айланган тан» изтироблари ҳароратидан чекилган оҳлар бамисоли тутундай кўтарилиши, «ўт ичра тушган қил дуд бўлиб» таралиши – табиат ҳодисаси билан инсон-ошиқ кечинмаларининг ўзаро уйғун ва мутаносиблиги анъанавий таносуб санъатига бадиий-мантиқий асос бўлиб хизмат қилади.

Баъзан ҳаётдаги, биринчи қарашда, таҳқиромиз ҳодисалардан, масалан, «девона» ва унинг ачинарли, аянч қиёфаси ошиқ аҳволига тамсил қилиб олинади. Байт:

Ҳушсиз жонким ёшурмиш жисми ғампарвардни,
Мутлақ ул девонадектурким ёпибтур гард ани.

Зоҳиран ошиқнинг ҳажр азоблари шиддатидан ҳушини йўқотиши (жонсиздай кўриниши) унинг жисми қанчалик ғамзада ва пажмурда эканини, қандай азоблар чекканини яшириши мумкин, бу бамисоли девона шахсини, унинг инсоний моҳиятини беркитиб турган, чанг-гард билан қопланган кийим-бошию кир-чир юз-қўлларини эслатади. Эҳтимол, чуқурроқ разм солиб кўрганда, шоир муқоясаларида тасаввуф шеъриятига хос рамзий маъно йўқ эмасдир: илло, ҳушсиз жон – девонага (ёруғ дунё ҳузур-ҳаловатидан этак силтаган ҳурфикр дарвеш, валий одамга), жисм эса фонийлик рамзи – гард- тупроққа қиёс этилиши бежиз эмасдай; шунингдек, «ёшурмиш», «ёпибтур» ташбеҳлари ҳам мазкур фикрни тасдиқ этаётгандай, яъни оламнинг, жумладан, инсон руҳининг боқийлиги муваққат унсурларда – «жисм» ва «гард»да яширинган, деган фалсафий таълимотнинг қатра ифодасидай таассурот қолдириши мумкин... Хуллас, бу шоҳбайтда ҳам таносуб ва мувозана санъатлари воситасида бадиий умумлашма-лирик образлар мухтасар шаклда тартиб берилган. Яна бир ғазалда «ҳушсиз жон» гўё уйқу ҳодисаси билан жой, вазифа алмашгандай. Байт:

Ўлганимдин сўнгра келди сўрғали дардимни ёр
Уйқу, кўрким бошима етиб қуёш, уйғонмадим.

Табаррук умрининг ҳар бир қутлуғ тонгини ғофиллик ва гумроҳликдан мутлақо холи, тоат-ибодат, эл-улус ташвишида Тангри илоҳийга саною муножотлар ва шеърий илҳом инъомлари билан ўтказган буюк шоир, эҳтимол, ўз вақтида ороми бузилган ё қаттиқ толиққан одамнинг қуёш анча кўтарилиб, офтоб ҳарорати қизита бошлаганда (айни ёз кунлари) ҳам очилмаган уйқуси мисолида кутилмаган тарзда ларзакор лирик-трагик лавҳа яратади. Лекин бу фожеъ мазмундаги образ ўзининг гўзал фалсафаси, гўзал бадиий мантиқи билан пок инсоннинг, пок эътиқоднинг ўлмас руҳий тимсоли даражасига кўтарилади: қаттиқ уйқуга кетган ошиқнинг «бошига етиб» унинг бутун вужудини ўз нурлари ҳарорати билан уйғотишга жазм қилиб уйғотолмаган қуёш – маҳбуба ва унинг рухсоридир, лекин у Масиҳ каби ҳатто абадий уйқуга кетган ошиқи шайдосини агар нури-ҳарорати билан иложини топмаса, жон бағишловчи нафаси билан уйғотиши мумкин. Демак, биринчи мисранинг киноя, таъна, умид, алам аралаш ҳазинлиги билан навобахш мазмуни («ўлганимдин сўнгра келди...») моҳиятда ўша бепарво маҳбубани, унинг тимсолида муҳаббат қисматининг ҳам мунгли, ҳам сўнмас руҳини улуғлайди.

Шундай қилиб «ўлим» – «уйқу», «ёр» – «қуёш» тимсоллари орқали таносуб санъатининг рангин ва жозиб намунаси – ҳаётий ҳодиса (тонгдаги қаттиқ уйқу) воситасида тароватли шеърий образ яратилади.

Табиатнинг мўъжиз ҳодисаларидан бири – товуш («ун») дунёда энг севимли ва азиз кишининг бир умр хаёлдан, хотирдан кўтарилмайдиган рамзий сиймоси даражасида аниқ, ёрқин ифодаланган яна бир шоҳбайт:

Унунгни бир эшитибмен, валек йиллардур –
Ки йўқ дамеки, қулоғимга келмагай ул ун.

Ошиқ шахсидан – унинг комил ва солим инсон эканидан далолат берувчи хотирот туйғусининг рамзи. Айни замонда муҳаббатнинг бахтсиз қисмати – «васли мумкуни йўқ» ҳажр соғинчлари, еру кўкка сиғмас ҳасратлари сабабкори бўлган, хаёлдай олису бир нафас бўлсин («йўқ дамеки») кўнгилдан нари кетмас маҳбубнинг қутлуғ – муборак тимсоли... Ҳа, шоҳбайтдаги биргина «ун» образи Навоий бир умр хаёл қилган иккала қаҳрамон – ошиқ ва маъшуқа дунёсини улуғлашга қодир, мўъжиз, ҳаққоний ҳодиса, табиийлиги билан ноёб кашфиётдир. Бу сирли-сеҳрли сатрларнинг биринчи асосий қаҳрамони Навоийнинг ўзи бўлса ҳам ажаб эмаски, айниқса, «бир эшитибмен», «йиллардур» сўзлари кишини беихтиёр ўйга толдиради, ички-ботиний баҳсга тортади, қийноқли саволлар қўзғотади...

Ва ниҳоят, бир ғазалда тарози, палла («каффа»), юк, мисқол каби турмуш, тижорат тафсиллари воситасида «ҳажр ғами» ҳасратларидан янги, тутилмаган лирик лавҳа яратилади. Байт:

Каффадур гардун, ғами ҳажрим юкини чексалар
Арз журми ул тарозу ичра бир мисқол экан.

Не ажабки, ошиқ Навоийнинг ҳажр туфайли чеккан ғаму андуҳлари ҳисобини фақат коинот тарозиси билан ўлчаш мумкин эди (тарози паллалари фавқулодда миқёс касб этиши – арзу самога қиёс қилиниши қанчалик нафис, улуғвор!), афсуски, бу фазовий мезондан фойдаланиш имконсиз. Негаки ҳажр туфайли (бунинг сабабияти ҳам азал – «гардун» хоҳишига боғлиқ) ошиқ бошидаги «ғам юки» само палласига жо бўлса ҳам (ифрот санъати!), иккинчи палланинг юки, яъни «арз журми» фақат бир мисқолга тенг (мисқол қадоқнинг 84 дан бир бўлаги). Байтдан Навоий кузатган мақсадни – гуноҳкорона шикасталик ғоясини англамоқ учун одатдагидай бу гал ҳам «гардун» – тақдири илоҳий рамзи, «арз»шоир қаҳрамони – ошиқ яшаган ижтимоий муҳит тимсоли сифатида олинганини қайд этиб ўтиш лозим бўлади. Илло, ҳар қандай ғам-ситамнинг сабаби ва сабабкори бор. Демак, мантиқан адолат тарозисининг бир томонига жабрдийда, иккинчи томонига – айб («журм») эгасининг аъмоли қўйилмоғи керак. Не ҳасратки, ошиқнинг фазовий ўлчамдаги «ғам юки» олдида «арз журми» нинг вазни заррача бўлиб чиқади... Шу тариқа арзу само анъанавий нисбатлари, шунингдек, «ҳажр юки» – «мисқол» муқобил тафсиллари орқали (таносуб, тазод усулларида) муҳаббат оламидан яна бир пурдард лавҳа-образ яратилади.

ЎН ИККИНЧИ МАҚОЛАТ
ХАЛҚОНА НУКТАЛАР

Чу сен ёру жаҳон бир душманимдир,
Менинг учун жаҳон тургунча сен тур.

Халқ тафаккури нуктадонликлари... Бу – авлодлардан авлодларга ўтган, не-не давру даврон таъсири – тазйиқи ва синовини сабот билан кечирган, турмуш деб аталмиш бениҳоя мураккаб, кўп қиррали, серқатлам ижтимоий хилқатнинг аччиқ-чучук, иссиқ-совуқ, пасту баланд, оқу қаро, яхши-ёмон жиҳатлари, аломатлари – турфа зиддиятларнинг мухтасар, ранг-баранг ва бетакрор сўз, тимсол, ибора-нақлларга ўтган суврати. Бу – ўз зиддиятлари билан маъноли, жозиб бўлган, тақдири илоҳий хоҳиш, иноятн билан қўним, қарор ва қадр топган турли жамоалар, элатлар, халқлар тарзида яшаган, курашган, қовушган, фарзанд ўстирган, ноз-неъмат яратган, руҳий, маданий-маънавий бойликлар бунёд этган, не-не бало-офатларни кўрган, бахтини топган ва топмаган, шодмону армонли, комрон ва шикастадил одамларнинг тириклик тажрибалари, қилмиш-қидирмишлари, русуму анъаналари, ибратомиз мушоҳада, муҳокамалари, доно панду маслаҳатлари, уларнинг халқона содда, пурмаъно, ўзгача – образли ибораларда мужассамланган ифодаси. Бу – айниқса, Навоийдек улуспарвар шоир, халқ тафаккури ва ижодий даҳосининг беназир хазинадори учун чин «маънилар», «нуктапошликлар» баҳраси, сўз фасоҳати – бадиий-образли тасвирнинг сарчашмаси... Фақат бундай руҳий, маънавий, бадиий чанқоқлик билан баҳравар бўлиш, ундан рағбат, илҳом олиб, оламни бадиий таҳқиқ этиш, рангин ва жозиб образлар, фавқулодда юксак (фазовий) ва теран сўзлавҳалар, тимсол-манзаралар яратиш Навоийнинг махсус мушоҳада тарзи, шеър яратиш, ёзиш таомили билан белгиланади.

Терма байтлар шарҳи бу даъвонинг ёрқин далил-исботи. Шоҳбайт:

Чу сен ёру жаҳон бир душманимдур,
Менинг учун жаҳон тургунча сен тур.

Ирсол ул-масал санъати усулида яратилган бу фалсафийлирик лавҳада Навоий хаёли, тафаккурининг самовий «буржи» – юксаклиги аён кўзга ташланади: мен учун икки жаҳон бор, бири – сен, бири – ёруғ дунё. Ва лекин надоматлар бўлсинки, сен менга чин дўст, ёрмаҳбуб бўлсанг, бу дунё, балким сенинг борлигинг учун, мен билан рақиблик, душманлик қилади ва шуниси аниқ, аччиқ ҳақиқатдирки, у охири мени маҳв этади. Сен эса менинг бу ёруғ дунёда излай-излай топган, таниган, англаган ягона мулким, умидим, армоним, муваққат фоний умр қисматимда ном-нишонсиз кетмаслигим гарови, ягона илинжу нажот тимсоли бўлмиш дўсту ёримсанки, мен учун ҳам, менинг қасосим учун ҳам сен абадий яшашинг керак!.. Яхши ниятли, меҳр-саховатли халқимизнинг бирон-бир яхшилиги билан мушкулини осон қилган одамга миннатдорлик билдириш учун муносиб сўз тополмаганда анъанавий лутфу доно муболаға билан айтган: «Дунё тургунча туринг» нақлидан ижодий баҳравар бўлиб янги образ яратишнинг нақадар гўзал намунаси! Бу шоҳбайтда шеърият санъатининг учта, бир-биридан муҳим, қимматли хусусияти мавжуд: фалсафий теранлик, халқона нуктадонлик ва юксак сўз туйғуси – бадиият, образлилик маҳорати. Шу тарзда мазкур шоҳбайтда «ёр» (дўст) – «душман», «мен – жаҳон» муқобил нисбатлари орқали та-

зод (юқорида қайд этилган ирсол ул-масал санъатидан ташқари) усулида бағоят оригинал образ-лавҳа яратилади.

Бошқа бир ғазалда халқимизнинг: «Етса молим, етмаса жоним» каби гўзал инсоний нақлига ижодий ёндашиб – тутилмаган янги образ яратиш намунасини кузатамиз. Байт:

Бўлғонинға меҳмон, ўлса Навоий не ажаб,
Чекти чунки оллинга бору йўқин жониғача.

Халқнинг сўнмас, тетик руҳи, ҳаёт эътиқоди, бу- килмас иродаси энг фожеъ, мудҳиш сўз – «ўлим»га ҳам бошқача, рамзий-киноялы маъно беришга қодир: «ўлсам ҳам айрилмасман», «фақат ўлиб айриламан», «ўла-ўлгунча севаман» ва ҳоказо. Навоий халқ тафаккурининг ана шундай дадил, ўктам, исёнкорона рамзий ифода тарзидан зўр санъаткорлик билан фойдаланади – «ўлмоқ» ташбеҳидан шеърий лутф-фасоҳатли бадиий мантиқ яратади: ошиқ Навоийнинг қанча кунлар, ойлар давомида йўлига интизору муштоқ бўлиб кутган энг азиз меҳмони – ёр ташрифи уни охири ўлдирса, «не ажаб». Зеро, меҳмон олдига йўқ нарсаларни ҳам топиб қўйиш, ҳиммат, саховатини аямаслик меҳмоннавоз халқимизнинг азалий удуми. Ошиқ Навоийнинг сира келмаган тансиқ меҳмони!.. Унинг пойи қадамига бор дунёсини, хонумонини нисор этса бўлади. Лекин бечора ошиқнинг кўнглидаги «меҳру вафо» («Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо, Бас, менга меҳру вафо – мол ила жоҳ») «гуҳари»дан бошқа не вақоси бор? Унинг тасарруфида фақат жон: «Мен унга фидо этишга муносиб эмасманми?» дегандай озурда ва ошуфтаҳол. Наинки ошиқ ёруғ жаҳонда энг азиз, якто маҳбуби «меҳмон бўлғони»да ундан охирги имкони – жонини аяса! Иккинчи мисрадаги: «чекти... жониҳача» сўзлари муҳаббат фидойилигининг халқона содда самимият билан йўғрилган ифодасидир.

Яна бир ғазалда «ўлим» тимсоли ўзининг фожеъ мазмунига мутаносиб, халқнинг мунгли бир нақли заминида ҳаққоний, ўйчан-ҳазин лавҳа яратилади. Байт:

Ҳажр ила кўрма раво жонимға бепоён ўлум,
Тиғ сурким, хуштурур оз оғриғу осон ўлим.

«Абадий мавзу»нинг асосий манбаи бўлмиш ғазалиётда: «ишқ ўти ушшоқ аҳлини куйдириб адо қилади, ҳажр азоблари охири ўлдиради» мазмунидаги (хоҳ билвосита – рамзий, хоҳ бевосита – рўй-рост) байтлар кўп. Навоий таъбирлаган «бепоён ўлим» образида ойлар, эҳтимолки, йиллар мобайнида бедаво дардга на шифо тополган, на қисматнинг ортиқ чўзилиб кетган жабру жафосидан ўлиб қутулган оғир хасталик фожиаси – тўзимсиз қийноқлар драмаси ифодаланади. Бундай таърифдан ташқари қора кулфат кунларида жони ҳалқумига келган бемор ўлимига рози бўлиб: «Ол омонатингни! Бунча мени қийнамасанг, Худо!» деб нидо қилса, унинг яқинлари ҳам ажалнинг раҳмсиз, макрли ўйинидан туғёнга келиб, беморга шафқат (!) юзасидан унинг видо сўзларини кута бошлайди... Нақадар даҳшатли манзара! Асаблар ортиқ дош беролмайдиган бундай танг вазиятда инсоннинг дарду қийноқларига илож топса агар ҳозиқи табиблик қилишга, йўқ, Исо-Масиҳдек ҳаёт бағишлашга, жони билан жон улоғи бўлишга ҳозир бўлган Навоий: «Тиғ сурким, хуштурур оз оғриғу осон ўлим» дейиши қанчалик доно, валиёна тафаккур ифодаси! Бошқа жойда, бошқа ҳолатда ўлим устида: «хуштурур» сўзини қўллаш не чоғлик гумроҳлик бўлур эди! Шундай қилиб халқнинг: «Худойим оз оғриқ, осон ўлим берсин» деган, замирида узоқ хасталик азоблари ваҳми ётган мунгли нақлидан фойдаланиб, ишқ дарди ҳақида ҳаққоний лирик-трагик лавҳа яратилади.

Ғазалларнинг бирида халқнинг марғуб ва матлуб маънодаги нақли кутилмаган тарзда «адам» («йўқлик, ўлим») тимсоли билан мутаносиб берилади. Байт:

Ишқ истар эмиш сени адам Мисри сари,
Борғилки, эрур эл тилаган ерда азиз.

Наинки ишқ барча ушшоқ аҳлига гўзалликнинг тенги йўқ тимсоли Юсуф қисматига тушган зиндон ва ўлим азобларини раво кўради («адам Мисри» машҳур «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасига, Юсуфнинг ўгай акалар ҳасади, ғарази туфайли ўз ватанидан, қиблагоҳидан жудо бўлиши, Миср қул бозорида сотилиши, кейин зиндонбанд қилиниши воқеаларига ишорадир)?! Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ қисмати илоҳийнинг иноятн, эҳсони бўлган ишқ шукронаси учун (бундай дардга фақат пок ва комил одамлар мушарраф бўлиши мумкин) ҳар қандай синовларга, ҳатто ном-нишонсизлик, йўқлик сафарига йўл олишга («Ошиқ ўлғон кечти нангу номдин...») рози. Илло, «эл тилаган ерда азиз». Соҳир шоир халқнинг ўлим, йўқлик хусусида эмас, аксинча, ҳаёт, умр маъноси, инсоннинг чин қадри, маънавият баҳоси ҳақида айтган умидбахш маталини шоҳбайт контекстига ҳайратомиз санъаткорлик билан уйғунлаштира олади. Навоий бунга қандай эришади? Бундай ғаройиб шеърий таносуб сирини улуғ санъаткорнинг эътиқоди – муҳаббат фалсафаси билан изоҳлаш мумкин: Навоий чуқур ишонадики, илоҳий маънодаги комил ишқ йўлида ўзини фидо қилиш – боқийлик топишдир. Унинг севимли қаҳрамонлари: Мажнун, Фарҳодлар аксарият тадқиқотларда каромат қилинганидай, адолатсизлик, зўравонлик қурбонлари эмаслар, улар ишқ йўлида ихтиёрий суратда ҳалок бўладилар. Шу тариқа ирсол ул-масал ва талмеҳ (халқ нақллари ва машҳур афсоналардан ижодий фойдаланиш) усулларида ўйчан лирик-трагик лавҳа яратилади.

Баъзан халқона иборалар ўрнини турмушдаги характерли ҳодисалар, тафсиллар олиши мумкин. Байт:

Тун қоронғу маст отланди, кўнгулнинг шуъласини
Айлабон машъал борурмен уйига еткургали.

Хаёлнинг фақат Навоий қаламига хос нуктадон ифодаси. «Руҳул-қудс» мадади билан ошиқ Навоий даргоҳини нурга, бахтга, латофатга тўлдириб, билмаймиз, неча фурсатлик ташриф буюрган лоларуҳ қандай ишваю истиғнолар билан келган бўлса, ўшандай ғамзалар билан («маст») қайта йўлга отланди. У келганида ўтқизгани жой тополмай, бахтиёрликдан ўзини йўқотаёзган ошиқ Навоий кетиш учун қўзғолганда паришонлик ва саросима изтиробида, раъйини қайтаришга журъатсизлик андишасида жисму жонида, кўнгли ва руҳиятида не ларзалар, ғалаёнлар, тўфонлар юз берди экан? Ва лекин бу мислсиз бардошу сабот эгаси ўзини тамомила йўқотмади, Мажнун каби ҳушдан кетмади – маҳбубини кузатиб қўйиш кераклигини эсдан чиқармади. «Тун қоронғу», ой чиқмаган эди. Фонуси-ку йўқ эди, машъала ёқишга яна имкон топмади. Фақат висол қувончи, айрилиқ ранжи, ифтихор ва ўкинч, бахтиёрлик ва чорасизлик ҳислари туғёнида ёнган кўнглини «машъал айлаб», унинг шуъласида йўлларини ёритиб, «уйига еткургали» ёнма-ён борди... Кўчаларга осма чироқ қўйиш ҳали расм бўлмаган Шарқ ўрта асрларидаги шаҳар ва қишлоқ кўчаларида азиз меҳмон (ё бошқа бир эҳтиёж билан келган одам) – аксарият ёши улуғ табаррук бир зотни то уйигача фонус тутиб (фонус бўлмаса машъала ёқиб) кузатиб қўйишдек камоли эҳтиёт ва эҳтиром рамзи бўлган халқ одати... Ҳар икки томоннинг кўнглида (агар кузатиб борувчилар

иккита бўлса, ундан зиёда) ажаб инсоний ҳисларни уйғотувчи, кутилмаган таассуротлар қолдирувчи (улар ўзаро суҳбатлашиб борадилар), оддийлиги билан гўзал, олижаноб бир таомил... Навоий ундан ижодий фойдаланиб яратган лирик лавҳа шоир хаёлининг ғаройиб бир жилваси сифатида ўзгача завқ-шавқ уйғотади.

Ҳаёт тажрибаси, турли ижтимоий муносабатлар, ғаройиб воқеа-ҳодисалар воситасида шаклланган ғоятда нозик, рангин бир шоҳбайт:

Гар кенгаш бошлар кўнгул сайдини қурбон қилғали,
Қошларинг ёси недур келтурдилар бир ерга бош.

Одамлар турли мақсадларда кенгашмоқ учун маълум бир жойга жам бўлганлар. Агар суҳбат бошида ҳар ким ўз ўрнини топиб, давра аҳли бир-бирига нисбатан маълум оралиқ – бўшлиқни сақлаб ўтирган бўлса, суҳбат – баҳс давомида доира тобора кичрайиб бориши, масаланинг моҳияти ҳал қилинаётган аснода эса беихтиёр улар бошларини яқин келтиришлари мумкин. Бундай манзара, айниқса, турли фитначи ёки қасоскор гуруҳлар мажлисига хос бўлиб, улар кўз қорачиғида бир-бирини кўриши, бутун вужуди қулоққа айланиши керак (Репиннинг машҳур «Запорожьеликларнинг Турк султонига мактуби» расмини эсласангиз ёки давра кичик бўлса-да, Қодирийнинг «Ўткан кунлар»ида тасвирланган «Жаннат опа» уйидаги машъум «кенгаш»ни кўз олдингизга келтирсангиз бўлади). Шунингдек, одам бирор жумбоқли масала, мушкул муаммо устида ўйлаб, ечимини излаб бош қотирганда беихтиёр қошлари чимирилади. Маҳбуба «қошларининг ёси» гўё икки бошини «бир ерга келтирадилар», бундай ҳолатни сирли бир «кенгаш бошлаш» билан нисбатлаш мумкин. Шундай қилиб,ижтимоий ҳаётдаги муайян гуруҳларнинг қалтис, хатарли мажлиси учун характерли, шубҳали манзара (бундай кескин ҳукмни «қурбон қилғали» сўзлари оқлаши мумкин) маҳбуба қошлари, қошлар тимсолида унинг ғамзали, ҳукмфармо боқишини мухтасар, жозибадор ифодалашга хизмат қилади (беихтиёр маҳбуба қошлари икки ошиққа тамсил қилинган бошқа бир шоҳбайт хаёлдан ўтади: «Гўйиё бир-бирига ошиқ эрур ул икки қош, Ким қўяр бир-бириси бир-бирининг оллида бош»).

Яна бир ғазалда табиатни, одамларни шоирона назар билан кузатиш меваси сифатида лирик-руҳий манзара яратилади. Байт:

Ғам туни анжум кўзи янглиғ юмулмас кўз била,
Вах, неча гоҳи юрай, гоҳи турай, гоҳ ўлтурай.

«Ғам туни» – ошиқлик қисматининг кўчма-сайёр рамзларидан, «абадий мавзу»да кенг тарқалган ҳодиса. Биринчи мисрадаги самовий нисбат – ошиқ Навоийнинг бедор кўзлари ой чиқмаган сим-сиёҳ кечада ёрқинроқ, ҳатто яқинроқ кўринган юлдузларга муқояса этилиши (айни чоқда улар «анжум кўзи... юмулмас» тарзида инсонийлаштирилиши), ҳар қалай, анъанавий усул. Лекин иккинчи мисрада ифодаланган ҳолат-манзара ҳаётдан олинган: «гоҳи юриб, гоҳи ўлтириш» – бошига ногаҳоний мушкул савдо тушган, кутилмаган ташвишли, ҳатто, мусибатли ҳол юз берган, бу бахтсиз ҳодисада, эҳтимол, ўзининг ҳам айби борлигини билиб, виждон азобини чекаётган номус-диёнатли кишининг чорасизлик изтиробидан ўзини қўярга жой тополмаслик ҳолати ҳаққоний ифодаланган. «Вах, неча» сўзлари билан ўша ҳаётий ҳақиқат – бетоқат ҳолат ортиқ кучайтирилади, унга шеърий ҳаво, баланд руҳ, ўзгача жозиба бағишланади.

Биринчи мисрада акс этган самовий-романтик манзара билан иккинчи мисра мазмунига замин ҳозирлаган ҳаёт лавҳасини ўзаро боғлаш, маълум уйғунлик, мутаносиблик яратишда ҳам ўша ҳайратга йўғрилган лутф («ваҳ, неча») сўзлари муносиб вазифани ўтаган.

Шу тарзда Навоий ўзининг самовий-илоҳий ишққа майли кучли қаҳрамони – ошиқни реал ҳаётий манзаралар фонида кўрсатиб, ҳаққоний лирик лавҳа яратади.

Ғазалларнинг бирида ҳаётда юз бериши табиий бўлган ҳазин-мунгли бир ҳодиса орқали лирик манзара яратилади. Байт:

Мунча фарёд Навоийдин эмас, ҳажр туни
– Ким қилур ҳар кеча фарёдидин эл ҳам фарёд.

Ҳаётни ўз ранжу ситамлари, озорлари, ҳатто фожиаларисиз тасаввур қилиш – камида гумроҳлик, ғофиллик... «Фарёд» – унинг ўша аччиқ, аламнок ҳодисалари рамзи, аниқроғи, туғёнли кўринишининг бир сўзда мужассамланган тимсоли. Бу сўзда нажот илинжидан кўра нажотсизлик, умидсизлик аломати – исёнкор нола кучлироқ. Навоий тунги ҳаётнинг мана шундай озурда-фожеъ ҳодисаси – ҳатто тошбағир, раҳми йўқ – лоқайд одамни ҳам ҳушёр торттирадиган маҳзун манзараси воситасида ҳижрон кечасининг халқона оҳангдаги ҳаққоний тимсолини яратади: тун сукунатини сескантириб, ҳар тараф – узоқ-яқиндан таралаётган мотамсаро садолар аввалги кечаларда қулоққа чалинган бир (эҳтимол, икки) кишининг ўзгача-сокин ноласидан фарқ қилади. Нега бундай? Наҳотки, бир кечада шунча қайғу, мотамсароликлар юз берди? Ҳаётнинг бу шафқатсизлигига одамлар қандай бардош беради? Маълум бўладики, «эл фарёди» бежиз эмас: то шу пайтгача улар ошиқ Навоий кечалари қилган нолалардан гоҳ ҳайратга тушганлар, гоҳ чуқур қайғуга ботганлар, эҳтимол, ўзаро кенгашиб, нажот йўлини қидирганлар, екин ҳеч қандай чора тополмаганларидан кейин аламларига чидамай, улар ҳам нолакор ошиққа қўшилиб фарёд чека бошлаганлар... Шундай қилиб, халқ қайғу-ҳасратларининг бўғиздан тошиб чиққан – мавжи-туғёни, азобланган руҳ ҳайқириғи бўлган «фарёд» воситасида ҳазин оҳангдаги лирик-трагик образ шаклланади.

Яна бир ғазалда «эл» бутунлай бошқача, ошиққа нисбатан муқобил характер касб этади. Байт:

Куларлар эл манга беихтиёрким, ҳар дам
Эшитсам отини беихтиёр йиғларман.

Ҳаётда нималар бўлмайди? «Эл» тушунчаси ҳам аввалги байтдаги сингари доимо инсонга дарддошлик, меҳр-шафқат тимсоли бўлолмайди, аксинча, баъзан дардсиз, ҳиссиз ломонга айланиши ҳам ажабланарли ҳол эмас. Албатта, шоир ташбеҳларининг маъноси ҳар гал турлича бўлиши, баъзан кинояли характер касб этиши мумкин. Байтда «беихтиёр» сўзи такроран келишининг боиси бор, яъни элнинг ошиқ Навоийни кўриб беихтиёр кулиши, у бўлса маҳбуба «отини эшитса» беихтиёр йиғлаши моҳиятида ишқ дардининг шафқатсизлиги, кенг маънода, ҳаётнинг, қисматнинг адолатсизлиги зуҳур этадики, на «эл»ни бедардликда айблашга, на бунчалар йиғлаши «осонлиги» учун ошиққа таъна қилишга асос йўқ. Шу тариқа ҳаётнинг азалий зиддиятларида («куларлар» – «йиғларман») тазод усулида ишланган трагикомик характердаги, халқчил соддалиги, табиийлиги билан жозиб шеърий лавҳа шаклланади. Баъзи терма байтларда халқнинг санъатпардозликдан холи, лекин ҳикматомиз, жонли мулоқот тили, жумладан, суҳбат-диалог усули кузатилади. Байт:

Дедим: «Эрур Навоий ўз дардига чорасиз», деди:
«Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай?»

Навоий суҳбат-мулоқот усулидан фойдаланиб, ғазалиётда камдан-кам учрайдиган икки аламли ошиқ тимсолини яратди (уларнинг бири Навоий бўлса, ҳамсуҳбати – бошқа бир мажнунсифат ишқ фидойиси.) ҳаётда хоҳ эркаклар, хоҳ аёллар бўлсин, икки жафокаш учрашиб қолганларида бир-бирларининг ҳолини сўраб билгач, кўнгилларини бўшатиш учун дард-ҳасратларини тўкиб соладилар, бирор нажот умид қилиб бир-биридан маслаҳат сўрайди, чора излайди ва аксарият ҳар икки томон дардига малҳам тополмай қийналади, тақдири илоҳийга исён қилгандай: «Бўлмаса бўлмасин, нетай?» дея ҳайқириши, қалтис шаккоклик сўзларини айтиб юбориши мумкин. Улус, раъиятнинг турмуш тарзини, турли тоифа одамлар сажиясини, аҳвол-руҳиясини яхши билган шоир, шубҳасиз, икки дарддош ошиқ тимсолини чизар экан, халқнинг муомала тилида айланиб юрган: «ўз дарди ўзи билан», «дардига чора йўқ» каби ибора-таъбирларга таянадики, бу ирсол ул-масал санъатидан ижодий фойдаланиш намунасидир.

Бошқа ғазалда суҳбатдошнинг иккинчиси табиатга кўчирилади – сабо рамзига айланади. Байт:

Кўнглум аҳволин сабодин сўрдум эрса, дедиким:
«Телбалардек бир пари кўйида саргардон эрур».

Сабога мурожаат қилиш – ғазалиётда кенг тарқалган анъанавий усуллардан, унга эҳтиёж: узоқдаги маҳбубга муҳаббат, соғинч, вафо, муножот, фироқ, алам, иштибоҳ ҳисларини ғойибона изҳор этиш. Навоийнинг қаҳрамони – «телбалардек» ошиқ эса Сабога кутилмаган ғаройиб саволни беради: «Кўнглумнинг аҳволи нечук?» Сабо: «Ажабо, саволинг мушкул, инсоннинг кўнглини ўзи билмаса, сабо қаердан билсин?» – дея саволга савол билан жавоб қилса бўларди. Йўқ бу, аввало, ошиқ кўнгли, сўнгра муҳаббат қисмати дунёдаги барча ушшоқ аҳли қисматига қиёслаб бўлмайдиган ошиқ Навоийнинг кўнгли. Унинг аҳволини фақат сабо билиши ва саволга аниқ жавоб айтиши мумкин. Шу тарзда халқ нақлларини эслатувчи иккинчи мисранинг мазмунини шарҳлашга эҳтиёж туғилади. Сабо келтирган хабар ўзининг афсонавий руҳидан қатъи назар, бу ошуфта ҳолу озурда кўнгилнинг «аҳволи»ни қанчалик аниқ, мантиқан асосли (муҳаббат олами ўз мантиқи, ўз қонунлари билан яшайди) ифодалайди: «Телбалардек бир пари кўйида саргардон эрур». Мазкур байт ҳам ирсол ул-масал санъатининг ўзгача ижодий намунасидир.

Ниҳоят, яна бир ғазалда халқ нақли асосида ўйчан фалсафий-лирик лавҳа яратилади. Шоҳбайт:

Халқдин ҳар ярамас келса хуш улким, Ҳақға
Деса бўлмас: «Менинг учун яна бир халқ ярот».

Халқ. Бу – биргина сўзда илоҳий қудратнинг хоҳиши – «Тенгри эҳсони» туфайли шаклланган, қарор топган, маълум эътиқод, санъат, касбу кор, сажия, салоҳият билан белгиланадиган махсус қавм; барчанинг даҳоси, иродаси, ҳиссиёти, хаёлоти, ахлоқи... Шу маънода биринчи мисранинг мазмуни нақадар ҳаққоний (у кимдадир мубоҳаса уйғотиши мумкин): «Халқдин ҳар ярамас келса»ни оқлаш, яъни номарғуб маъносини беркитишга хизмат қилар? Йўқ, аксинча, улуғ донишманд, мутафаккир шоир, жамоат ва давлат арбоби чуқур

ижтимоий, иқтисодий, тарихий, сиёсий-ҳуқуқий, маърифий-маданий ва бошқа сабабларга кўра маълум маҳдудликлар (Навоий бундай қусурларни учга бўлади нафс балоси, шайтоний тамойил, жаҳл фожиаси), заифликлар халқнинг қонига, руҳига, табиати (сажияси) га сингиб кетган, бас, уларни яширгандан, аччиқ ҳақиқатни ошкор айтган яхшироқ («ҳар ярамас»ни эътироф этмаслик ёлғоннинг яна бир кўриниши бўлур эди). Навоий қаттиқ ишонган мантиқнинг собитлигини, ҳақиқат кучини мисрага асос бўлган ҳикматдан билса бўлади: «Деса бўлмас: «Менинг учун яна бир халқ ярот». Бундай ҳақиқат сабоғини ҳозир, айниқса, шу кунларда уйғонаётган дунё, уйғонаётган халқ, ўзини, ўзлигини таниётган миллат, унинг азалий эътиқоди, тили, маданияти, адабиёти, санъати, уйғонаётган тафаккури, эрки, ҳуқуқи, имкониятлари – ҳаммаси тасдиқлаши, асослаши мумкин. Шу тариқа халқнинг ифодали-образли сўзлари, матал ва таъбирлари, унинг ҳаётий тажрибаси, доно, синчков кузатишлари заминида ўзининг мухтасар ифодасини топган тафсиллар, лавҳалар, манзаралар, жараёнлар, ҳолатлар маълум маънавий санъатлар («санъати маънавий») – шеърий усуллар орқали бутун, ёрқин, бетакрор образ унсурларига айланиши мумкин. Хуллас, Навоийнинг лирик (рубобий) куллиётини, «Хамса» шеърий хазинасини халқона оҳанглар, усуллар, воситалар билан музайян этилган шоҳбайтларсиз, бири-биридан теран, нуктадон, жозиб лавҳа-образларсиз тўла тасаввур этиб бўлмайди.

ЎН УЧИНЧИ МАҚОЛАТ
МУТРИБОНА ОҲАНГЛАР

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлуптур.

Навоий ғазалиётида соз, овоз, ун, наво, қўшуқ, нағма, шаҳноз, суруд, баёт, оҳанг, ўланг, арғуштак, савт, лаҳн (кўплиги илҳон) каби куй, рақс, мусиқа маъносидаги; созанда, хонанда, навозанда, навосоз, нағмасоз, хушнағма, нағмасарой, нағмакаш, илҳонсаро, мутриб, муғанний, чаргар сингари бастакор ва созанда маъносидаги, шунингдек, уд, чанг, танбура, арҳанун, қонун, най, ғижжак, рубоб, сетор, сур, сурнай, карнай (карронай), нақора (ноғора), ковурғо (катта ноғора), чағона (сафойил) каби чолғу асбоблари гоҳ бевосита мутриона-мусиқий манзаралар чизиш учун хизмат қилса, гоҳида (аксарият) билвосита улуғ шоир ва мутафаккирнинг фалсафий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий ва ижодий-эстетик қарашларини ифодалайди. Чунончи, ғазалларнинг бирида Навоийнинг хос эътиқоди, муҳаббат фалсафаси, айни чоғда мусиқа тимсолида ҳаётга, умр маъносига муносабати мухтасар ва ёрқин акс этади. Байт:

Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қилғасен, эй ишқ,
Навоий риштаи жонин муғанний удининг тори.

Беихтиёр ўйга толдирадиган ҳол, ҳаёт ва мамотнинг, эҳтимол, мусулмон Шарқигагина хос, Навоий, ўзгача сайқал берган теран фалсафаси: не ажабки, муҳаббат қўшиғи, кенг маънода, улуғ шоирнинг бутун пурдард шеърияти навосидан моҳиятда «фано... ҳосил ўлди» (Навоий бошқа бир шохбайтида: «Дединг: «Фано недурур?». Мухтасар дейин: «Ўлмак», Ки шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидир» дейди)... Демак, шоир биринчи мисра орқали фано-бақо фалсафаси оламнинг ўзи каби чексизлигига, моҳиятига етиш мушкуллигига

ишора қилади. Ҳаёт мантиғига кўра, тирик одамнинг «жон риштасидан... тор» қилиб бўлмас экан, айниқса, навосоз ва навозанда ошиқнинг ўз дарди йўлида фано бўлиши – «ўлмаги»ю уддек ҳазин-ғамангез ун таратувчи, дард аҳлига ҳамроз соз учун жон риштасидан тор ясаш мумкинлиги ажабланарли ҳол эмас! Навоий кузатган мақсад – ошиқ-шоир кўнгли тилаган мунгли тарона қанчалик уйғун, мутаносиб тимсолларда мужассам ифодасини топган! Ошиқ Навоийнинг дардли «навосидан ҳосил бўлган фано» (яъни «ўлмак») моҳиятда «Наво» каби ўлмас ҳазин куйда, ўша боқий таронанинг энг мавзун ва матлуб созлари – танбура («Шоҳ... танбура чолиб, Навоий деса қўшиқ») ё удда яшаса – бақога айланса, не ажаб (мажозан фано нуқтасида узилган «жон риштаси» руҳан «муғанний удининг тори»да яна ҳақиқатга айланмоғи мумкин)...

Зотан, муғанний навоси хоҳ ҳазин-мунгли, хоҳ шўх, туркона бўлсин, инсонга йўлдош ва дарддошлик рамзи, ҳаётнинг бардавомлиги тимсоли бўлиб яшайверади. Шоҳбайт:

Зуҳд оҳангин Навоий ҳар нечаким соз этар,
Бир наво бирла муғанний ёна йўлдин озғурур.

Навоий гўё ўз қаҳрамонини зуҳд аҳлига мойил-хайрихоҳ, тақводор бир қиёфага солиб, бунинг оқибати нима бўлишини зимдан кузатаётгандай мунозарали-киноямиз лавҳа чизади – биринчи мисрадаги «оҳанг», «соз» ташбеҳлари ана шундай истеҳзо-иштибоҳ аломатларига айланади. Улуғ ҳаётсевар ва ҳақпараст шоирнинг маънавий позицияси иккинчи мисрада ғоятда аниқ, мухтасар, ортиқ даъво-дастакка эҳтиёж қолдирмайдиган ёрқин мусиқий тимсол- ларда очилади: муғанний инсоний шавқу рағбат ва дард билан ижро этган фақат «бир наво» шоирнинг гўё ўз иродасини синамоқчи бўлиб «ҳар нечаким» уриниб кўрган қаҳрамонини ёлғон эътиқоддан қайтариш («йўлдин озғурур»)дек мушкул вазифани адо этишга қодир бўлиб чиқади. «Зуҳд оҳанги»нинг сохта-уйдирма фалсафасини бир байтда шунчалар асосли ва жозибадор ифодалаш фақат илоҳий қалам соҳибига мушарраф бўлиши мумкин. Бунда анъанавий тазод санъати (зуҳд оҳанги – муғанний навоси) шоирга қўлдошлик қилади.

Ислом динининг Хуросон мулкидаги арконларидан бири бўлмиш Навоий нафақат зуҳду тақвони ифшо (фош) қилиш билан чекланади, балки улуғ санъаткор сифатида шариат ва тариқатнинг барча мусулмонлар учун фарз ҳисобланган (намоз, рўза, закот сингари) асосларидан ҳам бадиий ташбеҳ, рамз сифатида ижодий истифода этади. Улар баъзан кинояли оҳанг касб этиши, ҳатто, иштибоҳли, исёнкорона тус олиши мумкин («Қилибмен онча исёнким, агар дўзах аро кирсам...» сатри билан бошланадиган қитъа ёки «Не келмак аён бўлди, не кетмагим...» каби мисралардан тартиб топган таржеъбанд ва ҳоказо), лекин Навоий ислом истилоҳларини қачон, қандай зарурат, эҳтиёж билан ишлатмасин, гўё уни танқид қилиш, ниманидир фош этиш ниятидан узоқ. Аксинча, хоҳ ўзининг ишқий идеалини, хоҳ умумбашарий, ижтимоий, фалсафий қарашларини асослаш, тасдиқлаш учун энг мумтоз ва муборак нисбат-муқояса сифатида Қуръон, Ҳадис сўзлигига мурожаат қилади (масалан, маҳбуба тимсоли ё умуминсоний орзу-хаёллар муқаддас тушунчалардан юқори қўйилган тақдирда бунда ҳам шеърий мантиқ билан зиддият йўқ: сўз санъати рамзу мажозларсиз, муболағанинг фавқулодда кўринишлари – иғроқу ифротларсиз яшамайди, қолаверса, ҳар қандай муболағали ташбеҳ, юқорида қайд этилганидай, энг кучли асос – руҳий-самовий тамсилларга суянади). Шоҳбайт:

Роқиъ эрдим, чанг уни келди саҳаргаҳ, оҳким,
Борди мутриб пағмасиға ҳосили авроднинг

Ғоятда ҳаётсевар мусулмон, санъатни, мусиқани ортиқ қадрлайдиган соҳир шоир, улуғ мутафаккир ўз қаҳрамонининг бомдод намози ниҳоясида дуога қўл очган аснодаги руҳий ҳолатини чизади: санъаткор чангчи созидан илк субҳидам («саҳаргаҳ») атрофга таралган сеҳрли куй садолари уни ихтиёр-беихтиёр ларзага солади. Йўқ, мусиқа шайдосининг ибодатига ҳалал етмади, дуоси бузилмади, аксинча, қилинган тиловату муножот – дуоларининг ҳосили-савоби мутрибга, унинг нағмаси ҳақига бахшида этилганидан ҳаяжонда...
«Оҳким» сўзида қилинган ибодат, дуолар ҳосили учун ўкиниш эмас, мусиқа сеҳридан, ҳаётнинг мусиқа тимсолидаги гўзаллигидан, жозибасидан шавқу ҳайрат туйғулари зуҳур этади. Зотан, соҳир мутриб чангидан таралган наволарнинг саҳаргаҳда одамларга руҳий озиқ, мадад бериши, кимнидир ғафлат уйқусидан уйғотиши, кимнидир ғам-андуҳ, ҳажр бедорлигидан, яна кимнидир бошқа дарду қийноқдан, майли, бир неча лаҳза халос этиши, кимнингдир кўнглида умид чироғини ёқиши – бу ҳам ўзига хос ибодат – босавоб, хайрбод ҳол эмасми? Навоий ўзининг дил-дилдан шоиру санъаткор қаҳрамони тилидан исломнинг ибодатга оид қутлуғ каломлари («роқиъ», «аврод») дан мўътабар шеърий нисбат сифатида фойдаланиб, инсоннинг бадиий тафаккурини «Тенгри эҳсони» даражасида улуғловчи ғаройиб лирик лавҳа яратади.

Баъзан мусиқий атамалар билвосита ҳам бевосита қўлланади, яъни улар шоир қаҳрамони – ошиқнинг ўз ҳабиби – кўнглига яқин кишидан навозиш, марҳамат илинжида қилган нолалари рамзига айланади, айни чоғда куй, наво маъносини ҳам англатади. Байт:

Чекмадинг лаҳни Навоий кўнглин истаб, айб эмас
Англаб ўзунгни наво аҳлига шаҳноз айласанг.

Маҳбуба бераҳмлик, бепарволик одатини тарк этмади – яна вафосизлик қилди: хушилҳон хонишлари билан ўзгалар базмини қизитгани ҳолда лоақал бир бор ошуфтаҳол Навоий «кўнглин истаб» куйламади, ҳолбуки, ошиқ Навоий кўнглини, бутун вужудини навосиз тасаввур қилиш қийин. Лекин шоирнинг қаҳрамони ҳамон маҳбубидан умидвор, ягона армон-истаги шуки, майли, у ғарибу бенаво Навоийга илтифот қилмаса-қилмасин, фақат «наво аҳлиға шаҳноз» бўлса – куйлашни тарк этмаса бас. Бизнингча, «айб эмас англаб ўзунгни» иборасида самимий киноя ҳам, шунингдек, мураббиёна, пандомиз дил истаги ҳам зуҳур этади. Киноя сўзини тилга олдик. Беихтиёр Навоийнинг ибратли бир байти эсга тушади: «Лоларуҳлар аҳдининг маҳкамлиги мумкин эмас, Собит ўлмоқ лаҳзаи бир ерда не имкон сабо». Юқоридаги шоҳбайт руҳидан англашиладики, Навоий хаёлидаги маҳбуб нафақат «лоларуҳлар»дан, айни чоғда хушилҳон нағмасоз, навозанда (эҳтимол, моҳир раққоса ҳамдир). Бас, у шоҳона базмларнинг гули бўлса, не ажаб! Хуллас, қиёсий таҳлил усули орқали «англаб ўзингни» иборасида қанчалик маънавият юки бўлса, «наво аҳли» (бу Навоий талқинида нафақат мусиқа аҳли маъносини англатади), кенг маънода, барча бенаво (бечора, бебаҳра, дили ўксик)ларга яқинлик, дарддошлик демакдир.

Мусиқий истилоҳлар бевосита шоҳ саройидаги базм манзарасини акс эттириши мумкин. Байт:

Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак,
Шоҳ анда танбура чолиб, Навоий деса қўшиқ.

Даставвал, байтнинг маърифий қимматини қайд этиб ўтиш лозим: Навоийнинг танбур чертгани, уд чалгани, куй басталагани ҳақида маълумот бор. Ўзининг «кўб ва хўб» (Бобур) шеъриятидан ташқари, аксарият форс тилидаги буюк салафлар, устод-муршидларнинг

неча ўн минглаб (эҳтимол, юз мингларча) мисраларини ёд билган, мушоира ва базмларда дарду оташин нафас билан ўқиган, илоҳий ҳофиза қувватига эга бўлган шоир лоақал кичик доирада, хос мажлисларда санъаткор хонандаларга жўр бўлиб, борингки, хиргойи қилиб қўшиқ айтган бўлса, не ажаб! Шунингдек, Султон Ҳусайн Бойқародек катта иқтидорли, нозиктаъб шоир, ҳатто, ўша замон шеъриятининг билимдон ҳакамларидан бири сифатида (бу ҳақда Навоий бир неча бор таъкидлаб ўтади), умуман мамлакат маданий ҳаётида, санъат, бадиий ижод соҳасида (шубҳасиз, Навоийнинг кучли таъсирида) раҳнамо, ҳомий мақомидаги «шоҳ... танбура» чертиши ҳам ажабланарли ҳол эмас (ўсмирлик чоғлариданоқ моҳир чавандоз ва қиличбозлиги билан танилган бу темурийзода, эҳтимол, эҳтиросли, мардона рақслар устаси бўлгандир, эҳтимол, болалик дўсти Навоий билан жўрлашиб қўшиқ-алёр айтгандир). Байтдаги яна бир маърифий нуқта раққоса қизларнинг ер «тепар» шўх «арғуштак» ўйинидир. Шоир сатрларида фавқулодда нафис бадиий қурилма – кечинма ва хаёлнинг бетакрор образлари ажралиб турмайди. (Навоий бу гал бевосита тавсиф-хабар усулига эҳтиёж сезган бўлса керак), балки инсон руҳи ва кайфиятининг табиий ҳолати – мусиқа, рақс ва қўшиққа бўлган кучли тамойили ҳаққонийлиги, халқона содда самимияти билан ифодаланади. Энг муҳими, Навоийнинг шахсий ҳаёт тарзи, хулқ-атвори – сажияси, илоҳий ва ишқий эътиқоди, замон ва замона аҳлига бўлган муносабати каби мураккаб, аксари пурдард туйғулар, кечинмалар, хаёллар дунёсининг умумий контекстида баногоҳ шўх халқона ўйинга, куйга, қўшиққа (айниқса, ойдек гўзал қизларнинг ер тепиб, бутун вужуди силкиниб рақс тушишига) муносиб маъно, қиммат берилиши – шеърият, бадиият қонунларининг мўъжизакор қудратидан, ҳаёт билан санъатнинг руҳий алоқасидан далолатдир. Шоҳбайт:

Нағмалар туркона соз этилди ўгуш,
Мастлиғдан ўйлаким хушнағма қуш.

Араб ва Ажам тароналарига нисбатан туркий қўшиқ ва куйларнинг шўху «хушнағма» эканлиги эътиборни тортади. Тўғри, «туркона» сўзида икки, ҳатто уч хил маъно бўлиши мумкин: ўйноқи-шўх, кўпчиликка манзур, содда, оммабоп ва ниҳоят, туркий усул ва туркий тилдаги. Эътибор қилинг: туркона нағмаларнинг расо, авж пардаларда чандон («ўгуш») созлангани, шавқ билан ижро этилгани ҳақида мумкин қадар аниқ тасаввур ҳосил бўлиши учун қушларнинг урчиш тараддудидаги «мастлиғ» ҳолати – ажаб интиқ, хумор кайфият билан, тўлиб-жўшиб, фавқулодда «хушнағма» – ғамзакор ва жарангдор овоз билан сайрашлари шеърий нисбат қилиб олинади. Бадиий тимсол учун табиатни, унинг турфа жонзоту ажойибот-ғаройиботларини бевосита кузатиш, кузатганда ҳам санъаткорона қалб нигоҳи ва уқуви билан ҳис қилиб, қайта-қайта мушоҳада юргизиш тақозо этилади. Навоий чаманда танҳо қолиб, қушлар насл қолдириш дарди-иштиёқида гўё ўзини йўқотиб, жунбушга келиб сайраган, бир-бирига «ўз тилида» роз айтган мўъжиз лаҳзаларни неча-неча бор кузатганига шубҳа йўқ. Мусиқа мунаққидларининг ёзишича, гениал Чайковский ўзининг назири йўқ «Оққуш кўли» балетини яратишда ўша фариштасифат жаннат қушларининг европаликлар шоирона лутф билан «никоҳ рақси» деб атаган мастона, том маънода шеърий, мусиқий «ўйин»ларини кўриб илҳомланган экан... Шубҳасиз, Навоий мутафаккир шоир сифатида таъсирланган Хуросон хилқати – Ҳирот ва унинг атрофидаги жаннатосо боғлар (чунончи, «Боғи дилкушо», «Боғи жаҳон оро»), улардаги товусу тўтию қумрилар муҳити бутунлай бошқа бўлгани каби табиатдаги мусиқа – товуш-оҳанг тебранишларининг сўз санъати, шеър

тилидаги ифодаси – образлари ҳам ўзгачадир. Мухтасар қилиб айтганда, бу – инсоннинг турфа ҳолати – аҳволи руҳиясини сўз лавҳасига кўчириш санъати, сирли-ғаройиб ижодий жараёндирки, уни ҳар бир шоирнинг ўзи билади. Байт:

Эй Навоий, гар лисони ҳол эшитмайсен, эшит –
Ким, ажаб ҳолат бизинг созанда мизробинда бор.

Том маънода олиб қараганда, моҳиятда ҳар бир инсоннинг ҳоли – унинг руҳияти қалб мулки билан, кўнгил дардлари, дилида-ботинида етилган дунё билан узвий боғланган, оддий тил-лисон, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган илоҳий мўъжиз бир қудрат, сирли-сеҳрли хилқат эмасми? Чиндан ҳам унинг тилини уқиб, «ҳол-лисони»ни тинглаб бўлмайди. Мусиқа товушини эшитиш, ҳатто ундан турли даражада таъсирланиш мумкин.

Бироқ Навоий товуш билан товуш, оҳанг билан оҳанг тўлқинларида, ички, руҳий садоларида мутлақ ўзгача тафовутли ҳол борлигидан бизни огоҳ этиб, ўзининг қаҳрамони – муғанний зарбларида («созанда мизробинда»)ги «ажиб ҳолат»ни уқиб олишга даъват этади. Қани ўша соҳир мутриб чертган парда – зарб ҳолининг сўздаги ифодаси? Бундай савол олдида Навоий шеъри – лисони ҳам лол қолади, мусиқа сеҳри олдида чекинади. Ҳа, бундай «ажаб ҳолат» мусиқа оламига хос экан, уни фақат «эшитиб» бир қадар англамоқ мумкин. Улуғ шоир байтининг бадиий мантиқ кучи ҳам шундаки, санъатни, унинг маъносини, асл қимматини у билан бевосита мулоқотда бўлмай, қалбан идрок қилмай туриб, инкишоф этиб бўлмайди.

Бошқа бир ғазалда Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ кутилмаган тарзда мутриб билан мубоҳасага киришгандай бўлади, ҳолбуки, бу зиддият чуқур сабабиятга асосланмаган (ошиқнинг мушкул аҳволи мутрибга боғлиқ эмас). Байт:

Мутриб била не кўнгил очилсун Навоийнинг,
Ким мен фироқдин десам, ул дер «Ироқ»дин.

Эҳтимол, бошқа бир вазиятда ошиқ кўнгли мутриб нағмаси билан очилиши ҳам мумкин эди («Эй мутрибо, хушнағма туз: малак етди, ғамим кетди»). Лекин шоир кузатган мақсад – ҳажр дарди қийноқларига на мусиқа, на аҳбоблар таскини малҳам бўлолмаслигини, ўзининг ортиқ умидсиз, нажотсиз аҳволини иқрор қилиш...

Албатта, Навоий ташбеҳларининг зоҳиран бир-бирига зидлиги ёки оҳангдошлигидан фойдаланиб («фироқдин», «Ироқ»дин мусажжа – ички қофия усулида келади) маълум даражада завқбахш, жозибадор лавҳа яратишни ҳам ўйлаган; айни чоғда «фироқ» ва «ироқ» ташбеҳлари маънолари замирида ошиқ аҳволининг нажотсизлигига нозик ишора-киноя оҳанги зуҳур этган бўлса, ажаб эмас. Демак, ишқ дарди – фироғи ҳасрати билан гўё мутриб-нинг бедардларча тилга олган «Ироқ» куйи инсон ҳаёти ва қисматининг номаълум-сирли ришталари орқали боғланиши, бу ғаройиб уйғунликдан ошиқ ҳасратлари пурзиёд бўлиши мумкин. Навоий гўё тазод ва мусажжа санъат усуллари орқали ифода ўйини қила туриб, аслида, ҳар бир сўз-тимсолнинг теран маъно қирраларига разм солганига ҳайратланмай бўладими?!

Мутафаккир шоир «наво» ташбеҳининг мусиқа оламидан ташқари табиатни, ижтимоий ҳаётни, инсоний муносабатларни акс эттирувчи турли маъно қирралари (ун, садо, мурод, истак, баҳра, насиба, рўшнолик, ҳожат кабилар)дан ижодий фойдаланади, мазкур сўз за-

минида яратилган ўзаро мутаносиб ё муқобил истилоҳларга (навобахш, навозанда, навозиш, навосоз, навогоҳ, хуш-наво, наволиғ ёки бенаво, навосиз – хусусан, бу икки сўз фақат маҳзун-бахтсиз маъноларида келади) ҳар гал ўзгача сайқал, шеърий рангинлик бағишлайди. Шоҳбайт:

Навоий бенаволиғ бирла доим май ичар, бир кун
«Наво» нақшини даврон мутриби базмда чолғай деб.

Ҳар бир шеър, жумладан, байтда унинг бунёдкори – шоир шахсияти бевосита ёки билвосита англашилиб туради (зеро, лирик қаҳрамон тимсолида шоир ўзлиги билан коллектив даҳо бадиий синтезлашган, умумлашган бўлади). Юқоридаги шоҳбайтда ҳам Навоий дунёсини руҳан (фақат руҳан) идрок қилиш мумкин. Зоҳиран қараганда на «бенаволиғ» (муҳтожлик, бечоралик), на «май ичиш» юксак эъзоз ва ардоқдаги, нафсни тийиш борасида, сабру қаноатда валийсийрат инсон, пиру мураббий шоир ҳаётига, эътиқодига, сажиясига тўғри келади! Демак, «бенаволиғ» да ҳам, «даврон мутриби» ва унинг «Наво» нақшида ҳам бошқа мақсад, ички – ботиний маъно яширинган, акс ҳолда, «бенаволиғ» (ижтимоий тушунча) билан «Наво» (мақом куйи ва тармоғининг номи) ташбеҳлари ўзаро тазод усулида боғланиб келмас, айниқса, «мутриб» сўзи «даврон мутриби» тарзида ўзгача рамзий сифат касб этмас эди. Бас, Навоийнинг «бенаволиғ»и , бу – барча лирик, эпик, насрий асарларида чуқур эҳтиросу, буюк дард ва ҳасрат билан, ёниб-куюниб изҳор қилган, бамисоли самога абр (булут) бўлиб кўтарилган, раъд (чақмоқ, момақалдироқ) бўлиб чақнаган, гулдурос садо ва акс садолар берган, ёмғир, сел бўлиб ёғилган, гўё еру кўкка сиғмас ўкинч, армонлари... Бир умр меҳру вафо кўрсатиб, тортган жабру жафолари, ёлғон, рўё бўлиб чиққан орзу-умидлари, шахсий бахт, оила фароғатидан бебаҳра, дил уйининг шамчироғи ёнмаган васлсиз муҳаббат қисмати, рақиблар ситами, дўстлар озори, давр аҳлининг бедардлик ва худбинликлари... Булар оламга, одамларга расулона комил назар, эътибору эътимод билан муносабатда бўлган, ўйлаганлари, саъй-ҳаракатлари аксарият беҳуда, сароб бўлиб чиққан Навоий наздида «бенаволиғ»ларга айланган бўлса не ажаб! Ана энди «даврон мутриби»дан кутилган «Наво» нақшининг ҳақиқий маъносини инкишоф этса бўлади: мутриб фақат навосоз эмас, балки замон дардларига малҳам, инсоннинг руҳий, маънавий, эстетик эҳтиёжларига чора, жавоб бўлувчи, баҳра, озиқ ўрнида хизмат қила оладиган, халоскору нажоткор, илоҳий бир санъаткорга айланса! Бадиий мантиқ тақозосига кўра, «Наво» куйи билан «базм», базм билан «май» ташбеҳлари мутаносиб олинган. Дарвоқе, Навоий қаҳрамонининг «доим май ичиши» қачондир «бир кун» ўша нажоткору халоскор илоҳий куй «даврон... базмида» чалиниши мумкинлигига умидсиз қараш рамзи эмасми? Хуллас, шоҳбайтдаги ҳар бир сўз-тимсол иложсиз хаёлга толдиради, фикр-баҳс қўзғотади...

Бошқа бир ғазалда май, базм, соқий, мутриб, най ташбеҳлари келгани ҳолда, юқоридаги сингари чуқур армонли, маломатангез-киноявий руҳ сезилмайди, аксинча, солим ва комил кишиларга тансиқ бўлгани учун ҳам ўзгача маъно берилиб, юксак қадр, эъзоз топадиган сурурли, ҳузурбахш, илҳомбахш кайфият қаламга олинади. Байт:

Оташин май бирла, эй соқий, қизитқил базмни,
Мутрибо, ул ўтни тез этмакка ол оғзингга най.

Навоий шеърияти қанчалик ҳазин, пурдард бўлмасин, унда дунёвий-ҳаётбахш оҳанглар муносиб даражада ўрин олганидан далолат берувчи (бундан ортиғи на ҳаёт, давр воқелиги мантиғига, на шеърият табиати ва беназир шоир шахсиятига тўғри келади!) бу фавқулодда мастона-ўйноқи байт, тутилмаган кечинма-образлардан, Навоий даҳоси учун хос сирли-теран маъно қирраларидан холи бўлишига қарамай, беихтиёр завқ-шавқ уйғотади. Бунинг сири – шоир қаҳрамони кайфияти тақозо қилган, таъб равонлиги, кўнгилнинг шўх тамойили, шоир хаёлининг сафоли, эрка жилваси сифатида, ўзаро таносуб усулида шаклланган (май билан соқий, мутриб билан най, ўт билан базм, шунингдек, май кайфияти билан най навосининг бири-бирини «тез этмак» хизмати) биринчи қарашда оддий туюлган ташбеҳларда, уларнинг табиий уйғунлигида, оҳанрабосида. Шоир қаҳрамонининг, айниқса, соқийга шунчалар баланд иштиёқу интиқлик билан қилган даъватини худди мутрибга даъват каби самимий, беғараз ният – фақат ҳаётнинг қувончли неъматларидан росмана, эркин, бутун баҳравар бўлишга чақириқ маъносида англамоқ лозим.

Бошқа бир ғазалда яна одатдагидай «мунглуғ наво» ошиқ ҳасратларига жўровоз вазифани ўтаб келади. Байт:

Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсан, соз туз,
Тортибон мунглуғ наво созим била овоз туз.

Лирик қаҳрамоннинг кўнглидаги «ниҳон рози» ҳақида бир қадар (шубҳасиз, умумий тарзда) тасаввурга эга бўлмоқ учун Навоийнинг лоақал ўнларча ғазалларига, юзларча байтларига разм солишга тўғри келади. Лекин бу пинҳон сирлар оламини, майли, шоир даҳоси яратган энг соҳир, терану нуктадон сатрларни кузатиш, бирма-бир синчиклаб текшириш билан ҳақиқатни аниқлаб-таҳқиқ этиб бўлармикин? Ахир, бу турмушнинг қизиқ тафсилотлари баёни, турфа воқеа-ҳодисалар солномаси ё ажойиб саргузаштлар қиссаси эмаски, бобма-боб, жилдма-жилд ўрганиш имконияти бўлса. Илло, қуёш азалдан то абад ҳаттоки «зарранинг моҳияти»га етолмагани каби, айниқса, Навоийдек бемисл заковату фазовий хаёлотга эга бўлган шоир поёнини билолмай нола қилган муҳаббат олами ўзининг ниҳоясиз руҳий теранлиги, ҳар бир дардли инсон – ошиқ кўнглининг ҳудудсиз пинҳоний мулки эканлиги билан жозибали, сирли-сеҳрлилиги билан гўзалдир. Бас, Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ ё қаландар ўзининг ҳамроз ҳабиби муғаннийга: «Сен кўнглимдаги сиримни билурсан, унга ҳамовоз «мунглуғ наво туз», – дея муножот қилиши бежиз эмас...

Не ажабки, фақат ҳазин куй «ниҳон роз» азобларини бир қадар осон кечиришга далда бериши мумкин.

Навоий такрор-такрор қаламга олган «мунглуғ наво» қуйидаги шоҳбайтда бир сира жамланган, умумлашган ҳолат ва қиёфа олади:

Баски, Навоий айлади дард сурудида наво,
Аҳли тарабни йиғлатур мажлисининг таронаси.

Биринчи қарашда, Навоийдек соҳир лирик ва мутафаккир шоир, моҳир мутриб-навосоз, бир умр «васли мумкини йўқ» буюк ишқ достонини яратган фидойи ошиқ дардли-ҳазин оҳангларда шеър ўқиши, эзгин-эзгин уд ё танбур чертиши барчага аён, демак, бу ортиқ ҳайратланишга, ажабланишга асос бермайдиган бир ҳолдек туюлади. Лекин шеъриятда том маънодаги оҳанг-интонация баъзида ҳал қилувчи нуқтага айланиши мумкин. Менинг назаримда, мазкур мақтаъ-байтдаги биргина «наво» сўзи (унинг бутун салмоғи, салобати

ғазал контекстида очилиши мумкин) гўё барчага аён ҳақиқат: «Навоий дард сурудида наво айлади» шеърий жумласига кутилмаган тарзда улуғ шоир дунёсини, унинг мислсиз шахсияти ва руҳиятини ўзида мужассам ифодалаган шоҳ сатр мақомини беради. Акс ҳолда, Навоий мажлисининг таронаси дунё ташвишларидан, инсон дардларидан ўзларини фориғ тутган, ўйин-кулги, базм-маишатдан боши чиқмайдиган «тараб аҳлини йиғлатиш»га қодир бўлармиди? Шу тариқа, «дард суруди» – «тараб аҳли» муқобил тимсоллари орқали (тазод санъати воситасида) бетакрор мусиқий-лирик умумлашма лавҳа яратилади.

Ниҳоят, «наво» ташбеҳи муҳаббат дунёсини илоҳий эътиқод даражасида улуғловчи қутлуғ сўз – образга айланади. Шоҳбайт:

То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлубтур.

Навоий фақат буюк шоирларга маънавий ҳуқуқ берадиган фахрия усулидан фойдаланиб, мусулмонларнинг энг улуғ ва мукаррам китоби – «Қуръон» сўзлигига мурожаат қилади. Машҳур рус шарқшуноси Е. Э.Бертельс Навоийнинг ижодий даҳосига берган юксак баҳони энг одил ва комил фикр юксаклиги деб билсак (бундай даъвога етарли далил-асослар бор), «фасоҳат мулкининг соҳибқирони» – улуғ шоир хусусан ғазалиёти билан (аксарият ғазаллар «абадий мавзу» – муҳаббатга бағишланган) жаҳонда нисбати йўқ ишқ куйчиси, санъаткоридир. Шу маънода, Навоий: «Мен инсоннинг дунёвий ва илоҳий муҳаббати (ҳақиқатдан ҳам шундай) ҳақида шахсан дард чекиб, бу муқаддас оловда ёниб, ён- сам ҳам куйиб адо бўлмай битган барча мисраларим ёлғиз ошиқона, орифона, қаландарона шеър сатрлари эмас, улар муборак, муқаддас каломлар – «ишқ оят»ларидир» деб фахрланишга юз бор, минг бор ҳақлидир. Зотан, улар мана беш асрдан зиёд давр мобайнида, не-не пок, комил, фозил, солим инсонларнинг қанчадан-қанча авлодлари – чинакам «ишқ аҳли аро наво бўлиб» келгани ва шундай бўлиб қолажаги бизга бирдан-бир дахлсиз маънавий мерос – гўзал ҳақиқат эмасми?..

ЎН ТЎРТИНЧИ МАҚОЛАТ
МУСАВВИРОНА РАНГЛАР

Навоий кўнгли сувратхонаси чок бўлди сар то сар,
Чу анда жилва берди ул нигора нақшбин сурат.

Навоий ғазалиётида, аввало, рассомлик, наққошлик, меъморлик, китобат, хаттотлик, лаввоҳлик, саҳҳофлик ва халқ амалий санъатига оид махсус истилоҳ-ташбеҳлар, чунончи: нақш, наққош, нақшбанд, нақшсоз, суврат, тасвир, авроқ, сафҳа, лавҳ, килк, қалам, нуқта, китоба, зийнат, музайян кабилар; хусусан ранг турлари, жилолари: нилий, лолагун, шафақгун, фирузагун, ложувардий, ҳилолий, шингарфи, гулгун, гулфом, гулбун, шамъвор, сабзаранг, ол, сориғ, яшил, заъфарон, оқ, қора, симобранг, атласранг ва ҳоказо сифат ва сифатлашган сўзлар бошқа ташбеҳлар билан уйғунлик ва таносубликда ҳайратбахш, бетакрор лирик лавҳа, шеърий манзараларга айланади.

Навоийнинг беназир улуғ тасаввури, чексиз фазовий тахайюлида жилваланган маҳбуба турли шоҳбайтларда шоир-мусаввир чизган рангин «суврат»лар тарзида намоён бўлади. Шоҳбайт:

Неча килки тахайюл бирла бир суврат нигор айлай,
Анга ошиқ ясаб, кўнглумни андин беқарор айлай.

Реал ҳаётда инсон соғинч туйғуси туфайли дилдан яқин, чин ёр-дўст, маҳбуб киши қиёфасини ўз тасаввури ва хотирида аниқ жонлантириши ажабланарли ҳол эмас. Чунончи, интизор бўлиб, орзиқиб кутилган муҳаббатнома варақлари кўнгил ларзаси, жон титроғи билан ўқилаётганда – ғойибона мулоқот, ҳамрозлик дақиқаларида ўша таниш, қадрдон дастхат, мўътабар сатрлар, жонсўзу дилором калималар орасидан мактуб йўллагувчининг ўтли-изтиробли, умидвору илтижоли қиёфаси – қувонч ва ҳайратдан порлаган кўзлари, соғинтирган овози, ҳароратли нафаси, хумор нигоҳи – барча ошно, дилдор жиҳатлари бутун жозибаси билан жонланиб турмайдими? Албатта, дарддош, сирдош киши сиймосини хаёлан тиклашдек тансиқ бир ҳолатни ижодхонага хос яратиш дақиқалари билан тенглаш-тириб бўлмайди. Хусусан, гениал шоирларнинг хаёлхонасида қандай сирли-сеҳрли, қийноқли яратиш жараёнлари содир бўлмайди дейсиз? Эҳтимол, Гёте ё Пушкиндек дунёга машҳур шоирларга аёл гўзаллигининг хаёлдаги тимсолини чизиш у қадар мушкулотга айланмаган бўлур эди (уларнинг таржимайи ҳолида бир эмас, бир неча реал аёл фигурасини учратиш мумкин, ҳатто, ўша гўзалларнинг рангтасвир ва график портретлари ҳам ишланган). Навоийдек табаррук зотга келганда унинг тахайюл кўзгусида Хуросон ё Туркистоннинг қайси толеи баланд санами («Санамлар ҳуснидан мақсуд ёр ўлмиш Навоийга, Агар барлос, агар тархон, агар арлот, агар сулдуз») шарқона латофат ва тароват, ҳаё ва ибо тимсоли бўлиб гавдаланган экан? Қизларни ҳали балоғатга етмасиданоқ парда ичида сақлаш, қизлик назокати, иффати, номуси, шарм-ҳаёсини муҳофаза қилиш эл-улуснинг ахлоқий эътиқоди даражасига кўтарилган, тан-бадан, зоҳир гўзаллигига нисбатан руҳ, ботин гўзаллигига ортиқ қиммат бериш шеърий қоидага, анъанавий таомилга, халқнинг турмуш тарзига айланган (XIX аср цивилизацияси учун жуда эриш туюлган) бир шароитда ҳаммасини хаёлот оламига кўчиргани учун бу «валийсийрат» шоирга нима ҳам дея олардик? Боринги, Навоий ҳазратлари бўйига етган қизларни базўр кузатгани ҳаётда табиий ва муқаррар бир ҳол деб ҳисоблай қолайлик (тарихнавис ва адабиётшунос олимлар темурийлар саройидаги хонимойим-бекойимлар, мулозима-канизаклар юзи очиқ юрганлар дейишади; шунингдек, хеш-қариндошлар даврасида ҳайит-арафа, тўй-томоша, бошқа улуғ айём кунларида опа-сингил дугоналарга, келин-келинойиларга шоирнинг назари тушган бўлиши ҳақиқатга яқин). Лекин ёш йигитлик чоғидан ғариб хоксорлик қисмат насибаси бўлган, фариштадек покдомон, қизлардек ҳаё-иболи хулқу атворни маънавий-ахлоқий таомил деб билган Навоий то улуғ амирлик мартабасига етгунча, айниқса, гўзал қиз-жувонларни яхшироқ кузатишга ботина олган ё олмаганини тасаввур қилиш осон эмас; худди шундай муслималар ҳам бу табаррук зотга росмана очилиб, яъни бор ҳусну латофатини намоён этиб боққанларини тўла қаноат билан айтиш қийин. Тўғри, Навоийшуносликнинг шундай фарази – ишорати ҳам йўқ эмас: қисмат даргоҳида аҳли аёл – оила шамчироғи ёқилмаган бу беназир инсоннинг сирлилик пардаси ортидаги қайсидир маҳбуби бўлгани (ё бўлмагани) тахмин қилинади... Қисқаси, бу айтилганлардан қатъи назар, мазкур шоҳбайтда Навоийнинг ажойиб шахсияти, бошқа бирорта улуғ ижодкорникига ўхшамаган, илоҳий даражада юксак муҳаббат эътиқоди зуҳур этганига ким шубҳа қила олади? Шоирнинг қаҳрамони хаёлдаги васл қувончи – мулоқот дамларининг инъом-эҳсонини фақат ғойибона кечиради, йўқ, у ҳам шайдойи, ҳам бечора мусаввирга айланади-да, мўъжизакор «килк» – қилқалам билан ғаройиб бир суврат

чизмоқчи бўладики, бундан кузатилган мақсад – ўша сувратдаги гўзалнинг жозибасига муносиб «ошиқ ясаш», фақат шу йўл – хаёлий гўзаликка хаёлий шайдолик асари – «ҳикояти» ни яратиш билан ошиқ Навоий «кўнглини беқарор айлаш»... Шоир санъатхонасида гўзаллик қай даражада мўъжизакор жараёнда шаклланади!.. Хаёлдаги маҳбуб сувратининг бунёдга келиши қанчалик руҳий қийноқларга сабаб бўлгани бизга ҳам бир қадар аён бўла бошлайди. Дарвоқе, байтдаги «неча» сўзи ўша илоҳий тасвир – идеал «суврат» образини яратиш йўлида «жаҳон ораси» бўлган шоир-мусаввирнинг уриниш-изланишлари ҳали интиҳо топмаганига, эзгу мурод ҳосил бўлмаганига ишора эмасми? Эҳтимолки, улуғ санъаткор ўзи бир умр эътимод қилган васлсиз муҳаббат талқинида зиддиятли хаёлларни, азобли, лекин ёруғ орзу-армонларни, айни чоғда яратиш рағбати билан йўғрилган мураккаб руҳий ҳолатларни кечиргандир. Бу табаррук зотнинг неча-неча авлодлар қалбида ҳайрат, меҳр, фахр ҳисларини уйғотувчи, ўйга толдирувчи шахсияти, таржимайи ҳоли мана шундай мушоҳада, мубоҳаса юритишга асос бераётгандай бўлади.

Навоий қатор ғазалларида маҳбубанинг шеърий сувратини чизишда «нақш» ташбеҳидан фойдаланади (маълумки, «нақш», «наққош» сўзлари шарқ ўймакорлиги, ҳатто, мусиқа санъатида муштарак маънони англатади). Шоҳбайт:

Нақш сувдин чун бўлур зойил, ажабдурким, эрур
Йиғлағон сойи хаёлинг дийдаи гирёнда нақш.

Бу байт мувозана (оврупо шеършунослигида параллелизм) усули билан мунаққаш этилган, яъни наққошлик санъатининг махсус қонунларидан бири, аниқроғи, нақшинкорлик, сиркорлик (бўр, гипс, соз тупроқ, сиранч, елим, совлиқ сути каби унсурлар қоришмасидан тайёрланадиган ганч) асарини сувдан, нам-захдан асраш йўриқларига ошиқнинг ҳолати қиёсланади – зид қўйилади. Халқ амалий санъатига хос жараён билан муҳаббат туйғуси ёндош нисбат қилиб олиниши мувозана бўлса, муқояса объекти («нақш» ва «сув») билан ошиқ субъектининг ҳолати («йиғлағон»и, «дийдайи гирён» бўлгани) ўзаро зид келиши тазод санъатлари намунасидир. Шоҳбайтдан кузатилган асосий мақсад – ғоя иккинчи мисрада очилади. Лекин Навоий ҳар гал янгидан таҳқиқ этадиган бадиий мантиқ тақозосига кўра, биринчи мисра фақат муқояса воситаси бўлиб қолмайди, балки иккинчи мисранинг бадиий қурилмаси учун зарур унсур – оригиналлик мезонига айланади. Акс ҳолда, маҳбуб «хаёли» – шеърий тимсоли ўзига хос-индивидуаллик касб этмаган бўлур эди. Зотан, шоҳбайтнинг бутун жозибаси иккинчи мисрада рамзий маънода, такроран келган «нақш» тимсоли билан изоҳланади.

Ана энди байт мазмунини шарҳласак бўлади: ҳаётда сув – нақшнинг офати эканлиги айни ҳақиқат (ёғин-сочиндан, селу тошқин балосидан, шўрдан, айниқса, ножинс, нобоп одамларнинг, қайси замонда бўлмасин, жавобгар маъмурий шахсларнинг жиноятқорона лоқайдлигидан нобуд бўлган ё хатарли аҳволга келган меъморлик ёдгорликларида асосан «сув»дан, наму захдан етган зарар-офат миқёси ҳисобига таажжуб ҳол («ажаб- дурким») шундаки, ошиқ ўзининг бераҳм, бепарво маҳбуби ҳажрида қанчалар кўп ёш тўкса, унинг «хаёли» (тасвири) кўз лавҳида шунчалик тиниқ, ёрқин, комил суврат – «нақш»га айланиб боради. Яна ажаброқким, кўздаги бу муборак нақш асли кўнгилга битилган тасвир – севимли сувратнинг фақат зоҳирий ИНЪИКОСИ бўлса-чи? Ҳар қандай матога, ҳатто, мармартошга битилган нақш қачондир «сувдан... зойил» бўлиши аниқ, бироқ ошиқ кўзларига, унинг шайдойи кўнглига азал наққоши битган илоҳий суврат – маҳбуба «нақши»ни лоақал хира-

лаштира оладиган куч борми дунёда? Демак, ошиқнинг тўккан кўз ёшларисиз унинг «хаёли дийдайи гирёнда нақш» – тасвир яратишини, маҳбубнинг лирик-миниатюр сувратини тасаввур этиш имконсиз.

Аввалги байтда маҳбубанинг хаёлий тимсоли «нақш» ва «дийда» ташбеҳлари воситасида чизилган бўлса, бошқа бир ғазалда нақш – кўнгул – кўй тимсоллари силсиласидан ўзгача шеърий лавҳа яратилади. Байт:

Нақш этиб кўнглумга жаннат эврулурмен кўйинга,
Айларам бу навъ ила жаннатни кўюнг садқаси.

Бундай ғам-андуҳдан холи, шодмону навобахш руҳдаги, нисбатан кам учрайдиган байтлар ажаб бир оҳанрабоси билан ўзига тортади: кўнгил саҳифасида жаннат тимсолини яратиш! Ҳаётнинг баҳорий таровати («Чаман саҳифасида тараб сўзини яшил хат била ёзадир», дейди Навоий наврўз ҳақида ғазалларидан бирида), тонг чоғидаги шаффоф нашидаси, сафобахшлиги, аниқ, муносиб таърифига сўз топилмас муҳаббат шавқи, лаззати, шеърий рағбат ва илоҳий шукуҳи, чин дўсту анислар, азиз, пиру муршид зотлар мулоқоти, пурҳикмат, фасоҳатли суҳбати, ифтихор қилса, шукроналар айтса арзигулик покиза, беминнат, хайрбод хаёллар, муродлар, аъмоллар чиндан ҳам бани одамнинг эзгу идеали – «жаннат» маъносини англатмайдими, жаннатий эъзозу қадр сўрамайдими? Навоийдек валийсифат инсон ва улуғ ижодкор шундай фараҳбахш лаҳзаларни (гарчи улар қисмат хоҳишига кўра шахсий хаётида кам насиб этган бўлса-да) кечирмаганмикин?... Бевосита байт шарҳига ўтайлик. Шоирнинг қаҳрамони – ошиқ (ижодкор кайфияти қаҳрамон кайфиятига ўтмасдан қолмайди) кўнглида «нақш этган жаннат» қанчалар пурвиқору бетимсол эканини бир қадар тасаввур қилса бўлади, чунки бу бебаҳо маънавий инъом кимга аталгани маълум: бундай улуғ мукофотга фақат маҳбуба муносиб. Бас, ошиқ ҳаётининг маъноси, ишқий эътиқоди ва гўзаллик эътимодининг мужассам тимсоли бўлмиш ёр «кўйига садқа» қилинадиган жаннатдан ортиқ нима бўлиши мумкин бу оламда? Байтнинг бадиий жозибаси шундаки, шоир «жаннат» ташбеҳидан кузатган қутлуғ ниятни қандай изҳор этишга айрича аҳамият беради, бунинг учун «эврулурмен кўйига», «айларам бу навъ ила», «садқаси» каби халқона лутф билан йўғрилган ифодалар тузади (ширинсухан халқимизнинг тил хазинаси «жоним айлансин», «ўргулсин», «жоним – садақа» каби суюмли, эркалаб ардоқлагувчи нақл-ибораларга бой). Ана шундай нуктадон мутаносиблик, нозик бадиий мантиқ заминида (нақшсиз – кўнгил, кўнгилсиз – жаннат, жаннатсиз – садқа, кўйсиз – эврилиш маъносиз бўлар, ажойиб ифодавий силсила яратилмас эди) маҳбубага боқий умр ва фароғат тилаги изҳор этилаётгандай: «Айларам бу навъ ила жаннатни кўюнг садқаси».

Бошқа бир ғазалда яна ўша «нақш», ўша «кўнгил» ташбеҳлари. Лекин бу гал мувозана (параллелизм) санъати орқали санъаткор наққош гириҳлари (кесма, тугунли чизиқлар, мураккаб ва нозик бандлар) каби бетакрор шеърий лавҳалар яратилади. Шоҳбайт:

Кўнгулда нақш андоғ боғламиш бир нозанин суврат,
Ки мумкун эрмас андоғ тортмоқ наққоши Чин суврат.

Навоий учун бениҳоя азиз, ардоқли қаҳрамон – ошиқ кўнглида (баайни ўз кўнглида юз берганидай) «нақш... боғламиш бир суврат»ни дунёга донг таратган сувратчилар чиза олмасалар не ажаб? Хусусан, кўнгилдаги суврат, айниқса, ошиқ-рассом кўнглидаги севимли ёр тасвири... ҳеч қайси санъаткор мусаввир андоза ололмас илоҳий жозиба касб этиши кимни

шубҳалантира олади? Шоир муқояса-нисбат учун Чин наққошини олиши фақат анъанавий усул эмас. Айниқса, шарқ шеърияти ва бутун бадиий маданиятида Чин рассомлари қадимдан машҳур бўлганлар. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги мусаввир Моний, меъмор Боний, тоштарош наққош Қорун ҳам шу юрт фарзандлари (айниқса, Моний мактаби шунчалар шуҳрат қозонганки, шу заминда бутун бир фалсафий оқим пайдо бўлган). Демак, Навоий ошиқ кўнглида боғланмиш сувратнинг мўъжизакор санъат юксаклигида туришини махсус таъкидлаш учун ҳам унга энг юқори, дунёда тенги йўқ гўзаллик ҳодисасини қиёсий тамсил қилиб олади. Хусусан, биринчи мисрадаги ғаройиб мушоҳада («кўнгулда... боғланмиш бир нозанин суврат») беихтиёр улуғ шоир хаёлан умр бўйи излаган баркамол ва матлуб ёр тимсолига бағишланган рубоийнинг бир сатрини ёдга солади: «Кўнглум бир шўхким тилар – топилмас, нетайин».

Ғазалларнинг бирида киши қиёфасини хаёлан кўз ўнгида жонлантириб суврат чизишдек мушкулот – мураккаб психологик жараён лирик образга кўчирилади. Байт:

Мумкин эрмас чун назар оллида кўрмак сувратин,
Сафҳаи хотирға нақш этмай намудоре, нетай.

Албатта, «сувратин» ташбеҳидан, аввало, икки, қолаверса, уч ҳатто тўрт хил маънони англаса бўлади: маҳбуба суврати, унинг хаёлдаги тасвири, хаёлдаги гўзалнинг ўхшаши йўқ тимсоли. Лекин ошиқнинг тилаги, талаби бундай хос сувратни «назар оллида кўрмак» – аниқ чизгилари, бетакрор қирралари билан гавдалантирмакдир. Бунинг учун маҳбуба тимсоли «хотир (дил, кўнгил, ботин) сафҳасиға» битилган бўлиши керакки, бунинг имконсизлиги ҳасрат тўла «нетай» сўзидан аён бўлади. Хуллас, бу гал аввалги шоҳбайтдаги мўъжизали ҳолнинг бутунлай акси бўлган нажотсиз вазият юз беради. Начора? Табиатда, ижтимоий ҳаётда бўлгани каби ошиқнинг (балким шоирнинг ҳам) хаёлот осмони доимо бирдай тоза – булутсиз бўлиши имконсиз. Кўз, назар – кўнгилнинг кўзгуси. Кўнгил баҳрида ишқ тўфони туғён қилган кезларда «назар оллида сувратин кўрмак... мумкин эрмас» бўлса не ажаб? Ошиқ аҳли учун қисматнинг инъому мукофотларидан кўра ранжу озорлари зиёда, эканининг боиси ҳам ўша «мумкин эрмас» васл фалсафаси билан боғлиқ эмасмикин?

Бу шафқатсиз ҳақиқатни бошқа мисоллар ҳам тасдиқлаши мумкин. Шоҳбайт:

Сувратинг кўрмак таманно айлабон, кўрмай ҳануз,
Оллима юз минг ажаб суврат келурни билмадим.

Ўзининг кўнгил шамчироғи – «дилситони» бўлган маҳбуби фироқида кечани субҳидам билан, кунларни ойлар билан улаган ошиқ учун «сувратини кўрмак таманноси» – хаёлан дийдорлашув ўзи қанчалик умид, таскин, қувонч, рағбат бағишлаши мумкин... Лекин қани ўша «кўнгли тилаган мурод» (Бобур)нинг ҳосили – маҳбубанинг бенисбат тасвири акс этган «суврат»? Бу ягона орзу тимсоли оворасида дуч келган «юз минг ажаб суврат» – эҳтимол, улар фақат суврат эмасдир, балки турфа савдолар ҳамдир – ошиқ аҳволини янада мушкуллатиши мумкин. Эҳтимол, шунчалар рангин «ажаб суврат» қисмат золининг жодуси – макр ўйини, синов усулидир. Акс ҳолда, нечун ошиқ матлуб сувратни «ҳануз кўрмай», тополмай изтироб чекади, эзгу истак («таманно») оқибатини «билмай» тўлғонади? Бас, бу гал ҳам аввалги шоҳбайт билан руҳий муштараклик бор: асли «сафҳайи хотирға» битилмаган бўлса, «юз минг ажаб суврат» бўлсин, умид ўрнига ранжу алам олиб келиши мумкин.

Баъзан орзу қилинган маҳвашнинг суврати нигоҳ етмас самовий олисликдан юлдуз мисол тажалли этса-да, моҳиятда ошиқ учун бу озорли эмас. Байт:

Кўз тутар эрдим қалам киприкларимдин боғла деб,
Гар азалда кўрсам эрди, сувратинг наққошини.

Байт замирида бундай илоҳий ҳусн соҳибаси – маҳбуб сувратини чизишга қалам ожиз, бунга истеъдоди, маҳорати етадиган сувратчи дунёда йўқ деган, ифрот санъати билан музайян этилган фикр зуҳур этади. Лекин байтнинг жозиба – оҳанрабоси шундаки, бу гал ошиқнинг дард-ҳасратлари эмас, балки камоли ҳайрат ва фидойилик туйғулари ифодаланади, бундай оғриқсиз кайфият мардона руҳий ҳолат, айниқса, биринчи мисрадаги нозик нуктадон лирик лавҳада ёрқин аксини топган: «Кўз тутар эрдим, қалам киприкларимдин боғла деб». Иккинчи мисрада эса «азал», «сувратинг наққоши» ташбеҳлари орқали абадият қонунлари, чегара билмас гўзаллик қонунлари олдида инсоннинг улуғ ва шарафли ўрни, муҳаббатнинг ўзи мўъжизакор-сирли дунё эканлиги ҳақидаги фалсафий-лирик хаёллар мухтасар рамзий образда умумлаштирилади.

Бошқа бир ғазалда «суврат» тимсоли тажнис санъати орқали мусулмон эътиқоди сарҳадларидан бемалол чиқадиган умумбашарий идеални улуғлашга хизмат қилади. Шоҳбайт:

Агар суврат будурким, сендадур, эй гул, йироқ эрмас,
Ки мундин сўнг парастиш айлагайлар, аҳли дин суврат.

Бу байтда маҳбуба «суврати» анъанавий маънодаги тасвирий ранглар, оҳанглар, усуллар доирасидан чиқиб, кутилмаган тарзда насроний (христиан) эътиқоди рамзига айланади. Навоий даврида Хуросонда, Араб ва Ажам мамлакатларида шарққа хос насроний мазҳабидаги тарсолар, кўпчиликни ташкил қилган мусулмон аҳолиси орасида ажралиб туриш учун белларига зуннор боғлаб юрганлар, демак, уларнинг ўз бутхоналари ҳам бўлган, бутхонани эса санам (бут)лар ва «муқаддас» сувратларсиз тасаввур қилиш қийин. Гарчи Навоий ватанидан ташқари чиқмаган бўлса-да (Аттор, Румий, Деҳлавий, Жомий каби устозлар лоақал ҳаж қилиш сабаби билан катта-кичик шаҳарларни кўрганлар), турли муносабат-мулоқот туфайли, балки Жомий каби яқин мусоҳиблар орқали Исо, Биби Марям, (бошқа анбиё ва авлиёлар суврати ҳақида билвосита, эҳтимол, бевосита) маълумот олганига шубҳа йўқ... Ана энди байт шарҳига қайтсак бўлади. Улуғ шоир, ислом дини арконларидан саналган мутафаккир, айрим даҳрий олимлар талқин қилганларидай, «тарсо», «зуннор», «санам», «дин ғоратгари», «номусулмон», жумладан, «суврат» (насроний талқинида) каби ташбеҳларни қўллаш билан даҳрийга, шаккокка айланиб қолмайди. Аввало, бу кўп асрлик анъанага айланган, шеъриятнинг шартли-рамзий бир усули, қолаверса, диний истилоҳлар муқаддас, илоҳий тушунчаларни ифодалагани учун ҳам, майли, киноялы-полемик (мубоҳасали) оҳангларда келсин, шоир кузатган мақсад учун энг кучли, жозибали, теран маъноли восита-нисбат вазифасини ўтайди. (Сўнгра ислом фалсафаси, маданияти, унинг бой қомуси сўзлиги то ҳануз бузиб талқин қилинганидай, бошқа диний эътиқодларга, сўфиёна ҳурфикрлиликка асло зид эмас, аксинча, унинг умумбашарий руҳий маданият, фалсафий ва бадиий тафаккур билан, уларнинг турли меъёрлари – чексизликлари, масштаблари, теранликлари билан ўзаро яқин, муштарак жиҳатлари кўп...

Мазкур шоҳбайтдаги «суврат» тимсоли ҳам моҳиятда умуминсоний идеалнинг шеърий ифодасига айланади. Биринчи мисрадаги: «Агар суврат будурким... йироқ эрмас» сўзлари билан маҳбуба суврати, аниқроғи, сувратдаги малак (христиан эътиқоди тақозоси билан) илоҳийлаштирилади, бунда беихтиёр Леонардо да Винчи ё Рафаэль мўйқаламига мансуб гениал асарлар – аёл образлари ёдга тушади. Иккинчи мисрадаги «...парастиш айлагайлар аҳли дин, суврат» сўзлари зоҳиран қараганда: бу – ислом аҳлини сувратпарастга айлантириши мумкин, деган қалтис маънони англатади. Лекин, бу фавқулодда журъаткор фикр фақат шеърият, санъат қонунлари нуқтайи назаридан ҳаққоний ва жозибали бўлиб, моҳиятда на ислом эътиқодини, на ислом аҳлини (аниқроғи, мусулмон ошиқларни) асло камситмайди, фақат бунда аввал қайд этилган умуминсоний ғоя: муҳаббат туйғулари дунёдаги энг комил эътиқодларни ҳам (улар монелик қилганлари тақдирда) тан олмаслиги мумкин, деган ҳурфикрлилик зуҳур этади.

ЎН БЕШИНЧИ МАҚОЛАТ
АФСОНАВИЙ-ТАРИХИЙ ТИМСОЛЛАР

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким – Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Бежизмаски, иштибоҳ, иккиланиш ҳолатлари, эҳтимоллик, тахминийлик аломатлари инсон заковати ва хаёлотининг кўп асрлик тажрибасида синалган, бу – не-не донишманд, ориф зотларнинг бошини қотирмаган. Фанда (айниқса, психологияда) махсус соҳага, доимий муаммолардан бирига айланган, аксинча, маълум шубҳалардан холи мутлақо билимдонлик даъвоси маҳдудликнинг бошқача кўриниши сифатида баҳоланган. Албатта, бу асосан мантиқий-таҳлилий тафаккурга хос соғлом, тийрак ҳукмлардан. Ҳиссий-образли тафаккур учун ҳам истисно ҳолат эмас. Санъатга, шеъриятга хос сирли-сеҳрли, ҳиссий-руҳий жараёнларда ва шуур қонунларига унчалик итоат этавермайдиган, реал ҳақиқатга нисбатан ҳар доим мувофиқ ва мавзун келишига ҳеч ким кафолат беролмайдиган хаёлот ва ҳиссиёт эркинликлари, эркаликлари, ўша иштибоҳ, иккиланиш ёки «чиройли хато» оҳангларида ифодаланишини кузатиш мумкин. Шоҳбайт:

Гар каломингни Масиҳ анфоси дедим, эй ҳабиб,
Айб қилмаким, ғалат гоҳи тушар «Куръон» аро.

Албатта, бу ерда Навоий ишлатган шеърий лутфда иштибоҳ ё хато оҳанги фақат восита хизматини ўтаяпти. Зоҳиран кузатилган асосий мақсад (маҳбуба сўзларининг қудратига муносиб баҳо бериш) аниқ, тафсилий кўриниб турмаса ҳам, сатрлар руҳидан – моҳиятидан англашилади: бахтиёр ошиқ учун ёру «ҳабиб»ининг улуғ илтифоти айтган сўзлари «Масиҳ анфоси» (нафаси)дан беқиёс даражада ортиқ, соҳир, мўъжизакор, илоҳий!.. Дафъатан ҳаяжон ва тараддуд ичида хаёлга келган ташбеҳни «ғалат» дейиш, айниқса, буни «Куръон»да учрайдиган баъзи саҳв паришон нуқталарга нисбат бериш орқали нафақат маҳбуба сиймоси, айни чоғда ўша «гўзал хато», иштибоҳ объектлари (Масиҳ, «Куръон») ҳам улуғланаётгани сезилиб туради.

Навоий анъанага кўра гоҳ афсонавий фигуралар маъносини, гоҳ тарихий шахслар ё объектлар номини бадиий муқояса-нисбат сифатида истифода этар экан, буни фақат сўз фа-

соҳати, рангинлиги, жозибадорлиги учун қилмайди. Балки муайян ижтимоий, маънавий идеали – инсоний ё ишқий маслаги, матлаби, эзгу хаёли, хотироти, дардли ҳолати, кайфиятини ижодий эҳтиёж даражасида ёрқин ва мухтасар ифодалашга йўналтиради. Байт:

Навоий бўлмасиға озими Ироқу Ҳижоз
Магар назоҳати мулки Ҳирий эрур боис.

Аввало, шоирнинг Ироқу Ҳижоз сафарини тилга олишига не боис бўлди экан? Айниқса, Навоийдек улуғ давлат ва маданият арбоби, маърифат ва ижод ҳомийси учун ечими осон бўлмаган бундай саволда гениал санъаткорнинг турли жанрдаги асарларидан кўплаб жавоб-сатрлар топиш мумкин (лоақал икки байт мисол келтирайлик: «Эй, Навоий, истасанг давр аҳли зулмидин халос, Ур фано даштига гому бора олгунингча бор»; « Ўз диёримда бузуғ кўнгул не янглиғ тўхтасун, Ким эрур бегона – ҳам аҳбоб мендин, ҳам ҳабиб»). Лекин муҳими, биринчи мисра замирига яширинган нозик маъно – фақат Навоий шахсиятига хос чуқур андиша ҳиссидир: у қанчалар шикастаҳолу фидойи, сабр-қаноатда яктолардан бўлмасин, «давр аҳли»дан етган турфа усулдаги озору ситамлар, таънаю маломатлар туфайли ниҳоятда мушкул – дилтанг ҳолга тушиши муқаррар эканлигига, ҳатто узоқ-узоқларга бош олиб кетиш хаёли билан қаттиқ изтироб чекишига шубҳа қилиб бўладими? Шунга қарамай, ҳар қандай мағрур, исёнкор, аламнок кайфиятдан – ўша одил ҳакам – элу юрт андишаси ғолиб келса-чи? Аниқроғи, она Ҳирот меҳри ва дардлари барчасидан фузунроқ бўлиши, унинг ботинини, руҳини турли ғуссалар ғуборидан поклантирувчи, кўнглига равшанлик бахш этувчи илоҳий бир маъво – «назоҳат мулки» бўлиб туюлиши табиий ҳолдир. Алалхусус, Навоийдек адолатпаноҳ, фуқаропарвар арбоб, мутафаккир ва мураббий зот учун барча инсоний андишалардан Ватан манфаати ортиқ ва устувор бўлса, не ажаб!..

Нафақат христианлик минтақаларида, балки мусулмон дунёсида ҳам афсонага айланган Исо – Масиҳ образига (эҳтимол, бу фожеъ ҳикоятнинг муайян даражада тарихий асоси йўқ эмасдир) шоир такрор-такрор мурожаат этмасин, ҳар гал бири-биридан жозиброқ лирик лавҳалар яратади. Шоҳбайт:

Кўп Масиҳодин дам урма, қил ҳаётингни туфайл –
Ангаким, топмиш Масиҳ онинг туфайлидин ҳаёт.

Улуғ шоир шеърий тафаккур ва хаёлотнинг чексиз имкониятларини истифода этгани ҳолда анъанавий тимсол орқали ўз қаҳрамони – ошиқни МУҲАББАТ отлиғ буюк қудратнинг оддий фарзанди сифатида, маҳбубани эса нафақат барча дард аҳлининг тириклигига сабабчи – яратувчи даражасида улуғлайди, айни чоғда жонсиз танга қайта жон бағишлашга қодир мўъжизакор нафасли Масиҳнинг ўзи ҳам ўша ғаройиб илоҳий қудратдан «ҳаёт топган» (бунда, эҳтимолки, Исонинг тирилиши ва (самовотга кўтарилиши ҳақидаги ривоятга ҳам ишора йўқ эмасдир). Хуллас, мутафаккир шоирнинг ўзига хос ишқий фалсафасики дунёвий муомала тилига ўгирганда, маҳбуба – гўзаллик ва муҳаббат омили; ошиқ-инсоннинг тириклиги, қисмати, аъмолига нимаики битилган бўлса – ҳаммаси учун унинг меҳри – эҳсони, шафқату марҳамати сабаб бўлган, демак, у кўнгил мулкини ўзгартиришга қодирдир...

Ғазалларнинг бирида маҳбуба лаъли таърифида кутилмаган тарзда Исо ҳақидаги ривоятнинг икки муҳим жиҳати қаламга олинади. Байт:

Лаъли не қондиндурур, невчун ҳадис этмас дема,
Не ато бордур Масиҳога, не фарзанд, эй кўнгул.

Шеъриятда, хусусан, классикада бир сўз – ташбеҳ ортига, замирига бир неча маъно яшириниши ажабланарли эмас, акс ҳолда, шеърий нутқ ва ифода жозибасига жиддий футур етиши мумкин. Навоий маҳбуба «лаъли»ни бир йўла қонга (лаб рангига нисбатан), ҳадисга (сўзлаш қобилияти эътибори-ла), Масиҳга (жон бағишловчи илоҳий қудратга қиёсан) тамсил қилади. «Лаъл»нинг қонга дохил аломати («не қондиндурур») шеърий нисбатлаш анъанасида, эҳтимолки, учратилмаган ҳол. Унинг «невчун ҳадис этмас» лиги – сўзламаслиги ҳам асли зоти – қонига, тўғрироғи, Масиҳ каби на ота зоти, на зурриёти – фарзанди йўқлигига бориб тақалса керак. Ана шундай мураккаб ифодавий силсила орқали маҳбуба Масиҳнинг кенг анъана бўлган жонбахш хусусиятига эмас, балки зот жиҳатдан яктолигига (онаси биби Марям бундан мустасно) қиёс қилинади. Шу тарзда шоирнинг қаҳрамони – ошиқ «кўнгли» тилагига кўра маҳбуба сукутли Масиҳ тимсолида, унинг кутилмаган сифати воситасида (талмеҳ санъатининг оригинал кўриниши) ғаройиб лирик лавҳа яратилади.

Бошқа бир байтда Масиҳ билан Хизр образлари маҳбуба фидойилари тарзида берилади:

Йўқ менинг, балки Хизр бирла Масиҳо жони,
Чашмаи нўш аро жонбахш зулолингға фидо.

Ошиқ маҳбубининг ширин лаби («чашмаи нўш») садқаси учун шахсан ўз жонининг қиммати, эътибори йўқ деб билади. У шундай илоҳий эъзоз ва баҳога лойиққи, ҳатто жонсизларга ҳаёт ато этувчи Масиҳнинг жони унга фидо бўлса, камлик қилади, абадий тириклик сувини ичган Хизр фақат маҳбуба учун боқий умр лаззатидан кечиб, ўша тенги йўқ соҳибжамолнинг «жонбахш зулолига» Тангри инъомини фидо қилса арзийди. Зеро, маҳбубанинг «чашмаи нўш аро жонбахш зулоли» унга жон фидо қилганларга қайта ҳаёт бағишласа ажаб эмас (уни «жонбахш» деб аташлари бежиз бўлмаса керак). Хуллас, Масиҳ, Хизр тимсоллари орқали улуғ шоир маҳбуб сифатларига, кенг маънода инсон гўзаллиги- га руҳий чексизлик, маънавий қиммат, барҳаётлик тилайди, бу анъанавий талмеҳ санъатига ҳам ўзига хос жозиба бағишлайди.

Бошқа ғазалда Хизр тимсоли кутилмаганда бўлакча мақсадга хизмат қилади – ғазалиётда деярли учрамаган бир ҳол – севимли ёрдан абадий узоқлашиш истагининг ифодасига айланади. Байт:

Комим ўлмоқдур ҳабибимдан йироқ,
Гар худ ўлсун Хизрча ёшим менинг.

Улуғ шоирнинг аксарият ғазалларида замон аҳлидан етган озор, одамларда инсоф, мурувват кўтарилгани, меҳр-вафодан нишон йўқлиги учун улусдан қочиб қутулишдан ўзга чора қолмагани кескин, аёвсиз ташбеҳларда ифшо этилади («Парим бўлса учуб қочсам улустин то қанотим бор, Қанотим куйса учмоқдин, югурсам то ҳаётим бор»). Ва аксинча, шоир қаҳрамонининг тахайюл оламида пайдо бўлган ёр баъзан фазовий олисликда бўлса ҳам, кўнгил у томон талпиниши, унинг ёди билан нафас олиш, суврат - тимсолини бир дам бўлсин хаёл кўзгусидан нари қўймасликни Худодан ёлбориб сўраш («Ё Раб, ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама») – бундай фидойи оҳанглар ошиқнинг матлаби, тилаги, армони

эмасми? Дарвоқе, «ҳабиб» сўзи дўст маъносини ҳам англатади, лекин одатда кўпчиликка нисбатан «аҳбоб» тарзида қўлланади. Бас, мазкур байтда «ҳабиб» – севимли ёр маъносида келган экан, ошиқ нечук у билан аввалгидай хаёлий мулоқотдан ҳам абадул-абад («Гар худ ўлсун Хизрча ёшим менинг») фориғ бўлишни истайди. Байт руҳидаги қаттиқ озор оҳангини, Навоийнинг ўзи кексалик деб атаган ҳаётининг сўнгги йилларига татбиқан мулоҳаза қилиб кўрсак, аҳли аёл (оила) меҳрини, рўшнолигини билмай ўтган том маънода валий шоирнинг руҳий ҳолати драматик мушкул чизиққа бориб етгани маълум бўладики, шундай умидсиз, нажотсиз бир кайфият инъикоси сифатида ногаҳонда ўзининг ишқий идеалига зид мисралар туғилган бўлиши ажабланарли ҳол эмас. Бунга жаҳон шеъриятида мисоллар етарли. Хуллас, бу гал Хизр тимсоли, эҳтимол, ўзининг ҳаёт ғуссаларидан, майли, ғойибона, бир неча лаҳзага халос этувчи руҳи зиддига Навоий сиймосининг мунгли бир қирра – чизгиси учун хизмат қилади.

Мутафаккир шоир қатор шоҳбайтларида афсонавий тимсоллардан Қоф, Нуҳ, Сомир, Сулаймон, Марям, Жамшид, жуғрофий атамалардан Миср, Араб, Ажам, Чин, Хуросон, Жайҳун, Фирот (оврўпаликлар тилида Евфрат), Албруз, Астробод, Каъба ва бошқа ташбеҳларни турли шеърий санъатлар воситасида ҳар гал ўзгача-рангин образга, лирик манзарага, шеърий лавҳага айлантиради. Шоҳбайт:

Тилар кўнглум қуши Анқодин ўтса нари юз водий,
Мунунгдек сайр этарга Қофдин ортуқ саботим бор.

Бу шоҳбайт шарҳида шоир қаҳрамонини бевосита Навоий шахсига нисбат берсак, хато бўлмас. Фақат Навоийнинг бениҳоя озурда кўнгул қуши беҳад азиз масканини ташлаб, узоқ-узоқларга, на одамзод, на улар билган қушлар бориб етмаган манзилларга, ҳатто афсоналардаги «Анқодан... юз водий нари» – фазовий «водий»ларга парвоз қилишни тилаши мумкин. Лекин дард-аламнинг зўридан фақат узоқларга бош олиб кетиш истагининг ўзи кифоя қиладими? Ана шундай қудратли замин сифатида фақат Анқо қуши каби афсонавий Қоф (Сулаймон пайғамбар Тангри хоҳиши билан шамолу бўронларга ҳам қўналға макон қилган, ер куррасини ўраб олган афсонавий тоғ тизмалари) сингари, йўқ, ундан «ортиқ сабот» керак бўлади. Бундай қатъий, барқарор ирода-бардошни фақат Навоийдек нафс, ҳирс, ўзлик, жоҳу мол кишанларидан батамом фориғу озод кишигина тасарруф этиши мумкин, шу маънода Навоий «кўнгил қуши»нинг фавқулодда журъатли, фазовий чексизликка парвоз қилиш истаги шеърият мантиҳи нуқтайи назаридан тўла асосга эга. Хуллас, улуғ инсоний дард куйчиси Навоий хаёлларининг миқёси ва шиддати учун Анқо, Қоф каби афсонавий тимсол-нисбатлар бамисоли оддий, матлуб воситага айланади.

Куйидаги сатрларда ошиқнинг ҳажр изтироблари «дафъи» учун хизмат қилиши мумкин бўлган икки дарё кутилмаган лирик ҳолат-манзара яратади:

Ашк тўкмакдин қуруғоч икки кўз, куйди кўнгул,
Дафъиға ўтнинг бу Жайҳуну Фиротим йўқ эди.

Курғоқчилик бўлмаса, тўқайга бекордан ўт тушмайди. Айни чоғда ҳар доим ҳам ўт балосини сув билан дафъ қилиш қийин. Албатта, ишқ дунёси, ушшоқ қисмати бошқа. Ҳажр ёшлари тўкавериб, кўзлари қуриганда жафодийда ошиқнинг аҳволи ўнгланмайди. У йиғлаганда маълум даражада аламини енгиллатар, кўнгил ҳасратларини ёзар эди. Энди нима қилади? Кўзлари ҳам ҳайрон. Кўнгил ўз дарди билан ўзи қийналади, жон изтиробда тўлғана-

ди. Интизорлик, соғинч, алам, хўрлик, зорлик, гуноҳкорлик, иштибоҳ (ботиний), нола, унсиз фиғон, тилсиз муножот (ёлбориш), садосиз нидо, нажотсиз умид, илинж, армон – бахтсиз муҳаббат қисматининг турфа озору азоблари эркинлик йўлини тополмай, қафас ичида ортиқ чидаб туролмай тутоқади, ёнади, аланга олади, ниҳоят, кўнгил отлиғ сирли хилқатнинг тўрт жиҳатига туташади. Фақат дард аҳлининг ўзи биладиган, назардан пинҳон бундай самовий-илоҳий ўтнинг аёвсиз хуружларини ҳатто икки буюк дарё суви дафъ қилишга қодирмикин (умуман, бундай руҳий оташни сув билан ўчириб бўладими)? Навоий «Жайҳуну Фиротим йўқ эди» дейиши шу имконсизлик ифодаси эмасми? Эҳтимол, улуғ шоир хаёлидаги бу ошиқнинг жисми, жони, кўнгли, руҳияти ҳам бошқача – илоҳий унсурлардан йўғрилгандир – афсоналардаги каби ўтда куймас, сувда чўкмас, тоғ қуласа босмас хислатлари билан бизнинг тасаввур, хаёл ўлчовларимизга сиғмас. Навоий «икки кўз» - икки дарё, «кўнгул», «ашк» (кўз ёшлари), «ўт» ташбеҳлари орқали оддий инсон кечириши мушкул туйғулар замзамасидан (таносуб, тазод санъатлари воситасида) ғаройиб лирик лавҳа-образ яратади.

Бошқа бир шеърда ғазалиётнинг икки кўчма сайёр образи икки мамлакат воситасида очилади. Байт:

Келди Ширин била Лайли санга ҳайрон, гарчи
Бу иков ҳасратида эрди Ажам бирла Араб.

Маълумки, Навоий ўзи хаёлан яратган маҳбубанинг ватани ўша замонда икки ном билан аталарди: Хуросон ва Мовароуннаҳр (ёки Туркистон). Улуғ байналмилал эътиқод ва мушоҳадага эга бўлган мутафаккир шоир турли эл, элат, мамлакат, қитъа фарзандларини инсонликда тенг тутгани ҳолда ўз юртининг ватанпарвари сифатида, асосан, турк-чиғатой тилида ёзди ва турк тилини тараннум этди. Шеърият санъатининг синалган васф усулидан ижодий фойдаланиб, айни чоғда ўз илҳоми, шавқ-рағбати, ният-муддаоси амри – илоҳий қалам кучи билан қадрдон элатдоши – орзу малаги, хаёлнинг мужассам тимсоли бўлган ўша турк гўзали турли иқлимларда шуҳрати кетган гўзаллардан (майли, аслан) ортиқ бўлса борки, асло кам эмас, деган самимий ишонч, ғурур, руҳий қаноат ҳислари билан яшади. Юқоридаги шоҳбайт ана шундай эзгу ниятнинг Алишерона шеърий хаёл нури билан жилоланган намунасидирки, ана энди унинг мазмунини мухтасар ҳолда шарҳлаб ўтсак бўлади: Навоий хаёлида яратилган Хуросон ё Туркистон гўзалининг таърифи ва довруғи не-не соҳибжамолларга бой бошқа мамлакатларга бориб етди; чунончи, ўша тилларда достон бўлган Ширину Лайлилар унинг малоҳати ва латофатидан лолу ҳайрондирлар, ҳолбуки, ҳанузгача бутун Ажам, бутун Араб «бу иков ҳасратида» кундузлари тийра, тунлари бедор ўтарди... Икки ошиқ ва шайдо мамлакатнинг гўзаллик маликалари бундай рақобатга қандай дош берадилар?.. Талмеҳ санъати билан оро берилган бу шоҳбайтда оддий, анъанавий ташбеҳлар орқали бетакрор лирик образ лавҳа яратилади.

Ғазалиётда маҳбуба ҳуснининг таърифи билан нозу ғамзалари тасвири бир-бирини тўлдиргани ҳолда, унинг портрет чизгилари тикланади. Шоҳбайт:

Қайси соҳирким дедиким: «Сомирий шогирдимен»,
Деди ғамзангким: «Эрур шогирдим – устозинг сенинг».

Дунёдаги барча гулчеҳралар, лоларуҳлар, ойюзлилар ғамзаси... Ўзи нима бу? Атиргул ёки гули раънонинг хори (тикони) каби гўзалликни ёмон назардан ё қилмишдан муҳофаза этувчи восита – қалқонми ё бошқа сири, сабаби борми? Эҳтимол, фақат соҳибжа-

молларга мансуб, ўшаларгина билиши, тугал эгаллаши мумкин бўлган сеҳргарлик касби, санъатидир; эҳтимол, бу ушшоқ аҳлининг дарди каби маҳбублар кашф қилган ғаройиб ва ғойиб илмдирки, ҳар бир гўзал ўз «изланиш ва кузатиш»лари билан унинг ривожига ҳисса қўшар... Навоий ўзининг хаёл тимсоли бўлган маҳбубасининг бечора ошиққа кўрсатаётган ғамзалари кучи, таъсири ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун афсонадан фойдаланади. Мусо алайҳиссалом замонидан машҳур бўлган сеҳргар Сомирий ҳамон – шоирнинг қаҳрамони яшаган даврда ҳам соҳир ҳисобланган. Лекин маҳбубанинг афсун-ғамзаларидан Сомирий шогирдлари ҳам ҳайрон. Навоий мувозана (параллелизм) усулидаги савол-жавоб билан ўзи кузатган мақсадни иккинчи мисрада ғоят мухтасар, ёрқин лавҳада ифодалайди: «Деди ғамзангким: «Эрур шогирдим – устозинг сенинг». Бу – маҳбуба образига ўзгача сеҳр-жозиба бахш этиш усулларидан бири, шоир қаламининг мислсиз қудратидан яна бир далолатдир.

Ниҳоят, мусулмонлар учун энг муқаддас эҳром – Каъба ташбеҳи воситасида гуманистик моҳияти ва бадиий-образли жозибаси билан беназир лирик лавҳа яратилади. Шоҳбайт:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким – Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Худога шукур, ҳақиқатни (жумладан, дин-иймон сўзини) айтишга тараддудланиб, ортиқ ҳадиксираб, не-не андишага борадиган кунлар орқада қ олди. Ҳақ сўз шуки, ҳазрат Навоий тилга олган бунингдек муборак сўзларнинг чин маъно ва қиммати, шак-шубҳасиз, ислом таълимоти, ахлоқи билан, илғор тасаввуф ғоялари билан, муҳими, уларни одамлар не чоғлиқ англаб етиши, бу сўзлардан қанчалик таъсирланиши билан боғлиқ. Ҳатто, классик шеърият билан озми-кўпми мулоқотда бўлган хуштаъб китобхон ҳам жамиятимизда (эҳтимол, зоҳиран) кўпчиликни ташкил қилган даҳрий-материалистлар билан ёнма-ён яшагани, ишлагани ё ўқигани учун кечагина ислом ва сўфиёна шеърият сўзлигига муносабатда ўзини сақлашга, эҳтиёт бўлиб, тилини тийиб гапиришга одатланган эди. Маълумки, Қуръон, Ҳадис сўзларигина эмас, масалан, кенг муомаладаги кўнгил, дил, руҳ, ҳол, иймон, ихлос, ҳалол, пок, савоб, тавоф, хайрия, эҳсон, закот, муножот каби сўзлар ислом фалсафасида, сўфизм символикасида ўзига хос теран маъноларда талқин қилинади (уларда дунёвий, инсоний маъно билан руҳий, илоҳий моҳият бир-бирини тўлдиради). Шунингдек, исломиятнинг энг муқаддас эҳроми Каъба фақат биринчи даражали азиз қадамжо зиёратгоҳ, энг табаррук замингина эмас, айни пайтда иймон-эътиқод, поклик, комиллик рамзи, фано ва бақо бутунлиги, руҳ гўзаллиги тимсоли ҳамдир. Шунинг учун бу қутлуғ калом шеъриятда энг мукаррам, мўътабар тушунчаларни ифодалашда бадиий нисбат сифатида олинади. Масалан: «Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи, қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси». Шубҳасиз, ҳар бир яхши ниятли, пок хилқатли кишининг кўнглини сифатлаб келиши мумкин бўлган бу ташбеҳ, очиғи, комил мусулмон – иймони бутун кишиларга нисбатан айтилса, ўзининг чинакам, муносиб даражада юқори қадрини топиши мумкин. Энди бевосита юқоридаги шоҳбайт мазмунини мухтасар шарҳлашга ўтсак бўлади. Навоийнинг одамзод болаларига меҳр-шафқатда тенги йўқ қаҳрамони – ориф бир бегуноҳнинг кўнгли бузилганини кўрса – ўзининг ҳам кўнгли бузилади, дунёнинг ободлиги кўзига кўринмайди, то ўша озурда ҳол дилига чироқ ёқувчи сеҳрли, хайрли сўз топилмагунча оромини тополмайди. Шунинг учун ҳам шоир Ҳотамтой саховатидан ортиқ бўлган бундай маънавий ҳиммат, руҳий мададни энг босавоб ва беминнат бир жасорат – «Каъба вайрон бўлса, обод айламак» билан тенг («онча борким») деб билади. Лекин шуниси ҳақиқатдирки, Каъба сўзининг нечун муқаддас

эканини, унинг илоҳий маъносини озми-кўпми идрок этолган чин мусулмонгина хоҳ ўз динидаги, хоҳ тарсо ё бошқа эътиқоддаги башар фарзандининг дардига дарддош бўлиши мумкин. Демак, инсоннинг инсонга яхшилик, мурувват қилишида, меҳр-шафқат кўрсатишида иймон бутунлиги, эътиқод устуворлиги белгиловчи вазифани адо этади.

Аксинча, турли лавозимдаги, ҳатто, номдор, лекин иймони заиф, виждони ғофил кимсалар инсон дардига муносабатда ўзларини тағофилга соладилар... «Бир кўнгли бузуғ», «Каъба вайрон» ибораларидан шоир кузатган мақсад ҳам шу – иймонга даъват эмасми? Хуллас, ҳаёти ва ижодиёти билан бениҳоя табаррук бўлмиш Навоий мазкур шоҳбайт орқали дини исломнинг инсонга меҳр-шафқат, муқаддас тушунчаларга камоли эътимод (ишонч) руҳидаги таълимотига шеърий сайқал беради...

ЎН ОЛТИНЧИ МАҚОЛАТ
«КЎНГУЛ ДУРЖИ»ДАГИ ИНЖУЛАР

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ, андоғки, кўнгул каъбаси.

«Кўнгил» тимсоли, агар Навоийнинг бутун рубобий лирик шеъриятини бамисоли улуғ ва ғаройиб бир вужуд деб билсак, ўша тирик хилқатнинг юрагидир, дея таърифласа муболаға бўлмас, илло, бу қутлуғ тимсол замиридаги руҳий оламнинг сирли теранлиги, мўъжизакор қудрати, дахлсиз эркинлиги, мафтункор сеҳр-жозибасидан чиндан ҳам «ақл боши айланиши» мумкин. Бу ажабланарли ҳол эмас. Машриқу мағрибнинг не-не соҳир шоирлари кўнгил хилқатини таҳқиқ этолмай, моҳиятига етолмай, ҳайрат, армон, алам, ифтихор туйғуларини изҳор этганлар. Гениал Гёте ёзади: «О, менинг кўнглим! Сен менинг ягона ғуруримсан. Ёлғиз сен – меникисан, менга дахлдорсан. Ақлан билганларимни бошқалар ҳам билиши мумкин. Лекин сен дахлсиз мулким, ғуруримсан: о, менинг кўнглим!..» Навоийдан шоҳбайт:

Ваҳ, не толеъдурки, топмай умре истаб ёрни
Чун сени ёр истагай – топилмагайсен, эй кўнгил!

Бу ажойиб лутф-байтда Навоий камоли шавқу рағбат билан, суйиб ишлатадиган, унинг чинакам руҳий чанқоқлигию ижодий-эстетик қониқиш ҳиссини мужассам ифода этган манзара намунасини кўрамиз: «кўнгул» тимсоли ошиқ аҳлининг ягона эзгу армони, доимий дарди-ҳасрати бўлмиш «ёр» ташбеҳи билан (бошқа бир шоҳбайтда «ошиқ»лик мусулмонликнинг маъно-моҳияти – муқаддас эътиқод: «иймону дини ислом» билан юзма-юз қўйилганидай) фавқулодда нозик мантиқий мунозарага киришади. Ғаройиб зиддиятни кўрингки, ошиқ умр бўйи ўзига бирдан-бир муносиб, ҳамжинсу вафодор «ёр истаб топмай» жаҳон оввораси бўлса (беихтиёр шоирнинг «истадим», «топмадим» радифли ғазаллари ёдга тушади: «Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим...»; «Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим...»), ўша ҳамишалик армони бўлган «ёр» учун ёруғ дунёда энг азиз, ҳамроз дўст хизматини ўтагувчи, унинг руҳий нажот манбаи, орзу-умидларининг энг матлуб ва маҳрам маскани бўлиб қолувчи ҳам «кўнгил»дир. Қизиғи шундаки, бундай ноёб руҳий-маънавий неъмат «истаганда топилмалиги» билан қадрли. Яна ажаброғи «кўнгул»нинг шу қадар дахлсиз, сирли-самовий юксаклиги ошиқ учун «не толеъ» тарзида, камоли

мамнуният белгиси – бахтиёрлик ҳисси билан баҳоланишида. Бу «ёр» – муҳаббат тимсолида комил инсон шаънига, унинг гўзал маънавий – руҳий олами – кўнгил мулки шаънига айтилган, ўз зиддияти билан жозиб қўшиқдир.

Навоий мушоҳада тарзининг қанчалик нозиклигини, сўзнинг бадиий имкониятларига муносабатда шоир нечоғлик эркин, юксак мавқени эгаллаганини, унинг «таъби поку хотири соф» лиги сири нимада эканини, айниқса, кўнгил ва жон; кўз ва юз хол ва хаёл, қадду соч; жисму руҳ каби хос (махсус) лирик образлар, уларнинг шарҳи орқали бирмунча аниқ тасаввур этса бўлади. Эътиборли нуқталардан бири шундаки, Навоий, «кўнгил рисоласи»-ни тузишда кўпроқ табиат ҳодисаларидан фойдаланади. Байт:

Гулшани жисминг аро гул ғунчаси
Бутса, гумон этма, кўнгул ғунчаси.

Бунда, аввало, бадиий мантиқ тақозосига кўра инсон – маҳбуба билан табиат мўъжизаси – гулғунча тушунчаларидан таносуб яратиш учун қиз боланинг навниҳол, гўзал жисми – қомати гул ғунчалари авжи етилган гулшанга муқояса қилинади. Бу, албатта, зоҳирий уйғунлик, суврат ўхшашлиги (асли Навоий хаёлдаги маҳбубининг «гулшани жисми аро» – қоматида «гул ғунчаси бутса» дейиш билан нимага ишора қилаётганини китобхон ҳукмига ҳавола этамиз). Қолаверса, кўнгил (юрак) нинг шакли ҳам ғунчани эслатади. Лекин бу гўзал сувратда нозик сийрат – нуктадон маъно яшириниган: аввал маҳбуба кўнглида – қалбида ёшлик латофати ва балоғати, қизлик орзу-хаёлларининг табиий ларзалари ва пинҳоний-сирли аломатлари бамисоли ғунчадек етилиб – тўлишмаса, бу сеҳрли, туғёнли тугунчак унинг қоматида зоҳир бўлармиди? Шу тариқа даҳо санъаткор гулғунча билан кўнгилнинг ўзаро нисбатидан жисм ва руҳ, зоҳир ва ботин уйғунлиги ҳақида, хусусан, ҳали кўнгилда пинҳонийлиги билан жозиб муҳаббат (гарчи бу муборак калима тилга олинмаса-да) хаёллари ҳақида бетакрор образ-лавҳа яратади.

Кўнгилнинг ўша гулшану ўша гул воситасида шаклланган яна бир шеърий тимсоли. Байт:

Боғчаи даҳрки, юз тоза гул –
Топти, қаёнким назар этти кўнгул.

Бу шоҳбайт кўнгил тимсолида инсонга, унинг руҳий дунёсига берилган қимматнинг фавқулодда нозиклиги, теранлиги билан ажралиб туради. Навоий тафаккури ва тахайюлининг ғаройиб кучини кўрингки, фазлу камолда тенгсиз ошиқ, аввало, оламга фақат кўнгил нигоҳи билан «назар этади» (бундай комил ва солим муносабатнинг баҳосига нима етсин!). Қолаверса, бундай бокира, мўъжизакор назар тушган ҳар бир нуқтада «юз тоза гул»нинг униши ажабланарли эмас. Бу умидбахш, хайрбод хаёл беихтиёр халқ орасида кенг тарқалган «Хизр назар қилган» деган яхши ният, покиза умид рамзи – матални эслатади. Лекин шоҳбайтдан Навоий кузатган ўй-муддао руҳан қанчалик теран бўлса, маънавий-ахлоқий нуқтайи назардан маъно кўлами шунчалик кенгдир: қанийди одамлар дунёга фақат «кўнгил назари» билан боқишни инсон комиллигининг ёрқин аломати деб билсалар, буни одатга ай лантирсалар, токи унинг самари – ҳақиқий неъматлари ўзининг муносиб баҳосини топар, фақат «тоза гул» мақомида эъзозланар эди. Илло, фақат кўнгил (шубҳасизки, улуғ гуманист шоир комил инсон кўнглини кўзда тутади) риштаси билан боғланган ўй-ният, орзу-мурод, фақат кўнгил билан қилинган иш-амал турфа хил ёлғон, риёли, ғаразли, та-

маъли, миннатли-маҳдуд майллардан холи – «тоза», инсоний самаралар бериши мумкин; бу ҳар бир (софдил кишини, халқ ва миллатни ғафлатдан уйғотишнинг, гумроҳлик, жаҳолат офатидан асрашнинг энг тўғри йўлидир.

Табиатдан олинган, аниқроғи, халқнинг нозик диди, хуштаъблиги, шоирнинг нафосат туйғуси билан оро берилган азалий тафсил, анъанавий ташбеҳлар («барг», «гул», «ғунча», «қуш», «булбул», «сув», «кўзгу» ва ҳоказолар) орқали ҳар гал ўзгача, рангин кўнгил образи шаклланади. Шоҳбайт:

Гулбуни ишратдин узгил барги пайванд, эй кўнгул,
Ғунчадек бўл қон ютуб кулмакка монанд, эй кўнгул.

Зоҳиран, биринчи мисра мазмунига қараб, Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ аҳволи руҳияти ҳақида ҳукм чиқариш, гўё унинг кўнгли фақат «ишрат гулбуни» (гул бутаси ё гул шохи) дан «барг узиш» истагига мойил деб хаёл қилиш саҳв ёки бир ёқлама баҳо бўлур эди (ваҳоланки, бундай шодмон, ишратсаро кайфиятни баъзан кўнгли вайрон, ғариб киши ҳам хаёл қилиши мумкин). Лекин соҳир сўз санъаткори ҳар галгидай ҳаёт мантиқи билан шеърият мантиқи ўртасидаги нозик, баъзан ўта мураккаб руҳий алоқа манзарасини чизиш (Навоий тасаввуридаги ошиқ кўнгли ишрат гулидан бир «барг узиш» билан кифояланса не ажаб!) воситасида асосий мақсад – ғоянинг бадиий ифодаси учун замин ҳозирлайди, натижада кўнгилнинг ҳаққоний ва ҳаётбахшлиги билан назири йўқ бир образ яратилади: «ғунчадек бўл қон ютуб кулмакка монанд, эй кўнгул». Во ажаб! Гул ғунчасининг тузилиш-тарзию аста-секин ривожланиш – очила бориш жараёнига шеърий рамз сифатида келган «қон ютуб» ва «кулмак» муқобил сўзлари яна қайта бадиий нисбатга айланади – энди ошиқ кўнгилнинг ҳам ботиний (ғам-андуҳли), ҳам зоҳирий (қувонч – сурурли) ҳолатини ифодалашга хизмат қилади, бу тазод санъатининг нафис бир намунасидир.

Бу жозиб мисрада табиат ҳодисаларига хос ўзгаришни ижтимоий ҳаёт зиддиятларига қиёслаш орқали инсон (шоирнинг қаҳрамони – ошиқ ё ориф)нинг букилмас иродаси, гўзаллик эътиқоди улуғланади: шайдо кўнгил ҳаёт боғидек мўъжиз, рангин, айни чоғда мураккаб, сирли хилқатнинг ҳар қандай мушкулоти – дардларини ҳам, унинг инъоми – қувончларини ҳам сабр-тоқат ва шукроналик туйғулари билан кечирмоғи даркор...

Навоий ғазалиётида «ғунча» ташбеҳи орқали ошиқ кўнгилнинг сувратида унинг сийрати – аҳвол руҳияси очиб берилган шоҳбайтлар оз эмас. Байт:

Сендин айру хўблардин очилур кўнглум, вале
Ғунча янглиғким очарлар куч била атфол ани.

Байтнинг жозиба сири нафақат муқоясанинг ҳаётийлигида – болалик дунёсига хос ғаройиб ҳодисанинг нозик шеърий дид билан мисрага – сўзлар лавҳасига кўчирилганида, айни чоғда анъанавий ҳижрон дарди – ошиқ ҳасратининг ўзгача ва рангин оҳангда: таскин, овунч, киноя, ўкинч, туғён, ёлбориш туйғулари йўғурмаси тарзида ифода этилишида ҳам. Ҳажр изтироблари – танҳолик, соғинч қийноқларини кечираётган ошиқ кўзларига ёруғ ва кенг дунё тор зимистонга айланганда яқин дўстлар, мунислар уни ёлғизлатиб қўймайдилар – самимий меҳрибонликлар кўрсатиб, «кўнглини очиш»га интиладилар... Лекин надоматлар бўлсинки, юксак тақдирга, таҳсинга муносиб бундай марҳамату иноятлар ошиқ аҳволини заррача енгиллатмайди, аксинча, унинг дардини пурзиёд қилади. Шу сабабли «хўблар» кўрсатган барча илтифотлар... гўё болалар гул ғунчасини очмоқ бўлиб пора-пора

қилганларини эслатади. Ҳолбуки, табиатнинг ҳиссиз-дардсиз гўзаллиги – ғунчанинг замину қуёш, сув ва ҳаво ардоғида эркинлаб, яйраб ўсмоғига, тадрижий такомил жараёнларида етилиб-ёзилиб очилмоғига нима етсин! Инсон кўнгли, хусусан, дард аҳли – ошиқ кўнглининг «очилмоғи» учун унинг дилдори – маҳбубидан ўзга зот ҳам чорасиз, нажотсиз... Шу тарзда бир пайтда икки бадиий санъат (бу Навоийнинг аксарият терма байтлари учун хос хусусият) – «очмоқ» феълининг маъно қирраларидан тажнис ҳосил бўлса, яхшилар билан болалар («хўблар» ва «атфол») нисбатидан таносуб яратилади.

Ғазаллардан бирида «ғунчадек кўнгул»дан анъанавий гул – булбул мажозлари воситасида рангин ва жозиб лирик лавҳа яратилади: Байт:

Истасанг, эй гул, Навоийдек хушилҳон булбули,
Ғунчадек кўнглин маломат хоридин қон айлама.

Бу байтдаги мажозий образларнинг маъно-моҳиятини шундай шарҳлаш мумкин: гул (маҳбуба тимсоли) азалдан булбул (ошиқ рамзи) нолаларини эшитса ҳам эшитмаганга, ўзини тағофилга солади, бундай лоқайдлик, бепарволик ёки ўз ҳусну жамолига мағрурлик бамисоли булбулнинг «ғунчадек кўнгли»га «маломат хори» (тикони) бўлиб санчилади («кўнгил» – юракнинг ғунчага муқояса этилиши зоҳиран қанчалик табиий, нафис бўлса, моҳиятда шунчалик мунгли-дардли ҳамдир, зеро, юқорида шарҳлаб ўтилган бошқа бир байтда шундай мисра бор: «Ғунчадек бўл қон ютуб кулмакка монанд, эй кўнгул»). Шому саҳар давом этган бундай ғам-закор тағофил, шафқатсизлик оқибатида кўнгил қонга беланиши аниқ. Кўнгли қон бўлган бечора, (бенаво булбул қандай қилиб «хушилҳон» (овоз қўйиб, шавққа тўлиб) сайрасин? Шохида шайдо булбул шавқу дард билан сайраб турмаган гулнинг ҳусни-жамоли фақат унинг ўзига керак. Булбулсиз гулнинг эгасиз, кимсасиз боғдан, шамсиз кечадан фарқи борми? Бундай мантиқ кучи, айниқса, шоирнинг қаҳрамони – ошиқ Навоийнинг «хушилҳон булбул»га тамсил қилиниши билан ўзини тўла намоён этади. Шу тариқа, «гул – булбул», «ғунча – хор» анъанавий тимсоллари орқали таносуб усулида бетакрор лирик лавҳа яратилади.

Баъзан «ғунча – кўнгил» нисбатларидан тазод усулида тутилмаган шеърий манзара шаклланиши мумкин. Байт:

Гунбазин қилди иморат ғунчанинг ёз ёмғури,
Телба кўнгул уйи савдо селидан вайрон ҳануз.

Ўткинчи «ёз ёмғури»нинг фақат «ғунчанинг гумбази»да ярқираб кўриниши қанчалик ўткир санъаткорона нигоҳ маҳсули! – руҳ тетиклиги, хотир тиниқлиги, таъб равонлиги ифодаси ҳам... Лекин бу ҳаётбахш, руҳафзо манзарага зид ҳолда (тазод усулида) иккинчи мисрада ошиқ «кўнглининг вайрон»лиги халқона фалсафий талқинли («савдо сели») образ сифатида ифодаланади. Фақат Навоийнинг мушоҳада тарзи яратиши мумкин бўлган бадиий-мантиқий силсила – муқояса, ташбеҳлар шодаси (ғунчанинг тузилиши - иморат гумбази – кўнгил уйи; ёз ёмғури – савдо сели) қанчалик ҳайратбахш! Айни чоғда ғунча гумбазининг ёмғирдан яшнаши – ободлиги кўнгил уйининг вайронлигига муқобил-контраст қўйилиши ошиқ қисматининг қанчалик қаттиқлигини янада қабартириб кўрсатади. Аксари баҳордаги сел – табиий офатнинг уйларни вайрон қилиб, одамларга қайғу-кулфат олиб келиши бир сарию, «савдо сели» – қисмат хоҳиши ва ногаҳоний бало-офатлардан, айниқса, ошиқнинг «телба кўнгли» кечирган жафолар бир сари. Шу тариқа, кўнгилнинг

табиат мўъжизаларидан ғунчага қиёсан чизилгани ҳолда, кутилмаган ҳазин-фожеъ образи яратилади.

Бошқа бир ғазалда кўнгилнинг «бузулғон», «вайрон» ҳолати ижтимоий дард билан йўғуриб берилади: Байт:

Очилур кўнглум қилур сайр эл бузулғон кўнглини,
Чуғз қилғондек тараб касбига ҳар вайронни тавф.

Биринчи қарашда бу шоҳбайтда эл-улус ғами бизга таниш дардли киноя оҳангида ифодаланади (беихтиёр аввалги бир байтдаги «хўблардин очилур кўнглум» нақли-лавҳаси эсга тушади). Лекин бу галги «очилиш» аниқ манзара орқали ортиқ маҳзун кайфият туғдиради: бойқуш ҳар бир вайронани тавоф этишни вақтичоғлик одати («тараб касби»)га айлантиргани сингари Навоий қаҳрамони – шоир ва орифнинг кўнгли «эл бузулғон кўнгли»га яқинлик, дарддошликдан руҳий қаноат, таскину ором топади. Бу барча улуғ гуманист шоирларга хос хислат эмасми? Демак, зоҳиран киноямиз туюлган ҳол моҳиятда аччиқ ҳақиқатни – Навоийнинг ўз замонаси ва замона аҳлига дилдан, оғриқли муносабатини ифодалашга хизмат қилади. Иккинчи мисранинг мазмуни фақат муқояса - анъанавий мувозана (параллелизм) усули сифатида берилган бўлса-да, унда мамлакат вайроналарига ишора йўқ эмас. Албатта, байтдан кузатилган мақсад элулуснинг «бузулғон кўнгли»га шоир қаҳрамонининг муносабати орқали инсоний меҳр-шафқат, мурувват ғояларини улуғлашдан иборат. Шундай қилиб кўнгилнинг «халқ ғами», «эл коми» («...Бас эл комин раво айла ўзингни комрон кўргач») – ижтимоий дард билан йўғрилган, руҳан теран, ҳаққоний («эл бузулғон кўнгли») лирик лавҳа-образи яратилади.

Бошқа бир ғазалда «чуғз (бойқуш) – вайрона» нисбати орқали халқ ривояти билан сайқал берилган лирик манзара чизилади. Байт:

Чуғз бўлмиш ганжи васлинг шавқидин кўнглум қуши,
Заҳми кўп кўнглум уйи ул чуғзнинг вайронидур.

Силсилали ташбеҳ (ташбеҳи мусалсал) санъат усули билан музайян бу шоҳбайтда лирик манзара бир неча бадиий қирра касб этади (кўнгил – қуш, қуш – бойўғли; кўнгил – уй, уй – вайрона, вайрона – ганж манбаи) Образли силсиланинг ҳар қайси ҳалқаси – банди ўзининг муайян ҳаётий-мантиқий ва бадиий заминига эга; «кўнгил қуши» ошиқнинг «васл шавқи» томон талпинишини ифодалайди; унинг бойқушга тамсил қилиниш сабаби «ганж» хаёлидан; «кўнгил уйи» ўз захмлари билан вайронани эслатади, вайроналар бағрида ганж яширингани ҳақидаги халқ ривояти ҳам бежизмас. Навоий мана шу занжирли ташбеҳлаш усулидан ижодий фойдаланиб, захмли кўнгилу бойқуш вайронаси нисбатлари орқали ҳазин оҳангдаги кўп қиррали лирик образ яратади. Бу шоирнинг ишқий эътиқоди – юксак ва теран хаёллари каби сўз даҳоси чексиз имкониятларни тасарруф этишидан далолат беради.

Айрим ғазалларда «кўнгил» образини яратишда «қуш» тамсил сифатида келади: Шоҳбайт:

Тушти зулфи домиға кўнгул қуши майл айлагач,
Ул тараф рухсори кўзгусин сув, холин дона деб.

Гарчанд байтда кўз – нигоҳ ҳақида сўз бормаса ҳам, (сатрлар руҳидан маҳбуба рухсо-

ри ва холига баногоҳ ошиқ назари тушгану оқибатда кўнгил ўз эрк- ихтиёридин айрилган банди-тутқунга айланган. Шубҳа йўққи, улуғ санъаткор бевосита тасвир – воқеанавис усулидан кўнгли тўлмайди, истиоравий-рамзий ифода тарзига бўлган эҳтиёж рухсорни – кўзгуга, кўзгуни – сувга, юздаги холни сув бетидаги донага, маҳбуба зулфини тузоққа, ошиқ кўнглини донага дуч келиб, домга илинган қушга тамсил этишни тақозо қилади.

Шу тариқа, рухсор, хол, зулф ва кўнгил майлига боғлиқ ошиқона-лирик кечинма овчи ҳаётидан олинган дом, дона, қуш, сув тафсиллари воситасида кўнгил образига айланади.

Баъзан ов манзараси воситасида оригинал шеърий лавҳа чизилади. Байт:

Рам еган кўнглум қушин тутмоққа гўё сафҳада
Нуқтау хат бирла сочиб дона ёймиш домини.

Шоирнинг қаҳрамони – ошиқ кучли ҳаяжон, изтироб ичида қанча интизорлик кунларидан кейин, ниҳоят, маҳбубидан жавоб мактубини олган. Одатда қуш овлаш жараёнида алданган сайд хатарни сезиб қолиб, қаттиқ саросима ичида домдан қутулиб кетишга чандон уринади, талпинади. Мана шу манзара ошиқнинг борлигича ларзага келиб, қалбигача титроқ кириб, ақлу ҳуши паришон бўлиб, хат ўқиётган ҳолатига қиёс этилади. Қанчалик нозик мушоҳада меваси! «Сафҳада» битилган сўзлар гўё ов майдонига ёйилган дом – тўр бўлса, араб ёзувидаги нуқталар сочилган доналар... Айниқса, чўчитилган ва қўрқитилган («рам еган») қушнинг безовта кўнгилга нисбати (уларда зоҳирий ўхшашлик ҳам йўқ эмас) ошиқнинг руҳий ҳолатини аниқ, ҳаққоний ифодалайдики, буни кўнгил тимсолида лирик-драматик лавҳа яратишнинг ажойиб намунаси деса бўлади.

Кўнгилнинг маҳбуба хаёлида қурбсиз-чорасиз ҳолатини қушлар парвозига муқояса этиш билан Навоий хаёлидаги муҳаббат фалсафасидан яна бир жозиб шеърий лавҳа чизилади. Байт:

Висол авжи бийик, эй кўнгул қуши, сен паст,
Етишмак анда не мумкин, агар ҳаво қилсанг.

Мутафаккир шоир сатрларида «бийик – паст» муқобил нисбатлари (тазод усули) орқали нафақат турли қушларнинг турлича парвоз даражаси («ҳаво қилиши») олинади, балки моҳиятда «висол авжи»нинг хаёлий, илоҳий юксаклиги билан «кўнгил қуши»нинг оддий дунёвий ҳолати – инсон қисматининг жуда чекланган имкониятлари ўртасидаги фазовий тафовут зуҳур этади.

Бунда Навоий англаб етган «висол авжи» фалсафасини адабиёт илмида неча ўн йилликлар давомида маълум андозага айланган ижтимоий-синфий омиллар билан боғлаб таҳлил қилишга интилиш ҳақиқатдан узоқ, беҳуда уриниш бўлур эди. Аксинча, улуғ шоир «кўнгил қушининг ҳавоси паст»лиги, демак, «етишмак анда не мумкин»лиги асли муҳаббат қисматида бор, деган азалий ғояни илгари суради ва шубҳасиз, анъанага муносиб эҳтиром сақлаб, маҳбубанинг хаёлий тимсолини улуғлайди; ошиқни шикастаҳол, фақиру хоксор кўрсатиш замирида тасаввуф фалсафасининг ўзликдан кечиш, уни нафс домидан – лаззат, роҳат, ором, маишат ва ишрат каби ўткинчи-фоний, маънавий маҳдуд ва худбин тамойиллар юкидан халос этиш ғояси ётади. Навоий сувратда улуғ амирлик унвонига мушарраф бўлса ҳам, сийратда – сабр-қаноатда, тоат-ибодатда, одамларга меҳр-шафқатда ҳамиша валий зотлар даражасида турганини унинг ғазалиётидан, бошқа лирик, эпик, насрий жанрлардаги асарларидан англаб олса бўлади. Байт:

Ишқ кўнглумга тушуб нобуд бўлди руҳу нафс,
Ўт чу бир кишварга тушди – поку нопок ўртанур.

Не ажабки, ишқнинг мўъжизакор-илоҳий ўти нафақат вужуд, унинг табиий истак-эҳтиёжлари – нафсни ўртаб-куйдириш билан кифояланади. Агар маънавий қудрат – инсоний эътиқоднинг ўлим ваҳмини, даҳшатини писанд қилмайдиган буюк кашфиёти – тасаввуф фалсафасининг низомларига кўра инсон жисмининг нафс аталмиш эҳтиёжларига нопоклик муҳри босилган экан, мантиқан шундай савол туғилади: нечун поклик тимсоли – руҳият ишқнинг муқаддас гулханида жисм-нафс билан тенг куйиши, ёниб битиши керак?.. Тўғри, иккинчи мисранинг мазмуни, яъни халқона нақлга кўра, реал ҳаётдаги ҳодиса – ўт тушган жойда ҳамма нарса («поку нопок») куйиб кетиши ажабланарли ҳол эмас. Лекин Навоий хаёлидаги илоҳий муҳаббат қудрати туфайли одамдаги нафс «нобуд бўлгани» ҳолда унинг руҳига шикаст етмаслиги, аксинча, янада теран, сирли-сеҳрли маъно касб этиши керак эмасми? Буни улуғ шоир била туриб – юқорида қайд этилган мутасаввиф-валийлар эътиқодининг ўзликдан кечиш ғоясига амал қилиб, ишқ туфайли ҳатто жону кўнгил, пок руҳнинг ломакон бўлишидан, унутилишидан чўчимайди (бу фалсафий ғоя бошқа бир байтда шундай зуҳур этади: «Ҳақ сирридин Навоий агар истасанг нишон, Жаҳд айлагилки, қолмасун аввал нишон санга». Ёки бошқа бир байт: «То Навоийдек бўлай озод ўзлук мулкида Ҳар нениким ўртамаклик бўлғай имкон ўртабон»)...

Навоий жон, тан, кўз, юз, кўнгил ташбеҳларидан шундай шеърий силсила тузадики, унинг ҳар бир ҳалқаси ўзгача нуктадонлик тимсоли сифатида ҳайратга солади. Шоҳбайт:

Тан ғуборин жон юзидин рафъ қил, эй дардким,
Кўзни ул ён гаҳ-гаҳи наззоралиғ кўнглум тилар.

Халқ тиббиётида меъжоз айниса ё қон-жигар фаолияти билан боғлиқ хасталик юз берса, бунинг асорати киши юзида, кўзида акс этиши қайд этилади. Бежизмаски, халқимизда: «Ранг кўр, ҳол сўр» деган ҳазинлиги билан ибратли ҳикмат бор. Шунингдек, соғайиб кетишга умид ҳисси сўнмаган беморнинг кўнгли истар-истамас ўз аҳволига «гаҳ-гаҳи» назар ташлашдан ўзини тиёлмайди. Навоий реал бир одамнинг ана шундай мураккаб драматик-психологик кайфиятидан шеърий нисбат сифатида фойдаланиб, ишқ «дард»и ҳақида тутилмаган кечинма-образ яратади. Соҳир сўз санъаткори «тан ғубори»ни одатга кўра ташқи аломат – инсоннинг ранг-рўйида эмас, балки «жон юзида» деб таърифлайди. Ажабо! Ошиқ жисман чеккан изтиробларнинг «жон юзи»даги асорат-аломатлари қандай бўлар экан? Ёки кўзнинг «жон» сари ташлаган нигоҳи – «наззоралиғи»-чи? Кўнгилнинг кўзга зору нолон бўлиб қилган ўтинчи – «тилаги»-чи? Янада ажабланарлироғи, «кўнгул тилаги» нинг ишқ қисматидан, ошиқнинг борлиғини – жону дилини, жисму руҳини банд этган дарднинг ўзидан нажот кутиши, унга муножот қилиши – ҳар қандай «ғубор»дан яна ўзи «рафъ қилиши» – халос этишига умидвор бўлиши... Ишқ дарди ҳамма дардлардан фузун бўлса-да, «кўнгул тилаги» учун унинг «жон юзи»даги доғлари ариса, «кўнгул тилаги» учун кўзларни ҳам «гаҳ-гаҳи» қувонтирса!.. Бу асли имконсизликдан имкон қидириш, васли мумкини йўқ» муҳаббат рисоласини янги ғаройиб лавҳа, фақат шеъриятга хос бадиий мантиқ заминига қурилган фавқулодда нафис, нуктадон образ билан тўлдириш, бойитиш намунасидир.

Навоий ғазалиёти, айниқса, «кўнгил – жон» таносуб ташбеҳлари яратган лирик лавҳаларга бой. Байт:

Кўйма марҳам тийғи захмиға кўнгулда, эй рафиқ,
Чиқса жон ҳам – чиқмасун кўнглумдин озори анинг.

Муҳаббат қисматини ҳажр дардидан кўнгилда ҳосил бўлган «захм»лару етган «озор»ларсиз тасаввур қилиб бўладими? Фақат муҳаббатсиз, дардсиз, ғофил бандаларгина инсон учун ҳаётнинг маъноси, умрнинг баҳоси билан тенг «аччиқ ва ширин», азобли қувонч насибаси нима эканлигини англамай ўтиши мумкин. Анъанага кўра ҳассос шоирлар муҳаббат дардининг давоси йўқ, деб ҳозиқи табибдан узр-маъзур сўраш билан гўё тасалли топгандай бўладилар. Навоийнинг қаҳрамони аксинча, ҳажр захмига «марҳам қўйиш» билан жон озгина бўлсин ором топишини зинҳор истамайди, ишқ азобининг камайишини ғафлату мудроқлик аломати деб «билади, ўша дард асорати кўнгилда (моҳиятда ошиқнинг руҳида) абадий ўчмас доғ-нишон бўлиб қолишини орзу қилади, бу фидойи эътиқод қанчалик самимий, жозибали ифодаланган: «Чиқса жон ҳам – чиқмасун кўнглумдин озори анинг». Сўзнинг бадиий кучига комил ишонч туйғуси туфайли фожеъ мазмундан кўнгилнинг шодмон ва руҳафзо образи яратилади.

Бошқа бир ғазалда кўнгил билан тил таносуб ва тажоҳули орифона усулларида келиб, ўзгача лирик лавҳа яратилади. Байт:

Кўнгул, билмон, камоли ҳуснини найлаб хаёл этгай,
Муқассирдур жамоли васфини айларда тил боре.

Биринчи қарашда шоирнинг санъаткорлик эътимоди – эстетик нуқтайи назари бўйича «кўнгил»га нисбатан «тил»нинг вазифаси енгилроқ кўчиши мумкин эди. Негаки бу – «кунда юз байти» ҳалвопазнинг ишидай табиий бир ҳол бўлган илоҳий қалам тилидир. Бироқ маҳбуба «жамоли васфи»да шунчалар ишонгани – ўша қодир тил ҳам лолу беҳол... Унинг бундай чорасиз аҳволи нечук кўнгулга таъсир этмасин! Шунинг учун кўнгил зиммасига тушган вазифа – тахайюлда суврат яратишдек Навоийнинг шеърий даҳоси учун у қадарли муш-кулот ҳисобланмаган бир соҳа ҳам умид, ишонч ҳислари ўрнини кутилмаганда иштибоҳ, ҳайронлик («билмон») кайфияти эгаллайди. Бунинг сабабкори яна ўша маҳбубанинг «камоли ҳусни»дир. Аён бўладики, шоир маҳбубанинг тимсолида инсоннинг суврати – «жамоли»га қанчалик юқори – таърифига тил ожиз қоладиган даражада қиммат бермасин, бу гўзаллик «камоли» – сийратига янада зиёдроқ баҳо мезони билан ёндашади (Бошқа бир байтда ёр тимсолида инсоннинг хаёлий «жамоли» ва «камоли» тонг юлдузи билан қуёшнинг энг авж нуқтаси – қиёмга келган даражасига нисбат берилади: «Жамол ичра тонг боши Ноҳиддек, Камол ичра туш вақти хуршиддек»; баъзан шеърий ташбеҳ-нисбатлар ўрин алмашиши, янги сифат – қирралар билан рангинлик, теранлик касб этиши мумкин: «Ҳусну жамолда дилпазир, фазлу камолда беназир...»). Хуллас, комил инсон, унинг гўзаллиги ҳақидаги шоирона орзу – анъанавий идеал ўзгача оҳангда – «кўнгил хаёли» нинг ором ва ҳудуд билмаслиги тарзида ошиқлар ҳайрати, орифлар тағофули усулида ифодаланади.

Навоийнинг «кўнгул» ташбеҳи орқали яратган лирик образлари аксарият ошиқона, қисман орифона оҳангларда. Шоҳбайт:

Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ, андоқки кўнгул каъбаси.

Аввалларибундай мисраларни даҳриёна талқин қилишга шошилардик. Ҳолбуки, классик шеъриятимизда «дин», «ислом», «Қуръон», «тавоф», «закот», «сажда», «сано», «муножот» каби илоҳиёна истилоҳ-ташбеҳлар ҳар бир конкрет мисра ё байт мазмуни, шеър мавзуи тақозо этган, муайян даражада исёнкор, мунозарали-кинояли оҳангидан қатъи назар, моҳиятда энг юксак ва мўътабар шеърий нисбат, бадиий мезон, энг комил ва солим маънолар меъёри вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан «оламнинг қибласи» – ҳақиқий, реал Каъба ташбеҳисиз кўнгилга берилган рамзий нисбатнинг қанчалар мукаррам маъно ифодалашини лозим даражада чуқур идрок қилиш осон эмас. Ана энди «кўнгил каъбаси» образининг фалсафий моҳияти, руҳий теранлиги, маънавий миқёси, бадиий нафислиги нима эканини истаганча шарҳласа бўлаверади («кўнгил» нинг теран луғавий маъноси билан «Каъба»нинг илоҳиёна маъноси ўзаро уйғунлик, бадиий бутунлик касб этиши – руҳий-ҳиссий образга айланиши атрофли ва чуқур таҳлилга асос беради). Аввало, кўнгилнинг хос шеърий таърифида сўз юритайлик. Ҳар бир соғлом инсоннинг ақл-заковатига нисбатан дили – кўнглининг мутлақ субъектив – шахсий, индивидуал-бетакрор бир дунё эканлиги ҳақида файласуфлар ўзича баҳс юритиб, шоирлар ўзига хос ташбеҳ-нисбат қидириб толмайдилар. Не ажабки, ҳалигача дунёнинг не-не зукколари лоақал ўзга бир яқин, маҳрам кишининг эмас, ҳатто ўзининг кўнглини тўла инкишоф этмаган ва этолмаса керак. Демак, кўнгил тимсолининг умумий тавсифи билан кифояланиш мумкин: бу – ҳар бир яхши НИЯТЛИ кишининг самимий кечинмалари, эзгу хаёллари, азиз хотиралари, айниқса, дард-ҳасратлари, ўкинч-армонлари дунёси; ҳар бир эркин, мустақил фикрловчи шахс ўзлигининг дахлсиз, қутлуғ, ўзига хос сирли маскани; инсонлик шаъни («нангу номи»), қадр-қиммати, номус-диёнатининг ҳеч ким, ҳеч бир куч забт этолмас истеҳкоми... Ниҳоят, унинг улуғ шоир тасаввури ва тахайюлида жилоланган, ғаройиб фалсафий-лирик образ тарзида шаклланган мужассам (чин мусулмон фарзанди учун Каъбанинг ўзидай муқаддас, балки ундан ортиқ) шеърий тимсоли: «КЎНГУЛ КАЪБАСИ»! Бу образнинг муносиб ва матлуб таърифу таҳлилига сўз йўқ. Буни ҳар бир иймон-эътиқодли одам, эътимодли китобхон шахсан ўзи кечириши, юракдан идрок қилиши керак, токи чиндан ҳам ўз дилини, қалбини, юрагини «кўнгул каъбаси» деб билиш ҳуқуқига, мақоми ва мартабасига мушарраф бўлмоқ учун, даставвал, руҳан покланмоғи, сўнгра инсоннинг фазлу камоли нима эканини бир қадар тасаввур этмоғи, камида меҳр-шафқат, саховат, мурувват илмидан, одобидан сабоқ олмоғи лозим бўлади. Аниқроғи, «кўнгил каъбаси»дек таърифу пок руҳият фақат Навоийнинг ўзига, қолаверса, унинг валийсийрат пири муршидлари: Абдураҳмон Жомий, Баҳоуддин Нақшбандий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий каби табаррук зотларга мансуб десак тўғри бўлар. Илло, «кўнгил каъбаси» чин инсоний эътиқод, покиза ният билан саждагоҳ деб билиниши керак. Аён бўладики, не чоғлиқ уриниб-талпинмайлик, аниқ нисбат излаб азият чекмайлик, шоир яратган «кўнгил каъбаси» теварагида айланиб-эврулаверамиз – ичига, руҳига киролмаймиз. Асли бундай муборак – илоҳий образларнинг жозиба сири ҳам шунда, моҳиятига етиш имконсизлигидадир (тўғри, чин севишганлар тасаввурида уларнинг қалби – юраги «кўнгил каъбаси» даражасида мукаррам ва муқаддас хилқатга айланса, ажаб эмас. Фақат бунинг ягона шарти бор: ошиқлар эътиқодда расулона улуғ шоирлар каби бир умр покдомону устувор бўлиб қолишлари керак. Дарвоқе, Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ўзига ҳабибу фарзанд мақомида бўлган, ҳаёт шамъи жуда бемаҳал сўнган истеъдодли бир шоир йигит шаънига шундай дил сўзларини айтади: «Ахлоқда малакийдур, башар суврати билан келган ва атворда фариштадур, инсон ҳайъатида зуҳур қилғон...»).

Ниҳоят, илоҳиётга муножот оҳангидаги бир ғазалда ошиқ кўнгли маҳбуба зулфи билан анчайин мураккаб ҳолатда боғланиб, таносуб усули орқали ишқ дунёсининг ажаб шарқона латиф манзараси чизилади. Шоҳбайт:

Очмайин зулфи паришон кўнглума чектурма оҳ,
Етмайин оҳим ели зулфин паришон айлама.

Абдулла Қодирийнинг баҳоси йўқ ишқ достони – «Ўткан кунлар» романида битта қутби – бениҳоя гўзал, латофатли, иккинчиси – мислсиз қабоҳатли зиддият ифодаланган лавҳа бор: бугун Отабек Тошкентдан етиб келадиган кун. Бегининг йўлларига нафақат кўзлари, балки бутун вужуди – жисми-жони, кўнгли, руҳияти – гўзал хаёлоти, ширин хотироти билан интизору нигорон Кумушбиби одатдагидай тараддудланиб, сўнгра сунбулу мушкбў сочларини тошкўзгу олдида ўзгача оро бериб тароқлагани, ниҳоят, ташқари дарвоза тарафдан қадрдон тулпорнинг шарпа-дупурини жон қулоғини қўйиб кутгани, таърифга эрк бермас ларзали туйғулар ва эҳтимолки, мунгли ҳасрату соғинч йўғрилган хушнуд хаёллар билан сармаст кечаётган лаҳзаларда... баногоҳ ички дарвоза совуқ бир шарпа билан очилиб Ҳомиднинг «элчиси» (Содиқнинг шумоёқ онаси) мудҳиш ва ваҳшат хат билан пайдо бўлади... Навоий «Очмайин... зулфи паришон...» деганда Кумушнинг ўша бахтиёру интиқ соч тароқлаган онлари каби том маънода шеърий, мусиқий манзарани кўзда тутмаганмикин? Йўқ, тўғрироғи, Қодирий Кумушбибининг ҳар гал Тошкент йўлига кўз тикиб соч тарашларини шоирона тасвирлаганда ҳазрат Навоийнинг шоҳбайтларидан шавқу рағбат олган бўлса, ҳеч ажаб эмас! Биринчи мисрада маҳбуба сочларининг ёйилиши, таралишидан ошиқ қайтарзда воқиф бўлганига аниқ ишора сезилмаса ҳам, «айлама» радифли ғазал контекстидан, яъни Тангри илоҳийга муножот оҳангидан англаб олса бўладики, улар муҳаббат қисматининг ғойиб ришталари билан (боғланганлар («Ё Раб! Усиз мени беҳудага оҳ чектирма, Сенинг марҳаматинг билан маҳбуба сочларини тароқлагундай бўлса, фақат ўша сочларнинг мушкин бўйидан оҳ урай»). Иккинчи мисранинг мазмуни, ҳар қалай, байтга бадиий-мантиқий аниқлик бахш этади: ошиқ Тангрига тавалло қиладики, маҳбубанинг зулфи фақат унинг (ошиқнинг!) «оҳи ели»дан ёйилса – «паришон» бўлса, яъни ёр ўз шайдосининг ғоят мушкул ҳолидан хабар топса, оҳи-зорини эшитса-ю, унга шафқат-марҳамат кўргизса... Яна аниқроғи, агар маҳбуба зулфи ёйилса, бу – ўзгалар, рақиблар томондан эсган насимлардан мутлақо холи, мустасно ҳолда содир бўлса!.. Бас, илоҳий қудратдан камоли таъб кулмаклиги, кўнгилнинг хос, маҳрам истак-майлларига ортиқ эътибор билан илтижо қилишдан мурод нима? Аввало, бу – муҳаббат отлиғ мутлоқ шахсий, сирли-пинҳоний олам, фақат икки кишининг дил ҳамрозлиги тақозоси бўлган хаёлларнинг шеърий тимсоли. Қолаверса, Навоийнинг эътиқодича, ҳар бир комил, солим инсон Тангрининг ожиз бир бандаси сифатида турли хатоликлардан, ҳаттоки гуноҳлардан холи эмас. Илло, улуғ мутафаккирнинг ўзи Қудрати илоҳийдан қайта-қайта кечирим сўраб, мужриймона тазаррулар қилади, Чунончи: «Тавбайи комил ҳидоят айлагил...».

ЎН ЕТТИНЧИ МАҚОЛАТ
«ГАВҲАРИ ЖОН»ДАН – «СЎЗ ГУҲАРИ»ГА

Баҳо бу бенаводин гар қабул айлар эрсанг, бордур
Бирига гавҳари жоним, бирига нақди исломим.

Навоий ғазалиётида кўнгул, кўз, қош, ораз (юз), лаб (лаъл), оғиз, хол, ашк (сиришк), бағир, қад (қомат) соч (зулф), аёғ каби ташбеҳларнинг ҳар бири махсус тимсол, мажоз, рамзий образлар сирасидан бўлиб, гоҳ тан (жисм) ё кўнгил тимсоли билан, гоҳ бошқа анъанавий ё кутилмаган ташбеҳ-нисбатлар билан алоқада келиши, турфа санъатлар орқали бир-биридан нуктадон лирик лавҳалар, руҳият манзаралари яратиши мумкин. Чунончи, «жон» ва «лаъл» ўзаро таносуб усулида келиб лирик манзара яратади. Шоҳбайт:

Жонима лаълидин ўзга лаълдин берма ҳаёт,
Лаълиға жонимдин ўзга жонни қурбон айлама.

Бу шоҳбайт асли «Ё Раб!» деб бошланадиган, халқ ҳофизлари ижодидан мустаҳкам жой олган бир ғазалга мансублигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Муҳаббатни азалий қисмат деб билган – илоҳий эътиқод даражасига кўтарган ошиқ Навоий Тангрига муножот қилиб: «Ё Раб! Менинг ҳолим ёлғиз Сенга аён, агар марҳаматинг ва шафқатингни дариғ тутмасдан, ҳажр азобларида оғзимга келган жонимга қайта жон бағишлашни раво кўрсанг, «ўзга лаълдин» эмас (майли, у Масиҳ нафасига эга бўлсин) ёлғиз унинг «лаълидин» – ўша, мени шу кўйга солган бераҳм, бепарво маҳбубанинг жонбахш лабидан нажот, нажот эмас, ҳаёт (бўса!) топай. Илло, бундай улуғ инъом эвазиға «ўзга жон» эмас, фақат менинг жоним фидо бўлсин!» – дейди. Бу байтда иймон-эътиқодли китобхон ажабланмаса бўладиган, инсоннинг ўлмас руҳиятидан мўъжиз лавҳалар чизилган: Исо – Масиҳ зикр этилмагани ҳолда унинг ҳаёт шамъи сўниб бораётган жисмга қайтадан жон бағишлашга қодир қудрати маҳбубага кўчирилади, бу билан ёр тимсолидаги инсон образи ҳам ҳаётий-дунёвий, ҳам руҳий-илоҳий маъно касб этади; шеърий санъат – сўз фасоҳати эътибори билан «жон-лаъл» нисбатлари воситасида реал имконга сиғмаслиги билан жозиб, самовий хаёл – орзудаги висол олислиги тафовутига қарамай, ҳар бир дардли – шайдо кўнгилга яқин, фақат ширин армон бўлмиш пок бўса истаги (бу сўз гарчи байтда тилга олинмаса-да) қанчалар нафис ифодаланган! Бошқа бир ғазалда шоирнинг қаҳрамони – ошиқ бу борада анчайин «дадилланган»ни кузатиш мумкин. Байт:

Жон етибдур оғзима, дермен лабингға топширай
Лутф этиб қилгил мени жон бирла миннатдор, кел.

Ирсол ул-масал усулида (маълумки, халқнинг мақол ва маталлари классикада «масал» деб юритилган) хастанинг жон таслим қилаётган ҳолати кутилмаган тарзда умидбахш истак билан боғлаб берилади. Эҳтимол, «абадий мавзу» – фақат муҳаббат лирикаси доирасида шундай ғаройиб мантиқ яратиш мумкиндир: фидойи ошиқ эътиқоди бўйича жон унга азалий қисмат хоҳишига кўра муҳаббат дардини бевосита кечириш, унинг маъно моҳиятини ўз жисми билан ҳис этиш, руҳий изтироблар туғёнида бир қадар англаб етиш учун фақат омонатга берилган, муқаддас, сирли-мўъжиз бир хилқат. Бас, уни эгасига

(маҳбуба муҳаббати ошиқ учун ҳаёт бахш этган) «топшириш» ишқ талаби олдидаги бурчини ўташ – қиёмат қарздан узилиш, не ажабки, яна маъшуқа марҳамати – «лутф этиши»га боғлиқ... Байтда муҳаббат йўлида жон фидо қилишдек (бу ошиқ учун хос матлаб) анъанага айланган ғоя – машриқу мағрибнинг соҳир шоирлари ҳар бири ўзича эзгу армон, гўзал хаёл сифатида ёниб куйлаган бўса... эҳсонининг янги шеърий тимсоли, халқона оҳангдаги бетакрор, нафис (ҳам рўй-ростлиги, ҳам шартли-пардалилиги билан жозиб) лирик образи яратилади. Навоийнинг чуқур эътиқодича, муҳаббат қўшиғининг авж таронаси: «боқийлик – жонни фидо қилишда, аксинча, жисмоний васл – муваққат, фоний ҳодиса, ҳақиқатга фақат руҳий висол орқали эришиш мумкин», деган фалсафий ғоя билан белгиланади. Байтдаги умидбахш руҳнинг сири – боиси ҳам шунда: ҳажр қийноқларида оғизга келган жонни маҳбуба «лабига топшириш» чин муҳаббат («ишқи ҳақиқат») нинг интиҳоси эмас. Агар ёр шафқат қилса, Масиҳ каби ўша илоҳий мулоқот жараёнида ошиқ учун қайтадан жон бағишласа, не ажаб (аввалги шоҳбайтдаги мисрани эслаш «Жонима лаълидин ўзга лаълдин берма ҳаёт...»).

Бошқа бир шеърда халқ матали ўзгача ранг, ўзгача оҳангда келиб, лутфона-лирик лавҳа яратилади. Байт:

Жон лабинг ошиқию зикри мудом оғзимда,
Рашкдан жоним агар оғзимга келса, не ажаб?

Аввало, «жон» тимсолига шайдо одам – «ошиқ» қиёфаси берилиши, бундай мафтункорлик табиий, унда рашк ҳолатини пайдо қилиши сўзни кутилмаганда ўзгача маънода қўллашнинг ажиб намунаси сифатида ҳайрат уйғотади. Қолаверса, «жон» аввал қайд этилганидек, ушшоқ аҳлининг тириклиги – дунёда борлиги, демак, муҳаббат қисмати – бахтига ёрлиги ё аксинча, «бахти уйқучи» – толеъи нигунлигининг биринчи аломати; лекин бу гал «жон» нинг «лаб» га нисбати ўзгаради: у маҳбуба зикридан ўзга сўзни унутган рақиби («оғзи») рашкидан куйиб-ўртанади, ўзини билмай, жисм ичига сиғмай тўлғонади, нажотсиз талпинади... Наҳотки, «лаб ошиқлиги»дан бошланган рашк азоблари жонни ҳалокатга олиб борса? На чора? Гўзал ва комил (ва лекин нореал) ҳаёт орзусида, пок, идеал даражасидаги муҳаббат хаёлида ўлимга рози бўлиш, жонни фидо қилиш чин ошиқлар («хавос ишқи») қисматида ажабланарли ҳол эмас. Шоирнинг сўз санъаткорлиги шундаки, бу гал ҳам халқимизнинг «жон оғизга келди» нақлидан фойдалангани ҳолда (ирсол ул-масал усулида) латиф ва нуктадон лавҳа-образ яратади.

Куйидаги шоҳбайтда «жонлаб» тимсоллари табиат ва жамият ҳаётидан олинган тафсил-ташбеҳлар («барги гул», «тарозу», «ип», «тош», «лаъл», «хозин», «миқдор») орқали ғоятда рангин, бетакрор лирик лавҳага айланади.

Тарозу барги гул, ип риштаи жон, тош лаъл этти,
Чекарда хозини ҳикмат лабинг ёқути миқдорин.

Шоҳбайт шарҳини мантиқан иккинчи мисрадан бошлаш эҳтиёжи бор: «хозини ҳикмат» – кенг маънода гўзаллик яратувчиси, меъмори; «чекарда» ташбеҳи гўзалликни ўша илоҳий иқтидорга хос дид, хушталъблик, заршунослик билан ўлчаш, баҳолаш санъатини англатади. Сўз маҳбуба «лабининг ёқути» хусусида бораркан, унинг «миқдори»ни аниқлашдек фавқулодда нозик ва мўъжиз жараёнга монанд нисбатлар яратиш тақозо этилади; шу тариқа, биринчи мисрадаги «тарозу», «ип», «тош» каби ўлчов воситалари

вазифасини «барги гул», «риштаи жон», «лаъл» адо этиши мумкинлигидан – шоир ташбеҳларининг нозик нисбатидан ҳайратланамиз: шарқона тарози учун атиргулнинг ҳарир-қизил ё пушти барглари паллага тамсил қилиб олиниши, унинг сепоя шаклидаги иплари ушшоқ аҳлининг «жон риштаси»дан тайёрланиши, ниҳоят, ўша нуқра гул- палланинг бирига «лаъл»дан тош қўйиб, бошқасида мисқоллаб «лаб ёқути миқдорини» аниқлаш – булар қанчалар сирли – жозиб нозикхаёллик мевалари! Эҳтимолки, бу шоҳбайт замирида фақат таносуб эмас, балки ийҳом санъати ҳам яширингандир, яъни «хозини ҳикмат» хоҳишига кўра «лаъл» ва «ёқут» ўлчовлари яратган ажиб манзарагина эмас, айни чоғда, маҳбуба лабининг – гулга, яна теранроқ ёндашганда – жонга нисбатини кўрсатувчи маъно зуҳур этар...

Баъзан Навоий шоҳбайтлари шунчалар хаёлга толдирадики, унинг мантиқий-бадиий, талқиний- таҳлилий поёнини аниқлаш анчайин мушкулотга айланади. Бу, масалан, «хоса маъни» санъатига дохилми ё «ийҳом»гами? Бундай камёб санъатлар билан музайян этилган байтларни, агар чуқур таҳлил қилинмаган тақдирда ҳам бир нави шарҳлаб бериш мумкин. Балки машҳур рус шеършунослари қўллаган «полифоник образ» ёки «стереоскопик образ» дегани шу бўлса керак. Шоҳбайт:

Ёр меҳмон бўлмоқ эрмиш, боринг, эй жону кўнгул,
Истарамким – кўрмагай, албатта, номаҳрам юзин.

Майли, шеъриятнинг хос, нозик мантиқи тақозосига кўра хаёлдаги маҳбуб – «ёр» меҳмон сифатида ташриф буюришдек тансиқ илтифот изҳор қилган экан, у ҳозир бўлган хос хонада мусулмонлик удуми бўйича мезбоннинг ўз одамлари – маҳрамлари қолиб, меҳмоннавозлик расмини ўташга ҳақли бўлади. Бироқ маҳбуба ҳар қандай нозик таъб меҳмондан нозикроқдурким, унга биргина мезбон кифоя қилади. Албатта, мезбон-ошиқ жону дили, жисму руҳи – борлиғини нисор этиб, ўзи учун бу мислсиз саодатли дамлар азиз меҳмонда ажаб сафоли таассурот қолдиришини исташи табиий, шунинг учун ҳам бу мулоқотга ёлғиз ўзининг сирдоши «кўнгил» ни, дарддоши – «жон»ни таклиф қилиши мумкин... Борди-ю, биз истаганча бўлиб чиққан чоғда ҳам гўзал лирик лавҳа шаклланар эди. Не ажабки, Навоийнинг хос таъби-назари учун бундай нисбатлаш жўндай кўринади. Шоирнинг қаҳрамони – ошиқ Навоий «боринг» ишораси билан ҳатто ўзининг «жону кўнгли»ни «номаҳрам»лар қаторига қўшади (беихтиёр улуғ сўз санъаткорининг: «Шу таъби номавзун билан бечора шоир бўлғуси» мисраси ёдга тушади, Навоийнинг биздек «бечора» мухлислари ҳам шеърий дидимизнинг, ҳар қалай, «номавзун» ва нотамомлигидан беихтиёр ҳижолат чека бошлаймиз). Ваҳоланки, бу таажжуб эмас, балки ҳайрат, таҳсин ҳисларига лойиқ бир ҳол: эҳтимол, ошиқ Навоий «жону кўнгул»нинг ҳажр қийноқлари қолдирган асорати – хасталиги, бедор ва беқарорлиги, ҳатто Мажнунсифат девонаворлиги, исёнкор, мастона қиёфаси ёки, аксинча, паришону лол, хоксору ҳақир ҳолатидан ор қилар, уларни маҳрам мулозимликка номуносиб деб билар... Эҳтимол, ошиқнинг ўзи «ёр»ни улардан рашк қилар, «жон» билан «кўнгил» ўзаро рашк қилишларидан ҳадик сақлар... Демак, «ёр»нинг ташрифи учун фақат маҳрам мезбон эмас, маҳрамлар маҳрами бўлган сирли-ғойиб мезбон, эҳтимол, ошиқнинг ўзлиги ё руҳияти муносиб топи- лиши мумкин. Зеро, бундай меҳмоннавоз мулоқот мутлақо пинҳоний бўлиб қолиши керак (ошиқнинг «жону кўнгли» ҳам сир сақлай олмаслиги мумкин: «Элдин андоқ ёшурун истармен ул хилватниким, Кўнглум андин воқифу жоним хабардор ўлмағай»). Бундай мўъжиз, сирли-ғаройиб тасвирдан кузатилган мақсад, аввало, ошиқ учун, майли, хаёлдаги «ёр» ташрифи

– «меҳмон»лигидан ортиқ бахт йўқлигини таъкидлаш, сўнгра унинг «юзи»га беқиёс ва юксак руҳий илоҳий маъно бериш орқали «абадий мавзу» – муҳаббат ҳақида янги, тутилмаган шеърий образ яратишдан иборат.

Бошқа бир ғазалда лафзан «ёр – меҳмон» зикр этилмаса-да, руҳан унинг қанчалар интизор бўлиб кутилган азиз сиймоси, бу ташрифнинг жаҳон хазинасига бергуси баҳоси аён сезилиб туради. Байт:

Кўнглума кирганда пойандоз эди жон пардаси –
Жисму жондин ўзга садқа ё закоти йўқ эди.

Халқимизнинг азиз ва тансиқ меҳмон, бирор табаррук зот, хусусан, янги келин-куёвлар пойи қадамига пойандоз ёзишдек чиройли ва хайрбод удуми, шунингдек, ислом динидаги закот, садақа беришдек меҳр-шафқат шартлари ишқий кечинмалар оламига кўчирилади, бундан бағоят нафис ва нуктадон шеърий манзара яратилади: маҳбубанинг хаёлий сиймоси ошиқнинг кўнгил уйи остонасида пайдо бўлиши мўъжиз-ғаройиб бир суврат сифатида ҳайратбахш (эътибор беринг-а: лоларуҳнинг хаёлий тимсолию шайдо кўнгил уйининг остонаси!). Унинг ошиқ кўнглидаги ажаб сирли, сеҳрли рафторини ҳам, «жон пардаси»нинг «поёндоз»га айланишини ҳам ғойиб ва ғаройиб руҳий манзара тарзида тасаввур қилиш мумкин. Лирик лавҳа-образнинг санъат нуқтайи назаридан бунчалар нафис шаклга кириши («поёндоз эди жон пардаси» – ҳам жисм, ҳам жон рамзи), шеърий мантиқнинг ҳаёт тафсиллари англатган маънога нисбатан фавқулодда имкониятларни тасарруф этиши ажабланарли ҳол эмас (чунончи, «садақа», «закот» миқдори кишининг мол-дунёсига нисбатан жуда аҳамиятсиз, жузъий бўлгани ҳолда ошиқ уларга ҳаёти билан тенг баҳо қўяди): «Жисму жондин ўзга садқа ё закотим йўқ эди». Бу мисрада Навоийнинг қаҳрамони – ошиқнинг олами: ўзлиги, муҳаббат эътиқоди, саховати, фидойилиги – бутун дунёвий ва илоҳий қиррали билан мужассам аксини топган. «Жон» тимсоли хоҳ ошкор, хоҳ пинҳоний бўлсин, кўпгина маъноларни ифодалаб келиши мумкин. Шоҳбайт:

Улки айлармен ғами ҳажрида жон бирла видоъ,
Кош жондек айласа бу нотавон бирла видоъ.

Ҳаётда анча-мунча аччиқ-чучук, иссиқ-совуқни кечирган ва бундан сабоқ ола билган донишманд одамлар умрни, соғлиқ-омонликдек бебаҳо давлатни айрича эъзозлаб айтган ибратли ҳикоятлари, ҳикматомиз сўзлари интиҳосида инсон учун жон қанчалик лазизу азиз бўлса, шунчалик ғанимат ва омонат эканини, нечоғлик оғир бўлмасин, вақти-соати келиб у билан видолашадиган дақиқаларни, яъни ўлим ҳақлигини эсдан чиқармасликка даъват этишлари бежиз эмас. Одамзод ўша... сўнгги дақиқаларда қандай руҳий ҳолатни кечиради, қисмат унга қандай ўлимни раво кўради? Навоий мана шу энг мушкул руҳий-драматик ҳодиса ҳақида одам ваҳмдан чўчимайдиган, валийларга хос руҳий сергаклик, санъаткор соҳирлиги билан ёруғ мунг ифодаси бўлган умумлашма – лирик образ яратади: шоирнинг – улуғ Навоий шахсиятидан том маънода руҳий, маънавий унсурларни олган қаҳрамони – ошиқ муҳаббатдек қутлуғ эътиқод йўлида жонни фидо қилиш қисматда борлигини яхши англагани учун «ҳажр ғами» олиб келган давосиз хасталик билан сўнгги олишув – жон таслим қилиш дақиқаларини иймон билан, кўнгил равшанлиги, руҳ поклиги билан қаршилаши ва кечиришига шак-шубҳа йўқ. Лекин унинг ягона истаги шуки... Байтнинг жозиба сири иккинчи мисра замирига жойланган: хусусан, «кош жондек...» сўзларининг маҳбубага

нисбатида умид, илинж, илтижо, муножот, киноя, маломат, алам, армон ҳислари, хаёллари мужассам ифодаланган. Хуллас, «видоъ» тимсолининг иккинчи мисрадаги такрорий маъноси («...бу нотавон бирла видоъ») орқали моҳиятда инсоний туйғуларнинг авж пардаси бўлмиш мунгли оҳанг сўзга илоҳий рағбат билан ёндашиш натижасида бошқача руҳ касб этади – «видоъ» образи ҳазин мотамсаролик эмас, муҳаббатнинг ўлмаслиги рамзига айланади.

Юксак, фидойи ишқ ғоясини тараннум этишда «жон» ташбеҳ-тимсоли ғазалдан ғазалга ўтувчи кўчма-сайёр ҳодисалардан биридир. Чунончи, «хаста жон» образини ўнларча байтда учратиш мумкин. Шоҳбайт:

Лабингға қайси тил бирла фидо дей хаста жонимни,
Анга жоним фидоким, жони лаълингға фидо бўлди.

Аввалги бир пайтда: «Лаълига жонимдин ўзга жонни қурбон айлама» деб илоҳий қудратга ёлборган ошиқ бу гал: «...Қайси тил бирла фидо дей...» каби мушкулотга, қаттиқ андиша изтиробига тушади. Нега?.. Жоннинг хасталиги маҳбубанинг бемеҳр ва бераҳмлиги туфайли, у солган ҳижроннинг ғам-андуҳлари оқибатида юз бермаганми? Йўқ, бу ерда бошқа нозик нуқта бор. Ошиқ учун эзгу армон бўлган жон фидо қилиш ўша бераҳм, бевафо маҳбубада қатрача бўлсин нохуш кайфият туғдирмаслиги керак (улуғ санъаткор оғир хастанинг тириклик нишони сўнаётган, ажал шарпасидан музлаб бораётган ҳолатига ишора қилади). Ҳолбуки, сўз – маҳбубани сескантириши, қўрқитиб юбориши мумкин бўлган хасталиги эмас, жон хасталиги устида боради (бу хусусда баҳс бўлиши мумкин эмас: ҳаёт бошқа, шеърият бошқа; унда Масиҳсифат маҳбуб лабига фақат «жон фидо қилинади). Навоийнинг қаҳрамони – бағоят даражада шикастадил, меҳр-шафқатда беназир ошиқ маҳбубини шунчалар аяб-авайлайдики, унга «хаста жони»ни асло раво кўрмайди. Демак, жон хасталигидан маҳбубанинг сесканиши ё қўрқиши эмас, унинг ҳусни каби нозик кўнгли ранжиши, озор топиши мумкинлиги ошиқни ортиқ хавотирга солади. Шунинг учун жонини ушшоқ аҳлидан (эҳтимол, маҳбуба илтифотига мушарраф бўлган рақиблардан) бири – бахтиёр фидойига фидо қилишга рози. Шу тариқа «жон», «фидо» тимсоллари ҳар бири уч бора қўлланиб, ажаб бир лирик манзара яратилади. «Хаста жон» образининг яна бошқача намунасини кузатайлик. Байт:

Кўнглум олиб бордингу қолмиш манга бир хаста жон,
Ҳар қачон келсанг Навоий топширур қолғонни ҳам.

«Тахайюл мулкининг султони» – улуғ шоирнинг юзларча ғазалларида аён сезилиб турадики, маҳбуба фақат ошиқ хаёлида жонланади, унинг кўзида, кўнгил ва тасаввур кўзгусида жилваланади.

Аксари шўх болалар каби қарор ва қўним билмас ўша гўзал беихтиёр мўъжизадай пайдо бўлиб, лаҳза ичида кўнгилни асир қилган-у, қандай ғойиб ҳайъат билан келган бўлса, шундай шўх-ўйноқи рафтор билан «борган». Биринчи мисранинг жозиба сири ҳам шундаки, маҳбубанинг келиши ошиқ учун фақат қувонч ё фақат ҳасрат аломати эмас: мантиқан жон ўз мунисидан – кўнгилдан айрилиб, уни қўмсаб «хаста»ланиши табиий бўлса-да, муҳаббат савдосида кўнгил олиш – кўнгил бериш тақдир ришталари билан боғланиш демакдир. Шу тариқа «кўнгул олиб» образи зоҳирий ва ботиний маънолар (тажнис санъати), «бординг

– келсанг» (тазод), «қолмиш – қолғон» ташбеҳларининг ўзаро уйғун ҳолати (таносуб) шоҳбайтга истиоравий рангинлик, ўзгача жозиба бағишлайди.

Бошқа бир ғазалда ташбеҳлар, тамсиллар нисбати ўзгаради, жумладан, «жон» тимсоли кутилмаганда фалсафий теранлик касб этади. Байт:

Баҳо бу бенаводин гар қабул айлар эсанг, бордур
Бирига – гавҳари жоним, бирига – нақди исломим,

Ошиқона ғазал таркибидаги бу байтга орифона – фалсафий ҳукм ва баҳо мезони билан ёндашса бўлади. Не ажабки, шоирнинг чорасиз, ғарибу бенаво қиёфадаги қаҳрамони (ошиқ, ориф, қаландар) тириклик маъносини идрок қилишда бу фоний дунёнинг энг комил, солим, покдомон зотлари қаторида туради. Чиндан ҳам хоҳ ошиқ, хоҳ ориф, хоҳ қаландар учун дунёда икки нарса: жондан ва иймондан ортиқ нима бор? Унга яна нима керак? Навоийнинг ўзи, унинг буюк салафлари ҳам шундай чин эътиқод ва эътимод билан яшамаганларми? Демак, бу шоҳбайтдаги «гавҳари жон» мафҳуми кўлами кенг, яъни бошқа терма байтларда уйғун ва мутаносиб келган «кўнгил» (шунингдек, дил, ботин, хотир, руҳ, сийрат, ҳол маънолари) билан «жон» тимсоллари ўртасида маълум муштараклик бор; «нақди исломим» образи моҳият эътибори билан фақат мусулмонлик эътиқоди доирасида қолмай, Навоийнинг илоҳиёна фалсафий хаёллари, умумбашарий маданият илдизлари билан боғланган теран, бой маънавияти билан боғлиқ, ҳеч кимникига ўхшамаган бир оламни ўзида мужассам ифодалашига шубҳа қилиб бўладими (мутафаккир шоир шеъриятида, жумладан, ғазалиётида «дин», «ислом», «мусулмон», «оят», «ҳадис» каби ташбеҳ-тимсоллар фавқулодда кенг, чуқур, кўпқиррали маъноларда келган байтлар озми?)

Навоий, балким «Тенгри эҳсони» бўлган хуш кайфият, руҳафзо хаёл оғушида аҳён-аҳёнда бир бўлса-да, ўзини ғам-андуҳдан фориғ, ҳасрат-надоматлардан узоқ, шодмон масканда кўради, кўнглида шахсий хулқ-ахлоқ таомилига, одоб-ҳаё тарзига зид ҳолда, масалан, «ишрат туни» ҳақида («Белига чирмашурда шавқнинг ифроти чоғинда») шўх оҳангларда ҳам байтлар битишга мойиллик уйғонади. Шоҳбайт:

Юз ишва бирла боқибон, жонимга ўтлар ёқибон,
Лаб тишлабон, кўз қоқибон, тиргуздию ўлтурди ваҳ.

Мусажжа санъати (ички қофиялар) билан мавзуну музайян этилган бу байтда халқона қувноқ оҳангларга шеърий сайқал берилади; зоҳиран оҳангдошлик касб этган сўзлар нафақат маҳбубанинг шўх-шаддод, ғамзаю ишваларга бой (яллачи-ўйинчи, дуторчи-нағмасоз қиз-жувонлар сажиясига хос жўшқин-қайноқ), ишқ-вафо бобида ўша-ўша парвосиз характери чизилади. Яна ажаброқ ҳол шундаки, маҳбубининг қош-кўз, юзлаб (шунингдек, байтда зикр этилмаган бўлса-да, айниқса, шарқ раққосаларига хос қадди-қомати, бутун вужуди билан қилган) ҳаракатлари, шубҳасизки, ошиқ ҳолатига таъсирини ўтказади. Шу жиҳатдан «жонимга ўтлар ёқибон» образини – ўзича, «тиргуздию ўлтурди ваҳ» лавҳасини – ўзича талқин қилиш, уларнинг ҳар биридан кузатилган маънолар – зиддиятли руҳий кечинмалар, чунончи, мафтункору беқарор ҳолат билан кучли рашк туйғуси, «шавқнинг ифроти чоғи» – васл иштиёқи билан муқаррар айрилиқ ваҳми – изтироби ҳақида аниқ, жон-

ли тасаввурга эга бўлиш мумкин. Юқоридаги сингари шўхчан кайфият яна бошқача оҳанг, халқона лутф – сўз назокати билан ифодаланиши мумкин. Шоҳбайт:

Муяссар ўлмади, жон бермаку лабин ўпмак,
Нединки қолмади жоним они унотқунча.

Қисматнинг ажаб ўйинини кўрингки (ё бу фақат сўз ўйини ҳосил қилган бадиий жозиба холосми), ошиқ ўзининг эзгу истагига эришмоқ – муродига етмоқ учун шунчалар жафо чексаю маҳбубининг розилигини оларман, яъни «лабини ўпарман» деб (бу – сиз «жон бермак» имконсиз ва маъносиз ҳам) урина-урина уни кўндиргунча жонида «жон қолмаган» бўлса! Биз, албатта, Навоий шоҳбайтлари гўзал ва илоҳий хаёл маҳсули эканини биламиз, айни замонда буни яхши била туриб: «они унотқунча жоним қолмади» сўзлари реал ҳаётдан - бир умрга аҳду паймон қилишган, лекин то шаръий қовушмоқ куни – никоҳ кечасигача сабр-тоқат, ҳаё-ибо ҳисларига содиқ; қолган чин мусулмон фарзандлари бўлмиш йигит-қизлар (Навоий йигитлар ҳаёсини васф этиб махсус ғазал битгани бежиз эмас) «тажрибаси»дан олинганига шубҳаланмаса бўлади. Бундаги бадиий мантиқнинг нозиклиги шундаки, ошиқ ўз жонини фидо қилишдек васл орзусига «муяссар ўлмади», демак, «жон бермаку лабин ўпмак» мудом армон бўлиб қолди... Агар бундай аламнок интиҳога фақат халқнинг образли сўзи («жоним қолмади») асос қилиб олинадиган бўлса, эҳтимол, яна Масиҳсифат маҳбубининг шафқатига умид боғласа бўлар (аввалги байтдаги «тиргуздию ўлтурди ваҳ» сўзлари бундай даъвони тасдиқлаши мумкин). Байтдан маҳзунлик эмас, аксинча, хушнуд кайфият, завқбахш таассурот туғилиши сабаби ҳам шунда эмасмикин?

«Жон» ташбеҳидан халқ истиоралари, тажнислари орқали ҳам ҳазин, ҳам нашъали лирик лавҳа яратилиши мумкин. Байт:

Эй Навоий, еткай ул ойга фиғоним дер эдим,
Оҳким то очти юз – жон етти афғондин бурун.

Яна маҳбубанинг хаёлий тимсоли: у осмондаги қадарли олисликда, айни чоғда шоирнинг қаҳрамони – ошиқ юрагидаги ҳасратлар шу даражага бориб етганки, унинг ошкора изҳори – фиғони самоларга ўрлаши, акс садолари еру кўкни ларзага солиши мумкин. Бир кутилмаган тарзда гўё булут ортидан ярақлаб ой кўрингандай, лоларуҳ юзидан пардани олдию ошиқ ҳушидан кетди (Фарҳоду Мажнун каби хос ошиқлар неча бор кечирган мунгли манзара!). Шоҳбайтдаги ажиб оҳанраболи, латиф образ – «жон етти афғондин бурун» сўзларида табиатга хос товуш тўлқинлари, йўқ, нур одимлари тезлиги билан инсон ҳиссиёти, хаёлоти, руҳиятига хос ҳолатлар суръатининг нозик нисбатидан) бетакрор лирик лавҳа, руҳий манзара яратилади. Сўзнинг шу тариқа бадиий тароват, халқона сайқал топиши туфайли байт мазмунидан англашилган фожеъ-маҳзун ҳол гўё унутилади, беихтиёр ошиқона хаёлларнинг нозик шеърий-мусиқий талқини – фақат Навоий қаламига хос нуктадон ифода сеҳрига бериламиз.

ЎН САККИЗИНЧИ МАҚОЛАТ
«КЎЗ ЛАВҲИ»ДА АКС ЭТГАН ОЛАМ

То хаёлинг кўздадур, кўз уйи гўё Каъбадур,
Ким туруб атрофидин киприкларим айлар намоз.

«Кўз» тимсоли – ғазалиётда, эҳтимол, «кўнгил» образидан кейин энг кўп тарқалган ҳодиса. Фақат кўз таърифида битилган ғазаллар бор; аксарият у – кўнгил, жон, юз, хол мажозлари билан таносуб усулида келиб, маҳбубанинг «ҳусни ва нози» ёки ошиқнинг «арзи-ниёзи» дард-ҳасратларини ифодалайди. Айни чоғда «кўз» рамзий образи умуман бадиий сўз, шеърий тилнинг мўъжаз-миниатюр тасвир объекти доирасида ғоят нафис, теран лирик лавҳалар, руҳий манзаралар яратиш санъати ҳақида, аниқроғи, шоирнинг ижодий даҳоси, хаёл фазоси, индивидуал сўз туйғуси ҳақида аниқ, ёрқин тасаввур уйғотиши мумкин. Шоҳбайт:

Неча ул чеҳрани кўз лавҳида тасвир этайин,
Ани кўрмакка бу суврат била тадбир этайин?..

Бу байтда хаёлот, хотирот лавҳалари орқали шеърий «суврат» – образ яратиш жараёни мўъжаз, сирли-ғаройиб нуқтага – кўз қорачиғига кўчирилади. Бу – оламни қатра ичига жойлаш санъатигина эмас. Умуман, халқ қўшиқларида, хусусан, классик шеъриятимизда, жумладан, Навоий лирикасида «кўз», «қош», «мужгон» ташбеҳлари воситасида ишланган бири-биридан нафис қанчадан-қанча миниатюр образлар мавжуд. Юқоридаги шоҳбайт халқнинг сўз хазинасига том маънода ижодий ёндашиш намунасидир. Байтнинг шарҳи бу даъвони бир қадар далиллаши мумкин: шоир қаҳрамонининг хаёл кўзгусидан нари кетмаган, ҳуснию нозу истиғноси, бераҳм ва ситамкорлиги билан танҳо бўлган маҳбуби... кўз қорачиғида пайдо бўладида, ошиқнинг ҳажр изтироблари, соғинч туйғулари билан гўё ўйнашаётгандай, унинг сабру саботини синаётгандай ўз ғамзаларини қўймайди. Шоир – мусаввир эса бу жон офати – малакнинг шу мўъжаз – қатра маскан ичида («кўз лавҳида») лоақал бир неча лаҳза туриб беришини, ана шундай безовта дақиқаларда гўзаллик яратилишини истайди. Одатда рассом-лаввоҳ ипак қоғозгами, бошқа нафис матогами лавҳа чизгувчи эди, илоҳий қилқалам соҳиби – Навоий ўз кўзининг қорачиғидан лавҳа чизишда фойдаланмоқчи! Ва ўша орзу «суврати»га боқиб, бу ғаройиб томошадан кўнгилдаги муҳаббат ғуссаларини бир қадар ёзмоқ бўлади... Ажабо, бу байтда «неча» сўзига айрича бадиий-мантиқий эҳтиёж сезилган. Демак, бунда нафақат ошиқ – мусаввир учун «кўз лавҳида» суврат чизиш осон эмаслиги таъкидланади, балки бу – шайдо кўнгил тўладиган, ташна руҳ таскину қаноат топадиган комил бир суврат бўлмоғи керак. Мазкур миниатюр образнинг бошқа жиҳати – нозик бадиий қирраси янада ҳайратбахш: Навоий ўз қаҳрамони – ошиқ кўзлари қорачиғида ғойибона акс этган маҳбубининг гўзалликда беқиёс тасвири орқали унинг жонли-бетакрор сиймосини «кўрмакка тадбир» излайди. Бу имконга сиғмаган бир ҳолатдан фавқулодда имконият яратиш санъатидир. Ғазалларнинг бирида «кўз лавҳи» – кўнгил тимсоли билан ўзаро таносуб келиб, маҳбуба ёди билан боғлиқ беҳудуд дарду ҳасратларни ифодалашга хизмат қилади. Байт:

Гарчи тўкди қон кўзум сенсиз ҳамон, кўнглум ҳамон,
Не кўнгулдин бир замон чиқдинг, не кўздин бир замон.

Таносуб ва тарди акс санъатлари билан мунаққаш этилган бу байтда («кўз», «кўнгил» рамзлари – таносуб бўлса, уларнинг ўзаро ўрин алмашиб такроран келиши тарди аксдир) хаёлдаги маҳбубанинг «ҳусни ва нози» билан боғлиқ тасвири – ўзгача тимсоли аниқ кўринмагани ҳолда ошиқнинг пурзиёд дард-ҳасратлари «кўз» – «кўнгил» образлари доирасида бутун ҳиссий туғёни – руҳий ларзалари билан чизиб берилади: гарчи ошиқнинг кўзлари ёрсиз («сенсиз») ўтган тўзимсиз ҳижрон ситамларидан туну кун хуни бийрон йиғлаган, кўнгли бағир қони билан тўлган, пораланган бўлса-да, маҳбубанинг муборак ёди уни «бир замон» – дақиқа ҳам тарк этмаган. Зеро, ошиқ унинг, майли, ғойибона тимсоли билан тирик: токи жисмида жони бор экан, ёр хаёли сира нари кетмайди, унинг учун ҳаётнинг маъноси ўзи шу. Мана аниқроғи, ошиқнинг тириклиги, умиди, нажоти - мўъжизакор хаёл қудратидан. Акс ҳолда, қон ёшга тўлган кўзлар қорачиғи ёр сувратини акс эттиришга, қон ютган кўнгил ёр сийратини ўзида жо этишга қодир бўлармиди?.. Шу тариқа улуғ шоир ўз эътиқодига кўра, васлсиз муҳаббат туйғуларига илоҳий маъно бергани учун бу кутилмаган шеърий мантиқ бизни ажаблантирмайди, балки шавқу ҳайратга солади. Гарчи дунёда тимсоли кам бўлса-да, чин муҳаббат – дард аҳлининг қисматига, унинг бахтли ё фожеъ интиҳосидан қатъи назар, эътимод ва умид ҳисларимизни оширади, иложсиз зиддиятли ўй-хаёлга толдиради. Бу Навоий даҳосининг, аввало, чексиз маънавий-руҳий таъсир кучидан далолатдир, қолаверса, шоир камида беш аср муқаддам ижодий истифода этган сўзлар то ҳануз ўзининг халқчил пурмаъно соддалиги, табиий, тоза таровати, мусиқий равонлиги, эркинлиги, ифодавий-тасвирий назокати билан жазб этади (тасаввур қилинг-а: ошиқ Навоий орзу қилган, хаёлида бунёд этган маҳбубнинг севимли чеҳраси на кўнгил – ботиний дунёдан, на нигоҳ – зоҳир кўзгусидан бир дақиқа бўлсин «чиқмаган»! Ўша кўнгил, ўша кўзлар тортган, эҳтимол, бир умр давом этган алам-ситамлар зиддига!). Фақат бадиий сўз, шеърий санъат соҳиригина оддий истеъмолдаги ибораларга шундай бемалол, эркин, бевосита муносабатда бўлиши мумкин. Фақат илоҳий неъматлардан баҳраманд қалам соҳибигина сўзнинг чексиз бадиий-образли имкониятларини шунчалар аниқлиги, рангинлиги, ўзига хослиги билан инкишоф этиши мумкин...

Бошқа бир ғазалда «кўз лавҳи» фавқулодда теран ва жозиб шеърий объектга айланади. Шоҳбайт:

Ёрур холинг хаёлидин оқорғон кўзларим, гўё
Кўюбтур килки сунъ ул нуқтани кўзлар қаросидин.

Бу байт, умуман, хоса маъни (хос, камёб маънолар) санъати билан, шунингдек, таносуб («хол», «нуқта») ва тазод («оқорғон кўзлар» – «кўзлар қароси») усуллари асосида ишланган. Хоса маъни санъати етакчи, белгиловчи мавқеда туради, сабаби хаёл образининг бадиий бутунлигини таъмин этади, кейингилари унинг доирасида келиб, асосий шеърий усулнинг зарур унсурлари сифатида хизмат қилади. Шоҳбайтга «хос маъно» – нуктадонлик бахш этган бадииятни тадқиқ этиш учун, шубҳасиз, унинг мундарижасини шарҳлаб ўтиш жоиз: Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ фақат ҳ ажр дарди изтироблари – кўз ёшлари селобидан, узлуксиз, «зор-зор йиғлаш» асорати туфайлигина кўзларига оқ тушмаган. Бу ҳол, моҳиятда, севги қисматининг хоҳиш-иродаси билан юз берган бўлса, не ажаб? Нега бўлмаса азал мусаввирининг қилқалами («килки сунъ») Навоий хаёл қилган орзу гўзалининг тасвирини

чизишга чизгану, унинг образ-портрети чизгиларига мутаносиб, ғаройиб ва жозиб нуқта – хол ясашга келганда қийналган, бунинг бирдан-бир муносиб шакл-шамойили, ранг-тусини табиий хилқатнинг турфа хил унсурлари орасидан ахтариб тополмасдан... ниҳоят, ўша матлубу муборак хол учун ошиқ кўзининг қорачиғини лойиқ топган!.. Ахир, бечора ошиқ хаёлдаги маҳбубнинг холини тасаввур қилган соғинч дамларида ғойибдан кўзлари нурланиши сабаби шундан эмасми?.. Шу тарзда улуғ шоирнинг илоҳий қилқалами «хол» билан «кўзлар қароси»нинг нозик нисбатидан моҳият эътибори-ла чуқур руҳий-драматик, бадиият нуқтайи назаридан камёб рамзий образ яратади. Албатта, «кўзлар қароси»нинг холга нисбати – зоҳирий ўхшашликнинг ўзи қанчалик нафис бўлмасин, моҳиятда бу хос маънолар образи орқали муҳаббатда чин фидойилик ғояси – қисмат насибаси олдида шикасталик, ўзаро вафодорлик эътиқоди улуғланади. Ва аксинча, бу нотекис ва нотамом дунёнинг худбин манфаатлар домига тушган, ҳақиқий муҳаббатнинг дарди ва қувончидан бехабар, бегона, қалбан ва руҳан сўқир, маҳдуд бандаларини зимдан фош этаётгандай бўлади.

Бошқа бир ғазалда «кўз» тимсоли таносуб («юз» рамзи билан уйғунлашган ҳолда келиши) ва тарди акс (икки ташбеҳнинг ўзаро ўрин алмашиб такрорланиши) санъатлари воситасида шаклланади. Байт:

Эй қаро кўз, бўлмас ул юз шавқидин юздин бири,
Кўз қаросидин агар юз нома таҳрир эткамен.

Байт шарҳини «Эй қаро кўз» рамзий хитобининг бадиий-мантиқий ўрнини билишдан бошлаш эҳтиёжи сезилади. Бу – маҳбубнинг «юзи шавқи»дан жўшиб илҳомланган ошиқнинг унга муҳаббатномалар битиш истаги, иштиёқи тақозоси; зеро, улар оддий номалар эмас, фақат ошиқнинг «кўз қароси» – сиёҳи билан битилиши керак. Айни чоғда ошиқ кўзининг сиёҳга – қора рангга нисбат берилиши бежиз эмас: маҳбубанинг «юзи шавқида» битиладиган номалар фақат дард-ҳасрат тўла мазмуни билан эмас, ҳайъати – кўриниши билан ўша «қаро кўз» лоларуҳга ҳамранг, ҳамжинс бўлсин. Қолаверса, бу гал сўз – маҳбуба латофати таърифида эмас (бунга қалам ожиз!), балки «ул юз» туфайли ошиқ қалбида, тафаккурида уйғонган туйғулар, хаёлларни таашшуқнома тарзида қоғозга тушириш устида. Ҳар бир сатри, жумласи, эҳтимол, ҳар калимаси замирида қанча сирли-маҳрам, дарднок кечинмалар, ўйлар, қанча қувонч, армон туйғулари жойланган «юз нома таҳрири» ҳақида. Аслида у номалар нафақат кўнгилда янги уйғонган «ул юз шавқи»нинг, айни чоғда кўпдан ошиқ оромини буз- ган соғинч, алам, озор, армон, умид, илинж ҳисларининг ҳам изҳори бўлмаслиги мумкинми? Йўқ, бу номалар фақат бир боқишда Мажнун аҳволига солган ўша юз ҳақида бўлганда ҳам, кўнгилда мавжланган шавқу рағбатнинг лоақал «юздин бири»ни ифодалай олмайди... Шу тариқа, Навоийнинг «тахайюл мулки» – хаёлот, хотирот фазосида «юз шавқи», «кўз қароси» (анъанавий ташбеҳ-иборалар), «нома таҳрир этиш» (шахсий муносабат, мулоқот тафсили) ёрдамида қадим муҳаббат қиссасининг янги бир заррин саҳифаси яратилади.

Навоий ғазалиётида, кўпинча, анъанавий «қаро кўз» тимсоли «қаро бахт» рамзининг муқобилига айланади (тажнисдан кутилмаганда тазод ҳосил бўлади). Байт:

Гар ямон ҳолимга кўз солмас, ажаб йўққим эрур –
Ул қаро кўзлар қаро бахтим масаллик уйқучи.

Сўз маъноларининг ўзаро зиддиятли нисбатидан (бир йўла уч ҳолатдаги тазод усули: «ямон ҳол» аксига бепарво, эътиборсиз муносабат; «қаро кўзлар» билан «қаро бахт», уйқучи кўзлар билан уйқучи бахт) шу қадар мухтасар, ёрқин, жозиб манзара чизиладики, бунинг сабабияти – моҳиятида фақат Навоий англаб етган ҳақиқат – бахтсиз-фожеъ муҳаббат қисмати ётади. Чиндан ҳам ушшоқ аҳлининг ғоятда ачинарли – «ямон ҳоли»ни ҳатто яхши, комил, фозил, солиҳ одамлар ҳам кўра-била туриб, деярли уларга эътиборсиз қарайдилар. Нега, ахир? Ачиниш, меҳр-шафқат ҳисси, ҳамдардлик, мурувват яхшиларнинг чин инсоний, бирламчи сифати эмасми? Улуғ гуманист шоир ҳаётнинг меҳр-шафқатдан ҳам кучлироқ ва қаттолроқ қонуни – муҳаббат тақдири, аниқроғи, муҳаббат идеалининг тақдири бахт тушунчаси билан уйғун эмаслиги ҳақидаги аччиқ ҳақиқатдан баҳс очади. Асли ошиқ «бахтининг уйқучи»лиги қисматга битилган экан, «ул қаро кўзлар» маъшуқанинг ширин уйқудаги ҳолатида нима гуноҳ! Шу тарзда «қаро кўзлар»нинг зоҳиран оғир-маҳзунлиги сезилмаса-да, моҳиятда теран фалсафийлирик образ яратилади.

Фақат лирик шеъриятга хос миниатюр-рамзий характердаги кўз образи «мардум», «хол», «нуқта» сингари ташбеҳлар билан турли санъат (таносуб, тадриж, талмеҳ, тазод, тажнис, ирсол, ифрот, иғроқ, ийҳом каби) шеърий усулларда ўзаро боғланиб келиши, бундан бир-биридан нозик, рангин лирик манзаралар туғилиши мумкин. Байт:

Айламас кўз мардуми ҳаргиз қуёш ичра ватан,
Они дейолмонки, холи анбарафшонингча бор.

Навоий ғазалиётида ошиқ кўзининг қорачиғини маҳбуба холига ташбеҳ этиш орқали фавқулодда теран ва нафис лавҳа-образлар чизилган шоҳбайтлар оз эмас (улардан бири юқорида шарҳлаб ўтилди: «ёрур холинг хаёлидин...»). Бу сафар шоир тазод санъати асосида муқобил-полемик характердаги шундай лирик манзара яратади: «кўз мардуми... қуёш ичра ватан айламас» экан (бунга ақл бовар қилмайди), ошиқ кўзи қорачиғини қай тил билан маҳбуба холига қиёслаш, унга тенглаштириш мумкин? Ҳолбуки, уларнинг зоҳирий ўхшашлиги ҳам («кўз мардуми» – «холи анбарафшон») ўз нозиклиги билан жозиб ва ҳайратбахш эмасми? Демак, Навоий кузатган мақсад ўзгача: чиндан ҳам маҳбуба холида илоҳий сеҳр бор, акс ҳолда, бу мўъжизакор нуқтани унинг қуёшдек юзидан қандай билиб, илғаб олиш мумкин! Шоир қаламининг қудрати шундаки, байтда маҳбубанинг юзи билвосита (очиқ айтилмасдан) қуёшга тамсил этилади, шунинг учун уларнинг бири ошкор («холи анбарафшон»), бири яширин ҳолда (биринчи мисрадаги «қуёш» шубҳасиз, маҳбуба юзи – рухсорига ҳам ишорадир), ўзаро рақобат қилаётгандай таассурот қолдиради...

«Кўз мардуми» – кўпгина ғазалларда учрайдиган образ. Лекин унинг қанчалик рангин, бетакрорлигининг яна бир намунасини кузатиш мумкин. Байт:

Ашкдин юз сари чун зоҳир қилур дурри самин,
Гўйиё кўз мардуми ғаввос эрур, уммон – кўзим.

Ҳижрон кечалари ошиқ кўзларидан аста қалқиб чиқиб, қатра-қатра ҳолда «юз сари» намоён бўлган кўз ёшлари аввал «кўз мардуми»нинг «ғаввос»га, сўнгра унинг «уммон»га, уммон қаридаги «дурри самин»га нисбати (силсилали ташбеҳ санъати) тарзида қанчалар мўъжизакор лирик манзара ҳосил қилади! Кўзлар – бамисоли уммон («уммон – кўзим»), унинг қорачиғи – баҳр тубига шўнғиб, сув остидаги барча хавф-хатарларга юзма-юз борган қадимий ғаввос (улар ҳозирги ҳамкасбларидан фарқли ўлароқ муҳофаза воситаларисиз

ишлаганлар; ҳабашни экватор қуёшидан асрагувчи махсус тери қатлами – пигмент каби ғаввос кўзларида ҳам шароит табиий парда битган), кўз ёшлари – «дурри самин» – энг қиммат гавҳар қатралари. Демак, кўзнинг, хусусан, ошиқ кўзларининг уммонга ўхшатилиши – бу кўнгил теранлиги, руҳий дунё чексизлиги аломати. Илло, асл дур уммон қаъридан олингани каби муҳаббат ёшлари қалбнинг тубидан, унинг пинҳоний мавжларидан, ларзаларидан чиқади. Бу кўз ёшлари – «дурри самин», унинг бунёдкори – «кўз мардуми» тимсоли орқали ошиқона кечинмаларга Навоий берган юксак шеърий қиммат намунасидир. Ғазалларнинг бирида маҳбуба тимсоли ошиқнинг «кўзлари боғи»да намоён бўлиши хаёл қилинади. Бунинг учун шоир мувозана (параллелизм) санъатини қўллайди – инсон ҳолати табиий манзара орқали кўрсатилади. Байт:

Шўхликтин буки – боғ ичра тиларсен ўйнамоқ,
Кўзларимнинг боғи серобинда бир ҳам ўйнағил.

Бир одамнинг юзма-юз турган (шубҳасиз, дилдан яқин, севимли, мунис, эҳтимол, кўп соғинтирган) иккинчи одам кўзлари қорачиғида жонланиши – миниатюр акси ажабланарли ҳол эмас. Кўз гавҳари –қорачиғи, масалан, микроскоп линзаси сингари турли оралиқ-масофадаги нарсалар, манзаралар шакли-сувратини неча юз, ҳатто неча минг, эҳтимол, миллион марта кичрайтириб кўрсатиши мумкин. Навоий «кўз мардуми қароси»нинг ташқи олам шакл-шамойили, ранг-тусидан кўра энг гўзал ва комил мавжудот – маҳбубнинг нозу ғамзали ҳолатини, қадди-қомати, юриш-туриши – рафтори, юзи, кўзларидаги латофатни, сеҳр-жодуни яқиндан кузатишни истайди. Аниқроғи, у ёр васлини шундай тасаввур қилади: кошки эди, унинг маҳбуби қошига келса-ю, кўзлар кўзларга тушса, бир-бирининг нигоҳидан тўйишса! Байтнинг жозиба сири бевосита табиатга хос «боғ ичра ўйнамоқ» сўзларининг билвосита истиоравий маъно касб этишида: «кўзларимнинг боғи серобинда... ўйнағил». Бунда маҳбубнинг тимсоли ва у билан хаёлан кечадиган висол дамлари учун энг манзур ва дилпазир хилқат сифатида «боғ» мақбул топилиши бежиз эмас, бу – Навоий қаҳрамони учун «шамъсиз тун», «висол туни» каби кўнгилга ошно, хаёлга мададкор, руҳафзо объектлардан («Не хуш бўлғай иковлон маст бўлсоқ васл боғинда...»; «Баҳору боғ сайридин не гул, не сарвдур комим...» ва ҳоказо).

Инсоннинг кўзи – нафақат ташқи муҳит, унинг нарса-ҳодисаларини, моддий дунёнинг турфа аносир ва аломатларини туйиш, мушоҳада этиш, идрок қилишнинг табиий ва айни чоғда мўъжизакор, ғаройиб воситаси. Шу билан баробар инсон кўзларидан унинг руҳий оламини – қувончлари, дард-армонлари, романтик ёки драматик ўйлари, кечинмаларини – нигоҳга кўчган моддий ва маънавий дунёни бир қадар сезиб, уқиб олса бўлади (бу хусусда, масалан, тасвирий санъатнинг портрет жанрида юз, айниқса, кўз тасвирини махсус кузатиб, таҳлил қилиб маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин). Бу нозик вазифа Навоий ғазалиётида сўз зиммасига тушади. Аввало, бу – халқнинг қадимий ва ҳамиша сайқалланиб борувчи оғзаки ижод даҳоси билан руҳан боғланган сеҳрли-миниатюр бир дунё... Сўнгра форс-тожик ва турк-ўзбек классиклари – Навоий салафларига рағбат ва илҳом берган Шарқ гўзалининг кўзларига жойланган, айниқса, «Хазойин ул-маоний» ғазалларида ўзининг фавқулодда нафис, рангин ва теран ифодасини топган сирли-ғаройиб хилқат. Шоҳбайт:

Кўзингни кўнглума андоққи мезбон қилдинг,
Юзингни кўзима ҳам кош меҳмон қилсанг.

Во ажаб! Ғойибона мулоқот юз бермади, кўзлар кўзларга тушмади, балки маҳбубанинг кўзлари хаёлан ошиқ кўнглида пайдо бўлди. Бу не ҳолдирки, ўша хаёлдаги ёр кўзлари орзу қилинган маҳрам уйда – ошиқ кўнглида гўё мезбонга айланди! Бу – фақат шеъриятга хос ғаройиб мантиқ – реал имконият доирасига сиғмайдиган фавқулодда бадиий тасвир усули. Навоий сўзининг сеҳрини кўринг: ошиқ кўнглида (хаёлан) пайдо бўлган маҳбуба кўзлари тансиқ ва азиз меҳмон бўлиш ўрнига ўзи мезбонлик қилади...

Демак, кўнгил ошиқнинг ихтиёрида эмас, балки маъшуқанинг (хаёлдаги!) кўзлари уйида, унинг азмида, ардоғида (бошқа бир байтда айни шу тимсоллар Аллоҳга муножот оҳангида талқин қилинади: «Чеҳрасиға мезбон ўлсун кўзум, ул чеҳрани кўзларим уйидин ўзга уйга меҳмон айлама»). Беихтиёр ўйлаб қолади киши: Навоий қачонлардир, сафоли кунларнинг бирида кўзларигина беркитилмаган бир қиз ё аёл билан баногоҳ рўбарў келиб, бу ажаб ҳолнинг кўнгилда қолган ўчмас хотиротини шеърий мисрага кўчирган бўлсачи?.. Ўз-ўзидан иккинчи мисра шарҳига эҳтиёж сезилади. Модомики, маҳбуб кўзлари ғаройиб бир тарзда ошиқ кўнгилнинг мезбонига айланган экан, халқ эъзозлаган удумга кўра энди мезбон ҳам азиз меҳмонлик илтифотига мушарраф бўлиши, яъни ўзининг жавоб ташрифи билан мезбонни хушнуд этиши лозим (ҳолбуки, Навоий: «Эй лоларуҳ, фақат кўзингни беркитмабсан, оқибатда кўнглимни асир қилдинг, кошки юзингни ҳам очиб юборсанг; токи ҳусну жамолинг офтобидан бечора ошиқ кўзлари қувонса!» демоқчи бўлади). Хуллас, халқимизнинг ажойиб инсоний одати – меҳмоннавозлик гўзал шеърий восита бўлса, ошиқнинг ягона нияти (шоир кузатган мақсад) – маҳбуба юзини ўз кўзлари билан кўриш. Ёки бу гал ҳам, эҳтимол, Навоийнинг ишқий идеали тақозосига кўра, ёр юзининг ошиқ «кўзга меҳмон»лиги фақат эзгу хаёлдир («меҳмон- мезбон» тушунчалари ҳам муваққатлик маъноси билан тансиқ, қадрли эмасми?) ёки аксинча, байт мазмунини шундай соддалаштириб шарҳласа ҳам бўлар: масалан, Навоий замонида, кейинги асрларда ҳам – то «Ҳужум» ҳаракатигача севишганлар учун ногаҳоний бахт-мулоқот насиб этганини бир қадар тасаввур қиладиган бўлсак, ҳам шаръий одат-ақида, ҳам қиз боланинг ҳаё-ибоси то қовушганлари – чимилдиққача юзини – бор латофатини пинҳон тутиб, фақат кўзларини кўрсатишга ҳуқуқ бериши мумкин. Лекин бундай талқин, аввало, байтнинг лирик-романтик руҳига хилоф бўлар, қолаверса, Навоийнинг сўз даҳосига юзаки ёндашишга олиб борар эди.

Бошқа бир ғазалда маҳбубанинг хаёлий тимсоли фақат «меҳмон» ташбеҳи орқали (энди кўз ё кўнгилнинг мезбонлик бурчи зикр этилмасдан) чизилади. Байт:

То хаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур,
Кўз билан кўнглум аросинда ҳасаддин қон эрур.

Навоийнинг қаҳрамони – жисман қовушмоқдек «ишқи авом» муродидан кўра «ишқи хавос»нинг ўзгача маънога, ўзгача руҳий лаззатга молик орзу-хаёлини ортиқ билган покдомон ошиқ ўз маъшуқини «гаҳ кўнгул», «гаҳ кўз аро меҳмон» сифатида кутиш, унга камоли илтифоту эъзоз кўрсатиш билан овунса, бундан руҳий қаноат ҳосил қилса кошки эди! Маҳбубанинг фақат муваққат фурсатлар оралиғида интизор этиб, келиб-кетишлари (акс ҳолда, у «меҳмон» деб аталмаган бўларди) устига ортиқ шўхлик, беқарорлик, ғамза-ишвалар билан – истаса кўнгилда пайдо бўлиб, истаса «кўз аро» макон тутиши, оқибат икки ўртада (ошиқнинг кўзи билан кўнгли ораларида) рашк-ҳасад пайдо бўлиб, бунинг азоб-изтироблари ошиқни фожеъ ҳолга олиб келгандай...Аслида-чи? Хаёлнинг фақат Навоий қа-

лами чизиши мумкин бўлган бундай ғаройиб шеърий жилваси ажаб шавқ-ҳайрат уйғотади (бунга «кўнгул» билан «кўз», «аро» билан «аросинда» ташбеҳлари ҳосил қилган таносуб ва тажнис санъатлари боис).

Яна бир шеърда «меҳмон» тимсоли халқона ирсол улмасал санъати орқали тамомила бошқача шеърий манзара яратади. Байт:

Кўз назар йўлин тилар, тутқай видо ашкин тўкуб,
Кўз юмуб очқунча юз кўргузки, меҳмондур кўзум.

Навоий бу шеърий лавҳага шакл-шамойил беришда халқнинг образли нақлидан («кўз юмуб очқунча») ва ҳазин-ўйчан руҳдаги аъмоли – яқин дўст, чин меҳр-оқибатли, қондош кишиларнинг, эҳтимол, қайта дийдорлашишга умид боғлаш қийин бўлган айрилиқ дақиқаларидаги ларзали манзарадан фойдаланади. Ошиқ кўзлари олис сафарга жўнаб кетаётган – бир томондан олдиндаги йўл, унинг номаълум манзиллари, кутилган ва кутилмаган оқибатлар ваҳми (ёки аксинча, ғойибона сеҳр-жозибаси борлиғини банд қилган), бошқа томондан, айрилиқ ёшини тўкиб, видолашув ҳолатини, мураккаб руҳий кайфиятни кечираётган йўлчига қиёсланади. Шу тарзда иккинчи мисра учун бадиий замин ҳозирланади: токи ошиқ кўзлари шундай тансиқ дамларнинг ғанимат меҳмони экан, наинки маҳбуба «кўз юмуб очқунча»лик сония ичида ўтиб кетадиган, қайтариб бўлмайдиган шу ғойиб фурсатдан фойдаланиб, видо расмига муносиб иш тутмаса – «юз кўргуз»маса! Хуллас, мазкур байтда «меҳмон» ташбеҳининг ўзгача маъно қирраси орқали кўзнинг бетакрор лирик-драматик образи яратилади.

Навоий қатор шоҳбайтларида ислом динига оид муқаддас каломларни, азиз-валий, набий зотлар, табаррук қадамжо, саждагоҳлар, эҳромлар номини ташбеҳ-тимсол сифатида ижодий истифода этади. Инқилобдан кейинги даврнинг ҳужумкор атеизм мафкураси, маданий-адабий меросни машъум «икки маданият», «синфий ёндашиш» позициясидан баҳолаш ҳукмфармо тамойилга айланиши оқибатида Навоийнинг дунёқараши, ижодий-эстетик нуқтайи назари сохталаштириб талқин қилинди. Ислом динига дахлдор мутлақо шартли-рамзий истилоҳ-ташбеҳлар, анъанавий киноя, мажоз, муболаға усуллари гўё динни «фош» қилувчи, антиклерикал, антимистик образ намуналари деб ҳукм қилинди, баҳоланди. Ҳолбуки, ислом фалсафаси ва таълимотининг улуғ билимдонларидан бўлган Навоий (унга «Низомиддин» унвони берилгани бежиз эмас, устози Жомий эса буюк фахрия ҳисси билан: «низомул-миллати ваддин Алишер Навоий» деб атайди) хоҳ турли бидъат-хурофотни фош қилувчи мисраларида, хоҳ ўзининг илоҳий ишқ идеалини бутунлиги ва теранлиги билан ифодалаш мақсадида мурожаат қилган махсус, ислом қомусидан олинган ташбеҳларида бўлсин, моҳиятда муқаддас тушунчаларни, ҳатто исломгача ҳукм сурган, маълум анъанага айланган эътиқодлар, фалсафий қарашларни комил мезон деб билади (чунончи: «Ошиқ ўлғон кечти нангу номдин, Миллату иймону дини исломдин» байтини фақат шундай мезон билан талқин қилиш орқали Навоий улуғлаган муҳаббат эътиқодининг чин маъносини англаб етиш мумкин). Шоҳбайт:

То хаёлинг кўздадур, кўз уйи гўё Каъбадур,
Ким туруб атрофидин киприкларим айлар намоз.

Улуғ шоирнинг қаҳрамони – ошиқ ўзининг ишқий эътиқодини, дин-иймон мақомида кўради: хаёлий олисликдаги маҳбубини кўзида, аниқроғи, «кўз уйи»да жонлантириб, бун-

дан руҳий мамнуният ҳосил қилар экан, бу ғаройиб миниатюр масканни мусулмон дунёсининг бош эҳроми – Каъба даражасидаги саждагоҳ деб тасаввур қилади. Маҳдуд атеистик талқин бўйича аёл зоти пайдо бўлган жойни муқаддас деб билиш – гўё динга ғорат келтириши, маҳбуба ҳам, ошиқ ҳам, «номусулмон»га айланиши керак. Ҳолбуки, Навоий талқинида маҳбуба ташриф этган маскан мусулмонлар учун энг мўътабар хилқат бўлмиш Каъба қутлуғ ва табаррук каломлар қаторида шеърий муқояса қилиб олиниши хаёлдаги гўзал сиймосини қанчалик улуғласа, ўша муқаддас истилоҳга ҳам шунчалик шарифу фасиҳ маъно, муносиб қиммат беради. Маҳбуба тимсоли жойланган кўз қорачиғи бадиий мантиқ тақозоси билан уйга, бу мўъжаз-миниатюр уй Каъбага (талмеҳ ва силсилали ташбеҳ санъати) нисбат берилиши қанчалик нуктадон бўлса, ҳайрат ичидаги ошиқ киприкларининг безовта ҳолати (бу кўнгилдаги ларзалар ифодаси!) намозга саф ростлаган мусулмонларнинг бир маромдаги ҳаракатларига тамсил этилиши шунчалик ҳаққоний ва нафисдир.

«Дин», «зуҳду тақво» ташбеҳлари зоҳиран ёшлик, риндона ошиқлик тасаввурида гўё кўнгилнинг эрк-ихтиёрига эмас, балки ақлнинг панду ўгитларига, ҳиссиёт оламига эмас, балки шаръий одоб ақидаларига даъват этишдек маъноларни ифодалаши лозим бўлгани ҳолда, лутфан (халқона ҳурфикрлилик, ҳатто киноямиз иштибоҳ оҳангларида) ишқий эҳтиросга «ён берган»дай бўлади. Буни даҳриёна шаккоклик эмас, балки шеърият, нафосат қонунлари тақозо этган сўз фасоҳати усулларидан деб тушунсак тўғрироқ бўлар. Байт:

То қароқчи кўзларинг дин йўлини урдилар,
Зуҳду тақво мулкидин келмади бир корвон.

Аввало, шуни таъкидлаб ўтиш керакки, санъат, бадиий ижоднинг бошқа соҳаларида бўлганидай шеъриятнинг ўз қонунлари, махсус шартли-рамзий меъёрлари, усулларига биноан ташбеҳ, тимсол, нисбат, тафсиллар (мусиқада товуш-оҳанг тўлқинлари, тасвирий санъатда ранг, нур, соя, чизиқлар гаммаси) учун макон ва замон билан ёки оддий ва муқаддас тушунчалар билан боғлиқ чегара, тафовутларнинг деярли аҳамияти йўқ. Яъни санъаткорнинг, жумладан, шоирнинг асосий мақсади бадиий нисбат учун олинган муайян сўз-ташбеҳнинг туб маъноси – моҳиятига эмас, балки у ўташи лозим бўлган бадиий вазифага йўналтирилади, бунинг санъат нуқтайи назаридан нечоғлик самара беришига алоҳида эътибор қилинади. Шу жиҳатдан, масалан, қадим карвон йўллари «дин йўли» деб, карвон чиққан мамлакат «зуҳду тақво мулки» деб аталиши ёки карвонга муқобил «қароқчи» ташбеҳининг қўлланиши шартли-бадиий усул холос. Асосий масала – маҳбуба кўзларидан (кўзлар орқали, унинг ўзидан, малоҳатидан) олинган фавқулодда кучли таассурот – ақл-ҳушнинг ҳайратда лол қолишида, муқаддас ақидаларнинг ҳам беихтиёр чекиниши ва аксинча, муҳаббат туйғуларининг жунбушга келишидадир.

Лекин шуни эътироф қилиш ва шунга иқрор бўлиш керакки, анъанавий шеърият қонунлари ва улуғ шоирнинг нозик бадиий-мантиқ туйғуси тақозоси билан «қароқчи» ва «корвон», «дин йўли» ва «зуҳду тақво мулки» каби ташбеҳлар воситасидагина маҳбуба кўзларининг оригинал, бетакрор ва жозиб лирик образи яратилди. Демак, биринчи қарашда, диний истилоҳлар гўё номарғуб, ниманидир фош қилувчи маънода қўлланаётгандай туюлиши мумкин. Бундай юзаки-маҳдуд ёндашиш комил мусулмон эътиқодидаги, илоҳиёт илмининг устоз алломаларидан бири улуғ мутафаккир шоирнинг муборак номига номуносиб иш, айни дидсизлик, ҳатто маърифатсиз-нодонлик бўлур эди. Диний мазмундаги истилоҳ-ташбеҳлар каби ижтимоий муносабатлар соҳасидан олинган шеърий нисбатларни ҳам адабиёт фанида, жумладан, навоийшуносликда ҳанузгача бир ёқлама, хато талқин қилиш

ҳоллари учраб туради. Масалан, маҳбуба нигоҳига нисбат берилган «золим», «жаллод», «қотил кўзинг» каби иборалар шарҳланар экан, асосий мақсад – ишқий муносабатлар соҳаси бир ёқда қолиб, гўёки даҳшатли қатлгоҳлар, қонли манзараларни кўрсатиш шоирнинг ғоявий позицияси, эстетик назари, ҳатто инсонпарварлиги, ижодий жасоратининг ифодаси тарзида ҳукм қилинади. Ҳолбуки... яхшиси, шоҳбайт:

Кўзларингким турку тожик ўлди кўнглум мулкида,
Зулм этар ул навъиким бир кишвар аҳлиға чуғул.

Шубҳа йўққи, байтнинг бутун жозибаси маҳбуба кўзлари қорачиғи (аввалги байтларда «кўз мардуми»)нинг бири туркка, иккинчиси тожик элатига мансуб икки бузуқи-жанжалкашга тамсил қилинишида. Бундай қиёслаш усулида темурийлар давридами ё ундан аввалми бир неча чўғол (Навоийда «чуғул») – чақимчилар иғвоси билан фанатик-жоҳил оломон чиқарган ғавғоларга рамзий-киноявий ишора бор. Лекин шоирда маҳбубанинг «ҳусни билан нози» ва ошиқнинг «арзию ниёзи»ни ҳар галгидай энг кучли, энг ёрқин, бетакрор ҳайратбахш тимсолларда ифодалашдан ортиқроқ, эзгуроқ мақсад бўлмаслиги керак ва табиийки, ғазалхон ҳам мазкур байтни ўқиб, муқояса-нисбатнинг ҳаққонийлиги учун фақат ҳайратланиши, завқ-шавқ олиши мумкин. Бадиий мантиқ (аниқроғи, шеъриятга хос шартлилик) тақозоси билан Навоий хаёлидаги лоларуҳ – маҳбубнинг «турку тожик» янглиғ кўзлари туфайли ошиқ кўнглида пайдо бўлган тўполон – ларзали ҳолат айни бир мамлакат фуқароларига қилинган зулм билан тенглаштирилади (бусиз «бир кишвар аҳли» билан бир кишининг «кўнгил мулки»ни, демак, маҳбуба кўзлари билан ошиқ кўнглини ўзаро боғлаш маъносиз, номавзун бўлар эди). Шундай қилиб мувозана (параллелизм) усули ила ғоявий мақсад эмас, балки шеърий восита сифатида ижтимоий муносабатлар доирасидан олинган ташбеҳ-тимсоллар («икки чуғул», «турку тожик») орқали лирик тароватли рамзий образ яратилади.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ МАҚОЛАТ
«ОРАЗ УЗРА» ЧИЗИЛГАН ЛАВҲАЛАР

Юзи васфиға Навоий тушмиш,
Барги гулдин ясангиз дафтар анга .

Навоий ғазалиётида «юз», «ораз», «чеҳра», «рухсор», баъзан «жамол» ва «суврат» ташбеҳлари орқали маҳбубанинг асосан зоҳирий дунёси, гўзал кўриниши, латиф қиёфаси, жозибадор сиймоси чизилади (кейинги икки тимсол бошқа кенгроқ маъноларда ҳам келиши мумкин). Аслида, «юз» ёки «ораз» рамзлари кўз, қош, киприк, лаб, оғиз, хол тимсолларига нисбатан умумийлик хусусиятига эга (табиийки, гўзал чеҳрани қош ё кўзсиз тасаввур қилиб бўлмайди). Бас, «юз» ё «рухсор»да нафақат гўзаллик, балки тароват, бокиралик, ёруғлик, илиқ- лик, сафобахшлик, поклик, комиллик каби маъно қирралари акс этиши мумкин. Шоҳбайт:

Оразим акси юзинг ойина тушган, турфадур,
Ким кўрубтур ҳам хазон бир ойда бўлмоқ, ҳам баҳор.

Улуғ шоир хаёлининг ажаб бир жилваси: не толедирки, ошиқ ўз маҳбуби билан учрашмоқ шарафига молик бўлади-ю, шу ғойиб, мўъжиз аснода маҳбуба жамолининг кўзгусига (мантиқан «юз ойи» ойна маъносини ҳам билдиради) унинг ҳажр изтиробларида сорғарган «орази акси тушади». Байтнинг бутун жозиба сири шу нуқтадан ўша кутилмаган инъикос – «турфа» манзара ҳайратидан бошланади. Маҳбубанинг ой юзи нафақат ойинадек тиниқ, айни пайтда гул-гул очилган, яшнаган; демак, жамол кўзгусида икки фасл намоён – баҳорий тароват, нуру нафосат билан ёнма-ён кўзгу юпун, ранглар, заъфарон хазон... Кувонч билан қайғу, бахт билан фожиа бақамти. Ҳаётда бунинг каби зиддиятли ҳоллар озми? Бундай «турфа» манзара ошиқ хаёлини не кўйларга бошлаган, кўнглида қандай оғриқлар пайдо қилган экан? Бундай кескин ҳаёт-мамот тафовутини маҳбуба билвосита (ўз юзи ойинасида) тамошо қилолмаса-да, бевосита – юзма-юз кўриб, сезиб туриши ошиқ учун қанчалар оғир, озорли? Не ажабки, маҳбубанинг ҳусну латофатига шунчалар баланд баҳо, ҳаётбахш маъно бера туриб, ошиқ аҳволи шунчалар ўксик, фожиали тасвирланган бу шоҳбайт кишида мунгли бир шавқ уйғотади. Бу ҳаётнинг мушкул, пурдард ҳақиқати – ишқ савдоси билан шеърий санъатнинг махсус йўғурмаси, мўъжизали уйғунлиги натижасидир (Навоий «хазон – баҳор» муқобил тимсолларидан тазод, «ой»нинг икки хил маъносидан тажнис яратади). Бошқа бир ғазалда «юз» тимсоли такроран (уч бор) келиб, ҳар гал ўзгача маъно, бадиий жило касб этади. Байт:

Меҳр юз кўрмай ўчашди пардадин чиққач юзунг,
Олғали қўймас сориғ юзин қаро ердин уёт.

Муҳаббат лирикасида маҳбубанинг «ҳусни ва нози»га бағишланган шоҳбайтлар кўпми ёки ошиқнинг «арзи ва ниёзи» ифодаланган сатрларми – буни аниқлаш мушкул иш, сабаби, Заҳириддин Бобурнинг аниқ ва мухтасар тавсифича, «кўб»лик фақат «хўб»лик билан ўлчансагина қадрли. Шу маънода маҳбуба «юзи» унинг қуёш («меҳр») «юзи»га нисбати орқали қанчалар «хўб» чизилган! «Меҳр юз кўрмай ўчашди...» Ажабо! Қуёшдек бир-биридан фузун, мўътабар ва ноёб маъноларда музайян этилган, кенг анъанага айланган рамзий образ бу гал инсоний қиёфа олади. У то ҳануз ўзини гўзаллик дунёсининг яккаю ягона тимсоли деб билгани учун ҳам Навоий хаёлан чизган маҳбубанинг мислсиз латофатини дилдан сезгандай, бундай рақобатга дош беролмай, аламига чидамасдан исён кўтаради – «ўчашади» ва рақиби – маҳбубанинг «пардадан чиққан юзи»ни кўргандан кўрмасликни афзал билади («меҳр» тимсолининг самовий жисм – қуёшга ва айниқса, қадр талашган гўзаллар сажияси – мағрур атворига нисбати мантиқан қанчалик асосли!). Лекин иккинчи мисрада Навоий гўзаллар ичида уят, андиша ҳиссини эъзозлаган «хўблар» борлигини, улар ўз қилмишларидан пушаймон бўлишлари мумкинлигини таъкидлагандай, аввал «ўчашса» ҳам, кейин бундан изтироб чеккан одамнинг руҳий ҳолатини қуёшга кўчиради: «Олғали қўймас сориғ юзин қаро ердин уёт». Бундай маломатангиз тамсил («сориғ юз»нинг «қаро ер»га нисбати) лирик манзаранинг ғоят аниқ, ҳаққонийлигидан ташқари билвосита маҳбубанинг гўзаллиги дунёсига айрича қиммат бериш – унинг «пардадин чиққан юзи» қуёш қаршисида беқиёс даражада жозибадор эканлигини кўрсатишга даъват этилгандир. Шундай қилиб, «юз» ташбеҳининг турли маъно қирралари орқали (тажнис), шунингдек, ижодий қайта ишланган халқ матали заминида (ирсол ул-масал – иккинчи мисра) тутилмаган лирик образ яратилади.

Не ажабки, ғазаллардан бирида ўша ҳолат такрорлангандай бўлади – яна маҳбуба юзи билан «меҳр» (қуёш) ўртасидаги «рақобат» қаламга олинади, бироқ эътибор беринг-а, айни бирдай нисбатлаш усули қанчалик ўзгача қиёфа, бадиий жило олади. Шоҳбайт:

Юзунг ҳижолатидин меҳр ўйла сорғармиш.
Ки субҳ айлар онинг заъфаронидин кулгу.

Биринчи мисрада дафъатан машриқ уфқида қуёш кўринган дақиқалардаги мўъжиз манзара, не тонгки, «меҳр ўйла сорғармиш» тарзида чизилади, бунинг сабабчиси – Навоий хаёлидаги маҳбуб, унинг юзидан таралган зиё, сафо (дарвоқе, бошқа бир ғазалда шундай байт бор: «Равшандурурки, меҳр юзунгдин олур сафо, Не важҳ ила қамар андин олур зиё», яъни қуёш юзингдан нурафшон бўлмаганда ой қандай қилиб ундан ёруғлик оларди?). Ҳатто қуёшни «ҳижолатдан сорғар»тирган ўша беқиёс гўзаллик тимсоли – гулрў юзининг офтоби бечора ошиқни не кўйларга солиши мумкинлигини бир тасаввур қилиб кўринг! Мана, Навоий талқинида фақиру ҳақир ошиқ-инсоннинг илоҳий сеҳр-жозиба соҳибаси – маҳбуб васлига етиш «мумкини йўқ»лигининг мантиқий асоси! Ана энди иккинчи мисрани шарҳласак бўлади: «Ки субҳ айлар онинг заъфаронидин кулгу». Навоийга «Тенгри эҳсони» тарзида берилган шеърий даҳо сўзнинг қандай нозик, ҳарир маънолари, нафис нукталарини, қандай зоҳирий ва ботиний қирраларини, мусиқий- тасвирий (оҳанг ва рангларга хос) имкониятларини бадиий таҳқиқ қилишини, ҳар қалай, умумий тарзда кўрсатиб, шарҳлаб бериш мумкин... Воажаб! Субҳ кутилмаган тарзда мўъжизакор мусаввир ё соҳир кимёгарга айланади: «ҳижолатидин сорғармиш» қуёшнинг заъфарон бўёғидан «кулгу»нинг самовий тасвирини чизади ёки оламнинг сарғиш рангли унсури – кимёсидан «кулгу» тимсолини ясайди. Бундай шарҳ ҳали кифоя эмас: нега «кулгу» нинг туси «заъфарон»? Бундай нисбатлаш одатда касалманд, хаста одамнинг юзига мувофиқ келмайдими? Бунда шеърий мантиқ уч хил ҳолат ё аломатнинг уйғунлиги, бутунлигини тақозо қилади: қуёшнинг ҳижолатли кўриниши, тонгдаги сафобахш ёруғлик ва ниҳоят, субҳидамдаги табиатнинг салқини, яъни саҳар ҳавосининг ҳали ҳарорат инмаган заҳри – шу хусусиятлар «кулгу» мажози замирига санъаткорлик билан жойланган. Ҳолбуки, шоҳбайтдан шоир кузатган мақсад ўз хаёлидаги маҳбуба юзидан ҳайратланиш, самовий бир шавқ-рағбат ҳолатини кечиришдан иборат. Бу – хоса маъни (хос, камёб маъноларни инкишоф этиш) санъатининг рангин намунаси.

Навоий ғазалиётида ҳусн-жамол таърифида инсоний гўзалликнинг маънавий қирраларига айрича қиммат берилган байтлар оз эмас. Шоҳбайт:

Жамол авроқида ҳар нукта бор – ул юзда зоҳирдур,
Магар ул сафҳани даврон боридин мунтахаб қилмиш.

Дунёнинг не-не сўз сеҳргарлари ушшоқ аҳлининг ўй-хаёлини банд қилган маҳбублар, лоларуҳлар ҳусни ҳақидаги шеърий латофатномага муносиб ва мавзун ташбеҳу тимсол излашдан толмай, матлуб ва манзур сўз тополмай гўё «жаҳон ораси» бўлганлар. Бундай уринишлар бекор-беҳуда бўлса-чи? Чиндан ҳам биринчи мисра мазмунига кўра маҳбубанинг ҳусн олами таҳқиқ қилиш имконсиз бўлган гўзаллик китобидирки, унинг варақлари («жамол авроқи»)га битилган «ҳар нукта» – нозик, сирли маънони зоҳиран «ул юз»дан ўқиб олиш мумкин. Лекин унда зуҳур этган мўъжиз нукталарни даврон назари саралаган («мунтахаб қилмиш»). Фақат Навоийнинг шеърий даҳосига хос нозик бадиий мантиқ тақозосига кўра маҳбубларнинг ҳусн мулки маънавий-руҳий олам билан уйғунлик касб этиши

учун «жамол авроқи» – «нукта»га, «юз» – «сафҳа»га, «сафҳа» – «мунтахаб қилиш»га таносуб усулида, иккала мисрадаги «бор» (мавжуд), «бори» («барчаси») ташбеҳлари тажнис йўлида узвий алоқа боғлайди. Шу тариқа, хаттотлик – китобат санъати тафсиллари (авроқ, сафҳа, нукта, мунтахаб) воситасида маҳбубанинг «ҳусни ва нози» таърифи учун кенг анъанага айланмаган маънавий қирралари ажралиб турган тансиқ лирик образ шаклланади.

Маҳбуба рухсори гоҳ ошиқнинг кўнгли, жони, кўзи билан мутаносиб (чунончи: «Чеҳрасиға мезбон ўлсун кўзум, ул чеҳрани кўзларим уйидин ўзга уйга меҳмон айлама»), гоҳида табиат, самовот ҳодисалари («Жамолинг субҳидин кулбамни равшан қилки, бошимга фалак ғамхонаси емрулгудектур фурқатинг шоми») билан бир бутун ҳолда, гўё азалий хилқат унсури тарзида чизилади. Байт:

Оразинг ҳажрида зор эрдим қуёш ботқон чоғи,
Ким сабо пайки манга еткурди бир гул яфроғи.

Яна бир ҳажр туни олдидан ошиқнинг соғинч ва интизорлик ҳислари туғён қилганда гўё ғойибдан нажот етиб, маҳбубадан шафқат мактуби келгандай бир ҳол юз беради: оқшом олди эсган дилкушо насим чамандаги қай бир гулнинг худди ёр юзидай нафис, ҳарир «яфроғи»ни учириб келиб, шундоққина ошиқнинг пойига ташлагандай бўлади (бу қизил гулдан кўра атир гулнинг оқ-пушти япроғи бўлиши керак). Шоирнинг «сабо пайки (яъни чопари) манга еткурди» иборасида ошиқ кечираётган аламнок қувонч, изтиробли шукроналик, киноямиз ҳайрат туйғулари мужассам ифодаланган. Бир байтда турфа ранг зиддияти, дардли гўзаллик: маҳбуба оразининг гул япроғига нисбати қанчалик латиф бўлса, шунчалик ҳазин ва алдамчи; табиатнинг «қуёш ботқон чоғи»даги мўъжизакор ҳодисаси – руҳафзо шаббоданинг нома элтувчи чопар – хабарчига нисбати ғоятда нафис, айни замонда бу «ҳажрида зор» ошиқ кайфиятига қандай зиддиятли таъсир кўрсатади! Шу тариқа азалий стихиянинг ғаройиб ҳодисалари заминида яратилган шеърий силсиласидан ёр юзи – «оразн» нинг тутилмаган лирик образи шаклланади.

Бошқа бир ғазалда ўша ораз – гул барги параллелизм (мувозана усули)да янада рангин-ўзгача лавҳа яратилади. Байт:

Оразини боғ аро чун кўрди ҳайрон ўлди гул,
Баргсиз қолди нединким, бас, паришон ўлди гул

Классик ғазалиётимизда табиатдаги гўзалликларга нисбатан инсоний нафосат ва латофатнинг беқиёс даражада ортиқлигини бадиий-мантиқий «асослаб» берган байтлар озмунча эмас. Юқоридаги шоҳбайтда бундай анъанавий муқояса – тамсил этиш усули ҳайратомиз аниқ, тирик мушоҳада, тиниқ ва ўткир шеърий нигоҳ меваси сифатида ифодаланади: лоларуҳ ёр баногоҳ «боғаро» сайр қилгани чиқади; бошқа гуллар орасида ўзининг кўркамлиги, нафислиги, муаттар бўйи билан чаманга оро бериб турган, гулларнинг султони ҳисобланган атиргул гўзаллар гўзали маҳбубга кўзи тушади-ю, кучли ҳайратдан, эҳтимол, ундан ҳам кучлироқ рашк изтиробидан лолу паришон қотади. Бу ҳол оқибатда нафақат унинг ҳусни-латофатини сўндиради, балки ўзини, ўзлигини йўқотишга олиб боради, яъни «баргсиз қолади». Табиатда ажаб зиддият бор: гул ғунчасининг расо очилиши – гўзалликнинг тўла намоён бўлиши ўз заволига сабаб бўлади – унга мазмун ва шакл, маъно ва қиммат берган қизил ёки оқ-пушти, нозик-ҳарир барглари бир-бир тўзиб кетади. Навоий

мана шу – ҳам зиддиятли, ҳам табиий ва тадрижий жараённи маҳбуба ҳуснининг шеърий нисбати учун гўё анчагина «жадаллаштириб» кўрсатгандай завқ-шавққа йўғрилган ҳазин бир таассурот қолдиради. Шу тариқа «боғ аро» содир бўлиб турадиган табиий бир ҳодиса фонида жозиб лирик образ-манзара чизилади.

«Барги гул» ташбеҳи воситасида тартиб берилган манзара лавҳаларидан рангин намуна сифатида яна бир шоҳбайт:

Юзи васфиға Навоий тушмиш,
Барги гулдин ясангиз дафтар анга.

Маҳбуба юзининг назокату латофатини атир гул баргига қиёслашдек гўё кенг анъана тусини олган шеърий усул ортиқ шавқ-ҳайрат уйғотмаслиги ҳам мумкин-ку. Лекин бу байтнинг жозиба сири – унинг оҳанги, ўзгача интонация замирига жойланган нуктадон маънода: бу гал шоирнинг қаҳрамони – ҳам ошиқ, ҳам шоир (аниқроғи, муҳаббатнинг шавқу рағбати уни шоирга айлантирган); унинг илҳоми эндигина уйғонган – қалами фақат илк мисраларни ёза бошлаган («васфига... тушмиш»)ки, бу жозибадор, мафтункор, сирли-сеҳрли қўшиқ – мадҳия қанча давом этишини ошиқ-шоирнинг ўзи ҳам аниқ айтиб беролмайди. Моҳиятда бу навонинг интиҳоси борми ўзи?! Шоирга фақат «барги гул» варақларидан биринчи «дафтар ясаб» берсалар бўлгани! Бу нозик юмушни ким адо этади, саҳҳофларми, лаввоҳларми, хаттотларми?! Ҳарир ипак қоғоз усталари ўта нозик гул барги варақларидан махсус дафтарни қандай бунёд этарканлар?

Хуллас, юқоридаги шоҳбайт оҳангида фақат шеърият санъатига хос, мумкинчилиги бўлмаган жойда имкон топиш, яратишдек мўъжизакор илоҳий иқтидор истаги – таманноси зуҳур этади. Илло, Навоий хаёлидаги маҳвашнинг «юзи васфи» ёлғиз «барги гул... дафтари»ни тақозо қилса не тонг!

«Нақш» радифли ғазалда «ораз» – «кўнгул» ташбеҳларидан Шарқнинг машҳур Юсуфу Зулайҳо афсонаси заминида (таносуб ва талмеҳ санъатлари воситасида) яна ўзгача шеърий лавҳа яратилади. Шоҳбайт:

Оразинг нақшики чиқмас тийра кўнглумдин даме,
Қилдилар гўёки Юсуф сувратин зиндонда нақш.

Маҳбуба рухсорининг бу гал мусаввирона тасвир – «нақш»га айланиши улуғ шоир хаёли ва илҳомининг инъоми (Юсуф номи билан боғланган талмеҳ санъати) тақозосидир. Аввало, шоҳбайтдаги бадиий мантиқ силсиласи ғаройиб ва ҳайратбахш: Юсуфни маломат билан зиндонбанд этганларидан кейин унинг жаҳонда тенгсиз сиймоси – суврати зиндон деворларида ҳам пайдо бўлгандир (эҳтимол, бир неча тасвир!). Демак, сураткаш – наққош бандилар ҳам маломат балосига йўлиққан бечора ошиқлар ёки ўша балокашлар орасида биттаси мусаввир. Лекин зиндон деворида фақат Юсуф суврати (ёки сувратлари) чизилишининг боиси нимада экан? Айбсиз, гуноҳкор рассом Юсуф сувратини беихтиёр ҳайрату рағбат билан чизганми ёки бошига бахтиқаро кунлар келишига сабабкор маҳбубини Юсуф тимсолида улуғлаганми? Ахир, афсонага биноан, Тангри илоҳий бандаларига ҳусн ҳадя этганда, гўзаллик мўъжизасининг ўндан тўққиз ҳиссасини Юсуф алайҳиссаломга, фақат бир улушини бошқа (аёл)ларга раво кўрган эмиш.

Эҳтимол, шу ривоят туфайли Шарқнинг соҳир шоирлари ўзларининг асосий қаҳрамони – ошиқни Мажнунга, Фарҳодга, Вомиққа қиёс этганлари ҳолда идеал маҳбуба – орзу гўзали,

хаёл малагини Лайли, Ширин, Узролардан зиёдроқ Юсуфга нисбат берадилар (демак, чин гўзаллик миллат, иқлим, иймон-эътиқод тафовутларини тан олмайди деган ақида фақат Юсуф сиймосида истисноли). Шу маънода зиндонбанд ошиқ-рассомнинг Юсуф билан ёнма-ён, унга қисматдош бўлгани эҳтимолидан кўра унинг беназир ҳусн-жамоли ҳақидаги машҳур қиссадан воқиф, ўз маҳбуби қиёфасини хаёлан Юсуфга тамсил қилгани бадиий мантиққа яқинроқдир. Навоийга ҳам шундай мантиқ мақбул ва матлуб. Муҳаббат мулкининг буюк ғазалнавис ва достоннависи ўзи хаёл қилган моҳрўйнинг кўнгилдаги тасвири – «нақши»ни гўё қоронғи зиндонни ёритган мўъжизакор бир ҳол (буни фақат дард аҳли ҳис этиши, хаёл қилиши мумкин) – Юсуф сувратига қиёслашида қанчалик нафосату, қанчалик мунг бор! «Тийра кўнгул»дан бир дақиқа нари кетмас («чиқмас... даме») ораз тасвири ҳақида, не чоғлиқ оғир-ҳазин бўлмасин, мозийнинг энг даҳшатли, ғайриинсоний, ваҳшат манзилгоҳи – зиндон манзараси нисбати орқалигина бутун, ёрқин тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Навоий қалами таҳқиқ этиши мумкин бўлган сўз фасоҳати туфайли гўё мудҳиш манзара чекингандай бўлади, хаёлхонамизни бетакрор лирик лавҳа – миниатюр образ бахш этган дардли бир шавқ банд этади.

Оразинг нақшин кўнгул лавҳида тасвир эткамен,
Бўлмаса тақдир ани кўрмак, не тадбир эткамен?

Навоийнинг лирик қаҳрамони аввалги бир байтда ошиқ-шоир қиёфасида («юзи васфига Навоий тушмиш...») кўринган бўлса, бу гал ошиқ – рассом (аниқроғи, ботиний-руҳий дунё мусаввири)га айланади. Бас, чин муҳаббат ва нафосат шайдоси дунёда мисоли йўқ гўзал ёрини фақат хаёл кўзгусида гавдалантириш билан кифояланиши мумкинми? Шунинг учун унинг ноёб сувратини («нақшин») «кўнгул лавҳида» чизмоқчи бўлса не ажаб? Айниқса, ошиқ – рассом учун муборак ва эзгу ният... Лекин хаёлдаги маҳбуб тимсолини кўнгил лавҳасида ифодалаш – сувратлаш фақат айтишга осон. Эҳтимол, бундай ғаройиб яратиш жараёни – руҳий чизгилар, моддий заминсиз, сирли-мўъжиз қирралар, ҳиссий ранглар жилоси (кўнгил лавҳаси нималигини тасаввур қилиб кўринг!) ёлғиз шоир-рассомга, яъни шеъриятга хос сўз санъати имкониятлари билан руҳият сувратини чизиш иқтидорига молик ва матлуб ҳолдир... Шунинг учун бўлса керакки, Навоийдек сўз санъаткори (аниқроғи, лирик қаҳрамони – ошиқ-рассом) бундай сеҳрли сувратни кўриш ташвиши ҳақида ўйлай бошлайди: «Бўлмаса тақдир ани кўрмак, не тадбир эткамен?» Ошиқнинг бундай безовта ҳолати замирида, табиийки, маҳбубининг дунё хазинасига бергуси хаёли, соғинчи, ҳасратлари зуҳур этади. Бундай ғаройиб «тақдир» умиди билан «тадбир» излаб қийналиш ҳоллари Навоий хаёлхонаси ҳақидаги тасаввуримизни, шубҳасиз, бойитади.

Айлама» радифли ғазалда маҳбуб «чеҳраси» ошиқ «кўзи» билан меҳмон – мезбон ташбеҳлари орқали таносуб усулида боғланиб, ажаб нуктадон шеърий лавҳа яратилади. Шоҳбайт:

Чеҳрасига мезбон ўлсун кўзум, ул чеҳрани
Кўзларим уйидан ўзга уйга меҳмон айлама.

Бу гўзал байт маъни-маъно ва шеърий фасоҳат эътибори-ла икки аломати билан эътиборни тортади: биринчидан, меҳмоннавозлик фақат олийҳиммат ва саховатли одамларга хос хислат, хайрли одат эмас, айни пайтда бу кўнгил саховати, маънавий давлат, руҳий бойлик рамзидир. Халқимиз: «Меҳмон – атойи Худо» деганда ана шу кўнгил эшигининг очиқлиги, кўнгул уйининг кенглигини назарда тутган эмасми? Қолаверса, бу – даставвал, азиз ва мунис,

чин дўст, вафоли кишининг соғинч, эзгу ният, самимият, меҳр-оқибат дастурхони атрофидаги дил мулоқоти, юксак эътибор ва эъзозга лойиқ, интиқ дил суҳбати, халқ алёри тили билан айтганда чин юракдан «ҳасратлашадиган» мутлақ самимият нури билан нурафшон, бебаҳо сониялар, ҳатто, соатлар лаззати. Демак, улуғ саховат эгаси – ҳазрат Навоий «мезбон-меҳмон» истилоҳларини шеърий нисбат ўрнида бадиий истифода этганида, шубҳасиз, том маънодаги инсоний яқинлик – анис ва мунис кишилар дўстлигининг эъзозли, муборак ўлчови – мезони, эътиқод даражасида қиммат берса арзирли маънавий-ахлоқий камолот рамзи даражасида улуғлаш мақсадини кузатган. Ниҳоят, иккинчидан, (санъат, шеърият қонунлари нуқтайи назаридан), энг муҳими, шоирнинг қаҳрамони – ошиқнинг кўз қорачиғи дунёда ягона азиз меҳмони – ёрни кутувчи «мезбон»га, кўзлар энг бахтли уй – меҳмонхонага айланади. Шеърий лутф-сўз латофатини кўринг: маҳбубнинг ўзи эмас, хаёлдаги «чеҳраси» ғойибона меҳмон бўлиши Тангридан илтижо қилинади. Ошиқ-илтижосининг иккинчи шарти муҳаббат дардининг моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради, яъни Навоий хаёл қилган маҳбуб ўз гўзалли- ги билан ушшоқ аҳлини қанчалик мафтун этмасин (шоир бошқа бир ғазалида: «Лоларуҳлар аҳдининг маҳкамлиги мумкин эмас», дейди), фақат шу жафокаш истаги учун вафонинг мужассам тимсоли бўлиб қолиши керак, бу истак-муножот иккинчи мисрада ифодаланган:

«Кўзларим уйидин ўзга уйга меҳмон айлама».

Бу сатр замирида муҳаббатнинг ўзига хос соқчиси, руҳий қалқони бўлган муқаддас рашк туйғусидан кўра кучлироқ садоқат шеваси, ишқ савдосининг чин баҳоси – инсоний поклик туйғуси, ҳар қандай шубҳа-иштибоҳдан фориғ эътимод зуҳур этган.

Ва ниҳоят, шоирнинг қаҳрамони – ошиқ Навоий хаёл қилган гулруҳ «юзи» уйқу ва туш тимсоллари орқали абадий гўзаллик рамзига айланади. Шоҳбайт:

Юзунгни тушта кўрар мумкин ўлса, истармен
Онингдек уйқуки, андин сўнг ўлмагай уйқу.

Воажаб! Маҳбуба жамолини фақат «тушта кўришни хаёл қила туриб, абадий уйқудек ҳаёт-мамот фалсафаси ҳақида шунчалар терану ҳазин лавҳа яратиш, шунчалар руҳафзою мунгли навосозлик қилиш ёлғиз шеърият санъати – сўз фасоҳати соҳибларига мушарраф бўлиши мумкин...

Туш – рўё оламининг макон ва замон; жисм ва жон; тафаккур ва ҳиссиёт мезонлари, меъёрлари билан иҳота этилмаган руҳий-илоҳий, ғойиб-мўъжизакор минтақаларида, буржларида мулоқот қилиш (айниқса, «васли мумкини йўқ» хавос ишқи аҳли – хос ошиқлар учун), тўйиб дийдорлашиш, гоҳ кулиб, гоҳи йиғлаб ҳасратлашиш, истаганча сайр этиш, истаганча... Йўқ, шоир кузатган мақсад – фақат маҳбуба «юзини кўриш». Лекин мазкур байт чуқур зиддияти билан гўзал, жозиб: наинки шундай юксак шеърий хаёл оқибатда туш бўлиб чиқса, туш бўлганда ҳам мангу уйқу истаги оқибатда ўлим ваҳшатидан устун келолмаса! Ҳолбуки, ифрот (фавқулодда муболаға) санъати орқали ифодаланган туш - уйқу тимсоли замирида маҳбуба юзида ҳеч қачон таҳқиқ қилиб тамомлаб бўлмас маъно, латофат, жозиба қирралари, жилолари (гўё ўша юзда борлиқнинг тажаллиёт қонунлари мужассамланган-дай) зуҳур этади. «Уйқу» ташбеҳининг маъно қирралари тажнис санъатига замин ҳозирлайди: «Истармен онингдек уйқуки, андин сўнг ўлмағай уйқу»...

ЙИГИРМАНЧИ МАҚОЛАТ
«ЎЗГАЧА ҲОЛ» БАЁНИ

Эй Навоий, шарҳи ҳолимни дедим ирсол этай,
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушти, ҳам куйди қалам.

Ҳол – дунёвий-мажозий ва тасаввуфона-илоҳий шеъриятнинг кенг тарқалган севимли образларидан. У – инсоннинг ботиний дунёси – сийрати, дили, кўнгли, руҳияти рамзи. Йўқ, аниқроғи, инсон кўнглида ва руҳида кечадиган энг нозик – маҳрам, сирли-сеҳрли жараёнлар, лаҳзалар, мавжлар, тебранишлар, садолар, оҳанглар, жилолар рамзи, суврати. Шоҳбайт:

Бирки ҳайрон бўлди ул оразға, кўрди халқдин
Ҳар нафас юз қатла ўз ҳолига ҳайрондур кўнгул.

Бир марта, фақат бир марта ҳайрат ичида боқишнинг кутилмаган оғриқли, айни чоғда лаззатбахш оқибати: Навоий хаёлидаги лоларуҳ маҳбуб «орази»га унинг бечора қаҳрамони – ошиқ беихтиёр ҳайрон бўлиб қаради-ю, кўнглида ажаб ҳолат ўзгариши содир бўлди, бундан одамларнинг ҳам ороми бузилди – улар бу фавқулодда сирли-ғаройиб ҳолни кўриб, ҳайратдан ёқа ушладилар, йўқ, бу кам – «ҳар нафас юз қатла» ҳайронлик вазиятига тушдилар. Шу тариқа Навоий-ошиқ кўнглининг маҳбуба рухсорига («ораз», «кўнгул» – таносуб, «бирки», «юз қатла» – тазод усуллари) нисбатидан «ҳол»нинг тутилмаган лирик образи яратилади.

Яна бир ғазалда ошиқнинг ҳажр қийноқларида озурда бўлган «ҳоли» ўзгача қирраси билан очилади. Байт:

Бўлуб ул гул садқаси, ҳолингни арз этмиш сабо
Эй Навоий, бўлса юз жонинг – сабонинг садқаси.

«Садқаси», «сабо» сўзлари ўзаро жой алмашиб, такрорланиб келиши (тарди акс санъати) дан, лутфона шўхравон оҳанг, тоза, тароватли ранглар – табиат тимсоллари («гул», «сабо») дан яратилган бу мажозий лавҳада «ҳол» ташбеҳи кутилмаган тарзда шайдо йигит руҳининг бахтиёрлик таронаси рамзига айланади: ошиқ ўз аҳволини маҳбубга етказгани учун («арз этмиш») сабодан шунчалар миннатдорки, иложи бўлса, бир эмас, юз жонни унга бахшида этишга тайёр (зоҳиран имконга сиғмаган нарса, ҳодиса, ҳолатдан шеъриятда лирик лавҳа, манзара, тимсол-образ яратиш чинакам сўз фасоҳатидир). Инсон кайфияти – руҳиятининг бундай ғаройиб-самовий ҳолати реал ҳаётда, ўзаро муносабатлар доирасида, халқнинг жонли муомала тилида, ифодавий нақлларида ҳам учраб туради: «унинг қувончи ер кўкка сиғмасди», «жонини жонига улайди», «етса молим, етмаса жоним» ва ҳоказо.

Бошқа бир шеърда «ҳолат» муншийлик ва таҳрир санъати воситасида фавқулодда нозик, нуктадон лирик лавҳага айланади. Байт:

Зулфи ичра зор жисмим ҳолатин қилсанг рақам,
Эй муҳаррир, зарҳал этгайсен қаро таҳрир ила.

Мусаввирлик, наққошлик, китобат каби мусулмон Шарқининг ғоят нозик санъатларидан яхши хабардор, бу борада шахсан ҳомийлик, раҳнамолик қилган улуғ шоирнинг мазкур шоҳбайтда «ҳолат» тимсолини яратиш усули беихтиёр ҳайратга солади. Гарчи муҳаррирлик санъати (бу ҳам ўша замонда, масалан, хаттотлик каби фақат касб эмас, санъат даражасига етган эди) рассомлик бўлмаса ҳам, Навоий «ҳолат» тасвирида сўзларни иложи бўлса рангин ҳарфларда ёзишни тавсия қилмоқчи бўладию, лекин бунинг иложи йўқлигини фаҳмлаб қолади (эҳтимол, маҳбубанинг «зулфи» таърифланган сўзлар, сатрлар қора ҳарфлар билан битилиши, навбат ошиқнинг ҳажр қийноқларида заъфарон бўлган «зор жисми» га келганда зарҳал ҳарфлар ишлатилиши мумкин эди). Илло, муҳаррир вазифасининг мушкуллиги шундаки, «зор жисм... зулф ичра» тасвирланиши керак, демак, «ҳолат» тимсолини на «қаро» ва «зарҳал» аралаш, на икки рангдан бирида бериш мақсадга мувофиқ эмас. Ягона усул – «ҳолат»ни аввал «қаро таҳрир ила» рақам қилиб, сўнгра унга зарҳал бериб чиқиш... Бу ҳам шартли бир усул: гўё бу билан бир вақтда ҳам «зулф», ҳам «жисм»га хос қирраларга рамзий ишора қилинган бўлади, муҳими, ошиқ «ҳолати»нинг мумкин қадар ўзгача-рангин («қаро - зарҳал») образи яратилади.

Ғазаллардан яна бирида «муҳаррир», «таҳрир», «рақам» ташбеҳларига яқин, ҳамоҳанг нисбатлар орқали жозиб лирик лавҳа чизилади. Байт:

Эй Навоий, шарҳи ҳолимни дедим ирсол этай,
Сўзидин ҳам сафҳага ўт тушди, ҳам куйди қалам.

Шоирнинг қаҳрамони – ошиқ, ориф, ижодкор сифатида ўз «ҳолини» ўзи шарҳлаш мақсадида тараддудланиб, ёзишга тутинади, лекин орадан кўп фурсат ўтмасдан кўз ўнгида, гўё афсунгар сеҳр кўрсатгандай, ёзаётган қоғозига «ўт тушиб» ёна бошлайди, қаламни куйдиради. Бу ўт қаердан келди? Шоир «сўзидан»!.. Сабаби нимадан? Ошиқ Навоий «ҳоли»нинг ўтли нафас бўлиб сўзга ўтишидан! Классик шеъриятимизда «сўз» нинг иккинчи маъноси – ўт, оташ («сўзона» – оташин, оловли, алангали). Шу тарзда соҳир шоир ийҳом санъатидан фойдаланиб, «ҳол»нинг тутилмаган нафис образини яратади. Шоҳбайтнинг жозиба сири «сўз»нинг бир вақтда бир йўла икки маънони ифодалаб келишидагина эмас, балки, муҳими, ошиқ «ҳоли»нинг ўтли сўзларга айланиб, ҳамма нарсани куйдиришга қодир туғёнли, исёнкор – пурдард даражага бориб етганида...

Бошқа бир ғазалда шоир қаҳрамонининг ғоят мушкул аҳвол-руҳияси («минг саъб ҳол»и) ифодаланади. Байт:

Гар Навоийга етар минг саъб ҳол, андин дурур –
Ким хабарсизларни ҳолидин хабардор айлади.

Ажойиб зиддият, айни вақтда ҳаётий ҳақиқат... Кишининг ҳолидан (бошига келган бирор ғам- ташвишдан) аввал «хабарсиз» бўлган яқинлари, дўстлари келиб хабар олсалар, уларнинг таскин-мадорли сўзи, меҳрибончилиги билан кўнгли кўтарилиб, руҳан енгил тортиши, аҳволи яхшиланиши мумкин. Лекин аслида, Навоий кузатган мақсад бошқа бўлса-чи: хабарсизлар келиб ҳолини сўрмаганлари яхши эди; сабаби, унинг аҳволидан одамлар (майли, аҳбоблар)нинг огоҳ бўлишини кўнгил истамасди, оқибатда бундан («хабардор айлаш»дан) унга «минг саъб ҳол етмас» эди ҳам. Қанчалик ҳаётий зиддият! Демак, қаҳрамон (ошиқ ё ориф) нинг бунчалар мушкул ҳолига сабабчи омил ҳар бир инсон фақат ўзи билиши лозим бўлган кўнгилга маҳрам сир, чунончи, муҳаббат дардининг эл аро фош бў-

лиш маломатидир. Шу тариқа «ҳол» тимсолидан халқнинг муқобил характердаги «хабарсиз – хабардор» нақли орқали (ирсол ул-масал санъати) ўзгача лирик лавҳа чизилади.

Ошиқнинг «ҳоли» шу сирли-сеҳрли руҳий хилқатнинг ўзидай жозибали санъат – ийҳом орқали музайян этилган бир шоҳбайт:

Борди тишлаб бормоғин кўргач Навоий ҳолини
Ҳам ҳаёту ҳам ўлум кўрдум онинг бормоғида.

Ийҳом санъатида бир сўз – ташбеҳнинг икки маъноси ўзаро нозик баҳсга киришади, бирида иккинчисига нисбатан маълум иштибоҳ оҳанги ҳам сезилиши мумкин.

Ошиқ Навоийнинг «ҳоли»дан маҳбуба шунчалар таъсирланиб кетадики, беихтиёр бармоғини тишлаганча, не хаёллар билан аста узоқлашиб боради. Бу мислсиз гулрухсорнинг шундай изтироб ичида оҳиста узоқлашиб бориши ошиқ нигоҳида «ҳам ҳаёту ҳам ўлум» манзарасини гавдалантиради: «ҳаёт» – гўзал ёр қаттиқ изтироб чеккан, зиддиятли хаёлларга толган ҳолида янада жозибали, эҳтимол, ўз шайдоси – ошиқнинг умидсиз, нажотсиз аҳволини кўриб, пушаймондан изтироб чекаётгани, бу кетишида қайтиб келмаслиги ифодаси. Шундай қилиб «онинг бормоғида» сўзларидан англашилган ҳам жозиб, ҳам иштибоҳли икки нуктадон маъно орқали маҳбубанинг ажаб рафторини кузатиб, ортиқ зиддиятли – аросат хаёлларни кечирган ошиқ Навоийнинг яна фузун бўлган «ҳоли»ни аниқ, ёркин тасаввур қилиш мумкин.

Ғазаллардан бирида лирик қаҳрамон қиёфасидаги мунгли-ҳазин руҳ яна ўзгача ҳаётий нисбатлар воситасида ифодаланади: Байт:

Мен синуқ, кўнглум синуқ, сабрим уйи худ ерга паст,
Билмагай ҳолим шикастин кўрмаган мунча шикаст.

Ҳаётнинг иссиқ-совуқ, аччиқ-чучукларини бошидан кўп кечирган заҳматкаш, жафокаш одамларнинг тажриба сабоғи шундан далолат берадики, улар кези келса, аламзадалик зўриданми, аччиқ ҳақиқат сўзларини айтишдан тоймайди: «ғам эгасини танийди – бечорага келади, келса устма-уст келади; «мазлумнинг аҳволини ўз бошига келган киши билади» ва ҳоказо. Маълумки, Навоий ўзининг олий («амири кабир»лик) мартабасидаи қатъий назар, аҳолининг барча табақалари ҳаётидан, тижорат, маишат тарзидан, шу жумладаи кулбасини ҳар йили, «таъмирлаб», бузиб-тузатиб, ямаб, эпақага келтириб яшайдиган бечораҳол одамлардан, айниқса, уйсиз-ватансиз – турли хайрия биноларида сабр-қаноат билан кун ўтказадигаи ғариб, мискин, мусофир, етим-есир, қаландар-дарвишлар тоифасидан доимо – бевосита ва билвосита воқиф бўлган, улардан маблағини, меҳр-шафқатини, мурувватини дариғ тутмаган (шоир замондошлари – муаррихлар, шоирлар шундай шаҳодат берадилар). Муҳтожларнинг улуғ ҳомийси, нажоткор ва мададкори бўлган – назири йўқ улуспарвар, мардумсевар Навоий шахсан тасарруф этган бундай «имкониятлар» унинг турли жанрдаги асарларида, бадиий воситалар, усуллар сифатида қўлланганига ажабланмаса бўлади. Юқоридаги байтда ижодий истифода этилган «синуқ», «ерга паст», «шикаст», шунингдек, «сабр уйи» каби ташбеҳ-нисбатларни шоир хаёли, фантазияси маҳсули эмас, балки бевосита ҳаётий таассуротлар меваси деб билиш керак. Хуллас, халқона иборалар ва нақлларни бундай сайқаллаш заминида «ҳол»нинг шикаст руҳдаги лирик тимсоли шаклланади.

Мантиқан одамларга умид, нажот, қувват, руҳ бағишловчи, ижодкорга илҳому рағбат берувчи, гўзаллик, софлик, сафо рамзи бўлмиш тонг («субҳ») ҳам гўё ошиқ «ҳоли»га қараб мотамсаро қиёфага киради. Байт:

Жон топай дерсен сабуҳидин вале ғофилки, субҳ
Чок этиб кўнглок сенинг ҳолингга тутмиштур аза.

Риндтабиат кишилар (улар ҳам ўзларини дардли, ошиқ, шайдои деб биладилар) тунги алам, соғинч хуморидан сабуҳий (тонгги бода кайфи) қилиб кўнгил ғашлигини ёзмоқчи бўладилар. Лекин ошиқ Навоийга сабуҳий ҳам насиб этмаган: бу субҳнинг ваъзи (тузилиши, кўриниши) – мотамсаро, гўё бечора ошиқнинг «ҳоли»га аза тутгандай (ҳар қандай бодапараст мусулмон аза кунлари ичса, диндан чиққан, тарсо билан баробар бўлган ҳисобланади). Шоҳбайт мазмунига хос, ҳаётий зиддиятлар заминига қурилган ҳаққонийлик сўз фасоҳати – бадиий мушоҳада назокати билан уйғунлашиб, «сенинг ҳолинг» образига ўзгача жозиба, теранлик бағишлайди: бадиий мантиқ тақозосига кўра тонг саҳар қоронғилиги аста таралиб шарқ уфқида ёруғ чизиқ очилиб, тобора кенгайиб бориш манзараси кўйлак ёқасини баногоҳ «чок этиш»га муқояса қилинади.

Бошқа бир ғазалда «субҳ» «тун» ташбеҳи билан муқобил келиб, ошиқ Навоий «ҳоли»ни икки тарафлама кўрсатишга хизмат қилади. Байт:

Кеча баским ҳолима гаҳ кулдиму гаҳ йиғладим,
Тун асардур йиғламоқдин, субҳ доғи кулгидин.

Эътибор беринг-а: шоирнинг кўнглидаги қат-қат дард, ҳасрат, армон, умидлари билан дард аҳлидан бирортасига ўхшамайдиган қаҳрамони – ошиқ Навоий фақат кечаси (эҳтимол, то тонг саҳаргача) гоҳ кулган, гоҳ йиғлаган. Ёлғиз ўз ҳолига. Нега бундай? Оддий, фақат диёнатли, номусли кишиларда ҳам шундай мушкул, нажотсиз дақиқалар, алам, ситам, озор жон-жондан ўтиб, руҳни қақшатадиган озурда лаҳзалар бўлади. Аввал эзгин-эзгин йиғлайсан, кейин аччиқ, чуқур истеҳзо, таажжуб, орият, ўкинч ва яна алам аралаш мураккаб, паришон бир кайфиятда куласан. Ўз ҳолингдан!.. Навоий-чи? Навоийдек қалб уммони, руҳий фазоси, ирода қудрати беқиёс, чин валийсийрат зот қай даражада йиғлаган, қандай қиёфада кулган! Дарвоқе, у аввал кулдим дейди. Агар бу фақат вазн тақозоси бўлса, уни ўнглаш осон эди. Ёки аввал фақат йиғлагану (бу бошқа сатрларда ифодаланган) биз ўша лаҳзаларни ўйлаб «гоҳ кулган, гоҳ йиғлаган» ҳолида учратяпмизми?

Энди иккинчи мисрага разм солайлик: туннинг аёзи, айниқса, шабнамлари «йиғламоқдан асар» эканлиги – мунгли латофати ҳам майли, аммо «субҳ доғи кулгидан» сўзлари лавҳасига жойланган аламангез ва киноямиз нола, туғён маъносига ҳайратланмай бўладими, илло, субҳидам ёруғлиги – «кулгиси»да чин кулгига хос илиқлик, ҳароб бўлмайди. Шундай қилиб, Навоий тасаввури ва тахайюлидаги «ҳол»нинг ҳар икки жиҳати кўнгилга мунгли лаззат берадиган камёб образи ишланади.

Лекин ошиқ Навоийнинг «ҳолига» Мажнуннинг йиғлашини қиёс қилиб бўлмаса керак. Байт:

Қайдадур Мажнунки, бергай панду чун фаҳм этмасам,
Йиғлагай ҳолимға бағри оғриғондин зор-зор.

Шеърият санъатининг истиорали, рамзий-муболағали қонуниятидан қатъи назар, инсоннинг «ҳоли» шу даражага бориб етиши мумкинлигига иймон келтирмай бўлмас. Зеро, шеърий мантиқ ва хаёл кучига ишонмай туриб на ҳаяжонланиб, на ҳайратланиб бўлади. Аввалги байтдаги лавҳа – «гоҳ кулган, гоҳ йиғлаган» девонавор ҳол ҳам бир навъи экан; бечора ошиқ Навоий «ҳоли»дан ҳатто саҳрога бош олиб кетган Мажнун баногоҳ хабар топиб, йўлга чиқади ва ниҳоят, уни учратиб, панду насиҳатлар қила бошлайди (ғаройиб бир ҳол: Навоий салафлар анъанасига эҳтирому ўзининг руҳий-маънавий эҳтиёжларига муносиб жавоб тарзида шаънига достон бағишлаган ўша Мажнун-а!). Не ҳасратки, ошиқ Навоий унинг ҳидоятомиз – гўё тўғри йўлга бошловчи (!) сўзларини «фаҳм этмайди». Бу не ҳолдирки, Мажнундек оламга машҳур ишқ фидойиси, буюк дард тимсоли бошқа бир пурдард ошиққа панду ўгит айта бошласа-ю, у баайни илоҳий ишқ куйчисининг бундай муборак нафаси – ҳадисларига ишонмаса, ўзини англамаганга, тағофулга солса!.. Бундай шаккок исёнкорликни, мислсиз қайсарликни кўриб Мажнун нима қила оларди? Шу ерда байт мантиҳи иккинчи мисра мазмунини тақозо қилади: «Йиғлагай ҳолимға бағри оғриғондин зор-зор». Биз Навоийнинг қутлуғ хаёли ҳаққи-ҳурмати афсонавий Мажнуннинг «зор-зор йиғлаши» мумкинлигига самимий ишона бошлаймиз, кўнглимиз ларзага келади. Ана Навоий хаёлан яратган ва ўзи билвосита (шоир-ижодкор сифатида), эҳтимол, бевосита, руҳан кечирган қаҳрамони – ошиқ «ҳолига» талмеҳ санъати орқали тикланган бетакрор лирик образ намунаси!..

Ниҳоят, яна бир ғазалда «ямон ҳол»нинг туб сабабияти – буюк инсоний ва ошиқона дарднинг моҳияти инкишоф этилади. Байт:

Гар ямон ҳолимга кўз солмас, ажаб йўқким, эрур –
Ул қаро кўзлар қаро бахтим масаллик уйқучи.

Зоҳиран бир сўзнинг икки маъноси («қаро кўзлар, қаро бахт» – тажнис усули) заминига қурилган бу лирик лавҳада, аслида улуғ шоир ва табаррук зотнинг бутун руҳий, маънавий, ижодий оламига бемалол тамсил этса арзигулик теран маъно, ҳудудсиз дард, ҳасрат, армон мухтасар тарзда, мужассам ифодаланган. «Ямон ҳол»нинг асосий боиси қисмат буйруғи билан боғлиқ эканлиги «бахтим уйқучи» образида акс этади. Лекин образга ҳам ҳаётий, ҳаққоний маъно, ҳам бадиий жозиба бағишлаган – «қаро» ташбеҳи (у нафақат «бахт» билан, балки «уйқучи» тимсоли билан руҳан уйғундир) Шу тариқа, Навоийнинг эл-улус меҳрига, раҳматига мушарраф, бениҳоя мукаррам ва мўътабар ҳаёт, ижод, иймон-эътиқод йўлига, илоҳий назар билан нурлантирилган муборак аъмолига қарамай, «уйқучи... қаро бахти» туфайли ўнгланмаган, ўнгланишга умид, нажот топмаган «ямон ҳоли» ҳаққоний чизилган лирик лавҳа бизни чуқур хаёлга толдиради...

ЙИГИРМА БИРИНЧИ МАҚОЛАТ
«ИЗИНИНГ ТУФРОҒИДЕК...»

Эй Навоий, сидқ ила бўлғил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

Классик шеъриятимиздаги хокипойлик, хоксорлик, ҳақирлик... Асли моҳияти том маънодаги улуғлик ва комилликни англатган бу хислат табиатан шикастадил, мазлумпарвар

Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ, шоир, ориф, қаландар образлари учун характерли қиррага айланиши бежиз эмас. Айниқса, ошиқона ғазалларда хоҳ бевосита – аниқ аломатлари билан, хоҳ билвосита – шеърий рамз-мажозлар пардасида, бошқа тимсоллар, образлар руҳида (чунончи, «қуёш – зарра» муқобил нисбати орқали) ошиқнинг суврати – ташқи кўриниши жуда ғариб, ночор, хору зор, муҳтож, мискин, гадо, ҳатто расво қиёфаларида чизилади (шоирлар ўзларига Ғарибий, Гадоий, Хокий, Мискин, Қаландар, Волаи Расво каби тахаллус олиш билан фахрланганлар), унинг руҳий олами – сийрати эса хоҳ ҳаётнинг маъно-моҳиятини идрок қилишда, хоҳ «жоҳу мол» қуллигидан, нафс, шайтон ва жаҳолат асирлигидан мутлоқ фориғлик борасида бўлсин, маъсумлик, поклик, фидойилик тимсолидир (ҳолбуки, ошиқ – ориф ва қаландар каби ўзини Аллоҳнинг гумроҳу ғофил ва осий бандаси, гуноҳкору мужрим тоифадан деб билади). Навоий шоҳбайтларида ана шу икки олам – суврат ва сийрат ҳар гал ўзгача рангу оҳанглари, нуктадон қирралари билан бадиий таҳқиқ қилинади. Байт:

Чун ул ой дам боқар кўз учидин гардун сари.
Мен чу туфроқмен, қачон боққай мене маҳзун сари.

Аввало, маҳбубанинг ойга нисбатида ўзгача оҳанрабо, тароват борлигини қайд этиш керак: ой инсонийлашади, у бамисоли самовотнинг тунги султони; ўзига баҳоси шунчалар баландки, коинотдаги ҳисобсиз юлдузларга («гардун сари») нописандларча, «кўз учидан боқади». Қолаверса, ойдин кеча манзараси бир вақт ичида ҳам чексиз, сирли-сеҳрли (фазовий), ҳам реал, жонли (инсоний) аломатлари билан чизилиши шеърият санъати эътибори билан бетакрор ва жозиб ҳодиса. Лекин шоир кузатган асосий мақсад «ул ой» ва «мен» образлари замирига жойланган зиддиятли кечинмаларни ошиқнинг осмондаги ой олдида ердаги туфроқ қадарли қадрсиз, ҳар қандай меҳрдан, эътибордан бенасиб, маҳзун» ҳолатини алоҳида ажратиб кўрсатишдан иборат (мантиқан ой билан тупроқнинг нисбати ер билан кўк қадарли олис бўлгани ҳолда, ошиқнинг ўз маҳбуби олдидаги бечоралик, хоксорлик ҳолати нуқтайи назаридан бундай муқояса усули ҳам ғаройиб, ҳам табиийдир). Шу тарзда «ой – туфроқ» муқобил тимсоллари тазод усулида ўзаро боғланиб, Навоийнинг муҳаббат эътиқоди ҳақида ўзига хос тасаввур уйғотувчи ёрқин ва рангин лирик лавҳа- образга айланади.

Классик шеъриятимизда, масалан, «ит» рамзи – инсоний садоқат, жафокашлик ва фидойилик туйғуларининг ўзига хос мужассами сифатида кенг тарқалган сайёр образлардан. Навоий бу анъанавий мажозга ҳар гал ўзгача бадиий тароват бағишлайди. Чунончи, у буюк салафлар силсиласида абадиятга дохил ва мужиб бир ҳалқа сифатида ўзининг шеърий мақоми ва мартабаси зикрида мутлоқ камтарлик билан ўша мажозни истифода этади (Навоий каби комил ва солим зотлар, жумладан, шоирлар ўзларини ит билан қиёслаш қанчалик матлуб ё номатлуб, жоиз ё ножоиз эканлигига ортиқ эътибор бермаган бўлсалар, ажаб эмас). Байт:

Ит каби чун пастлиҳим чоғладим.
Ўзни бийиклар ипига боғладим.

Зоҳиран «ит каби... пастлиғ» билан «бийиклар ипи» ўртасидаги зиддият кутилмаган тарзда теран моҳият касб этади, бу, шубҳасиз, Навоий англаб етган, таҳқиқ этган юксак, комил руҳиятдир: улуғ мураббийлар, пири муршидлар шаъни, жаҳоний шуҳрати олдида

ўзининг чексиз ихлоси, меҳру садоқатини шу қадар ҳақирлик, шикасталик билан изҳор эта олган беназир шогирд устозларнинг муборак сафидан жой олишга – «бийиклар ипи»га боғланишга ҳақлидир. Илло, салафларнинг улуғлик, комиллик даражаси ўз навбатида – ўтган устозларга Навоий каби чин садоқати билан ўлчанадики, бунга шубҳа бўлиши мумкин эмас. Шу маънода мазкур байт аждодлар ва авлодлар алоқасидек ҳар бир соғлом киши такомилида руҳий эҳтиёж бўлган зарур ҳаётий омилга нописанд қарамасликка даъват этади, хусусан, бадиий ижод соҳасида устоз-шогирд муносабатларида инсоний фазлу камол мезони, лозим бўлганда ҳақиқат сабоғи сифатида хизмат қилади. Шунингдек, бу шоҳбайт Навоий сўзининг фасоҳатидан яна бир далолат – тазод санъатининг бетакрор бир намунаси бўлган лирик лавҳа-образ тарзида ҳам жозибалидир.

Бошқа ғазалда «итлар» мажози ғоят ҳазин оҳанги билан ларзага солади. Байт:

Мен ўлар ҳолатдаву кўйида, итлар қошима
Жамъ ўлуб, аҳбобдек афғон қилурлар бошима.

«Итлар» бу гал «аҳбоб»га – яқин ёр-дўстларга нисбат берилиши ошиқнинг фожеъ аҳволи қай даражада фузун эканлигига ишорадир. Унинг (эҳтимол, шахсан шоирнинг) аҳбоблари қани? Ошиқ ёр кўйида «ўлар ҳолатда» – нажотсиз қолганда унинг яқинлари, анису мунис кишилари эмас, ҳайҳотки, улардан вафолироғ бўлиб чиққан махлуқот – итлар «қошида жамъ бўлиб» нола қиладилар!.. Нега? Шуми ҳали инсонлик қадри? Дўстларнинг меҳрибонлиги, аҳбоблар оқибати (беихтиёр шоирнинг бошқа бир шоҳбайти хаёлдан ўтади: «Одаме – бўлса вафо андин йироқ, Ит – вафо бобида андин яхшироқ»)! Аслида, Навоий бу гал ҳам халқимизнинг ҳазин-мунгли, лекин эзгу удумидан фойдаланади: оғир хастанинг ҳаёт шамъи сўниб бораётган сўнгги видо дақиқаларида жигарбандлар, чин дўстлар бошида жам бўлишиб, кимдир ортиқ чидаб туролмасдан Тангридан мадад сўраб йиғлай бошлайди; кимдир кўзлари жиққа ёш – қаттиқ изтироб сукутида; ёши улуғроқлардан кимдир шивирлаб ё сал қаттиқроқ овоз билан калимаи шаҳодатни ўқий бошлайди, ниҳоят, аёллар бирин-кетин дод-фарёд кўтарадилар, кексалардан кимдир таскин беради, яна кимдир танбеҳ... Ҳеч қачон ўлмас сўз даҳоси, қадим халқимизнинг жафокаш фарзандларидан бири – ишқ фидойиси билан мотам олди видо дақиқаларининг мислсиз драмаси... муҳаббат дардининг фожеъ интиҳосини янада аниқроқ ифодалашга хизмат этишини кўзда тутгану, негадир, бундан қаноат топмай, ўшалардай одамлар эмас, улардан кўра «вафо бобида яхшироқ» итлар (!) жам бўладилар, дейди. Бунда, балким «аҳбоб» ларга таъна-маломатдан кўра, ушшоқ аҳли қисматининг қаттоллигига ишора кучлироқдир, шунинг учун ифрот (ўта муболаға) усулидан фойдалангандир, эҳтимол, шоир ўзи билан ўзи танҳо қолган кечаларнинг бирида «итлар афғони» унда шунчалар мунгли таассурот қолдирган, нажотсиз ўйларга толдиргандир...

Навоий ғазалларидан бирида лирик қаҳрамони – ошиқнинг ғариблиги, хоксору ҳақирлиги ғоясини зоҳиран қараганда, «ойлар» – «лаҳза», «қуёш» – «кулба» муқобил тимсоллари орқали ифодалайди. Аслида, моҳиятда-чи? Байт:

Ўтуб ойларки, бир кулбамға майл эткай, кириб чиққай –
Куёшдай – йўқ анга бир лаҳза таскин тутмоқ имкони.

Ошиқ Навоий эл-улус назаридан четда, хилват пучмоқларнинг тубида, шундай ғариб бир кулба тутганки, унга «ойлар ўтиб» офтоб нури тушмайди... Фақат ёз келиб, қуёш жавзо бур-

жига кирган, олам нур денгизига ғарқ бўлган кунларнинг бирида («ўтиб ойлар-ки», эҳтимол, йилда бир лаҳза оралиғида) бу кулбага майл этиши, яъни «кириб-чиқиши» мумкин, демак, қуёшнинг бундай иноятi, марҳамати «бир лаҳза»гина. Зеро, унинг бунчалар унутилган терскай, пастқам-хилват кулбада «таскин топмоғи имкони йўқ». Маҳбубнинг ана шундай лаҳзали майли, беқарор, таскинсиз илтифоти бечора ошиқ учун шунчалик қимматдирки, ўша «кулбага... бир майл» – оний нигоҳни интизор кутиб, ҳажрнинг нурсиз-ҳароратсиз ойларини ўтказишга, барча озору ситамини сабот билан тортишга рози. Нечун бундай адолатсизлик? Ошиқнинг ғарибона кулбаси билан маҳбубанинг қуёш мисолли фазовий қудрати ўртасида нега бунчалар тафовут?.. Навоий муҳаббатни илоҳий эътиқод даражасига кўтаргани учун, унинг ишқий идеали – комил, эзгу хаёли реал турмуш диалектикасига, унинг зиддиятларига дуч келгани (номутаносиблиги) учун «васли мумкини йўқ» ишқ фалсафасини яратишга жазм этган бўлса не тонг (бундай фалсафий йўналишни тасдиқловчи, кескин оҳангдаги машҳур байтлардан бирини келтириш кифоя: «Ошиққи муроди ком ўлғай – ошиқлик анга ҳаром ўлғай»)!..

Навоий терма байтларида ушшоқ аҳлининг шикастаю хоксор фидойилик туйғусини «кўй», «туфроқ», «хокпой», «ҳақиру фақир» каби ташбеҳлар орқали ифодалар экан, табиий, ҳар гал сўзнинг яширин бадиий қирраларини таҳқиқ этади – тутилмаган лирик лавҳалар, образлар яратади. Шоҳбайт:

Кесак кўйида янчиб асрарам кўз пардаси ичра,
Кетургандек бирор қоғозга чирмаб Каъба туфроғи.

Халқимизда азиз кишининг хоки пойини кўзга тўтиё ўрнида суртиш, яъни унинг пой қадами – ташрифини ёки муборак номини, сиймосини, ёдини «дил тўрисида», «жон ўрнида», «бош устида», «кўз устида» эъзозлаш – юксак меҳр, ихлос билан қадрлашдек қутлуғ удум, мўътабар анъана турли монеликларга, мушкулликларга қарамай, жуда тансиқ бўлса-да, яшаб келмоқда. Шоирнинг «кўз пардаси ичра» образи ўша қадимий, табаррук инсоний ихлос, эъзоз туйғусини ёркин ифодалаб бериш мақсадини кузатади. Сўнгра, мусулмон ва бошқа диний эътиқодларда, биринчи навбатда, ота билан онанинг улуғ, эзгу хотироти рамзи сифатида, бошқа яқин, азиз инсонлар: мураббий, пири муршид – устод, валий зотлар ёдномаси тимсоли тарзида олинган, халқ қадим- қадимдан ишонган, ўзини, ўзлигини, руҳини поклагувчиқ адамжолар билан боғланган, ниҳоят, киндик қони томган она тупроғи, биринчи ҳаёт бешиги – ватани заминидан олинган муқаддас «туфроқ»... моҳият эътибори билан «Каъба туфроғи»дан кам эмас. Юксак маънавий мартабаларда турувчи Навоийнинг қаҳрамони – ошиқ маҳбуба «кўйидаги кесак» ларни териб, «янчиб», бу илоҳий гард – «туфроқ»ни инсон кўзининг оқу қароси орасида – «кўз пардаси ичра асрамоқ»ни ният қилади. Иккинчи мисрадаги муқояса («кетургандек... Каъба туфроғи») бу ошиқона истакнинг маъно-моҳияти қанчалик теранлигини кўрсатиш баробарида мусулмонларнинг энг улуғ эҳромини улуғлашга ҳам хизмат қилади.

Навоийнинг фавқулодда нуктадон, нозикхаёл мушоҳада тарзи ҳар бир нуқтада – хоҳ анъанавий истиора-рамз усулларида, хоҳ реал турмуш тафсилотларидан шеърий рамз сифатида фойдаланиш борасида ўзининг бетакрор бадиий қирралари билан ажралиб туради. Шоҳбайт:

Аёғинг тупроғига кўзларимдур шишаи соат,
Ки ҳар соат бири равшан бўлурға туздилар навбат.

Тиббий муолажа жараёнларида ҳозир ҳам қўлланиб келаётган, шакли шишадан ясалган қумсоатнинг кутилмаган тарзда... ошиқ кўзларига нисбат берилиши ҳам шаклан – шеърий суврат сифатида, ҳам мантиқан олиб қараганда, бу қанчалик нафис муқояса усули! Маъно-моҳият эътибори билан-чи? Навоий қаҳрамони – ошиқнинг икки бедор кўзи гўё галма-гал соат вазифасини ўтайди, аниқроги, «равшан бўлур... навбати» учун бир соатлик қоронғулик қийноғини кечиради (байт замирида: кўзларим гоҳ фироқинг гарди билан хиралашиб, гоҳи равшанлик тортиб туриши ўзи бахт, деган маъно ҳам зуҳур этиши мумкин). Эҳтимол, бунда Навоий хаёлидаги гўзалнинг оёғи теккан тупроқ ҳам ўша, «шишаи соат»нинг қум зарралари каби ғуборсизланади, деган нозик ишора бордир. Лекин бу гўзаллик жилваси – муқоясадан кўра шикастаҳол ошиқ кўзларининг мағрур ва бераҳм маҳбуба оёқлари гарди билан нисбати ўз ҳазинлиги билан фузунроқ, ҳаққонийдир. Нима бўлганда ҳам, бу ошиқнинг хаёллари ўз маъшуқасига бўлган муносабатини ифодалашга муносибу мумтоз сўз топиш йўлидаги бедор изланишларнинг ғаройиб-ўзгача самаридир.

Фақиру ҳақирлик, ҳазин-шикаста фидойилик туйғуси бошқа бир ғазалда зоҳиран ўхшаш усулда, аслида, ижодий жараёнда янгиланган бадиий сўз – нисбатлар орқали бетакрор лавҳа-образлар тарзида ўз аксини топади. Байт:

Ул қуёш бирла борур эл соядек, мен – хоксор,
Ваҳки, қолурмен изининг туфроғидек айрилиб.

Бунда, аввало, «қуёш» тимсолининг «соя»дан кўра «хоксор» сўзига нисбати байтдан кузатил – асосий муддаони очиб беришда ўзига хос бадиий-мантиқий замин сифатида хизмат қилади. Қолаверса, шу заминда яратилган образнинг бор жозибаси иккинчи мисрада: «...қолурмен изининг туфроғидек айрилиб». Хусусан, «айрилиб» сўзи билан (унда қанча дарду алам пинҳон тутилган экан!) «изининг туфроғидек» бирикмасидан ҳосил бўлган руҳий манзара, унинг замиридаги ингичка ва теран маъно муҳаббат қиссасининг фидойилик бобида битилган янги лавҳа, янги образидир. Ажабо! Гениал шоир киши оёқлари остида (аксари ҳинд фильмларида тасвирланган оёқ яланг шўх қизни эслатувчи маҳбубанинг нозли хиром этиши – одимлашидан) ҳосил бўлувчи, одатда фақат ошиқнинг шайдои нигоҳи илғаб олиши мумкин бўлган камёб бир манзара таассуротидан «айрилиб қолиш»дек чорасиз, ўксик, ҳатто фожеъ ҳолни шунчалар аниқ, ёркин ифодалашга муваффақ бўлади. Бу «мен – хоксор» шеърий жумласининг ички маъно қирраларини ғоят мухтасар ва чиройли (халқона лутф билан) шарҳлаб, тафсир қилиб бериш намунаси – бетакрор лирик манзарадир...

Мана «тупроқ» ташбеҳи ишқ кўйида хокитуроб ва ошуфтаҳол бўлган ошиқнинг дини – иймони рамзига айланган бошқа бир шоҳбайт:

Менинг динимни солди дайр туфроғига бир тарсо –
Ки йўқ туфроғча оллида тақво аҳли исломи.

Байналмилал тафаккур ва заковат иқтидорига эга бўлган, лекин комил ва солим мусулмон эътиқодидаги улуғ шоир нечун бир тарсо – христиан гўзалига шунчалар эрк берди экан? У ғоратгар шаккок қиз нописандлик билан мусулмон эътиқодидаги ошиқнинг муборак дини-иймонини гўё ўз бутхонасининг тупроғи билан тенг қилди!.. Беихтиёр «Шайх Санъон» ҳикояти эсга тушади. Худди шундай бир жон офати – тарсо гўзалини девонавор севиб қолган Санъон муҳаббат йўлида бутхона хўжалигида энг аянч, таҳқирли юмушларни

бажаришга нечук рози бўлди? Бу азобли саволга жавоб топиш ҳам қийин, ҳам осон. Осони – биргина сўз: МУҲАББАТ! Навоийнинг бошқа бир шоҳбайти мушкулотни енгиллатгандай бўлади. «Ошиқ ўлғон кечди мангу номдин, Миллату иймону дини исломдин». Демак, шоир «дин», «дайр» (бутхона), «тарсо», «тақво», «ислом» каби истилоҳлардан (уларнинг тафовутидан – икки хил эътиқоднинг гўё бири улуғланиб, иккинчиси хоксор этилганидан қатъи назар), майли, бахтсиз, васлсиз бўлсин – муҳаббатдек улуғ қисматни муносиб баҳолаш учун энг мўътабар ва мукаррам шеърий нисбат ўрнида фойдаланади. Хуллас, ошиқликнинг фидойи, шикастаҳол қисматига шартли-рамзий нисбат бўлиб келган «дайр туфроғиға солди», «туфроғча йўқ» ибора-ташбеҳлари нафақат муҳаббат юлдузининг энг юксак, дахлсиз буржини таъкидлашга, улуғлашга хизмат қилади...

Ошиқнинг шикастадил, бечораҳол суврати ва шундай сабру саботли сифатлари билан улуғвор сийрати «гадо», «девона», «расво», «қул» ташбеҳлари воситасида чизилган шоҳбайтлар оз эмас. Байт:

Ҳар не эл кўнглига хуррамлиғ – менинг кўнглимга ғам,
Ким ғамингдан бўлмиш ул девонанинг хуррамлиғи.

Ўзаро муқобил олинган, тарди акс санъати (икки шеърий тимсолнинг мисраларда ўрин алмашиб такрорланиши) усулида музайян этилган «хуррамлиғ» – «ғам» ташбеҳлари ҳаётдаги, инсоний муносабатлардаги азалий зиддиятни ҳаққоний ифодалаш баробарида, ўзига хос мунгли бир завқ уйғотади. Зоҳиран оддий кўринган, қаҳрамоннинг бундай бетакрор, қаландарона – ўзгарувчан кайфиятида чуқур фожиа бўлмаса-да, қисматнинг сокингина ўтказувчи озор-ситамлари, аниқроғи, унинг шафқатсиз, эҳтимол, тузалмас асорати зуҳур этади. Фалакнинг адолатсизлигини кўрингки, «ҳар не эл» (эҳтимол, бу бахти кулган ошиқлардир, эҳтимол, ҳаётдан фақат нашъу намо, шодонлик насибасини олишга ўрганган, ғамдан узоқ кишилардир) кўнглида жой олган хуррамлик, табиийки, ҳажр изтиробларидан, ҳаётнинг бошқа озорлари, маҳрумликларидан «девона» аҳволига тушган бечора ошиқ кўнглини вайрон қилади, ўкситади, хўрлантиради. Лекин иккинчи мисранинг мазмуни, гарчи бирор умид, нажот йўлидан огоҳ этмаса-да, лирик қаҳрамон – фидойи ошиқнинг қ анчалик сабрли, иродали эканидан, унинг руҳий дунёси нечоғлик бойлигидан далолат бермайдими: ғамни хуррамлик деб билиш учун одамнинг ирода ва бардоши ҳам кифоя қилмаса керак, бу – фақат валийсифат зотларга хос етуклик аломати (девона, қаландар, дарвиштабиат кишиларда валийларга хос хислатлар бўлиши ажабланарли эмас). Баъзан «девона» ташбеҳи лирик кечинма унсури тарзида эмас, шоирнинг давомли кузатишларида етилган мантиқий хулоса - шеърий силлогизмнинг тавсифи сифатида келиши мумкин. Байт:

Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво,
Не айб, агар қилди бу девонани расво.

Бевосита байтни шарҳлашдан аввал классик шеъриятимизда маълум анъанага айланган маломатомуз, аслида исёнкор мазмундаги «телба», «хор», «расво» («Хору расво қиладурғон бу – кўнгулдир, бу – кўнгил». Лутфий), «дарбадар», «гадо», «адашган ит», «девона», «машраб», «ғариб», «мискин», «урён», «бекас», «бесар», «нотавон» каби чуқур киноя билан йўғрилган, моҳиятида руҳий соғлом, маънавий баркамол сифатлар, орифона донишмандлик, шоирона хуштаъблигу нозикхаёллик жойланган, суврати алдамчи тимсол-ташбеҳлар мавжудки, буни эътиборга олмаган китобхон чалғиб кетиши, баъзи бир рамзий образлар-

ни янглиш талқин қилиши мумкин. Бас, юқоридаги байтни қандай тушунмоқ керак? Биринчи мисрадаги «оқилу фарзона» сўзларининг «расво» ташбеҳига нисбатидан зинҳор номарғуб, номатлуб хулоса чиқариб бўлмайди. Сабаби, бу ҳам чин ошиқни гўёки иймонсизга чиқариб қўйишдек гап.

Бундай мўъжиз ишқ шуъласи ақл чироғини сўндирмаса, фақат турфа тоифадаги ҳасадгўйлар - рақиблар, зуҳд аҳли унга маломат тошлари ёғдирмаса бас. Қолаверса, «расво» ташбеҳи – шеърий муболағанинг киноямиз руҳдаги ифроқ шакли холос; шоир кузатган мақсад – Ишқ савдосининг инсон ҳиссиётини қанчалик ўзига ром этишини кўрсатишдан иборат... Иккинчи мисра: девонавор ошиқнинг аҳволи янада пурзиёд бўлгани, яъни эл-улус назарида оқилу фарзоналарни ишқ қайси кўйга бошлаган бўлса, Навоийнинг барчага аён Мажнунвор дарбадар қаҳрамонини муҳаббат янада камолга етказиши, руҳини покланти-риши мумкин...

Ушшоқ аҳлининг хоксорлиги, фидойилиги ғояси «қул» ташбеҳи орқали ифодаланади: Байт:

Кулни боштин эвуруб озод этарлар, вах, мени
Боштин эвур, лек озод этма, жонинг садқаси.

Воажаб! Чин муҳаббат ришталари билан боғланган ошиқ-маъшуқлар том маънода эркин, ҳур бўлишлари мумкинми? Бу – ҳақиқатдан ўйлантирадиган мушкул савол. Агар Навоий байтини шартли равишда дунёвий муҳаббатга тамсил қилиб олсак, уни шоир умр бўйи буюк армон билан тараннум этган вафо расми, бурчи билан узвий боғлаб талқин қилиш лозим бўлади. Умуман, мусулмон Шарқи шеъриятида хоҳ дунёвий, хоҳ илоҳий муҳаббат тараннум этилсин, маҳбубнинг ҳатто ёдига, хаёлига садоқат туйғулари эътиқод даражасига кўтарилади («Унингни бир эшитибмен, неча йилларки, қулоғимдан кетмагай ул ун»; «Ё Раб, ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама ё кўзимни андин ўзга юзга ҳайрон айлама» ва ҳоказо). Юқоридаги байтда Навоий ўз замонасида сақланиб қолган ажойиб бир удумни шеърий нисбат сифатида келтирадики, бу маълум маърифий-этнографик қимматга молик факт ҳамдир: одатда уй юмушларига қул, чўри сақлаган давлатманд кишилар вақти келиб уларни озод этсалар, ўз боши теварагидан айлантирар (гўё бош-кўзнинг садақаси сифатида) эканлар. Иккинчи мисранинг мазмунини шундай шарҳлаш мумкин: эй, менинг бор эканимни, ҳуқуқимни, ҳаётимни тасарруф этган хўжам, подшоҳим, биламан, мендек содиқ қулингни озод қилмоқчи эмишсан, майли, қадимий удумга кўра уни бошингдан эвур, лекин озод этиш ниятингдан қайт, сендан айру тушиб эришиладиган озодликдан ўлганим яхши. Чиндан ҳам, хоҳ дунёвий севгида (реал ҳаётда), хоҳ хаёлий, самовий муҳаббатда чин эътиқодли ошиқ-маъшуқлар бир-бирларидан «озод» бўлишларини тасаввур қилиб бўладими?

Ғазалларнинг бирида «гадолиғ» ташбеҳи кутилмаган рамзий маъно англатиб келади. Байт:

Оразинг меҳрида оғзингдур гадолиғ қилганим,
Ҳақ сени хуршид қилмиш, заррае бергил закот.

Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Лутфий руҳини ёд қилар экан, улуғ ёшли валий шоир зиёратига келган Жомий бу «маликул калом» (сўз мулкининг подшоси) эгнидаги тўнга «гадолиғ» қилган ва эскилигидан қатъи назар ўз муриди – ихлосманд шогирдига табаррук туҳфа сифатида ечиб берган унутилмас лаҳзалар ҳақида камоли шавқ ва ғурур

ҳислари билан ёзади. Мазкур шоҳбайт шодасидаги «гадолиғ» сўзи ҳам Жомийнинг дил тўридан жой олган ва муборак кунларнинг бирида ниҳоясиз меҳру ихлос билан тилига кўчган эзгу калом каби маънавият дурларидан бирига айланса, яъни ўзининг анъанавий маъносидан узоқлашса, не ажаб!

Навоий исломнинг «ҳақ», «закот» истилоҳларидан махсус бадиий силсила тузади: «хуршид» – «зарра» – «ораз» – «оғиз». Айниқса, муҳаббат туйғуларининг тансиқ, пок, маҳрам мукофоти – бўса истаги («оғзингдур гадолиғ қилғоним») ажаб лутф пардасида ифодаланиши байтга бошқача жозиба бағишлайди. Шу тариқа: «гадолиғ» анъанавий хоксорлик, шикасталикдан кўра Жомий нафас қилган қутлуғ калом каби бу гал пок ишқнинг покиза бўсаси, йўқ, ундан фақат бир зарра – ҳусн закоти рамзига, аниқроғи, бўсадан умид, илинж тимсолига айланади.

«Гадо» ташбеҳи яна бир ғазалда ислом ва тасаввуф фалсафасининг мўътабар каломларидан «сидқ» билан уйғунлик, бутунлик касб этади. Байт:

Эй, Навоий, сидқ ила бўлҳил гадо ишқ ичраким,
Тахту тожин берса, бу давлатни топмас подшоҳ.

«Сидқ» – ҳақиқат, тўғрилик, ростлик, холислик, шунингдек, ҳақ йўли, ҳақ нури, ҳақ назари каби кўпқиррали маъноларнинг илоҳиёна уйғунлиги, бутунлиги – умумлашма-мужассам тимсоли. «Гадо» тимсоли, унинг «қаландар», «девона», «дарвиш» параллеллари каби тасаввуф фалсафаси ва шеъриятида фанонинг (моҳиятда бақонинг ҳам) нафс, молу жоҳ, кибру ҳаво, ўзлик, нангу ном каби барча дунёвий ташвишларидан фориғ бўлган сойири (кезувчиси) демакдир. Навоий гадонинг руҳий-маънавий жиҳатдан жамиятнинг бошқа тоифа ва табақа вакилларидан қанчалик устун туришини бир қитъасида шундай ифодалаган: «Аҳли маъни гуруҳи-ла зинҳор ҳеч ор айлама гадолиғдин, Чун гадолиғ ортиқдурур аҳли суратда подшолиғдин». Ана энди Навоий тасаввуридаги «гадо» илоҳий мазмунли «сидқ» руҳи билан йўғрилганда – айниқса, бу улуғ санъаткор, сабр-қаноатда назири йўқ шахс талқинида, шубҳасиз, анъанавий маъно доирасини ёриб чиқади (сўзнинг фақат шаклшамойили ўзгармайди, холос). Борди-ю, бундай янгича талқиндаги фалсафий каломга Навоий тасаввур қилган, бутун заковат – иқтидорини, хаёлот дунёси – ижодий даҳосини бахшида қилган, шу заминда гўё бошқатдан яратган олам – «ишқ ичра» муносиб мақом, матлуб мартаба берилса, шубҳага ўрин йўққи, бундай давлат қайси жаҳонгир султонга насиб этибди? Шундай қилиб, мазкур байтда анъанавий муқояса-нисбатларнинг янги қирралари таҳқиқ этилади, «сидқ» ва «гадо», «тахту тож», «давлат» ва «подшо» ташбеҳлари заминида таносубнинг, «гадо» – «подшоҳ» асосида тазоднинг рангин намуналари яратилади.

Ғазалларнинг бирида тасаввуф шеъриятининг фақиру ҳақирлик ғояси «бош – кўй – ҳалтон» ташбеҳлари орқали ўзгача, рангин ифодасини топади. Байт:

Бошима кўйидин ўзга кўйни қилма ватан,
Кўйида бошимдин ўзга бошни ғалтон айлама.

Инсоннинг «боши» – кўп қиррали, кўп қатламли, руҳий-ботиний тушунча; унинг нисбатан аниқ маъно қирралари, сирли, рамзий-мажозий сифат ва аломатлари мавжуд. Бани одам – одамзоднинг «боши» ни лоақал шеърият қаҳрамонлари – хоҳ ошиқ, ориф, хоҳ шоҳу дарвешга мансуб бўлсин, уни ҳайвонот дунёсидан ажратиб турувчи бирламчи, энг мўътабар тушунчалар – иймон-эътиқод, мангу ном, дину миллат каби хислатларсиз тасаввур

этиб бўлмас... Лекин шеърий санъат – бадииятнинг ўз қонунлари бор. Чунончи, муҳаббат лирикасида эҳтирос оламига – туйғулар, кечинмалар, қисқаси, кўнгил мулкига асосий ўрин, биринчи қиммат берилади (ишқий эҳтироснинг мутлақо эркин, дахлсиз, бўйсунмас табиатини таъкидлаш, тайинлаш ва ҳимоялаш учун ҳам инсоннинг инсонлик моҳиятини белгиловчи ақл-заковат, ирода, сабр каби мўътабар ва мукаррам сифатлар мунозара-мубоҳаса предметига айланади). Мазкур байтдаги «бош» моҳиятда инсоннинг тириклиги, фикрат даҳосининг рамзи бўлгани ҳолда ошиқнинг хоксору ҳақирлиги рамзи – фақат маҳбуба оёқлари босгани учун табаррук жойга айланган «кўй» ни ўзига ватан деб билади ва аксинча, «ўзга кўй»га бош қўйишдек осийликдан Ўзинг асра, дея Тангрига ёлборади. Иккинчи мисранинг мазмуни янада фақирона – шикастаҳол, чин валийлик эътиқодининг рамзий ифодасидан иборат: «Кўйида бошимдин ўзга бошни ғалтон айлама». Шўх болалар коптоксимон юмалоққи нарса бўлсин, тепиб ўйнашга ўч бўладилар. Ғазалиётда маҳбубанинг бепарво – беғамлиги болалар шўхлигига тамсил қилинган байтлар кўп. Навоий шунчалар эътиқоду эътимод билан эъзозлаган қаҳрамони – ошиқ (аксарият ҳолларда у шоир шахсига яқин туради) «боши», агар маҳбубанинг кўнгли тиласа, майли, «ғалтон» бўла қолсин, дейди. Фақат ошиқнинг ягона илтижоси: маҳбубанинг шўхликлари учун «ўзга бош ғалтон» бўлмаса, бас. Муҳаббат «кўйида», майли, хаёлдаги гўзалнинг оёқларига, йўқ, оёқлар остидаги тупроққа тенг тутилган ошиқнинг «боши»... Бу – фақиру ҳақирлик орқали инсон руҳини поклаш рамзи, унинг улуғлиги, ўлмаслиги тимсоли сифатида бетакрор лирик образ намунаси.

Ниҳоят, яна бир ғазалда тариқат йўлининг сўнгги манзили – фано бўлиш ғояси «туфроқ», ёр «кўйи итлари» мажозий образлари орқали лириктрагик лавҳа яратилади. Шоҳбайт:

Йўлингда ўлди Навоию бўлди туфроғ ҳам,
Ёпишса эрди бу кўй итлари аёғига кош.

Эҳтимол, фақат «ғазал мулкининг султони» – улуғ шоирнинг тафаккур тарзи таҳқиқ қилиши мумкин бўлган анча-мунча ижодий хаёл, соҳир санъат, ғаройиб бадиият, шеърий мантиқ қонунларига итоат қилавермайдиган камёб мушоҳада меваси: ошиқ Навоийнинг ҳажр кўйи – маҳбубанинг муборак даргоҳи «йўлида»ги тўзимсиз жабру ситамлардан хасталанган жони ортиқ бардош беролмай жисмни тарк этди, жонсиз қолган жисм бундай айрилиқ мотамсаролигида ўз шакл-шамойилидан мосуво – «туфроғ бўлди». Тирик чоғики маҳбуба васли муҳаббат қисматида ёзилмаган экан, зора унинг тупроғи, йўқ, тупроғининг зарралари ўша вафосиз бўлса ҳам абадий севимли ва азиз даргоҳ остонасини гард – ғубор бўлиб тавоф этса! Албатта, бундай таърифга сиғмас хоксор фидойилик ифодаси учун маълум мантиқий замин ҳозирлаш лозим бўладики, «кўй итлари» мажози ана шундай эҳтиёж тақозоси – мавзун ва матлуб ифодасидир. Аввалги байтлар шарҳида маҳбуба «оёғининг изи», «изининг туфроғи» ошиқнинг ўзлиги, боши, кўзи билан тенг қўйилган бўлса (яна бир ғазалда зоҳирий ва ботиний маъно қирраларига эга шундай мисра бор: «Бош қўяй дедим оёғи туфроғига, деди: қўй»), бу гал унинг ўзи «туфроқ бўлгани» кифоя эмас, кошки ёр кўйининг «итлари оёғига» гард бўлиб «ёпишса»! Бундай мислсиз ҳақирона фидойилик, гўзал фожиа (ёки фожеъ гўзаллик) олдида ўлим ваҳшати чекинса, не ажаб!..

ИНТИҲО СЎЗ

Мир Алишер Навоийнинг шоҳбайтлари. Азал ва абаднинг ўзидай ҳудудсиз Бутунлик, буюк Уйғунлик рамзи. Комилу солим ва хуштаъб одамлар англаб олишга, фаҳмлаб етишга қодир ҳақиқат – илоҳий ва сафоли Сўзнинг мужассам тимсоли. Байт:

Маъдани инсон гуҳари сўздурур,
Гулшани одам самари сўздурур.

Сўнгра, Навоий сўзи замиридаги Маъни – Руҳ ул-қудс «равон айлаган» қалам таҳқиқ ва рақам этган мислсиз нуктадонликлар, нозикхаёлликлар. Бундай «хос маъни»ларни фаҳмлаб етувчи заковат, шеърий дид-фаросат, мусиқий-тасвирий нафосат туйғуси. Билъакс, шеърий санъат, рубобий бадиият туйғусидан узоқ, таъби номавзун ва норасо кишилар Навоий байтлари моҳияти ва руҳиятини идрок қилишга қодир эмаслар. Байт:

Маъни ичинда кишиликдан йироқ,
Билки орамизда минг йиллик фироқ...

Ва ниҳоят, Навоий шоҳбайтларига хос сўзонли, пурзиёд Дард. Ҳеч шубҳа йўққи, дини исломнинг аркону аҳкомларидан бўлмиш Низомиддин Мир Алишер Навоий «Сонии Марям» унвонига мушарраф бўлган биринчи валия – мутасаввиф аёл Робия қаламига мансуб мана бу оташин байтнинг аслидан ҳам, таржимасидан ҳам воқиф бўлган:

Кўнгул ичра ғамлик асру ғамдур,
Алам йўқлиқ даҳи қотиғ аламдур...

Илло, хоҳ «етти иқлим» («Етти иқлим элин харидор эт»), «етти афлок» («Етти афлокни анга ёр эт») – самовотнинг сиру синоатлари тасвирида бўлсин, хоҳ руҳий дунёнинг башар авлоди силсиласидан иборат олису яқин ҳалқалари, қатламлари, қирралари хусусида бўлсин, шоирона, орифона, ошиқона ва қаландарона наволар, навосозликлар ўша ёлқинли, туғёнли Дарддан холи эмас. Бас, Навоий шеърий куллиётининг қайси бир жилдини варақламанг, гоҳ: «Дардини нажотим эт, илоҳий», гоҳ: «Меҳри йўқларга гирифтор айлама», гоҳ: «Дардима дармон иноят айлагил!» – дея нолаю муножот қилишининг боиси шунда.

Хулласи калом, беназир мураббий мутафаккир шоир – ҳазрат Навоийнинг биз дафъатан нигоҳ ташлаган ва баҳоли имкон шарҳлашга интилган терма байтларида бу меҳзан шеъриятга хос уч муҳим аломат: «Сўз гуҳари», «Маъни хазинаси» ва хусусан Тангри илоҳдан умид-илинж ифодаси – «Дард» каломлари бири – суврат, бири – сийрат, яна бири – руҳ сифатида бу ёруғ дунёнинг ўзидай бутунлик, таносуб («ваҳдати вужуд») тимсолига айланади.

НАВОИЙ ШОҲБАЙТЛАРИ «СЎЗУМ МАРТАБАСИ...»

(«Навоий ижодхонаси ҳақида суҳбатлар» туркумидан)

Ҳар кимсаки сўз демак шиорида дурур,
Маъни гули нутқининг баҳорида дурур...
Алишер НАВОИЙ

Алишер Навоий муножотлари – моҳият эътибори-ла муқаддас «ояти карима»лар билан муштарак маъно ва оҳангда бўлиб, унинг жанр (Навоийда «синф») хусусияти ҳам Каломи Мажид руҳини – хос пафосини эслатиб туради... («Навоий, сеҳр эмас, гўё «Каломуллоҳ» асосидур: Бу мўъжизаларки, зоҳир ўлди килки нуқтапошингда...»)

«Муножот»ларнинг илоҳий-фалсафий, ҳуқуқий шаръий, ахлоқий-маънавий жиҳатлари – махсус тадқиқотларни тақозо этувчи катта ва жиддий мавзулардан. Биз «илми бадеъ», «илми балоға», «Илми саноеъ» – мумтоз бадиият қонунлари мажмуи – миллий шеъриятимиз поэтикаси нуқтайи назаридан Навоийнинг Сўз даҳосини унинг «муножот»лари мезони – меъёри доирасида, қай тарзда, қайси тартибда зуҳур этиши, қандай жиҳатлари билан улуғ мутафаккир ва мураббий шоир ижодхонаси ҳақида муайян даражада тасаввур беради, деган умидда, шартли равишда етти банд (бўлим)дан иборат «суҳбат»лар шаклини танладик.

СУҲБАТИМИЗ ИБТИДОСИ

Мавзумиз унвони – сарлавҳаси хусусида. Мен шахсан буни Навоий дунёси учун энг мақбул ва матлуб истилоҳ деб ҳисоблайман. Бу даъвонинг мўътабар далолати, мантиқий асоси шуки, жаноби Муҳаммад (с.а.в.)нинг муборак ҳаёт ва фаолиятларида «асҳоб», «мусоҳиб», «саҳобий» каби мукаррам каломлар замирида илоҳий мазмун, фалсафий маъно – ўзгача ҳикмат зуҳур этиб туради: жамики «аҳли зоҳир» ва «аҳли ботин» – фазлу камол эгалари (ҳазрат Навоийда: «аҳли маъни»)... бир- бирларини ҳабибу анис – яқин суҳбатдош, матлаб-маслакдош деб билганлар: бу кўнгилнинг табиий ҳолати – руҳоний эҳтиёжига, умрнинг хайрли, ғанимат дамлари мезонига, янада аниқроқ ва оддийроғи, кундалик ҳаёт тарзига, мулоқотлар меъёрига айланган. Бунинг мўътабар далолати, бевосита – жонли шаҳодатини Навоий тазкираларидан «Мажолис ун-нафоис»да (унинг сарлавҳаси беихтиёр ўзига тортади) ёки «Насойим ул-муҳаббат»да; сўнгра «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» ёдномаларида, деярли ҳар бир фасл-боб ва табаррук саҳифада кузатишимиз мумкин. Чунончи: «Фақир анинг бирла ҳамиша мусоҳиб эрдим»; «... ул асҳоби жовидоний била суҳбат тутубтур», «асҳобидин сўрдиларки»; «Дебтурларки, биров била суҳбат тутмангизки, сиз – Ҳақ дегайсиз, ул – ўзга нима дегай»; «кўнгил майли анинг суҳбатиға кўп бўлди...», «...анинг суҳбатида ғаройиб нималар мушоҳада бўлур эрди»... Ва хусусан, Баҳоуддин Нақшбандда: «Бизнинг тариқимиз суҳбатдур... Хайрият – жамиятда, жамият – суҳбатда... Бир-бири била суҳбат тутсалар, анда – кўп хайру барокат...» Шунингдек, хоҳ «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида, хоҳ «Хамсат ул-мутаҳаййирин» ёдномасида бўлсин: «деган эрмишлар...»; «сўрди...», «деди...», «дедим...», «дебтурки, бу сўрмоқ анинг фани (касби) дур - билур ва сўрар»..., «кўрди ва сўрди...», «суҳбат иттифоқи...» син-

гари савол-жавоб заминига қурилган суҳбатлар, давомли қизғин мулоқоту унутилмас хотирот лавҳаларида зикр этилган орифона – ҳикматли ҳикоятлар гоҳо: «асҳоб ҳозир эрдилар...», гоҳо: «ҳар навъ сўз ўтадур эрди...» тарзидаги вобаста ибораларда ифодаланади...

Ниҳоят, бу улуғ, чиндан-да маърифий ва бадиий манбалари ҳадсиз-ҳисобсиз, ижодхонага бевосита ё билвосита алоқадор шеърий (маснавий) сатрлар, асосан, терма байтлар ё рубоий бандлар ила музайян насрий лавҳалар, даставвал, лирик куллиёт «Дебоча» ларида, сўнгра буюк маснавиёт – достонлар муқаддимотида, боблар таркибидаги лирик чекиниш, лирик ибтидо ва лирик хотималарда; насрий асарлардан: «Муҳокамат ул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб», «Тарихи мулуки Ажам», «Мезон ул-авзон», «Муншаот» бобларида, айрим саҳифаларида, афсонавий-тарихий ва ҳаётий тамсил-далиллар ё ҳикматли байтлар тарзида ўрин олгандирки, уларни маълум тартиб-тизим, изчил-давомли робита асосида ўрганиш, ҳеч шак-шубҳасиз, илмий қимматга эгадир.

Шунчалар катта миқёс, кўпқиррали кўламдорлик, айниқса, фалсафий моҳият теранлиги, бадиий рангинлик, бетакрор тимсоллар эътибори-ла Навоий ижодхонасини – унинг Сўз даҳосини фақат бадиият қонунлари доирасига сиғдириб бўлмаса керак. Зотан, бу сирли-мўъжиз, том маънода илоҳий Қалам – «килки Сунъ» қудрати-ла инкишоф этилган «сўз гуҳари» нинг бутун жозиба сирри, аввало, руҳий-илоҳий таҳқиқ, фалсафий талқинни тақозо этади. Шу маънода бу қутлуғ ва улуғ, поёнсизу бардавом мавзуни бирмунча чегаралаш, кузатилган аниқ мақсадга монанд ва матлуб тамсиллар эътибори-ла, масалан, улуғ устози Жомий вафотига битган мухтасар тарихида абадий мунаққаш этилган қуйидаги: «гуҳари кони Ҳақиқат, дурри баҳри Маърифат, кошифи сирри Илоҳ» қудсий тимсолларни, ҳеч муболағасиз, Навоийнинг ўзига, дунёда тенги йўқ Шахсиятига нисбат беришимиз мумкин ва вожибдур...

Шу мақсадда биз, биринчи навбатда, буюк маснавиёт – «Хамса»ни, хусусан, «Ҳайрат ул-аброр», «Сабъаи сайёра», «Садди Искандарий» достонларини Навоий ижодхонаси учун асосий, «таянч нуқта» сифатида танладик. Бундайин комил эътиқод ва эътимодимизнинг энг муҳим икки омили бор: биринчидан, «дину иймон» – комил мусулмонлик бобида, аниқроғи: «низомул-миллати вад-дин Алишер» (Жомий баҳоси) мақомидаги шахсий сифатлари-покдомон хилқати; ҳиммат-саховат, «нафъра- сонлик» бобида – эл-улусга, миллати ва Ватанига (тили ва давлатига), кенг маънода, жаҳон маданиятига, башарият манфаатларига қилган беадад буюк хизматлари эътибори-ла, иккинчидан, «фалак кўрмаган нодир» сўзи, қудратда тенгсиз қалами билан – фасоҳат, бадиият, маърифат мактаби-ла Машриқу Мағрибнинг ўлмас сиймолари каҳкашонида энг нурафшон юлдузларнинг бири ва балким, ягонаси эканлиги, аввалан, шу ижодхона лавҳаларида ўз акси – тажаллисини топганлиги аён «намудор» бўлиб (кўриниб) турадики, бу фақат анъанавий шавқу ҳайрат ифодаси – камоли васф сўзлари эмас... Шу тариқа, юқорида қайд этиб ўтганимиздай, мушоҳада ва мулоҳазаларимизни гоҳ кутилмаган – ғаройиб, гоҳ ҳаётий-табиий, гоҳо ҳар икки жиҳат муштарак бўлмиш «Алишерий» (Бобур) хос суҳбатлар тарзида, муайян тартибда баён этиб, шарҳлаб борамиз. Даставвал, улуғ шоиримизга мўъжизакор «хомаи тақдир» («килки Сунъ») эҳсон этган «алим ул-азим» Яратувчи Ҳақ ила мажозий қаҳрамон (ориф-мутафаккир, шоир-«қаламзан») ораларидаги ғойибона-сирли суҳбат гувоҳи бўламиз. Бунда сирли-сеҳрли парда ортидаги фасоҳат мулкининг илҳомчиси йўллаган «мунҳийи роз» – сирлар даракчиси, илк илоҳий мужда – сўз фариштасининг нур ила йўғрилган шарпаси, руҳоний суврати – тасвири... хаёл кўзгусида жилваланнб туради. Бу – ўз меъёр-мароми ва аниқ назаргоҳдан холий миқёс-ҳудуди-ла ғаройиб бир ҳолатда воқеъ бўладиган, том маънода руҳий-илоҳий суҳбат, яна-да аниқроғи, бу – Навоий қаҳрамонининг ғайришуурий тарзда, бевосита Ҳақ таолога муножоти бўлиб (« – Қодиро!..», «Раббано!..», «... ё Раб!» калималари воситаси-ла), уни биз

тасаввур қилган дунёвий меъёр-таомил доирасига сиғдириш имконсиз... Сониян (иккинчи суҳбат): ўша мажозий қаҳрамон – мутафаккир шоир тимсоли бу гал энди фазовий (самовий-руҳий) ҳолатнинг мужассам тимсоли бўлмиш «толеъи саъд» (ё «кавкаби иқбол» – бахт юлдузи) ила ўзаро мулоқот асносида содир этилган ғаройиб суҳбат шоҳидига айланамиз, яъни ҳамон ўша сирли парда ортидан илҳом элчиси – иқбол фариштаси шоир қаҳрамони билан макон-замон мезонларидан холи, ғойиб мулоқот ҳолатини кечиради... Ниҳоят, учинчи суҳбат жараёнида ижодхона жонли-вужудий муносабат – тўла-тўкис инсоний салоҳият касб этади: бу мутафаккир шогирд билан улуғ пир (биринчи навбатда, Махдуми Нуран – Жомий, сўнгра, бошқа увайс устозлар: Румий, Ҳофиз, Низомий, Деҳлавийлар, ҳатто Саййид Ҳасан Ардашер, Баҳоуддин Нақшбанд каби валий зотлар) ораларида ўтган юзма-юз мулоқот тусига киради, бу суҳбат ғаройиб туш фонида берилади. Тўртинчи-бешинчи суҳбатлар бевосита ижодхона доирасида ўтади: бу ҳудуд ҳажман кичик «Ҳужра» (моҳиятда «икки жаҳон»га очилган дарича-кўзгу) ё аксинча, поёнсиз кенгликлар, чунончи, сафобахш «тоғ этаклари», олис йўлнинг бошқа манзиллари бўлиши мумкин... Ва ниҳоят, бой ҳаётий тажриба, азалий ва ногаҳоний зиддиятларга тўла давр воқелиги ва саноғи номаълум китобий маърифат – тарихий ҳақиқат сабоқлари – олтинчи-еттинчи суҳбатлар учун бебаҳо манба – маърифий, маънавий-руҳий ва бадиий заминга айланиши мумкин...

БИРИНЧИ СУҲБАТ

Бу – юқорида қайд этиб ўтганимиздай, биз одатланган аниқ назаргоҳ – макон ва замон мезонларига сиғдириб бўлмас, ғайришуурий тарзда, руҳоний хилқатда содир этиладиган, том маънода илоҳиёна-фазовий мулоқотдир. Бундай ғаройиб жараён, не ажабки, улуғ шоир-мутафаккир тимсоли мужассами (образи)нинг кутилмаган бир вазиятдаги, шунчалар «ҳақиру фақир», ғояти шикастаҳол аҳволи руҳияси – биринчи қутб бўлса, иккинчи қутб, аксинча, мислсиз ва ададсиз раббоний қудрат: «алим ул-азим» Зулжалол (улуғлик Эгаси), имкониятлари ниҳоясиз, дахлсиз – мутлақият оламини тасарруф этадики, бу ҳақда ўйлаганда «ақл боши айланади» (Навоий). Бу икки қутб мулоқотини зоҳиран, шартли равишда, фақат мавжвар уммону – нажотсиз қатра ёхуд сарҳадларсиз коиноту фоний-ўткинчи лаҳза- муҳлат ичида бор-йўқлиги нотайин-омонат зарра билан муқояса қилиш мумкин... Бундайин улуғ тафовутли суҳбат-мулоқот асносида «барчани йўқдан бор» қилгувчи Ҳолиқу қодир-бирламчи омил – «таянч нуқта» бўлса, унинг мажозий суҳбатдоши – шоир «мен»и (гарчанд бизнинг субъектив тасаввуримиз бўйича, бу зоти киромнинг руҳий хилқатида мислсиз даҳолик мўъжизаси, сўз сеҳргарига хос фавқулодда салоҳият зимдан сезилиб турса-да, на чораки, ўз мусоҳиби қаршисида зоҳиран қиёслаб бўлмас даражада ожизу нотавондир... Шунга қарамай, ҳазрат Алишер ўзини фидо қилишга тайёр «улуғ муддао» олдида ўртадаги ўзаро нисбатлаб бўлмас тафовутни шундай муқобил тимсоллар орқали ифодалашга журъат топади:

– Кодиро!.. Ул заифи осиймен –
Ки, бошимдин оёқ маосиймен...
Улки, сендек – бошимда Холиқдур,
«Мен» демаклик... не беҳаёликдур!?

Беихтиёр савол туғилади: нега энди «шоирлар шоири, мутафаккирлар мутафаккири, валийлар валийси» қилган муножотда бу қадар мужриймона узрхоҳликлар («бошдин-оёқ

маосиймен» – гуноҳлар мажмуидирман), ҳамин қадар тўзимсиз оҳу фарёд, руҳий изтироб бор?.. Зиддиятлар шиддатини кўринг: «Барчадин шариф» инсонни яратгувчи, алал-хусус, унинг азизу мукаррамлиги ҳаққи, мўъжизалар мўъжизаси – Сўзни кашф этгувчи («Сўз келиб аввал, жаҳон сўнгра...», «Ҳайрат ул-аброр»дан) ул Холиқул қудрат олдида ўзи бунёд этган мўъжизоту ажойибот олами – уммон қаъридан асл «дурри самин» – «маъни гуҳари», «сўз гуҳари» ни ахтариб топишга журъат этиш, шу хайрли ҳиммат – жасорат самари ўлароқ, дунёда тенги, нисбати топилмас шеърий девонлар, улуғ маснавиёт – достонлар яратишдек комронлик муроди... – ҳаммаси «маломат булбули», ҳақиру бенаво Навоий кўнглида, унинг «замон ва аҳли замон» жабру андуҳи, вафосизлиги олдида... чиндан ҳам беҳуда – абас бир ҳолдир, балким?!. Бундайин пурдард зиддиятли хаёллар замзамасини, иштибоҳ-изтироб туйғулари туғёни ва поёнини бир қадар умумий тарзда тасаввур қилиш ўзи осон эмас. Зотан, Ҳақ таоло билан ориф инсоннинг ғойибона-руҳоний мулоқоти... фақат набийуллоҳу валийуллоҳ зотларга мушарраф бўлган ноёб бир бахтдир. Не ажабки, ҳазрат Навоий кечирган бундайин ширин изтироб – азобли ўйлар бизга сирли, номаълум руҳий ришталар – илоҳий робиталар орқали боғланмаганмикин?!..

... Нафси аммораға ё бўлдум асир?!
Мен нетай, гар Сендин будур тақдир?..
Сен ёмон айласанг, мени, не ҳад,
Айламак Сендин ўлгон амрни рад?..

Магар охир-оқибат, мудом ўша ададсиз нолавор муножотдан, зоҳиран нажотсиздай туюлган руҳий илтижодан, ҳар қ алай, навмидлик туйғуси улуғ зотларга шоён эмас...

Яхшилик қилки, нотавонингмен,
Ямон ўлсам, Сенинг ёмонинг – мен.
Менга не ҳад демак Сенгаки: «Не қил»,
Неки бўлғай Санга ризо – они қил!..

Бу янглиғ, моддий назаргоҳ – «олти жиҳат» чегараларини енгиб ўтган, ғайришуурий ҳолатдаги суҳбат-мулоқот тарзидан қатъи назар, аслида, «ўз вужудига тафаккур айлаган» (яъни мустақил инсон қиёфаси – ўзлиги, шахсиятига эга бўлган) шоир қаҳрамони – ориф-мутафаккир дунёсига йўл топиш, унинг ҳасрат-надомат сўзлари моҳияти нимада эканини идрок этишга уриниб кўриш мумкинку... Масалан, шайтони лаъин дағдағаси – «нафси аммораға асир бўлган нажотсиз навмидлик ростмикин?..» Бу – Навоий қаҳрамонининг покдомон хилқатига, ўзлигига, улуғ шахсиятига мантиқан зид эмасми?.. Унинг шунчалар парҳезкор-валиёна ҳаётига, поклар ичра пок руҳий-ботиний дунёсига шайтон тажовуз қилиши мумкинлигига, унинг шу қадар сарбаланд иймон-эътиқоди зиддига, шу қадар сабр-қаноат, тийиқлилик қудрати зиддига, «нотавону ёмон» отлиғ бўлиши мумкинми?.. Бунга Навоийни бир қадар англаган одам ишонадими?!.. Навоий англаб етган мушкулдан мушкул зиддият, тугуни, ечими имконсиздай туюлган, мураккабдан мураккаб муаммо бу! Бу муаммо жаҳоннинг не-не даҳоларини қийноқли ўйларга толдирмаган, дейсиз?!.. Хусусан, Тангри билан, майли, Унинг энг расо, комил бир бандаси – инсоннинг юзма-юз мулоқоти, ҳар қандай, хаёл-тасаввурдан ташқари суҳбати!.. Оврўпо – мағриб даҳолари таҳқиқ этишга уринган фавқулодда жумбоқли савол: «парадокс» шу эмасмикин?.. Асли қадимий Юнон заминида дунё юзини кўрган ва жаҳон миқёсида муштарак маъно касб этган бу пур-

дон истилоҳ ҳам Навоий англаган ҳақиқат сиррини ифшо этишга ожизлик қилар, балким?.. Не ажаб ва не ҳайратки, Амир Низомиддин Навоий бундай қийин жумбоқ-саволга энг мухтасар, мантиқан энг кучли жавоб – ечим топади: «Мен нетай гар Сендин будур тақдир?!..» Чиндан ҳам бу – ҳазрат ботиний идрок этган комил иймон, исломий эътиқод тасарруфидаги яна бир хайрли неъмат – улуғ иноятy мағфират инъикоси – тажаллиси эмасми?

Ҳа, зоҳиран бир бандаи ғофилнинг (аслида даҳо сиймолардан бирининг) бутун гуноҳи азимини, бори саҳву хатоларини кечиргувчи ва эҳтимолки, Навоийдек беназир улуғ зотлар мушарраф бўлган жаҳоний шуҳрат – «нангу ном» фахрия мутаассирлиги зўриданми – «мен» демаклик... не беҳаёликдур» (узрхоҳликнинг ортиқ даражада муболағали – ифрот усулидаги «Алишерий» ифодаси эмасми бу?..) шоҳ сатри руҳига сингдирилган «тавбаи комил» – тазарру туйғусини ҳам илоҳий меҳр-шафқат, карам ила қабул этгувчи Аллоҳнинг инсонга кўрсатган улуғ илтифоти эмасми бу?!.. Зотан:

Караминг ганжи – юз жаҳон чоғлиқ,
Баҳри фазлинг – минг осмон чоғлиқ...
Ё Раб! Ошуфтамен, фиғонима ет.
Карам айлаб, хатоларим афв эт!..

Биргина охирги мисрада зуҳур этган: «Карам айлаб, хатоларим афв эт!» муножот сўзларининг ахлоқий ибратини, биринчи навбатда, аҳли табъфузалою зурафо, зиёли зотлар, жумладан, бугун эл-юрт ардоғидаги шоир-адиб, олиму мунаққидлар «ўз вужудларига тафаккур айлаб» кўрсалар эди! Қанийди?!. Юқоридаги банд шарҳига қайтамиз: ҳа, пири комил Нуриддин Абдураҳмон Жомий ифтихор ила таъриф қилганидай, ҳазрат Алишернинг исломий эътиқод-эътимоди шунчалар юксак мақомда эдики, Аллоҳнинг «карами ганжи», «баҳри фазли» баробарида, Унинг марҳамат ва мағфират нури ҳам ҳадсиз-ададсизлигини бор вужуди, қалби, руҳияти-ла англаб етган, идрок этган эди... Шунинг учун ҳам биз Сўз даҳосининг иғроқ каби махсус муболаға усулидан самарали фойдаланганидан ҳеч ажабланмаймиз:

Юз жаҳон журмум (гуноҳим) ўлса ҳам – не бок?
Баҳри афвинг қошиндадур – хошок.
Хаста кўнглум ишиға сомон (чора) эт,
Талабинг дардини анга дармон эт!..

Шу тариқа, Ҳақ марҳаматидан умид ва нажот топган, сувратда шикастаҳол, нотавону бесомон, сийратда мислсиз ирода соҳиби – улуғ мутафаккир кўнглидаги, эҳтимолки, бизга зоҳиран иштибоҳли туюладиган маҳзуну ҳазин кайфият ўша руҳий- самовий мулоқот жараёнининг аввалги ҳолатидан аста-аста кўтарила, тарқала бориб, яна «Тангри эҳсони» бўлмиш яратиш дарди, рағбати самари – «буюк муддао» изланишлари уни батамом банд этади...

Манга Тенгридин бўлди рўзи ком –
Ки, ҳар ишгаким айладим эҳтимом (киришмоқ).
Кўруб Тенгри лутфин фалак чоғлиқ,
Нечук қилмай ўтруда туфроғлиқ?!.

Бунингдай қутлуғ ва улуғ бахт – «рўзи ком», «ҳар ишга» кушойиш бахш этувчи илоҳий Кудрат Ўзи ёр, малоикаю фаришталар, руҳлар – увайс (ўтган) ва мудом ҳамнафас пирлар мададкор бўлгани учун ҳам бамисли «кунда юз байти ҳалво» бўлган, шавқу рағбат жўш урган ижодий жасорат кайфияти-ла ҳазрат Алишер (унинг мажозий қаҳрамони – мутафаккир-шоир тимсоли) энди ортиқ хоксорлик – «туфроғлиқ» ҳолатини кечирса, не ажаб?..

...Неча шукрига сажда қилсам нажанд (қуйи) –
Мени чунки (Ҳақ) айлар фалакдин баланд!..
Улуғ комлардин эдим бахтиёр –
Ки йўқ эрди анда манга ихтиёр!..

Ва ниҳоят, ўша беҳад шукрона туйғулари мантиқан изҳори ифтори – фахрия заминига айланади, айни чоғда, бу яна зиёдроқ илҳомий ҳолатга бадал бўлади – янги ижодий изланишларга ундайди. Шу тарзда аста-аста «улуғ муддао» – шоҳ асарлар бунёд этиш истак-иштиёқи шоирнинг борлиғини банд этади:

Не майдон аро сурсам эрди саманд,
Хавосин кўнглум қилмас эрди писанд.
Бу андешадин эрди кўнглумда шайн (ғашлик) –
Ки бўлди кўнглум мойили – «Хамсатайн»...

Илло, устоз салафларнинг улуғ «Хамса»лари («Хамсатайн») фақат мазмун-маъно ва қадр-баҳода нисбати йўқ достонларгина эмас, балки ўзининг ҳудудий миқёси-ла «икки жаҳон» моҳияти ва сабабиятидан баҳс қилувчи тақдир китоблари, беназир бадиий солномалар эдики, улар кўтарилган улуғ мартаба мақомидан туриб, Навоийнинг «Алишерий» тахайюл ва таҳайюр кўзгусида янги мўъжизоту ғаройибот оламини, жумладан, дунёвий ажойибот мулкини кашф этди:

Чу машғул ўлдум тамошосига,
Ўтуб води-ю тоғу дарёсига...
Жаҳоне кўрунди кўзумга ниҳон,
Ниҳон, балки, ҳар байти ичра – жаҳон.
Қаю гўшаким нозир ўлдум даме,
Назарға эрди жилвагар оламе...

На хуш ва не ҳайратки, Ҳақ насиб айлаган ўша «рўзи ком – улуғ муддао», эзгу мурод ҳосил бўлмоғи энди ортиқ шубҳага ўрин қолдирмайдиган – нафақат самарадор, айни равнақ босқичига кўтарилган, балки мавжвару пурвиқор пардага кирган ғаройиб дамларда ҳам, табиийки, яратиш дарди-ю шавқи – фақат улуғ шоир ўзи биладиган нурли азоблари, изтиробли сурури ҳазратни бир нафас тарк этмаган:

Қилиб бу даъвою лофимни ҳам.
Соғиниб бурун дер газофим (беҳуда ўйлар)ни ҳам.
Уятга солиб бўйла ҳолат мени,
Ҳалок айлабон хижолат мени...

Гаҳе дебки: «Йўқ дахли имкон мунга,
Тасарруф қила олмоқ инсон мунга».
Ўзимдин ишим яъси (навмидлик) жовид ўлуб,
Ишимдин кўнгул доғи навмид ўлуб...

Фақат даҳо санъаткорлар ўзларича кечириб ёхуд нуктадон билимдонликда мураттабу ҳассос тадқиқотчилар ўзларича мушоҳада ва идрок эта оладиган бундоқ ғаройиб ҳол: дам ижодий юксакликлар сари кўтарилиш, дам гўёки унумсиз-тушкун кайфият; гоҳ улуғ зафарларга мушарраф бўлмоққа комил ишонч туйғуси, гоҳ, аксинча, ўзига ишончсизлик, иккиланиш – иштибоҳ зиддига, нафақат миллий тафаккур жавлонгоҳининг марди майдони, туркий «тил лашкарининг паҳлавони», балки «фасоҳат мулкининг соҳибқирони», тиниму ором нималигини билмаган буюк заҳматкашнинг азалий ва ногаҳоний зиддиятлардан холий бўлмаган шахсий ҳаёти ва ижтимоий фаолиятида... ўзига ҳар дам, ҳар жойда ёлғиз Аллоҳни ёру нажоткор, Руҳул-қудсни ва барча пири комил зотларни руҳий мададкор билиб, мудом ижод, яратиш дарди, шавқи – рағбатига содиқ қолди...

Мана ҳамишалик таомил деб билгани – холисона ҳаққонийлик, халқона зиддиятли ҳикмат («яхши-ёмон») ила жозиб, андиша ва самимият жавҳари-ла йўғрилган бошқа бир банд:

... Хам ёмоним лутф ила яхши қил,
БЎлДи чу ул яхши – қабул айлагил.
Яхши гар ўлмаса, ёмон ҳам эмас,
Ёмонин ким яхши бўлса... демас?

Истеъдод қудрати, ижодкор шахсининг улуғлиги шундаки, у ижодда ҳамиша ҳалолликни, холисона ҳукмни дастуруламал деб билади, содир этиладиган хато-нуқсонларни кўриб-билиб тургувчи олий Ҳакам, энг улуғ мунаққид ҳам Аллоҳнинг ўзидир; бас, Навоийнинг ижодий эътиқоди ва эътимоди – Ҳақнинг иноят ва ҳидоят йўлидир:

... «Ҳар не килким вараққа ёзди бу кун
– «Килки тақдир» ёзмиш эрди бурун»...
– Сен не ёздинг – ани рақам қилдим,
– Шак эмасдурки, саҳв ҳам қилдим...

Айни шу холисанлилло муносабат – ҳақиқат ва самимият пардасида мусулмони комил («одамийлар одамийси»)нинг, майли, иштибоҳли иқрори – «саҳв ҳам қилгани»... мантиқан ҳазрат Навоийнинг ҳали навқирон йигитлик йилларидаёқ кўнглига битган «улуғ муддао» йўлида янги музаффар манзиллар шукуҳи, том маънода юксак мукофот – шоир «сўзи» нинг «овоза»си янада баравж, «юз»нинг янада ёруғ бўлишига умидворлик, комил ишонч омилига айланади:

Илоҳий!.. Боқмагил – мажнунлигимга,
Карамдин чора қил маҳзунлигимга...
Иноят айнидин хомам сари боқ,
Қизил айла – юзум, номамни ҳам оқ.
Юзум лутфинг суйидин тоза қилғил,

Сўзум кўсин баланд овоза қилғил...
Майи нутқум тарабхез айла, ё Раб,
Найи килким шакаррез айла, ё Раб!

Бу – «муножот» шакли – андозасида зуҳур этган, аслида, улуғ ижодхонага ўзгача файзу виқор, илоҳий моҳият, чинакам руҳий-руҳоний салоҳият, пурмаъно фалсафий қиммат, Навоийнинг бадиият, санъат – Сўз хазинасига бирламчи жозиба – мантиқий қувват бахш этади...

ИККИНЧИ СУҲБАТ

Маълумки, жаҳон поэтикасида (чунончи, улуғ олмон шоирлари Гёте ва Шиллер замонидан эъти-боран) русум бўлиб, қарор топган истилоҳ – шоирнинг умумлашма-универсал характердаги лирик қаҳрамони бир неча қиррага эга: шоир – сўз санъаткорининг ўзи; ориф-мутафаккир-файласуф; ошиқ-шайдои вола; сойир-қаландар, ринд, воиз-носиҳ в.ҳ. Аниқ таъриф – Гётега мансуб: «Шеърларим қаҳрамони... бу менинг субъектив оламим билан «коллектив даҳо»нинг синтези». («Шеърият ва ҳақиқат» рисоласи). Бизнинг суҳбат-мулоқотимизда асосий қаҳрамон: ориф-мутафаккир ё шоир-санъаткор қиёфасида намоён бўлади. Демак, ҳазрат Навоийда лирик қаҳрамон тимсоли (образи) билан «толеъи саъд» ё «Кавкаби иқбол» – бахт юлдузи (аниқроғи, иқбол фариштаси)нинг ўзаро ғойиб-сирли мулоқоти орқали бевосита ё билвосита ижодхонага дохил аломатлар ҳар гал «янги навъ ашкол» (Навоий) да ўзгача бадиий усуллар, тамсил-ташбеҳлар тарзида инъикос этади.

Дастлаб (албатта, бу тартиб-сира шартлидир) шоир-мутафаккир санъатхонаси унинг хос «ҳужра»сида, Тангри илоҳий марҳамати-ла Қалам ва аҳли қалам илҳомчиси – Руҳул қудс йўллаган элчи, ғойиб суврат, руҳий сийрат соҳибаси – фаришта... на хушки, ўша мўъжизакор илҳомий мулоқот асносида гўё атайлаб, йўқ, қалб амри-ла тун оромини тарк этган мислсиз заҳматкаш шоир ҳузурида «кулиб» пайдо бўлади:

Дедиким: «Эй, улусда нодири фард,
Бўлмасун хотиринг алампарвард...
Ўзни меҳнатқа солғон эмишсан,
Булъажаб ғамға қолғон эмишсан...
Бу – не андешаи хато бўлғай?
Сену мундоғ хато раво бўлғай?

Бунингдай «фаррухсириш» – малоиксифат ҳамдарду ҳамрозлик сўровлари, айни яратиш дардига малҳам, шоён-дилхоҳ сўзлари шоир қаҳрамонининг баъзан иштибоҳли-навмид, «хотири алампарвард» кайфиятини кўтариб, умидбахшлик туҳфа этиб, ҳатто шоир қурбига ғойибдан яна қувват бериб, ўзига ишончини зиёда қилади:

Толеъи саъд ёрлиқ қилди,
Қаламим – дурнисорлиқ қилди...

Иқбол фариштасининг муборак илтифоти – ғойибона мададди билан улуғ шоир руҳиятида шундай мўъжиза – илҳомий ҳолат пайдо бўладики, кутилмаган тарзда янгидан-янги «сўз гуҳари» намуналари яратилиши гўё азалий хилқатнинг ҳар субҳидам нисор этадиган инъомидай, оддий ҳодисалардай туюлади:

Мен неча фикр айладим ўзума,
Ул жавоҳир (ноёб тимсоллар) кўрунмади кўзума;
Гуҳари обдори – жолача ҳам,
Лаълу ёқути – барги лолача ҳам...

Асл шеър дурдоналарининг яратилиш жараёнига дахлдор бундай «тарҳи тоза ва беандоза» (Навоий) муқояса-нисбатлар – ҳаққоний, самимий иқрор сўзларини машриқу мағрибнинг барча даҳолари шеъриятида кузатиш мумкинки, буни қонуний ифтихор туйғуси ё ноҳақ маломатларга жавобан исёнкор қалб нидоси – мағрур янграгувчи фахриядан кам бўлмаган шикаста дил изҳори деб англамоқ лозим бўлади; мана даъвомиз далилининг насрий баёни: мен неча бор ўзимча фикрлаб қиёслаб кўрмайин, яратган сара, хўб-аъло байтларимнинг ҳар бир «гуҳари обдори» (тонг шабнамидай тиниқ, тоза дурдона- си) ... баҳор ҳавосининг офати – жола қадарли, ҳар бир «лаълу ёқути» (ноёб конларнинг асл ва камёб қизил тошларига бергувсиз маъни дурлари, пурмаъно, дақиқу нуктадон тимсоллари) қир-адирларда бир муддат очилиб, баҳорий елларга дош беролмай, сочилиб кетган қадрсиз лола баргича ҳам туюлмади... Мана даҳоларнинг баҳо мезони!!. Навоий каби Сўз даҳолари аҳён-аҳёнда тин олган, нафас ростлаган кезларида ҳам, шоир қалби, шуури, тафаккури ҳаёлот, хотирот олами, унинг ўзгача мавжвар ҳиссиёти, ҳайратлари, чегара, муҳофаза, қарор, қўним билмас – бундайин дунёвий меъёрлари итоатсиз руҳий хилқати... қизғин фаолиятда, изланишда, ижодий жараённинг сирли-сеҳрли оғушида бўлади. Бундай ғойиб-ғаройиб, том маънода мўъжиз ҳолатни ҳассос сўз даҳоси шундай тавсифлайди:

... Айладим ҳужра азми – тинмоқ учун,
Кўзларим уйқудин... исинмоқ учун.
Жилва қилди назар фазосинда,
Навм (уйқу)-у уйғоқлик орасинда!
Мутаҳаййирки: не мисол эркин?..
Мана бу – тушму ё хаёл эркин?..

Ҳа, бизлар ҳам, лоақал бир неча дақиқа буюк заҳматкаш шоиримиз кечирган бундайин руҳоний- мўъжиз ҳолатларни шахсан (вужудан) кечиролмасак-да, фақат баҳоли имкон – ожизона тасаввур этиб кўрсак!.. Қалам ва бори аҳли қалам илҳомчи фариштаси илтифот ва шафқат кўрсатиб, фақат бир неча дақиқа «тинмоқ учун... ҳужра азми айлаган», шунчалар улуғлиги билан чунонам «ҳақиру фақир» Навоий кечирган ажабдан булъажаброқ ҳолатни аниқроқ шарҳлашга қаламимиз ожиз. Чунончи, биргина: «назар фазосинда... жилва қилган» мўъжизакор руҳий ҳолатнинг ўзи... ўша шеър яратиш жараёнига дахлдор, яъниким «сўз гуҳари», «маъни гуҳари»дан ноёб намуналар даракчиси эмасмикин?.. Не ажабу не ҳайратки: «бу тушми ё хаёл» дея ўзи «мутаҳаййир» ҳолатини кечирган пурзавқу пурдард шоиримиз, эҳтимол, фақат закий таъб мунаққидлар, йўқ, мураттаб руҳшунос, мураббий устозлар бир қадар аниқроқ изоҳлаб, тушунтириб беришлари мумкин бўлган, ҳар қалай, раббоний «мўъжиз» ҳодиса (аниқроғи, бу – ҳолат) мақомига етмаса-да, маълум маънода «сеҳр... бор»:

Тил анинг васфидин эрур ожиз,
Сеҳр худ бор, агар эмас мўъжиз...

Биз айни шу байт орқали улуғ ижодхонанинг икки муҳим жиҳатини: «сеҳр» – нима-ю, «мўъжиз» – нима, ўртадаги бор сирру синоат, оддий назар, ўзимиз кўниккан, ишонган та-

факкур илғамас, илғай олмас ажаб нозик тафовутни фақат ботиний кўз – басират («ҳавоси хамиса» – беш руҳий сезгининг аввалгиси) нигоҳи ё ўткир-пурдон фаҳм-фаросат ажрата биладиган, фасоҳат ва балоғат илми зурафолари тасарруфидаги нозик нуқта, нозик хаёл маъносини англай оламиз...

Илҳом берувчи «Мунҳийи роз» (сирлар даракчиси) ё «кавкаби иқбол» (толеъ фариштаси) билан Навоийнинг мажозий қаҳрамони шоир-мутафаккир ораларида кечган ғаройиб мулоқот-суҳбат давом этади:

... Мен қабул айлабон, дедим: «Де сўз!» –
Ки, оғиздин бурун очилди кўз...
Кўз очиб англадим: туш эмиш бу,
Кўз юмуб, истадим – яна уйқу...

Воажаб! Улуғ ижодхонанинг биз учун бениҳоя табаррук ва муборак «ҳужра»сида даҳо шоир шахсан кечирган ва баногоҳ: «кўз очиб англаган» янада сирли ҳолатда: «кўз юмуб истаган», ғаройибдан ғаройиб ҳол – туш аралаш уйқу, бу – фақат даҳолар кечирадиган ва уларнинг ўзлари биладиган, ўзларигина шарҳлаб, таҳқиқ этиб беришлари мумкин бўлган мўъжиз бир ҳол!.. (бундай уйқу истагидан улуғ мутафаккир шоир нималарни кутган, унинг қандай муборак таманно-ю умид-армонлари бўлган экан, афсус-надоматлар бўлсинки, бу ҳақда умумий тарзда ҳам тасаввур қилолмаймиз...). Фақат ўзимиз билганча, қурбимиз етганча бу туш аралаш уйқу асносини тахминан шундай фараз қилиб, хаёл кўзгусида тиклашга ожизона уриниб кўрамиз: ҳа, Сўз даҳосида ўша мўъжизакор кеча қаърида ёлғиз ҳамнафас – шамчироқ неъмати ва раҳматидан файзиёб «ҳужра»нинг зоҳиран мўъжазгина дунёси (микромири) ҳудудида, моҳиятда эса «икки жаҳон» хаёлоти ва мўъжизотини мужассам эта олган, бунга салгина шубҳа-иштибоҳ бўлиши мумкин эмас, бунга Навоий дунёси асос бермайди! Бу муборак даргоҳ – ижодхонада ҳазратнинг кўнгил уммонида, қалб «Каъбаси»да покзодлар ичра покдомон руҳий хилқатида нафақат исломий – илоҳий эътиқод-эътимод тақозоси бўлган муқаддас «маъни»лар ҳикмати, айни чоғда дунёвий масалалар, мавзулар: қадрдон, жафокаш, балокаш эл-улус, Ватан, давлат-салтанат ғамида, қайғусида, замон ва аҳли замон ташвишида, башарият тинчлиги, омонлиги, авлодлар тақдири, маърифат, фасоҳат равнақи йўлида чеккан хайрли азоб-изтироблари, нурли, «навобахш» риёзатлари... ҳайратомиз тарзда муносиб ўрин, қадр, эътибор топганига шубҳа қилиб бўлмайди. О, бу «умри азиз» яна бир неча муддатга вафо қилганидами, айтайлик: Саъдий, Лутфийлар, лоақал Жомийларнинг улуғ ёшлари... ул зоти шарифга ҳам рўзи насиб этганида борми... эҳ-ҳе, яна қанча янги достонлар, рисолалар, ёдномалар, ғазаллару қасидалар, балки солномалар битилар эди («Вақфия»дан, «Муншаот»дан, «Хамса»дан ҳам бундай орзу-армон сатрларини кузатишимиз мумкин-ку!..)

Яна «кавкаби иқбол» (толеъ юлдузи)нинг шоир қаҳрамонига ғойибона йўллаган хитобига қайтамиз:

«– Эй булбули зори илҳонсаро,
Вале сўз риёзида достонсаро!
Наво ичра минг лаҳнсозинг қани?
Дасотини хотирнавозинг қани?..»

(Банд шарҳи аввалида «лаҳнсозинг» – навосозлигинг эканини, «дасотини хотирнавоз» изофали бирикма: улуғ достонларга монанд-муносиб кўнгил ва хаёлот мулкинг, руҳий-маънавий бисотинг каби маъноларни англатишини изоҳлаб ўтиш эҳтиёжи бор...). Балким, айтиш жоиздир: Алишернинг Самарқанддан Ҳиротга, пири бузруквори Саййид Ҳасан Ардашерга йўллаган машҳур мактубида зуҳур этган улуғ армонлар яна шоир хаёлидан ўтган бўлиши мумкин. Ўша хатда, жумладан, «Шоҳнома» мақомидаги улуғ достонлар яратиш истаги, умиди аён сезилиб, барқ уриб турарди...

Ўша сирли-сеҳрли фаришта «фаррухсириш» элчи мутафаккир-шоир қаҳрамонини янада зиёдроқ муждалар билан сийлайди:

«... Санга онча Ҳақ лутфи воқеъдурур –
Ки то турк алфози (тили) шоеъ (шариф) дурур.
Бу тил била то назм эрур халқ иши –
Яқин қилмамиш халқ сендек – киши...
Қаю ишқи бўлмиш муяссар сенга,
Бўлурму бу андеша бовар сенга?..
Кўнгулдин тавоҳҳум (хавотир)ни айлаб адам,
Илик ишга ур – йўлга қўйгил қадам!
Сенга турк ақолимин айлаб рақам,
Азалда насиб айламиш якқалам!»

Навоийдек беназиру бенисбат Сўз даҳоси ижодхонасининг, аввало, ҳудудий-иқлимий («турк ақолими» доирасида) бепоён Туроннинг (Олтой-Сибир ерларидан Қрим хонлигигача, Шарқий Туркистондан Кавказ – бениҳоя улуғ миқёси, демографик кўламдорлик жиҳатидан халқаро-байналмилал мақом, мартабага, жаҳоний қадр-қиммат, олий баҳога мушарраф бўлмоғи учун («... Агар бир қавм, гар юз, йўқса, мингдур, Муайян турк улуси худ менингдур. Олибмен тахти фармонимға осон, Черик чекмай Хитодин то Хуросон...») лоақал, минтақавий тиллар, эл-элатлар сарҳадидан ўтиш, қанча солномалар, тазкираю рисолалар, баёзлар жилдини синчков назар билан мушоҳада қилиш, хулласи калом, Низомиддин Алишер Навоий кўтарилган тафаккур чўққисини забт этмоқ, теран заковат – бадиият қонунларини ўрганмоқ тақозо этилади.

Эҳ-ҳе!.. бас, Навоий англаб етган Ҳақиқат биз, ҳар қалай, умумий тарзда тасаввур этганимизга нисбатан анчайин мураккаб, моҳиятда эса азалий ва ногаҳоний зиддиятлардан фориғ эмас.Шунинг учун улуғ мутафаккир реал ҳақиқат билан юзма-юз туриб, холисанлилло мулоҳаза-мубоҳаса юритиб, очиқ-ошкор ҳукм чиқарадики, бу, шубҳасиз, шоир ижодхонаси ҳақида ўзгача салоҳият, саъжия (характер) фавқулодда тафовутли қиёфа-аломатли манзара яратади:

«Ё Раб! Агар бўлди каломим узун,
Мундин ҳам журм (гуноҳ)им фузун...
Ҳиммат – учуб равзаи жаннат сори!
Нафс – чекиб чоҳи жаҳаннам сори...»

Ва ҳолбуки, биз ҳазратнинг муборак ҳаёти, табаррук меросидан фақат зоҳиран бохабар бўла туриб (шубҳасиз, моҳият бу зотнинг боқий руҳиятига ва ёлғиз Аллоҳга аён!..), Навоий англаган ўша... «жаннат боғи» томон учган «ҳиммат» қуши ўзи нима-ю покдомону парҳез-

кор ориф-шоир умри бўйи (маъсум болалик чоғидан то «Фаноия» хилватгоҳида кечган, ўй-хаёли «Ансория» зиёратгоҳини супуриб-сидириб ўтказмоқ ниятидан иборат, – фақат танҳоликни қўмсаган Хизрсифат кексаликкача) ўзини, ўзлигини олам ва муҳит ғавғоларидан имкон қадар маҳфуз этиб, ниҳоят, «нафс» (шайтони лаъин васвасаси) нинг бори кирдикори, оқибат асоратлари нималигини биз ҳам бир қадар тушуниб етган ё етмаганимиз ҳолда, башарият даҳолари орасида яктоси...

Навоий хаёлан кечирган сафобахш «таманно»лар, тортган алам-андуҳлар поёнини, барибир, билолмаймиз!..

Ҳар не алар солса – таманно манга,
Турфа буким, барча – муҳайё манга...

Не ажабки, ҳазрат кечирган шунчалар тафовут-зиддиятли ўй-хаёллар шиддатини биз ҳам озми-кўпми тасаввур этганимиз ҳолда (майли, «ҳиммат» туфайли ҳосил бўлган бори савоб амаллар ва билъакс, бу валий зот доимий иштибоҳли-эҳтиёткор одатига биноан «нафс» отлиғ офатдан содир этилган ғайриихтиёрий гуноҳларнинг (қайси бир «гуноҳ»?!) – «барчаси муҳайё» эканига қарамай), ҳамма-ҳаммасини билиб-кўриб тургувчи ул «алимул-азим» Ҳақ таолонинг муборак мағфирати – «баҳри афви»дан нажот топган шоир қаҳрамони (ориф-мутафаккир)га Умид фариштаси яна ўша... ғойиб хилқатдан мададга келади:

... Шеър ҳам чун кишигадур фарзанд,
Кўнглига қуту бағрига пайванд.
Чун ўғил айбини ато кўрмас,
Кўрса ҳам, қилғонин – хато кўрмас...

Биз шарҳлашда давом этиб, шартли равишда тугалламоқчи бўлган ушбу «Иккинчи суҳбат»га оид шеърий тамсиллар – улуғ ижодхона лавҳаларида аввалги мулоқот таркибидаги ажаб зиддиятли ҳолатни такроран кузатишимиз мумкин: улуғ мутафаккир: «Тенгри эҳсони», «Тенгри лутфи», «Ҳақ иноятн», «тақдир хомаси», «килки Сунъ» шаънига, «улуғ комлардин... бахтиёр»лиги, бу борада «улусда нодири фард» эканлиги хусусида, хоҳ ғойиб суҳбатдошларнинг бири – шоир қаҳрамони (ориф-мутафаккир) номидан, хоҳ қалам ва қаламзан аҳлининг илҳомчиси йўллаган малоика-фариштa – илоҳий даракчилар («мунҳийи роз», «толеъи саъд», «кавкаби иқбол») тилидан қанча фахрия – васф сўзлари айтмасин, ҳам улуғлардан улуғ, ҳам «ҳақиру фақир» шоиримизни доимо «дину иймон», «нангу ном» (номус, шаън), «ҳаё», «вафо», «андеша» ҳаками, комил инсон тимсолидаги посбон-соқчилар зимдан муҳофаза этиб, кузатиб туради...

... Тенгри учун, эй кўнгил, инсоф бер!
Диндан агар нафс чиқармас, не дер?..
Менки, бу нафс илкида афгормен –
Мунча балоларга гирифтормен...
Зоҳирим авқоти (вақтлари) ёмондин-ёмон,
Ботиним аҳволи ондин ёмон!..

Ҳа, тенги, нисбати йўқ улуғ ижодхонанинг соҳиб-мутасаррифи кечирган, яқин мусоҳиб, муҳибу мухлис замондошлар учун гўё шахсий ҳаёт дамлари («зоҳирим авқоти»), ҳар қалай,

аён («ёмондин ёмон») эмиш-да, руҳий-ботиний маънода, сирли – мўъжиз жиҳатлари қанчалик сафобахш, айни чоғда (ҳатто шу қутлуғ ижодхона ҳам тафовутдан фориғ эмаски, бу – «Алишерий» рўйростлик шаҳодати!) «нафс илкида афгор» валий зотнинг «ботиний аҳволи»... ондин ёмонроқ эмиш!.. (беихтиёр равишда: «наҳотки бу иқрор рост бўлса?!» деб хитоб қиламиз ва яна ўйланиб қоламиз: «эҳтимол, бу фақат Навоийдек валийсийрат сиймолар мушарраф бўладиган айбсиз айбдорлик – Аллоҳ олдида «асру осийлик, мужрим маосийлик» – журм-гуноҳлар мажмуи деб ҳисобланса, бундай «тавбаи комил» – улуғ тазарру туйғуси олдида лолу ҳайрон бўлмай иложимиз қанча... демак, биз Навоийни теран англашда мудом адашамиз...).

Бундай ўйчан-зиддиятли, сувратдан сийрат томон тобора кучайиб, чуқурлашиб борувчи ҳукм-хулоса, бизнинг Навоий ижодхонаси ҳақидаги кузатишларимиз нисбий ҳақиқат ифодаси эканидан далолат бермайдими?.. Зотан, бу улуғ ижодхонага (ҳали жудаям кам, нисбий-мўъжаз тамсиллар заминига қурилган), умуман, даҳо шоир-мутафаккир дунёсига дахлдор ҳақиқатлар, тафовутли ҳолатлар, жараёнлар, сирли-сеҳрли жиҳатлар – «Алишерий» ҳақиқатлар сабоғини қуйидаги шоҳбайтдан ўтказиб ифодалаш осон бўлмаса керак:

... Чу Ҳақдин эди ул саодат менга,
Бу душвор иш ичра жалодат (жасорат) менга...

Менинг назаримда, бу пурҳикмат байт «Иккинчи суҳбат»ни якунлаш учун, барибир, камлик қилаётгандай туюлади. Илло Алишер Навоий ҳазратлари учун ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам фақат умидбахш руҳ муносиб-шойистадир:

... Надомат кўзини ашкнок айлабон,
Ҳам ул сув билан ғусли пок айлабон...
Солиб кўнглума Сўз демак ниятин,
Кийиб эгнима доғи сўз кисватин.
Суханварлиғ асбобини соз этиб,
Дурри назм сочмоғлиқ оғоз (киришмак) этиб.
Тузай назм мулкида шоҳона базм,
Ҳамул базм сари қилай ёна азм!..

Алқисса: танлаб олинган мазкур банднинг, лоақал, аввалги байтини мухтасар шарҳлаб ўтишнинг ўзи кифоя: муборак исломий тоат-ибодат русумини... фасоҳат оламининг қутлуғ даргоҳи – ижодхона жараёнига бунчалар мавзуну асосли тарзда нисбат бериш бобида қанчалик пурдону нуктадон маъно-мантиқ, теран руҳий-ботиний эҳтиёж тажассуми – бетакрор ифодасини кузатиб, боз ҳайратланамиз.

Навбатдаги, «Учинчи суҳбат» – мулоқот икки ё уч буюк сиймо: мутафаккир шогирд (Навоий) билан пири комил Махдуми Нуран – Жомий (баъзан бошқа устозлар) орасида бўлиб ўтади...

ИЛОҲИЙ МИРЪОТ-ТАЖАЛЛИЁТНИНГ «АЛИШЕРИЙ» ТИМСОЛЛАРИ

1. «Зуҳурот» (тажаллиёт) фалсафасининг моҳияти ҳақида.
2. «Мажоз – ҳақиқат кўприги» ҳадиси ҳикмат очқичи сифатида.
3. Тажаллиёт олами – Ҳақ зоти ва моҳиятининг шаҳодат ойинаси.
4. «Мажоз» ва «ҳақиқат» тимсоллари заминида Навоий яратган шоҳбайтлар.

МУҚАДДИМА

«Тажаллиёт» истилоҳи ўзи нима? Унинг бидояси (ибтидоси) қай бир илоҳий нуқтада аниқ шакл-шамойилга эгалик мақомини олиб, қай бир сониядан-оний бир «нафас» мезони-мумкиноти ичра ҳаракат этади? Ҳазрати Низомиддин Алишер Навоий муқаддас китоблар сирасида энг мутабаррак эканлиги мусаллам деб эътироф этилган Каломи Мажидга «таянч нуқта» сифатида иймон келтириб, дейдиларки:

Сўз келиб аввалу жаҳон – сўнгра,
Не жаҳон, кавн (замон) ила макон – сўнгра...

Баайни шу шоҳбайтнинг ўзиёқ муқаддас мўъжиза – Сўздан кейин... поёнсиз Шаҳодат дунёси (муборак Назаргоҳ) – тажаллиётнинг илк амин-бурҳон далолати тарзида Ҳолиқ Қудрат – Аллоҳ «зоти»нинг биринчи «сифоти» (зуҳурот аломатлари) ё Аллоҳ мулкининг фалсафий талқини – «Мутлақ Ҳақиқат»нинг мажозий кўзгуси сифатида махсус талқину таҳлилга бирламчи замин ҳозирлайди...

Сониян: «низомул миллати-вад-дин Алишер» (Жомий тиърифи) Навоий «барчадин шариф» мақомида улуғлаган инсонга ортиқ нисбат берилиб, хаёлан унинг боқий тимсоли мужассамини «Мутлақ руҳият» унвонида фалсафий-бадиий талқин этиш анъанага айланганида, аста-аста «суврат» ва «сийрат» истилоҳлари, сўнгра «зоҳир» ва «ботин» атамалари тобора кенг қўллана бошлади; мумтоз шеъриятда бирламчи омиллар: «муддао», «маъни» (мазмун) билан уларнинг «шакли», «ифодаси» бора-бора уйғунлик, мутаносиблик касб этиб, муштарак маънодаги «ташбеҳ», «нисбат» ва айниқса, «тимсол» тарзида, бадиий умумлашма мақомини олди. Шу тариқа, мажознинг – ҳақиқатга, зотнинг – сифотга, сийратнинг – сувратга нисбати турли-туман, турфа хил – рангин ҳолат ва кўринишларда товланиб, **тажаллиёт фалсафаси**нинг дастлабки ва кейинги жилва ва акс-жилвалари, ҳатто жилвалар-жилваси (*фалсафий талқинотда: ҳақиқатнинг инъикоси, инъикослар – инъикоси ва ҳ.к.*) пайдо бўла бошлади...

1. Ниҳоят, «Алишерий» ташбеҳларга, тўғрироғи, умумлашма тимсоллар шарҳи, таҳлилига ўтамиз. «Назири йўқ» (Бобур) сўз даҳоси, мутафаккир шоиримиз, чунончи: «ишқ», «кўнгил» тасвири чизилган ошиқона, орифона (*моҳиятда илоҳиёна*) шоҳбайтлар, нуктадону бетакрор назмий бандлар – фалсафий-лирик лавҳалар силсиласининг бири биридан жозиб-у дақиқ ҳалқалари шарҳи, таҳлили давомида тажаллиёт (*«зуҳурот»*) олами ҳақида, ҳар гал унинг турфа суврат ва сийратда намоён бўлиши ҳақида ўзгача-жозиб таассурот оламиз, беихтиёр, ҳайратга тушамиз. Чунончи, **«Ишқ» хусусида**:

Ишқ – Сенсен, доғи-ю ошиқ – Сен,
Яна маъшуқлуққа лойиқ – Сен.
Айни маъшуқлуқда жилваи Зот –
Ўзини кўргали тилаб ***миръот****...*
Ҳуснунгга ҳар дам ***ўзга суврат*** *ўлуб,*
Кўзгу такрори *ҳам зарурат ўлуб...*
Жилваи ҳуснунгга *чу йўқ эди ҳад –*
Кўзгу керак бўлди анга беадад!
Мунча ғаройибки – мисол айладинг,
Борчани ***миръоти*** *жамол айладинг!..*
Мазҳар (зоҳир) ўлуб ҳуснунгга ***миръоти ғайб****,*
Жилва *қилиб анда хаёлоти ғайб:*
Нозир – Ўзингу манзур – Ўзинг.
Ишқингга – хуш, ҳуснунгга мағрур – Ўзунг!..

Ажабдан булъажаб руҳий ҳолату «хаёлоти ғайб» намудору (*кўринишлари*) тасвири-ю тавсиф лавҳалари: «ишқ», «ошиқ», «маъшуқлуқ», «Сен», «Ўзи», «Ўзинг», «Зот» тимсоллари... айни вақтнинг ўзида ҳам моҳият, ҳам унинг зуҳурот маънолари муштараклиги тарзида – турлича товланиб, масалан, илми «Тавҳид»га хос зоҳирий ва ботиний маънолар мужассами сифатида келса, чунончи: «жилва», «кўзгу», « миръот», « миръоти ғайб», « хаёлоти ғайб» нисбатлари фақат зуҳурот, суврат ифодасига айланади...

Иккинчи тамсилимиз – **«кўнгул» ҳақида**. Бу – «Ишқ»қа нисбатан сал бошқача: кўпроқ «сифот»га, «суврат»га мойилроқ (*тўғри, у баъзан «зот» – ўзлик, «сийрат» чизигини ёриб ўтиши мумкин*). Зотан, бу шарифу эъзозли каломга юксак нуфузли қиммат берилиши ажабланарли бир ҳол, яъни ҳаёт ва бадиият мантиқидан холий эмас: «Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи, қадри йўқ андоғки – кўнгул Каъбаси!». Нафақат бадиият, фасоҳат оламида, айниқса, исломий фалсафа соҳасида бағоят теран тафаккур соҳиби, шунингдек, тариқатнинг назарий ва амалий асослари тасарруфида ўзига хос, мустақил мақомга мушарраф бўлгани эътироф этилган (*масалан, улуг шарқшунос Е.Э.Бертельснинг мусаллам бахрсига молик бўлган*), жаҳонда мисоли кам шоир, «мутафаккирлар мутафаккири» Алишер Навоий беқиёсу бебаҳо **руҳий хилқат – кўнгул** таърифида ҳам ҳайратомиз юксак – сарбаланд мартабали «сўз гуҳари» тимсолларини яратган. Бу даъво далолати сифатида қуйидаги пурҳикмату пурвиқор бандни кўчириш кифоядирким, унинг батафсил шарҳи, тадқиқи хуштабъ ва зукко китобхон ҳукмига ҳавола:

Шамъи бақо чун ёруғ айлаб кўзин,
Англабон ул салтанат ичра Ўзин:
Мулк – Ўзи-ю, тахт – Ўзи-ю, шоҳ – Ўзи,
Борча – Ўзи, борчадин огоҳ – Ўзи.

Беихтиёр: «Воажабо, водариғ-о!» – дея ҳайрат ва шавқу рағбат ўтида ёнмай, дарду изтироб, туғёну исён гирдобида тўлғонмай – умид, нажот соҳилига етиб бўладими?!. **Кўнгул мулки «салтанати»** шунчалар эмин-эркин, ҳур-озод, айни чоғда онқадар собиру собит, пойдору барқарор эмиш, чексиз-дахлсиз мумкинот (*имконият ва имтиёзлар*) тасарруфотига эга эмишки, уни хоҳ ушшоқ аҳли, хоҳ «ҳол аҳли» – порсо (*парҳезкор*) валий зотлар,

турли табақотга мансуб (*илоҳий, дунёвий маслак-матлаб гуруҳлари*) ориф, мутафаккирлар: покдомон, хулқи ҳамида гуруҳларнинг, обиду солиҳ зоти киромларнинг умид-армонлари... ҳайратомиз тарзда тажассумини топган мўъжиз руҳий хилқат – аввал қайд этилган бенисбат руҳий-илоҳий САЛТАНАТ эмишдирки, уни фақат «ҳақиру фақир» зот (*бу – ҳазрат Навоийнинг ўзи, унинг жафокаш ўзлиги – шахсиятига мансуб бўлиб, «фано дайри» – хилватгоҳи, тавобгоҳи – кўксида асраб-авайлаб, маҳфуз сақлаб юрган бўлса, не ажаб?*) Мана кўнгул мулкида тажалли этган жилвалар, уларнинг неча-неча бор инъикоси – акс-жилвалари, боринги, унсиз садолари ва акс-садолари; Ҳақ Таоло «Зоти» – моҳиятга дохил ибодат – дуолар, дардларга малҳам бўлувчи тилак-илтижолар, муножоту таваллолар, жонга оро, руҳга мадад бахш этувчи «сифот» аломатлари, кўнгул «сийрати»нинг руҳафзо-масрур «суврат»лари... Хулласи калом, тажаллиёт фалсафасининг шеърий жилвалари... улуғ мутафаккир шоир, валийуллоҳ мураббий зоти киром талқинотида хоҳ Ҳақиқат ва Руҳият ибтидосининг асли «зоти» бўлсин, хоҳ «сифот» сувратлари бўлсин, беҳадду бенисбатдурким, буни турфа шеърий тимсоллар, шоҳбайтлар шарҳи, бири биридан нуктадону дақиқ «сўз гуҳари», «маъни гуҳари» талқини, таҳлили давомида кузатишимиз мумкин.

2. Ниҳоят, ушбу фаслда том маънода илоҳий шеъриятдаги ажаб «зуҳурот» (*тажаллиёт*) ташбеҳ-нисбатлари мисолида, асосан, «Сўзи мартабаси...»га юксак қиммат бериб, унинг қадрини чандон яхши билган ва баланд тутган шеърият даҳосининг сирли – мўъжиз «санъатхонаси» (Шайхзода)га, табиийки, ўзгача ҳайрат, фахр, муайян масъулият билан сайр этишга журъат қиламиз. Кузатишларимиз давомида «назири йўқ» санъаткор, бузруквор пири мураббий сиймонинг не-не мухлис-муҳиблар мушарраф бўлолмаган илоҳий яратиш жараёни ҳақида; унинг маснуъ (*бири биридан нафису нуктадон санъатлар билан зийнатланган*) бадиий ўзгачаликлари, эҳтимолки, маълум маънода ижодий тараддуд ҳозирликларими ё бошқа сирли жиҳатларими – хулласи калом, фақат «Алишерий» бетакрор тимсоллар ҳақида имкон қадар аниқ ва ёрқинроқ шарҳлар беришга уриниб кўрамиз. Даставвал, анчайин бардавом изланишлар, хос ва махсус кузатишлар – ҳайратли мушоҳадалар, гоҳо иштибоҳли хаёллар туғёнида, баногоҳ: «топдим!» дея ўз қувончини яширолмаган, ғаройибу ажойиб (*фақат изланишлар жараёнига дахлдо*р) масъуд лаҳзалар лаззатини кечириш мумкин. Мана шундай ёниқ-оташли, дардли мисралару байтлардан шаклланган олти сатрдан иборат, хоҳ дунёвий, хоҳ илоҳий деб билинг – ҳақиқий шеърият самари бўлмиш «Алишерий» битта табаррук банд мисоли, хусусан, ҳаётийлиги, самимийлиги, «одамий»лиги, дилхоҳу узрхоҳлиги билан тенги, нисбати топилмас «маъни»лару фасоҳаторо «ногузир» (*муқаррар малолсиз*) ҳамда мусаллам (*ҳеч бир эътирозга ўрин бермас*) аломатлари билан жазб этувчи шоҳбайтлар далолати ва шаҳодати:

Киши ҳам эрмас эмиш Ишқ сиррига маҳрам:
Тахаййулиға – кўнгул ҳам, ҳадисига – тил ҳам...
Ёшурди одам агар Тенгри сиррини, кўрунгиз –
Ки, халқ сиррини тутмас ниҳон бани одам!..
Агар гуноҳим эса дарди Ишқ изҳори –
Бу сўзда... яхши-ёмоним қошида мен – мулзам!..

Энди бу ўзига хос фалсафий-лирик бандни хос тафсиллари орқали шарҳлаб ўтиш зарурати бор: икки байтда «Ишқ сирри», «Тенгри сирри», «халқ сирри» бирикмали нисбатлари кузатилади. Не ажабки, «Ишқ сирри» – маҳрам бўлиб қолади (*«кўнгул»га ҳам, «тил»га ҳам*). «Тенгри сиррини» одамзот «ёшура» туриб, «халқ сирри»га қолганда, «ниҳон тутиш»га ожиз-

лик қилади... бас, волаи шайдо ошиқ Навоийнинг (*шоир хаёлидаги комил инсон – қахрамон тимсоли*), уни «мажозий ишқ Мажнун айлаган», демак, халқ назаридан қочиб қутулолмай, ўз дардини ноилож ошкора изҳор этиб қўйгани... маломати! Навоий чизган шеърий лавҳа замиридаги туйғулар, кечинмалар, хаёллар драматизмини, унинг баравж нуқтаси – шахсан ўзини, ўзлигини «гуноҳкор» деб ҳисоблаш (*«гуноҳим эса...»*) ва айниқса, бундайин шафқатсиз қисматнинг оқибат ва асорати: «яхши-ёмоннинг қошида... мулзамлик» мазаллати!.. Навоий қалами – илоҳий «килки Сунъ» қудратини кўрингки, лафзан очиқ-аён айтилмаса ҳам, «яхши-ёмоннинг қошида, «хосу ом» ила юзма-юз тўқнашувда «дарди ишқ изҳори» (*ҳали бу «Ишқ сирри» эмас эмиш!*), шубҳасиз, бу – «мажозий ишқ» аломати, аниқроғи: малолат ва маломати нималигини... фақат ушшоқ аҳли ўзи билади (*бежизмаски, Навоий машхур қитъаларидан бирининг мухтасар унвони - сарлавҳасини: «Мажозий ишқ» кўнглин малолға солғони» деб номлайди*) ва билъакс, «ишқи илоҳий» ё «ишқи ҳақиқий» сиррини ҳеч ким ошкор қилолмас даражада дахлсиздирки, ҳазрат бутун «умри азиз»и мобайнида эътимод ва эътиқод қўйган «Ишқи илоҳий»нинг жозиба сири ҳам шунда. Хуллас, юқоридаги ажойиб шеърий банднинг шарҳидан аён бўладики, Навоий шоҳбайтлари ками билан уч жиҳатдан: ташбеҳ-нисбатларнинг шунчалар (*ҳам бадиий-мантиқий, ҳам фалсафий «маънилари» эътибори-ла ҳаққонийлиги, демак, даҳо санъаткор ижодхонасига монанд-муносиб қиммати ва ниҳоят, биз қаламга олган мавзу: тажаллиёт – «зуҳурот» талаблари учун ҳам мақбул ва матлуб қирралари билан*) ажралиб туради...

Навбатдаги икки байтлик ажойиб банд шарҳини бевосита тажаллиёт фалсафасининг бадиий талқинига ва ўрни, зарурати билан Навоий «санъатхонаси»га оид мушоҳада – мулоҳазаларга ажратамиз:

Ўз кўзунг бирла ўзунгни гарчи кўрдунг кўзгуда –
Кўзгу аксидек валекин музтариб (изтиробли) мен кўзгудин.
Кўйингга борурда гоҳ ваҳм, гоҳ рашк ўлтурур:
Соя тебранса – кейиндин, меҳр (офтоб) чиқса-ўтрудин!..

Мумтоз «илми саноеъ»га мансуб такрир санъати-ла музайян (*«кўзгу» ташбеҳи тўрт марта рангин қирраларда такрорланиб келса, иккинчи байтда «ваҳм» – «рашк», «соя» – «меҳр», «кейиндин» – «ўтрудин» нисбатлари-ла жилваланган кўзгу сувратига айланади...*) ғаройиб бу ташбеҳ, биринчидан: ҳаётий-мантиқий ва бетакрор бадиий қирралари билан, иккинчидан: инсоний жозибаси ила аввалги банддан кам эмас, зиёдроқ таассурот қолдирса, ажаб эмас!.. Унда, аввало, ўша сирли «кўзгу» жилвалари – «зуҳурот» қирралари бир вақтнинг ўзида тенги йўқ улуғ «санъатхона» (Шайхзода)нинг шахсан менга ҳали номаълум ифода йўлида, бетакрор тимсоллар тилида берилиши чиндан-да ҳайратлидир. Яна-да аниқроғи: агар биринчи байтда «сўз лавҳи» тасвирида «ярқ» этиб кўринган кўзгу жилваларини тажаллиёт оламининг ҳеч муболағасиз, бу – «Алишерий» зуҳуроти деб атасак бўлади (яхшиси, ўзингиз бир қиёсланг: *«Ўз кўзунг бирла ўзунгни... кўрдунг кўзгуда!» сатрида қанчалар аниқ, тиниқ, мусаввирона ёрқин, жонли манзара намоён бўлади! Жудаям оддий, лекин ғоятда ҳаётий-одатий, ҳеч бир малолсиз, эҳтимол, «қадиймона» дилхоҳ сўз: «ўзунгни кўрдунг...» Навоийдек покдомон валий зот, йўқ, шоирнинг қаҳрамони – ошиқ хаёлини банд этган қай бир маҳлиқо: офтобжамолу гулрухсорни, ҳусн мулки маликасини, хос ҳарамида, хос пардозхона кўзгулари «ўтру»сида жонлантирган малаксиймо бир суврат!.. «Фақат шу холосми?» дерсиз... шохбайтнинг иккинчи сатридан:*

«Кўзгу аксидек... музтарибмен кўзгудин» сўзлари замирида нима сир бор, хусусан, «музтарибмен» ташбеҳи тагматни нимани англатади?!

Энди иккинчи шохбайт мундарижасини мушоҳада этиб кўрайлик-чи. Биринчи сатрда мухтасар шаклда чизиб берилган, том маънода лирик-драматик манзара: «Кўйингга борурда: гоҳ ваҳм, гоҳ рашк – ўлтурур». Бундайин ўз зиддияти билан ҳаққоний кечинма сувратиёқ ўзига жазб этади, лекин унинг сийрати – моҳият ва сабабиятини кейинги мисрасиз аниқ, тўлиқ тасаввур этиш ҳам, яхшироқ идрок қилиш ҳам имконсиз: «Соя тебранса – кейиндан, меҳр чиқса – ўтрудин!» Ана энди чуқурроқ разм солиб, заковатли боболар тилида, «тааммул» қилиб кўрганимизда, орқа ёқдан «соянинг тебранган» шарпаси «ваҳм» – қўрқув туғдирса, боз устига, олдиндан – рўбарўдан чиққан қуёш унинг рашкини келтирса, икки ўт ўртасида қолган бечора ошиқ тўсатдан жон таслим қилиши мумкин-ку!..)

Ҳа, Навоийнинг юксак бадиият, бир-биридин пурмаъно, пурвиқору жозибадор тимсолларга бой шеърият уммонидан мунтазам баҳравар бўлиб, «сўз гуҳари» сирларини қарор топган муайян меъёр-тартиб, ойин асосида изчил ўргана бориб, улуғ мутафаккир ва мураббий шоирнинг ўзи анъанавий фахрия йўлида, қонуний ғурур ила қайд этиб ўтганидек, (*«Агар «хоса маъни», гар «ийҳом» эрур, онинг кунда юз байти ҳалвом эрур», «Маснавий»дан*), «назм аро нодир шоир» – Сўз даҳосининг асосан, «маснуъ» (*санъатлар ила музайян*), юқорида шарҳлаб ўтилган шеърий тамсилларга ҳамоҳанг бир-икки шоҳбайтга муносабат билдириш билан суҳбатимизнинг 3-фаслига ўтамиз...

Эй Навоий, яхши эрмас эрди ул ён борганинг –
Чун бориб, ўтлуг (офтобдай) юзин қилдинг тамошо:
эмди – ён!

Мазкур «маснуъ» байт тагматнидан бир йўла уч мумтоз шеърий санъатни идрок этсак бўлади: «ул ён» (*томон*) ва «эмди – ён!» (*қайтмоқ*) маънолари нисбатидан «тажниси том» санъати; иккинчи мисрада такроран келган «ён» нинг ўзидан англашилган «икки зидд» ташбеҳи (*йўналиш ва «ўртанмоқ» маънилари*) замирида эса... анчайин ноёб-тансиқ санъатнинг «тазоди ийҳом» намунаси, шунингдек: «борганинг» – «бориб», «ул ён» – «эмди ён» шеърий сўз бирикмаларидан «такрир» санъати яратилади.

Ниҳоят 2-фаслга хулоса хизматини ўташи мумкин бўлмиш, «маснуот» мақомидаги икки шоҳбайт шарҳи-таҳлили:

Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров (!) сори борур,
Манъ қилдим эрса, багр (жигар)им оғриғудек ёлборур...
Ақл васвосини қўйсам асло улким, мен доғи:
«Бошим олиб кетга(й) мен» ҳар сорики... ул бошқарур!..

Биринчи байт бир йўла уч бадиий санъат ила зийнатланган: (1) «ҳар соат биров сори борур...» Бу халқона нақлда бир жабрдийданинг тирик фожиаси – савдойи бўлиб қолгани (*эҳтимолки, «телба»лик бежиз эмасдир – бахтсиз муҳаббат оқибат-асоратидир*).

Мумтоз мувозана усулида ифодаланса, (2) «бағрим оғриғудек ёлборур» халқона нақл-жумласида «ташбеҳи том» санъати бор. (3) «Биров» ташбеҳи, эҳтимол, бир бевафони ёхуд бошқа бир шахсни англатиши ҳам мумкинки, бу – мавҳум нисбат замирида «ийҳом» санъати яширингандир. Ёки: «манъ қилдим эрса» – «... ёлборур» халқона иборалар заминида мумтоз «тазод» санъати мавжуд... Иккинчи байт зевари (*бадиий зийнати*) ҳам аввалги-

сидан ортиқ бўлса-ортиққи, кам эмас: «Бошим олиб кетга(й)мен...». Бу, аввало, жафокашу балокаш аждодларимиздан мерос ғоятда дарднок-ҳасратсаро нақллардан; улуғ шоирларимиздан, айниқса, Бобурнинг: «Бошим олиб, эй Бобур, аёқ етганча кетгаймен!..» шоҳ-сатрини эслатувчи ҳазин ибора, шунингдек, «ақл васвоси» боис инсон қисматига битилмиш турфа савдолар ҳамласи не-не алам-изтироблар оташида ҳам мудом уни «кўнгил... бошқарув...» бу – «ирсоли масал» ва «тазод» санъатлари (*дарвоқе: «ул бошқарур...»*) «истиора»нинг нодир намунаси сифатида бизни боз ҳайратга солиб, хаёлга толдирмайдими?!

Бу шарҳларда... хоҳ «Мутлақ ҳақиқат», «Мутлақ руҳият» бўлсин, хоҳ «Фано», «Бақо», «Ваҳдат», «Тавҳид» фалсафасининг «Ишқи мажозий» ё «Ишқи ҳақиқат» тимсолларидаги илоҳий «зуҳуроти» (тажаллиси), яна аниқроғи: «кўзгу такрори ҳам зарурат ўлғон» акс-жилвалари сифатида, юқорида талқину таҳлили берилган Ҳақ «зоти» – «моҳияти»нинг орифона, ошиқона «сифот» аломатлари – «Навоийвор» нуктадону бетакрор сувратлари ила, чуқурроқ «идрок айласак», боқий сийрати, сирли-сеҳрли мўъжизоти билан такрор жазб этади «кўнгул лавҳи»га битилади – руҳиятимизга айланади...

3. Маърифий суҳбатимизнинг 1-фаслида Алишер Навоий маснавиёти (*достонлари*) муқаддимотининг «ҳамд», «муножот» ҳамда «ҳайрат» бобларидан олинган (*масалан, «Кўнгул» таърифининг мислсиз сирли-мўъжизий «сўз гуҳари» лавҳалари!*) шоҳбайтлар мисолида ўрганилаётган муборак мавзуимиз: «Тажаллиёт фалсафаси» (*бу, шубҳасиз, жуда катта, бардавом муаммолар мавзуи!..*) ибтидоси сифатида «мажоз» – «ҳақиқат» ислоҳотлари мезонида мантиқий-бадиий тафаккур тақозоси-ла ўша «Мутлақ ҳақиқат» унвонли том маънода буюк маърифатнинг, асосан, инсон дунёсига дахлдор «Мутлақ руҳият» бобидан «суврат» – «сийрат» ёхуд «зоҳир» – «ботин» атамалари меъёр-андозаси-ла қайта яратилган, ҳар гал ўзгача-рангин шакл, кутилмаганда теран «маънилар» касб этган тимсолларни таҳлил жараёнида яна аниқлашга уриниб кўрамиз:

Сано Хаққаки: кошифи ҳол эрур,
Хирад мушкилотига ҳаллол эрур.
Алимеки, йўқтур – бидоят Анга,
Азимеки, йўқтур – ниҳоят Анга...

Биринчи байтда «Мутлақ ҳақиқат»нинг «зоти» (*моҳияти*), яъни Қодиру Холиқу Зулжалол Қудрати илоҳий... биргина «Ҳақ» тимсолида ўзининг мужассам ифодасини топса, унинг «сифоти» (*асосий аломатлари*) биринчи навбатда, фақат икки жиҳатила умумлаштирилади: «кошифи ҳол» ва «хирад мушкилотига ҳаллол»... Албатта, мутафаккир шоир Аллоҳнинг муҳим «сифоти» учун бу икки жиҳат кифоя қилмаслигини шу ондаёқ фаҳмлагани боис кейинги байтда яна икки белгиловчи жиҳатга айрича урғу беради-да, шу заҳоти – уларнинг ҳар бирини изоҳлайди, йўқ, улар изоҳ-шарҳ эмас, балки фалсафий мезон-меъёр, ўзига хос «чегара», йўқ, бу асли моҳиятда чегара-поён билмас, бардавом жараён, қисқаси, инсон ақли, тафаккури, ҳатто хаёли – тахайюл қудрати етмас олий хилқат, сирли хилқат эканини... «алимеки», «азимеки», яъни на ибтидо (*«бидоят»*) ва на интиҳо (*«ниҳоёт»*) қонунларига бўй бермас, замон ва макондан ҳолий ададсиз, тинимсиз чексизлик, юксаклик, боқийлик эканидан бизни огоҳ этадики, «Ҳақ»нинг «зоти» ҳам, «сифоти» (*аломатлари*) ҳам ақл-заковатни лол қолдиради, очиғи, ўртадаги тафовутни билолмай қоламиз. Бу – ҳазрат Навоий англаган ва талқин этган Тажаллиёт фалсафасининг шунчалар жозиб сирру синоатидан **Шаҳодат** беради...

«Маснавий»дан бошқа бир тамсил – беш байтли пурдард бандни олиб, шарҳлаб боқамиз: подшоҳи ситамкор Абусайид Мирзо замонида истеъдод ли, «ҳақиру фақир», лекин ҳақпараст, ҳурфикр тоғалари мақтул (қатл) этилган Алишер (*Бобурнинг шаҳодат беришича, Самарқандга «ихрож» қилинган*) мотамзада ҳижрат кунлари, она шаҳри Ҳиротга – ўзини «шогирду фарзандмен» деб билгани – азизу анис зот Сайид Ҳасан Ардашер номига йўллаган машҳур мактубидан ортиқ ҳазин мисраларга разм солиб, улар замиридаги «маъни» ларни тааммул қилиб (*чуқурроқ идрок этиб*) кўрайлик-чи.

Сен эдингки, ҳар ишда ёрим эдинг.
Не ҳамки – етар, ғамғусорим эдинг...
Сулук амрида урмайин бешу кам (ортиқ ё кам демай)
Анинг амридин айру – (бир) дам ё (бир) қадам...
Анга қолмағай ўзидин хабар,
Ўзидин неким, ўзлукидин асар...
Урармен қадам, токи боргунча гом –
Ки, бўлғай муяссар манга ушбу ком!..
Агар бўлса, бу йўлда умрум талаф (тамом) –
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф!..

Бу – муқаддас Каломи Мажиднинг мисли қасам оятларидай ўтли-сўзонли сатрларни минг тўрт юзу олтмишинчи йиллар шаҳодати деб билсак (*эҳтимолки, ҳақиқий ихлосманд муҳиб-мухлислар ўзлари тартиб берган «Илк девон»дан жой олган*), ҳали ёшу «мустақил даҳо» (Лессинг) қалами яратган том маънода мўъжиз байтларнинг «маъни» салмоғи, «маснуъ» (*зийнатли*) ифода қимматини аниқлаб билиб баҳолашга мезон, имкон қадар тўлароқ шарҳлашга таҳлил қилишга муносиб сўз топиш амримаҳол. Фақат шуниси аниққи, бундайин муборак «ҳасби ҳол» сатрлари... «ҳақиру фақир» (*Навоийнинг ўз ибораси*) инсон, «назири йўқ» сўз даҳоси умр йўлининг сурурли ва бўронли манзиллари давомида дастуруламал бўлиб хизмат қилгани, ҳеч шак-шубҳасиз. Бугина эмас. Юқорида кўчирилган мисралар Алишернинг ҳали «кичик эркони»дан эътиборан ақлу идрокини, хаёлот дунёсини, қалбини, алал-хусус, ҳад-ададсиз руҳиятини банд этган «улуғ муддао» (*Навоийнинг неча бор ифтихор ила тилга олган муборак каломи!*) хоҳ бевосита, хоҳ, билвосита бўлсин, турфа рангу оҳангда, турли ҳолату «вазъи»ятларда акс-инъикос этгани шаҳодати, тимсолий далолатини аён кўриб, дилдан англаб ҳайратланамиз ва ҳар гал ифтихор ҳисларини кечирамиз... Хулласи калом, бу – шунчаки шарҳлар эмас, балки тажаллиёт (*«зуҳурот»*) фалсафасининг «Алишерий» талқиноти учун тансиқ-ноёб, бебадал-бенисбат лавҳалардирки, бунинг теран, мантиқий асоси, ўз сабабияти, хос қонунияти бор (*унинг таҳқиқи янги мушоҳадалар, янги изланишларни тақозо этади...*)

Яна-да бошқача шеърий тамсил. Бу гал шеърият оламидаги устоз-шогирд муносабати акс этган, махсус рамзий-истиоравий нисбатлар заминига қурилган умумлашма-лирик лавҳани кузатайлик. Чунончи, Навоий ижодхонаси учун шаклан ва мазмунан қанчалик мухтасару теран бўлса, бадиий мантиқ эътибори-ла шунчалар ҳаққоний, аниқ, ёрқин далилий тимсоллар мисоли сифатида «_азалда уч киши... (*Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз, Абдураҳмон Жомий*) тавридур ул навъ» сатри-ла бошланадиган қитъанинг кейинги байтларидан «хоса маъни» лари – суврату сийрат жиҳатлари муштарак биринчи мисраларга эътибор беринг-а:

Бири – мўъжиз баёнлик соҳири Ҳинд...
Бири – Исо нафаслик ринди Шероз...
Бири – қудсий асарлик орифи Жом...

Мазкур қитъанинг, не ажабки: «Мажоз – ҳақиқат кўприги» ҳадиси шарифини эслатиб турувчи бағоят мазмундор, айни пайтда нафису пурвиқор шоҳбайти:

Хамоно, кўзгудурким, акс солмиш –
Анга уч шўх маҳвашнинг жамоли! –

таркибидаги: «кўзгудурким», «акс солмиш» нисбатлари зуҳурот (*«тажаллиёт»*) фалсафасининг «суврат»га, яъни «мажоз» га мансуб жиҳати – аксжилва – «суврат»лар ифодасига хизмат қилса, «уч... маҳвашнинг жамоли» не ажабки, фасоҳат оламининг назмий-рубобий (лирик) сарчашмаси – битмас-туганмас манбаи, яъни «зот» ёхуд «сийрат» тажассумига айланади. Бугина эмас. Шеърий санъат, бадиият мактабларининг кейинги авлодларига (*салафлардан – халафларга*) турли даражада ижодий таъсири: акс-инъикоси (*бевосита – муҳиб-муридлик ё билвосита – назира-пайрав йўлида*) қандай зуҳур этишини «назири йўқ» Сўз даҳосининг ўзидан зиёдароқ ифода этиш мушкул иш:

Навоий назмига боқсанг, эмастур –
Бу учнинг ҳолидин ҳар байти холи...

Аллоҳ «зоти»нинг мислсиз, ададсиз миръоти (*«кўзгуси»*) бўлмиш боқий хилқат – моддий назаргоҳ биз ҳайратланиб, хаёлга толиб, гоҳ қувониб, гоҳо изтироб чекиб умргузаронлик қилаётган бу сирли-сеҳрли, ажабдан булъажабу ғаройиб **шаҳодат дунёсида** қанчалар поён билмас ранглар, оҳанглар, шакллар, турфа «суврат»лар касб этса, бизга кўринмас ботиний-руҳий дунёда, ундан-да зиёдроқ «сийрат» мезонларида, ҳеч шубҳасизки, то абад боқий меъёрларда Ҳақ таоло тасарруфидаги **самовий, фазовий Ҳақиқатлар сирру синоатини** ўзида тажаллий этади... Ирфону маърифатнинг турфа соҳаларига мансуб мантиқий тафаккурнинг чегарасиз-ададсиз мумкиноти-имконияту «ақл боши айланар» (Навоий) имтиёзлари – тахайюл ва фаразлари нималигини уларнинг ўз билимдонлари ҳукмига ҳавола қилайлик-да, фақат биз миллий, умумтуркий, умумисломий ва умумбашарий ифтихоримиз бўлмиш «Амири Кабир Низомиддин Алишери Навоий» (Маҳмуд Музаҳҳиб) ҳазратлари тимсолида, мужассам «намудор» мақомида сувратланмиш қалб тафаккури (*сўзонли туйғулар, ёруғ-сафоли хаёллар*) соҳиби, «зодаи табъи» (*фақат туғма истеъдоди*) ила тан олинган барча ижодкор қавмларда, биринчи навбатда, шоирларда ўша Боқий Ҳақиқатнинг бадиий, шеърий «суврат» ва «сийрат»лари қай тарзда – қандай тимсолларда **ТАЖАЛЛИЙ ЭТАДИ?!..** «Киши бу сирни мендек қилмади фош» (Навоий) янглиғ фахрия сўзлари ҳар бир солим ақл-ҳуш соҳиби кўнглидан ўтса майлийди, аниқроғи: лоақал, ўзи хуш кўрган, дилхоҳ мавзулари доирасида, шахсан ўзига ёққан, яқин дўстларининг холисона-самимий эътирофи ва эътиборига шоён бўлган асарлари, ҳеч йўқ, бир неча яхши шеъри, яхши китоби мисолида баралла айтолсайди! Менга қолса, Навоий руҳи мададкор бўлиб, унинг мўъжизакор шеърияти ва ўлмас сиймоси шавқу рағбат бериб, ушбу муборак мавзу кўлами тобора кенг қулоч ёзиб, Навоий Сўз даҳосининг сеҳри-жозибаси бор бўй-басти, фасоҳати: ҳикмат,

маърифат нурлари, санъат жилвалари билан ШЕЪРИЙ ТАЖАЛЛИЁТ кўзгуси бўлиб, барча мухлису муҳиблар тасаввурига, тафаккурига, хаёлларига оро берса, «навосиз улуснинг навобахш» кўзгусига айланса!..

Улки, Ваҳдат шарҳин айтар: сирридин огоҳ эмас,
Гар фано касб этмаган бўлса, бир огоҳ, оллида!..

Зоҳиран, тафовутли жиҳатлари баралла кўзга ташланиб турган бир ҳол (*эътибор беринг-а: «огоҳ эмас» – «бир огоҳ оллида!»*) бу – мумтоз «илми саноеъ»да таърифи берилган «тазод» шеърий санъатига яхшигина мисол бўла оладиган ажойиб шоҳбайт таҳлилидан аввал мўъжазгина муқаддимага эҳтиёж сезилади. Эндиликда ожизона иқрор ила шукрлар келтириб ўзимизни хушнуду масъуд этишимиз мумкинки, «Ваҳдат», «Тавҳид», «Ваҳдат ул-вужуд», «Фано» – бу – жамики моддий мавжудот: Арзу Само, «тўрт унсурот», «олти жиҳат», набототу ҳайвонот дунёси, етти иқлим аҳолиси: «барчадин шариф» - инсон ва унга аён кўриниб турган назаргоҳ - чексиз шаҳодат дунёси-ю, ҳатто кимгадир кўздан яширин, тасаввурга сиғмас ғаройибот, мўъжизот олами бир бутундирким, бу «икки жаҳон» Мулкини илоҳий қудрат Ўзи бошқаради – тасарруфига олади, муҳофаза этади; барча мушкулликларни ҳам Ўзи ҳал қилади. Тажаллиёт эса ўша боқий САЛТАНАТнинг зуҳуроти, улуғ миръот – кўзгудаги акс-инъикоси, ҳадсиз-ҳисобсиз суврат жилвалари, холос.

Не ажаб ҳақиқат, эҳтимол, шафқатсиз ҳақиқат шундаки, бизнинг назаримизда, зоҳиран боқий туюлган, шунчалар ўзига жазб этган Шаҳодат дунёси моҳиятда бу – «Мутлақ ҳақиқат» – Илоҳий Мулкнинг фақат ўткинчи тажаллиси, муваққат сувратлари, гўё бизга аёну ноаён... фоний жилваларидир.

Тажаллиёт фалсафий мўъжизасининг мумтоз шеъриятимиздаги матний-ирфоний, юксак бадиий, санъаткорона ифода кўринишлари (*Навоийда: «намудор», «жилва», «кўзгу», «миръот», «акс» – «инъикос», «нигор» – «суврат», «зуҳур» – «зоҳир» ва ҳ.к.*) ҳақида сўз-баҳс борар экан, биринчи навбатда, буюк шарқшунос Е.Э. Бертельс айрича эътибор ила асосли тавсифини, шарҳини берган «ойинаи жаҳон» батискаф, эскалатор каби ижодий хаёл парвозига, дадил илмий-фантастик фаразларга кучли тамойилни Навоий «Хамса»си заминида илк дафъа инкишоф этганини эсламай, таъкидлаб ўтмай бўлмас. Биз, устоз Навоийшунослар – махсус талқини ва таҳлилини берган илоҳий мўъжизот, дунёвий ва тахайюлий ғаройиботу ажойибот мисоллари сирасига, чунончи, ўтган ХХ асрнинг сўнгги чораги давомида даврimиз мўъжизаси сифатида оммавий мулоқот воситаси - фазовий миқёсдаги, том маънода ҳайратбахш робиталарнинг тимсоли мужассамига айланган тизимларнинг «ибтидоси» бўлмиш фотосинтез, радио, кино, видео, теле, аудио ва бошқа янги техникавий-электрон кашфиётларнинг, не ажабки, ўша Темурийлар салтанати даври-ла, майли, «чиройли ёлғон», «гўзал хаёл» тамсиллари даражасида бўлсин, бадиий «зуҳуроти» – тажаллисини кузатиб, беихтиёр хаёлга толамиз. Даъвомиз далолати сифатида, даставвал, битта «Алишерий» шоҳбайт келтирайлик:

Нега таркинг этмай, эй чархки: шому ахтарингдин –
Қародур юзунг, валекин... оқ эрур юзунгда холинг!..

Шак-шубҳасизки, ҳазрат Навоийнинг ғайришуурий хаёл қудрати-ла кечилмиш бундайин, зоҳиран «қўрққулик» (*Жомеъ ибораси*), «Мужиби» (*сабаби-оқибати*) ғояти ваҳмли – ваҳшатан-гез руҳий ҳолат... жаҳоний фалокат (*қиёмат-қойи*м) олди мудҳиш хабари шоҳбайт-

нинг иккинчи сатрида акс этган: «қародур юзунг...» «оқ эрур юзунгда холинг». Мумтоз «ифрот» (*фавқулодда кучли муболаға*) санъати-ла зийнатланган бу байтда, неажабки, аввал XIX аср охирида, сўнгра, ўтган XX асрда кашф этилган фото тасвир, бора-бора кино, теле, видео, ҳозирги электрон компьютер, интернет каби илмий-техникавий мўъжизаларга хос биргина жараён: экрандаги ё фото-тасвир ибтидоси – негатив кўринишлар (*чиндан ҳам тасвир деса – аниқ бир тасвирни беролмайди!.*)... ўша – олис XV асрда ҳазрат Амир Низомиддин Алишер Навоийни шунчалар навмидлик изтиробига солгани... бугун бизда чексиз ғурур-ифтихор ҳисларини уйғотади... Ҳолбуки, бу – мутафаккирлар мутафаккири» тасаввури – тахайюлида бадиий инъикос этган мислсиз тажаллиёт мўъжизасининг бир байтдаги жилваси – «зуҳуроти», холос.

Энди – «Фарҳод ва Ширин» достонининг ғаройиб бобларидан бирига: отадай меҳрибон, ҳамиша авайлагувчи доно вазири аъзам Мулкоро раҳнамунлигида Хоқон хазинасини минг эҳтиёту андиша ва маҳфуз хаёллар изтиробида сайр-томошо этган, йўқ, «тафаккур била билмиш-одамзод» деган солим таомилу комил эътиқод билан ҳар бир мўъжиза олдида (*бугунги экспонат*) ҳайрат хаёлига чўмган Фарҳоднинг ғаройиб мулоқоти шарҳига ўтамиз:

Кетурдилар ҳакими нуктадоне,
Билик бирла жаҳон ичра жаҳоне!..
Қилиб тунни – ёруғ, кунни– қоронғу,
Сувдин – ўт ёндуруб, ўтдин – сепиб сув,
Ғаройиб кўп хувайдо бўлгусидур,
Бас, анда шакл пайдо бўлгусидур...
Кўрунуб ҳар замоне – кўзга бир шакл.
Кўз олғоч – бўлгусидур... ўзга бир шакл!
Чу бўлди жилвагар ошкор юз навъ,
Анга ҳам бўлгуси – тимсол юз навъ!..

Бизнинг энг мухтасар шарҳимиз: «шакл», бу – ҳозирги турли экранлардаги кадрлар десак, кейинги байтдаги: «Кўрунуб ҳар замоне... кўзга бир шакл, Кўз олғоч... ўзга бир шакл» – турли-туман тасвирлар, жонли сувратлар, рангин қиёфалар, яъни экран («ойинаи жаҳон») кадрлари силсиласи эмасми?!. Кўчирилган банднинг сўнгги байтидаги: «жилвагар ашкол (шакллар) юз навъ» «...тимсол юз навъ» бугунги экранда кўринган турли суврату феълатвор (саъжия) соҳиби бўлмиш характерлар, образларни, ёхуд манзара, воқеа-ҳодиса лавҳаларини акс эттирса, не ажаб?.. Навоий идрок қилган ғаройиб хаёлнинг ҳозирги мўъжизалар замонида қанчалар турланиб, товланиб, равнақ топмасин, ўзининг қадимий моҳияти – сир-синоатини сақлаб қолгани шаҳодати, яъниким «Навоийвор» (шоирнинг ўз ибораси) тажаллиётнинг боқийлиги далолати ҳам шунда...

Ва ниҳоят, яна ўша мўъжиз ҳикматлар ватани (боқий, муқаддас мусҳаф – Каломи Мажидни асос қилиб олган хадисга ишонмай бўладими?..) Чин мамлакати, фақат бошқа Хоқон, бошқа қаҳрамон – Искандар мулоқотидан яна бир лавҳа кўчирамиз:

Хакимеки... ани «тилисм» айлабон,
Намойиш анга ики қисм айлабон.
Бу даъвода эмас гувоҳ эҳтиёж,
Эрур кўзгу сари нигоҳ эҳтиёж!

Агар сўзи чиндур – кўринур юзи,
Кўрунмас юзи, бўлса ёлгон (хато) сўзи!

«Садди Искандарий» достонидан олинган уч байтли бу ажойибдан бул ажаб бандни лозим даражада, муносиб-шоён мақомда шарҳлаш, бугина эмас, имкон қадар чуқурроқ тааммул (теран тафаккур) ила таҳлил ва талқин масъулияти бизни ўйга толдиради, очиғи, ҳам ширину зиддиятли изтиробга солади, уни том маънода таҳқиқ этиш фақат даҳолар ҳукмига ҳавола деб биламиз. Биз фақат – устоз Навоийшунос олимлар, увайс (оламдан ўтган) том маънода солим, комил эътиқодли мутафаккир шоир-адиблар руҳидан мадад олиб, бақадри имкон айтиб ўтишга журъат этамизки, юқоридаги уч байт... Ҳаттоки бугунги компьютер мўъжизасини эслатадиган муборак «Навоийвор» хаёл «зуҳуроти» (тажаллиёти) жилва кўрсатгандай «навобахш» (ҳазратнинг ўз ибораси) ва сафобахш-ёруғ таассурот қолдиради! Бундай дадил фаразимизга юқоридаги банднинг: «икки қисм», «тилисм», «сўзи чиндур – кўринур юзи», «кўрунмас юзи – бўлса ёлғон (хато) сўзи»... ташбеҳ-иборалари шаҳодат беради; айниқса, «икки қисм»ли «тилсим»нинг биринчиси: бугунги клавиатура бўлса, иккинчиси: экран («кўзгу»)дир. Шарҳ давоми... энди – Сизга ҳавола.

ИЛОҲИЙ КАЛИМОТ ТИМСОЛЛАРИ

Эл кўнглига чун даво
Каломуллоҳ эрур...

НАВОИЙ

Абдураҳмон Жомийдек пири муршид (муҳиблар ҳазратни «нури хирад», «Маҳдуми Нуран» деб атаганлар) нафаслари-ла «низомул миллати вад-дин» муборак унвонига молик бўлган Навоийнинг шеърий куллиётини қудсий оятлар, ҳадислар билан мунаввар шоҳбайтларсиз аниқ ва тўлиқ тасаввур этиш, унинг фикрий теранликларини, фасоҳат сирларини таҳқиқ қилиш имконсиз, албатта.

Не надоматлар бўлсинки, неча ўн йилликлар мобайнида илоҳий муқаддимот (ҳамду наът, саною муножот) матни каби уларнинг талқини, таҳлили ҳукмфармо даҳрий мафкура таъқиби ва тазйиқига учраган, таҳқирланган эди. Шунинг учун ҳам муқаддас оят, ҳадис калималари бевосита – айниятда ё билвосита – ҳарфи ўзгарган, руҳи сақланган ҳолда «сўз лавҳи» – шеърий сатрлар қатига жойланган, бири-биридан зарифу дақиқ байтлар ҳақида лом-мим дейилмай (гўёки руҳоний нуктадонликлар, илоҳий оҳанглар Навоий дунёсига хос, аҳамиятли эмасдай), худписандларча совуқ-тунд муносабат ҳукм сурди... Тангрига ҳазор шукрким, турли табақот-тариқатга мансуб шоирларнинг исломий фалсафа, ахлоқ, фасоҳат тажаллиси бўлмиш боқий сатрлари сингари, Навоий шеъриятининг самовий буржлари ҳам бугунги истиқлолият ва амният ҳавосидан эрк ва сафо топди. Бас, уларни баҳоли имкон шарҳлаб бериш, қай даражада бўлмасин, таҳқиқ ва таҳлил қилиш ишини ортиқ пайсалга солиш ҳам гуноҳ...

Шарҳ аввалида, мантиқан, Навоийнинг насрий-илмий мушоҳадаларидан намуналар келтириш жоиз. Чунончи, улуғ мураббий «Мезон ул-авзон» муқаддимасида ёзадилар: «андоққи, Ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг «Каломи мажид» ида кўп ерда назм воқеъ бўлубтурки, аруз қавоиди (қоидалари) била ростдур. Ул жумладин бири оятдурким: «Лан таналул-бирра хатта тунфиқуу мимма туҳиббун» (хуш кўрган нарсаларингиздан сарф этмагунингизча ях-

шиликка эриша олмайсиз)дур (Оли Имрон, 92), рамали мусаддаси маҳзуб (баҳрида) воқеъ бўлубтур. Ва яна будурким: «Вал-мурсалати урфан, фал-ааси- фаати асфан» (эзгу амаллар буюрилган (фаришталар номига қасам, кучли эсган шамолларга қасам) дур (Вал-мурсалот, 1-2), вазни мафъулу фоъилотун фоъилотундур, ахраб (баҳрида) воқеъ бўлубтур... Ва «Каломуллоҳ»да кўп ерда бу навъ воқеъдур. Ва Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам аҳодиси (ҳадислари)да ҳам дағи бу тариқ тушубтур».

Бу табаррук кўчирмадан, фикри ожизимча, икки жиҳатни ажратиб кўрсатиш эҳтиёжи бор. Биринчидан, «Каломуллоҳ» оятлари, ҳадис сўзларидан «кўп ерда назм воқеъ» бўлган, хусусан, улар «аруз қавоиди била рост» экан, демак, чиндан-да исломиятнинг Навоийдек аркону аҳкомларидан бири шаҳодат беришича, бунда ғаройиб ҳол яшириндир.

Илло, пайҳамбаримиз Муҳаммад Мустафога нозил бўлган оятларда, у зоти шарифнинг ҳадисларида аруздек махсус ва мураккаб шеърий илм қоидаларига тўғри келадиган мисраларнинг мавжудлиги шундан далолат берадики, асли араб заминида кашф этилган аруз вазни ҳам шеърий истеъдод каби Тангри илоҳийнинг инъом-эҳсонидир (не ажабки, ҳазрати Расулуллоҳ (с.а.в.) на умумий илмий таҳсил, на махсус шеърий-адабий маърифат кўрганлар!). Зотан, улуғ жафокаш олим Дмитрий Лихачевнинг фикрича, гўзаллик қонунлари илоҳий моҳиятга эга...

Иккинчидан, туркийзабон шеърият «мулкининг соҳибқирони» Навоий ўз асарларини, шак-шубҳасиз, муқаддас оят ва ҳадислардек каломи фасиҳнинг теран мантиқий фикр, бадиий ифода (хусусан, мусиқий уйғунлик, таносуб) меъёрларида, баравж пардаларда яратишга қодир даҳосини жумлаи оламга аён этди: «Сўзунг бир авж уза чекти алам (байроқ) ни, Ки – сурдунг арш лавҳиға қаламни. Агарчи ахтаре (юлдуз)дур ҳар Сўзунг пок. Ки – эврулур онинг бошиға афлок». Улуғ шоирнинг маънавий жиҳатдан тўла ҳақдор фахрия-байтларидан яна бири: «Навоий сеҳр эмас, гўё Каломуллоҳ асосидур. Бу мўъжизларки зоҳир ўлди килки нуктапошингда». Биз Навоий шеърий даҳосининг руҳий илдизларини бир қадар таҳқиқ этишга, аниқроғи, исломий фалсафа, ахлоқ ва фасоҳатга дохил шоҳбайтлар шарҳига уриниб кўрамиз. Даставвал, муқаддас калималар-ла музайян байтларни кузатайлик. Бежизмаски, Навоийнинг асосий рубобий куллиёти «Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девони, биринчи ғазалининг матлаъи – аввалги байти Ҳақни танимоқнинг тўғри йўли – «ҳидоят нурлари» билан мунаввар этилган:

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-ҳудо,
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.

Шоҳбайт шарҳидан аввал биринчи мисранинг маъносини билиб олайлик: қуёш косасининг акси – инъикосидан ҳидоят нурлари («анворул-ҳудо») таралди. Бу бошариф тамсил-лавҳанинг фазовий миқёси қанчалар кенг, сарбаланд! Иккинчи мисрадаги «жом», «май» рамзлари-ла боғлиқ бадиий мантиқ тақозосига кўра, субҳидам уфқидан аста кўрина бошлаган қуёшнинг шакл-шамойили гулгун май тўла косага муқояса этилиши ўзиёқ (кун уфқдан юксала борганда на унинг аниқ доира-чизиғини илғаб бўлади, на гулфом рангини) мазкур байт мансуб бўлган ғазал шоирнинг бошқа ошиқона, риндона шеърларидан ўзгача эканлигига ишорадур. Демак, шоҳбайт (ғазал ҳам) моҳиятан орифона, тўғрироғи, илоҳиёна тимсоллар силсиласини ташкил қилади: зоҳиран (мажозан) риндтабиат ошиқ қўлидаги жом ва май мўъжиз-кўзгуга айланади, кўзгу бўлганда ҳам бамисоли доир – айланувчи дунё – муаззам миръот сифатида ўзида Тангри илоҳийни тажалли этади. Бас, Навоий талқинида мўъжизакор жом – ваҳдат жоми, яъни мавжуд оламнинг Тангри илоҳий билан

бирлиги, воҳидлиги рамзи, май – бу фоний дунёнинг барча аччиқ ва ширин маъноларини, ибратомиз синов-сабоқларини озми-кўпми идрок қилиш, чуқурроқ таҳқиқ этганда, бу – Навоий англаб етган ҳақиқий (илоҳий) ишқ махмурлиги, бунинг хос руҳоний, бокира кайфияти-ла ўзлик кишанларидан халос бўлмоқлик («Менда қўйма, ё Раб, менликдин нишон...»), шу тариқа ҳақиқат моҳиятини идрок этиш йўли Ҳақ васлига етишмоқ тадоригининг ўзгача тажассуми... Ана энди байтнинг хос маъносини – кузатилган мақсадга яқин иборалар-ла шарҳлаб бериш мумкин: «ёр (моҳиятда Яратгувчи) аксин майда кўр»моқдек ғаройиб бир ҳол ишқ йўлининг мажоз кўпригидан ҳақиқат («ал-мажозу қатратул ҳақиқат» – «Хамсат ул-мутаҳаййирин») манзилига ўтиш жараёнида, ҳажрнинг турфа ситамлари сўзонида жисму нафсу ҳавонинг шайтоний худкомликларини ўлдириб, руҳни поклантирган, фазлу камол мақомини эгаллаган зот – Ҳақнинг чин ошиғигагина мушарраф бўлиши мумкин... Хуллас, Навоий талқинича, жом, шубҳасиз, ваҳдат жоми (моддий ва руҳий оламнинг бирлиги рамзи), май – «васли мумкуни йўқ» ишқ фидойиси учун боқий ҳидоят ва иноят майидир. Зотан, бундай майнинг мўъжиз аломати қуёшнинг ҳар субҳ оламга таратган, Ҳақ йўлини ёритувчи пурхайр иши – аъмолига тенг... Бу анъанавий мажознинг фазовий талқини, маҳбуб тимсолида илоҳий гўзаллик тажаллисини кўриш, «ёр аксини» ўзгача сувратлаш санъатидир.

Мана, «Каломуллоҳ асоси»ла тартиб ва сайқал берилган бошқа бир байт:

Ҳар ён, Навоий, сунма қўл, не келса Ҳақдин рози бўл.
Мен ожизу – ҳокимдур Ул, «ал фажру лак, ал ҳукму лаҳ».

«Ал фажру лак»: ёришувчи тонг – сенинг уйғонмоғинг, янги кундан воқифлигинг, унинг насиба-неъматидан баҳравар бўлмоғинг учун; «ал ҳукму лаҳ»: сўнг нимаики воқеъ бўлса – илоҳнинг ҳукмида. Шоҳбайтнинг тўлиқ маъноси: одамзод умрнинг ҳар бир кунига Аллоҳ етказганига шукр келтириши – боридан ҳаволаниб, нафс кўйига кирмаслиги («Қачон нафс ўз комин этти ҳаво, Қилур элни кўп нафъдин бенаво») ва аксинча, йўғига ё камига ношукр бўлмаслиги, мушкул соатларда ҳам ғамгинлик ва умидсизликка тушмаслиги керак («Ўзунгизни меҳнат куни овутинг, не ғам келса даврондин – осон тутинг»), кенг маънода мусулмони комилнинг босган қадами, боринги, эзгу ният йўлида кўрсатган жасорати, топган эътибору мартабаси Яратгувчининг хоҳиш иноятига – ҳидоят ва ҳимоятига муҳтождир.

Навоийнинг соҳир қалами – хомаси-ла «зоҳир ўлғон мўъжизлар» ҳақида яна-да ёркинроқ тасаввур туғилиши учун «кўнгул лавҳи»га чизилган дунё шеърий тимсоллардан айрим намуналарни кузатамиз. Табиийки, бу гал ҳам ўзига хос муқаддимотга зарурат сезилади: Аллоҳ «...инсоннинг сойири махлуқотдин мумтоз ва мажмуъ офариниш (яратилиш)қа сарвар ва сарафроз қилдиким, оят: «Ва лақад каррамно бани одама» (одам авлодини азизу мукаррам қилиб яратдик) калимаси андин мухбир (хабарчи)дир... «Ва лақад халақна ал-инсана фи аҳсани тақвим» (ҳамда инсонни маҳбубу марғуб суврат-ла яратдик) анга мушъир (огоҳ этувчи) дир...» Чин инсонликни фақат кўнгил гавҳари мезони билан баҳолаш мумкин. «Ҳадиси шариф»дан: «Инсон жисмида бир парча эт бор, агар у тузалса, аъзоларнинг барчаси тузалгай, агар у бузулса, аъзоларнинг барчаси бузулғайки, бу – унинг қалби, юраги». Навоий шарҳи: «Кўнгул бадан мулкининг подшоҳидур, анга сиҳҳат мунга ҳам сиҳҳат, анга табоҳи (шикаст) мунга ҳам табоҳи. Бас, улким кўнгил мулкининг соҳиб жоҳи бўлғай – шоҳлар шоҳи бўлғай». Байт: Мулк учун солим керактур хислати кишвар паноҳ, Тан учун ул узв (аъзо) ким, бўлди бадан мулкида шоҳ. Ва ниҳоят, улуғ валийуллоҳ шоир кўнгил ва кўз васфида «бир неча паришон байт» (ҳақирона камтарлик мисоли) тартиб бергани ҳақида

шундай дейди: «Аммо «ал-маъмуру маъзурун» (буюрилган иш маъзур тутилмоғи лозим) ҳукми била ўтлуқ оҳи дудидин ашкбор кўз суви бирла мураккаб қилиб, кўнгул оташангезлиги била кўз ашкрезлиғи шарҳида бир неча паришон байт мураттаб қилинди» («Мунша-от»дан). «Маҳбуб ул-қулуб»да тил ва кўнгил таърифи узвий берилади: «Масиҳоким, нафас била ўлукка жон берди, гўё бу жиҳатдин эрди. Аҳли саодатлар руҳбахш зулолиға манба ҳам тил. Тилиға иқтидорлиғ – ҳакими хирадманд. Тилки фасиҳ ва дилпазир бўлғай – хўброқ бўлғай, агар кўнгул била бир бўлғай...» «Дардлиғ кўнгул – шуълалиғ чароғ...»

Тили ариғ ва кўнгли ариғ (бокира)ни мусулмон деса бўлур», дейилади ўша китобда. Мана, кўнгил тимсоли муқаддас оят-ла йўғрилган шоҳбайтлардан бири:

Халқдин навмидлик – еткурди роҳат кўнглума,
Эй Навоий, билдим: «Иҳдар роҳатайн» эрканин яъс.

«Иҳдар роҳатайн»: икки роҳатнинг бири. Яъс – навмидлик дегани; энди байт шарҳига ўтсак бўлади. Ҳаёт отлиғ азалий хилқат шунчалар мураккабдирки, ёлғиз киши – айрим шахснинг бутун бир халқ жамоаси билан муносабати ҳар доим ҳам одилона меъёрда бўлиши қийин. Халқ деганда табиий, ижтимоий, руҳий-маънавий бир қудратнинг тимсоли мужассами намоён бўладики («Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир. Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...», Чўлпон) унинг шаънига баъзан ранжу аламлар сўзонида марғуб-номарғуб мулоҳазалар билдириш, алал-оқибат беҳуда, ҳатто мантиқсиз бўлиб чиқиши мумкин.

Начора, ҳазрати Навоийнинг ўзлари бежиз айтмаганлар: «Халқдин ҳар ярамас келса хуш улким, Ҳақға деса бўлмас: «Менинг учун яна бир халқ ярот». Бас, муқаддас оят билан далилланган юқоридаги байт моҳиятида ҳаёт ва қисматнинг турли озору шафқатсизликларига қарамай, инсон сабри билан улуғдир, деган пурмаъно, боумид («навмидлик»ка зид) ақида зуҳур этади. Айниқса, сабр-қаноат, сабот, андиша, кечириш, тийиқлилик туйғулари билан кучли чин мусулмон учун тан бермаслик, кўникмаслик имконсиздай туюлган бир ҳол гўё осонлик билан («Ишга неча саъблиқ имкон эрур, Ким ани осон тутар – осон эрур») – камоли кўнгил равшанлиги, табъ равонлиги, руҳ енгиллиги билан ифодаланади: «Халқдин навмидлик – еткурди роҳат кўнглума». Тўғри, халқимизда энг чорасиз-нажотсиз дақиқаларда ҳам «ноумид шайтон» дейилгувчи доно нақл бор.

Лекин халқона таскин сўзи билан Навоий сатри замиридаги сўнгсиз дарду фидойилик ўртасида каттагина масофа ётади. Бу, эҳтимол, валийсийрат зотларгагина мушарраф бўладиган хос руҳий қудрат тимсолидир: навмидлик азоби туғёнга келган, ақл чироғи сўниб, кўнгил пораланган кезларда ҳам бундайин фожеъ ҳолни... роҳат ўрнида қабул қилиш ҳар қандоқ иродали кишига муяссар бўлавермаса керак...

Навоий қаламининг мўъжизавий кучи шундаки, муқаддас калималарга эҳтиёж туғилганда, улар беихтиёр дунёвий мазмун касб этиши инсонпарварлик, улуспарварлик ғоялари учун хизмат қилиши мумкин:

Хаққим, йўқ нафъ ичинда поёни Анинг,
Бўлгуси қиёматқача жавлони Анинг!..

Шубҳасиз, «нафъ ичинда» иборати жамики жонли-жонсиз махлуқоту мавжудотга таалуқли. Лекин моҳиятда уларни яратиш ва паноҳида асрашдан мурод – инсон, унинг эҳтиёжи, манфаати. Бундай саховат, иноят манбаи асло камайиш билмайди. Илло, Ҳақнинг

лутфу карами кенг, «ҳидоят нурлари» офтобдай барчага баробардир. Бежиз эмаски, улуғ шоир ҳатто болалик даври машқлари – илк шеърларидаёқ – сахий табиатдан лола уруғию пилла қуртини муқояса учун олиб, инсон меҳнатига нисбат берган эди: «Тухум ерга кириб – чечак бўлди, Курт жондин кечиб – ипак бўлди. Лола тухумича ғайратинг йўқму? Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?» Бошқа бир байтда «ипак» ташбеҳи «бол» тимсоли билан уйғун берилади: «Ҳар кимсаки, айламас ошуқмоғни хаёл. Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол». Ҳадисмонанд «Арбаин»да: «Яхшироқ бил они улус ароким, Етса кўпрак улусқа нафъ андин» дейди раиятпарвар шоир. Эл-улус қайғуси бошқа бир шеърда анчайин кескин-беаёв оҳангда ифодаланади: «Ҳар кишиким улусқа раҳм этмас, Анга раҳм айламас Раҳиму Карим». Илоҳий калом ила дунёвий сўз уйғунлиги қанчалик табиий ва самимий руҳда, ҳаққоний ва одилона талқин этилган!..

Навоий илоҳий қудратга хоҳ бевосита – муқаддас оят сўзлари орқали, хоҳ билвосита – бадиий тимсоллар, рамзу мажозлар тилида муносабат билдирганда, баъзан исломий ақоид сарҳадидан ўтади – қадимий фалсафа, умумбашарий тафаккур меъёрларида мубоҳаса юритади:

Азал ҳам – Сен, абад ҳам – Сен, не аввал бирла охирким,
Анга йўқ – ибтидо пайдо, мунга йўқ – интиҳо пайдо.

Бу мисралар қатида қанча оламлару турфа мезонларни, робита-ю усулларни ўзида жобажо этган моддий ва руҳий хилқат ҳайратомиз мухтасар шаклда ифодаланган. Чиндан ҳам шеърий нисбатлар миқёс- кўлами – самовот буржлари қадарли, теранлиги – уммонларга тенг, не ажабки: на «азал – аввал»нинг ибтидоси, на «абад – охир»нинг интиҳоси бор! Янада чуқурроқ ўйлаб, яхшироқ идрок этиб кўрганда бу оламнинг «ҳайъати» – қиёфаси, «вазъи» – тузилиши («Назар айла бу – коргаҳ ваъзиға-ки, ортар тамошасида ҳайратим») ақл «боши айланар» даражада сирли-сеҳрли эмасми?! Надоматлар бўлсинки, биз неча ўн йилликлар мобайнида даҳриёна моддиюн фалсафаси исканжаси-ла гумроҳликда, ғофилликда, куфрона-шаккок «ёлғон-даъво» (Яссавий) алдовларига қойим-маҳлиё бўлиб, ўзимиз англаб- англамай айюҳаннос солиб, жаҳонга кулгу – шармисор бўлган эдик...

Беназир сўз даҳоси «ирсол ул-масал» бадиий санъати (халқнинг доно удумларини, пурҳикмат мақолу маталларини бадиий ўзлаштириш усули) орқали уларни хоҳ аслиятда, хоҳ ўзгарган шаклда келтириб, байтга бошқача зийнат беради. Мана шулардан бири:

Кўнгул жон бирла бўлди, ҳамраҳингмен, дард ила юрдум,
Сенга жон бирла кўнглумни, сени Тангрига топшурдум.

Одатда, ҳаётнинг иссиқ-совуғини кечириб, аччиқ- чучугини тотиб кўрган, дўст-душман, яхши ва ёмон билан синашиб, маълум даражада сабоқ олган кўзи очиқ, эҳтиёткор, айни чоғда боумид одамлар аксарият яқинларидан кимнидир сафарга кузатаркан ё ўзлари йўлга чиқиш олдидан яхши истак-тилакларини ўзгача меҳр билан, дил-дилдан тавалло қилиб: «Худога омонат, Ўз паноҳига топширдим» қабилида самимий муножот сўзлари-ла изҳор этадилар. Иймон нури билан йўғрилган, Яратгувчига ҳамду саною илтижо мақомидаги бундай халқона оқ фотиҳа калималари, аввало, ўша хайрбод тилаклар тилагувчи мўътабар зот (ота-она ё устоз, меҳрибон дўст ё ғамгусор жигарбанд)нинг шахсияти – ҳар қандай тамаъю миннатдан холи, пок хилқатидан далолат беради. Қолаверса, бундай қутлуғ иборатлар ҳар икки тараф (сафарга отланувчи ё кузатиб қолувчи)нинг кўнглида, фикру хаёлида

ажаб бир ёруғлик – умид, ишонч-эътиқод, шукрона, миннатдорлик, меҳру вафо, ғурур-ифтихор, фидойилик, эҳтимол, ўкинч – армон, тазарру каби эзгу ҳислар уйғотади, руҳни поклантиради... Навоий халқимизнинг ана шу олийжаноб удуми тажассуми – «топширдим» сўзининг бениҳоя гўзал, зариф истиоравий қирраларидан фойдаланиб (бир яқин одам тақдирини бошқа бир яхши одамга мутлақ ишониб, дахлсиз омонат ўрнида «топшириш», ўша омонат тимсоли ва унга жавобгар – соҳиби хонадон ё раҳнамо йўлдошни ҳам Тангри ҳимоясига «топшириш» замирида қанчалар инсонийлик зуҳур этади!), муҳаббат оламининг зоҳиран фожеъ қисмати («жонни топширмоқ») – «ишқи мажоз»га кутилмаган ҳолда боқий – ўлмас маъно бахш этади, «ишқи ҳақиқат» мақомини беради... Не ажаб, маҳбуба дардида ошиқ кўнгил шайдолиги шу даражага етиб бордики, ҳатто кимга мансублигини – ўзлигини унутди, оқибатда фақат «кўнгул жон бирла бўлди», ошиқ эса бамисоли сояга – жонсиз, кўнгилсиз вужуд – сувратга айланди. Лекин (водариғ!) бундай фожеъ қисмат учун ҳасрат-шикоят эмас, розилик, илтижо, тавалло сўзлари изҳор этилади! Илло, ошиқнинг бу алдамчи дунёдаги сўнгги тилаги ҳам шу: муҳаббат қисматида «жон бирла кўнгилни» яккаю ягона умидвори, халоскори – маҳбубага, маҳбубани – «Тангрига топшириш». Не чоғлиқ андуҳли бўлмасин бучин мурод – абадий ишқ бахтига эришмоқнинг пурмаъно ва зарифона ифодаси эмасми?! Зотан, бундай талқин Навоийнинг васлсиз – илоҳий ишқ идеали билан уйғун-ҳамоҳанг: «Ошиққи, муроди ком ўлғай – ошиқлик анга ҳаром ўлғай»...

ШАРОФИДДИН ШАРИПОВ

“ЛИСОН-УТ ТАЙР” ҲАҚИҚАТИ

МУҚАДДИМА

Ўзбек классик адабиётининг XV асргача бўлган тарихий тараққиётига якун ясаб, уни янада юқори поғонага кўтарган гениал шоир, мутафаккир Алишер Навоий ўз ижодий фаолияти билан жаҳон адабиётининг энг йирик намояндалари сафидан фахрли ўрин эгаллайди. Асарларида ҳамма даврлар учун беистисно аҳамиятга молик юксак гуманистик ғояларни катта санъаткорлик билан тараннум этган шоир ўз даври ижтимоий тафаккури даражасидан юқори кўтарилиб, она тилидаги адабиётни жаҳон миқёсига олиб чиқди. У тўрт девондан иборат "Хазойин ул-маоний" лирик куллиёти, беш буюк достонни ўз ичига олган "Хамса"си, "Лисон ут-тайр", "Маҳбуб ул-қулуб" ва бошқа асарлари билан фақат ўзбек адабиёти тарихида эмас, шу билан бирга, Шарқ халқлари адабиёти тарихида ҳам янги саҳифалар очди. Бу асарлар бутун тараққийпарвар инсоният маънавий-эстетик бойлигининг олтин фондига айланди.

Маълумки, Навоийнинг эпик шеърияти шоир ижодиётида алоҳида ўрин эгаллаб, унинг машҳур "Хамса" си ва "Лисон ут-тайр" достони жаҳон адабиётида бадиий кашфиётнинг порлоқ намуналаридан бири ҳисобланади. Навоий достонларининг яратилиши адабиётимиз тарихида бутун бир даврни – ўзбек классик эпик поэзиясининг камолот даврини ташкил қилади. Чунки мазкур асарларнинг майдонга келиши тасодифий бир ҳол бўлмай, балки қадимий тарихга эга бўлган ўзбек достончилиги тараққиётининг қонуний ҳодисаси сифатида ўзида ўзбек эпик поэтикасининг ҳамма муваффақиятларини мужассамлаштиради.

Навоийшуносликда ушбу достонларни текстологик, қиёсий ва назарий аспектларда ўрганиш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бироқ Навоий бадиий ва илмий мероси билан боғлиқ бир қатор актуал масалалар ҳанузгача жиддий ўрганилмагани сингари шоир "Хамса"си ва умуман, эпик шеъриятнинг ҳам мукаммал илмий манзараси яратилган деб бўлмайди. Жумладан, Шарқ адабиётида хамсанависликнинг келиб чиқиши ва тараққиёт йўллари; Навоий "Хамса"сининг унда тутган мавқеи, унинг ўзига хос хусусиятлари, кейинги даврлар ўзбек ва бошқа халқлар адабиётига таъсири; шоир эпик шеъриятида традиция ва новаторлик масалалари; Навоий достонлари поэтикаси каби мураккаб муаммоларни тадқиқ этиш борасида эндигина илк қадамлар қўйилмоқда. Шунингдек, шоирнинг олтинчи – "Лисон ут-тайр" достони айрим мақола ва илмий-танқидий матн характеридаги ишларни ҳисобга олмаганида, шу вақтга қадар етарли даражада махсус ўрганилмай келинаётганини ҳам эсга оладиган бўлсак, унда Навоий эпик шеъриятини ўрганиш соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозим эканлиги аниқ бўлади.

Навоий ижодиёти ва ўзбек классик адабиёти тарихида ҳам мазмун, шакл жиҳатидан ўзига хос алоҳида ўрин тутувчи мазкур асар ҳақидаги дастлабки илмий тадқиқот машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертельс томонидан 1927-йилда ёзилган "Навоий ва Аттор"мақоласи ҳисобланади. Бунга қадар Ғарбий Европа ва рус шарқшунослигида Алишер Навоий "таржимон" ва"тақлидчи" шоир қабилида нотўғри таърифланиб унинг ижодига, хусусан, "Хамса"ва "Лисон ут-тайр"достонларига форс-тожик шоирларининг шу типдаги асарлари таржимаси сифатида қаралар эди. Мазкур мақола муаллифи шарқшуносликда кенг тарқалган ушбу концепциянинг қай даражада ҳақиқатга мувофиқ келишини текшириб кўриш учун Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари билан унга намуна бўлиб хизмат қилган Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ут-тайр" достонини муқояса қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Е.Э.Бертельснинг фикрича, гарчи Навоий ўз достонини “таржима” деб атаса-да, Аттор матнига нисбатан ниҳоятда эркин муносабатда бўлади. Унинг қалами остида бу асар Аттор-нинг замон ва макондан ажралиб қолган абстракт характердаги достонига нисбатан ҳаётий ва мантиқий бўлиб чиққан. У Аттор достони фабуласининг асосий линиясини сақлаган ҳолда, жуда кўп материалдан унумли фойдаланади. Айниқса, достонда келтирилган кўп сонли ҳикоялар бунга ёрқин мисол бўла олади. “Уларнинг катта қисми, - деб ёзади муаллиф, - Атторга боғлиқ бўлмай, балки Навоий оригинал маҳсули сифатида шоирнинг ўз шахсий материаллари асосида ёзилган…» Хуллас, форс ва турк поэмалари деталларда жуда оз умумийликка эгадирлар.

Шундай қилиб, Е.Э.Бертелс мазкур мақолада шарқшуносликда ҳукм суриб келган“Навоий – таржимон ва тақлидгўй шоир” деган ғайриилмий концепцияга биринчилардан бўлиб муҳим тузатишлар киритади. Ушбу асардаги асосий фикр ва мулоҳазалар кейинчалик муаллифнинг “Навоий” монографиясида ҳам ўз аксини топди.

Академик В.Й.Зоҳидовнинг “Навоийнинг “Лисон ут-тайр” асари” номли мақоласида мазкур достон ғоявий-фалсафий нуқтаи назардан ҳам оригинал асар эканлиги асослаб берилди. Муаллиф ҳар икки асар фалсафий мазмунини ўзаро қиёслаган ҳолда“Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони” таркидунёчилик ва миститизмни тарғиб қилувчи Аттор “Мантиқ ут-тайр”ига ўз фалсафий моҳияти жиҳатидан буткул қарама-қарши руҳда ёзилган асар бўлиб, бу билан шоир “Мантиқ ут-тайр” тасаввуфининг энг асосий мақсади беҳуда афсона эканлигини кўрсатади”, деган хулосага келади.

Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган айрим мақола, монография ва диссертацияларда юқоридаги асосий тезислар ижодий давом эттирилди.

Адабиётшунос Н.М.Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслик китобида Навоийнинг бу достони ҳақида олий ўқув юртлари программаси ҳажмида тўхталиб ўтилса-да, унда асарнинг айрим характерли томонларини белгилаб берувчи ўринлар ҳам кўзга ташланиб туради.

Таниқли навоийшунос олим, филология фанлари доктори А.Ҳ. Ҳайитметов асарларида мазкур достоннинг метод ва услубига доир қимматли назарий кузатишлар мавжуд. Тадқиқодчи достонда қушларнинг Ҳудҳуд бошчилигида Симурғ томон қилган сафари аллегорик услубда, Ҳудҳуднинг кўп ҳикоятлари реалистик, баъзи ҳикоятлар эса романтик услубда ёзилган эканлигини таъкидлаб, демак, “Лисон ут-тайр” ни ижодий метод нуқтаи назаридан фақат бир метод талабларидан келиб чиқиб текшириш унча тўғри бўлмайди”, деган хулосага келади ва бу билан достон услубининг мураккаб эканлигига ишора қилади. Шунингдек, тадқиқотчи “Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан” номли китобида мазкур асар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб, унинг ғоявий-фалсафий мазмуни ҳақида муҳим фикрларни илгари суради.

Иззат Султон қаламига мансуб“Навоийнинг қалб дафтари” китобида муаллиф Алишер Навоий биографиясини яратишда биринчи галда шоирнинг ўз асарларига мурожаат қилади ва шу муносабат билан “Лисон ут-тайр” достонида мавжуд баъзи автобиографик ўринлардан моҳирона фойдаланади. Шунингдек, муаллиф Навоийнинг мазкур достони ҳали мутахассислар томонидан етарли ўрганилмаганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Филология фанлари доктори А.Абдуғаффоров тадқиқотида эса достон таркибидаги айрим ҳикоятларнинг айрим сатирик ва юмористик хусусиятлари тўғрисида қизиқарли илмий мулоҳазалар баён этилган.

Фалсафа фанлари кандидати М. Орипов Навоий фалсафий ва ахлоқий қарашларига оид диссертациясида ушбу достоннинг шоир дунёқараши ва унинг тасаввуфга муносабати масаласини ўрганишда алоҳида аҳамиятга молик эканлигини кўрсатиб ўтган.

Кейинги йилларда Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида талай монографиялар эълон қилган филология фанлари доктори А. Қаюмовнинг "Машҳур кишилар ҳаёти" сериясида нашр қилинган "Алишер Навоий" номли китобида "Лисон ут-тайр" достонининг қисқача мазмуни илмий-оммабоп тарзда баён этилади.

Олимлар жамоаси томонидан ёзилган "Ўзбек адабиёти тарихи" беш томлигининг 2-томи Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини системали равишда тадқиқ этишга бағишланган. Мазкур китобнинг Навоий эпик ижодига оид бўлимида "Лисон ут-тайр" достони таҳлил этилади. Бу бобда филология фанлари кандидати С. Ғаниева "Лисон ут-тайр" достонининг ғоявий-бадиий мазмуни ва шоир ижодида тутган ўрни ҳақида муҳим фикрлар билдиради.

Ленинградлик олима А.Н. Малехова томонидан ҳимоя этилган "Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони. Композицион ва образли воситалар поэтикаси" мавзуидаги кандидатлик диссертацияси мазкур мураккаб асарни поэтика нуқтаи назаридан, хусусан, ундаги айрим бадиий ифода воситаларини ўрганиш борасидаги дастлабки жиддий ютуқлардан биридир.

Турк адабиётшуноси А.С.Левенд ўзининг "Алишер Навоий" номли китобининг биринчи жилдида проф. Е.Э.Бертелс тадқиқотига таяниб, асарнинг оригиналлигини эътироф қилади. Бу ҳолат немис адабиётшуноси Г. Дудекнинг Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотида ҳам кузатилади.

"Лисон ут-тайр" достони текстологик жиҳатдан филология фанлари кандидати Ш. Эшонхўжаев томонидан тадқиқ этилган. Автор нодир қўлёзма манбалар асосида асарнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, уни 1965 йилда алоҳида китоб шаклида нашр эттирди. Шу матнга асосланган достоннинг қисқартирилган оммавий нашри Навоий асарлари ўн беш томлигининг 11-томида биринчи марта кенг китобхонлар диққатига ҳавола қилинди. Олим ва таржимон С. Ивановнинг катта шижоати туфайли достон рус тилига таржима этилди. А.С. Левенд "Алишер Навоий" китобининг тўртинчи жилдида достонни (айрим қисқартириш ва изоҳлар билан) нашр қилиб, турк китобхонларини мазкур асар билан таништиришдек олижаноб ишни бажарди.

Хуллас, Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони ҳақидаги мавжуд тадқиқотлар, асосан, ана шулардан иборат. Бу ишлар ушбу асарни ўрганиш борасидаги илк тадқиқотлар ҳамда у ҳақда умумий маълумотлар берувчи манбалар сифатида кўпгина қимматли томонларга эга. Аммо уларнинг айримларида баъзи мунозарали таҳрир қилиниши ва аниқлик киритилиши лозим бўлган ўринлар ҳам учраб туради.

Муайян сўз санъаткорининг ижоди ҳақида тўлиқ илмий тасаввурга эга бўлиш учун, аввало, унинг ҳар бир асарини кенг кўламда махсус ўрганиш талаб этилади. Навоий лирикаси, "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун","Садди Искандарий" достонлари ва бошқа асарлари ҳақидаги айрим монографиялар ана шу эҳтиёжнинг маҳсули ўлароқ, майдонга келган эди. Шундай бўлишига қарамай, ҳали улуғ шоирнинг баъзи муҳим асарлари, жумладан, унинг ижодида ўзига хос алоҳида ўрин тутувчи "Лисон ут-тайр" достони ҳозирга қадар чуқур ўрганилмаган. Ҳолбуки, Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган ушбу достон шоирнинг муҳим фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий дидактик қарашларини ўзида мужассам эттирган асар сифатида улуғ мутафаккир ижодига маълум

даражада якун ясайди. Мазкур достон ўзининг генезиси, жанрий ва ғоявий-бадиий хусусиятлари билан фақат Алишер Навоий ижодида эмас, ўзбек классик адабиёти тарихида ҳам алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, уни ана шу аспектларда тадқиқ этиш навоийшунослик фанининг зарурий вазифаларидан бири саналади.

Ана шу талабдан келиб чиқиб,ушбу китобда Алишер Навоийнинг“Лисон ут-тайр” достони ҳақида адабиётшунослик аспектида сўз юритилади ва қуйидаги масалаларни тадқиқ этиш мақсад қилиб қўйилади:

- “Лисон ут-тайр”типидаги асарларнинг генезисини аниқлаш;
- “Лисон ут-тайр” достонининг жанр хусусиятлари, ғоявий мазмуни ва образлар системасини тадқиқ этиш;
- достон таркибидаги ҳикояларни ғоявий-тематик жиҳатдан таҳлил этиш; уларнинг шоир ҳикоянавислигидаги тутган мавқеини ёритиш;
- достоннинг бадиий-поэтик хусусиятларини ўрганиш;
- юқоридагилар асосида “Лисон ут-тайр” достонининг Алишер Навоий эпик ижоди ва умуман ўзбек классик адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш.

Муаллифнинг ушбу ишни ёзишдан кўзлаган мақсад ва вазифалари, асосан, ана шулардан иборат.

ШАРҚ АДАБИЁТИДА “ЛИСОН УТ-ТАЙР” ТИПИДАГИ АСАРЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН

Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони анъанавий сюжетлардан бирида ёзилган асар бўлганлиги сабабли у ҳақда сўз юритишдан аввал гарчи қисқача бўлса-да, Шарқ адабиётида унга қадар ушбу сюжет асосида ёзилган асарлар ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бундан кўзда тутилган мақсад, аввало, ушбу сюжетнинг келиб чиқиш манбалари ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш бўлса, иккинчидан, ана шу аспектда Навоий достонининг шу типдаги асарлар силсиласида тутган ўрнини белгилашдан иборатдир.

I

Шарқ классик адабиётида муайян анъанавий сюжетларнинг (мас., Фарҳод ва Ширин; Лайли ва Мажнун ва бошқалар) вужудга келиш ва ривожланиш тарихи бўлганидек, қушларнинг рамзий саргузаштлари асосида ёзилган “Лисон ут-тайр” типидаги аллергорик-фалсафий асарлар келиб чиқиш ва ривожланишининг ҳам ўзига хос тарихи бор. Маълумки, Навоий ва Аттор достонлари сюжети қушларнинг Симурғ томон қилган сафари тасвирига асосланиб, бу тасвир орқали муаллифлар ўзларининг муайян фалсафий масалаларга доир қарашларни образли тарзда ифодалаб кўрсатганлар. Худди шунга ўхшаш ҳолат, яъни қуш тили воситасида фалсафий масалалар хусусида мулоҳаза юритиш Навоий ва Аттордан илгари ҳам мавжуд бўлиб, Шарқнниг бир қатор йирик мутафаккирлари ўз асарларини мазкур усулда ёзишган. Булар жумласига Абу Али Ибн Сино(980-1037)нинг “Рисолат ут-тайр”, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий(1040-1111)нинг шу номли рисоласи, Шаҳобиддин Суҳравардий (вафоти 1191 йил) қаламига мансуб “Рисолаи мусаммо ба сафари Симурғ” каби асарлани кўрсатиш мумкин.

Баъзи олимларнинг фикрича, Ибн Синонинг “Рисолат ут-тайр”и Шарқда қушлар аллегоризмига асосланиб ёзилган илк бадиий асар бўлиб, Аттор ва Навоий достонларининг юзага келишида асосий туртки ролини бажарган. Жумладан, проф. А.М.Баҳоуддинов Ибн Сино рисоласининг Шарқ адабиётига кўрсатган кўрсатган ижобий таъсири ҳақида гапирар экан, Навоий ҳам“Лисон ут-тайр” достонини ёзишда ундан таъсирланганини қайд этади. Филология фанлар кандидати А.Ирисов ҳам бу нуқтаи назарни қувватлаб, шундай мулоҳаза билдиради: “Рисолат ут-тайр” аслида рамз-ишоралар билан ёзилган бўлиб, Фаридиддин Атторга “Мантиқ ут-тайр”, Навоийга “Лисон ут-тайр” каби асарларни ёзишда асосий туртки бўлган дейиш мумкин. Чунки бу соҳада дастлаб Ибн Сино асар ёзди, ундан сўнг бир қанча авторлар қалам тебратдилар”.

Дарҳақиқат, Ибн Синонинг мазкур рисоласи фақат Аттор ва Навоий достонлари вужудга келишида бир туртки бўлигина қолмай, шу билан бирга, Ибн Синодан сўнг қуш тили воситасида ёзилган барча асарлар, жумладан, Ғаззолий ва Суҳравардийларнинг номлари қайд этилган асарлари майдонга келишига ҳам асосий омиллардан бири ролини ўтади. Шу жиҳатдан мазкур рисола Шарқ адабиётида кенг тарқалган қушлар анъанавий традицион асарларнинг келиб чиқишида муҳим рол ўйнаган манбалардан бири сифатида алоҳида диққатга сазовордир.

Асар икки хил ном: “Рисолат ут-тайр” (“Қуш рисоласи”)ва “Китоб уш-шабака” (“Тузоқ ва қуш китоби”) билан юритилган. Унинг қисқача мазмуни қуйидагича: бир гуруҳ қушлар овчи тузоғига илиниб, ундан қутулишга ҳаракат қилишса-да, меҳнатлари зое кетади. Натижада, улар озодликка чиқишдан умид узиб, ўзларининг тузоқда эканликларини ҳам маълум даражада унутадилар. Шунда улар тепасида бир гала қушлар пайдо бўлади. Маълум бўлишича, бу қушлар ҳам тузоққа илинган бўлиб, кейинчалик ундан қисман халос бўлишган экан. Уларнинг бош ва қанотлари озод бўлса-да, оёқларида тузоқ қолдиқлари сақланиб қолган эди. Тўр остидаги қушлар биродарлари ёрдамида бўйин ва қанотларидаги тузоқ чангалидан халос бўлишади, лекин улар оёғидаги тузоқ-бандларини олиб ташлашнинг сира иложи бўлмайди. Шундан сўнг буларнинг ҳаммаси бундан халос бўлишда ёрдам беришни сўраб, кенг водийлар ва баланд тоғлар оша буюк подшоҳ ҳузурига йўл оладилар. Ниҳоят, саккизта тоғ-водий ортда қолиб, кўзланган манзилга етиб келадилар.Қасрга кирганларида саҳнадан парда кўтарилиб, қушларнинг кўзи шоҳга тушади: у ҳусну-малоҳатда шунчалик тенгсиз сиймо эдики,буни кўрган қушларнинг ақл-ҳуши бошдан учиб, бу ерга нима учун келганликларини ҳам унутадилар. Шоҳ ўз лутф-марҳамати билан уларнинг эс-ҳушини жойига келтиради. Қушлар дадилланиб, ўз истакларини билдирадилар. Шоҳ уларга: “Оёқларингиздаги тузоқни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким еча олмайди. Мен унга бир элчи юбораман. Элчи сизларни тузоқдан қутқаришни овчидан илтимос қилади”, – дея жавоб беради. Қушлар изларига қайтадилар.

Мазкур сюжет илмий адабиётларда турли хил изоҳланади. Жумладан, айрим тадқиқотчилар асардаги аллегорияни Ибн Сино таржимаи ҳоли билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Ю.Н. Завадовскийнинг фикрича, Ибн Сино мазкур асарни Фаражон қалъасида ҳибсда эканлиги пайтида ёзиб, ўз аҳволини қафасдаги қуш каби тасвирлайди. Рисола Ҳамадон ҳокими Алоуддавлага юборилгач, у олимни қалъадан озод қилган.

Ушбу асарни Ибн Сино ҳаётида рўй берган воқеалар билан боғлиқ ҳолда шарҳлаш А. Ирисов, В.Н Терновский, У. Султонов ишларида ҳам кўзга ташланади. Масалан, А.Ирисов Ибн Сино таржимаи ҳолидаги айрим лавҳалар, хусусан, Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни бўйсундиргач

(1017 йил), олимнинг у ердан Эрон тупроғига – Маҳмуд қўли етмайдиган жойларга – бош олиб кетиши ва унинг таъқибидан қочиб, турли-туман шаҳарлар (Абувард, Нишопур, Гургон, Рай, Ҳамадон ва бошқалар)да сарсон-саргардонликда ҳаёт кечирганлигига асосланиб шундай ёзади: "Асардаги тузоқ – Маҳмуд Ғазнавийнинг чангали, қушлар бошу қанотларининг озод бўлиши ва Хоразмшоҳнинг олимларга ўз тақдирларини ўз қўлларига бериши, қушларнинг оёқларида тузоқ қолдиқлари қолиши... Ибн Сино қайси ўлка қайси шаҳарга борса, ҳамон муҳайё бўлиб турган Маҳмуднинг таъқиби, қушлар қочиб-кезиб юрган тоғ-водийлар ИбнСино қочиб-кезиб юрган тоғ-водийлардир. Шунга яқин мулоҳаза В.Н Терновский ва У. Султоновларнинг Ибн Сино ҳаёти ва ижодига бағишланган китобларда ҳам мавжуд.

С.Н.Григорян рисолани бошқача руҳда – ижтимоий-сиёсий мазмундаги асар сифатида талқин этади. Унинг фикрича, Ибн Сино ушбу аллегорик қисса орқали ўзи яшаган давр ижтимоий тузуми ва феодал давлатнинг халққа кўрсатаётган зулм-истибдодига бўлган антипатиясини билдирган. Асарда қушлар халқнинг мажозий тимсоли бўлиб, тузоқ феодал зулм, шоҳ эса феодал-деспотик ҳукмдордир. Қушларнинг подшоҳдан қилган илтимоси натижасиз бўлиб чиққанидек халқнинг ўзини феодал зулмидан халос этиш учун шоҳга мурожаат қилиши ҳам фойдасиздир.

Бизнингча, мазкур асар Ибн Синонинг "Саломон ва Ибсол" ва "Ҳайй Ибн Яқзон" ("Уйғоқ ўғли тирик") рисолалари каби чуқур фалсафий мазмундаги бадиий асар бўлиб, унда муаллиф ўша давр фалсафасининг айрим муҳим назарий масалаларига оид ўз қарашларини аллегорик шаклда ифода этади. Бу ҳақда маълум тушунчага эга бўлишдан олдин асардаги мажозий образларга юкланган назарий маъноларни аниқлаб олиш ўринлидир. Маълумки, Шарқ халқлари орасида қадим замонлардан буён инсон жони(руҳи) қуш сифатида тасаввур этиб келинган (бадиий адабиётдаги "жон қуши", "кўнгил қуши", "мурғил дил" ва шу каби иборалар мазкур тасаввур билан узвий боғлиқдир). Фикримизча, Ибн Сино асарда ана шу тасаввурларга асосланиб, қушлар образини инсон жонининг мажозий образи сифатида талқин этади. Шунингдек, бу даврлардаги диний ва сўфиёна таълимотларга кўра, жон инсон гавда(тана)си ичида мавжуд бўлиб, тана у учун гўё қафас, тузоқ ёки ғилоф вазифасини ўтайди. Шунга биноан асардаги тузоқ образини инсон гавда(тана)синиг мажозий образи сифатида қабул этиш мумкин. Бу ҳолатда рисоладаги овчи образи "тузоқ"нинг соҳиби сифатида моддий борлиқ (ёки табиат)нинг аллегорик образи вазифасини бажаради. Чунки инсон танаси моддий характерга эга бўлиб, у табиат маҳсулидир. Иккинчидан, Ибн Сино асардаги подшо образига "нуқсонсиз камол, заволсиз жамол" эгаси сифатида таъриф беради. Ўрта асрлар Шарқида бу сифатлар фақат Худогагина нисбат берилишини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур образ Худонинг символик образи эканлиги маълум бўлади. Демак, асардаги қушлар – инсон руҳи, тузоқ – инсон танаси, овчи – табиат, подшо эса Худонинг мажозий образларидир. Кўринадики, Ибн Сино асарида мазкур аллегорик сюжет орқали инсон руҳининг моддий субстанциясига ва Худога бўлган муносабати масаласига оид муҳим фалсафий проблема ўртага ташланган.

Асарга шу нуқтаи назардан ёндашганда ундаги фалсафий мазмунни қуйидагича изоҳлаш мумкин: яъни қушлар тузоқдан тўлиқ халос бўла олмаганликлари каби инсон жони ҳам унинг танасидан ташқарида мавжуд эмас, балки у билан бирга мавжуддир. У моддий субстанциянинг муҳим атрибути ҳисобланади. Шунинг учун ҳам подшо қушларга: Оёқларин-

гиздаги тузоқни қўйган кишидан бўлак ҳеч ким еча олмайди", – дея жавоб беради. Демак, Ибн Синонинг фикрича, жон моддий борлиқ билан биргаликда мавжуд бўлиб, улар ўзаро чамбарчас алоқадордир.

Ибн Сино асаридаги аллегорияни бу хилда талқин қилиш унинг асосий фалсафий асарларида илгари сурилган руҳ ва моддий субстанциянинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги рационалистик қарашларга тўла мувофиқ келади. Чунончи, улуғ мутафаккирларнинг фикрича, руҳ табиий моддаларнинг энг юқори маҳсули бўлиб, уни танадан ажратган ҳолда ўрганиб бўлмайди. Руҳ (жон) билан тана биргаликда мавжуд, жонсиз тана, танасиз жоннинг бўлиши мумкин эмас.

Ибн Сино "Рисолат ут-тайр" асарининг яратилиши Шарқ халқлари ижтимоий-фалсафий фикр ва бадиий тафаккури тараққиётида чуқур из қолдириб, ўзидан кейинги араб, форс-тожик ва туркий тиллардаги адабиётларда шу хил услубда асар ёзиш анъанасини бошлаб беради. Бинобарин, қушлар аллегоризми воситасида ёзилган фалсафий руҳдаги кейинги бадиий асарлар, шу жумладан, Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони ҳам генезис нуқтаи назаридан Ибн Синонинг мазкур рисоласига бориб тақалади.

Маълумки, XI-XII асрларга келиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган сўфизм таълимоти билан ҳукмрон идеология бўлмиш ислом дини ўртасидаги муносабатлари нисбати уларнинг ҳар иккаласини ўзаро мослаштириш заруриятини келтириб чиқарган эди. Бу ишни назарий жиҳатдан биринчи марта имом Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий асарларида асослаб берилган бўлиб, унинг бутун ижтимоий фаолияти ва Шарқ фалсафаси тарихида тутган ўрни, асосан, шу билан белгиланади."Рисолат ут-тайр" асари ҳам муаллифнинг ана шу фалсафий концепциясини ўзида тўлиқ мужассамлаштиради. Унда Ғаззолий ўзининг тасаввуф ва ислом мафкураси учун умумий бўлган ғояларни бевосита эмас, балки бавосита, яъни Ибн Сино рисоласига ўхшаш қуш тили воситасида бадиий ифода этишга ҳаракат қилади.

Ғаззолий талқинича, шоҳ ахтариб йўлга чиққан қушлар Худо васлига эришмоқ учун тариқат йўлига кирган сўфийларнинг мажозий тимсоли бўлиб, Анқо эса уларнинг энг олий ҳаётий идеали сифатида Худонинг символик образидир. Рисоладан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, агар инсон дунёвий фаолиятидан юз ўгириб, зоҳидлик ва мистикага кўнгил қўйса, энг юксак бахтга – Худо васлига етишмоғи мумкин. Шунинг учун у, аввало, тинч, одатий турмушдан воз кечиши, сирлар оламига қадам қўймоғи ва бу йўлда ҳар қандай тўсиққа дуч келса-да, чекинмаслиги лозим. Ана шунда у илоҳий экстазни ўз бошидан кечириб, руҳан Худо билан қўшилиб кета олади. Ғаззолий бунга намуна сифатида қушларнинг сафар давомида чидаб бўлмас офатларга дучор бўлиши, кўпчилик катта қисми нобуд бўлишига қарамай, ўз йўлларини тарк этмаслиги ва шу тариқа Анқо ҳузурига етиб бориб, у ерда бахт-саодатга эришганликларини айтади.

Асарда қишлар билан Анқо ўртасидаги савол-жавоблар ҳам мавжуд. Уларда Ғаззолий тасаввуфга оид айрим масалаларни Қуръон оятлари асосида изоҳлайди.

Умуман рисолада Қуръондан йигирмага яқин оят келтирилган бўлиб, уларнинг мазмуни инсонларни Худо йўлига чорлашлик, бу йўлда уларни қандай қийинчилик ва туҳфа кутаётгани ҳақидадир. Буларнинг барчаси Ғаззолийнинг сўфизмни ислом ақидаларига мослаштириш каби тарихий миссияси унинг ушбу асарида ҳам ўз аксини топган эканлигини яна бир карра қувватлайди.

Немис олими Ҳелмут Риттер, чех шарқшуноси Ян Рипка, Эрон олими Бадиъуззамон Фирузонфар ва бошқаларнинг тадқиқотларида Аттор ўзининг “Мантиқ ут-тайр” достонини Ғаззолийнинг мазкур рисоласидан илҳомланиб ёзганлиги қайд этилган. Дарҳақиқат, ҳар икки асар сюжети, образлар системаси ва бошқа томонлари чоғиштириб кўрилса, бу фикрнинг ҳақиқатга мувофиқ келиши маълум бўлади. Демак, ушбу асардаги қушларнинг рамзий саргузаштларидан ҳикоя қилувчи аллегорик сюжет Аттор достони ва унга назира сифатида турк ва ўзбек адабиётлари “Лисон ут-тайр” достони сюжети учун ҳам илк традицион асос вазифасини ўтайди.

Форс-тожик шоири ва мутафаккири шайх Абу Толиб Фаридиддин бин Иброҳим Аттор Нишопурий (тахминан 1141-1229) ўз ижодий фаолияти билан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти тарихида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Социал тенгсизлик, феодал деспотизм, ҳарбий ва сиёсий низолар кучайган бир давр фарзанди бўлган Аттор асарларида “эзилган табақаларнинг, хусусан, шаҳар аҳолисининг кайфияти мистик шаклда ифода этилади.”

Аттор серқирра ижод соҳиби бўлиб, ундан жуда катта адабий-бадиий мерос қолган. Тасаввуф Аттор асарларининг бош мавзусидир. Улкан истеъдод эгаси бўлган шоир ўз асарларида сўфизм таълимотининг ваҳдати вужуд концепциясини жуда катта поетик маҳорат билан тарғиб қилади.

Чунончи, Аттор Ғаззолий рисоласидаги мажозий сюжетни ҳар томонлама ривожлантириб, уни янгидан талқин этади. Унинг бу мавзуни ривожлантиришдаги хизмати, аввало, асар бош персонажлари ҳисобланган қушлар образига бўлган муносабатда сезилиб туради. Аттор Ғаззолийдан фарқли равишда “Рисолат ут-тайр”да умумий тарзда талқин этилган қушлар образини баъзи ўринларда конкретлаштиришга ҳаракат қилади.

Ғаззолий ва Аттор асарлари ўртасидаги ўзига хосликни Анқо ва Симурғ образлари мисолида ҳам кўришлари мумкин. Анқо (Симурғ) барча қушлар подшоси эканлиги тўғрисидаги қадимий тушунчалар ҳар икки муаллифга уни Худонинг рамзий образи сифатида қўллаш учун асос берган, бу жиҳатдан булар умумий хусусиятга эга. Бироқ Аттор бу образ номини форс-тожик халқлари орасида мавжуд Симурғ номи билан ўзгартирилади ва шу орқали унга жуда катта ғоявий-бадиий маъно юклайди. Достонда ҳикоя қилинишича, етти водийдан (Талаб, Ишқ, Маърифат, Истиғно, Тавҳид, Ҳайрат ва Фақру фано водийлари) учиб ўтиш жараёнида Симурғни излаб йўлга чиққан кўп сонли қушларнинг деярли барчаси ҳалок бўлиб, атиги ўттизтаси кўзланган манзилга етиб келади. Ана шу ўттизта қуш (Симурғ) (Худо)га айланади, ўзларида Симурғни кўради. Шунингдек, шоирнинг мазкур қарашлари уни илк тасаввуфнинг йирик намоёндаларидан бири бўлган ва “Анал ҳақ” (“Мен Худо”) дегани учун дорга осилган Мансур Халлож (858-922) таълимоти билан яқинлаштиради. Шунинг учун ҳам мавлоно Жалолиддин Румий у ҳақда “Шайх Мансур Халлож” нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий қилди” деганда тамоман ҳақли эди.

Шундай қилиб Аттор “Мантиқ ут-тайр” достонини ёзишда Ғаззолийнинг “Рисолат ут-тайр” асарига суянса-да, ўз ғоявий-фалсафий мазмуни, образлар талқини, композицион тузилиши, бадиий-поэтик услуби ва бошқа жиҳатлари билан ундан тамомила фарқ қилувчи асар яратди. Достоннинг юзага келиши Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиётида катта бир воқеа сифатида кутиб олинди ва шоирга ўлмас шуҳрат келтирди. Асар мажозий тасвир орқали сўфиёна-фалсафий масалаларни ифода этишнинг эпик поэзиясидаги классик на-

муналаридан бири сифатида ўзидан кейинги форс-тожик ва туркий халқлар адабиётининг фалсафий-дидактик йўналиши тараққиётига кучли таъсир кўрсатиб, Шарқ шеъриятида янги бир анъанани “қуш тили” билан достон ёзиш анъанасини бошлаб берди.

2

XIII-XIV асрларда яшаб ижод этган Гулшаҳрий ўзининг лирик шеърлари, достонлари ва бошқа асарлари билан ўрта асрлар турк адабиёти тарихида муҳим ўринлардан бирини эгаллаб, А.С.Левенд сўзлари билан айтганда, ўз замонасидаги энг ҳаяжонли санъаткор шоирлардан бири сифатида гавдаланади.

Унинг эътиборимизни ўзига жалб этган “Мантиқ ут-тайр” достони Атторнинг шу номли асарига турк тилида ёзилган биринчи назира бўлиб, китобнинг хотима қисмида муаллиф берган маълумотга қараганда, у шоир вафотидан сал илгари, яъни ҳижрий 717 (1317) йилда ёзиб тугалланган.

Демак, асарда Ҳудҳуд ақл, қушлар халқ (инсонлар), Симурғ эса Худонинг мажозий образлари вазифасини бажаради.

Достон композициясида қушларнинг Ҳудҳуд билан қилган савол-жавоблари алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳудҳуд жавобларида сўфизм таълимотининг асосий томонлари баён этилиб, уларга турли ҳикоятлар илова қилинган. Гулшаҳрий ваҳдати вужуд фалсафасини изоҳлашда, асосан, устози Аттор йўлидан боради. Бу ҳол, айниқса, қиссанинг хотима қисмида яққол намоён бўлади. Унда ҳам Симурғни излаб йўлга чиққан кўплаб қушдан фақат энг чидамли ўттизта қушгина мақсадга эришади.

Аммо шоир Аттор достонидаги мистик ғояларни турк тилида тарғиб қилиш билангина чекланиб қолмайди. У ўз даврининг фарзанди сифатида ўзи яшаган жамият ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, ўша давр учун актуал бўлган ижтимоий ва ахлоқий масалаларни ёритишга ҳаракат қилади. Достондаги футувват ҳақида келтирилган кўплаб сатрлар бунга мисол бўла олади.

Мазкур достон ҳақида тадқиқот олиб борган А.С.Левеннинг фикрича, асардаги футувват масаласига оид фикрлар машҳур “Қобуснома” таъсири остида вужудга келган. Тўғри, Кайковуснинг панд-насиҳат характеридаги “Қобуснома” асарида ҳам футувватия (жувонмардлик), унинг хусусиятлари ва шароитлари ҳақида баъзи маълумотлар мавжуд. У ёзган фикрлар қисман Гулшаҳрий тонидаги фикрларга ўхшаб кетади. Аммо бу хил ўхшашликка асосланиб юқоридагидек хулосага келиш, бизнингча, тўғри бўлмаса керак. Ҳар бир асар муайян давр ва ижтимоий-сиёсий шароитнинг маҳсули ўлароқ ўзида ўша муҳит учун характерли бўлган социал идеалларни акс эттиради. Бинобарин, “Мантиқ ут-тайр” достонида футувват ҳақидаги фикрларнинг бунчалик кенг ўрин олиши сабабларини ҳам ўша давр ҳаётидан излаш лозим…

Гулшаҳрий ўз асарида тариқат йўлини футувват орқали қабул қилиш лозим, деган тезисни олға сурадики, бу ҳолат шоирнинг назарий масалаларда Аттор таъсирида бўлса-да, амалиётда ундан жиддий фарқ қилишини ва бу соҳада ўз салафидан бир қадам олға кетганлигини тасдиқлайди.

Достон композицияси анъана бўйича қолиплаш приёми асосида тузилган бўлиб, унда Гулшаҳрий Атторга ўхшаш асосий қисса ичида кўплаб ҳикоя ва масалалар ҳам келтиради. Бироқ улардан айримларигина Аттор достонидан олинган. Шоир оригинал талант эгаси сифатида Аттор асарида мавжуд бўлмаган кўпгина ҳикоятлар ҳам яратган. Шунинг-

дек, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг яхши билимдони бўлган. Гулшаҳрий бу икки манбадан ўринли фойдаланади. Асардаги “Достони Шеру Харгўш” (“Шер ва қуён достони”) машҳур “Калила ва Димна” таъсирида яратилган бўлса, айримлари мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий”, Шайх Саъдий асарлари ва Низомий достонлари таркибидаги ҳикоятлардан илҳомланиб ёзилган. Умуман, асарда чуқур инсоний ғоялар билан суғорилган бадиий жиҳатдан етук ҳикоя ва масалалар анчагина бўлиб, улар Гулшаҳрийни турк адабиётидаги моҳир ҳикоятнавис шоирлардан бири сифатида намоён қилади.

Шундай қилиб Гулшаҳрийнг Аттор асарига назира тарзида ёзилган “Мантиқ ут-тайр” достонида муаллифнинг ўзи яшаб ижод этган давр ижтимоий-сиёсий воқеалари, тасаввуф таълимотига бўлган муносабати ўз аксини топган. Шоир анъанавий қиссага ижодий ёндашган ҳолда уни ўз даври ҳаёти билан боғлаб талқин қилади. Фалсафий масалаларда у гарчанд оригинал йўл тутмаса-да, сўфизмнинг амалий ва ахлоқий томонларини ёритишда ўзига хос йўл тутади.

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИНИНГ ҒОЯВИЙ-ТЕМАТИК МАЗМУНИ ВА ОБРАЗЛАР СИСТЕМАСИ

Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони улуғ мутафаккир шоирнинг бутун ижодий фаолияти давомида илгари сурилган илғор фалсафий қарашларни умумлаштириб, уларга якун ясайдиган асар сифатида муаллиф ижодида ўзига хос ўрин тутади. Чунки Навоийнинг бу асарни ёзишдан кўзда тутган асосий мақсади Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” достонига назира ёзиш орқали қуш тили воситасида ўзининг диний-тасаввуфий йўналишдаги кўп йиллик ижодий қарашларини маълум системага солиш ва уларга хотима ясашдан иборат эди. Буни муаллифнинг ўз асари ҳақида айтган “Чун “Лисон ут-тайр” илҳони била тараннум тузубмен, қуш тили ишораси била ҳақиқат асрорин мажоз суратида кўргузибмен” каби сўзларида ҳам аниқ билиб олса бўлади.

“Лисон ут-тайр” Навоийнинг машҳур “Хамса” дан кейинги олтинчи достон бўлиб, у шоир вафотидан сал илгари, яъни ҳижрий 904 (1498/99) йилда ёзилган

1

“Лисон ут-тайр” 3598 байтни ўз ичига олувчи 193 бобдан ташкил топган бўлиб, ҳажм жиҳатдан шоир достонлари орасида энг кичиги ҳисобланса-да, мураккаб композицион тузилишга эга. Достонни композицион структура жиҳатдан умумий муқаддима (X-XIII боблар), асосий қисм (XVI-CLXXI боблар) ва хотима (CLXXII-CXCIII боблар) каби бўлакларга ажратиш мумкин.

Умумий муқаддима ҳам ўз навбатида ҳамд, муножот, Муҳаммад пайғамбар ва унинг чаҳорёрларига бағишланган наътлар каби традицион қисм ва асосий қиссага пролог вазифасини ўтовчи Фаридиддин Аттор ва унинг “Мантиқ ут-тайр” достонига бағишланган қисмларга бўлинади.

Достоннинг асосий қисми ҳикоя ичида ҳикоя усулида ёзилган бўлиб, у қушларнинг Симурғ томон қилган сафарини тасвирловчи қолипловчи қисса ва ундаги айрим эпизодларга илова тарзида келтирилган қирқдан ортиқ ҳикоя, масал ва латифаларни ўз ичига олади.

Асарнинг хотима қисми тариқатдаги етти босқичга бағишланган муножотлар, шоирнинг ўз асарига бўлган муносабати, асарда қўлланилган таҳаллус масаласи, Султон Ҳусайнга мадҳия ва асар тарихи (ёзилган йили)га оид боблардан иборатдир.

Достон қолипловчи қиссаси ўзига хос композицион хусусиятга эга бўлиб, у асардаги бош ғоявий-тематик мазмунни ифода этишга хизмат қилади. Ундаги турли исмларнинг асосий тема ва бош ғояга нисбатан мақсадга мувофиқ тарзда жойлаштириш асар композицион структурасини белгилайди. Қолипловчи қиссанинг ўз сюжети ғоявий мазмуни ва шуларга мувофиқ келувчи композицион қурилиши мавжуд. Шунингдек, ундаги айрим эпизодларга илова тарзида келтирилган ҳикоятларнинг ҳам ўз сюжети, ғоя ва композициялари бор. Шунга биноан улар ўзига хос мустақил асарлар ҳам саналади. Лекин улар асосий қиссанинг бош композицион-тематик йўналиши билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг муҳим таркибий қисмларини ташкил этади. Уларни достондан чиқариб ташлаш мумкин эмас, акс ҳолда асарнинг ғоявий мазмунига жиддий путур етади.

Асар архитектоникасини бу хилда тузиш Навоий учун янгилик эмас эди. Шоир ўзининг “Ҳайрат ул-аброр”, “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” каби достонларида қолиплаш усулидан унумли фойдаланган. Аммо муаллиф ҳар бир достонда ўша асарнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда бу усулни янги-янги тартибда қўллаб, уни асар ғоясини чуқур ва ҳар тарафлама ёритиш учун хизмат қилдиради. Шоирнинг олтинчи достонида қўлланилган бу усул кўпроқ унинг “Ҳайрат ул-аброр” ва “Садди Искандарий” достонларида композицион приёмларни эсга келтиради. Жумладан, учала достонда ҳам шоир ҳикоятларни улардан аввалги бобда баён қилинган фикр-мулоҳаза, воқеа ва назарий тезисларга конкрет далил ёки илова сифатида келтирилганки, бу жиҳатдан улар бир умумий принципга эга. Маълум бўладики, Навоий “Лисон ут-тайр” композициясини ишлашда қолиплаш приёмига хос бир қатор усулларни муваффақиятли қўллаб, бу соҳада машҳур “Хамса”ни ёзишда тўпланган бой тажрибалардан кенг фойдаланади. Умуман, мазкур достонда шоир достончилигидаги композицион ҳолатларнинг синтезлашув ҳодисаси мавжуд бўлиб, бу нарса “Лисон ут-тайр” асарида Навоий ўзининг турли поэмаларига хос композицион усулларни ўзига хос бир тарзда умумлаштирганлигидан далолат беради.

2

Достон традицион муқаддима – ҳамд (Худога мадҳия) билан бошланади. Асарни ҳамд билан бошлаш бошқа Шарқ шоирларида бўлгани каби Алишер Навоий эпик шеъриятининг ҳам анъанавий принципларидан бири саналади. Шоир бу бобда оламнинг яратилиши табиат ва илоҳиёт ўртасидаги ўзаро алоқадорлик каби фалсафий масалалар ҳақида сўз юритади.

Навоийнинг фикрича, яратувчи коинотдаги барча нарса ва ҳодисаларни ўзаро алоқадор ҳолда, муайян мақсадларни кўзда тутиб вужудга келтирган. Шу жиҳатдан қараганда, табиат сон-саноқсиз гармонияларни бир бутун мажмуидан иборат бўлиб, ундаги ана шу нарса, ҳодиса ва ўзгаришларнинг ўзаро уйғунлиги ва мақсадга мувофиқлиги заминида битта умумий қонуният – у ҳам бўлса, гўзаллик қонунияти ётади. Бу Навоийнинг оламни тушунтиришга доир бошқаларникидан ажратиб турувчи ўзига хос алоҳида концепциядир.

Навоийнинг фикрича, табиат оламининг бундай гўзал қилиб яратилишидан кўзланган асосий мақсад Инсон бўлиб, у ер юзидаги барча мавжудотлар ичида тенги йўқ бир ҳилқатдир:

Офаринишдин қилиб инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда бееваз.

Умуман, оламнинг бунёд этилишидан асосий мақсад Инсон эканлиги ҳақидаги концепция Навоийнинг деярли барча шеърий ва насрий асарларида, айниқса, "Хамса"да бўртиб кўзга ташланади.

Мазкур бобда Навоийнинг табиат ва илоҳиётнинг бир бутунлиги (ваҳдати вужуд) назариясига асосланган концепцияси ҳам ўзининг қисқача поэтик ифодасини топган. Шоирнинг фикрича, оламдаги барча нарса, ҳодиса ва ўзгаришларнинг ижодкори бўлган Худо ўзи яратган нарсалардан ташқарида эмас, балки улар билан бирга, бир бутун ҳолда мавжуддир. Шунга кўра, илоҳиёт ва табиатни бир-бирдан ажратиб қараш мумкин эмас.

Сунъунгға юз офарин, эй кирдикор,
Ғайри йўқ сен, сенки дерлар они бор.
Борсен сен, борлиғ зебандаси.
Бирлику жабборлиғ арзандаси.
Сендадур ҳам бирлику ҳам борлиғ,
Ҳайлиғу қодирлиғу ғаффорлиғ.

Достоннинг иккинчи боби "Муножот қозиюл-ҳожот ҳазратида..." деб номланиб, традицион характерга эга бўлса-да, унда шоирнинг шахсий ҳаётига оид қимматли материаллар ҳам мавжуд. Мазкур бобда шоир ўзининг бир қатор гуноҳларга йўл қўйганини айтиб, бунинг учун Худодан узр сўрайди.

Асарнинг III-XII бобларида анъанага кўра, Муҳаммад пайғамбар ва дастлабки тўрт халифа мадҳ этилган. Меърож воқеасига оид тўртинчи бобнинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда шоир пайғамбарнинг Буроқ номли афсонавий отда коинот орқали Худо даргоҳига кўтарилиш жараёнини оригинал йўсинда тасвир этади. Кейинги боблар пайғамбар чаҳорёрлар: Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али кабиларга бағишланган бўлиб, уларнинг Ислом соҳасида қилган асосий хизматлари кўрсатилади. Ҳар бир халифа ҳақида алоҳида наът ва унга илова сифатидабиттадан ҳикоят келтирилган.

Навоий достонининг асосий қисмини бошлашдан олдин устози Фаридиддин Аттор мадҳиясига махсус боб ажратади ва унинг ижодий фаолиятига

Ҳар не гардун баҳр ила конида бор
Онча юз Аттор дўконида бор.

дея юксак баҳо беради. Навоий Аттор ижодиёти ўз моҳиятига кўра, "ваҳдат сирлари"ни шарҳлашга бағишланган эканини қайд қилиш билан бирга, унинг машҳур асарлари сирасига "Мусибатнома", "Ғазал", "Илоҳийнома", "Уштурнома", "Қасида" ва рубоийлардан тартиб берилган "Девон" ва "Тазкират ул-авлиё" кабиларни санаб ўтади. Аммо шоир фикрича, мазкур асарларнинг барчаси Аттор ижодининг муҳим бир томонини ташкил этиб, қанчалик катта шараф ва мақтовга сазовор бўлса, ёлғиз "Мантиқ ут-тайр" достонининг ўзи шунчалик мақтов ва шарафга лойиқдир. "Лекин Шайх руҳий мадади билан мен ҳам қуш тили воситасида асар ёзишга киришмоқчиман" дер экан Навоий, Аттор достонининг ўз асари юзага келишида муҳим бир туртки бўлиб хизмат қилганини таъкидлайди.

Шундай қилиб достон муқаддимаси анъанавий характерга эга бўлишига қарамай, улуғ мутафаккир шоир қалами остида ўзига хос мазмун ва бадиият касб этган. Унда муаллифнинг баъзи муҳим фалсафий қарашлари, шахсий ҳаёти ва охирги достони ёзилишига доир мухтасар маълумотлар ўз аксини топганки, шу жиҳатлари билан у катта аҳамиятга сазовордир.

3

Достондаги қолипловчи сюжетни, у мажозий хусусиятга эга бўлгани учун турлича изоҳлаш мумкин. Аммо муҳими шундаки, Алишер Навоий ушбу қиссани ўзига хос йўсинда талқин этган ва бу талқин қисса сўнггида келтирилган шоирнинг қуйидаги шарҳида очиқ-ойдин ифода этилган:

Мунда гар яхши тахайюл айласанг,
Ёки иш сиррин тааммул айласанг,
Муттасил бўлсанг сифотиллоҳила,
Жазм этарсен хотира огоҳ ила.
Ким сен-ўқсен ҳар неким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолиға тафсилсен,
Ҳам вужуд ишқолиға таъвилсен.
Ўз вужудинга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзингдинистагил.
Турфа қушсен равза нахлистонидин,
Пок тойирсен шараф бўстонидин.
Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичрариёзат бирла сайр
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар,
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.
Сенда ҳам билқуввa ул мавжуд эрур,
Феълға келса даво мақсуд эрур.

Навоийнинг бу изоҳидан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

– оламнинг бунёд этилишидан бош сабаб Инсон эди; дунёдаги барча нарсалар у туфайли мавжуд, шу сабабли Инсон улардан воз кечмоғи, юз ўгирмоғи керак эмас (3-байт);

– инсон ўз фаолиятида тақдирнинг қули эмас, балки ўз қисматининг ижодкори сифатида ҳаракат қилмоғи лозим; у ўз ҳаётига доир ҳамма муаммоларни ташқаридан ҳеч қандай нажот кутмай, ўзи ҳал этиши керак ва бунга қодир; яъни у актив фаолият кўрсатиши, ўз мустақил иродаси асосида бахт-саодати учун курашмоғи лозим (5-байт);

– ҳақиқат инсонда билқуввa (потенциал) тарзда мавжуд. Шу туфайли инсон уни ўзидан ташқарида эмас, балки ўз вужудидан изламоғи лозим. Бунга у ахлоқидаги салбий хусусиятларни бартараф этиш воситасида эришади (6 – 9-байтлар).

Достондаги мажозий сюжетдан келиб чиқадиган асосий хулосалар ана шулардан иборат. Улар реал ижтимоий-тарихий заминга эга бўлиб, XV аср Ўрта Осиё Уйғониш даври билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамият ва инсон тафаккуридаги маънавий ўзгаришларни ўзига хос бадиий шаклда акс эттиради.

Мазкур ғоялар Навоийни Ўрта Осиё Уйғониш даврининг чиндан ҳам улуғ намоёндаларидан бири сифатида характерлаш учун яна бир карра асос беради. Уларда Уйғониш даврининг муҳим хусусиятлари (Инсонни улуғлаш, унинг куч-қудратига ишониш, актив фаолият кўрсатишга чақириш) очиқ-ойдин ўз инкишофини топган.

Навоий инсон ахлоқидаги "ёмон" томонлар деганда нималарни кўзда тутади? Бунинг батафсил жавоби қушлар ва Ҳудҳуд мунозараси, улар билан Ҳудҳуд ўртасидаги савол-жавоб эпизодларида берилган.

Қушлар ва Ҳудҳуд мунозарасининг диққатга сазовор томони шундаки, бу ўринда Навоий қушлар образидан моҳирлик билан фойдаланиб, маънавий камолотга тўсқинлик қилувчи турли ахлоқий иллатларни танқид остига олади. Қушлар Симурғ (энг олий гўзаллик ва камолот тимсоли) томон сафар қилишдан бош тортиб, ҳар хил узрлар билдирадилар. Бу узрларда уларнинг ҳар бирига хос характерли хусусият ифодаланган. Бу хусусият инсондаги муайян ахлоқий хислатни образли шаклда ифода этади. Шу маънода Тўти худбинлик ва шахсиятпарастлик тимсоли, Товус ва Тазарв ташқи гўзаллик билан мағрурланиши, Кабкидарий ва Куф (Бойқуш) шахсий бойлик ва мол-дунё йиғишига муккасидан кетиш, Қарчиғай жоҳиллик ва шуҳратпарастлик каби иллатларнинг мажозий образлари ҳисобланади (бу ҳақда ишимизнинг кейинг бўлимида фикр юритамиз). Ҳудҳуд уларни танқид қилар экан, кишиларни бу хил иллатлардан қутулишга чақиради.

Достондаги қушлар ва Ҳудҳуд ўртасидаги савол-жавоблар ҳам, асосан, ахлоқий иллат ва инсоний фазилат муҳокамасига бағишланган. Тўғри, уларда тасаввуф билан боғлиқ айрим назарий ва практик масалалар (пир ва мурид ўртасидаги муносабатлар, тариқат ва уни адо этиш, тавба ва гуноҳ, Ҳақ йўлида поклик, Худога густоҳлик қилиш мумкинми, йўқми в.ҳ.) ҳам кенг ўрин эгаллайди. Биз мазкур ўринлар Навоий ва тасаввуф муаммосини ўрганишда муҳим материал ролини ўташи ва бу қисмлар шу соҳани текширувчи мутахассислар томонидан махсус ўрганилиши лозимлигини назарда тутиб, мавзуга алоқадор тарзда савол-жавоб эпизодининг инсон маънавий такомили билан боғлиқ томонлари ҳақида баъзи мулоҳазалар билдириш билан чекланамиз.

"Иблиси лаин (шайтон), – дейди бир қуш савол бера туриб, – макр-ҳийла била мени ярамас ишлар сари ундайди, кўнглимга ҳар хил васвасалар солади. Ундан қандай қутулишга ҳеч бир ақлим етмайди". Ҳудҳуд жавоб бериб айтадики, инсоннинг ёмон йўлда юришига шайтон эмас, нафси сабабчидир. Чунки нафс шундай бир балоки, унинг олдида ҳатто юзта шайтон ҳам ип эша олмайди:

Нафсинг онча кўргузур талбисни,
Ким қилур шарманда юз иблисни.
Сенки ёр ўлдунг бу янглиғ нафс ила,
Не учун шайтондин эткайсен гила?

Бу ўринда муҳим ахлоқий масала – нафсни тия билмаслик масаласига урғу берилган ва инсон томонидан содир бўладиган турли гуноҳларга шайтонни сабаб қилиб кўрсатиш каби хурофий фикрлар ана шу асосда рад этилган.

Яна бир савол мол-дунё, сийму зарга ҳирс қўймоқлик ҳақида:

Деди бир сойилки: - "Эй фаррух жамол,
Кўнглума беҳад муҳаббат солди мол,
Бир нафас гар бўлмаса илкимда сийм,
Ҳажридин жонимға бор ўлмакка бийм".

Ҳудҳуд ўз жавобида уни бу хислати учун қаттиқ қоралайди ва мол-дунёни бутга қиёслаб, унга бутпараст бўлмоқлик нодонлик ва жоҳилликдан ўзга нарса эмас, деб баҳолайди.

Яна бир савол ҳиммат ҳақида. Савол берган қуш ўзининг заиф, аммо ҳиммати баланд эканлигини билдириб, "сўз бу маънида не айтур маънавий?" дейди. Ҳудҳуд ҳимматни инсон учун муҳим ахлоқий фазилат сифатида таърифлаб, жумладан, шундай дейди:

Гавҳар ўлди ҳиммату одам садаф,
Бу садафқа ул гуҳардиндур шараф.
Ҳиммат ўлса маснаду жоҳ ўлмасун,
Мулку мол ончаки дилхоҳ ўлмасун.
Подшаҳким, бўлса ҳиммат ичра паст,
Келди ҳиммatлиғ гадодидан зеридаст.

Муҳими шундаки, Навоийнинг Ҳудҳуд тилидан ҳиммат ҳақида айтган бу сўзлари мазмун жиҳатдан шоирнинг "Ҳайрат ул-аброр", "Садди Искандарий", "Маҳбуб ул-қулуб" ва бошқа асарларида шу хусусда баён қилган фикрларига ҳамоҳанг. Навоий инсонни олий ҳиммат соҳиби бўлишига чорлар экан, ҳатто ҳиммати баланд гадо ҳимматсиз подшодан инсон жиҳатдан устун туради, деган фикрни алоҳида таъкидлаб ўтади. Бинобарин, Навоий инсонга унинг жамиятда тутган мавқейи ва бойлигига қараб эмас, балки инсоний фазилатларига қараб баҳо бериш лозим деган ғояни илгари сурган.

Навбатдаги савол-жавоб инсоф ҳақида. Бу борадаги Навоийнинг фикрлари Ҳудҳуд жавобида қуйидагича ифода этилган:

Одамийға яхши кўп авсоф эрур,
Лек аларминг ашрафи инсоф эрур.
Кимгаким инсоф йўқ – инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

Шоирнинг фикрича, кишининг ўз нуқсонини тан олиши келажакда турли хатоларга йўл қўймаслик гарови ва асл инсоний камолот белгисидир. Навбатдаги яна бир савол-жавоб шу масалага бағишланган:

Ноқис улдурким ўзин комил дегай,
Комил улким, нуқсин исбот айлагай.
Ўз камолидин демас аҳли камол,
Аҳли нуқсон ичрадур бу қилу қол.
Ким ўзин комил кўрар – ноқисдур ул,
Нуқс бермайдур камоли сори йўл.

Агар достоннинг мунозара ва савол-жавоб эпизодларида асосий эътибор ахлоқий иллатларни фош этиш ва инсоний фазилатларни улуғлашга қаратилган бўлса, етти водий тав-

сифига бағишланган ўринларда масалалар муҳим ижтимоий-сиёсий фалсафий муаммолар уланиб кетади. Умуман, достондаги етти водий тавсифи асари ниҳоятда мураккаб ўринларидан биридир. Биринчи қараганда, мазкур тавсиф формал жиҳатдан гўё тасаввуфдаги ҳақиқатга олиб борувчи етти босқичли тариқатнинг мажозий ифодасидек бўлиб кўринади. Аммо масалага жидийроқ ёндашилса, бу ўринда гап бошқа хусусда эканлиги маълум бўлади. Зероки, Навоий достонда инсондаги "ёмон ахлоқ"ни бартараф қилиш проблемасини ўртага ташлар экан, бу мураккаб жараён бир неча босқичлар орқали рўй беришини эътироф этади ва бунинг учун ўз даврида кенг тарқалган тариқатни билдирувчи етти водий тавсифидан шартли маънода фойдаланади.

Достондаги етти водий тавсифи мунозара ва савол-жавоб эпизодларининг мантиқий давоми бўлиб, асар композициясида муҳим ўрин тутади. Чунки Навоий олий даражадаги маънавий покликка эришиш учун инсоннинг фақат ахлоқий иллатлардан қутулиши кифоя этмайди, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, яна қатор иллатлар борки, улар жамиятнинг муҳим социал проблемалари билан узвий боғлангандир. Бу иллатлар чуқур ижтимоий моҳиятга эга ва ўрта асрчилик шароитида кенг томир отган. Бундай иллатлар сифатида инсоннинг ўз эҳтиёжидан ортиқча нарсаларни ҳаддан ташқари берилиши, турли диндаги кишиларнинг ўзаро муносабати ва умуман, инсоннинг жамиятда тутган мавқейи, инсоний ҳақ-ҳуқуқи ва тенглиги масалаларида ўз даврида мавжуд камчилик ва иллатларни қайд этади. Инсон ана шу хил ижтимоий иллатларни бартараф этиб, улардан устун турса, у ҳар жиҳатдан мукаммал камолотга эришган бўлади. Шоирнинг етти водий тавсифидан келиб чиқадиган асосий хулоса ана шундан иборат.

Шу жиҳатдан Талаб водийси васфида келтирилган қуйидаги сатрлар муҳим аҳамиятга моликдир:

Молу мулку ҳар недур соликка банд,
Тўрт такбири фано урмоқ баланд.
Ҳар неким ғайри талабдур ташламоқ,
Ўзни мақсад манзилиға бошламоқ.
Қолмаса олам матўидин жиҳот.
Ўзга навъ ўлғай санга ул дам сифот.
Куфр ила имонға урғайсен илик,
Бу таъмадин очилғой бир эшик.
Чун эшик очилди, не куфру, не дин,
Ичкари киргач қутулдинг барчадин
Куфру имон роҳравға кеш эмас,
Асл йўлда банд роҳи беш эмас.

Бу мисраларнинг асл мағзини ўша давр ҳаётида катта ўрин эгаллаган ижтимоий масалаларга муносабат ташкил этади. Дастлабки уч байтда инсон ҳаётда ўз эҳтиёжига керак бўлганидан ортиқча (ғайриталаб) нарсаларга кўнгил қўймаслиги ғояси илгари сурилса, кейинги байтларда эса маънавий камолотни инсон(солик) учун куфр (динсизлик) ёки имон (муайян динга эътиқод) асосий маслак бўла олмайди деган фикр ифодаланган. Демак, шоир бу ўринда руҳий камолотга ўша даврда мўътабар ҳисобланган эътиқодлар асосида эришиш мумкин эмас, деган ғояни илгари сурганки, бу ғоя замонаси нуқтайи назаридан катта жасорат эди.

Талаб водийсида келтирлган бу фикрлар кейинги водийлар васфида ҳар томонлама асосланган. Бу ҳол Ишқ, Истиғно, хусусан, Маърифат ва Тавҳид водийлари баёнида ёрқин намоён бўлади. Айниқса, шоирнинг маърифат водийси тавсифида илгари сурган фикрлари диққатга сазовордир. Навоий аввал бу босқичнинг мухталиф (зиддиятли) характерга эга эканлигини қайд қилгач, шундай ёзади:

Мунда соликка тафовут бўлди фош,
Анга меҳробу мунга бут бўлди фош...
Ҳар киши ўз тасвирида истаб камол,
Қилди водий тай қилурға иштиғол.

Аммо деб изоҳлайди шоир, бу йўлда барчанинг мақсади битта, кишилар хоҳ меҳробга бош қўйсин, хоҳ бутга сажда қилсин, уларнинг эътиқоди битта нарсага йўналтирилган бўлади, бу билан ўзларининг Тангрига бўлган муҳаббатни изҳор қиладилар.

Шундай қилиб Навоий турли динларнинг ўзаро кенглиги ҳақидаги фикрлар билан чекланиб қолмай, балки ундан чуқур гуманистик хулосалар келтириб чиқаради. Бу фикрлар Тавҳид ва Фақру фано водийлари тавсифида ривожлантирилиб, ниҳоясига етказилади. Чунончи, Тавҳид водийсида шоир оламдаги барча нарсалар, жумладан, инсон ҳам яратгувчи билан бир бутунликда мавжуд эканлигини таъкидлайди. Бундан шоирнинг асосий мақсади инсонни илоҳийлаштириш ва шу тарзда улуғлашдир. Шунда сўнг Фақру фано водийси тавсифи бошланиб, бунда Навоий жаҳондаги ҳамма нарса ва ҳодисалар Худодан келиб чиқиши ва вақт эътибори билан ўткинчи хусусиятига эга эканлиги ҳақида баҳс юритиб, Холиқ томонидан бунёд этилган барча нарсалар ичида энг мукаммали инсондир, деган фикрни илгари суради.

Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот, -
Нодиру олий асоси коинот,
Барчадин ашрафки ул инсон эрур,
Ким камолида хирад ҳайрон эрур.

Инсон ҳақида ана шу хил юксак баҳо берган Навоий ўз фикрларида давом этиб, Инсон, у ким бўлмасин, шоҳ ёки гадоми; хос ёки авомми; вали ёхуд пайғамбарми; файласуф ёки оддий кишими – бундан қатъий назар моҳият эътибори билан ўзаро тенгдир, деган фикрни ўртага ташлайди:

Барчасин Ҳақ зоти мавжи баҳри бил,
Ҳам вужудин мавж янглиғ онглағил.

Бу ўринда Навоий инсонни илоҳийлаштириб, шу асосда уни ижтимоий, миллий, диний ва ирқий камситиш мумкин эмас, демоқчи бўлади. Чунки ҳамма ҳолатда ҳам инсон " Ҳақ зоти мавжи" бўлиб, шунга кўра, уни хўрлаш, моддий ва ижтимоий аҳволига қараб чеклаб қўйиш нотўғридир. Бинобарин, Инсон маънавий камолотга эришмоқ учун ана шундай ҳар хил ижтимоий иллатлардан устун турмоғи, улар гирдобида ўралашмаслиги керак. Шоир Фақру фано водийси тавсифида Инсон ҳақидаги юқорида келтирилган сатрларни битиш билан гўё ана шу фикрни яна бир карра таъкидлагандек бўлади...

Шоир жаҳондаги барча мутафаккирларни неча асрлар давомида ўйлантириб келган “ҳақиқат қаерда?” деган савол билан инсонга мурожаат қилиб, “ҳақиқат сенинг ўзингда!” дея жавоб берган. Шу сабабли инсон ҳақиқатни ўзидан ташқаридан, ўзга жойлардан қидириб оввора бўлмаслиги, ҳаётини ана шу беҳуда мақсад йўлида сарф этмаслиги керак, балки ўз шахсий ўзлигини чуқур билиб олмоғи ва ҳаётда шунга қараб иш тутмоғи лозим. Навоийнинг инсонга қарата айтган қуйидаги

Ўз вужудингға тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзунгдин истагил, –

мағрур хитобномаси ҳам шундан далолат беради.

Навоий шахсий ўзликни билиб олиш деганда инсоннинг турли ахлоқий иллатлардан покланиш йўлини тушунади. Шоир бу иллатларга ўз даврининг миҳим ижтимоий муаммолари билан боғлиқ ҳолда қарайди. Инсоннинг бу соҳадаги қарашлари мазмун жиҳатдан идеалистик характерга эга бўлса-да, ўзида ўша давр нуқтайи назаридан илғор элементларни мужассамлаштиради. Хусусан, шоирнинг Инсон ҳақидаги қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. Руҳан тетик, маънавий пок, ҳаётга муҳаббат кўзи билан қаровчи, ўз тақдирини ўзи яратувчи фаол Инсон – Навоийнинг энг эзгу орзуси эстетик идеали эди. Шоирнинг мазкур проблемани ёритишдан, ушбу достонни ёзишдан кўзлаган асл муддаоларидан бири ҳам ана шу ҳар томонлама мукаммал Инсон образини яратиш билан белгиланади. Достондаги кўп сонли ҳаётий ҳикоялар ҳам буни тасдиқлайди. Уларда Навоий салбийликни қоралаш воситасида ижобийликни улуғлаб, юксак гуманистик ғоялар ва инсоний фазилатларни тарғиб қилади. Шу маънода мазкур ҳикоятларда шоир ўзи тасаввур қилган комил инсон образининг асосий контурларини контраст усулида чизиб берган дейиш ҳам мумкин. Буларнинг барчаси яна бир карра қаршимизга Инсонга меҳр-муҳаббат кўзи билан қараган, унинг маънавий камолотини орзу қилган, қалби унинг ишқи билан лиммо-лим бўлган улуғ гуманист мутафаккирнинг пок ва самимий сиймосини ёрқин гавдалантириб туради.

Маълум бўладики, Алишер Навоий салафлар томонидан қаламга олинган мавзу ва сюжетга ўзи яшаган давр талаблари нуқтайи назаридан ёндошиб, уни ўз дунёқарашига мослаштирган ҳолда талқин этади. Натижада, анъанавий сюжетнинг моҳият ва мазмунини бутунлай ўзгартириб юборган, унга Уйғониш даврининг олий идеаллари ҳисобланган Инсон улуғворлиги, шахс эркинлиги ва тенглигини тасдиқловчи чуқур гуманистик руҳ бағишлаган. Бинобарин, Навоий ижоди учун хос юксак гуманизм мазкур достоннинг ҳам бош лейтмотивини, ундаги ғоявий мазмуннинг асосий пафосини ташкил этади.

Достоннинг асосий персонажлари ҳисобланган қушлар образини асар ғоявий-тематик мазмунида тутган ўрни ва вазифасига қараб уч гуруҳга ажртиш мумкин: 1. Симурғ образи. 2. Ҳудҳуд образи. 3. Бошқа қушлар образлари.

Симурғ асарнинг бош, етакчи образидир. У конкрет персонаж сифатида достон сюжетида иштирок этмайди, шунга қарамай, асарда тасвир этилган барча воқеа-ҳодисалар унинг номи билан чамбарчас боғланган; У қушларнинг идеал мақсади, мутлақ гўзаллик, бахт-саодат тимсоли сифатида достондаги марказий фигура ролини ўтайди. Унга хос хусусиятлар Ҳудҳуд тилидан тавсиф этилган бўлиб, асосан, қуйидагилардан иборат:

Барча олам қушларига шоҳ ул,
Ҳолингиздан мў-бамў огоҳ ул.
Ул ёқин сизгаву сиз ондин йироқ,
Васл онга ойин, вале сизга фироқ.
Ҳар парида юз туман ранги ажиб,
Лек ҳар рангида юз нақши ғариб...
Бирлик ойнида зотидур онинг,
Лек мингдин кўп сифотидур онинг.
Ул сифат офоқ аро шоеъ бўлуб,
Барча онинг зотига рожеъ бўлуб.

Симурғга берилган бу тавсифдан мазкур образнинг икки муҳим хусусиятини, яъни у ҳам афсонавий гўзал қуш, ҳам Худонинг символик образи эканлигини аниқлаш мумкин. Шоир талқинида Симурғ (Худо) табиатдаги нарса, ҳодиса ва ўзгаришлар билан биргаликда бўлган моҳият сифатида намоён бўлади. Симурғ (Худо) образига бу хил нуқтайи назардан ёндашиш, айниқса, Навоийнинг илоҳиёт ва табиатнинг ўзаро муносабатига оид энг муҳим фалсафий қарашлари аксини топган қуйидаги сатрларда ёрқинроқ кўринади:

Демак, Симурғ образи достонда статик ҳолатда эмас, балки динамик процессда яратилган. У аввал “яширин ҳусн“(гўзаллик)га эга бўлган моҳият тарзида кўринса, кейинчалик ўз ички эволюцияси туфайли ривожланиб, табиатдаги нарса ва ҳодисаларда тажассум этган куч сифатида намоён бўлади. Бу билан Навоий аввалари фақат Худогагина нисбат берилиб келинаётган энг юксак сифат ва фазилатларни табиатга, энг муҳими, инсонга кўчиради. Натижада, Худони улуғлаш шоир учун табиат ва инсонни улуғлаш воситасига айланади. Шундай қилиб бу образ асарда Худо, табиат ва инсон бир бутунлилигини ўзида мужассам этган бадиий-фалсафий категория даражасига кўтарилган. Умуман, Симурғ Навоий талқинида кўп маъноли образ бўлиб, у қушлар интилган идеал гўзаллик ва маънавий камолот тимсоли ҳам ҳисобланади. Мазкур образга юкланган бу ғоявий-эстетик функциялар достонда мажозий қисса орқали ҳар томонлама асосланган. Хуллас, Навоий Симурғ образи воситасида ўзининг илоҳиёт, табиат ва инсон бир бутунлиги ҳақидаги фалсафий қарашларини илгари суради.

Асардаги марказий образлардан яна бири Ҳудҳуддир. Ҳудҳуд донишмандлиги ва хосиятли эканлиги билан бошқа қушлардан ажралиб туради. У қушларни сафарга чорлар экан, ўзининг моҳир тарғиботчи ва уста нотиқ эканлигини ҳам намойиш этади. Достонда Симурғ ҳақида айтилган барча фикрлар Ҳудҳуд тилидан келтирилган. Шунга биноан Ҳудҳуд образига Навоийнинг фалсафий масалаларга оид қарашларини ифода этувчи бадиий восита сифатида қараш мумкин. Бу мазкур образнинг асардаги энг асосий функцияларидан бирини, анъанавий қиссалардаги Ҳудҳуд образидан фарқ қилувчи томонини ташкил этади.

Ҳудҳуд образининг достон ғоявий-тематик мазмунида тутган ўрни фақат шу билангина чегараланиб қолмайди. У шайх ёки пирнинг аллегорик образи сифатида умумтасаввуфий масалалар, хусусан, сўфизмнинг энг муҳим назарий ва амалий принциплари унинг ҳаётга, жамиятга, кишилар турмуши ва ахлоқига бўлган муносабати, тариқат йўлининг ўзига хос хусусиятлари, тасаввуф ва дин каби масалалар ҳақида ҳам кенг ва батафсил фикр юритади.

Достондаги бошқа қушлар образини асар сюжетида тутган ўрни ва вазифасига қараб уч гуруҳга ажратиш мумкин: 1. Умумий қушлар образи. 2. Конкрет қуш образи. 3. Ўттизта қуш образи.

Қушлар образининг бу хил талқин этилиши асардаги етакчи ғоявий-тематик мазмун билан узвий боғлиқ бўлиб, уни чуқур ёритиш учун хизмат қилади. Қушлар ҳар учала аспектда ҳам жамиятдаги турли-туман кишиларнинг мажозий образлари саналади. Мазкур образларга юклатилган бу функция уларнинг қуш сифатидаги табиий-физиономик хусусиятларини инкор этмайди, балки улар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда берилади. Яъни асарда қушларнинг ҳар бири ўз табиати, ташқи кўриниши ва бошқа сифатлари билан биргаликда тасвирланган, уларнинг «қушлиги» ҳам тўла сақланиб қолган.

Умумий пландаги қушлар образи асарнинг умумий композицион-тематик йўналиши билан алоқадор бўлиб, бунда шоир уларни юз туман минг қуш сифатида тасвир этади. Қушлар достоннинг айрим ўринларида конкретлаштирилган, сюжет финалида эса улардан атиги ўттизтаси ҳаракат қилиб, қолганлари саҳнадан тушиб кетади.

Қушлар конкрет планда жамиятда тутган ўрни, маънавий дунёси ва турмуш шароитлари билан бир-бирларидан ажралиб турувчи кишиларнинг мажозий образлари вазифасини бажаради. Натижада, қушлар образи жамият ва инсон ҳаётининг муҳим томонларини акс эттириш учун хизмат қилган. Қушлар образига бу хил ёндашиш дастлаб Аттор достонида кузатилади. Бу анъана кейинчалик Гулшаҳрий асарида ҳам давом эттирган. Навоий эса мазкур традицияни давом эттирибгина қолмай, балки янги-янги хусусиятлар билан бойитиб, ҳар томонлама ривожлантирган. Масалан, қушларни Ҳудҳудга узр айтиш эпизодида Аттор достонида ўнта Гулшаҳрийда саккизта қуш иштирок этса, Навоий эса ўн тўртта бўлиб, улардан олтитаси аввалги асарларда учрамайди. Булар: Қумри, Кабутар, Тазарв, Қарчиғай, Бургут ва Товуғ (Хўроз) кабилардир. Ушбу қушларнинг ҳар бири Ҳудҳудга янги узр айтиш билан чиқиш қилади. Улар билдирган узрлар ва Ҳудҳуд жавоблари форс ва турк поэмаларида мавжуд эмас. Демак, Навоий анъанавий сюжетни оригинал образ ва янги эпизодлар ҳисобига бойитиб, уни янада тараққий эттирган.

Навоий қушлар образини конкретлаштириш воситасида ўзи яшаган даврдаги турли хил инсон типларининг аллегорик образларини чизиб берган. Шу жиҳатдан достондаги қушлар ва Ҳудҳуд мунозараси алоҳида диққатга сазовордир. Бунда шоир қуш тили орқали кишилар характеридаги айрим салбий иллатлар, чунончи, худбинлик, мақтанчоқлик, танбаллик, мол-дунёга ҳирс қўйиш, шахсиятпарастлик, жоҳиллик ва шу кабиларни танқид остига олади. Мазкур танқид, кўпинча, жамиятдаги муайян ижтимоий табақасига қаратилганки, бу ҳолат достонда конкрет қушлар образи мисолида реал ҳаёт манзаралари ифода этилганлигидан далолат беради. Мисолларга мурожаат қилайлик.

Маълумки, Тўти образи Шарқ фольклори ва ёзма адабиётида донишмандлик ва ширин такаллумлик символи ҳисобланади. Достонда эса у шундай хусусиятларга эга бўлишдан ташқари, «комронлар», – бадавлат кишилар паноҳида ҳузур-ҳаловатда яшайдиган, ўз ширин , сўзлари билан уларга завқ бағишлайдиган, ҳаётда ҳеч бир “қаттиғлик, ранж заҳридин аччиғлик” кўрмаган киши сифатида ҳам гавдаланади.

Ҳудҳуд уни худбинликда айблаб, жумладан, шундай дейди:

Айтиб ўз васфингда гуногун хилоф,
Барча ҳашву барча лағву барча лоф.
Худпарастесен–ўзингнинг ошиқи,
Худписандесен–мазаммат лойиқи 72.

Товус ва Тазарв (Қирғовул) қушлар ичида ўзларининг чиройли ташқи кўриниши билан ажралиб, патлари ранг-баранг нақшларга эга. Улардаги бу табиий гўзаллик кишиларни ўзига мафтун этади. Асарда эса улар ўзидаги ана шу «ҳусну зеболиғ» билан мақтанувчи кишиларнинг мажозий образидир. Навоий Ҳудҳуд тилидан уларни танқид этар экан, ташқи гўзаллик билан мағрурланиш ҳеч вақт яхши оқибатга олиб бормаслигини уқтиради. Шоирнинг фикрича:

Одам ўлғон зебу зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар – одам эмас 73.

Кабки дарий (тоғ каклиги) -даҳр элидан этак силкаб, тоғу тошлар ичида ором топган-гўшанишин киши. Унинг бундан кўзда тутган бош мақсади беҳисоб хазинага эга бўлиш ва бойиб кетишдир. Шунинг учун у тоғдан кон ахтариб юради. Куф (Бойқуш)ҳам ҳудди у каби ўз ҳаётининг моҳиятини ганж қидириб топишда деб билади.

Менки, ганж уммедидин девонамен,
Кеча-кундуздокини вайронамен.

Ҳудҳуд уларга мол-дунёга ҳирс қўйиш хавфли, у инсонни маънавий тубанликка етаклайди; ганж қўлга киритилган тақдирда ҳам унинг фойдасидан зарари кўпроқдир, дейди. Масалан, шундай дашном:

Филмасал билфарз топсанг ҳам бу ганж,
Қил хаёл, эй нотавони ғуссасанж.
Ким не бўлғай бахринг ондин жуз бало,
Ҳар дам ўзга ғамга бўлмоқ мубтало 76.

Хазина ахтариб топиш ва умуман, бойлик йиғишга муккасидан кетиб, бу йўлда ҳар қандай разолатдан хам тап тортмаслик ўрта асрлар жамиятида кенг тарқалган ҳодисалардан бири эканлиги эътиборга олинса, шоирнинг Ҳудҳуд орқали айтган юқоридаги фикрлари қанчалик катта ижтимоий аҳамиятга молик эканлиги ўз-ўзидан маълум бўлади. Достондаги Қарчиғай образи алоҳида диққатга сазовордир. Шоир бу образ тимсолида шоҳлар кўлида хизмат қилиб, ўз озодлигини уларга қурбон этган, аммо бундан мамнун бўлиб юрган жоҳил ва шуҳратпараст кишиларнинг маънавий қашшоқлигини чизиб беради . Қарчиғайнинг қуйидаги сўзларидан аниқ билиб олса бўлади:

Зотима шаҳлар қўли оромгоҳ,
Тўъма ҳар кун еткуруб оллимға шоҳ.
Шаҳлар оллинда топиб эътибор,
Шавкатим Симурғча билфеъл бор.

Навоий яшаган даврда бундай кишилар оз эмас эди. Улар шоҳ ва бошқа феодалларга малайлик қилиб оддий меҳнаткаш халққа зулм ўтказарди. Навоий Қарчиғай образи орқали ана шу хил сарой амалдорларини назарда тутган. Шу жиҳатдан мазкур образ реал тарихий заминга эга бўлиб, шоирнинг золим сарой амалдорларига бўлган салбий муносабатини образли ифодалайди. Асардаги бошқа қушлар ҳам ана шу тарзда жамиятдаги турли социал тоифаларниг аллегорик образи сифатида намоён бўлади. Бунда шоир уларнинг табиий хусусиятларидан кенг фойдаланади, Масалан, Қарчиғай образини юқоридагидек талқин этишда маълум асос бор. Чунки қарчиғай ов қуши бўлиб, уни шоҳ ва бошқа овчилар ов қилиш пайтида қўлда кўтариб юришган. Бу ҳолат бошқа қушлар образига бўлган муносабатда ҳам кузатилади. Эслатилганидек, қушларнинг барчаси Ҳудҳуд томонидан кескин танқид этилади. Унинг мулоҳазаларида икки тенденция бўртиб туради: 1. Қушлар характеридаги нуқс ва иллатларни танқид этиш. 2. Шу асосда уларни Симурғ сари сафарга тарғиб қилиш. Шундай қилиб Ҳудҳуд қушлар хулқ-атворидаги айрим салбий хусусиятларни танқид этиш орқали жамиятнинг маънавий-ахлоқий қиёфаси нақадар иллатли ва ярамас эканлигини очиб ташлайди. Лекин шу билан бирга, у баъзан қушларнинг реал ҳаётий интилишлари ва соғлом фикрларини ҳам асоссиз равишда қоралайди. Масалан, у Булбулни Гулга ошиқ бўлмаслик керак, деб ноўрин айбласа, Кабутарга одамларга яқинлашмасликни маслаҳат беради.

Маълумки, қисса бошидаги юз мингларча қушдан асар охирида фақат ўттизта қуш қолади. Улар ҳар хил азоб-уқубатлардан сўнг руҳий жихатдан покланиб, сўнгги манзилга етишга муваффақ бўладилар. Натижада, ажиб бир ҳодиса рўй беради: улар кўз ўнгидан зулмат пардалари кўтарилиб, ўзларини гўзал бир гулшан ичра кўрадилар. Аммо бу ерда қай томонга кўз ташламасинлар, ўзларини-ўттизта қушни кўрадилар. Шу тарзда улар Симурғга айланадилар, у билан қўшилиб кетадилар, унинг васлига муяссар бўладилар:

Сидқи ихлос ичра иккинчи фано,
Ёрни қилди аларға ошно.

Демак, ўттизта қуш образи ёр (Симурғ ёки идеал гўзаллик) васлига ошно бўлган комил инсонларнинг мажозий образи ҳамдир. Улар бунга, шоир сўзлари билан айтганда, «ўз ёмон ахлоқ»ларини бартараф қилиш орқали эришадилар.

Хулоса қилиб айтганда, қушлар образи асар ғоявий-тематик мазмунида ғоят катта аҳамиятга эга бўлиши улар орқали шоир ўзининг муҳим фалсафий ва ахлоқий қарашларини илгари суради. Навоий қушлар образига бир неча аспектда: табиий-физиономик, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий аспектларда ёндашди. Бироқ улар алоҳида-алоҳида ифода этилмай, балки бир-биридан келиб чиқади ва ўзаро органик бирликни ташкил этади, Қушлар образининг асосий бадиий-эстетик қиймати ҳам улардаги ана шу бир бу ўнлик кўп қирраликдадир.

«Лисон ут-тайр» достони ғоявий-тематикада кўп қиррали бўлиб, ўзида ўша давр ижтимоий муҳит ва инсон маънавий камолотига оид кўпгина актуал масалаларни қамраб олади. Бу борада, айниқса, асар таркибидаги ҳикоятлар алоҳида диққатга сазовордир. Агар қолипловчи қиссада шоирнинг турли масалаларга оид қарашлари умумий-назарий тарзда ифодаланган бўлса, ҳикоятларда улар конкретлашиб, ўзига хос бадиий мазмун ва шакл ту-

сини олади. Шу туфайли достон ғоявий мазмунини мазкур ҳикоятлар таҳлилисиз тўлиқ ўрганиш мумкин эмас.

ДОСТОН ТАРКИБИДАГИ ҲИКОЯТ ВА МАСАЛЛАР

«Лисон ут-тайр» ҳикоя ичида ҳикоя усулида ёзилган бўлиб, асар композицияси қолипловчи қиссадан ташқари ўнлаб ҳикоятларни ўз ичига олади. Достонда 65 та ҳикоят мавжуд. Уларнинг жами байт миқдори (1800 байтга яқин) асар умумий ҳажми (3598 байт) нинг тенг ярмини ташкил этади. Мазкур асарлар достондаги айрим эпизод, мулоҳаза ёки назарий тезисларга иллюстрация сифатида, уларда илгари сурилган мазмун ва ғояни чуқурроқ очиш учун мисол тариқасида келтирилган. Бинобарин, улар асар композицияси, сюжети ва ғоявий мазмунида ўзининг муайян функциясига эга. Лекин шу билан бирга, улар мустақил сюжет, композицияга эга бўлган асарлар ҳам ҳисобланади. Шу жиҳатдан уларни алоҳида мустақил асарлар сифатида текшириш мақсадга мувофиқдир.

Достонга кирган ҳикоятларни тематика жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги ҳикоятлар.
2. Дин ва тасаввуф вакиллари, уларнинг баъзи муҳим қарашларига оид ҳикоятлар.
3. Ахлоқий-таълимий ҳикоятлар.
4. Ишқ-муҳаббат мавзусидаги ҳикоятлар.

Аммо барча таснифлар сингари бу классификация ҳам шартлидир. Чунки ҳикоятларнинг айримлари ўзида бошқа гуруҳларга оид хусусиятларни ҳам мужассам этиши табиий бир ҳол ҳисобланади. Масалан, ахлоқий-таълимий ёки севги мавзусидаги ҳикоятларнинг айримларида муҳим ижтимоий ва фалсафий фикрлар илгари сурилган бўлиши мумкин, Шунга қарамай, маълум изчилликка эга бўлиш учун юқоридаги таснифни қулай деб топдик.

1

Достондаги ҳикоятлар ичида ‹ижтимоий-сиёсий ва фалсафий мазмундаги ҳикоятлар анчагина ўрин эгаллаб, уларда жамият ҳаётининг муҳим социал-сиёсий масалалари ўз аксини топган. «Шоҳ ва икки дарвеш»,«Ғаввослар», «Шатранжи кабир», «Шоҳ ва унинг кўзгуси», «Шам ва парвоналар» каби ҳикоя ва шундай асарлар жумласига киради. «Шоҳ ва икки дарвеш» ҳикоясида ҳукмрон табақаларнинг маънавий дунёси, хусусан, золим ва маишатпараст эканлиги ўзига хос бир тарзда ёритилган. Асар мазмуни қуйидагича: бир шоҳ айшу ишратга ҳаддан ташқари берилиб, ўз умрини масту ғофиллик билан ўтказарди. У жуда золим, халқ мулкини талон-тарож қилиш эвазига ўз бойлигини орттирган ва эл-юрт аҳволидан хабар олмас эди. Натижада, мамлакатда зулм ва адолатсизлик авжга чиққан эди. Кунлардан бир кун у одатдагидек маст ҳолда турганида кўчадан ўтиб бораётган икки дарвешга кўзи тушади ва улардан бирига: «Ойтким, мен яхшироқ ё ул рафиқ?» – дея савол беради. Шунда ларвеш шоҳга қуйидагича жавоб қайтаради: «Сен улусга шоҳ бўлсанг ҳам, аслида, гумроҳсан, чунки сен нафс қўлида тутқунсан. Менинг ўртоғим гадо бўлса-да, нафсни ўзига бўйсундирган».

Ўлсангиз, ҳуд шоҳ - улдур, сен гадо,
Ким сен эрдинг маст, ул - аҳли иқтидо

Дарвеш сўзлари шоҳ кўзини очади ва у ўзининг бемаъни ҳаётидан пушаймон бўлиб, тўғри йўлга киришга қарор қилади. Достондаги «Шатранжи кабир» ҳикоятида аср шароити учун типик бўлган қонли урушларнинг жамият ва халқ манфаатларига хилоф эканлиги тасвирли кўрсатилади. Шоир асарда шахмат ўйинидаги томонларнинг бир-бирини мағлубиятга учратиш учун қилган ҳаракатларига рамзий тус бериб, уни ижтимоий ҳаёт мавжуд муҳим бир ҳолат - икки «кинагоҳ» ўзаро жангу жадал олиб боришига қиёс қилади. Ўйин тамом бўлгач, шахмат доналари йиғиштирилиб, харита (халта) ичига солинади, улар бу ерда ўзларининг шахмат тахтасидаги аҳамиятини йўқотиб, моҳият жиҳатдан бир хил қийматга эга бўладилар:

Чун харита ичра боғланди бари,
«Шаҳ» қуйидур ё «пиёда» юқори.

Бас шундай экан, турли шоҳларнинг ўзаро душманлик қилиб, бир-бирига қарши катта қўшин билан ясоқ тортиши ҳам ана шундай мантиқсиз ва зарарлидир. Катта шахмат ҳақидаги ҳикоядан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатдир. Ғаввослар ҳаётига бағишланган ажойиб хикоянинг муҳим фазилати шундаки, унда денгиз тубидан марварид изловчилар қиладиган машаққатли меҳнат ва бу меҳнатнинг қадрсиз эканлиги реал акс эттирилган. Ғаввослар қанчалик азоб-уқубат чекиб, садаф қидириб топмасинлар, савдогарлар улар олиб чиққан дур-маржонларни арзимаган нархда сотиб оладилар. Шоҳ ғаввослар меҳнатига ачинади, уларнинг топган нарсаларини жуда арзон баҳода сотишларига таассуф билдиради. Гарчи ҳикояда муаллифнинг текинхўр савдогарларга нисбатан муносабати унчалик аниқ бўлмаса-да, китобхон уларнинг бу хил разиллигига нафрат кўзи билан қарайди. Асар таркибидаги ҳикоятларнинг бир нечтаси аллегорик-фалсафий характерга эга. Улардан бири «Шоҳ ва унинг кўзгуси» ҳикояси бўлиб, унда қуйидаги воқеа тасвирланган; Гўзал жамолли бир подшо бўлиб, унинг ҳуснига барча шайдо, унинг жамолидан баҳраманд булиш ҳамманинг орзу-армони эди. Бир кун шоҳ халойиққа осон бўлсин учун улкан қаср солишни ва унда ойна ўрнатишни буюради. Унинг бундан мақсади ўзига ошиқ бўлганларнинг орзусини амалга оширмоқ эди. Қаср битгач, шоҳ тахтга чиқиб ўтиради ва ойнага назар солади. Одамлар эса унинг ойнадаги аксини кўриб, ўз мақсадларига эришадилар. Навоий бу ҳикоядаги мажознинг маъносини қуйидагича изоҳлайди:

Қаср-тан, онда кўнгулни кўзгу бил,
Кўзгуда шаҳ ҳуснини наззора қил.
Бермайин бу кўзгуга аввал жило,
Акс онда солмағай ул подшо.

Демак, асардаги образларнинг аллегорик-фалсафий функцияси тушунарли: қаср- инсон гавдаси,ундаги кўнгул, шоҳ эса Худо образидир. Қўринадики, асарда юқоридаги аллегория сюжет воситасида инсон Худони кўнгул ёрдамида била олади, деган сўфиёна назарий тезис ифодалаб кўрсатилмоқда. Маълумки, шам ва парвона образлари Шарқ классик адабиётида

энг кўп қўлланилган тамсилий образлардан бири ҳисобланади. Бу образлар иштирок этмаган шоир девонини учратиш қийин, шунингдек, асосий қаҳрамонлари мазкур образлар бўлган бир қатор масал, мунозара ва достонлар мавжуд. Навоий достонидаги «Парвоналар мажмаи шамъи ҳақиқий шарҳида» (ёки соддароқ ном билан айтсак, «Шам ва парвоналар») масали ҳам шу типдаги асарлар жумласига киради. Шоирнинг бу масалида кўпгина муаллифлар ва шулар қатори ўз ижодиётида ҳам қайта-қайта тилга олиниб келган оддий бир детал - парвоналарнинг ёниб турган шамга интилиш ҳодисаси асос қилиб олинган. Парвоналар бир кеча тўпланиб, шамнинг нима эканлигини билиб олмоқчи бўладилар. Бунинг учун биринчи парвона шамга яқинлашиб, унинг ичига кириб, у билан бирга қўшилиб ёниб, у ҳақда хабар беради, аммо бошқа парвоналар унинг сўзларидан бехабар қоладилар. Иккинчи, учинчи… ва бошқа парвоналар ҳам худди шу ҳолга дуч келадилар.

Ушбу асардан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, шамнинг нималигини билмоқчи бўлган парвоналар у билан қўшилиб ёниб, ўз муддаосига эришгани каби инсон ҳам фано ўтида куймасдан туриб, ҳақиқатнинг асл моҳиятига эриша олмайди. Асардаги «Қўрлар ва фил» ҳикояси ҳам символик характерга эга, унда нақл қилинишича, бир неча кўр киши тақдир тақозоси билан Ҳиндистонга бориб қолади. Улар яна ўз ватанларига қайтадилар. Бири улардан «борган жойингизда фил кўрдингизми?» деб сўрайди. Улар «ҳа» деб жавоб берадилар. «Қани, сўзлангиз» дейди у, кўрлар, аслида, филни кўрмаган эдилар, лекин унинг у ёки бу аъзосини қўл билан ушлаб, у ҳақда маълум тасаввур, «билик» ҳосил қилган эдилар. Шунга биноан улар ўз тасаввурларидаги «фил»ни у ҳақдаги ўз тушунчаларини бирин-кетин таърифлашга киришадилар:

Қўлларин мас айлаган деди «Сутун»,
Қорнин эткан мас дедим- «Бесутун»
Ул бириким мас хартум айлади,
Аждаҳо андоми маълум айлади.
Ул бириким тишларин қилди баён,
Дедиким икки сўнгак бўлди аён…

Ушбу ҳикоя достондаги «Маърифат водийси васфи» бобига тамсилий далил сифатида келтирилган. Шоир бу ўринда ўзининг Маърифат босқичи ҳақидаги фикрларини, хусусан, бу босқичнинг мухталиф характерга эга эканлиги, унда ҳар хил эътиқодларнинг солик учун бир хил моҳият касб этиши ҳақидаги мулоҳазаларини кўрлар бошидан кечган юқоридаги воқеа орқали ифодалайди. Шунинг учун ҳам шоир ҳикоя охирида кўрларнинг фил ҳақидаги сўзларини донишманд ҳинд филбони тилидан шундай шарҳлайди:

Ҳар бири ўз билганидин деди сўз,
Солмоғон эрди бири фил узра кўз.
Лек жамъ ўлғонда бу барча сифат,
Филға ҳосилдур ул дам маърифат.

Мазкур асар халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётда (Саноий, Румий) мавжуд материалга асосланиб ёзилган. Кўринадики, Навоийнинг юқорида таҳлил этилган ҳикоя ва масаллари мажозий характерга эга бўлиб, шоирнинг сўфиёна - пантеистик фалсафа соҳасидаги баъзи

қарашларини образли тарзда ифодалаш учун хизмат қилади. Бу асарлардаги мазкур тасвир услубида Аттор, Румий ва Жомий каби аллегорик ҳикоятларнинг машҳур усталари таъсири ҳам сезилиб туради. Достонда ислом дини ва тасаввуфнинг айрим намояндалари ҳаёти ҳамда уларнинг муҳим қарашлари ҳақидаги ҳикоятлар ҳам катта ўрин тутади. Уларнинг баъзилари Одам Ато, Азозил, Азроил, Сулаймон пайғамбар ва шунга ўхшаш диний-афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги традицион ривоятлар бўлса, айримлари ислом дини асосчиси Муҳаммад пайғамбар ва унинг чаҳорёрлари: Абубакр, Умар, Усмон ва Али, шунингдек, сўфизмнинг йирик вакиллари бўлган Боязид Бистомий, Мансур Халлож, Иброҳим Адҳам, Абу Бакр Нишопурий, Абул Аббос Қассоб, Баҳоуддин Нақшбанд кабиларнинг ярим афсонавий ҳаётига оид айрим лавҳалар, улар томонидан айтилган баъзи фикрларни қайд этишга бағишланган. Бу ҳикоятларга асос бўлган материаллар турли диний адабиётларда, жумладан, Қуръон, ҳадис, тафсирлар ҳамда йирик сўфий шайхлар ижодий биографиясига оид «Тазкират ул-авлиё» (Аттор), «Нафаҳот ул-унс» (Жомий) ва бошқа асарлар таркибида мавжуд. Шунингдек, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳам бу соҳада жуда материал тўпланган бўлиб, у достондаги баъзи ҳикоятларнинг яратилишида манба ролини ўтаган. Ушбу ҳикоятларнинг аксарият қисми Ҳудҳуд томонидан баён қилинган сўфизмга доир айрим масалаларни изоҳ қилувчи фикр-мулоҳазаларга қўшимча материал вазифасини бажаради. Уларнинг баъзилари билан танишайлик. Маълумки, ислом дини ва сўфизм таълимотига кўра, тавба гуноҳдан фориғ бўлишнинг энг асосий воситаларидан бири саналади. Бир қушнинг Ҳудҳуд билан қилган савол-жавоби ана шу масалага бағишланиб,унда Ҳудҳуд гуноҳини ювиш учун ихлос билан тавба қилишнинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида сўз юритади ва бунга мисол тариқасида «Одам алайҳиссалом» хикоятини келтиради. Унда Одамнинг гарчи жаннатдан қувилган бўлса-да, самимий тавбаси туфайли гуноҳи кечирилиб, пайғамбарлик мартабасига эришгани ҳақидаги ривоят ўз аксини топган. Азозил (шайтон) ҳақидаги ривоятда нақл қилинишича, Тангри Одамни вужудга келтирмасдан илгари Азозил барча малоикаларнинг сарвари бўлган экан.

У Худо амрига итоат қилиб, бир неча минг йил мобайнида тоат-ибодат бажо келтирган. Одам яратилгач, Худо барча малоикаларни унга сажда қилишини буюради. Азозил эса ғурур ва кибрга берилиб, бу ишни хоҳламаган ва шу туфайли абадий лаънатга учраган эмиш. Юқоридаги ҳикоятлар Қуръон ва бошқа диний манбалардан олиниб, афсонавий характерга эга бўлса-да, уларда иккита муҳим хусусият мавжуд. У ҳам бўлса, мазкур асарларда, биринчидан, Навоийнинг инсонга бўлган буюк ва самимий муҳаббати жўш уриб турганлиги, иккинчидан, диний ривоятлар ёрдамида баъзи ахлоқий иллатлар, хусусан, кибру ҳаво манманлик берилишнинг танқид этилишидир. Маълумки, сўфизм таълимотига кўра, тариқат йўқлигини пир раҳбарлигисиз адо этиш мумкин эмас. Ўрта асрларда кимнинг пири йўқ бўлса, унинг пири шайтондир, деган ақида кенг тарқалган. Пирнинг асосий иш соликка ирфони маърифат ҳосил қилишдир. У мурiддаги барча иллатларни тузатишга ёрдам беради. Ҳудҳуд бир қуш томонидан ўзининг талаввун мижозлигини айтиб, бу иллатни қандай бартараф этиш мумкинлиги ҳақидаги саволига юқоридагидек жавоб қайтаради ва бунга далил сифатида Шайх Туроб Нахшабий ва унинг бир мурiди ўртасида бўлиб ўтган воқеани келтиради. Туроб Нахшабийнинг кўп сонли мурidлари орасида биттаси ташқи гўзалликка, зебу зийнатли, чиройли либослар кийиб юришга ҳаддан ташқари кўнгил қўйган эди. Ҳолбуки, тариқат йўлига кирган кишига бундай қилиш ярашмайди. Шайх мурidга бу номақбул ишдан воз кечишни маслаҳат берса-да,ундан бирон фойдали натижа чиқмайди. Шундан сўнг

у кескин чора кўришга мажбур бўлади: бир қўй сўйдириб, унинг ичак-чавоғини саватга жойлаштиради ва мурид бошига қўйиб, бозорда айлантириши ҳақида кўрсатма беради. Хуллас, йўлдан адашган пир тадбири туфайли ўз хатосини тузатиб, аҳлоқидаги ёмон иллатдан қутулади ва тариқат учун ташқи гўзаллик ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигини англаб етади.

– Тариқат йўли оғир ва машаққатли, кучсиз ва касалманд киши уни қай тарзда ниҳоясига етказа олади, деган саволга Ҳудҳуд заиф тана инсонни охир-оқибатда ўлимга олиб боради, шундай бўлгач, ёр (Худо) йўлида жон фидо қилмоқ зарур, – деб жавоб қайтаради ва ўз фикрига намуна сифатида «Шайх Абу Саид Абу Хайр ҳикояти»ни сўйлаб беради, Илоҳий ишқ йўлида умрини ўтказган шайх Абу Саид (у хуросонлик машҳур шайхлардан бўлиб, 440/1048 йилда этган)нинг Худо йўлида ўлмоқ асосий мақсади эди. Буни амалга ошириш учун жамиятдан узоқлашиб, дашту тоҳ аро юрар ва бир вайронадаги қудуқнинг чўпига ўзини осиб, шу ҳолатда кўзларидан қатра-қатра қон томгунча тураради.

Ниҳоят:

Ҳажр аро йиллар бу янглиғ чекти ҳол,
То етишти оғзиға жоми висол.

Кўринадики, Шайх Абу Саид Абул Хайр ҳақидаги бу асар ўта аскетик сўфийлар ҳаётидан олинган типик бир лавҳадир. Достон таркибидаги Шайх Нажмиддин Кубро (Хоразмни ҳимоя қилиш пайтида 618/1221 Чингизхон аскарлари томонидан ўлдирилган), Абдулҳасан Харақоний (вафоти 425/1033), Иброҳим Адҳам (161/777йилда вафот этган), Абу Бакр Нишопурий (238 -324/853 935), Баҳоуддин Нақшбанд (вафоти 791/1390), Хожа Муҳаммад Порсо (822-1419 йилда вафот этган) ва бошқа шайхлар ҳақидаги ҳикоятларда ҳам улар ҳаётига оид айрим ривоятлар нақл қилинган. Маълумки, ўрта асрлар мусулмон Шарқида дин ва тасаввуф мавқеидан шахсий манфаат учун фойдаланиш ҳодисаси кенг авж олган эди. Дин ва сўфизмни ниқоб қилиб олиб, халқни алдаш йўли билан кун кечирувчилар «риёйи хирқапўш» шайхларни ўз асарларида аёвсиз суратда фош этган Навоий «Лисон ут-тайр» достонида ҳам бу мавзуга яна бир карра мурожаат қилади. «Риёкор қаландар» ҳикоясидан маълум бўлишича, эгнига дарвешлар тўнини кийиб олган бир ноқис киши ўзини тасаввуф пешвоси деб эълон қилади. У бозор ичида ўзининг комил киши, ҳар хил кароматлар ва мўъжизалар кўрсатишга қодир эканлиги ҳақида лоф уриб, одамлардан хайру эҳсон сифатида пул ва турли егулик маҳсулотлар ола бошлайди. Шу пайт унинг олдига ҳақиқий пир келиб, ундан халтани очишни сўрайди. Халтадаги нарсаларнинг ҳаром эканлигини айтиб, унга ердан бир ҳовуч тупроқ ва тош олиб беради. Улар шу заҳотиёқ олтин ва қимматбаҳо нарсаларга айланади. Ноқиси шайёд бундан ҳайратга тушиб турганида, пир кўздан ғойиб бўлади, Хуллас, у ёмон қилмиши туфайли кенг халқ ўртасида шармандаи шармисор бўлади. Навоий бу ҳикоятда айрим шахсларнинг сўфизм обрўйидан шахсий мол-мулк тўплаш воситаси сифатида фойдаланиш каби типик ижтимоий ҳодисани танқид эса, айрим ҳикоятларда эса дин ва сўфизмнинг ахлоқий моментларига риоя қилишликни тарғиб этиш орқали умуминсоний ахлоқий нормаларни эътироф этади. Чунончи, юқорида кўриб ўтганимиз «Шоҳ ва икки дарвеш» ҳикоясида шоир сўфиёна одоб-ахлоқ нормаларига қатъий амал қилувчи икки дарвеш образини яратиб, уларни маишатпараст подшо образига қарама-қарши қўяди. Шунингдек, «Харақоний ва мурид», «Поро ва Абу Наср» каби ҳикояларида инсонийликнинг муҳим атрибутларидан ҳисобланган ростгўйлик ва олий ҳимматликни улуғлайди.

3

Достондаги шеърий ҳикоя ва масалаларнинг катта қисмини ахлоқий-таълимий ҳикоятлар ташкил этади. Кишилар характеридаги турли салбий хислатларни, уларнинг камчилик ва нуқсонларини асарларида ўткир сатира, гоҳ енгил юмор билан фош этган Навоий мазкур ҳикоятларда ҳам ўзларида ҳар хил ярамас иллатларни мужассамлаштирган шахсларнинг жирканч кирдикорларини зўр маҳорат билан очиб ташлайди. Шу жиҳатдан асардаги хасис киши, сохта ҳинд савдогари, мечкай полвон, Муқбил ва Мудбир, танбал киши, хомхаёл қаландар, беҳунар боғбон ҳақидаги ҳикоятлар алоҳида аҳамиятга эга. Уларда шоир феодал тузум келтириб чиқарган турли ахлоқий иллатларни кескин танқид остига олар экан, бу иллатларга инсон ва жамият камолотига тўсқинлик қилувчи омиллар сифатида қарайди ва ўз даврининг илғор гуманистик позициясидан туриб, уларни инкор қилган олижаноб инсоний фазилатларни тасдиқ этади. Мазкур асарлар ўзларининг реалистик элементларга бойлиги, сатира тиғининг беомонлиги, нозик ва шўх юмори билан ҳам диққатни жалб этади. Мисолларга мурожаат қилайлик. Умрини олтин-кумуш тўплаш билан ўтказган бир хасис киши мол-дунёсини ер остига кўмиб, махфий сақлар ва ҳатто бунга ҳам ишонмай, кўпгина олтинларни тўнининг орасига қўйиб тикиб олган эди. У бир куни қўлини ювмоқчи бўлиб дарёга энгашганида тўнининг оғирлиги туфайли сувга йиқилиб тушади ва ғарқ бўлади:

Чун оғир эрди дирамдин лангари,
Сув тубин тутти садафдек гавҳари.

Шоир бу асарда кичик, аммо ниҳоятда оригинал бир воқеа асосида мол-дунё йиғишга ҳирс қўйиш ва хасислик каби ижтимоий иллатларни танқид остига олиб, кишиларни инсон шаънига дор туширадиган бундай номақбул ишлардан воз кечишга даъват қилмоқда. Навоий яшаган даврда бундай хасис ва мулкдор кишилар оз эмас эди. Улар, албатта, ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан бойиб кетган эмаслар. Улар ё мазкур киши каби зиқналик йўли билан, ё турли ҳийла-найранг ва риёкорлик воситасида халқни шилиб олиш йўли билан бунга эришганлар. Бу ҳолат юқоридаги ҳикоятга мазмун жиҳатдан бирмунча яқин ва уни тўлдирувчи қуйидаги икки ҳикоятда яққол кўзга ташланади. Улардан биринчиси - савдогар ҳақидаги ҳикоятда тасвирланишича, «ҳирси дирам» кўйига мубтало бўлган савдогарлар бойлик тўплаш учун хар қандай разолатдан ҳам тап тортмайди. Чунончи, ҳинд савдогари бойиб кетиш мақсадида йил ўн икки ой турли мамлакатлар бўйлаб сафар қилади. У Макка атрофини неча марталаб сувда айланиб ўтган бўлишига қарамай, фойданинг камайиб қолишидан чўчиб, у ерни зиёрат қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Охир-оқибатда, кунлардан бир кун дарёда бўрон кўтарилиб, у тушган кема ҳалокатга учрайди. Яна бир тоифа кишилар бўлганки, улар ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига енгил-елпи йўл билан бойиб кетиш пайига тушганлар. Навоий бундай қаллоб кишиларни «бад ахтар» (толеи паст) деб атайди ва уларни «Сохта гавҳарфуруш» ҳикоятида сатира қамчиси остига олади. Асарда оддий шиша ва тошларга турли ранг суртиб, уни гавҳар ва марварид деб жуда қиммат нархда сотувчи бир устаси фаранг кишининг қилмиш-қидирмиши тасвирланган. Бир кун у ўз молини бир бой жуда катта пулга сотади. Орадан бирмунча вақт ўтгач, у киши гап нимада эканлигини пайқайди ва олган нарсасини эгасига қайтариб бериб, пулни талаб қилади. Аммо мунофиқ киши пулни аллақачонлар ишлатиб бўлган эди.

Натижада, бу иши учун у ўз ҳаёти билан видолашишга мажбур бўлади. Маълумки, Муқбил ва Мудбир ҳақидаги ҳикоя мазкур достондан ташқари муаллифнинг «Сабъаи сайёр" ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарлари таркибида ҳам мавжуд. Ҳар учала ҳикоятда ҳам исми жисмига мос келувчи ана шу икки сайёҳ бошидан ўтган ажойиб ва ғаройиб саргузаштлар тасвирланади. Уларда Муқбил (бу сўзнинг луғавий маъноси иқболли, бахтли демакдир) тўғри йўлдан юрувчи, камтар, хушфеъл, ростгўй киши, Мудбир (иши орқага кетувчи, бахтсиз) эса ўз номидан ҳам кўриниб турганидек, Муқбилнинг акси сифатида намоён бўлади. Биринчи ҳикоят («Сабъаи сайёр»)да тасвирланишича, Мудбир ўз ёмон ҳулқи ва ёлғончилиги туфайли ўлимга маҳкум бўлади. Муқбил эса софлиги ва тўғрилиги эвазига бахтли ҳаётга эришади. «Лисон ут-тайр» ҳикоятидаги Муқбил ва Мудбир образлари ўз характерига кўра «Сабъаи сайёр» достонида тасвирланган Муқбил ва Мудбирга бирмунча ўхшаб кетади. Бу асарда ҳам Муқбил тўғри йўлдан юрувчи, кишига озор бермайдиган, ақлли киши. Мудбир эса унинг зидди. Аммо у учига чиққан муттаҳам бўлса-да, аввалги Мудбирга ўхшаш ёлғонни сув қилиб ичиб юборадиганлар хилидан эмас, унинг табиати сал бошқачароқ. Муқбил ҳам энди аввалги Муқбил эмас, уларнинг саргузаштлари ҳам илгаридек биргаликда эмас балки айрим-айрим юз беради, яъни улар феъл-атвор бир-бирига тўғри келмагани сабабли ажралиб кетишади. Муқбил шаҳардаги фақирлар турадиган маҳалласи сари йўл олса, Мудбир «байтул-латаф» - бузуқ хотинлар сақланадиган жойни қидириб топади. У ерда кумай ичиб, бир киши билан жанжаллашади ва уни хам жар уриб ўлдиргани учун шоҳ томонидан қатлга ҳукм қилинади. Кўриниб турибдики, бу асар аввалги ҳикоят билан баъзи умумий хусусиятларга эга бўлса-да, ўзига оригинал мазмунга эга. Ундаги қаҳрамонлар ҳам ўзгача. Агар «Сабъаи сайёр»даги Муқбил ва бир ўзи бошидан ғаройиб сеҳрли-фантастик воқеаларни кечириб, халқ оғзаки ижодидаги эртак ва достон қаҳрамонларига яқин турса, «Лисон ут-тайр»даги ҳикоятида эса улар энди реал ҳаёт одами сифатида ҳаракат қилади. Унда Навоий ўзи яшаган даврдаги кишилар ҳаётининг кичик бир лавҳасини чизиб бермоқда. Асардаги икки йўловчининг феъллари тўғри келмагани сабабли ажралиб кетиши, улардан бирининг шаҳардаги фақирлар маҳалласига бориши ва обрўли «соҳиб тариқ» (сўфий) киши бўлгани туфайли шоҳ уни кўргани келиши, иккинчисининг эса «байтуллатаф»га бориши ва кейинги юз берган воқеалар ўша давр ҳаётидан олинган. Муқбил ва Мудбир ҳақидаги учинчи ҳикоят «Маҳбуб ул-қулуб» асарида келтирилган ушбу асарда ўзининг севимли адабий усулларидан бири бўлган Муқбил ва Мудбир каби контраст образларга яна бир бор мурожаат қилиш орқали чин инсонийлик ва унинг ажралмас қисми саналган адаб ва тавозени улуғлайди. Ҳикоят камтарга камолу манманга завол деган халқ ҳикмати тарзида якунланган. Хуллас, бош қаҳрамонлари бир хил номланувчи бу уч ҳикоят гарчанд баъзи жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаб кетса-да, аммо ўз тасвир объекти, сюжети, ғоявий мотивлари ва бошқа хусусиятларига кўра, мутлақо оригинал асарлар ҳисобланади. Мазкур асарлар учун муштарак бўлган хусусиятлардан бири уларда Муқбил инсоний фазилатлар соҳиби сифатида тасвирланса, Мудбир эса ёмон хулқли, ахлоқан бузуқ кишилар тимсоли сифатида талқин этилади. Бош образларнинг бу хил талқини ушбу асарларни моҳият жиҳатдан бир-бирига яқинлаштиради, шу билан бирга, Навоийнинг ҳақиқий, маънавий пок инсон кандай бўлиши ва ахлоқий таназзулга дучор бўлган кишилар қандай жирканч қиёфа эгаси эканлиги ҳақидаги қарашларини бадиий ифодалаб кўрсатувчи образлар сифатида бир-бирининг мантиқий давоми бўлиб келади. Аммо бу асарлар фабуласи асосини ташкил этувчи воқеа-ҳодисалар ўз характери ва тасвир принциплари нуқтан назаридан ўзаро фарқ қил-

ганлиги сабабли улардаги бош образлар ҳам ҳар хил бўлиб чиққан. Шунга кўра, қаҳрамонлар гарчанд бир хил номланиб, бир-бирининг такрори бўлиб кўринсалар-да, аслида, улар бир-бирини такрорламайди, балки ўзига хос янги ва оригинал саналади. Шунингдек, биринчи ҳикоятда тасвирланган сеҳрли-фантастик воқеалар асар бош қаҳрамонларининг романтик характерга эга бўлишини таъминлаган бўлса, «Лисон ут-тайр»даги ҳикоятда эса реалистик образ сифатида талқин қилинади. Чунки шоир иккинчи ҳикоятда ўз даври ҳаётига хос реал ҳодисани тасвирлаб, анъанавий қаҳрамонларни «замонавийлаштиради». Достондаги ҳикоятларнинг айримлари дидактик хусусиятга эга бўлиб, муайян ахлоқий фикр ёки илгари суриш учун хизмат қилади. Масалан, «Беҳунар боғбон» ҳикоятида тасвирланишича, ўз ҳунарини яхши эгалламаган бир боғбон ўртоқларининг: ким бу беҳосил ишингни тарк тут. Ўзни бир ҳосиллиқ иш бирла овут тарзидаги панд-насиҳатларига ўжарлик қилиб қулоқ солмайди. Оқибатда, ток кесаётганда уни илон чақиб ўлдиради. Бу асарда шоир ана шу хил ўзи эшитган ёки тажрибада кузатган ҳаётий воқеани тасвирлаш орқали ҳунарни яхши эгалламаслик ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин, деган хулосани келтириб чиқаради. «Айиқ» масалида инсон характеридаги салбий хусусиятлардан бири бўлган мақтанчоқлик танқид этилиб, кишиларни бундай ёмон одатдан воз кечишига даъват қилинган. Жуда кўп таёқ ейиш ва қийнаш оқибатида қўлга ўргатилган Айиқ хўжасининг буйруғи билан баъзан турли ўйинлар кўрсатар, баъзан унинг уй ишларига ёрдамлашар эди. Лекин унинг такаббурлиги орта бориб, аста-секин ўзини ҳамма ҳайвонлардан устун тутадиган бўлади. Унинг учун гўё қоплон бошини ғажиб ташлаш ҳеч гап эмас, шерни эса бир чўқишдаёқ қочириб юборишга ишончи комил. Шу хилдаги хом-хаёлликка берилиб юрган Айиқ, оқибатда, ҳалокатга учраб, итларга ем бўлади. достондаги танбал ҳақидаги ҳикоят ўзининг ниҳоятда оригиналлиги ва сатира тиғининг ўткирлиги билан ажралиб туради. Навоий бу ҳикоятда ўрта асрларга хос танбал, ишёқмас, ялқов кишининг ўзига хос такрорланмас образини яратади. Бир танбал киши кун кечиришнинг жуда осон йўлини топиб олади: у қорнини тўйғазиш учун ўзини кишилар калтагига тутар; кимки унга шапалоқ урса, тепса ёки мушт туширса, у ўша одамдан бунинг эвазига маълум ҳақ талаб қилар эди:

Ул муқаррар муздин олур эди,
Нафс комин оғзиға солур эди.

Ниҳоят, шу йўл билан кун кўриб юрган танбал кунлардан бирида кучли бир одамнинг муштидан ерга қулайди ва..., шу йиқилганча қайтиб ўрнидан турмайди. Хуллас, танбал кишининг қисмати шу тариқа фожиали ўлим билан тугайди. Лекин бу фожиа ўқувчида унга нисбатан ачиниш ёки қайғуриш ҳиссини уйғотмайди, балки нафрат аралаш аччиқ кулги қўзғатади.

«Паҳлавоннинг қисмати» ҳикоятининг мазмуни қуйидагича: Бир полвон бўлиб, у пешингача ўн ботмон, шом вақтида ҳам худди шунча, бу икки ораликда беш ботмон овқат ейди. Бироқ шунча кўп овқат истеъмол қилишига қарамай, ҳеч бир иш билан шуғулланмайди. Шоирнинг ўз сўзлари билан айтганда, у «беҳунарлиғ фанида соҳиб ҳунар» киши, яъни текинхўр бир шахсдир. Қунлардан бир кун уруш бошланиб, одамлар ўз манзилларини ташлаб кетишга мажбур бўлишади. Паҳлавон ҳам уларга ҳамроҳ, Йўл узоқ, озиқ-овқат йўқ. Шоир паҳлавоннинг сафардаги ҳолатини шундай тасвирлайди:

Зўргар чун топмади бир кун ғизо,
Бошлади ўз ҳолиға тутмоқ азо.
Чун иккинчи кунга етти паҳлавон,
Кетмиш эрди жисмидин тобу тавон.
Лек учунчи кун анга бебарглик,
Айлади зоҳир биёбон марглик.

Шундай қилиб зўргарлик билан ном чиқарган паҳлавон фавқулоддаги сафар азобларига бардош бера олмай, фожиали тарзда ҳалок бўлади. Навоий унинг бу ҳолатини гўдак ва «икки букилган» қарияларнинг сафарда матонат кўрсатиб, манзилга эсон-омон етиб борганликлари билан чоғиштиради. Бу эса басавлат ва баднафс паҳлавоннинг аянчли ўлимидан келиб чиқадиган кулгини янада кучайтиришга олиб келган. Достондаги ганж ахтарган девонанинг саргузашти баён қилинган ҳикоятнинг ечими ҳам қамрамоннинг ўлими билан тугайди. Автор қаҳрамонга характеристика берар экан, унинг бутун умри вайрона қазиш билан ўтгани, чунки хазина топиш умиди уни шу йўлга бошлагани ҳақида сўз юритади. Хомхаёл қаландар тўғрисидаги ҳикоятда бирорта фойдали меҳнат билан шуғулланмай, бемаъни фантазияга берилган кишиларнинг тутуруқсизлиги устидан кулинган. Асар мазмуни қуйидагича: Бир қаландар ўз вақтини банг истеъмол қилиш билан ўтказарди. Бир кун бузуқ бир вайронадан жой қилиб, банг ейди ва ўзини бир жойда, кенг гулистон ўртасида гўё машҳур рассом Моний қўли билан бунёд этилган ҳашаматли қасрда ҳис қилади. Ёнидаги севикли маъшук эса унинг кўнглини хурсанд қилмоқда. Хуллас, қаландар ўзини бахтиёр сезиб турганида, яъни ноз ва жилва қилиб турган маъшуқасининг лабидан тотли бўса олаётганида, вайронанинг бир бурчагидан чиқиб келган чаён унинг лабига ўзининг заҳарли найзасини санчади, Қаландар қичқириб ўрнидан туради, изтироб интизор билан талвасага тушади, ҳуши ўзига келган ўз хаёлларинннг сароб эканлигини пайқайди. Аммо энди кеч эди, «ажал заҳри» ўзининг машъум кучини кўрсатади:

Билди ҳарне қилғони эрмиш хато,
Қилмади суде пушаймонлиғ анго.

Асарда қаландарнинг банг еб хомхаёллик беҳуда фантазияга берилишини фожиа юз беришини асосий сабаби, деб кўрсатади ва шу нуқтайи назарда қаландар образига ёндашади. Шоир гарчи қаландар фожиасини қайд этса-да, лекин унинг бу ҳолатга тушиб қолишида заррача ачиниш билдирмайди, бу ўринда унинг пинҳоний кулгиси танқидий руҳда, бебурд қаландарни масхара қилиш характеридадир. Ҳикоятнинг яна бир муҳим томони шундаки, унда комик ҳолат билан трагик ҳолат мантиқий жиҳатдан ниҳоятда усталик билан бир-бирига пайванд этилган. Чунончи, асарда тасвир этилган қаландарнинг чордеворга бориб, хаёлда парвоз этиши ва хаёлий маъшуқасининг лабидан ширин бўсалар олаётганида чаённинг қаландар лабини чақиб олиши - соф комик ҳолат. Аммо шу билан бирга унинг бу аҳволи фожиали ҳамдир. Чунки ўз умрини беҳуда хаёллар билан ўтказиш инсон ҳаётида энг катта маънавий фожиа ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, кишини ҳақиқий фожиага-бевақт ўлимга олиб келиши мумкин. Қаландар образини шу хилда талқин этган Навоий ҳикоят охирини фожиа билан тугатади ва бу билан жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик беҳуда ва бемаъни фантазияга берилиш инсон учун чаён заҳри каби зарарли ва ҳалокатли-

дир, деган ғояни илгари суради, албатта. Шундай қилиб Навоий «Лисон ут-тайр» достони таркибига кирган бир қатор ҳикоятларида аср феодал шароитидаги ахлоқий-маънавий бузилишнинг аянчли оқибатларини тасвирлаб, «жамият қозонидаги ифлос қуйқалар» (Теодор Драйзер) бўлмиш хасис ва молпарастларни, худбин ва очкўзларни, танбал ва хомхаёлларни, бебурд ва ёлғончиларни, хуллас, турли-туман мудбирларни кескин танқид остига олади. Шоир юксак гуманистик позициядан туриб, инсонларни бундай номақбул йўллардан қайтишга ундайди, уларни қабиҳ ишлар билан шуғулланмасликка чақиради. Навоий бу хилдаги асарларнинг айримларида бош қаҳрамонлар ҳаётини ўлим билан якунлар экан, бу фожианинг китобхонда маълум даражада кулги ва нафрат уйротишига алоҳида эътибор беради ва бадиий жиҳатдан мукаммал бўлган бир қатор трагикомик образлар яратади. Бундай юксак санъаткорлик билан ёзилган асарлар ўзбек адабиётида Навоийга қадар деярли учрамайди. Бу эса Алишер Навоий бадиий даҳосининг нақадар кенг ва ранг-баранг, ижодий потенциали, талантининг қанчалик улкан эканлигидан яна бир карра далолат беради. Муҳаббат темаси Навоий асарларининг асосий мавзуларидан бири бўлиб, у шоир ғазаллари ва достонларининг бош лейтмотивини белгилайди. Бу «Лисон ут-тайр»да ҳам муҳим ўрин эгаллаб, ундаги турли ҳажмли ҳикоятларда янги ранг ва янги оҳанглар ила тараннум этилади. Ушбу ҳикоятлар Навоийнинг ишқ-муҳаббат мавзусида ёзилган асарлари сафини тўлдириш билан бирга, умуман олганда, шоир ижоди ва бадиий маҳоратини ўрганишда ҳам муҳим манбалардан бири ролини ўтайди. Шунга кўра, достондаги «Мажнун», «Арасту ва унинг шогирди» «Ҳайратда қолган ошиқ», «Мажнун ва Лайли», «Шайх Санъон» каби ҳикоятлар ўзига хос аҳамиятга моликдир. Маълумки, Мажнун образи кўпчилик Шарқ муаллифларида бўлгани каби Навоий ижодиётининг ҳам доимий қаҳрамонларидан бири саналади. Унинг гениал «Лайли ва Мажнун» – «Хамса» таркибига кирган учинчи достонида бу образ ҳар томонлама мукаммал даражада ишланган. Мазкур асар ўзининг қатор ғоявий-бадиий хусусиятлари, айниқса психологик таҳлилга ва реалистик элементларга бойлиги билан шу мавзу ҳикоят ёзиб, уларда Шарқ халқлари оғзаки ижодида мавжуд Мажнун тўғрисидаги афсоналарни қайтадан ишлайди. Бу ҳикоятларга асос бўлган воқеалар шоирнинг «Лайли ва Мажнун» достонида ўзи топган. Мазкур ҳикоятлар достондаги икки ўринда, яъни «Қушларға фано навмидлиғида Ҳудҳуднинг иршодидин қувват ҳосил бўлғони» ҳамда «Ишқ муножот» каби бобларга иллюстрация сифатида келтирилган. Умуман, Мажнун ҳақидаги ривоятларни ёки бу муносабат билан келтириш кўпчилик Шарқ муаллифлари ижодига хос хусусият ҳисобланади. Мажнун ҳақидаги биринчи ҳикоятда қуйидаги воқеа нақл этилади: Лайли номини доимо такрорлаб юрувчи Мажнунни даштда бир киши учратиб қолади ва унга шундай савол беради:

Сўрди: -«Ким бирла сурарсен бу мақол?»
Деди: - «Лайли бирла, эй фархунда фол».
Деди: - «Ондин то сангадур холи йўл?»
Деди: - «Эй ғофил, эрур жонимда ул,
Улки онинг зикридур жонимда қут,
Йўл йироқ бўлғондин ўлғойму унут».

Иккинчи ҳикоят ҳам мазмунан шунга яқин. Унда биров Мажнундан «Отинг недур?» дея сўраганида, унинг «Лайли!» деб жавоб қайтаргани қайд этилган:. Мазкур ҳикоятларда ота-

шин муҳаббат эгаси бўлган Мажнун улуғланиб, ҳар қандай қийинчилик ва тўсқинликка қарамай, севгига содиқ бўлиб қолишлик ғояси илгари сурилади. Лекин Навоийнинг буюклиги ҳам шундаки, у фақат ишқ-муҳаббатга берилиб, ташқи муҳитни, жамиятни унутиб қўювчи баъзи бир «ошиқи шайдо»ларни ёқламайди. Унинг фикрича, муҳаббат жамиятга бирор фойда келтириши, унинг олға қараб боришига ёрдам берувчи асосий омиллардан бири бўлиши керак. Шу жиҳатдан шоирнинг «Арасту ва унинг шогирди» ҳикояти алоҳида аҳамият касб этади. Арасту (Аристотель) ўзининг кўп сонли шогирдлари орасида биттасига жуда катта мехр қўйган эди. Қелажакда уни Искандар (Александр Македонский)нинг энг яқин маслаҳатчиларидан бирига айлантиришни орзу қиларди. Зеҳни кучли бўлган шогирд тез орада Афлотун (Платон)лар қаторидаги бир файласуф бўлиб етишди. Аммо… кунлардан бир кун шогирд бир маҳбубага кўнгил қўяди ва ўзининг ҳикмат бобидаги машғулотларини тарк этади. У ўз дилдорига эришмоқ учун анча машаққат чекади ва ниҳоят ниятига етади. Йигит қалби қиз ишқига шунчалик ром бўладики, у ҳатто эртадан кечгача уйдан чиқмай, айш-ишрат билан машғул бўлади. Устоздан сабоқ олиш эса унинг ҳаёлига ҳам қелмайди. Арасту шогирдининг бу ишидан чуқур изтироб чекади, уни тўғри йўлга қайтариш учун кўп насиҳатлар қилади, аммо буларнинг бари бефойда бўлиб чиқади. Натижада, ҳийла ишлатишга мажбур бўлади. У бир кун яширин тарзда йигит маъшуқаси овқатига дори қўшиб қўяди. Гўзал қиз бундан қаттиқ касалликка чалинади. Йигит даво излаб ҳар тарафга югуради, лекин топа олмайди. Охири, ноиложликдан устозига мурожаат қилади. Маслаҳат истаб келган шогирдга Арасту «Сен Искандар хизматига бор, мен эса ёрингни даволашнинг иложини қиларман», дейди. Йигит кўнади. Арасту қизга бошқа хил дори бериб, ичишни буюради. Қиз уни ичгач, аввалги дори ва у вужудга келтирган турли балғамларни қайтариб ташлайди. Арасту ўз хизматкорларига у қайт қилган нарсаларни бир сақлаш ҳақида кўрсатма беради. Қиз ўлим хавфидан халос бўлган бўлса-да, бироқ оғир дард унга ўз асоратини қолдирган эди. У жуда сўлғин ва рангпар бир ҳолатда. Йигит кечқурун хизматини ўтаб, уйга қайтиб келади:

Киргач, истар эрди шўхи дилкаши,
Кўрдиким ётмишгириҳи нохуши.
Тонимой деди: - «Менинг ёрим қани?
Сарв бўйлуқ лола рухсорим қани?»

Шу пайт хонага кирган Арасту хизматкорларига қиз қайт қилган идишни олиб келишни буюради ва шогирдига уни кўрсатиб, сен ошиқу девона бўлган нарса шулар эди, керак бўлса ол, дея киноя қилади. Йигит гап нимада эканлигини фаҳмлаб, устози олдида хижолатда қолади. Ҳикоя Арастунинг қуйидаги сўзлари билан тугайди:

Деди: - «Эй фарзанд, кўрдум эҳтиёж,
Йўқ анга, билким - санга қилдим илож.
Сен доғи ошиқсену маҳбубинг ул,
Зору шайдо айлаган матлубинг ул.
Бўйла ошиқликдин, эй олуда зот,
Пок ишқ аҳли қошиндадур уёт!»

Шубҳасиз, достондаги ишқ-муҳаббат мавзуига бой асарлар ичида энг яхшиси шайх Санъон ҳақидаги ҳикоятдир. Гарчи Навоий бошқа шеърий ҳикоятлар қатори мазкур асарни ҳам «ҳикоят» деб атаса бўлади, лекин бу асар ўз ғоявий-тематик мазмуни, ҳажми, композицион тузилиши, айниқса, шайх Санъон образини ҳар томонлама баркамол яратилиши билан бошқа ҳикоятлардан фарқ қилади. Шу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни бемалол қисса деб аташ мумкин. Маълумки, оташин севги соҳиби бўлмиш шайх Санъон ҳақидаги афсоналар Шарқ халқлари орасида анча қадимдан маълум ва машҳур. У ҳақдаги турли афсоналар ҳар хил халқ китоблари ва мажмуалар таркибида ўрин олган. Аммо бу ажойиб афсонани биринчи бўлиб назмга солиш шарафи Атторга насиб этди. Навоий достонида эса бу қисса Аттор асарида қарийб юз байт ортиқ, яъни беш юз ўн тўрт байтда иборат бўлиб, ўзининг кўпгина хусусиятлари билан ундан ажралиб туради ва оригинал асар ҳисобланади. Асарнинг бош қаҳрамони - шайх Санъон - ислом динининг коқ марказида шайхул-машойих(шайхлар шайхи, бошлиғи) лавозимида ишлайди. У тушида кўрган Рум шаҳрига бориб, у ердаги гўзал христиан қизини севиб қолади. Шайх муҳаббатини ошкор этганда қиз буни қабул этиш шарти ва икки журмона (жарима) бажариш лозимлигини айтади. Шайх ҳеч бир иккиланмай, у айтган шартларини бажаради: бутпарастлар маросимида хунидан кетгунча май ичади; мусулмон динидан воз кечиб, христианликни қабул этади; Қуръонни ўтга ташлайди; христианлик ҳирқаси, салласи ва тасбеҳини христиан кийимларига алмаштиради ва белига зуннор боғлайди. Сўнг жарима сифатида кечалари оташгоҳга ўт ёқади, кундузи эса чўчқа галасини боқади. Шундай қилиб шайх Санъон ишқ йўлида динидан ҳам, имонидан ҳам воз кечади. Шоир қисса бош қаҳрамони шайх Санъон характери, айниқса, унинг қалб диалектикасини чуқур психологизмлар орқали динамик равишда оча боради. Шу тариқа у кўрсатган буюк жасорат мантиқий жиҳатдан ҳар тарафлама асосланган ва ҳаётий кучга эга. Бу борада, айниқса, у билан муридлар ўртасида бўлиб ўтган диалог характерлидир. Гарчи қисса охирида шайх Санъон бир содиқ муриди ёрдами туфайли ўз динига қайтган ва Каъбага келиб, у ерда ўзининг аввалги мавқеини эгаллаган бўлса ҳам, умуман, бу образ китобхон кўз ўнгида ўз муҳаббати йўлида ҳеч қандай ғов-тўсиқларда қайтмайдиган мард ва танти ошиқ тимсоли сифатида бир умрга сақланиб қолади. Мазкур асарнинг яна бир муҳим томони бор: шоир қисса охирида лирик чекиниш ясаб, ўзининг шайх Санъон ишқидан қолишмайдиган шахсий муҳаббати ҳақида маълумот беради ва бу ҳақда махсус бир достон ёзмоқчи эканлигини қайд қилади. Ҳар ҳолда Навоий ўз севгиси тарихи ҳақида бир достон ёзишни ният қилиб, баъзи сабабларга кўра, уни амалга ошира олмаган бўлса-да, лекин биз, шоир бу ишни ўзининг лирикасида, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Шайх Санъон» ва бошқа асарларида маълум даражада бажарган эди, дея оламиз. Зотан, Алишер Навоий ўз қалбидаги энг нозик ҳисларини, шахсий муҳаббати қолдирган ёркин таассуротларни, ҳижрон дарди ва айрилиқ аламларини ушбу асарларга кўчиргани, шубҳасиздир. Достондаги муҳаббат мавзуига бағишланган айрим ҳикоятлар - халқ эртакларига хос фабуласи, ишқий эҳтиролар, севишганлар қалбида рўй берган ҳаяжон ва ўзгаришларни бутун нозиклиги билан тасвир этилгани билан ҳам жалб этади. Бу ҳол, хусусан, «Ҳайратда қолган ошиқ» ҳикоясида: яққол кўзга ташланади. Бу ҳикоя кўпчилик Шарқ эртакларида бўлганидек, романтик ва ярим фантастик воқеалар, сирли экзотика ва парадоксларга бой, шу билан бирга, содда услубда ёзилган қизиқарли ва ҳаяжонли бир асардир. Шундай қилиб, достон таркибига кирган севги темасида ёзилган ҳикоятларда инсондаги ишқ-муҳаббатнинг бениҳоя қудрати, жамиятдаги ўрни ва роли, ҳижрон алами ва

висол лаззати, ёрнинг нозу истиғносию ошиқнинг чеккан мислсиз азобидан тортиб, маъшуқанинг пинҳоний изтиробларигача зўр маҳорат билан тасвирланган. Муҳим ижтимоий масалалар хусусида баҳс этувчи бу асарлар ҳозирги кунда ҳам ўзининг тарбиявий-эстетик қийматини йўқотган эмас. Хулоса қилиб айтганда, «Лисон ут-тайр» достонидаги ҳикоятлар ўзларининг мавзу ранг-баранглиги, юксак ғоявий мазмуни ва бадиий баркамоллиги билан ажралиб туради. Бу асарларда шоир яшаб ижод этган жамият ҳаётининг турли томонлари, хусусан, ижтимоий муҳит ва инсон маънавий дунёсига оид кўпгина актуал проблемалар ўз аксини топган. Уларнинг кўпчилик қисми ўз ғоявий ва бадиий хусусиятлари билан Алишер Навоий ҳикоянавислик фаолиятидаги энг юқори босқични ташкил этади. Бу асарлар ўзбек адабиётида кичик эпик жанрлар тараққиётига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди.

«ЛИСОН УТ-ТАЙР» ПОЭТИКАСИГА ДОИР

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» достонининг майдонга келиши ўзбек классик адабиётини чуқур фалсафий мазмунли, ғоявий-бадиий юксак, жанр ва поэтик услуб жиҳатдан тамоман янги асар билан бойитди. Асар том маъноси билан Навоий бадиий даҳосининг оригинал қирраларини ўзида намойиш эттиради. Биз бу ўринда достоннинг бадиий хусусиятлари ҳақида сўз юритиб, шоирнинг асар композициясини тузиш, сюжет ва образ яратишдаги маҳорати, достонда қўлланилган айрим традицион тасвирий воситалар, асарнинг формал-поэтик хусусиятлари ва бадиий тили ҳақида баъзи мулоҳазалар билдирамиз.

1

Муайян сўз санъаткорининг бадиий маҳорати ҳақида сўз юритганда, аввало, унинг асар композициясини тузишдаги ўзига хослиги ҳақида тўхталиш мақсадга мувофиқ. Чунки у ёки бу муаллифнинг бу соҳадаги ўзига хослиги унинг бадиий маҳоратининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Маълумки, Алишер Навоий бадиий асар композициясини ишлашда жаҳон адабиёти миқёсида тенги йўқ сўз санъаткорларидан бири саналади. Хусусан, «Хамса» достонлари ва шоирнинг лирик мероси ғоявий-тематик жиҳатдан эмас, композицион жиҳатдан ҳам улкан воқеа бўлган эди. Бу фикрни шоирнинг «Лисон ут-тайр» достонига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Навоийнинг мазкур достон композициясини ишлашдаги маҳорати қуйидаги сифатларда яққол намоён бўлади: аввало, достон композицияси асарда илгари сурилган ғоявий мазмунни ўзига хос бадиий шаклда ифода этади. Шу жиҳатдан қушларнинг рамзий саргузаштларини тасвирловчи мажозий қисса ва унинг таркибида келтирилган турли-туман ҳикоятлар шоирнинг бош ғоявий ниятини мақсадга мувофиқ тарзда бадиий ифодалаш учун бўйсундирилган. Асардаги барча қисм ва эпизодлар ана шунга мос тарзда жойлаштирилган. Иккинчидан, достон композицион жиҳатдан Аттор достонидан ҳам кескин фарқланиб, Навоий унда «Мантиқ ут-тайр»да мавжуд, аммо ўз ғоявий мувофиқ келмовчи қатор эпизодларни ташлаб ўтган, ўрин алмаштирган, бошқача талқин қилган ёки янги эпизод ва образлар киритган. Натижада, композициядаги парокандалик ва мақсадга мувофиқсизлик бартараф этилган, яхлит ва мантиқ қоидаларига тўла берадиган ўзига хос композицион силсила яратилган. Учинчидан, «Лисон ут-тайр» ғоявий-тематик жиҳатдан кўп қиррали ва ранг-баранг бўлгани сабабли шоир асарда турли-туман композицион воситалардан усталик билан фойдаланади (воқеанинг эпик тасви-

ри, қисса ичида ҳикоя келтириш, савол-жавоб, мунозара приёмлари, лирик ва фалсафий-дидактик чекинишлар қўллаш ва ҳ.к.). Бу ўринда достон композициясини ишлашдаги шоир маҳоратининг муҳим қирраларидан бири сифатида асарда қуш тили ва умуман, қушлар билан боғлиқ турли тушунча ва ҳолатлардан Навоийнинг моҳирлик билан фойдаланганлигини алоҳида қайд қилиб ўтишга тўғри келади. Навоий достоннинг барча қисмларида қуш тили ва қушлар билан боғлиқ тушунчалардан кенг ва унумли фойдаланган. Масалан, достон «жон қуши» ибораси билан бошланади:

Жон қуши чун мантиқи роз айлагай,
Тенгри ҳамди бирла оғоз айлагай.

Анъанавий ҳамднинг бу ибора билан бошланиши алоҳида латофат бағишлаш билан бирга, унинг тили воситасида ёзилган асар эканлигини ҳам билдириб турибди. Шунингдек, Навоий анъанавий меърож (сарлавҳаси ва мазмуни) ҳамда асосий қиссага пролог вазифасини ўтовчи Аттор ва унинг «Мантиқ ут-тайр» достони ҳақидаги бобда ҳам қушлар билан боғлиқ тушунчаларии ишлатади. Шоир қолипловчи қиссани бошлашдан олдин яна қуш тили воситасида қуйидаги сатрларии битади:

Уйла қушлар нутқини изҳор этай,
Булбулу тўти киби гуфтор этай .

Достоннинг хотима қисмида ҳам қуш тилидан кенг фойдаланилган. Чунончи, Навоий ўзининг Атторга муносабати ҳақида қуруқ тавсиф ва таърифга Қақнус қуши ҳақида ажойиб ривоят келтиради: устозига бўлган юксак ҳурматини ана шу тарзда образли ифодалайди. Ҳатто айтиш мумкинки, достоннинг одатда анъанавий мақтовлардан иборат бўлувчи ҳукмдорга мадҳи қисмида ҳам шоир оригинал йўл тутиб:

Бас қилиб ҳамду дуосин ибтидо,
Айлайин қушлар тили бирла адо.

деган сўзлар билан ҳукмдор (Султон Ҳусайн) мақтовини қуш тили воситасида келтиради ва шу ерда бу услуб воситасида чуқур халқчил фикрларни баён қилади.

Адли бўстонида юз хайли туюр,
Кўрмасинлар зулм тошидин футур.

Достон таркибидаги лирик чекинишлар характер мазмун ва моҳият жиҳатдан хилма-хил. Жумладан, етти водийга бағишланган муножотларни ўзига хос фалсафий чекинишлар тарзида баҳолаш мумкин. Бошқа туркумдаги лирик чекинишлар эса муаллифнинг асар қаҳрамонларига бўлган муносабатини ифода этади. Мисол учун Мажнун ҳақидаги ҳикояда Навоий оташин муҳаббат соҳиби бўлган Қайс образини шундай лирик чекиниш қилади:

Ишқ ўти сўзига маҳрум эт мени,
Ваҳдати ишқ ичра маъшуқ эт мени...

Ишқ аро Фонийни нобуд айлагил,
Сўнгра ишқинг бирла мавжуд айлагил.

Бу ўринда фалсафий мулоҳазалардан ташқари муаллифнинг ҳикоя қаҳрамони Қайсга бўлган хайрихоҳлиги ҳам очиқ сезилиб турибди. Бу хил чекинишлар «Асмаъий ва мурид», «Шайх Абу Саид Абул Хайр», «Намруд ва Ҳалил» каби ҳикоятлар сўнгида ҳам мавжуд. Улар мазкур асарларнинг мазмунини тўғри тушуниш ва шоирнинг асар қаҳрамонларига муносабатини аниқлашда ёрдам беради.

Достон композициясининг ўзига хос яна муҳим хусусиятларидан бири унда «қиссадан ҳисса» приёмининг борлиги билан белгиланади. Бу композицион приём Шарқ адабиётида жуда кўп қўлланилган. Унинг классик намуналарини «Қалила ва Димна» масалларида, Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстоң» асарларида учратиш мумкин. Бу приёмдан Алишер Навоий ўз асарларида ўринли фойдаланган. Бу ҳолат айниқса «Лисон ут-тайр» ҳикоятлари сўнгида ёрқин сезилади. Масалан, «Хасис кишининг ўлими» ҳикоясида ўз ҳаётини олтин-кумуш йиғишга бағишлаган зиқна одам образи чизилиб, унинг ҳаёти фожиали ўлим билан тугайди. Муаллиф юз берган ҳодисадан шундай хулоса чиқаради:

Сийимдин етти бу офат жонига,
Тушти яғмо маҳзани пинҳонига.
Сийим йиғмоққа натижа бўлди бу,
Сен онинг савдосидин илкингни ю (в).

Бу дидактик хулоса қанчалик ибратли бўлса, бадиий жиҳатдан ҳам шунчалик кўркамдир. Хусусан, охирги мисрадаги «илкингни юв» ибораси байтга ўзига хос гўзаллик бағишлаб, хулосанинг халқчил чиқишини таъминлаган. Бу хилдаги «қиссадан ҳисса» чиқаришнинг ажойиб намуналари достондаги «Риёкор қаландар», «Масхарабоз ҳинди», «Сохта ошиқ», «Ганж ахтарган девона» каби ҳикоятлар таркибида ҳам мавжуд. Навоийнинг бадиий асарда конфликт ҳосил қилиш маҳорати, айтиш мумкинки, бу асарда ўзига хос тарзда намоён бўлган. Достон қолипловчи сюжетида конфликт турли-туман кўринишларда зуҳур этадн. Достон кескин драматик эпизод - қушларнинг ўрин талашмоқ воқеаси билан бошланиб кетади. Асар конфликти ҳам ана шу эпизод билан боғлиқ ҳолда келиб чиқади. Бу конфликт қушларнинг йўлдан бош тортишлари тарзида ривожланиб, кейинчалик улар билан йўл машаққатлари ўртасидаги мардонавор кураш шаклида давом этади. Бу асар конфликтининг зоҳирий кўринишидир. Аслида эса у достон ғоявий мазмуни билан узвий боғлиқ ҳолда инсондаги ижобий ва салбий хусусиятларнинг кураши маъносини билдиради. Бинобарин, достон конфликти икки формада (ташқи ва ички) намоён бўлган ва чуқур ижтимоий моҳиятга эга. Бу мазкур асарнинг мажозий хусусияти билан изоҳланади. Конфликтнинг драматизм асосига қурилганлиги асардаги барча эпизод ва образларнинг драматик планда акс эттирилганлигидан далолат беради. Шуни ҳам қайд этиш мумкинки, Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида драматик асарларга хос кўпгина хусусиятлар мавжуд. Шоир асар композициясини гўё саҳна асарлари талабларинн ҳисобга олиб тузгандек кўринади. Зотан, воқеалар саҳнада рўй бераётгандек кескин драматик коллизиялар ва конфликт асосида ривожланади. Шоир драматик асарларга хос приёмлар (савол-жавоб, диалоглар, мунозара в.б.) дан худди саҳна асарларида бўлгани каби соф ҳолда (муаллиф баёни, эпик тасвирдан

холи) усталик билан фойдаланади. Бу ҳолат, бизнингча, «Лисон ут-тайр» композицияси ва бадиий-поэтик услубнинг ўзига хос хусусиятларидан бирини ташкил этади.

Достон сюжетининг кульминацион қисми Симурғни излаган ўттизта қушнинг Симурғ ўрнида ўзларини кўриш воқеасида ифода этилган. Бу эпизод достон сюжетининг ечими ҳамдир. Навоий бу эпизодни юксак даражадаги поэтик маҳорат ва сўз ўйини (тажнис санъати: Симурғ - ўттизта қуш (си мурғ) воситасида гавдалантирган.

Юқоридаги мулоҳазалар Навоийнинг композиция ва сюжет яратишдаги маҳорати мазкур асарда ўзининг янги қирралари билан намоён бўлиб, шоирнинг бу соҳадаги поэтик талантининг янги сифатларини мужассам этади, деган хулоса чиқаришга асос беради.

2

Сўз устасининг маҳорати кўп жиҳатдан бадиий адабиётнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланган образ яратишда, инсон образини қай даражада тасвирлашда кўринади. Шу жиҳатдан «Лисон ут-тайр»га мурожаат қилинганда Навоий бу соҳада ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритганлиги маълум бўлади. Албатта, образ яратиш соҳасида Навоий асарларига ҳозирги талаблар, хусусан, реалистик адабиёт талаблари нуқтайи назаридан ёндашиб бўлмайди. Бу борада ўзбек классик адабиёти ва умуман. Шарқ адабиётининг ўзига хос специфик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. Навоий асарларида романтик тасвир билан реалистик элементлар ёки мажозий, фантастик ва символик тасвирлар қўшилиб, уйғунликда келиш ҳодисаси мавжуд образ яратиш принципларида ҳам юқори бўлганидек, Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони турли-туман образларнинг бутун бир арсеналидир. Достонда шоир ўз ғоявий мақсади ва эстетик идеалидан келиб чиқиб, романтик, реалистик, мажозий ва символик образларнинг ҳар хил намуналарини яратган. Бу ўринда уларнинг барчаси ҳақида сўз юритиш имкониятидан ташқари бир ҳол эканлигини ҳисобга олиб, шоирнинг образ яратиш соҳасидаги бадиий маҳоратининг баъзи қирралари ҳақида фикр юритишни маъқул кўрамиз. Достоннинг образлар системаси билан танишиш жараёнида Навоий мазкур асарда ўз ижодига хос анъаналарни давом эттириб, ўзбек эпик шеъриятининг образлар галереясини кенгайтириганлиги ва унга қатор янги хусусиятлар бахш этилганлиги маълум бўлади. Бу хусусиятлар, асосан, қуйидагилардан иборат: биринчидан, Навоий достонда ўзбек эпик шеъриятининг образлар дунёсини янги типдаги образлар билан бойитди. Бу фикр даставвал асарнинг асосий персонажлари ҳисобланган қушлар образига тааллуқли. Навоийга қадар ўзбек адабиётида қушлар образининг айрим намуналари мавжуд бўлса-да, лекин бу ҳол биринчи марта «Лисон ут-тайр»да кенг масштабда бўлади. Навоий қушлар образига муайян инсоний фазилатлар ато этиб (жонлантириб), бадиий шартлиликнинг бу қоидаси асосида қатор янги мажозий образлар яратди. Улар ўзбек шеърияти хазинасига янги дурдоналар бўлиб қўшилишдан ташқари шоирни мажозий образ яратишнинг мислсиз намояндаларидан бири сифатида ҳам гавдалантириб туради. Иккинчидан, «Лисон ут-тайр»да қаламга олинган кўпгина масалалар реал ижтимоий заминга асосланган бўлиб, XV асрнинг иккинчи ярмидаги Ўрта Осиё ва Хуросонда мавжуд маънавий-ахлоқий вазиятни тасвирлашга бағишланади. Бу эса шу муносабат билан яратилган образларнинг реалистик моҳият касб этишига олиб келган. Бу мулоҳаза достондаги кўпчилик ахлоқий-таълимий ҳикоятларга тегишли. «Лисон ут-тайр» ҳикоятларидаги образлар ўзларининг бу хусусняти билан Навоий «Хамса»сидаги ҳикоятлардан жиддий фарқ қилади, «Хамса» ҳикоятларидаги

асосий образлар анъанавий бўлиб, шоир уларни ўз ғоявий мақсадига мувофиқ қайтадан яратади.

«Лисон ут-тайр»да эса традицион образлардан ташқари реал ҳаёт кишилари образи яратилган ҳикоятлар ҳам талайгина. Учинчидан, мазкур асарда Навоийнинг сатирик сифатидаги таланти ўзининг янги сифатларини юзага чиқарган. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, Навоий асарда сатирик ва юмористик образларнинг ўзига хос такрорланмас намуналарини бера олган. Бу шоирнинг шу хилдаги образ яратиш соҳасида кўрсатган бадиий маҳорати ҳақида етарли далил бўлишга хизмат қила олади.

Тўртинчидан, мазкур асарда ўзбек адабиёти миқёсида тамоман янгилик бўлган трагикомик образларнинг гўзал намуналари учрайди. Навоийнинг кичик ҳикоятлар доирасида моҳирлик билан чиза олган бу образлари образ яратиш борасидаги алоҳида муваффақияти бўлибгина қолмай, унинг ўз ижодидаги образ яратиш принципларини янги хусусиятлар билан бойитиб, чуқурлаштириб ва такомиллаштириб борганлигини ҳам кўрсатади. Юқоридаги мулоҳазалар фонида Навоийнинг образ яратиш маҳоратига оид айрим қайдлар билдирамиз. Аввало, Навоий достонда турли-туман образларнинг намуналарини бериш билан бирга, уларни маълум даражада индивидуаллаштиришга ҳам ҳаракат қилган. Бу уларни бир-биридан ажратиб турувчи муҳим воситадир. Бу хусусият, асосан, қаҳрамонларнинг ҳаёт тарзлари, ташқи қиёфалари, қилган ишлари ва қилмиш қидирмишлари тасвирида очилади. Баъзи ҳолларда уларнинг нутқларини ҳам маълум даражада индивидуаллаштиришга эришилган. Масалан, қушларнинг нутқлари уларнинг ҳар бирида мавжуд хусусиятларга мос ҳолда берилган. Агар Қумри узрида ожизлик, заифликдан шикоят оҳанги устун турса, Қарчиғай, Бургут узрларида мағрурлик, гердайиш оҳанглари мавжуд ва ҳ.к.

Масалан, «Хасис кишининг ўлими» ҳикоясида шон қаҳрамоннинг зиқналигини ўзига хос йўсинда очиб берган. У шу даражада ўта кетган хасиски, йиққан кумушларини еру кўкка ишонмайди. Унинг олтин-кумушларни киядиган тўни орасига қўшиб тиккани шундан далолат беради. Ана шу биргина детал-«тўн деталининг ўзиёқ хасис кишини характерлаш учун кифоя. Муҳими шундаки, ҳикоя қаҳрамони хасислик кўрсатишда қанчалик «юксакликка» эришган бўлса, маънавий жиҳатдан шунчалиқ тубандир. Негаки, у олтин-кумуш тикилган тўнни ўз «танига қувват, жонига сиҳат» деб билади:

Ким булардандур манга тан қуввати,
Ўйлаким тан қуввати, жон сиҳҳати.

Кўринадики, Навоий кишини характерловчи «тўн» деталини бежиз келтирмаган. Балки шу оригинал деталь воситасида ҳикоя қаҳрамонининг ички дунёсини ўзига хос тарзда бадиий очиб берган. Бу хил приём, яъни образни индивидуаллаштириш, унинг маънавий қиёфасини бўрттириб кўрсатиш учун деталдан ўринли фойдаланиш «Лисон ут-тайр» таркибида кўплаб учрайди. Албатта, бу хил индивидуаллаштириш фактининг мавжудлиги Навоий бадиий маҳоратини кўрсатиб турса-да, шоир ижодида у билан боғлиқ санъатга хос типиклаштириш қонуниятининг акс этганлигини билдирмайди. Бадиий асарда портрет чизиш образнинг маънавий қиёфасини ёрқин кўрсатувчи муҳим усулдир. «Лисон ут-тайр»да бу соҳада ажойиб муваффақиятлар қўлга киритилган. Хусусан, достонда қушларнинг ўзига хос «портрет»лари (агар шундай дейиш жоиз бўлса) моҳирлик билан чизилган. На-

воий қушлар ва Ҳудҳуд мунозараси эпизодида ҳар бир қушнинг ўзига сўз бериб, уларнинг ўз тилидан ташқи қиёфалари, шакли-шамойили ва турмуш тарзи ҳақидаги характерли томонларни гавдалантира олган. Мисол учун шоир Қарчиғай қушини тавсифлар экан, аввал унинг чангал ва минқори (тумшуғи)ни, кейин ов қуши эканлиги ва шоҳлар қўлларида кўтариб юришини - яъни ўша қушга хос муҳим белгиларни унинг ўз тилидан таърифлаб беради ёки Бургут узрида унинг тоғларда яшашлиги, савлати йирик, қаҳри ёмонлиги ва шу каби унга хос хусусиятлар ифодаланган.

Савлатим муфритдуру қаҳрим ёмон,
Тоғ мулки ичра менмен қаҳрамон.
Неча каклик тўъмадур ҳар кун манга,
Бўлмаса бу уйқу келмас тун манга…

Достондаги бошқа қушлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Қизиғи шундаки, асарда ҳар бир қуш ўз исми ва жисмига мос равишда гапиради. Натижада, китобхон кўз ўнгида ҳар хил тус, қиёфа ва характердаги қушлар бирин-кетин намоён бўлади. Бу шоирнинг қушлар образини яратишдаги ўзига хос алоҳида маҳоратидир. Достонда ташқи кўриниши билан амалий фаолияти бир хил бўлмаган қаҳрамонларнинг портретлари ҳам йўқ эмас. Жумладан, ҳийлакорлик билан кун кечирувчи сохта қаландарнинг қиёфаси қуйидагича берилган:

Зарқ учун эгнида далқи Хизрваш,
Лек ёшил барг бирла нафси хуш.

Бу мунофиқ киши ўзининг айёрлигини қаландарлар кийиб юрадиган яшил либос орқали яширмоқчи бўлади. Ҳолбуки, қаландарлик ҳирқасини кийган киши ўзини ҳар қандай ҳаром ишлардан четга тортиши керак. Қаҳрамон эса бунинг акси. Унинг қилган разилона ишлари ташқи либосига зиддир. Навоий қаҳрамоннинг портретини ҳаракатда, турли вазиятлар фонида, унинг психологик кайфиятига муносиб ҳолда чизиб беради. Мисол учун «Шайх Санъон» ҳикоясида шоир ташқи қиёфасига батафсил характеристика бермай, балки унинг портретини айрим штрихлар орқали йўл-йўлакай бериб боради. Бу ҳол христиан қизининг унга айтган киноялы сўзларида («чун санг тўқсону юзга етти ёш, ҳам қари демак бўлур, ҳам сен ёш», «оқ соқолингдин уётинг йўқмудур»), ўз динидан воз кечиб, бошқа эътиқодни қабул қилаётган пайтларда, (тўн, салла, тасбеҳ ва ридосини христианлик кийимларига алмаштириши в. б.) айниқса, ёрқин сезилади. Навоий инсон психологиясини чуқур билган, уни мураккаб ички дунёсини барча зиддиятлари билан ифода этишга интилган санъаткордир. Бу, айниқса, шоирнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» достонларда бўртиб кўзга ташланади. Мазкур анъанага Навоий «Лисон ут-тайр»ни ёзиш жараёнида ҳам содиқ қолган. Достон қолипловчи қиссасидаги айрим эпизодлар асар таркибидаги баъзи ҳикоятлар, хусусан, «Шайх Санъон» қиссаси ўзининг психологик тасвирга бойлиги билан ҳам ажралиб туради. Мисол учун охирги водийга келиб, умидлари сароб бўлиб чиққан ўттиз қушнинг руҳий ҳолати қуйидаги таъсирли сатрлар ёрқин чизилган:

Дедилар: – «Меҳнатларимиздин дариғ,
Тортқон шиддатларимиздин дарир!…

Ҳайф бунча сайъ ила умидимиз,
Орзуйи давлати жовидимиз,
Бор эканму биз киби маҳзун гуруҳ,
Орзую саъйдин мағбун гуруҳ».

Ушбу тасвир кутган мақсади амалга ошмаган ўттизта қушнинг қалб нидосидир. Гарчи Аттор ва Навоий достонларида ҳам ўттизта қуш образи мавжуд бўлса-да, уларда мазкур воқеадан келиб чиқадиган бундай психологик ҳолатни тасвирлаш кўзга ташланмайди. Навоий достонида эса у сюжет эволюцияси билан узвий боғлиқ бўлиб, воқеаларнинг умумий ривожидан келиб чиқувчи мантиқий заруратдир. Достонда қаҳрамонларнинг маънавий бойлиги ёхуд қашшоқлиги, хулқ-атвори, ўйлари ва ички кечинмалари психологик жиҳатдан чуқур асослашга ҳаракат қилинади. Масалан, Мажнун ал-ҳақ ҳақидаги ҳикоятда шоир қаҳрамон характеридаги чапанилик, тезконлик хусусиятларини очиш учун аввал шунга мос психологик ситуация яратади, кейин Мажнун ал-ҳақнинг руҳий кечинмалари ва унинг худога қилган густоҳлигини акс эттиради. Шу туфайли асардаги ҳар бир эпизод қаҳрамон ҳаракати ва характерини психологик жиҳатдан мантиқий асослашга хизмат қилади. Шунга биноан биринчи қарашда оддий латифага ўхшаб кетувчи мазкур асар чуқур психологик тасвирнинг мавжудлиги билан ўзбек классик ҳикоячилигининг ноёб дурдоналаридан бирига айланган. Агар Мажнун ал-ҳақ ҳақидаги ҳикоятда психологик тасвир юмористик планда акс эттирилган бўлса, «Шайх Санъон» ва «Ҳайратда қолган ошиқ» ҳикоятларида гуманистик функцияларда актив қўлланилади. Мисол учун «Шайх Санъон» қиссасида Шайх кўрсатган буюк жасорат, ишқ туфайли унинг бошига тушган мислсиз азоб-қаҳрамон руҳий дунёси орқали акс эттирилганки, бу ҳолат мазкур асарнинг ниҳоятда жозибали чиқишига олиб келган. Қиссада психологик тасвирнинг ажойиб намуналарини Шайх ва унинг муридлари ўртасида бўлиб ўтган кескин диологларда, Шайхнинг христиан қизи билан учрашган пайтлари, унинг ўзга динга кираётган ҳолатдаги кайфиятлари тасвирида учратамиз. Қиссадаги психологик тасвир бош қаҳрамоннинг ўта романтик саргузаштларини маълум даражада ҳаётий бир тарзда кўрсатибгина қолмай, асарга юксак инсоний пафос ҳам бахш этади. Кўринадики, Навоий «Лисон ут-тайр» достонида образ яратиш борасида ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритган, достондаги образлар ўзларининг ўзбек эпик шеърияти учун янгилик ва қатор оригинал фазилатларга эгакликлари билангина эмас, санъаткор қалами остида жонли, ҳаққоний ва эсда қоларли даражада тасвирланганликлари билан аҳамият касб этади.

«Лисон ут-тайр» достонининг ғоявий юксак, бадиий жиҳатдан ва эмоционал чиқишида анъанавий тасвирий воситаларнинг роли жуда катта. Муҳими шундаки, Шарқ поэтикасида амалда бўлган бадиий тасвирий воситаларни мазмун талабига бўйсундиради, бинобарин, асарда қўлланилган тасвирий восита ва приёмлар шаклбозлик учун эмас, балки мақсадини аниқ ва ёркин жиҳатдан гўзал ифодалаш учун хизмат қилади. Навоийнинг анъанавий тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳорати ҳақида иш олиб борган мутахассислардан Мақсуд Шайхзода, А.Рустамов ва Ё.Исҳоқовлар тўғри қайд қилганларидек, шоир турли бадиий воситаларни қўллашда уларни мазмунини чуқур очишга сафарбар қилиб, кўпгина янгиликлар кашф этади, улардан янги функцияларни ифода этишда актив фойдаланади. Маълумки, бадиий-тасвирий воситалар «фикрни равон ва нафис ифодалаш йўллари ва воситалари, бадиий санъатлар(приёмлар, воситалар)нинг турлари ҳамда хусусиятлари

каби муҳим масалаларни ўз ичига олувчи» илми бадеънинг муҳим томонини ташкил этади. Навоий ўз асарларида мазмунни образли ва таъсирли ифодалайдиган, фикрни бўрттириб, уни равшанлаштирадиган, оҳангдорлик ва мусиқийликни таъминлайдиган маънавий, лафзий ва ҳарфий санъатларнинг турли-туман шаклларидан (улар классик поэтикада юздан ортиқ саналади) моҳирлик билан фойдаланган. Бу ўринда уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил имкони йўқлигини ҳисобга олган ҳолда (зотан, бунинг ҳожати ҳам йўқ), шоирнинг баъзи санъатларини тасвирлашдаги маҳорати хусусида «Лисон ут-тайр» материаллари мисолида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

III

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, достонда мажоз санъатидан кенг истифода этилган. Достон қолипловчи қиссасининг мажозий характерда бўлгани ва ундаги асосий персонажларнинг қушлар эканлиги шундан далолат беради. Навоий бу санъатни турли мақсадларда қўллаган. Гоҳ достонда соф фалсафий тушунчаларни ифодаловчи мажозий образлар учраса, гоҳо мажоз қушлар образи мисолида жамиятдаги ҳар хил кишиларнинг аллегорик образини ифодалаш вазифасида ишлатилади. (Достондаги конкрет қушлар образи бунга мисол. Бу ҳақда ишнинг иккинчи бобида тўхталдик.) Интоқ санъатига кўра табиатдаги жонли ва жонсиз предметларга нутқ берилади, улар инсонлар каби гапирар ва фикр юрита оладилар. Навоий ҳам бу санъатни қўллаб, қушларга тил ато этган, натижада улар худди одамлардек ўзаро сўзлаша оладилар, бир-бирлари билан баҳс ва мунозарага киришадилар, савол-жавоб қиладилар. Қайд этилганидек, Навоий қушларга нутқ ва уларнинг ҳар бирига хос белги ва сифатларни ҳисобга олган. Шу туфайли бир қушнинг нутқи иккинчисиникига ўхшамайди. Шундай қилиб, мажоз, ташхис ва интоқ санъатлари асосида, уларнинг узвий бирлигида шоир борлиқ ва инсон ҳақидаги муҳим фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашларини образли ифода этади. Ташбеҳ (ўхшатиш) санъати талабига кўра икки ёки ундан ортиқ нарса, ҳодиса ва хусусият ўртасида мавжуд алоқа ёки умумийлик ўзаро қиёсланиш асосида белгиланади ва шу тарзда тасвир объектининг айрим хусусияти чуқур очиб берилади. Шу орқали муаллиф тасвир объекти ёки предметнинг муҳим хусусиятларини образли бўёқларда кўрсатиши, унга бўлган симпатияси ёхуд антипатиясини ифодалаши мумкин. Масалан, «Лисон ут-тайр»нинг хотима келтирилган Қақнус ҳақидаги ривоятда Навоий устози Фаридиддин Атторни Қақнусга, ўзини эса унинг ўғли – Қақнус болага қиёс қилади. Ўхшатишлар силсиласи (ташбеҳи мусалсал) давом этиб, шоир ўта камтарлик билан Атторни шоҳ, ўзини эса унинг бандаси – қулига нисбат беради:

Шайх гўё келди аввалғи тайр,
Қим наво ичра қилиб умрида сайр...
Мен демонким ул отодур, мен ўғул,
Ул шаҳи олий сифат, мен- банда, қул.

Бу ажойиб ўхшатишлар Аттор ва Навоий ўртасидаги ижодий муносабат ва Навоийнинг ўз устозига бўлган чуқур ҳурматининг образли ифодасидир. Достонда муайян ҳолатни янада бўрттириб тасвирлаш билан боғлиқ ташбеҳлар ҳам учрайди. Чунончи,«Шайх Санъон» қиссасида христиан қизига кўзи тушган Шайх ҳушини тарк этиб, ерга йиқилаётган пайтда

ҳассага суянади. Шоир бу ўринда Шайх гавдасини уйга, ҳассасини эса уй устунига қиёс қилади. Натижада, образли тасвир юзага келган:

Бўлмиш эрди жисми туфроққа нигун,
Бир дам ул уйга асо бўлди сутун.

Достон таркибида тазод санъатининг оригинал намуналарини учратиш мумкин. Бу санъатнинг асоси ўзаро зид тушунчаларни қаршилантириш ташкил этади. Навоий мазкур турли мақсадларда қўллаган. Масалан, Товус қушининг ҳаддан ташқари гўзал ташқи кўринишга эга эканлигини унинг тилидан айтилган қуйидаги сўзларда тазод санъати оркали ниҳоятда содда ва тушунарли ифодалаб берган:

Боғ аро мендин ҳазонда бўстон,
Бешада мендин қиш ичра гулистон.

Бу ўринда хазон-бўстон, қиш-гулистон каби қарама-қарши маъноли сўзлар воситасида оригинал тазод юзага чиққан. Баъзан фикрни образли ривожлантириш мақсади шоир бошданоёқ тазод қўлланган байтлар ҳам битади. Масалан, Истиғно водийсининг тавсифи қуйидаги тазодли байтларда берилган:

Етти дарё онда бир қатра матар,
Етти кўк хашхош чоғлиқ мухтасар.
Етти дўзах онда бир учқун киби,
Секкиз учмоғ онда бир шудрун киби.
Мўрларға тўъма онда барча шер,
Пашшаси пил овламоққа бас далер.
Кишвар узра шоҳи қаҳрамон
Бир гадо онда ҳамону ул ҳамон.

Бу хил тазодлар муболаға (бўрттириш) (кичрайтириш) санъатлари билан уйғунликда келиб, муайян фалсафий мазмунни ифода этмоқда. Достонда шоир ижодида кўп қўлланиладиган анъанавий тазодлар билан бирга, янги тазодлар ҳам учрайди. Масалан, шоир бир ўринда капалакни қарама-қарши қўйиб (контекстуал тазод), қуйидаги ҳаётий ҳикмат яратган:

Дема раънолар иши фарзоналиқ,
Қўпалак ҳадди эмас парвоналиқ.

Асарда яхши-ёмон, васл-ҳажр, афтол-зол, хурши зарра, жон олиш-жон бериш, ўлик-тирик, хор-гул, зиён-суд, афлок-хошок, қўйи-юқори, сарву гул-хорхас, ошкора-хафо (яширин) каби тазодли сўзлар, Намруд-Халил, Бухтуннаср-Нўширавон каби талмеҳли тазодлар шунингдек буд (борлиқ) (йўқлик), боқий-фоний, илоҳ-бут, менлик-сенлик, бирлик-иккилик, куфр-дин, вужуд-адам ва бошқа тазодли фалсафий тушунчалар кенг қўлланилган. Достон таркибида оддий муболағадан тортиб, итроқ (ўта муболаға) ва гулу (ақлга сиғмайдиган, имкониятдан ташқари муболаға) гача учратиш мумкин. Мана, характерли бир мисол;

«Паҳлавоннинг қисмати» ҳикоятининг қаҳрамони эрталаб ўн ботмон, кечқурун ҳам худди шунча, бу икки оралиғда яна беш ботмон, жами йигирма беш ботмон овқат ейди. Ақлга сиғмайдиган муболағали тасвир. Ҳикоятда бу муболаға бежиз келтирилмаган, Паҳлавон шунча кўп овқат ейишига қарамай, бирон фойдали иш билан шуғулланмайди. Шуниигдек, у фавкулодда рўй берган сафар азобларига бардош бера олмай, йўлда шармандаларча ҳалок бўлади. Бинобарин, паҳлавонга берилган муболағали характеристика унга зид келадики, бу образнинг кулгили чиқишига олиб келган ёки «Ҳайратда қолган ошиқ» ҳикоятида шоир шоҳ қизининг канизаклари ҳар қобил, қўлдан келмайдиган ишларни ҳам бажарувчи тадбиркор қизлар эканлигини қуйидаги ўта муболағали сатрлар воситасида тавсифлайди:

Чорагарликда муқаррар ҳар бири,
Соҳиру шўху фусунгар ҳар бири.
Макру афсун ғоятиға етгучи,
Пашша бирла пилни жуфт этгучи.
Уйлаким пашша ўзин кўрмай кичик,
Пил ўзин топмай улуғроқ жуссалик

Алишер Навоий улкан сўз сеҳргари сифатида байтлардаги айнан бир сўзни янги-янги маъноларда қўллайди. Бу классик поэтикада тажнис деб номланган. Тажнис санъатининг асосий талаби шаклдош сўз ва ибораларни турли хил маъноларда ишлата билишдир. Масалан, Навонй «Шайх Санъон» асарида «бир ой» иборасини икки маънода ишлатган:

Ҳар нафас бир ойдин ортиб меҳнати,
Бу эди бир ойға тегру ҳолати,

Аввалги мисрадаги «бир ой» ибораси маҳбубага нисбатан қўлланилган бўлса, иккинчи мисрада эса йилнинг маълум бир муддати - ой (30 кун) маъносида келган. Достонда қул, ғарқ, ёш, бут, қуш, кўз ва бошқа сўзлар воситасида тажнис ҳосил қилинган чиройли байтлар тажнисли қофиялар ҳам учраб туради. Қуйидаги байтда бир сўзни унинг ҳар хил грамматик формалари билан турли вариантда такрорлаш воситасида (иштиқоқ санъати) ажойиб сўз ўйини юзага келган:

Гоҳ беҳол эрди, гоҳ ўз ҳолида,
Лол ўлуб асҳоб анинг аҳволида.

Мазкур такрор Шайх Санъон ҳолатини психологик тасвирлашда қўл келган бўлса, унинг маҳбубаси томонидан айтилган қуйидаги сўзларда бошдан-оёқ такрор қўлланилиб, нозик киноя маъноси ҳосил қилинган:

Не ҳаё фаҳм ўлди сендин, не адаб,
Сен ажаб, деган сўзунг сендин ажаб.

Булардан ташқари достонда классик шеъриятда кенг қўлланилган тарсеъ, талмеҳ, лутф, ҳусни таълил, ружу,ийҳом, ирсоли масал, тамсил, истиора, таносиб ва бошқа поэтик санъатлар асосида яратилган байтлар ҳам учраб туради. Алишер Навоий йирик сўз устаси си-

фатида бир неча санъатни ўзида мужассамлаштирган байтлар ҳам ижод қилган. Қуйидаги мисолга диққат қилайлик:

Ҳар бирига зот эди оти киби,
Ул сифатким от эди зоти киби

«Муқбил ва Мудбир» ҳикоясидан олинган ушбу байт биринчи қарашда жуда оддий, содда бўлиб кўринади. Аммо ана шу «оддий» байтда бир неча санъат моҳирона қўлланган. Улар ирсоли масал (исми қабилидаги халқ иборасининг «зот эди оти киби» ташбеҳ (Муқбил ва Мудбирга монанд), мутаносиб (ҳар иккисининг оти муносиб), тазод (бу сифатлар бир-бирига тескари тарди акс (мисралардаги сўзлар ўзаро ўрин алмашиб қофияланган) ва ниҳоят зулқофиятайн (қўш кофия яратилган) каби санъатлардир. Бир байтда шунча санъатни моҳирлик билан қўллаш Навоий бадиий маҳоратининг ўзига хос томонларидан биридир. Бинобарин, Алишер Навоий бир ўзида оламжаҳон маъноларни гўзал бадиий шаклда ифодалай оладиган нуктадон шоир ҳамдир. «Лисон ут-тайр» арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф вазнида ёзилган. Унинг рукнлар парадигмаси қуйидагича:

Чун «Лисон ут-тайр» айладим,
Турфа қушлар бирла парвоз айладим.
Фоилотун-фоилотун-фоилун

Бу вазн, асосан, Шарқ классик достончилигининг фалсафий-дидактик йўналиши соҳасида қўлланилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг аруз ҳақидаги рисоласида Аттор «Мантиқ ут-тайр»и ва бошқа қатор достонлари, Румийнинг «Маснавийи маънавий», Жомийнинг «Соломон ва Абсол» достонлари мазкур вазнда ёзилганлигини қайд қилади. Албатта, бу вазннинг фалсафий-дидактик достончилик соҳасида қўлланилишининг хос сабаблари бор. Чунки у муаллифга фикрни равон ва содда, ҳаммабоп тарзда ифодалаш учун қулай имкониятлар яратиб беради. Зотан, фалсафий-дидактик достон ёзишдан кузатилган мақсад ҳам халққа фалсафий, маърифий ва ахлоқий-таълимий фикрларни тарғиб ва ташвиқ этишдир.

«Лисон ут-тайр» ўрта аср Шарқ достончилигида, жумладан, ўзбек классик эпик шеъриятида асосий ўрин тутган маснавий (иккилик) усулида қофияланган. Шоир классик қофия назарияси талабларига кўра, достонда, асосан, монорифма ва равийли қофиялардан фойдаланади. Асарнинг қофияланиш тартибида сакталик ва нуқсонлар сезилмайди. Қофиялар байтлардаги мазмунни ифодалашга хизмат қилувчи энг характерли оҳангдош сўзлардан таркиб топган. Улар мисра, байт ва байтлар орасидаги хушоҳанглик ва мусиқийликни таъминлаш, фикрни бир жойга жамлаш, шеър метрикаси ва ритмини юзага келтиришда актив роль ўйнайди. Аввало, шуни қайд қилиш керакки, Навоий қофия ишлатишда мазмунни очишга хизмат қилувчи образли сўзларни танлайди. Асарда қофия бўлиб келган сўзларнинг аксарият қисми жонли халқ тилидан олинган, китобхонга тушунарлидир. Шоир қофияда сўзнинг ҳар хил грамматик турлари (феъл, от, сифат, равиш в, б.) ва формаларини мазмун ҳис-ҳаяжон талабига биноан усталик билан олади. Достонда қатор оригинал ва ҳамма учун осон фаҳмланадиган қофиялар (қўлдасанг-йўлдаса, раънолиғи-зеболиғи, унутмоғлиғлари-тутмоғлиғлари, далил, овуч-елпувуч, яқин-чин, қойтингиз-ойтингиз ва б.)

санъаткорона қўлланилган. Алишер Навоий ўзбек классик адабиётида қофия радиф қўллаш санъатининг энг йирик усталаридан бир сифатида шуҳрат қозонган. Буни шоирнинг ўзи тарзида ёзган қуйидаги байтида ҳам махсус таъкидлаб ўтган эди:

Эй, Навоий, қилғали табъ аҳли шеър назм,
Назминг ўлди барчаға қофия, балким радиф.

Афсуски, Навоийнинг қофия қўллаш маҳорати айрим мақола ва мулоҳазаларни ҳисобга олмаганда, махсус тадқиқ этилмаган. Шеъриятнинг турли (жанр)ларида қофия қўллашнинг ранг-баранг товланишларини юксак санъаткорлик билан намойиш қила олган шоҳ маснавий (достон) жанри доирасида ҳам ўзгача маҳорат кўрсатади. Буни «Лисон ут-тайр»-дан мисоллар келтириш орқали маълум даражада кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Умуман, қофия қўллаш усулиңинг маснавий системаси қатъий бир қонуниятга асосланган сабабли ижодкорнинг бу соҳадаги имкониятини маълум даражада жиловлаб туради. Аммо йирик сўз усталари учун бу «чеклаш» тўсқинлик қила олмайди. Жумладан, Навоий мазкур достонда қофиянинг тўла, оч, ярим қофия каби асосий хиллари, шунингдек, қўш қофия, қофия тарсели қофия, ҳожибли қофия, радифли қофия ва бошқа мураккаб шаклларидан кенг ва ўринли фойдаланганлиги фикримизга далил бўла олади. Мисолларга мурожаат қилайлик. Қуйидаги байтда қўш қофия юзага чиққан:

Қимсага бу заъф мустаҳсан эмас,
Аҳли ишқ ул заъфни аҳсан демас

Классик поэтикада байтнинг ҳар иккала мисраси ўзаро оҳангдошлик ва қофиядошлик асосида тузилишни тарсеъ деб атаганлар. Қуйидаги байтда бу санъат тўла воқеъ бўлган:

Гоҳ матлубум ҳаробот аҳлидур,
Гоҳ марғубум муножот аҳлидур.

Қофиядош сўзлар баъзан мисраларнинг бошида, охирида келиши ҳам мумкин. Бу музорааъ санъати деб юритилган:

Оламедур ишқ, лекин бас васеъ,
Торамедур ишқ, лек асру рафеъ.

Гарчи маснавий байтлар таркибида ички қофия яратиш қийин санъат ҳисобланса-да, баъзи ҳолларда, Навоий бу хил қофияларни намунасини бера олган:

Ул эди дегон ўзи, бергон ўзи,
Базл аро сочқон ўзи, тергон ўзи.

Бу байтда ички қофиянинг кам қўлланиладиган мураккаб тури чор баҳра зуҳур этган. «Ўзи» сўзининг радиф сифатида тўрт марта такрорланиши байтга алохида оҳангдорлик бахш этиб турибди. Ижодкордан алоҳида маҳорат қиладиган тажнисли қофиялар бир неча ўринда учрайди.

Мисол:

Чун санга тўқсону юзга етти ёш,
Ҳам қари демак бўлур, ҳам сени ёш.

Биринчи мисрадаги «ёш» сўзи инсоннинг неча йил умр кўрганлигига алоқадор бўлса, иккинчи мисрада у киши дастлабки даври - ёшлик маъносини билдиради. (Шайх Санъон қиссасида христиан қизи оғзидан айтилган бу сўзлардаги тажнисли қофия кўзларида муҳаббат учқуни порлаган Шайхга нисбатан нозик киноя маъносини ифодалашда кўл келган. Баъзан тажнисли қофия радиф билан бирга келган:

Ҳам ўзи, ҳам ул ўтунлар кул бўлуб,
Юз туман жузв ул куярдин кул бўлуб.

Бу байтда биринчи мисрадаги «кул» сўзи кул (пепел), иккинчи мисрада эса кулл (бутун) маъноларида қўлланилган. Достонда «кўзи», «қуш» каби сўзлар воситасида ҳам тажнисли қофиялар яратилган. Булардан ташқари асарда маълум даражада қофия билан боғлиқ мураккаб поэтик санъатлар ҳисобланган тасдир (биринчи мисра бошидаги сўзнинг иккинчи мисра охирида қофия бўлиб келиши), мусаллас қофия (ҳар мисрада учтадан қофия иштирок этиши), эънот (қофиядош сўзларнинг бир хил оҳанг ва бир хил равийлар асосига тузилиши), тасбеъ (биринчи мисрада қофия бўлиб келган сўзнинг иккинчи мисра бошида такрорланиши), тарди акс (биринчи мисрадаги сўзларнинг иккинчи мисрада ўрин алмашиб қофияланиши ва шу каби стилистик фигуралар, шунингдек, жуфт сўзлар, халқ иборалари заминида қурилган қофиялар ҳам учраб туради. Буларнинг барчаси Навоий «Лисон ут-тайр» достонида сўзни ўймакорларча ишлатиб, ўзбек адабий тилининг қофия қўллаш борасидаги ички имкониятларини мазкур асарда яна бир бор намойиш қила олганлигидан далолат беради.

Маълумки, радиф мисраларда баён этилган фикрга турли маъно нозикликлари билан бирга, уларнинг равон ўқилиши, мусиқийлиги ва жарангдорлигини ҳам таъмин этади. Радифли байтлар асарга алоҳида шеърий латофат бағишлайдилар. Навоий «Лисон ут-тайр»да бир сўздан тортиб, 3 сўзгача радиф қатнашган байтлар ижод қилган:

Ортуқ агар ўксук дедим сендин дедим,
Чин агар ўтрук дедим сендин дедим.

Баъзи ҳолларда радиф вазн ва грамматик форма талабига кўра қофиядан олдин ҳам келиши мумкин. Бу ҳол алоҳида санъат-ҳожиб номи билан юритилган:

Қомронлар манзилим айлаб қафас,
Ҳар малолат етса айлаб ҳамнафас.

Достондаги айрим байтларда қофия, радиф, ҳож каби элементларнинг биргаликда келиш ҳодисаси ҳам мавжуд:

Ул мараздин бўйла қутқорди они,
Ул хатардин бўйла ўткорди они.

Радифда Навоий сўзнинг турли грамматик формалари, шунингдек, маъно нозиклиги ва экспрессивлигини оширувчи сўроқ ва ундов сўзларни унумли қўллайди.

Мисол:

Ўзни ул хижлатдин ўлтурмак не суд,
Оҳу войин кўкка еткурмак не суд.

«Риёкор қаландар» ҳикоятида юз берган воқеада юқоридаги хулоса чиқарилган. Бу хулосада хитоб савол оҳангини билдирувчи «не суд?» («не фойда?») радифи кишиларни жирканч ишлар билан шуғулланмасликка даъват маъносини таъсирли ифодалаган.

Ёки:

Ҳайратим жонимни ўртар, найлайин,
Жисми вайронимни ўртар, найлайин?

Бу байтдаги савол ва таажжуб маъноларини билдирувчи «найлайин» радифи асар қаҳрамонининг руҳий ҳолатини нозик тасвирлаш вазифасини ўтаган. Кўринадики, Навоий радифни мазмун талабига бўйсундиради ва фикрни таъкидлаш, бўрттириш ёхуд унга турли маъно нозикликлари бериш мақсадида қўллайди. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари шоирнинг бошқа достонларига нисбатан содда ва енгил тил билан ёзилган. Тадқиқотчилар тўғри қайд қилганидек, Навоий мураккаб фалсафий мазмунли бу асар бадиий тилининг содда ва тушунарли бўлишига алоҳида эътибор берган. Бизнингча, бу ҳол яна бир муҳим сабабият билан ҳам изоҳланса керак. Зотан, Навоий ижоди тадрижий жиҳатдан такомиллашиб борганидек, шоир ўз ижодининг кейинги даврида бадиий тил ва тасвирда соддаликка интилгандек бўлиб туюлади. «Лисон ут-тайр» тилининг содда ва тушунарли эканлигини ана шу омил билан ҳам шарҳлаш мумкин. Адабиётшунос олим Иззат Султон Алишер Навоий ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган асарларни шоирнинг келажак авлодга ўзига хос васиятномалари тарзида бу баҳога тўлиқ қўшилган ҳолда баҳолаган эди. Навоий «Лисон ут-тайр»ни содда тилда ёзиш билан шеърият тилининг содда ва тушунарли бўлиши лозимлигини ҳам келажакка алоҳида васият қилиб қолдирган деб таъкидласак, ўринли бўларди. Бадиий тасвирда содда ва оммабопликка интилиш «Лисон ут-тайр» достонининг кўпгина ўринларида (ҳатто муқаддимада ҳам) сезиларли даражада. Қуйидиги мисолга диққат қилайлик:

Ондин ойру ошиқу девонамен,
Ақлу ҳушу сабрдин бегонамен.
Онсизин йўқ сабр ила тоқат манга,
Қойда, ёро, чеккали фирқат манга?
Токи гул бўстонда бўлғай жилвасоз,
Минг наво бирла қилурмен шарҳи роз.

Булбул узридан келтирилган бу парча, айтиш мумкинки, бадиий тил ва услуб жиҳатдан содда, тез фаҳмланадиган, оҳанг жиҳатдан ўйноқи мисралардан ташкил топган. У мазмун ва шакл жиҳатдан маълум даражада халқ қўшиқларини эсга келтиради .«Лисон ут-тайр»-дан бу хил мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Асарда ўзбек тилининг ички имкониятлари, унинг ранг-баранг товланишлари, оҳангдорлиги ва шу каби хусусиятларидан моҳирона фойдаланилган. Шоир сифатлаш, истиора, параллелизм каби бадиий-тасвирий воситалар, шунингдек, синоним, омоним, антоним, жуфт ва қўшма сўзларни ўрни-ўрни билан санъаткорона қўллаб туради. Ҳатто Навоий асарда бадиий мазмун талабига кўра янги сўзлар (неологизмлар) яратишга ҳам муваффақ бўлган (масалан, «мардонавор», «харобобод» «ҳайратобод» в. б.). Шунингдек, Навоийнинг мазкур достонида бадиий-поэтик тилнинг оҳангдорлиги ва жарангдорлигини таъминлашда ўзига хос алоҳида функция бажарувчи аллитерациялардан кўп ва унумли фойдаланганлигини кузатиш мумкин. Достонда бу санъат воситасида битилган байтлар тез-тез учраб туради. Шоир аллитерациянинг ассонанс (унлилар товушдошлиги) ва консонанс (ундошлар товушдошлиги) каби асосий хилларининг гўзал намуналарини берган. Айрим мисоллар келтирамиз:

Гулистон зеби жамолингдин сенинг,
Гул хил жил рухсори олингдин сенинг (г, л).

Ёки:

Рўбарўйим гоҳ бир кўзгу бўлиб,
Гоҳ кўзгу чеҳралик маҳрў бўлуб (ў).

Айрим ҳолларда байтнинг биринчи ёки иккинчи мисрасида алоҳида аллитерациялар ҳосил қилинган:

Шоҳлар шоҳи келиб ул подшоҳ, (ш,о)
Биз гадоларнинг гадойи хоки роҳ (г,о).

Ёки:

Ҳам йигит, муштоқу, ҳам муҳтож қиз, (м)
Юзга юз қўюб, оғиз, узра оғиз (З).

Бундай мисоллар достонда ўнлаб учрайди. Аммо келтирилган намуналарнинг ўзиёқ Навоий бадиий асар тилини ишлашда ғоят юксак маҳорат кўрсатганини билдириш билан бирга, аллетерация ҳосил қилиш шоҳ бадиий маҳоратининг узвий таркибий қисми эканлигини ҳам исбот этади. Навоий достон тилининг оддийлиги ва халқчиллигини амалга оширишда жонли халқ тили дурдоналари ҳисобланган мақол, фразеологик ва тематик бирикмалардан кенг истифода этади. Достонда айрим халқ мақоллари баъзан ўзгаришсиз, баъзан бадиий текст талабига кўра бирмунча ўзгартирилган ҳолда мавжуд (ирсоли масал санъати) «Эр киши зийнатда эмас, ҳимматда билинади» халқ мақоли Ҳудҳуднинг Тазарвга жавоби таркибида уни сохта ташқи гўзаллик шайдоси эмас, балки ҳиммат каби олижаноб фазилат эгаси бўлишга чорлайди:

Эр кирар эр соннға ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлаган зийнат била.

Асарда шоирнинг бевосита халқ оғзаки ижодидан илҳомланиши, турмуш тажрибаси ва бадиий тафаккурининг умумий маҳсули бўлган ҳикматли байтлар у ёки бу муносабат билан учраб туради.

Мисоллар:

Ҳар киши эрмен дебон эрму бўлур,
Келмас ишни илкидин дерму бўлур.

Ёки:

Гар бу кундур хўб, тонгла хўб эмас,
Хўбким бу навъдур-марғуб эмас.

Ёки:

Меҳри кун туш ўзни кўргач баркамол,
Анга юзланди ҳамул соат завол.

Бу хил мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо юқоридагиларнинг ўзиёқ ҳикматли байтлар асар ғоявий мундарижасини бойитиш, унинг таълимий аҳамиятини ошириш билан бир қаторда достон бадиийлигини таъминлашда муҳим мавқе тутишини ҳам кўрсатиб туради.

Айниқса, Навоий жонли халқ сўзлашув тилига хос айрим экспрессив сўз (масалан, «уят», «ҳайф», «мокиён» в. б.) ва ибораларни достон таркибида кўплаб асар тилининг халқчил чиқишини, унинг образли ва ифодали бўлишини таъминлайди. Баъзи мисоллар келтирамиз: «бошидан чиқмоқ». Ҳикоятлардан бирида чиройли кийинишга зўр бериб, оқибатда халқ ўртасида шармисор этилган кишининг аянчли аҳволи ана шу ибора воситасида ниҳоятда ўринли тавсифланган:

Хирқасида қолмади зеболиғи,
Бошидин чиқти бори раънолиғи.

«Жон ҳовучлаб, бош олиб кетмоқ». Бу ибора мечкай полвон ҳақидаги ҳикоятда халқ бошига оғир кулфат тушган пайтда кишилар ўз юртларини ташлаб кетганликларини образли ифодалашга қўл келган:

Халқ ўзга мулк азми эттилар,
Жон овучлаб, бош олибон кетдилар.

«Эрта кунни кеч қилма». «Йўлингдан қолма», «вақтимни олма» маъноларини билдирувчи мазкур ибора Шайхга нисбатан христиан қизи томонидан ажиб журъат ва ситамкорлик билан баён қилинган.

Гар ҳариф эрмассен ушбу ишга ҳеч,
Йўлға азм эт, эрта кунни қилма кеч.

Қуйидаги байтда эса иккита ибора ниҳоятда моҳирлик билан бир жойда ишлатилган:

Боғлаб анинг васлига етмакка бел,
Саъйлар айлаб ораға солди эл.

Булардан ташқари достонда ақли-ҳушини тарк қилмоқ, бошга солмоқ, зеру забар бўлмоқ, жон тарк этмоқ, бошига иш тушмоқ, ўтганни унутмоқ, яхши-ёмон бўлмоқ, эгри йўл тутмоқ, хаёлни бошдан чиқармоқ, сиёсат тиғи сурмоқ, кўзига олам қоронғи кўринмоқ, аҳволи масал бўлмоқ, бўйин узмоқ, ҳавас тухми экмоқ, ўз ҳолига аза тутмоқ, бахти йўл бошламоқ, кўкка элтиб, ерга урмоқ, ҳазилни чин билмоқ, юзи қаро бўлмоқ, ҳайратдан бармоқ тишламоқ, кўнглига келтирмоқ, қонидан ва шу каби кўплаб фразеологик бирикмалар истифода этилган. Диққатга сазовор жойи шундаки, юқорида қайд этилган ибораларнинг кўпчилиги ҳозирги кунда халқ жонли сўзлашувида кенг қўлланилади. Мазкур иборалар асар бадиий-поэтик тилининг тасвирийлиги, образлилиги ва таъсирчанлигинн ошириш каби муҳим вазифаларни адо этишда шоирга яқиндан ёрдам берган. Шунингдек, улар Навоийнинг халқ ибораларига доимо махсус диққат қилганлиги ва улардан усталик билан фойдалана олганлигидан ҳам далолат беради. Бизнингча, асарнинг тили лингвистик нуқтайи назардан чуқур ва ҳар томонлама текширилиши.

Мазкур достон XV аср ўзбек адабий тилининг ноёб тарихий ёдгорликларидан бири сифатида шу соҳани тушунувчи мутахассисларга қизиқарли илмий материаллар бериши ,шубҳасиздир. «Лисон ут-тайр»нинг бадиий-поэтик хусусиятлари ҳақида юқорида билдирилган мулоҳазалар Алишер Навоий томонидан илгари сурилган бадиий асарда мазмуннинг бирламчилиги, мазмун ва узвий алоқадорлиги ҳамда юксак ижтимоий мазмун гўзал бадиий шаклда ифодаланиши лозимлиги ҳақидаги илғор адабий-эстетик қарашларга шоир умрининг охирига қадар содиқ қолгани ва бу талабни ўз ижодига тўла татбиқ қилган ҳолда улкан муваффақиятларни қўлга киритганлигини ҳар томонлама тасдиқлаб ва исботлаб турибди.

ХУЛОСА

Алишер Навоий жаҳон адабиёти тарихида асарлари чуқур донишмандлик ва ижтимоий-фалсафий мазмун билан суғорилган буюк сўз санъаткорларидан бири саналади. Мутафаккир шоирнинг ҳаёт ва Инсон ҳақидаги қарашлари, асосан, бадиий ижодиётида мураккаб аллегориялар, символлар, муайян назарий тушунчаларни ифодаловчи образ истилоҳлар воситасида юксак даражадагн шоирона тил билан ифода этилган. Бу соҳада, айниқса, унинг «Лисон ут-тайр» достони ўзига хос алоҳида ўрин эгаллайди. Навоий бу достонни ёзишда Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти тарихида кенг қўлланиб келинган қуш тили билан асар ёзишда асарга мурожаат қилади ва бу борада маҳорат кўрсатиб, шу типдаги асарларнинг ғоявий-бадиий юксак намуналаридан бирини яратади. Мажозий усул орқали, хусусан, тили воситасида бадиий асар ёзиш Шарқ халқлари адабиётида қадимий ва мураккаб тарихга эга бўлиб, бу хилдаги асарларнинг дастлабки намуналарини халқ оғзаки ижодида учратиш мумкин. Ўрта осиёлик энциклопедист олим Абу Али Ибн Сино қаламига мансуб «Рисолат ут-тайр» асари ёзма адабиётда қуш тили воситасида ёзилган фалсафий асарларнинг илк намунаси ҳисобланади. Мазкур асарнинг майдонга келиши Шарқ халқлари бадиий тафаккури тараққиётида чуқур из қолдириб, уларда янги бир анъанани қуш тили орқали фалсафий асар ёзиш анъанасини бошлаб берди. Бу усулдан фойдаланиб ёзилган асарларни тадқиқ этиш уларда асар яратилган даврларнинг актуал фалсафий ва ижтимоий-сиёсий масалалари ҳамда бу соҳада ўзаро идеологик курашлар ўзига хос шаклда ифода этилганлигини кўрсатади. Жумладан, Ибн Сино рисоласида муаллифнинг ислом ақидаларига зид келувчи руҳ ва модданинг ўзаро алоқадорлиги қарашлари мажозий тарзда ўртага ташланган ва ўша давр нуқтайи назаридан ижобий ҳал этилган, Муҳаммад Ғаззолийнинг «Рисолат ут-тайр» асари эса ўз ғоявий мазмунига кўра, Ибн Сино рисоласига раддия сифатида майдонга келиб, унда муаллифнинг сўфизмни ислом мафкураси билан мослаштириш каби тарихий миссияси ўзининг бадиий инъикосини топган. Бу типдаги асарларни сюжет эволюцияси нуқтайи назаридан ўрганиш, биринчидан, анъанавий сюжетли умумийликдан конкретликка қараб ривожланганлигини кўрсатса, иккинчидан, сюжетнинг образлар системаси ғоявий-мазмун талабига мос ҳолда янгиланиб ва такомиллашиб борганлигини тасдиқ этади. Қушларнинг рамзий саргузаштларини тасвирловчи мажозий қисса турли дунёқарашдаги муаллифлар учун уларнинг ижтимоий-фалсафий масалаларга оид қарашларини ифода этувчи ўзига хос бадиий восита бўлганлиги туфайли сюжет ва образлар талқини ҳам ана шунга мувофиқ тарзда ўзгарган ва ривожлантирилган. Ибн Сино, Ғаззолий, Аттор, Гулшаҳрий ва Навоий асарларидаги сюжет образларнинг ўзига хослиги ҳам мазкур ҳолат билан изоҳланади. Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достони генезис жиҳатдан юқоридаги асарлар билан бевосита (Аттор «Мантиқ ут-тайр»и) ва билвосита (Аттор достони орқали Гулшаҳрий, Ғаззолий ва Ибн Сино асарлари) алоқага киришади. Мазкур асар шоирнинг гениал «Ҳамса»си каби ўзбек классик адабиёти ривожланишининг ўзига хос талабларига мос равишда ўзбек тилидаги адабиёт равнақи учун кураш эҳтиёжлари заминида майдонга келди. Навоий бу достонни ёзиш билан ўзбек тилида ҳам форс-тожик адабиётида бўлгани каби, мажозий услубда чуқур фалсафий мазмунли бадиий асар ёзиш мумкинлигини биринчи марта амалий жиҳатдан исботлади ва ўзбек адабий тилининг бу соҳадаги имкониятларини намойиш қилиш «Лисон ут-тайр» достони жанр хусусиятларига кўра, фақат Навоий

ижодида эмас, ўзбек классик адабиёт тарихида ҳам тамоман янги воқеа бўлди. Бу асарга қадар адабиётида фалсафий-дидактик (Ҳайдар Хоразмий «Махзан ул-асрор»и, Навоий «Ҳайрат ул-аброр»и), ишқий-романтик (Дурбек «Юсуф ва Зулайҳо»си Лутфий «Гул ва Наврўз»и, Навоий «Фарҳод ва Ширин»и), ишқий-психологик (Навоий «Лайли ва Мажнун»и), ишқий-саргузашт (Навоий «Сабъаи сайёр»и) ва қаҳрамонлик (Навоий «Садди Искандарий»и) каби жанрларда достонлар ёзилган эди, «Лисон ут-тайр» эса ўзбек достончилигининг янги жанри - аллегорик-фалсафий достон жанрининг ғоявий-бадиий жиҳатдан илк етук намунаси ҳисобланади. Шу сабабли мазкур асар ўзбек эпик поэзиясининг жанр ранг-баранглигини таъминлаш ва бойитишда мислсиз ҳисса бўлиб қўшилди. Достон Уйғониш даврининг энг илғор гуманистик идеаллари руҳи билан суғорилган. Инсон улуғворлигини тасдиқлаш, унинг куч-қудрати, ақл-заковати, ҳақ-ҳуқуқи, эрки ва тенглигини мадҳ этиш асардаги гуманистик фалсафий концепциянинг асосий пафосини ташкил этади. Оламдаги барча нарсалар Инсон туфайли яратилганлиги, шу сабабли Инсон улардан воз кечмаслиги зарурлиги, у ўз ҳаётига оид барча муаммоларни ҳеч қандай нажот кутмай ўзи ҳал этиши лозимлиги ва маънавий камолотга интилишини кўрсатиш асарнинг бош ғоявий йўналишини белгилайди. Алишер Навоий томонидан жасорат билан илгари сурилган ушбу ғоялар реал ижтимоий-тарихий заминга эга бўлиб, XV аср Ўрта Осиё Уйғониш даври билан узвий боғлиқ ҳолда жамият ва инсон тафаккуридаги маънавий ўзгаришларни бадиий шаклда ўзида мужассам эттиради. Бинобарин, Навоий анъанавий қиссага реал ҳаёт талаблари асосида ёндашиб, уни ўз дунёқарашига мос ҳолда талқин этган, ундан ўзининг илғор ғояларини ифода этиш учун ўзига хос бадиий восита «либоси мавзун» сифатида фойдаланган. Бу эса шоир томонидан анъанавий сюжетнинг фалсафий моҳияти юксак бадиий маҳорат билан бутунлай ўзгартирилиб, янгича, навоиёна талқин этилганлиги, унга чуқур замонавийлик ва ижтимоий руҳ бахш этилганлигини тасдиқ этади. Навоий мазкур мавзунинг ғоявий-тематик диапазони ва образлар системасини кенгайтириб, унинг доирасига ўз замонасининг актуал масалаларини олиб кирди, даврнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини жонлантирувчи образларнинг бутун бир галереясини яратди. Бу борада, айниқса, қолипловчи қиссага иллюстрация сифатида келтирилган ҳикоялар алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг кўпчилик катта қисмида тасвирланган воқелик бевосита шоир яшаган жамият ҳаётидан олинган бўлиб, ижтимоий муҳит ва инсон маънавий дунёсига оид муҳим муаммоларни қамраб олган. Достон таркибидаги ҳикоятлар ўзларининг бадиий мазмунини ихчам тасвирлаш манераси, сатира тиғининг беомонлиги, нозик юмори, реалистик элементларга бойлиги ҳамда ўзбек адабиёти тарихида янги ҳодиса ҳисобланган бир қатор трагикомик образлар мавжудлиги билан ҳам диққатни жалб этади. Бу хусусиятлари билан улар шоирнинг ҳикоянавислик фаолиятидаги янги сифат ўзгаришларини ўзида мужассам эттириб, бу соҳадаги Навоий ижодининг энг юқори ташкил этади. Улар ўзбек классик адабиётида реализмнинг шаклланиши ва қарор топишида жуда катта роль ўйнайди. «Лисон ут-тайр» шоирнинг бошқа асарлари каби ўзбек адабиётининг кейинги даврлардаги тараққиётига самарали таъсир кўрсатди. Бу таъсир асарнинг ғоявий мазмуни, унда умумбашарий ғояларнинг ҳайратомуз бадиий маҳорат билан ифода этилганлиги каби омиллар билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Айниқса, достондаги қуш тили орқали даврнинг муҳим ижтимоий-фалсафий проблемаларини ёритиш, жамият ва инсон ахлоқидаги турли иллатларни тарғиб этиш анъаналари шунингдек, аҳлоқий-таълимий характердаги гўзал сатирик ва юмористик ҳикоятлар яратиш тажрибаси қатор муаллифлар томонидан ижобий қабул этилди ва ҳар томонла-

на ривожлантирилди. Ўзбек адабиётининг XVII–XIX асрларда яшаб ижод этган Салоҳий («Булбул ва Гул»), Нишотий («Қушлар мунозараси»), («Хусн ва Дил»), Гулханий («Зарбулмасал»), Умидий («Қушлар мунозараси»), шунингдек, Махмур, Муқимий, Завқий ва бошқа истеъдодли вакиллари мазкур асар ва ундаги ҳикоятлардан таъсирланган ҳолда бадиий ижоднинг янгидан янги намуналарини яратдилар. Бу асарларда Навои достонидаги барҳаёт анъаналар янги даврга мос равишда давом эттирилди. Шундай қилиб Алишер Навоийнинг эпик поэзиядаги сўнгги йирик асари ҳисобланган «Лисон ут-тайр» достони ўзининг илғор ғоявий мазмуни, жанрий хусусиятлари, образлар системаси, бадиий баркамоллиги ва бошқа жиҳатлари билан фақат шоир ижодида эмас, балки ўзбек адабиёти тарихида ҳам жуда катта воқеа бўлди, жаҳон классик адабиётида аллегорик-фалсафий достон жанрида ёзилган ўлмас асарлар қаторида бадиий кашфиётнинг порлоқ тимсоли бўлиб қолди.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Бертелъс Е. Э. Навои и Аттар – Избранные труды «Суфизм и суфийская литература» М., 1965.
2.Belin M. Notice biographique Literatur sur Mir Ali Shir Nevai, - "Journal Asiatique), XVII, 1861.
3. Бертелъснинг бу фикри мунозарали бўлиб, у ҳақда ишимизнинг кейинги саҳифаларида тўхталиб ўтамиз.
4.Бертелъс Е. Э. Навои, опыт творческой биографии, - Избранные труды. «Навои и Джами», М., 1965.
5.Зоҳидов В.Й. Ўзбек адабиёти тарихидан.
6.Ғаниева С. Алишера Навоий Тошкент, 1968.
7.Назруллаева С: Алишера Навоий Тошкент 1966.
8.Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи.1-китоб Тошкент, 1975.
9.Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи масалалари. Тошкент, 1963.
10.Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи масалалари. Тошкент.
11. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1963.
12. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. Тошкент, 1972.
13.Арипов М. Философские и этические воззрение Алишера Навои. АКД, Л., 1972.8-10.
14.Қаюмов А. Алишер Навоий. Тошкент, 1976,118-135-бетлар.
15.Ғаниева С. Лисон ут-тайр- Ўзбек адабиёти тарихи". 5 томлик. 2-том. Тошкент, 1977.
16.Малехова А. Н. Поэма Алишера Навои "Лисан ат-тайр" Поэтика композиционных и образных средств АКД, Ташкент, 1978.
17.Levend A.S. Ali Sir Nevai, I cilt, Ankara: 1965.
18.Dudek G. Navoi, - Litteraturen der Volker der Sowjetunion, Leipzin, 1967.
19. Ишанходжаева Ш. " Лисан ат-тайр" Алишера Навои(научно-критический текст). АКД. Ташкент.1966.
20.Алишер Наовий. Лисон ут-тайр. Илмий танқидий матн: Тайёрловчи Шорафиддин Эшонхўжаев, Тошкент "Фан" 1960
21.Алишер Наовий. Лисон ут-тайр. Асарлар, Ўн беш тўмлик, 11-том Тошкент 1966
22.Алишер Навои. Язык птиц. Соченения в десятки томах Т VIII Ташкент 1970.
23. Levend A.S. Ali Sir Nevai IV cilt, Ankara, 1968.s. 131-185.
24. Алишер Наовий. Лисон ут-тайр. 224-225-бетлар.
25.Богоутдинов А. М. Очерки по истории таджикской философии. Сталинабад. 1961.
26. Ирисов А. Абу Али ибн Синонинг " Соломон ва Ибсол" қиссаси. Тошкент 1973 14-бет; Ибн Синонинг " Рисолат ут-тайр" асари- " Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 1959. 2-сон.
27.Завадовский Ю. Н Абу Али Ибн Сино: Опыт критической биографии. КД. Ташкент, 1958.
28.Ирисов А. Абу Али ибн Синонинг " Соломон ва Ибсол" қиссаси.
29.Терновский В. Н. Ибн-Сина., 1969.
30.Султонов У. Ақидахон фалсафй, ичтимоий ахлоқий Абў-Алй ибни Сино. Душанбе, 1975.
31.Григорян С, Н, Из истории философии Средней Азии и Ирана VII-XII в. М.
32.Абу Али ибн Сино. Тайр қиссаси.
33.Шад П, Философия Ибн Сины. АКД. М, 1957.

34. Керимов Г. М. Алъ-Ғазали и суфизм, Баку, 1969.
35.Ritte H. Das Meer der Steele, Leiden, 1955.
36.Ян Рипка. История персидской и таджикской литературы, М, 1970.
37.Бадиуззамон Фирузанфар. Шарҳи аҳволи нақди таҳлили осорй Шайх Фаридуддин Муҳаммад Аттор Нишопурий, Теҳрон. Ҳиж.
38.Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан.
39. “Ғиёс ул-луғот”, “ Қомус ул-аълом” ва бошқа манбаларда берилган маълмотларга кўра, Симурғ ва Анқо исми бору жисми йўқ бир афсонавий қушнинг икки хил номидир.
40.Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Асарлар. Ўн беш томлик. 15-том . Тошкент. 1968.
41.Гулшаҳрий. Мантиқ ут-тайр. Анқара 1908.
42.Levend A. S.Gulsehri ve Mentiku’t tayri.
43.Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Асарлар. Ўн беш томлик. 14-том. Тошкент.1967.
44.Алишер Навоий. Хамса. Тошкент. 1958.
45.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. 184-186-бетлар. Бу ҳикоят ҳақида қаралсин: Ҳайитметов А. Шатранжи кабир ўйинининг ҳикояти. “ Ўзбекистон маданияти” 1958 йил 2 апрелъ.
46.Крачковский Н. Ю. Раниая истории повести о Межнуне и Дейле в арабской литературе. “ Алишер Навои” М.- Л. 1946. С. 31-67. Тагирджанов А. Т. Некоторыие соображения приоисхождении повести “ Лейли и Межнун”, “ Востоковедение”. Научные труды, ТашГУ, выпуск 430, Ташкент, 1972, с, 68-71.
47.Аҳмедов Т. Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” достони, Тошкент, 1970.
48.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. 214-216-бетлар.
49.Салимова Ю. Становление жанра сказочной проэзы в персидско-таджикской литературе, АКД. М., 1964, с. 21.
50. Қаранг Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг Шайх Санъон ҳақидаги қиссаси. Алишер Навоий Шайх Санъон. Тошкент.1962. 5-12-бетлар.
51.Бертелъс Е. Э. Навои. С.164.380-382; Маллаев И. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, 85-86-бетлар.
52.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр.
53.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр илмий-танқидий матн
54.Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалар.
55.Валихўжаева Б. Навоийнинг “сайёр” шеърий миниатураларни қайта ишлашдаги маҳорати. “Ўзбек тили ва адабиёти” 1976.
56.Абдуғафуров А. Навоийнинг ижодида сатира.
57.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр.
58.Бобур. Мухтасар, Тошкент, 1971.
59.Алишер Навоий, Хазойин ул-маоний, 1-том, Тошкент, 1959.
60.Рустамов А. Қофия нима. Тошкент. 1976;
61.Навоийнинг бадиий маҳорати 73-101-бетлар; Ҳакимов М. Навоий ғазалларида қофия ва радиф тузилишининг баъзи хусусиятлари. – “ Адабий меъросЭ, Тошкент, 1976.
62.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр.
63.Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи.
64.Ғаниева С. Лисон ут-тайр.
65.Иззат Султон, Навоийнинг қалб дафтари,

Мундарижа

НАТАН МАЛЛАЕВ

НАВОИЙХОНЛИК СУҲБАТЛАРИ

«Ҳайратул-аброр» 7
«Фарҳод ва Ширин» 24
Лайли ва Мажнун 49
«Сабъаи сайёр» 66
Садди Искандарий 84
Хулоса 104
Сўнг сўз 106

БОТИРХОН АКРАМОВ

ФАСОҲАТ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Дебоча 108
Биринчи мақолат. Руҳул-қудс «равон айлаган» қалам 110
Иккинчи мақолат. Илоҳийга муножоту тазаррулар 117
Учинчи мақолат. Табиат ва самовот тимсоллари 123
Тўртинчи мақолат. «Зарранинг моҳияти...» 131
Бешинчи мақола. «Инсон – барчанинг сарвари» 139
Олтинчи мақолат. «Дардимга хаёлини табиб эт...» 147
Еттинчи мақолат. «Айни ҳақиқатдур мажоз» 151
Саккизинчи мақолат. «Субҳи висол» армонлари 160
Тўққизинчи мақолат. «Замон аҳли»дан нолалар 165
Ўнинчи мақолат. Зиддиятларнинг шеърий нисбати 172
Ўн биринчи мақолат. Турмуш тафсиллари 178
Ўн иккинчи мақолат. Халқона нукталар 184
Ўн учинчи мақолат. Мутрибона оҳанглар 190
Ўн тўртинчи мақолат. Мусаввирона ранглар 197
Ўн бешинчи мақолат. Афсонавий-тарихий тимсоллар 203
Ўн олтинчи мақолат. «Кўнгул дуржи»даги инжулар 209
Ўн еттинчи мақ олат. «Гавҳари жон»дан – «сўз гуҳари»га 219
Ўн саккизинчи мақолат. «Кўз лавҳи»да акс этган олам 226
Ўн тўққизинчи мақолат. «Ораз узра» чизилган лавҳалар 234
Йигирманчи мақолат. «Ўзгача ҳол» баёни 241
Йигирма биринчи мақолат. «Изининг туфроғидек...» 245
Интиҳо сўз 254
Навоий шоҳбайтлари 255
«Сўзум мартабаси...» 255
Илоҳий миръот-тажаллиётнинг «алишерий» тимсоллари 268
Илоҳий калимот тимсоллари 278

ШАРОФИДДИН ШАРИПОВ

“ЛИСОН-УТ ТАЙР” ҲАҚИҚАТИ

Муқаддима 285
Шарқ адабиётида “Лисон ут-тайр” типидаги асарларнинг келиб чиқиши ва ривожланиш тарихидан 288
“Лисон ут-тайр” достонининг ғоявий-тематик мазмуни ва образлар системаси 294
Достон таркибидаги ҳикоят ва масаллар 307
«Лисон ут-тайр» поэтикасига доир 319
Хулоса 336

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Натан Маллаев: Навоийхонлик суҳбатлари; Ботирхон Акрамов: Фасоҳат мулкининг соҳибқирони; Шарофиддин Шарипов: "Лисон-ут тайр" ҳақиқати; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 344 бет.

Ж.З: Натан Маллаев: Навоийхонлик суҳбатлари; Ботирхон Акрамов: Фасоҳат мулкининг соҳибқирони; Шарофиддин Шарипов: "Лисон-ут тайр" ҳақиқати. 344 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5-1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2022

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Учинчи жилд

Натан МАЛЛАЕВ
НАВОИЙХОНЛИК СУҲБАТЛАРИ

Ботирхон АКРАМОВ
ФАСОҲАТ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Шарофиддин Шарипов
“ЛИСОН-ЎТ ТАЙР” ҲАҚИҚАТИ

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

“TAMADDUN” нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 21,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.